

**“ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
СТРАТЕГИЯСИ: МАВЖУД
ВАЗИЯТ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯСИ**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент – 2019

UO'K: 005
KBK: 65.290-2
Z 67

Ijtimoiy menejment: [Matn] o'quv qo'llanma / N.M.Ziyaviddinova, Sh.N.Xayitov, Y.M.O'rinov. –T: "Tafakkur-Bo'stoni" nashriyoti
2019 yil. 216 b.

Масъул муҳаррир

Таҳрир ҳайъати

Жалилов А.Т.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, сиёсий фанлар доктори, доцент

Юнусов А.Б.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори ўринбосари, социология фанари номзоди

Иргашева Г.А.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти Методик таъминот бўлими бошлиғи

Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бугунги кундаги долзарб масаладир.

Ана шундай муҳимни муҳокама қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2019 йилнинг 14-15 июнь кунлари **“Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари”** мавзусида Халқаро конференция ўтказилди. Конференцияда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим жиҳатларининг маҳмун-моҳияти, муоммаларни ўрганишдаги хорижий тажриба, шунингдек, ушбу йўналишдаги тақлифлар юзасидан маърузалар тингланди. Мазкур тўпلامдан ушбу конференция маърузалари ўрин олган.

UO'K: 005

KBK: 65.290-2

ISBN - 978-9943-993-83-9

© Tafakkur Bo'stoni, нашриёти, 2019

©

Кириш

“Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Халқаро конференция мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишларни таҳлил қилиш, эришилган натижа ва йўл қўйилган камчиликларни баҳолаш, мазкур йўналишдаги замонавий механизм ва услублар билан танишиш имкониятини яратиши билан аҳамиятлидир.

Маълумки, икки йил муқаддам Ўзбекистон **Республикаси** Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинди ҳамда 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон амалиётида бутунлай янги тизим, яъни ёшларнинг турли долзарб муаммоларини ўрганиш билан шуғулланадиган махсус – Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Ушбу муассасанинг Ўзбекистон Республикаси **Президенти** ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси қошида ташкил этилганлиги институтнинг илмий-методик ва **таҳлилий**-тадқиқот фаолиятини замон талаблари асосида шакллантирилиши учун асос бўлди.

Шунингдек, давлат бошқаруви соҳасидаги ёш раҳбар кадрларнинг ўрнини белгилаш, уларни тайёрлаш ва турли масъулиятли лавозимларга тайинлаш масаласига алоҳида урғу берилди. Бу мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “социал лифт” тушунчасида ўз ифодасини топди. Ўтган 2 йил давомида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва **истиқболли** кадрларни тайёрлаш институти томонидан 4 ойлик қайта тайёрлов курсларида 162 нафар ёшлар таҳсил олди ҳамда уларнинг аксарияти вазирлик, идора ва ташкилотларнинг юқори лавозимларига тайинланди.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланиб борди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар сиёсатида дахлдор 40 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Ёшлар сиёсати соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири сифатида муҳтарам Президентимиз томонидан

2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига янги тизим асосида ёндашиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сурилди. Бу орқали давлатимиз раҳбари “Ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли ва ёт ғоялар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги”ни таъкидлаб ўтди. Қайд этиш керакки, бу каби ишлар ёшлар сиёсати соҳасида янгича механизмлар сирасига кириб, уларни санъат, мусиқа ва спортга жалб қилиш борасида катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Аmmo бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, замон талаблари асосида янгича механизмларни тадқиқ этиш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш ва Ўзбекистон шароитига мос, миллий хусусиятларимизга жавоб берадиган методларни тадбиқ этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки, глобаллашув шароитида, ахборот хуружлари тезлашган, ёшларнинг онги ва қалби учун кураш кечаётган, энг асосийси уларнинг дунёқараши ўзгариб бораётган даврда ёшлар сиёсати соҳасида ҳам янгича услуб ва механизмларга табиий эҳтиёж туғилади.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, **“Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари”** мавзусидаги Халқаро конференция Ўзбекистон шароитида ёшлар билан ишлаш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий қарашлар, услубларни амалиётга жорий этишнинг осон йўллари ишлаб чиқиш вазифаларини бажариши нуқтаи назаридан ҳам муҳим саналади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ, УНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Р.С.Қосимов

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси ректори*

Ҳар бир давлатнинг барқарор тараққиётини таъминлашда асосий пойдевор - инсон омили, унинг интеллектуал салоҳияти билан узвий боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, мамлакат аҳолисининг катта қисми замонавий билим ва кўникмаларга эга ёшлардан иборат эканлигини инобатга олган ҳолда, мазкур қатлам ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш ва кузатилаётган долзарб масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ечимини топиш кун тартибидеги муҳим вазифадир.

Ўтган даврда, бу борада қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар ёшлар интилиш ва иқтидорларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга оид, раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш бўйича мустаҳкам тизим ишлаб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган жами **40** та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг **3** та Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **5** та Фармони, **8** та Қарори, **2** та Фармойиши;
- Вазирлар Маҳкамасининг **18** та Қарори ва **4** та Фармойиши имзоланди.

Шунингдек, бугунги кунга қадар Қонунчилик палатасида, сиёсий партия фракцияларида ўтказилган **20** дан ортиқ йиғилишларда **500** нафарга яқин ёшлар ўзларининг **30** га яқин таклифлари билан қонунлар муҳокамаларида иштирок этишига имкон яратилди.

Бу борада яна бир муҳим қадам, Ўзбекистон **Республикаси** Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этилишидир.

Хусусан, 5 та ташаббусни амалга ошириш доирасида 2019-2020 йилларда **2** миллион нафар ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш, **19** мингга яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш, ҳар бир ҳудудга **1** миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиш ҳамда ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш, ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёлларни банд этиш каби вафалар белгиланган.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва **26** дан ортиқ давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан шунингдек, **11** та хорижий давлат ёшлар ташкилотлари билан ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик битимлари имзоланди.

Шунга қарамасдан, замон талаблари ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида бугунги ёшлар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш, амалда апробациядан ўтган халқаро тажрибанинг маҳаллий шароитда янгича механизм ва ёндашувлар асосида амалиётга жорий этишда қатор ишларни амалга ошириш вазифаси ўз долзарблигини сақлаб келмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, турли **жабҳалардаги** янгиланишлар самараси, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ўзгаришларни бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда, Ўзбекистоннинг халқаро даражадаги нуфузи янги босқичга кўтарилиб, бу ҳолат кўплаб сиёсий лидерлар томонидан мамлакатимиз билан дипломатик муносабатларни қайта кўриб чиқишига ундамоқда.

Бу каби жараёнлар давлат бошқаруви соҳасида ҳам янгича ёндашувлар ва муносабатни тақозо этмоқда. Айниқса, мамлакатимиз келажаги ҳисобланмиш ёшлар орасидан муносиб раҳбарларни танлаш, уларнинг бу борадаги компетенцияси ва салоҳиятини ошириш, қайта тайёрлаш ишлари олдимизда турган устувор вазифалардандир.

Шу мақсадда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июндаги Ёшлар билан учрашувида “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “социал лифт” вазифасини бажариши керак” деган вазифани қўйиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти”ни ташкил этиш юзасидан топшириқ берган эдилар.

Бугунги кунга келиб, мазкур Институт томонидан ёш истиқболли кадрларни танлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган бўлиб, уларга нафақат Институт балки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академиясининг профессор-ўқитувчилари таълим бериб келишмоқда. Айни дамда Институтни тамомлаган тингловчиларнинг **55** нафари турли вазирлик ва идораларда, давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбар лавозимларда фаолият юритиб келмоқда.

Ишончим комилки, бугунги ўтказилаётган “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясида мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари ва нормаларининг имплементациясини янада самарали татбиқ этиш бўйича илгари сурилган янгича қараш ва таклифлар, шунингдек, халқаро тажрибанинг ўрни ёшлар манфаатларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МЕЪЁРЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

А.А.Абдувахитов

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти маслаҳатчиси*

Бизга ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашдек муҳим масалалар юзасидан хорижий ҳамкорлар билан ишлаш жуда зарурдир. Хорижий меҳмонлар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг конференция ишида иштирок этиши – республикада амалга оширилаётган ислохотларга бўлган юқори эътибордан далолат бермоқда.

Барчага маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги сўзсиз ёш авлоднинг тарбияси ва тараққиёти билан боғлиқ.

Шуни англаш керакки, замонавий бозор муносабатлари ва глобал тенденциялар ёш авлоднинг ҳаётий кадриятларига ва ахлоқий қоидаларига таъсир кўрсатади. Аммо улар ҳамиша ҳам ижобий ва яратувчиликка олиб келмайди. Бу эса ташвишланарли ҳолдир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида ёшлар ҳуқуқлари бўйича конвенция қабул қилиш зарурлиги борасида билдирган ташаббуси, давлатларнинг ёшларнинг тақдири ва келажаги борасида масъулиятни ўз зиммаларига олишга чақириқ билан чиққан эди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли умумий сонининг 60 % дан ортиғини 18 миллион кучли, шижоатга эга, ғайрати ичига сиғмаган ёш фуқаролар ташкил этади.

Айнан мана шунинг учун, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларида намоён бўлади.

Бугун Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилмоқда. Ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда.

2017 йил 30 июнда мамлакат ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди, унинг асосий фаолияти ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилган.

Давлат раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон тарихида илк бор 30 июнь “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. “Ўзбекистон Республикасида ёшлар кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Охириги 2 йил давомида ёшлар масалаларига оид 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ёшлар масалалари бўйича комиссия ва “Ёшлар клуби” тузилди.

Республика даражасида Бош вазир раҳбарлигида, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида ёшлар масалалари бўйича Идоралараро Кенгашлар фаолияти йўлга қўйилди.

Жойлардаги ижро ҳокимияти ва ички ишлар органларида янги штат бирликлари – ёшлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари ва ички ишлар органлари бошлиғи ўринбосари лавозими жорий этилди.

Бугунги кунда барча таълим муассасалари ҳамда вазирликлар, идоралар, бошқарув органларида Ёшлар иттифоқининг 23 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Ҳозирги кунгача Ёшлар иттифоқи 11 млн.га яқин ёшларни ўз атрофида бирлаштирган.

Ёшлар ташаббуси билан Ёшлар иттифоқи қошида 26 та нодавлат ноtijорат ташкилотлари, жумладан, Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш Республика маркази, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар Маркази, Ёш олимлар Республика Кенгаши, Ёш фермерлар Кенгаши, Ёшлар туризми Агентлиги, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси, ижодкор ёшлар Республика Кенгаши, Ёшлар медиа маркази, Ёшлар нашриёт уйи ва бошқалар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолияти йўлга қўйилди.

Мазкур конференция айнан ушбу институтнинг ташаббусидир. Иккинчи маротаба биз миллий ва хорижий мутахассисларни мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни муҳокама қилиш, долзарб масалаларни ҳал қилишнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга таклиф этмоқдамиз. Биз учун халқаро формат – диалог, тажриба алмашиш ва ҳамкорлик муҳимдир.

Янги ёшлар сиёсатини қуришда мамлакат Президентининг шахсан иштирокини алоҳида таъкидлаш керак. Давлат раҳбари томонидан ёш авлодни шакллантиришнинг дастлабки палласида тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Шавкат Мирзиёев лавозимга кирган пайдан бошлаб бошланғич, ўрта ва олий таълим ислохоти билан шуғулланмоқда.

Ёшларни юксак ахлоқ ва интизомли қилиб тарбиялаш, уларнинг сифатли таълим олиши ва ватанпарварлик руҳида вояга етиши мамлакат иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг калити ҳисобланади. Бу ижтимоий барқарорлик ва муваффақият асосидир.

Ҳоҳлар бирлиги асосида мақсадга йўналган, **жипс-лашган** ёшларни тарбиялаш – бизнинг асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Ишонаманки, бугунги халқаро илмий-амалий конференция мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг меъёрлари ва меҳназимлари борасида янги қарашлар ва таклифларни киритишни назарда тутди. Халқаро тажриба алмашинуви эса ёшлар манфаатларини кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР ДАЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Қ.Қ.Қуранбаев

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари,*

“Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш

истиқболлари” мавзусидаги мазкур халқаро конференция мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишларни таҳлил қилиш, эришилган натижа ва йўл қўйилган камчиликларни баҳолаш, мазкур йўналишдаги замонавий механизм ва услублар билан танишиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Барчангизга маълумки, бундан икки йил муқаддам муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган 30 июнь санаси мамлакатимизда **“Ёшлар куни”** деб эълон қилиниб, ёшлар олдида турган долзарб муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида **Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти** ташкил этилди.

Шу кунга қадар институтда **4** ойлик қайта тайёрлаш курсларида **162 нафар** ёшлар таҳсил олди. Улардан 55 нафари вазирлик, идора, ташкилолар ва маҳаллий ҳокимликларнинг юқори лавозимларига муносиб, деб баҳоланиб, **“социал лифт”** орқали кўтарилганлиги бу борадаги ишларимизнинг дастлабки натижаси бўлди.

Шунингдек, кейинги йилларда юртимизда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Асосийси, олиб борилаётган амалий ишларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси ва амалий кўмаги асосида Ёшлар иттифоқи фаолиятига доир жами **40** та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикасининг **3** та Қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **5** та Фармони, **8** та Қарори, **2** та Фармойиши;
- Вазирлар Маҳкамасининг **18** та Қарори ва **4** та Фармойиши имзоланди.

Ушбу ҳуқуқий асосларни амалиётга жорий этиш мақсадида ўтган **икки йил** мобайнида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан республика бўйича жами **184 400 нафар** ёшлар ишга жойлаштирилди, 30 мингдан ортиқ ёшларга тадбиркорлик сир-асрорлари ўргатилиб, уларнинг **4084 та** бизнес лойиҳаларига жами **583,9 млрд.** сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши орқали **22 836** нафар ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланди.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида Иттифоқ томонидан халқаро миқёсда **21 та** лойиҳанинг амалга оширилиши ёшларга оид давлат сиёсати соҳасини халқаро **стандартлар** даражасига олиб чиқиш учун олиб бораётган саъй ҳаракатларимизнинг бир намунаси деб, ҳисоблайман.

Бу борадаги ишларимизнинг яна бир муҳим йўналиши сифатида муҳтарам Президентимиз томонларидан 2019 йил 19 март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига янги тизим асосида ёндашиши бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурдилар. **Ёшларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли ва ёт ғоялар таъсиридан асрашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.** Бу каби ишлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни санъат, мусиқа ва спортга жалб қилиш борасида катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ўтган давр мобайнида **5 та муҳим ташаббусни** ўқувчи ёшлар кенг тарғиб қилиш мақсадида **Тошкент вилоятининг Бўка ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманларида** жойлашган умумтаълим мактабларида бир қанча тадбирлар ташкил этиш билан бир қаторда мавжуд инфраструктуралар таъмирланиб, янгилари барпо этилмоқда.

Аmmo бу борадаги ишларимизни ҳали-бери қониқарли, деб бўлмайди. Негаки, жойларда маҳаллий бошқарув

идоралари мутасаддилари ҳали ҳам 5 та ташаббусни чуқур англаб етмаганлиги, ёшлар муаммоларига беписанд муносабатда бўлаётгани, иқтидорли ёшлар тақдирига беъътибор қараётгани кузатилмоқда.

Шу муносабат билан, Конференция иштирокчилари, профессор ўқитувчилар ва ташкилотчилар конференция яқунлари бўйича тайёрланадиган хулоса ва таклифларда **5 та ташаббусни** тарғиб қилиш ва ёшларимиз орасига кенг кириб боришини таъминлашга қаратилган **илмий асосланган метод ва механизмлар хусусидаги таклиф ва мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратса мақсадга мувофиқ бўлади.**

Шунингдек, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан».

Бугунги конференцияда мазкур масала юзасидан бериладиган хулосалар ҳам муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

Бунда хорижий давлат тажрибаси чет элдан келган олим ва тадқиқотчиларнинг маърузаларида билдирган илмий тезисларига таянган ҳолда, ўзимизга мақбул жиҳатларни ўрганиш имконини беради.

Умуман олганда, бугунги конференция ишига жиддий ёндашган ҳолда, Ўзбекистон шароитида ёшлар билан ишлаш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий

механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-назарий қарашлар, услубларни амалиётга жорий этишнинг осон йўллари ишлаб чиқиш вазифасини бажариш муҳим саналади.

ОБ ОРГАНИЗАЦИИ ПОЛНОЦЕННОГО ДОСУГА И ПОДДЕРЖКА КУЛЬТУРНЫХ И ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ИНТЕРЕСОВ МОЛОДЕЖИ

Б.С.Сайфуллаев

Министр культуры Республики Узбекистан

Всем хорошо известно, что в ходе визита в Сырдарьинскую область со стороны уважаемого Президента нашей страны было выдвинуто 5 важных инициатив.

Эти 5 инициатив направлены на эффективную организацию досуга молодежи, поддержку их интересов и устремлений, выявление и дальнейшее развитие их талантов.

Первая инициатива – *это, повышение интереса молодежи к музыке, живописи, литературе, театру и другим видам искусства, выявление талантов.*

В рамках этой инициативы Уважаемый Президент нашей страны поставил перед нами задачу привлечь к культуре и искусству не менее 20 процентов (2,8 миллиона человек) молодежи в возрасте от 7 до 30 лет.

В целях реализации данной инициативы, мы провели глубокий анализ доступных возможностей и ресурсов каждой области нашей страны, и подготовили отдельные планшеты каждого региона.

На сегодняшний день в республике действуют **312** детских школ музыки и искусства, **322** центров культуры, **более 200** парков культуры и отдыха, **37** театров, **98** музеев и других учреждений культуры и искусства.

Осуществляется работа по эффективному использованию объектов с полной мобилизацией имеющихся возможностей на местах, с привлечением не менее 20 процентов молодежи в возрасте от 7 до 30 лет в учреждения культуры и искусства республики.

Также, стоит признать тот факт, что материально-техническая база большинства учреждений культуры и искусства не соответствует требованиям времени и международным стандартам, что не позволяет им нормально функционировать.

В настоящее время в этом направлении на государственном уровне выделяются средства из республиканского бюджета и осуществляются работы.

В частности, в 2019-2022 годах из республиканского бюджета на проведение ремонтных работ в **147** центрах культуры республики, в том числе, на строительство **26** объектов, реконструкцию **45** объектов и капитального ремонта **76** объектов из республиканского бюджета выделено почти **650 млрд.** сумов. В этом году будут построены **5**, реконструированы **12** и капитально отремонтированы **25** центров культуры.

Кроме того, приняты государственная программа по укреплению материально-технической базы театров **рес-публики** на 2018-2022 годы, а также государственная программа по музеям на 2018-2027 годы, предусматривающие работы по ремонту зданий **37** театров и около **70** музеев, в частности строительство **10** новых зданий для музеев.

По итогам проведенного 19 марта 2019 года, Президентом Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева, совещания на тему **«Об эффективной организации работы с молодежью в реализации 5 важных инициатив по повышению интереса к культуре, искусству, спорту, информационным технологиям, чтению книг»**, разработан проект постановления Президента Республики Узбекистан **«О дальнейшем развитии системы организации содержательного досуга молодежи путем широкого привлечения ее в учреждения культуры и искусства»**.

В данном проекте постановления мы разработали «Дорожные карты» по широкому привлечению молодежи Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента в учреждения культуры и искусства, предусматривающие привлечение не менее 20 процентов (2,8 миллиона человек)

молодежи в возрасте от 7 до 30 лет к занятиям культурой и искусством и значительную организацию их досуга.

Деятели искусства, работники культуры, удостоенные почетных званий «Народный артист Узбекистана», «Народный художник Узбекистана», «Заслуженный деятель искусств Республики Узбекистан», «Заслуженный артист Узбекистана», «Заслуженный работник культуры Узбекистана», обладатели премии «Нихол» закрепляются за хокимами всех областей, районов и городов республики в качестве творческих консультантов по вопросам культуры и искусства.

(Например, в городе Андижан прикреплен народный артист Узбекистана Шерали Джураев, к Боевутскому району Народный артист Узбекистана Озодбек Назарбеков, к Алатскому району народный певец Узбекистана Сойибжон Ниезов, к Термезу Народный артист Узбекистана Махмуд Намозов, к Шахрисабзу народная артистка Узбекистана Замира Суюнова, к Букинскому району заслуженный артист Узбекистана Гиес Бойтоев, к Яккасарайскому району (г. Ташкент) Народный артист Узбекистана Хайрулла Садиев и другие).

Под их ответственностью планируется организация и систематическое проведение «мастер-классов» с участием известных художников, музыкантов, певцов, видных представителей Национального танца и искусства хореографии.

В планах мероприятий предусмотрено следующее:

в рамках инвестиционных программ в **923 общеобразовательных школах** запланировано организация кружков по интересующимся молодежью направлениям культуры и искусства и оснащение специализированным оборудованием и инвентарем, в том числе музыкальными инструментами;

организация деятельности как минимум **по двум** направлениям дополнительно **816** кружков в **312** детских школах музыки и искусства республики;

создание более **1 тыс. 827** клубов как минимум **по 7-ми** направлениям в действующих **380** центрах культуры республики;

обеспечение занятостью **4 тыс. 515** выпускников специализированных школ культуры и искусства и **731** выпускника высших образовательных учреждений системы Министерства культуры путем приема их на работу руководителями вновь открываемых кружков в общеобразовательных школах, детских школах музыки и искусства, центрах культуры на территории республики;

создание в каждом районном, городском центральном Центре культуры детских творческих коллективов **«Бойчек-чак»**, **«Парвоз»** и **«Ифтихор»**, состоящих из талантливой молодежи;

в целях содействия реализации перспективных идей и проектов, предлагаемых молодежью, подготовки резерва высококвалифицированных кадров в сфере культуры и искусства, проведения исследований по изучению интересов молодежи в регионах в каждом городском и районном отделах культуры создание **«Молодежного клуба»**;

организация концертов в отдаленных регионах с участием известных исполнителей и коллективов Государственной филармонии Узбекистана, Государственного учреждения «Узбекконцерт», Центра национального узбекского искусства маком, а также популярных среди молодежи певцов;

организация передвижных выставок музеев республики в учебных заведениях и организациях и проведение в рамках выставок **лекций по истории Узбекистана**;

организация гастролей во все города и поселки действующих 37 театров республики;

в целях патриотического воспитания молодежи в образовательных учреждениях планируется проведение культурно-просветительских мероприятий под девизом **«Родина-высшая ценность»** с участием известных актеров театра и кино, эстрадных певцов, писателей и поэтов.

Реализация данной концепции в действующих учреждениях культуры и искусства, создание для молодежи новых кружков художественной самодеятельности, учебных занятий в общеобразовательных школах и детских школах

музыки и искусства, а также проведение духовно-просветительских мероприятий привлечет из проживающих в республике лет **14 млн. 121 тыс. 992** молодого населения в возрасте от 7-ми до 30-ти как минимум **24,4%** или **3 млн. 452 тыс. 492 (3 445 766)** человек

На сегодняшний день, данная инициатива непосредственно реализуется на практике в Сырдарьинской, Наманганской областях, а также в Букинском и Учтепинском районах.

Реализованная работа по первой инициативе в Сырдарьинской области:

В Сырдарьинской области функционируют 15 детских школ музыки и искусства и 1 специализированная школа искусств, где получают знания **4 тыс. 113** учеников.

Вместе с тем, с 1 марта 2019 года преподавателями детских школ музыки и искусства организованы **дополнительно 241** бесплатных кружков, в которых охвачено **3 тыс. 470** учащихся.

В районных и городских центрах культуры число кружков составляло **153**, в которых было охвачено **2 тыс. 102** молодых людей, а в текущем году в областных центрах культуры было создано **дополнительно 394** кружка, которые охватывают **5 тыс. 572 человек** из числа молодежи.

В период с 20 февраля по 30 мая текущего года для молодежи области было проведено **653 культурно-просветительских мероприятий** в духе патриотизма.

В частности, проведены культурно-просветительские мероприятия в детских школах музыки и искусства и общеобразовательных школах **244** с привлечением аудитории **24 тыс. 685** человек, в районных (городских) центрах культуры **409** с привлечением аудитории **61 тыс. 350** молодых людей.

Реализованная работа по первой инициативе в Наманганской области:

В функционирующих в Наманганской области 34 центра культуры и 19 детских школах музыки и искусства организованы **205** дополнительных кружков.

В городских и районных отделах культуры налажена деятельность **«Молодежного клуба»**.

Осуществляется поэтапная организация экскурсий для молодежи, обучающейся в общеобразовательных школах и высших учебных заведениях области под лозунгом **«От великой истории – к великому будущему»** по историческим памятникам расположенных в Наманганской области, такие как Ахсикент, Мунчоктепа, Мугтепа и другие. Вместе с тем, разработан план культурно-просветительских мероприятий по организации содержательного досуга молодежи области и проводятся мероприятия на основе данного плана.

Реализованная работа по первой инициативе в Букинском районе Ташкентской области:

Заслуженный артист Республики Узбекистан **Гиёс Бойтоев** назначен творческим советником хокима Букинского района по вопросам культуры и искусства.

В центральных Центрах культуры района **«Бустон»**, **«Дустлик»** и **«Мустақил Ўзбекистон»** осуществляется ряд работ по ремонту и укреплению материально-технической базы на 7 млрд. сумов.

В частности, в здании Центра культуры «Бустон» в Букинском районе проведены ремонтные работы и оснащение.

В центр было привезено **18** музыкальных инструментов, рояль и 500 книг.

Кроме того, определены проектные и подрядные организации по ремонту и оснащению зданий Центров культуры «Дустлик» и «Мустақил Ўзбекистон» района, которые планируется сдать в эксплуатацию до конца 2019 года.

В общеобразовательных школах районов совместно с руководителями кружков Центров культуры и преподавателями детских школ музыки и искусства, преподавателями музыкальных дисциплин общеобразовательных школ организованы такие кружки, как рубаб, дутар, дойра, танец, фортепиано, хор и молодежный театр.

В районных Центрах культуры организованы детские творческие коллективы «Бойчечак», «Парвоз», «Ифтихор», состоящие из талантливой молодежи.

Кроме того, в 49 общеобразовательных школах района оснащены **3-мя** видами музыкальных инструментов (*рубоб, дутор, доира*) на сумму **98 млн. сум**

В апреле текущего года на центральных стадионах махалей «Бустон», «Дустлик» и в районном Центре культуры были организованы концертные программы с участием известных артистов республики.

Со стороны Министерства культуры проведен мониторинг путем опроса среди учащихся 49 общеобразовательных школ и сформированы списки **20 тыс.** молодых людей, представляющих интерес в сфере культуры и искусства.

Сейчас перед нами стоит задача реализация этой инициативы в общеобразовательных, средне-специальных и высших учебных заведениях.

Теперь мы поговорим об этом.

В ходе визита Президента нашей страны в Алмазарский район было сказано: **«Поскольку эта инициатива раскрывает крылья над всей республикой, никто не должен избегать этой благородной работы».**

Исходя из этого, даны поручения по внедрению 5-ти инициатив в каждом высшем учебном заведении. **Поэтому, исходя из этого, мы обязаны осуществить внедрение 5 инициатив в высших учебных учреждениях вне зависимости будь то медицинское, техническое, сельское хозяйство или промышленность.**

Итак, как будет внедрено 5 инициатив в высших учебных заведениях? У нас есть навыки на примере Национального университета Узбекистана. Ими проделана определенная работа в этом направлении.

Реализация данной инициативы в высших учебных заведениях может быть осуществлена в 2 этапа, то есть путем **постоянного привлечения** студенческой молодежи и привлечение их разовыми концертами и другими культурными мероприятиями.

Постоянное привлечение может осуществляться за счет:

- организаций студенческих театральных студий;

- организаций Клубов веселых и находчивых
- создание любительских самодеятельных ансамблей;
- организации Молодежных клубов;
- созданию различных музыкальных кружков, фольклорных коллективов и проведении среди них ежегодных республиканских любительских конкурсов;
- организации деятельности кружков оркестрового искусства;
- организации кружков и выставок художественного и прикладного искусства;
- организации фестиваля «Поют студенты».

Для выполнения данных задач можно использовать следующие ресурсы, например, в городе Ташкенте имеется 4 высших учебных заведения по направлению культуры и искусства. Мы можем прикрепить выпускников к другим высшим учебным заведениям и организовать их практику в этом учреждении.

Как я уже говорил выше в своем выступлении, в республике функционируют 37 театров и для качественного выполнения данных задач запланировано привлечение ведущих актеров и режиссеров к каждому высшему учебному заведению, где данные специалисты будут реализовывать постановки в театральных студиях.

Во вторых, необходимо наладить проведение следующих культурных мероприятий:

- Демонстрация концертных программ макома и оркестровых коллективов;
- организация творческих встреч, «мастер-классов» с участием различных известных артистов, музыкантов, певцов, видных представителей Национального танцевального и хореографического искусства;
- наладить показ кинофильмов;
- проведение концертно-зрелищных программ с участием преподавателей и учеников детских школ музыки и искусства, специализированных школ, высших образовательных учреждений культуры и искусства республики;
- посещение театров и музеев;

- проведение онлайн конкурсов и соревнований по музыкальным направлениям среди студентов;

- молодым людям, обучающимся в высших учебных заведениях, могут быть организованы экскурсии по историческим памятникам в регионах под лозунгом **«От великой истории к великому будущему»**.

Ещё, я бы хотел проинформировать вас, о том, на что мы должны обратить внимание при осуществлении этой работы.

- не на должном уровне уделяется внимание в организации самодеятельных кружков, что в свою очередь негативно влияет на привлечение молодежи в данную сферу;

- высокая потребность в квалифицированных специалистах музыки и искусства, культуры;

- отсутствие культурно-просветительских учреждений, направленных на организацию полноценного досуга молодежи.

- принять меры по обеспечению квалифицированными преподавателями организованных кружков (повышение их квалификации, стимулирование, содействие в обучении в высших учебных заведениях и др.);

- прикрепить известных деятелей культуры и искусства хокимам районов (городов) в качестве творческих консультантов, провести мастер-классы для талантливой молодежи;

- организация на местах концертных программ оркестров и коллективов Государственной филармонии Узбекистана;

- организация культурно-просветительских мероприятий для молодежи с участием эстрадно-вокальных музыкальных ансамблей по субботам и воскресеньям каждую неделю в существующих парках культуры и отдыха в городах и районах;

- демонстрация кинофильмов, направленных на воспитание молодежи в духе патриотизма, трудолюбия и преданности в кинотеатрах и Центрах культуры городов и районов.

ЁШЛАРГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЎРГАТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ш.М.Садиқов

*Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги*

Албатта, олдинги маърузаларда таъкидлаб ўтилганидек, Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта ташаббус ёшларни фойдали бандликларини таъминлаш ва келажакда жамиятда ўз ўринларини топишларига оид долзарб масалаларни ўзида мужассамлаштирган.

Бугунги кунда ахборот технологиялари, айниқса Интернет ёшлар ҳаётида жуда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги ёшларда катталарга, ёки бир авлод олдинги ёшларга **нисбатан** технологияларни тез ўзлаштириш қобилияти шаклланган. Хўш, ёшларнинг бунчалик оммавий Интернет ва технологияларга қизиқишларига сабаблар нима?

Бугунги кунда Интернет фойдаланувчилари сонининг ўсишини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда Ер шари аҳолиси **7,53** миллиардни ташкил қилаётган бўлса, шулардан **5,14** миллиарди ёки **68%** мобил қурилмага эга ва **4,02** миллиард инсонлар ёки **53%** аҳоли Интернет фойдаланувчиси ҳисобланади.

Айни вақтда дунёнинг етакчи компаниялари томонидан бешинчи авлод тармоқларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Албатта бундай лойиҳаларни амалга оширишдан асосий мақсад, ёшлардаги компьютер технологиялари, дастурлашга бўлган қизиқишни тўғри йўналтириш ҳисобланади.

Бу каби ўқув курслари орқали ёшларга даромад топиш ёки ўз бизнесларини ташкил қилишга кўмаклашишда шароитлар яратиш мумкин.

Шунингдек, киберспорт, яъни компьютер ўйинлари орқали улардаги стратегик режалаштириш, жамоавий коммуникация, тиришқоқлик, ресурсларни тўғри тақсимлаш каби кўникмаларни шакллантириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёв томонидан илгари сурилган бешта ташаббуснинг учинчиси аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланишни ташкил қилишга қаратилганлиги ҳам бежиз эмас.

Умумий ҳисобда учинчи ташаббус доирасида республика бўйича **1,8 миллиондан** ортиқ ёшларни жалб қилиш, жумладан **87 мингдан** ортиқ ёшларни ўқув марказлари орқали, **1,7 миллиондан** ортиқ ёшларни мактаблардаги тўғарақлар орқали ўқитиш режалаштирилган.

Марказлар ва тўғарақларни тегишли инфраструктуранинг, яъни иншоотлар, компьютер жиҳозлари, Интернет алоқасининг тайёрлигидан келиб чиқиб босқичма-босқич 2020 йил якунига қадар ишга тушириш кўзда тутилган.

Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этишда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети таянч таълим муассасаси сифатида белгилаб олинган.

Мазкур университет қошида Рақамли технологиялари ўқув марказларини мувофиқлаштириш бўйича махсус марказ ташкил этилди.

Умумий ҳисобда Республиканинг барча туман ва шаҳарларида очилиши кўзда тутилган марказлар сони **188 тани** ташкил этиб, ушбу марказларнинг очилиши орқали **600 га яқин** янги иш ўринлари яратилади.

Рақамли технологиялар ўқув марказларини ташкил этишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- Ёшларга компьютер дастурлаш асослари, компьютер графикаси, робототехника, технологик лойиҳаларни бошқариш ва электрон тижорат соҳасида тадбиркорлик асосларини ўргатиш;

- Ёшларнинг киберспорт ва компьютер ўйинларига қизиқишини ошириш, уларни ушбу соҳада тўғри йўналтириш ва халқаро мусобақаларга олиб чиқиш;

- Миллий кадриятларга мос дастурий маҳсулотлар, таълимий дастурлар ва веб-ресурслар, компьютер ва мобил ўйинлар яратишга ёшларни кенг жалб қилиш;

– Давлат ва ҳўжалик органлари мутахассислари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида малака ошириш курсларини ташкил этиш.

Мазкур ташаббусни амалга оширишда умумтаълим мактабларида ташкил қилинадиган тўғаракларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади, чунки мактабларда ўқиётган ёшлар сонининг кўплиги ёшларнинг асосий қисмини шу тўғараклар орқали ўқитиш самарали эканлигини кўрсатади, яъни бунда ёшлар дарсдан сўнг бошқа жойга бормасдан мактабнинг ўзида тегишли билимларни олишлари мумкин бўлади.

Мактабларда ташкил қилишини режалаштирилган тўғаракларнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

– Мактаб ўқувчиларига компьютер дастурлаш, робототехника, АКТ асосларини чуқур ўргатиш;

– Мактаб ўқувчиларини бўш вақтларида киберспорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш ва кизиқишларини тўғри йўналтириш, киберспорт бўйича мусобақаларга тайёрлаш.

Лойиҳанинг олий таълим муассасалари раҳбарлари учун кизиқ бўлиши мумкин бўлган яна бир жиҳатига тўхталиб ўтмоқчи эдим. Айни вақтда Рақамли технологиялар ўқув марказларини муваффақиятли тугатган 28 та талабани (ҳар бир вилоятдан 2 тадан, битта грант, битта тўлов контракт асосида) Тошкент ахборот технологиялари университетига имтиёз асосида, яъни қабул имтиҳонларисиз қабул қилиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Умуман олганда учинчи ташаббусни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилган:

– аҳоли ва ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

– жамиятдаги турли қатламлар ўртасидаги “рақамли узилиш” даражасини камайтириш;

– ёшларга оммавий компьютер дастурлаш асосларини ўргатиш орқали соҳадаги мутахассислар тақчиллигини камайтириш ва дастурлаш хизматларининг экспортини кенгайтириш;

– дастурий маҳсулотлар ва мобиль иловалар яратиш, робототехника, электрон тижорат соҳасида ёш тадбиркорларни шакллантириш, уларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

– мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ташкил этишлари учун шароит яратиш;

– ҳудудлардаги ижтимоий соҳа объектларида телекоммуникация инфратузилмасини янада кенгайтириш орқали уларда замонавий технологиялардан фойдаланиб хизматлар кўрсатишни ташкил этиш.

Хулоса сифатида шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ахборот жамиятини шакллантириш мақсадида фуқароларни ёшлигидан технологияларни чуқур ўзлаштиришларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни дастурлаш бу алоҳида касб эмас, барча йўналишдаги мутахассислар билишлари лозим бўлган фундаментал билимга айланмоқда. Шундай экан, Ўзбекистонда ҳам Президентимиз томонидан бунга вақтида эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ТАЪЛИМНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ.

А.А.Ташпулатов

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирининг биринчи ўринбосари*

Хозирги кунда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида жиноятчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, ёшлар ўртасида қасддан баданга енгил, ўртача ёки оғир тан жароҳати етказиш, ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, товламачилик, босқинчилик, қасддан одам ўлдириш каби жиноятлар содир этилишда давом этиб келмоқда. Кўпчилик одамлар жиноят ва ҳуқуқбузарлик учун жазони асосий тарбия таъсир чораси деб ҳисоблайдилар. Аммо бу тарбия

воситаси барчага ҳам бирдек таъсир қилмаслиги, хаттоки маҳкумни салбий жиҳатларини янада ривожлантириб юбориши мумкинлиги ҳаммага аён оддий ҳақиқат.

Хусусан, мазкур ҳолатда статистик кўсаткичларга аҳамият берилса, ёшлар ўртасида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар нафақат мактаб ўқувчилари балки коллеж, лицей ва хаттоки олий таълим муассасалари талабалари томонидан ҳам содир этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, 2019 йилнинг 4 ойлик маълумотларга кўра, **18** ёшдан **30** ёшгача бўлган ёшлар ўртасида **50000** нафарга яқини (шулардан **145** нафари муқаддам судланган, **1245** нафари оила-турмуш даражасида) ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар рўйхатига киритилган, шу давр мобайнида **47.335** нафар (шулардан **2.996** нафари муқаддам судланган, **2.364** нафари оила-турмуш даражасида, **22.005** нафари бошқа тоифадаги ҳуқуқбузарликлар содир этган) ёшларга нисбатан профилактик ҳисоб ўрнатилган. Шунингдек, шу 4 ой мобайнида жами жиноят содир этган ёшлар сони **4.037** нафарни ташкил қилган бўлса, минг таассуфлар бўлсинки, улар орасидан **50** нафари (**1,3** фоизи) олий таълим муассасалари талабалари ҳисобланади. Тўғри, бир ҳисобдан бу кўрсаткичлар жорий йилнинг ўтган даврига (**2018** йил **4** ойи) нисбатан ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар **1147** тага (**22,3** фоиз), олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги жиноятлар **49** тага (**49,5** фоиз) камайишига эришилган бўлсада, бироқ ҳозирги замон талаблари ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мутлақо барҳам берилишини тақазо қилади. Зеро, келажак ёшлар кўлида, агар ҳозирданоқ ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка бутунлай барҳам берилса, келгуси авлод ҳам шу руҳда тарбия топади. Бу ўз ўзидан кутилаётган ёки содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка бутунлай барҳам беришлик учун нима қилиш керак, деган савол барчани қийнаши табиий албатта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан

2017 йилнинг 9 февраль куни ўтказилган “Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар”га бағишланган видеоселектор йиғилишида, Ўзбекистонда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни” деб эълон қилинди. Хозирда бу борада жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, содир қилинган жиноятлар бўйича мутасадди ташкилотларга тақдимномалар киритилиб, жойларда кенг жамоатчилик орасида уларнинг муҳокамалари ўтказилмоқда. Аммо кўпчилик ёшлар ўзи содир қилган ижтимоий ҳавфли қилмишини тўғри баҳолай олмаганликлари, ушбу ҳаракат жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эканлигини англаб етмаганликлари оқибатида шу ишларга йўл қўймоқдалар. Улардаги ғоявий бўшлиқни ўрнини тўлдириш, ёш авлод ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уларга ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканлигини тушунтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз вақтида жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор **қара-тадиган** бўлсак, Япония давлатининг “SONY” компанияси асосчиларидан бири Масару Ибука ўз назарияларида катталар бирор нарсани саянгоз тезлигида ўрганиши мобайнида жуда катта қийинчиликларга дучор бўладилар, болаларга эса бу қобилият дарҳол берилади. Унинг фикрига кўра, катталар баъзан ўрганиш учун дангаса, болалар эса доим ўрганишга тайёр, катталар баъзи кўникмаларни қийинчилик билан бошлашади, аммо болалар учун бу деярли оддий ва осон ҳаракат ҳисобланади. Кичик болада билмаган нарсаларни ўрганиш учун чексиз хоҳиш-истаги мавжуд бўлади. Масару Ибука катталарга контентни ўзгартиришни эмас, балки болани ўз вақтида тарбиялаш усулини таклиф қилади. Унинг назарияси болада жаҳолат, саводсизлик, шубҳа-гумонлик каби нарсаларни йўқ қилишга имкон беради ва жиноятни камайтиради. Ҳозирда минглаб япониялик болалар айнан ушбу назария асосида ишлаб чиқилган дастур бўйича сабоқ олмоқдалар.

Аксарят жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир қилган ёшлар, ўзлари содир қилаётган қилмишнинг нима эканлигини тушунмагани ҳолда унинг оқибатларини англаб етмасдан жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қўл урдилар. Жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин уни муҳокама қилиш жуда ҳам кам ҳолатда ижобий самара беради, ҳатто вазиятни салбий томонга ўзгартириши ҳам мумкин. Масалан, ёшлар ўртасида бир-бирига ҳазил қилиш, эҳтиётсизлик натижасида бири иккинчисига оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш (Ўз.Р.ЖК.111-модда) ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради ва натижада мавжуд қонунга асосан судланиб, жазога тортилиб, омма олдида унинг ҳаракатлари муҳокама қилинади. Бу ҳолатда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти шаклланмаган ёшлар онгида ўз ҳаракатларидан эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳаракатларидан норозилик пайдо бўлади. Ундаги норозилик, нотўғри фикр ва қарашлар салбий омилларни вужудга келтиради. Демак жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин уни муҳокама қилиш, жазолаш чораларини кўриш, келгусида бундай салбий оқибатларни олдини олишда унчалик самарали усул ҳисобланмайди. Агар ёшлар ўзлари содир қилаётган ҳаракатининг ҳуқуқий оқибатини англаб етганида, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тушунчага эга бўлганида бу ҳаракатларини содир қилмаслиги мумкин эди. Амалиётда айрим ёшлар ўзганинг мулкини очикдан-очик талон-тарож қилиш (Ўз.Р.ЖК.166-модда), қўрқитиш орқали ўзганинг мулкини эгаллаш (Ўз.Р.ЖК.165-модда) каби жиноятларни содир қилишганидан кейин улар билан тергов ҳаракатлари давомида суҳбатлашилганда, улар бу ишни оддий болаларча қизиқиш ёки ҳазил қилиш натижасида содир қилганликларини маълум қилишади. Демак уларнинг ҳаракатларини тенгдошлари олдида муҳокама қилиш, ўзларининг ўй-хаёллари билан банд бўлган ёшлар онгига ижобий ва самарали таъсир қилиши қийин.

Шу сабабли хориж тажрибаси асосида самарали стратегик режани ишлаб чиқиш лозим. Юқоридаги салбий ҳолатларни олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

➤ Шу вақтга қадар ёшлар ўртасида кўпроқ кузатилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, тизимли таҳлилдан ўтказиш ва уларни тегишли гуруҳларга таснифлаш;

➤ Болаларга мактаб ёшидан бошлаб жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тушунча берувчи дарс соатларини ташкил қилиш, улар доирасида аслида кимнидир беҳурмат қилиш, ёлғон гапириш, ёмонликнинг олдини олишга ҳаракат қилмаслик, бепарво бўлишлик ҳам қайсидир маънода жиноятга асос бўлишини тарғиб қилувчи тегишли дарсликлар ишлаб чиқиш;

➤ Коллеж ва лицейларда таълим олаётган талабалар учун ҳам таълим дастурига ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда назарда тутилган, ёшлар томонидан кўп содир қилинаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни тушунтирувчи, уларнинг оқибатларини очиқ берувчи тегишли дарс машғулотлари жорий қилиб, дарсликлар ишлаб чиқиш;

➤ Айнан мутахассислиги бўлмаган олий таълим муассасаларининг таълим дастурига ҳам ўзгартиришлар киритиб, ЖК ва МЖТҚда назарда тутилган, фуқаролар томонидан кўпроқ содир қилинаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида тўлиқроқ тушунча берувчи дарс соатларини жорий қилиш ва тегишли дарсликлар ишлаб чиқиш;

➤ Юқорида назарда тутилган дарс машғулотларини мактаб, коллеж, лицей ёки олий таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан эмас (чунки ўқитувчининг ўзи бу соҳани мукамал билмаслиги, ўқувчи ва талабаларнинг сифатсиз билим олишига сабаб бўлиши мумкин) балки амалиётда хизмат қилиб келаётган мутахассис ходимлар (ИИБ, Прокуратура терговчилари) томонидан ўтилишини таъминлаш;

➤ Ёшларнинг онгига салбий таъсир қиладиган, зўравонлик, беҳаёлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи ҳар қандай видео ўйинлар рўйхатини шакллантириш ва уларни қонун йўли билан чеклаб қўйиш, шунингдек, вазиятдан келиб чиқиб стратегик муҳим қарорларни қабул қилиш лозим.

Юқорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалиётга жорий қилиш дастлаб унчалик ижобий самара бермагандай таассурот уйғотиши табиий албатта, лекин мунтазам равишда узоқ муддатли стратегик режа бўйича ҳаракат қилиш (масалан: мактаб 5-11-синф, коллеж, лицей 1-3- босқич, олий таълим 1-4- босқич) секин-аста ўз натижасини бериши аниқ. Зеро ҳеч нарса, бирданига, ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди, ижобий натижага эришиш учун авваламбор масъулият, сабр-тоқат ва йиллар керак бўлади. Касалликни даволашдан олдин, касалликни олдини олиш чораларини кўриш лозим бўлганидак, ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликка бутунлай барҳам бериш учун ёшлиқдан оқ таълим тарбия жараёнига катта аҳамият қаратиш, ёш авлодни жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши руҳда тарбиялаш орқали келгусида шу руҳдаги муҳитни (менталитетни) барпо қилиш зарур. Доно халқимизда бир нақл бор “ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир”.

Ҳаммага маълумки, маҳаллий давлат ҳокимияти органларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланган бўлиб, улар ўртасида ягона диалектик алоқадорлик мавжуд эмас. Шу сабабли, маҳаллий давлат ҳокимиятининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида таъсирчан ваколат ва вазифалар берилиши ва улар қонун ҳужжатларида аниқ кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ.

Шундай экан, ҳар бир замон ва маконда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳокимиятнинг, шу жумладан, таълим тизимининг ўрни беқиёсдир.

ЁШЛАРДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ш.Ф.Моминжанов

*Ўзбекистон Республикаси Жисмоний
Тарбия ва спорт вазири ўринбосари*

Ҳар бир ҳалқ, миллат ўзининг келажагини қурар экан, бир масалага яъни ёшларнинг маънавияти, жисмоний камолоти, саломатлиги, билим ва кўникмаларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимиз Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг дунёқарашини бойитиш мақсадида бешта ташаббус бугунги ҳаётимизга тадбиқ қилинмоқда. Президентимизнинг беш ташаббусни мамлакатимизда яшаётган барча аҳоли, жумладан, ёшларнинг маънавиятини бойитиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда дастурил амал ҳисобланади. Ёшлар ҳақида сўз юритганда, олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари улар ичида энг фаол ёшлар ҳисобланади. Талаба ёшлар жамиятнинг келгуси ҳаётидаги ислохотлар бунёдкори, ривожланиш йўналишлари даражасини белгилаб берувчи куч. Шунинг учун бугунги талаба-ёшлар ҳар томонлама етук, замонавий билим ва кўникмаларни эгаллаган, жисмонан бақувват ва баркамол бўлишлари ниҳоятда муҳимдир.

Ҳозирги кунда ташаббус барча ёшларни бир маёқ атрофида бирлаштириб, аниқ маслак сари ундайди.

Шунинг учун ҳар қандай мушкулот ва таҳдидларни илм, маърифат, мутолаа, шижоат, жисмоний бақувватлик, сабр-бардош билан енгиш мумкин, деган қатъиятни ёшларимизнинг онгига сингдиради.

Интернет ва бошқа ижтимоий тармоқлардан келадиган хавф-хатар, ахборот хуружи ва таҳдидга қарши курашиш туйғусини шакллантиришда китобхонлик, китоб мутолааси, жисмоний чиниқиш энг яқин кўмакчи бўлишини кўрсатди. Ёшлар қанча кўп китоб ўқиса, ўз билимини оширса, ҳар қандай масаланинг мақсад-моҳиятини чуқур тушуна олади.

Энг муҳими, уларда турли “изм” лар, таҳдид ва таҳликаларга собит фикр, мустаҳкам эътиқод ва қараш билан қарши тура олиш иммунитетни шаклланади.

Жисмонан ва маънан баркамол шахс доимий равишда сихат-саломатлиги ҳақида ўйлаши, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши, илм олиш баробарида театр ва музейларга бориши, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиши, мусиқа, куй, қўшиқ эшитиб дам олиши иммунитетни кўтарувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жамиятнинг жон томири ҳисобланган аёлларимиз, опа-сингиллар ва қизларимизнинг саломатлигини асраш, фаолият кўрсатиши, ўқиши, таҳсил олиб касб-ҳунар олиши, ўз иқтидори ва салоҳияти намоён этиш учун етарли шарт-шароит, айниқса, муайян бир иш билан банд бўлмаган уй бекаларига ишлаши учун имкониятлар яратиш ўта долзарб масала саналади. Хуллас, Президентимиз ёшларни тарбиялаш, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш, ўқиш, ўрганиш, ижод қилиш, ўз истедод ва салоҳиятини нафақат юртимиз балки дунё ҳамжамияти кўз ўнгида намоён этиб, улуғ боболарнинг муносиб ворислари эканини кўрсатиши учун ўртага ташлаган бешта ташаббус ёшларда юртга дахлдорлик, она-юрт шаънини улуғлаш, эъзозлаш ва асраш, ислохотлар жараёнига лоқайд бўлмаслик туйғусини чуқурроқ сингдиришга хизмат қилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз топшириқларини бажариш мақсадида иккинчи ташаббусни республиканинг барча ҳудудларида самарали амалга ошириш борасида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Спорт иншоотини давлат-хусусий шерикчилик асосида барпо этиш бўйича маҳаллий ташаббускор тадбиркорлар билан суҳбат ва музокаралар олиб борилиб, улардан келиб тушган таклифларга биноан Ўзмиллийбанк томонидан “Ёшлар - келажакимиз” давлат дастури доирасида алоҳида спорт имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилмоқда.

Ёшларни спортга қизиқишини янада ошириш мақсадида ҳудудларда “Ёшлар ҳафталиги”, “Хотин-қизлар ҳафталиги”, “Маҳалла ва нурунийлар ҳафталиги”, “Таъ-

лим муассасалари ҳафталиги” доирасида спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида уларни спорт соғломлаштириш тўғрисида жалб этиш, аҳоли ўртасида спортни кенг кўламда тарғиб этиш, талаба-ёшларни жисмонан чиниқтириб, соғлом шахс сифатида тарбиялаш учун қуйидаги механизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи – барча олий ўқув юртларида спортнинг оммавийлигини таъминлаш учун ички чемпионатларнинг доимий ўтказилишини йўлга қўйиш (ректор кубоги, оилавий спартакиадалар – теннис, шахмат-шашка, бадминтон, волейбол в.х.), спорт акцияларини ташкил этиш (саломатлик – мустаҳкам бойлик, спорт – нафислик ва гўзаллик манбаи, саломатлик сари дадил қадам).

Иккинчи – спорт федерациялари, Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари мактаб интернатлари ва бошқа муассасалари билан олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш. Ҳар бир спорт муассасаларини ҳудудий бирликларда олий таълим муассасаларига бириктирган ҳолда ўқув юртларида спорт турлари бўйича тўғрраклар, спорт мусобақаларини ташкил этиш.

Учинчи – олий ўқув юртларидаги спортчи-ёшларни ва спорт жамоалари умумий базасини шакллантириш.

Тўртинчи – олий ўқув юртларидаги мавжуд спорт иншоотлари ва спорт турларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, натижада спорт турлари ва иншоотларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.

Бешинчи – мавжуд спорт иншоотларида ташкил этиш имконияти бўлган спорт турлари ўрганилиб, тренерлар, жисмоний тарбия ўқитувчиларига ва қўшимча спорт анжом ҳамда жиҳозларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш.

Олтинчи – ёшлар учун туман (шаҳар)ларда ёшларнинг спорт турларига бўлган талабларидан келиб чиққан ҳолда спорт иншоотларини хусусий тадбиркорлар ва ҳомийлар

кўмагида барпо этилишини мониторинг қилиш. Бунда, маҳаллий ташаббускор тадбиркорлар билан музокаралар олиб бориб, улардан келиб тушган таклифларга биноан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мутассадди раҳбар ходимларининг тавсияларига мувофиқ алоҳида спорт линияси орқали уларга имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳисобига янги спорт иншоотларини бунёд этиш бўйича таклифлар тайёрлаш. Мазкур вазифа удданланса, 30-35 % ёшларни спорт йўналишларига жалб этишга эришиш.

1-ШЎБА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИНГ АМАЛИЙ ТАЛҚИНИ: МУНОСАБАТ ВА ЕЧИМЛАР

А.Т.Жалилов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истиқболли кадрлар тайёрлаш институти
директори, сиёсий фанлар доктори, доцент*

Бугунги кунда илмий-техника тараққиёти шахсий ва интеллектуал салоҳиятнинг ривожланиши ва ўсиши-ни рағбатлантирмоқда, бу эса ўз навбатида ёшларнинг дунёқараши ўзгаришига олиб келмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшлар муаммоларининг устувор эканлигини ҳисобга олиб, ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларни ҳимоя қилиш учун бир қатор илғор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти (Институт) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш Институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3206-сон Қарори ижроси доирасида 2018 йил давомида мамлакатда ёшлар сиёсатини амалга ошириш борасида бир қатор йирик тадқиқотлар ўтказилди.

Жумладан: “Ҳудудлардаги ёшларга доир долзарб муаммолар”, “Ёшлар ўртасида учраётган муаммолар”, “Ҳудудлардаги ёшларга доир долзарб муаммолар”, “Ислом

дини ва маърифатига ёшлар муносабати”, “Ёш оилалар турмуши давомида кенг учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари”, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси мавзуларида ҳамда ҳудудлардаги таълим муассасалари бошланғич ташкилот (БТ) етакчиларининг фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ўрганишлар амалга оширилиб, аниқланган муаммолар юзасидан тегишли амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб мутасадди ташкилотларга тақдим этилди.

Ахборот алмашинувининг кучайиши ёшларни ҳамиша ахборот оқими таъсирида бўлишига олиб келмоқда. Бугунги кунда Интернет тармоқларида бузғунчилик, зўравонлик, экстремизм ва терроризмни тарғиб қилувчи веб-сайтлар 10 мингдан, ахлоқсизлик ва беҳаёликни тарғиб қилишга қаратилган веб-сайтлар 50 мингдан ошиқни ташкил этмоқда. Ушбу веб-сайтлар ҳамда уларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ёшларнинг онгини бузиш учун фаол тарғибот-ташвиқот ишларни олиб бормоқда. Ахборот оламнинг бундай жадаллик билан ривожланаётганлиги унда салбий ғоялар оқимининг кўпаётганлигини инobatга олган ҳолда Хитой, Жанубий Корея, Россия ва бошқа давлатлар томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Мамлакатимизда ёшларнинг менталитетимизга қарши турли хил ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишини олдини олишга қаратилган ишлар тизимини йўлга қўйиш ва бу борада махсус дастур ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Шунинг назарда тутган ҳолда ахборот технологиялар тараққиёти натижасида Интернет тармоқларида тарқатилаётган маълумотлар, “оммавий маданият”нинг турли хил кўринишларидан ҳимояланишга қаратилган қоидалар тизимини яратиш ва бунда давлат ва нодавлат ташкилотлар вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш зарурати мавжуд. Бундай вазиятда ёшлар онгини салбий ғоялардан ҳимоя қилишга қаратилган Қонун лойиҳаси, “Ахборот хавфсизлиги Доктринаси ёки Стратегияси”ни

ишлаб чиқиш, таълим муассасаларида олиб борилаётган АКТ машғулотларига Интернет фойдалиниш маданияти ва ахборот хавфсизлигига қаратилган мавзуларни киритиш зарур. Бундан ташқари, “uz” доменида илм-фан, ахборот олиш, алмашиш, ўзбек тилида электрон китобларни юклаб олиш имкониятларини кенгайтириш, маълумотлар базасини кучайтириш ва қулайлаштириш самара беради. Миллий Интернет порталига рақобатбардош веб-сайтларни яратиш мақсадида грант танловларини эълон қилиш маҳаллий мутахассислар ва ёшларни виртуал ҳаётини фойдали ва мазмунли ўтказишга рағбат беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар учун яратилган турли соҳалардаги имтиёзларни ўзида мужжасам этган ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж сезилмоқда. Бугунги кунда мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда фақатгина маданият, спорт, фан-таълим соҳаларида ўтказиладиган турли хил танлов ва мусобақалар, олимпиадалар қатнашувчилари ҳамда давлат мукофоти ва стипендиялар соҳибларига таъллуқли. Иқтидорли ёшлар, ёш оилалар ва умуман барча ёшларга тегишли яхлит меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш масаласи ҳам тегишли идоралар муҳокамасидан ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Жамиятда турли зарарли ғоя ва сохта қадриятларнинг кенг тарқалиши ёшларнинг ахлоқий онгининг бузилишига олиб келмоқда. Бу Интернет ва бошқа ОАВлардан кириб келаётган салбий руҳдаги ахборотлар мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Мобил телефонлар ва ижтимоий тармоқлар орқали менталитетимизга ёт турли хил бузғунчи ғоялар ҳамда ёшлар хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатувчи беҳаё фото, аудио ва видео материаллар тарқалмоқда. Сўнги пайтларда зўравонлик, бешафқатлик ва беҳаёликни тарғиб қилувчи видео материалларнинг кенг тарқалиши кузатилмоқда.

Ёшлар ўртасида тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмоллига қарамлик кенг тарқалиб бормоқда. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари ва мактаблардан 500 метр радиусдаги масофада алкоголь ичимликлари ва тамаки маҳсулотлари сотилиши Қонун билан тақиқланган

бўлсада, жойларда мазкур ҳуқуқий меъёрларнинг кўплаб бузилиш ҳолатлари учрамоқда.

Ёшларнинг бўш вақтлари ва дам олишини мазмунли ўтказиш орқали вақт бюджетига асосланган менталитетимизга хос турмуш тарзи ва ҳаёт кечириш маданияти шаклланимаган.

Ҳозирги замон ёшлари учун вақтни тўғри тақсимлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёшларнинг вақтларини самарали ташкил этиш борасида бир қатор хорижий давлатларда ўзига хос концепциялар яратилган. Хусусан, АҚШ меҳнат статистикаси бюросида вақт бюджетидан фойдаланишни ўрганиш хизмати, Россия Фанлар академиясининг Социология институтида вақт бюджети ва кунлик фаолиятни ўрганиш шўъбаси, Буюк Британиянинг Оксфорд университетида вақт бюджетини ўрганиш маркази, шунингдек Вақт бюджетидан фойдаланиш халқаро ассоциацияси (IATUR) каби ташкилотлар фаолият юритиб, вақт бюджетини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар орқали ёшларнинг бўш вақтлари унумли ўтказиш билан шуғулланишади.

Тадқиқотларга кўра мамлакатимизда ёшларнинг вақт бюджети юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Таълим ва бошқа муассасаларда ёшларнинг кунлик фаолияти ва реал ҳатти-ҳаракатларини ўрганишга қаратилган вақт бюджети услуби татбиқ этилмаган. Шундай экан юқоридаги тажрибани мамлакатимиз ёшлари ҳаётига татбиқ этилиши уларнинг ҳаёт тарзи ва унинг сифати, қандай ривожланиши, қанча вақт сарфлаётганлиги, қизиқиш ва эҳтиёжлари хусусиятлари, жамиятдаги ижтимоийлашув жараёни қай даражада эканлигини очиб беришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида кутилаётган улкан ўзгаришлар вақтни тўғри тақсимлаш ва уни мақсадли сарфлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган тамойилни жорий қилиш ва уни ёшларнинг кундалик ҳаётига татбиқ этиб бориш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Бу борада вақт бюджетига асосланган, менталитетимизга хос бўлган турмуш тарзини яратишга қаратилган ама-

лий ишлар дастурини тузиб, халқаро тажрибада синалган услублар орқали амалиётга жорий этиш самара беради. Таълим муассасалари ўқув дастурида “Time-management” курсларини киритиш зарур. ОАВ орқали мунтазам равишда ёшларнинг вақт бюджетига асосланган самарали ҳаёт тарзини ижобий томонларини кенг намойиш этиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ. Коллеж, мактаб етакчилари, маҳалла фаоллари ҳамда профилактика нозирлари ҳамкорликда ҳар бир оилада ота-онанинг фарзанди тарбиясида маъсулиятини ошириш юзасидан психологлар маслаҳатини йўлга қўйиш керак. Ҳар бир фуқаролар йиғини қошида ёшларни жалб этувчи, ҳозирги ёшлар талабига жавоб берадиган, спорт, консултатив, маъданий-маърифий тўғаракларни жорий этиб улар фаолиятини жойлардаги Ёшлар иттифоқи ҳудудий бўлинмалари томонидан мониторингни амалга оширишини таъминлаш мумкин.

Маълумки, ёшлар психологик нуқтаи назардан ўзларидан чиққан етакчилар атрофида бирлашишга мойил бўлади. Сиёсий партияларда ҳам ёш сардорларни аниқлаш ва уларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар самарасини кучайтириш бўлажак сиёсатчиларнинг шакллантиришга хизмат қилади. Ҳозирги вақтдаги статистикага қараладиган бўлса, сиёсий партияларнинг ҳудудий, туман ва шаҳар кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига партиёга аъзо ёшларнинг атиги 1,2 % Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида эса 1,3 % ёш аъзолари депутат этиб сайланган.

Хорижий тажрибага қарайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, демократик давлатлардаги, яъни Гарвард (АҚШ), Оксфорд ва Кембридж (Буюк Британия) университетлари, EMLYON бизнес мактаби (Лион, Франция) каби йирик таълим муассасаларида ноанъанавий фикрлаш ва ижодкорлик қадрланади. Талаба-ёшларга жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилган аниқ механизмларга эга бўлган таклифлар ишлаб чиқиш топширилади. Шу орқали битирувчилар сиёсатда ва бизнес-менежментда жамият томонидан доимий тан олиб келинади.

Сайловга оид қонунчиликка кўра ёшлар 18 ёшдан актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳолда сайловларда иштирок этиши, 21 ёшга тўлганда вилоят, туман, шаҳар Ҳалқ депутатлар Кенгашига, 25 ёшдан бошлаб эса ОМ ҚП депутати ёки Сенати аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга бўлсада меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда сиёсий фаол, иқтидорли ёшларни аниқлаш, тайёрлаш ва рағбатлантириш мезонлари, шунингдек ёшларни ушбу ҳуқуқлардан чуқур англаган ҳолда унумли фойдаланишга оид нормалар белгилаб қўйилмаган.

Бугунги вазият “Кадрлар тайёрлашнинг янги миллий дастури” ҳамда бу борадаги концепцияни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш вақти келганлигидан далолат бермоқда. Бу жараёнда ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёш етакчи сардорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, ёш етакчи сардорлар сафидан истиқболли сиёсий ва иқтисодий элиталарни манзилли шакллантириб бориш масаласини илмий жамоа муҳокамасига қўйиш зарур.

Сиёсий хусусиятларга бой ва жамоатчилик орасида юқори обрў эътиборга эга ёшларни аниқлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари сайловларида депутатликка потенциал номзод сифатида тайёрлаш, шунингдек, сиёсий партиялар томонидан Ҳалқ депутатлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлик номзодига “ёшлар квотасини” шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Бу борада марказий ҳудудларда ёшларнинг муқобил каналлар орқали ҳам ҳуқуқий маълумотларга эга бўлиши, уларда чекка туманларга нисбатан ҳуқуқий маданиятни юқорироқ бўлиши таъминланаётганлигини эътиборга олган ҳолда, чекка туманлардаги ёшлар ўртасида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот тадбирларни кенгайтириш мумкин.

“Case Study” услуги ва бошқа замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда сиёсий, иқтисодий соҳаларда малакали, иқтидорли, истиқболи етакчи менежерларни тайёрлаш мақсадида олийгоҳларда хорижий ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда махсус менежмент факультетларини жорий этиш вақти келди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида улкан иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришилмоқда. Бироқ, бошланғич ва умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитиш даражаси билан ислоҳотлар темпи ўртасидаги фарқ оқибатида яқин келажақда малакали кадрлар танқислиги келиб чиқиши мумкин.

Маълумки, ўзгаришлар даврида таълим тизими, ижтимоий жараёнлардан келиб чиққан ҳолда, шиддат билан ривожланишни тақозо этади. Таълим орқали жамиятда келажақдаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган янги авлод шакллантирилади. Бошланғич таълим инсоннинг етук шахс сифатида шаклланишидаги асосий бўғин ҳисобланиб, унинг сифатига қараб миллатнинг умумий саводхонлигига баҳо берилади. Бугунги кунда хорижий давлатлар тажрибасида миллий таълим тизимининг ривожланиш даражаси мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатаётганлигини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ўқувчи ёшлар билимлари даражасини баҳолашнинг “миллий баҳолаш тизими” мавжуд эмас. Бу эса, ҳудудлар кесимида ёшлар томонидан у ёки бу фанни ўзлаштириш даражасининг сифати ва соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб бориш ва тегишли ислоҳотлар ўтказиш имкониятини чеклаб қўймоқда. Хусусан, дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи PISA (ўқувчиларни таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури), PIRLS (матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот), TIMSS (мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг) каби бир қатор халқаро дастурлар мавжуд бўлиб, улар ривожланган давлатлардаги таълим сифатини янада оширишдаги мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Юқори техногияларни ўзлаштириш, саноатлаштириш ва юксак даражадаги тараққиёт натижаларида аниқ фанларни юқори даражада ўзлаштирган мутахассисларга бўлган талаб кескин ошиб бормоқда. Хусусан, Шарқий Осиё мамлакатларида (Япония, Жанубий Корея, Сингапур,

Гонконг) бу фанларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, туғма истеъдод ва қобилиятлардан кўра ўз устида доимий ишлашнинг устунлигига алоҳида эътибор қаратилади. Аниқ фанларни ўқитишда гуруҳ ёки синфдаги ўқувчилар сонининг 16 нафардан ошмаслиги шарт қилиб қўйилган. АҚШда ҳам 1999 йилда Б. Клинтоннинг ташаббуси билан битта ўқитувчи учун 40 минутлик дарс давомида 17 та болага билим ва тарбия бериши белгилаб қўйилган. Халқаро таълим сифатини баҳолаш дастурларида Ўзбекистоннинг иштироки масаласини атрофлича ўрганиб чиқишга эҳтиёж мавжуд.

Илм-фан ютуқларининг энг илғор натижалари ва адабиётларнинг инглиз тилида нашр қилинишини инобатга олган ҳолда, мактабларда инглиз тилини ўргатувчи турли хорижий дастурларни кенг татбиқ этиш муҳим натижа беради. Таълим-тарбия беришга масъул мутахассисларнинг маляка, талабларини аниқ мезонлар орқали белгилаб қўйиш ва болаларнинг умумий таълимга йўналтирилишида бутунлай масъуллигини қонун билан белгилаб қўйиш зарур. Таълим муассасаларидаги гуруҳ ва синфларда халқаро тажрибада синалган усуллардан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар сонининг максимал ҳамда минимал кўрсаткичларини аниқ белгилаш

Ёшларни чет давлатларга таълим олиш, ишлаш ва тадбиркор фаолиятини юритиш мақсадида чиқиб кетиши кўплаб ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ёшларнинг таълим олиш мақсадида четга чиқиб кетиши ортмоқда. Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида МДХ давлатлари орасидан Азарбайжонда 14 та, Арманистонда 8 та Қозоғистонда эса 7 та Россиянинг илғор университетлари филиаллари фаолият юритмоқда. Ўз навбатида бундай тажриба мамлакатимизда хорижий олий таълим муассасалари филиалларини янада кўпроқ очиш эҳтиёжини оширмоқда.

Аксарият ёшларнинг хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетиш ҳолатлари касб-ҳунарга эга бўлган мутахассисларнинг кўпроқ бошқа давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришига хизмат қилмоқда. Бу ўз навбатида

ёшларни иш билан таъминлаш, ҳаётӣ эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ойлик маош белгилашга қаратилган ва тадбиркорликка жалб қилиш билан боғлиқ ҳудудий дастурлар сифатини янада ошириш лозимлиги англатади. Хорижий мамлакатлар хусусан, Жанубий Кореяда 2013 йилдан йирик компания ва бизнесменлар ёш тадбиркорларни молиялаштириш, уларнинг иқтисодий барқарорликка эришишига кўмаклашадиган бўлса ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган маълум бир муддатларда солиқлардан озод этилиши белгилаб қўйилган. Бизнес ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кетаётган ёшларга худди шу каби инвестицион шароит яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда ёшларнинг чет элга чиқиб кетиши мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, статистик маълумотларга қараганда олий маълумотли битта мутахассис тайёрлаш учун мамлакат бюджетидан тахминан 20 минг АҚШ доллари, ўрта-махсус маълумотли мутахассис учун эса қарийб 10 минг АҚШ доллари сарфланар экан.

Кўпчилик ёшларнинг салбий ғоялар таъсирига тушаётганлиги, турли хил хавфли касалликларга чалиниб қолаётганлиги ва ёш оилалар барбод бўлаётганлиги бу соҳада ижтимоий таъсирли ислоҳотларни ўтказиш эҳтиёжини туғдирмоқда. Бугунги вазият Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи миграция тўғрисида”ги ва “Аҳолининг меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Қонунларини ишлаб чиқишга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида илғор хорижий олий таълим муассасалари филиалларини янада кўпайтириш уларда ёшларнинг сифатли таълим олиши ва миллий менталитетимизга хос тарбия топишини таъминлаш халқаро меҳнат бозорига сифатли кадрлар кириб келишининг кўпайишига олиб келади. Ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб қилишга қаратилган ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиб, ҳудуд имкониятлари ва шароитидан келиб чиққан ҳолда ойлик маош белгиланишини қатъий назорат қилиш зарур. Ишбилармон ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бизнесларини

Ўз ҳудудларида ривожлантириш ва тегишли солиқ, кредит ҳамда инвестиция имкониятини яратишга қаратилган давлат дастурини қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон муҳожирлари кўп борадиган давлатларда Ўзбекистон Республикаси дипломатик корпуслар қошида Ташқи миграция масалалари бўйича агентлик ташкил қилиш ва “меҳнат атташе” институтини жорий этиш ташқи меҳнат муҳожирларининг ҳаётини енгиллатишга хизмат қилади. Ишлаш учун хорижга кетмоқчи бўлган ёшлар билан шуғулланувчи хусусий агентликларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳам ташқи меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқий ҳимоясига хизмат қилади.

Институт томонидан олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар ёшлар муаммоларини аниқлаш билан бирга, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ мақсадга йўналтирилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш ва тегишли вазирлик, идораларга тақдим этиш имконини яратмоқда. Бу борада натижага эришиш мутасадди вазирлик, идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўзаро ҳамкорликдаги амалий ҳаракатларига боғлиқдир.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАРИ

М.Б.Бекмуродов

*Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири*

Мамлакатимизда 2019 йилнинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланиши негизда жуда теран маъно-мазмун мужассамдир. Ижтимоий ривожланиш деганда янги ижтимоий муносабатлар, ўзгарган кадриятлар ва янги талаблар ҳамда меъёрларни ўзида ифода этувчи жамиятнинг мазмунан ўзгариши тушунилади. Ижтимоий ривожланиш тушунчаси реал тараққиёт жараёни сифатида ўз мазмунида уч хусусият, яъни орқага қайтмас ҳаракат, мақсад сари йўналганлик ва янги қонуниятларга таяниш тенденцияларини намоён этади.

Ватанимизда амалга оширилаётган Ҳаракатлар Стратегияси асосидаги ислохотлар моҳият эътиборига кўра мамлакат ривожини инсон салоҳиятини юксалтириш негизида амалга оширишни назарда тутди. Шу боисдан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “инсон ўзгарса жамият ўзгаради”, деган нуқтаи назарни алоҳида таъкидлаганликлари ҳам бежиз эмасдир. Ҳаракатлар Стратегияси асосида ижтимоий ривожланиш жароёнларини янада фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилда уч муҳим ҳужжати, яъни “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, мамлакатнинг **статистика** салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Қарори қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатлар мамлакатимизда инсонни маънавий, иқтисодий ва сиёсий юксалтириш орқали уни ижтимоий ривожлантириш жараёнларининг ҳуқуқий асослари вазифасини бажаради.

Зеро, инсонни ўзгартириш борасида дунёдаги амалиёт унга киритилаётган инвестиция самарадорлигига боғлиқдир. Агар дунёда инсоннинг 3 ёшидан 22 ёшигача бўлган даврида унга киритилган инвестиция 19-22 марта фойда келтирса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич атиги 4 марта фойда бериши кузатилмоқда. Шу боисдан ҳам инсонни самарали ижтимоийлаштириш ва бу жароённинг сифатини тубдан яхшилаш катта аҳамиятга эгадир. Сифатий ўзгаришларни кўзлаб амалга оширилувчи ислохотлар даставвал таълим ва тиббиётга бўлган давлат эътиборини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Бугунги кунда таълим ва тиббиётга бўлган давлат эътибори тубдан ўзгарди. Ўқитувчи ва тиббиёт ходимларнинг ойлик маошлари оширилди. Ўқувчининг таълим олиш имкониятлари кенгайди. Ижтимоий имкониятлари чекланган аҳоли қатламлари ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар барпо

этилмоқда. Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Тадбиркорлик фаолиятига одамларни жалб этиш ишлари кенг ижтимоий ҳаракатга айланди. Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Олий таълим муассасаларига қабул квоталари бекор қилиниб, олий таълим олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, XX аср ўрталаридан бошланиб, XXI асрда кенг қамровли жараёнга айланган глобаллашув тенденциялари одамлараро ва давлатлараро муносабатларда ички тарқоқлик, бегоналашув ҳолатларини юзага келтирди. Айниқса, одамларнинг бирламчи ва мустақкам боғлиқлик бўғини бўлган оила институти, оилада эр-хотин, ака-ука, опа-сингилар, яқин қариндошлар ўртасидаги анъанавий меҳр-муҳаббат, садоқат, ўзаро яқдиллик муҳити таназзулга юз тутди. Европа Иттифоқи мамлакатлари ижтимоий тармоқларида одамлараро меҳр-шавқат, бағрикенглик, ўзаро садоқат туйғуларининг сусайиб кетганлиги, янги авлоднинг катта авлод турмуш тарзига, хусусан ўз ота-оналари амал қилиб келган одат ва анъаналарига беписандлиги, улар томонидан қадрланган адабиёт, санъат дурдоналарини ўзлаштирмай қўйганликлари, илм-фанга безътиборлиги, табиатни эъзозлаш ўрнига уни вайрон қилишга мойилликлари таҳлил этилиб, “де-факто” шаклланиб бўлган ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли сифатида ҳар бир соҳада ижтимоий боғлиқлик, одамлараро ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтиришга йўналтирилган фаолиятларни амалга ошириш вазиятни ўнглашнинг ягона йўли эканлиги қайд этилмоқда.

Америкалик тадқиқотчи М.Портер ҳар қандай давлатнинг иқтисодий рақобатбардошлиги ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий муҳит барқарорлигининг сифати жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар вакилларининг интеллектуал тараққиёт даражаси, касбий фаоллик ҳамда энг муҳими ижтимоий аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятда адолатлилиқ ва одамларнинг бир-бирига нечоғли маънавий боғланганлик ҳолатига бевосита боғлиқдир,

дейди. (Қаранг: М.Портер Конкуренция, М., "Вильямс", 2006, 608 с.)

Ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун Э.Фромм дунёни моддий эмас, маънавий – руҳий тушуниш кўпроқ зарурдир, деган ёндошувни илгари сурди. Бунинг учун эса, ижтимоий жараёнлар, яъни одамларнинг илгари амалда бўлмаган гуруҳларга уюшиши ва ёппасига бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, қудратли шаҳарларнинг оз кучли рақибга таслим бўлиши сабабларини тушунишда шу даврда юз берган психологик ҳолатларни, уша вазиятда одамларга таъсир этувчи психологик ҳолат ва шу психологик ҳолатни юзага келтирувчи ижтимоий муҳитни атрофлича ўрганиш зарур, деган ҳулосага келади. Ижтимоий жараёнларнинг ижтимоий – маънавий ва руҳий асослари фавқулодда кучлидир, деб изоҳловчи ёндашув тарафдорлари кўпинча экзистенциализм назариясига таянадилар. Экзистенция – яшашни, айна вақтда яшаётганликни англаш ўзгараётган ва ўтаётган замонни руҳияти ва вужудида доимий ҳис этиб яшашни англатади. Экзистенциал ёндашувнинг сусайиши манфаат олиш даражаси юқори бўлмаган жамоаларга ўзи англамаган ҳолда қўшилиб кетишни кучайтиради. Экзистенция шахснинг ўз – ўзига берадиган баҳоси, ўз – ўзини қадрлаш даражаси ҳамдир. Демак шахснинг ўзини – ўзи баҳолаш даражаси қанча паст бўлса, унинг ижтимоий фойдали бўлмаган ҳолатларга, жамоатларга интеграция бўлиши шунга юқори бўлади.

Ижтимоий ривожланиш ғоясини ҳаётга жорий этишдаги яна бир ёндашув эмергентлик назариясидир. Эмергентлик - бу юз бераётган ўзгаришлар, шаклланиб келаётган ижтимоий жамоалар, дунёқарашлар, ижтимоий фикр йўналишлари жамиятдаги маънавий – руҳий ҳолатларни ифодалайди. Айна вақтда одамларнинг аксарияти юз бераётган моҳиятан янги сифат ўзгаришлари жараёнларини теран англамаган ҳолда яшайдиларки, бу ҳолат жамиятга турли негатив ташқи таъсирлар эшигини кенг очиб беради. Экзистенциал ёндашуви суст инсонлар ҳам ташқи стимулларга берилувчан бўладилар. Олиниши мумкин бўлган манфаатлар негизида қандай

зарарлар, йўқотишлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги инсоннинг чап ярим шаридаги мияча томонидан узатилувчи интуитив тўғри фикрларни ўзларидан узоқлаштиришга интиладилар. Бундай ҳолат фанда эскапистик ёндошув, эскапизм назарияси сифатида талқин этилади. (Инглиз тилида **"Escape"** – қочиш, узоқлашмоқ деган маъноларни англатади).

Машҳур америкалик социолог Талкотт Парсонс одамларнинг ўзаро яқинлигига ҳалал берувчи омилларни ўрганиб умумий мақсадлар, ялпи ижтимоий ҳаракатлардан четда қолувчилар жамият таркибида узлуксиз ортиб бораётгани ва бу ҳолат ўзига хос тенденцияга айланаётганини қайд этади. Умумий мақсадлар йўлидан четда қолишнинг икки жиҳати, яъни, объектив ва субъектив томонларига эътибор қаратиб, ҳар бир соҳа таркибида уюлмаганлик алоҳида шаклланишини асослайди. Масалан, таълим соҳасида муҳит ва макон ўзгариши ўқувчи ва талабаларда жамият талабларига мослашишни қийинлаштиради. Таълим стандартларини ўзлаштиришда иродани сусайтиради. Чалғитувчи омиллар, ёт ғояларга хусусан, экстремизмга берилувчанликни кучайтиради, деб асослашга интилади. Бу эса таълим субъектларини жамиятнинг умумий мақсадларидан четда бўлиш майл хоҳишларини кучайтириб, алоҳида ижтимоий қатламлар юзага келишига юз бераётган жараёнларга нисбатан бефарқ одамлар кўпайишига асос бўлади.

Шу ўринда цивилизация билан боғлиқ ҳолда юзага келган яна бир ижтимоий иллат, яъни прокрастинация ҳодисаси хусусида ҳам тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз. Прокрастинация феномени инсоннинг бунёдкорлик хусусиятини сусайтирувчи, унинг ялқовлик ва бефарқлик жиҳатларини кучайтирувчи омил сифатида инсон тараққиётини **сустлаштириши** билан жиддий хавф туғдиради. Бу ҳолат, яъни прокрастинацияга берилиш инсоннинг масъулияти ва тарбияланганлик даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, бугунги кунда аксарият ривожланган мамлакатлар фуқаролари маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, инсон томонидан зудлик билан бажарилиши лозим бўлган топшириқ ҳамда зарур ҳаётий вазифаларни ўз вақтида

қилмаслик, тез қилиниши керак ишларни доимий равишда кейинга қолдириш ҳолати турли хилдаги касалликлар, рухий зўриқишлар келиб чиқиши мумкин. Прокрастинация атамаси биринчи марта тадқиқотчи П.Рингенбахнинг 1977 йилда ёзилган “Прокрастинациянинг инсон ҳаётидаги ўрни” китобида қайд этилган. Прокрастинация ҳолатининг сабаблари Н.Милграм, Дж.Батори ва Дж.Моурер каби тадқиқотчиларнинг концепцияларига кўра бешта турга бўлинади.

1. Кундалик маиший турмушга доир ишларда намоён бўлувчи прокрастинацион ҳолатлар. Бунда айрим одамлардаги кундалик рўзғор юритиш билан боғлиқ юмушларни вақтида бажармасдан ортга ташлаб юриш ҳолатининг турмуш тарзига айланиб қолиши назарда тутилади. Масалан, уй юмушларига доир маиший масалаларни вақтида ҳал этилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилади. “Ҳаммаси эртага бажарилади”, деган ёндашув одатий ҳолатга айланади.

2. Фаолият юзасидан қарор қилишга оид прокрастинация ҳолатлари – бунда бирор хизмат вазифаларининг бажаришини кейинга қолдириш назарда тутилади. Машҳур ёзувчи Маргарет Митчеллнинг “Шамолларда қолган ҳисларим” китобидаги бош қаҳрамон Скарлетнинг шиори яъни “I’ll think of it tomorrow”, яъни “бу ҳақида эртага ўйлайман!” сўзлари айрим Ғарб ёшларининг қанотли иборасига айланган.

3. Невротик прокрастинация – бунда шахс ўзининг ички кечинмаларидан келиб чиқиб, зарур ишларни кейинга қолдириши назарда тутилади. Аксарият ҳолларда шахснинг ўзини ўзи бошқара олиш кучининг заифлиги ҳамда унинг табиатида қатъий ишонч ва ғайрат ҳисси пастлиги сабаб бўлади: мен буни эплай олмайман, кучим салоҳиятим, ақлим етмайди, деган фикрлар иш бажариш асносида унга халал бериб туради.

4. Компьюльсив прокрастинация – бунда инсон зарурат туфайли мажбурий тарзда бажариладиган ишларни онгли равишда, яъни ўзи хоҳламаганлиги учун кейинга қолдиради.

5. Таълимий прокрастинация – бу ўқиш ва ўзлаштириш жараёнларидаги вазифаларни бажаришни ялқовлиги сабабли кейинга қолдириш ҳолатлари назарда тутилади.

Уюшмаганлик даражаси ёки интегратив хусусияти султ ёшлар қатлами таркиб топишига жамиятдаги субъектив омиллар ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Субъектив омиллар қаторида ўсиб келаётган ёш йигит-қизларга бевосита таъсир кўрсатувчи оила, яқин дўстлар, дугоналар, маҳалла муҳим ўрин тутати.

Иккинчи муҳим субъектив омил – бу ёшларнинг табиий равишда уюшадиган кичик гуруҳлари (илмда “референт гуруҳлар” дейилади)да юз берадиган мулоқотлар мазмунидан на ота – она, на ўқитувчилар, на маҳалланинг хабардорлигидир. Референт гуруҳлар ёш йигит – қизнинг ҳаёт муаммолари, дунёқараши, меҳнатга, ота – онага, ватанга бўлган муносабатини шакллантирувчи ва мустаҳкамловчи ижтимоий бирликдир.

Агар ёшларнинг қандай кичик гуруҳларга уюша бошлагани аввалдан эътиборга олиниб, унга таъсир ўтказилса, фарзанд тарбияси янада позитивлашар эди.

Учинчи субъектив омил оилаларда ёшларга мақсад тарбиясининг болаликдан бошлаб бериш амалиётининг султлигидир. Мақсадга эгаллик 10 ёшда тугалланиши ва шу ёшдан уни қатъий амалга оширишга киришиш аниқ белгилаб олинган мақсадни рўёбга чиқариш даври бўлиши лозим.

Тўртинчи субъектив омил – бир оиладаги позитив ўзгариш ва янгиланишларнинг оддий ечимларидан яқин ва узоқдагиларни бохабар этмаслик, билган ижобий нарсани бошқага холис аниқроқ ва тез етказиш уни ҳам баҳраманд этиш рағбатининг султлигидир.

Маълумки, ижтимоий муассасаларнинг фаолият жараёни ва натижадорлигини инсон шахсини ривожлантириш мақсадлари ташкил этади. Ҳозиргача бўлган амалиёт эса бирор бир ташкилот фаолиятининг бошқа муассасаларда амалга оширилаётган иш билан уйғунлашмаган ва боғланмаган ҳолда кечаётганлигини кўрсатмоқда.

Хуллас, ижтимоий ривожланиш масаласининг мақбул ечимлари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

1. Давлатимиз томонидан ижтимоий ривожланиш учун яратиб берилаётган қулай иқтисодий, интеллектуал ҳамда

сиёсий эркинликларга мутаносиб даражадаги жамият фаоллигини таъминлашга эришиш;

2. Турли ижтимоий тузилмаларда Ҳаракатлар Стратегиясида белгиланган жадал юксалиш жараёнларини ҳар бир инсон кесимида амалга ошишини таъминлаш учун аниқ режа ва “йўл ҳариталари”ни ишлаб чиқиш.

3. Ҳар бир таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда “Мен бугун ва эртага қандайман” шиори остида индивидуал тараққиёт режаларини тузиш;

4. Ҳар бир маҳалла, оила ва мактабда боланинг 5-7 ёшлигидан бошлаб, аниқ мақсадини шакллантиришга эришиш.

5. Китобхонлик маданиятини вертикал асосларда эмас, балки горизонтал асосларда, яъни “ота китобхон-бола китобхон,” “ўқитувчи китобхон- ўқувчи китобхон”, “ака китобхон- ука китобхон” тарзидаги ёндашувни, яъни ибрат омилини қўллаш орқали тарғиботини кучайтириш зарурдир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

А.С.Бегматов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
ЁМУИКТИ профессори, ф.ф.д.*

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берила бошлади. Мустақилликнинг биринчи ойларида бошлаб ёшларни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий пойдевори яратила бошлади. 1991 йил ноябрь ойида, яъни мамлакатда иқтисодий бўҳрон авж олаётган, ижтимоий муаммолар тўлиб ётган даврда “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мамлакат Конституциясига ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилувчи моддалар киритилди. Ёшлар

муаммоларига бундай муносабат билдирилишининг сабаби уларнинг мамлакат ижтимоий тузилмасида тутган ўзига хос ўрни ва аҳоли таркибидаги улушининг ярмидан ортигини ташкил қилиши каби ҳолатлар билан боғлиқ эди. Шу билан бирга ёшларнинг жамиятдаги энг фаол қатлам экани, уларнинг ижтимоий сафарбарлиги юксаклиги ҳам Давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаган омиллардан бири бўлди.

Ёшлар онгини эгаллаш ҳар доим ҳам долзарб бўлган. Лекин XX аср охирида, глобаллашув кучаяётган, экстремистик ва террористик куч ва гуруҳлар кўпайиб бораётган бир даврда ёшларни миллий тарих воситасида, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш руҳида тарбияланмаса, орадан 5-6 йил ўтгач ўзининг ким экани, кимларнинг авлоди эканини билмайдиган манқуртлар кўпайиб кетиши мумкин эди. Бундай одамларни ҳарқандай томонга осонгина етаклаб кетиш мумкинлигини билган вайронкор кучлар уларни ўз таъсирига олиши мумкин эди. Буни яхши тушунган мамлакат раҳбарияти ёшларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва тарбиялаш чораларини кўрди.

Ўзбекистонда ёшларга оид Давлат сиёсатининг мақсади ёшларнинг ривожланиши, уларнинг ижодий салоҳиятини тўла намоён қилишлари учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароит ва кафолатларни таъминлаш қилиб белгиланди.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати қуйидаги тамойиллар асосида шакллантирилди ва юритилди:

- ёшлар ҳақида, уларнинг миллати, ирқи, тили, қайси динга мансублиги ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, ғамхўрлик қилиш;

- ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш;

- авлодларнинг миллий, маданий ва маънавий алоқаларини таъминлаш;

- ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишини кафолатлаш;

- жамият ривожланишига оид сиёсат ва дастурларни шакллантиришда ёшларнинг бевосита иштирокини таъминлаш;

- ҳуқуқ ва мажбуриятлар, эркинлик ва маъсулият бирлиги.

Мамлакат режали иқтисодни рад этиб эндигина хусусий сектор имкониятларига йўл оча бошлаган даврда ёшлар учун хусусий тадбиркорлик қилиш учун имтиёзлар яратилди. Мамлакат Президентининг ташаббуси билан ёш авлод, она ва бола, соғлом авлод йиллари белгиланди ва муваффақиятли ўтказилди.

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган чорак аср давр давомида ёшларга оид давлат сиёсати доирасида қатор хайрли ишлар амалга оширилганини қайд этиш билан бир қаторда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилганини эътироф этишга тўғри келади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунида мазкур сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналиши экани эътироф этилган бўлса ҳам, амалда бу вазифага тўла эришилмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.”¹

Мамлакатимизда ташкил этилган “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бир қатор ижобий ишларни амалга оширди. Лекин у ўз олдига қўйилган барча вазифаларни тўла бажаришга эриша олмади: “Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар

¹ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2017 йил 10 июль, 27-сон, 607-модда

яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда».²

“Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунида мазкур сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлишини таъминлашга эришилмаганининг сабабларидан бири шунда эдики, унда тизимлилилик тўла таъминланмаган эди. Бунга, айтайлик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати олдига қатор вазифалар қўйилгани, лекин бу вазифаларни бажариш учун тегишли ваколатлар берилмагани, ёки бўлмаса ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этишга ундалгани, лекин бунга эришиш учун етарли моддий ва молиявий ресурслар ажратилмагани кабиларда ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича ҳам ёшларнинг ривожланиши, уларнинг ижодий салоҳиятини тўла намоён қилишлари учун етарли ишлар олиб бормагани сабабли бу ҳаракат ёшлар орасида катта обрў қозона олмади. Бундай ҳолат вужудга келишининг сабабларидан бири мамлакатда ёшлар билан ишлаш, ёшларга раҳбарлик қилиш ўқуви, кўникмалари ва лаёқатига эга бўлган кадр тайёрлайдиган ўқув юрти ёки факультетларнинг йўқлиги билан боғлиқ эди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олиб мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳаётий ва тизимли бўлишига, ёшларнинг ривожланиши, уларнинг ижодий салоҳиятини тўла намоён қилишлари учун шарт-шароит яратиш, барча имкониятларни тўла ишга солишга алоҳида аҳамият берилди.

² Ўша жойда

Янгидан ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, «Ёшлар - келажак бунёдкори» шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш устувор вазифа қилиб белгиланди. Бу вазифани бажариш бўйича кейинги икки йил мобайнида шу қадар кенг миқёсли ва салмоқли тадбирлар амалга оширилдики, аввалги ўн йилликлар даврида ҳам бунчалик миқёсда самарали ишлар бажарилмаган эди. Қисқа давр ичида амалга оширилган ва оширилаётган тарихий тадбирлардан бири сифатида Президент Ш Мирзиёев Фармонида биноан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳузурида “Ёшлар-кеलाжогимиз” жамғармасининг таъсис этилишини кўрсатиш мумкин.

Мазкур Фармонни бажариш юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Ёшлар-келажогимиз” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Республика Президентининг мазкур Фармони ва ҳукуматнинг Қарори қабул қилингандан кейин ўтган қисқа вақт давомида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Бундай тадбирлар жумласига аввало, қуйидагиларни киритиш мумкин: Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Ёшлар — келажогимиз” жамғармаси маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш тартиби тўғрисида низомга асосан кредитлар бериш бошланди. Бу жараённинг шуниси эътиборлики, авваллари тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшлар кредит олиш учун ҳафталаб ва ойлаб турли ҳужжатлар жамлаш ва банкларга қатнашга овора бўлган бўлсалар, энди банк ходимлари ёшларнинг уйларига, ўқиш жойларига бориб кредит таклиф қила бошладилар. Шунинг оқибатида кейинги икки йил давомида ёшларга аввалги 20 йилда берилгандан ҳам кўпроқ кредит берилди.

Иккинчидан, ишсиз ва банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш юзасидан қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплекси амалга оширилдики, бундай курсларда ўқишга юз минглаб ёшлар жалб этилди. Уларнинг каттагина қисми курсларни тугатиб тегишли ҳужжатлар олди ва ишга жойлашиб ҳам улгурди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлда қабул қилинган “Ёшларга оид Давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди. Ўтган қисқа вақт давомида институтда ташкил этилган курсларни беш юздан ортиқ иқтидорли ёшлар муваффақиятли тугаллади, ёшларга етакчилик билан боғлиқ лавозимларда иш юрита бошлади.

2016 йил 12 августда қабул қилинган “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари кўрсатиб берилган. Мазкур Қонунда “ёшлар” атамаси 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахсларни қамраб олиши кўрсатилган. 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳуқуқий жиҳатдан бир хил фуқаролик мавқеига эга. Лекин айтайлик, 16-18 ёшли йигит ва қизлар 25-30 ёшли йигит ва қизлар билан психологик, касбий, жиҳатдан бир хил мақомга эга, дейиш қийин. Улар ўртасида кўпгина умумий хусусиятлар билан бир қаторда жиддий тафовутлар ҳам мавжуд.

Бизнинг фикримизча, мазкур қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг объекти бўлган йигит ва қизларнинг ёш чегаралари белгилаб берилган. Навбатдаги вазифа ёшларнинг илмий тимсолини ва психологик портретини яратишдан иборат. Ёшларнинг психологик портретини яратмас эканмиз, уларнинг кучли ва заиф томонларини, қайси йўналишда таълим ва тарбия тадбирларини кучайтириш зарурлигини аниқ белгилай олмаймиз. Психология фани

берган маълумотлардан маълумки, инсонларнинг бирор гуруҳини тарбиялашга киришишдан аввал шу гуруҳни атрофлича ўрганиш, унинг эҳтиёжларини, қизиқишларини, ютуқ ва камчиликларини аниқлаш зарур. Шу қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, 14-30 ёшдан иборат бўлган ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб қандай гуруҳларга бўлиб ўрганиш кераклигини аниқлаш лозим. Чунки ёш авлоднинг дунёқараши, атрофда юз бераётган иқтисодий, сиёсий, мафкуравий жараёнларга муносабати тўла шаклланиши учун анча вақт талаб қилинади. Масалан, 16-19 ёшлиларда бу жараён фаол давом этаётган бўлади. 26-30 ёшлиларда эса бу жараён якунланиб, уларнинг дунёқараши тўла шаклланган, атофдаги воқеа-ҳодисаларга катъий муносабати юзага келган бўлади.

Ёшлар таркибидаги турли ёш гуруҳларининг ҳар бири ўз даврида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида шаклланади. Шунинг учун уларнинг дунёқарашларида ҳам муайян тафовутлар бўлади

Ёшлар таркибидаги гуруҳларни фарқлаб олгандан кейин тасниф қилинган ҳар бир гуруҳнинг хусусиятларини ўрганиш, психологик портретини чизиш лозим бўлади. Ҳар бир гуруҳ портретини яратганда эса унинг таркибидаги кичик гуруҳларни, жумладан гендер, касбий белгилари ва маълумот даражаларига кўра ҳам фарқлаш зарур бўлади. Ёшлар билан мана шу жиҳатларни ҳисобга олиб ишлаш Ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга оширишга хизмат қилади.

ЁШЛАР МУАММОЛАРИГА СОЦИОЛОГИК ЁНДОШУВ

А.Б.Юнусов

*Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори
ўринбосари, социология фанари номзоди*

Ёшлар алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида социология фанида ўзига хос ўринга эга. Шу боисдан ҳам, социологияда ушбу қатлам билан боғлиқ муаммоларни ўрганувчи тармоқ

- Ёшлар социологияси мавжуд бўлиб, бугунги кунда мазкур тармоқ кенг ривожланмоқда. Бу соҳа жуда мураккаб бўлиб, бир неча жабҳаларни: ёш ва руҳий хусусиятларни, таълим ва тарбиянинг социологик муаммолари, оила ва жамоатчилик таъсири, шунингдек, бошқа бир қанча масалаларни ўзида мужассамлаштиргандир.

Бугунги кунда юзага келган турли-туман, баъзан бир-бирини бутунлай инкор этувчи ахборотлар муҳити кадриятларнинг ижтимоий онг даражасидаги рақобатини юзага келтириб, бутун аҳолини қарахт қилиб қўймоқда ва бевосита ёшларнинг кадриятлар оламига зиддиятли ҳамда тартибсиз таъсир қилмоқда. Натижада, ёшларнинг турли муаммоларини келтириб чиқариш билан бирга, унинг турлича ечимларини ҳам юзага келтирмоқдаки, бу ёшлар муаммоларини тушуниш ва уларни ҳал қилиш ишини тобора қийинлаштириб бормоқда. Бу шароитда муаммоларни тез аниқлаш ва ечимларини топишда социология ва социологик тадқиқотларнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда ёшлар муаммоларини социологик тадқиқотлар орқал ўрганиш XX асрнинг 60-70 йилларида бошланган. Собиқ Иттифоқ даврида, аниқроғи 1964 йилда собиқ ВЛКСМ Марказий кенгаши қошида социологик тадқиқотлар маркази ташкил этилган эди. Ушбу марказ томонидан собиқ иттифоқ, хусусан, Ўзбекистон ёшларининг ҳам муаммолари социологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиб борилган. Мазкур Марказ томонидан турли тадқиқотлар ўтказилиши билан бирга, бир неча илмий конференциялар ҳам ташкил қилиндики, бу нафақат ёшлар социологиясининг, балки бутун социологиянинг ҳам кенг ривожланишига кўмаклашган.

XX асрнинг охирларига келиб, тадқиқотлар йўналишлари кенгайиб, янги-янги муаллифлар ва жамоалар пайдо бўлди. Турли ҳудудларда амалга оширилган тадқиқотларни қиёсий ўрганиш имкониятлари юзага келди. Хусусан, бизнинг республикамизда ҳам мустақиллик арафасида ёшлар муаммолари С.Жўраев томонидан кенг ўрганилган эди.

Учинчи минг йиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларида ёшлар муаммолари турли ташкилотлар то-

монидан ўзларининг олдига қўйилган вазифалар доирасида ҳамда алоҳида тадқиқотчилар томонидан ўз илмий тадқиқотлари доирасида ўрганилди. Хусусан, “Ижтимоий фикр” Маркази, “Камолот” ЁИҲ ва унинг қошидаги ташкилотлар, Фуқаролик жамиятини ўрганиш мустақил институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида ташкил этилган социологик ва психологик тадқиқот гуруҳи ва бошқалар олиб борган тадқиқотлар шулар жумласидандир.

2017 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қарорлари билан “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти”нинг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Институт олдига қўйилган асосий вазифалардан бири – ёшлар муаммоларини социологик тадқиқотлар ёрдамида ўрганиш ва уларнинг ечимларини топишда замонавий илмий усулларни жорий қилиш эди. Бугунги кунгача институт олимлари томонидан ёшлар муаммоларининг долзарб мавзуларига бағишланган 30 дан ошиқ тадқиқотлар амалга оширилди.

Ёшлар социологияси – социологиянинг бир тармоги сифатида ёшларни алоҳида ижтимоий бирлик сифатида ўрганади, ҳаётга энди қадам қўйиб кириб келаётган авлоднинг ижтимоийлашув ва тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатларини, ёшлар томонидан катта авлоднинг билим ва тажрибаларини ўзлаштирилиши ва ворислик анъаналарини, ёшлар турмуш тарзи хусусиятларини, уларнинг ҳаётдаги мақсадлари ва қадрият мўлжалларини, шу жумладан, уларнинг касбга йўналганлиги, ижтимоий мобиллиги, турли гуруҳлар томонидан ижтимоий ролларни бажарилишини тадқиқ этади.

Ёшларни илмий тадқиқ этишнинг асосий тамойиллари куйидагилар:

1. Ёшлар муаммоларига тарихий ёндашув. Ёшлар социологияси ёшларни ижтимоий демографик гуруҳ сифатидаги ўзига хосликларини ўрганади, конкрет тарихий шарт-шароитларда ҳаётга қадам қўяётган ёшлардаги ўзгаришларнинг сабабий алоқадорликларини очиб бериш;

2. Ёшлар турмуш тарзини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш;

3. Ёшларнинг доимий ривожланиш йулларини тахлил қилиш. Шунинг эътиборига олиш лозимки, ҳар бир янги авлод мавжуд ижтимоий шарт-шароитларга ўзгариш киритиб боради.

4. Ёшларга дифференциялашган ёндашув: ёшларнинг барча гуруҳлари бир хил эмас;

5. Ёшларнинг маълумот, касб, маданият, миллат ва ижтимоий-сиёсий жиҳатлардан бир хил эмаслигини ва улар ўртасидаги фарқлар жамият ривожининг бирон-бир даражасида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкинлигини тушуниш;

6. Ёшлар муаммоларининг жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатлар билан боғлиқлиги, уларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ёрдамида ҳал қилиш мумкинлиги. Ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини уларга ўз қобилиятлари ва кучини намоён этишлари учун яратиб берилган шарт-шароитлар ҳамда ёшларнинг ўзларининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллик даражалари белгилаб беради.

Ёшлар социологиясининг назарий ва амалий аҳамият касб этувчи асосий муаммолари қуйидагилар:

1. ёшларнинг жамият ижтимоий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, ёшларнинг турли гуруҳларининг «социаль портретини» яратиш, ёшларни турмуш тарзининг барча жаҳаларига хос талаблари, манфаатлари, қадрият мўлжаллари, жамиятдан нималарни кутаётганликларини тадқиқ этиш;

2. фаол ҳаёт позициясини, турмуш тарзи ва ҳуққатворини шакллантириш;

3. турли ижтимоий соҳалардаги мослашувчанлик хусусиятларини ўрганиш;

4. ёшларнинг ҳаётий режаларини ўрганиш ва уларни амалга оширишларига қўмаклашиш;

5. ёшларнинг ижтимоий фаоллик захираларини ва пассивлик сабабларини, уларнинг турли даражаларда бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувдаги иштирокларини тадқиқ этиш;

6. меҳнат ва ишсизликка маънавий-рухий тайёрлик даражасини аниқлаш ва бошқалар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистонда Ёшлар социологиясининг энг асосий муаммоларидан бири, республикаимиз ёшлари қадриятлари тизимидаги ўзгаришларни тадқиқ этишдир. Институт олимлари ушбу муҳим масалани замонавий усулда ҳал қилиш, ёшлар қадриятлар тизимини кенг ўрганиш мақсадида Австриянинг Вена шаҳрида жойлашган “Бутунжаҳон қадриятларни ўрганиш” Халқаро Ассасацияси билан келишувга эришиб, мамлакатимизда биринчи марта аҳолининг қадрият мўлжалларини ўрганишга қартилган WVS тадқиқотини ўтказишга киришилди.

Ёшларда устувор қадриятларни аниқлаш улар учун муҳим бўлган қадрият мўлжалларини аниқлаш имконини беради. Бу эса, ёшлар қайси томонга қараб ҳаракатланаётганлигини аниқлаш билан бирга, ушбу ҳаракатни жамият учун фойдали йўналишда бошқаришни ташкил этиш имконини ҳам беради. Жамиятда ижобий қадриятлар устуворлигига эришиш ва ёшларнинг қадрият мўлжалларини тўғри шакллантириш том маънодаги ижобий яратувчи кучни таркиб топтириш имконини беради.

ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИДА АССЕРТИВ ХУЛҚНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

К.Б.Қодиров

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти, кафедра мудири
психология фанлари номзоди, доцент*

Ассертивлик тушунчаси инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “assert” феълининг ҳосиласи ҳисобланади. Ассертивлик ўзгаларнинг шахсиятини ҳурмат қилган ва уларнинг шаънига тегмаган ҳолда шахснинг ўз қарашини, ёндашувида туриб, шахснинг ўз эркинлиги ва ҳуқуқини ишонч билан ҳимоя қила олишини англатади.

Ассертив шахс тушунчаси, шахсда мужассамлашган сифатни тавсифлаб, ташқи муносабат ва бериладиган психологик баҳоларга қарам эмасликни, ўз хулқини эркин бошқара олишни англатади. Ассертив хулқ деганда эса, ўзаро муносабатларда мувозанатни таъминлаш учун энг мақбул қарорни қабул қилиш тушунилади.

Шу боис, умуман, ассертив хулқни шакллантиришга доир тадқиқотларда хулқ-атворнинг интегратив стратегияси ифодаланганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ижтимоий мослашувчанликни таъминлаш мақсадида ижтимоий-психологик тренинглар ўтказилган гуруҳларда ассертивлик юқори ифодаланиб, мослашувчанлик даражаси ҳам юқори ифодаланган бўлади. Ижтимоий-психологик тренинглар ўтказилмаган гуруҳларда мослашувчанлик ва ассертивлик даражаси пастлиги кузатилади. Демак, ассертивликни шакллантириш, яъни ассертив хулқнинг асосий компонентларини тренинглар орқали таркиб топтириш мумкин экан.³

В.Каппонининг таъкидлашича, ассертив хулқ қуйидаги компонентлардан таркиб топган:

- ўз хулқи учун масъулиятни зиммасига олиш;
- ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилишини намоён этиш;
- самарали мулоқот қила олиш;
- ўзига бўлган ишончни ва ижобий установкани намоён этиш;
- диққат билан тинглаш ва тушуниш маҳорати;
- музокара ва низоли вазиятларда муросаи мадорага эришиш;
- мураккаб вазиятлардан чиқишнинг осон йўлларини топиш.⁴

В.Каппони томонидан кўрсатиб ўтилган компонентлар А.Асмолов томонидан тавсия этилган муваффақиятли хулқ стратегиясидаги хусусий компонентларнинг функционал ва тузилмавий жиҳатдан боғлиқлиги жиҳатидан ажралиб тура-

³ Рогинская Т.И. Синдром выгорания в социальных профессиях // Психологический журнал. 2002. Т. 23. № 3.

⁴ Каппони В., Новак Т. "Как делать все по-своему, или ассертивность – в жизнь!" – Санкт-Петербург: Речь, 1995. – 232 с.

ди. Унинг тадқиқотларида ассертив хулқни намоён этмаган респондентларнинг тахминан 40 фоизда чуқур депрессивлик ҳолати яққол ифодаланганлиги кўрсатиб ўтган.⁵

Ассертив хулқ инсоннинг камолотга интилиши давомида эҳтиёж сифатида ифодаланиб, бу жараёнда психологик саломатлик ва ижтимоий етуқлик ассертив хулқнинг шаклланишида психик барқарорликнинг вужудга келиши билан ажралиб туради. Т.Рогинскаянинг таъкидлашича, айнан эҳтиёж ассертивлик ва ассертив хулққа доир билимларни ўзлаштиришга асос бўлади.⁶

Кўпгина тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ассертив хулқни ўзида намоён этиш, жабр ёки зуғум ўтказмаслик фалсафасини эътироф этган ҳолда, унга амал қилишга боғлиқ. Бу хулоса, инсоннинг психологик камолотини таъминлаш жараёнида уни муҳофаза қиладиган муҳит низо, юқори агрессив хулқ ва зўравонликнинг турли кўринишларидан холи бўлишини тақозо этади. С.Медведеванинг таъкидлашича, бу жараёнда ассертивлик тренингдан фойдаланиш ижобий натижалар бериб, фаолият жараёнига, шу жумладан, ўқув фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.⁷

Ёшлар ўртасида ассертив хулқни шакллантириш жараёни самарали – барқарор кечилишини таъминлаш учун:

1) психология, социология ва педагогика фанларини ўқитишда ассертивлик ҳақида маънавий-маърифий ахборотларни ёшлар эътиборига етказиш лозим. Бунинг учун психологик ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш тавсия этилади;

2) ёшларда ўзлари ва атрофидагилар билан тенг ҳуқуқли субъект эканлиги тўғрисидаги ижтимоий тасаввурни шакллантириш шарт;

⁵ Каппони В., Новак Т. “Как делать все по-своему, или ассертивность – в жизнь!” – Санкт-Петербург: Речь, 1995. – 232 с.

⁶ Рогинская Т.И. Феномен сопротивления адаптирующим воздействиям: Автореф. дис. д-ра псих. наук. Электронный ресурс. -СПб., 1995.- 33 с.

⁷ Медведева С.А. Развитие ассертивности будущих практических психологов в процессе их профессионального становления // Дисс...кан.. психол..н. - Киев: ГВУЗ «Университет менеджмента образования». 2010. – С.45-49.

3) шахс эркинликлари ва ҳуқуқларига оид мавзулар муҳокамасида ёшларнинг фаоллигини таъминлаш шарт. Бунинг учун психология ва педагогика фанларидан ўтказилган маъруза ва амалий машғулотларда мулоқотнинг турлари ва маданиятлараро ўзаро муносабатларни таъминловчи функцияси ҳақида аниқ маълумотлар етказиш тавсия этилади;

1) ассертив хулққа нисбатан ёшларда қадриятга асосланган ижобий муносабатни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун маърифат соатларини ўтишда барча индивидуал хусусиятлар билан ҳар бир инсон қадрият сифатида ҳурматга лойиқ эканлигини ўқитиш тавсия этилади;

2) ёшларга ассертив хулқ тўғрисида маълумот беришда, унинг эмоционал-ҳиссий мазмунига жиддий эътиборни қаратиш лозим. Бунинг учун эмоцияларни намоён этиш психотехникасидан фойдаланиш тавсия этилади;

3) таълим жараёнида ўзини англаш, ассертив хулқни ўрганиш учун қулай ижтимоий-психологик муҳит яратилиши лозим;

4) реал ҳаётда ассертив хулқнинг ўрни ҳақида тажриба алмаштириш тартибини татбиқ этиш лозим. Бунинг учун, таълимнинг гуманистик принципларига таянган, гуруҳларда иш юритишда когнитив-хулқий йўналиш ғояларига асосланган, талаба-муҳит-талаба муносабатларининг ўзаро алоқадорлиги таъминланган, гуруҳда интерфаол таълим усулларидан фойдаланган ҳолда ассертив хулқни шакллантириш тренингларини ўтказиш тавсия этилади.⁸

Ҳозирги вақтда ассертив хулқни ўрганиш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотларни ўқиб даражага умумлаштириш мумкин. Булар интеллектуал, шахсий ва эмоционал даражалардир.

Интеллектуал даража деганда инсоннинг ўз эркинлиги ва ҳуқуқини конструктив тарзда ҳимоя қила олиши, кучли ва кучсиз томонларини онгли равишда ўз муносабати ва ҳиссиётларини турли сатҳда ифода эта олиши тушунилади.

⁸Абдумаджидова Д.Р. Педагогик фаолият тизимида ассертивлик ва ассертив хулқ талқинлари. // Педагогика. ТДПУ. Илмий-назарий ва методик журнал. № 5. Тошкент, 2016. – Б.35-41.

Шахсий даража инсоннинг ўзига ва бошқаларга ишончи, қатъиятлилиги, мақсадга йўналганлиги, талабчанлиги каби хислатларни намоён этиши билан биргаликда унинг хулқида конгруэнтлик, яъни мақтов ва танқидларни ақл билан идрок этиш, бошқаларни ҳурмат қилиш каби фазилатларнинг таркиб топиши билан белгиланади.

Эмоционал даража инсон ўз ҳис-туйғуларини нутқи ва хатти-ҳаракатлари орқали аниқ-яққол ифодалай олиши, босиқлик ва вазминлик билан ўз кечинмаларини намоён этиб, талаб ва истакларини очиқ баён эта олиши каби кўринишларда намоён бўлади.⁹

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулоса ва тавсияларни тақдим этиш мумкин:

1. Ассертив хулқ шахслараро муносабатларнинг конструктив воситаси ҳисобланади. Ёшлар етакчиларидаги ассертив хулқнинг ижтимоий-психологик кўрсаткичлари сифатида уларнинг ижтимоий эркинлиги, қадриятларни эътибор олиши, ўзларининг мақсад ва ниятларини очиқ билдириб, бошқаларнинг манфаатларини ҳурмат қилиши, ахлоқий меъёрларга амал қилиши, ўз хулқи учун маъсулиятни зиммасига олиши билан белгиланади.

2. Ёшлар етакчиларида ассертив хулқ – мустақил фикрлилик, дадиллик, қатъиятлилик, ўзига ишонч, ташқи таъсирларга берилмаслик, ўз устида ҳукм ўтказишга йўл қўймаслик ва маъсулиятни ўз бўйнига олиш каби ижтимоий-психологик хусусиятларнинг намоён бўлишида ўз ифодасини топади.

3. Ёшлар етакчиларида ассертив хулқнинг умумий интеллектуал, шахсий ва эмоционал даражалари мавжуд. Ассертив хулқ намунаси сифатида лидернинг ўзига ва бошқаларга бўлган ассертив муносабати бир қатор компонентлардан таркиб топган. Ёшлар етакчиларида дадиллик ва проактив позициянинг намоён бўлиши ижтимоий муносабатлар тизимида шахсий ва касбий муаммоларни ажрата олиш хислатининг барқарор ва изчил тарзда ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

⁹Абдумаджидова Д.Р. Мактаб ўқувчиларида ассертив хулқни шакллантиришнинг психологик хусусиятлари. // Мактаб ва ҳаёт. Илмий-методик журнал. № 8. 2016. – Б.10-14.

4. Ассертив хулқнинг юқори даражаси намоён бўлган ёшларетакчиларига субъектив назоратнинг юқори даражаси, яъни интерналлик хос бўлиб, улар ҳаётда юз берган воқеаларнинг аксарияти шахсий фаоллик, компетентлик, интилувчанлик, вазиятларни бошқара олишига ишонч, ҳаёти учун масъуллигини ҳис қила олишларини билдиради.

5. Ёшлар етакчиларида ассертив хулқнинг ижобий ўсишини таъминлашга мўлжалланган махсус коррекцион дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилса, улардаги лидерлик сифатларини янада кучайтириш имконияти очилади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖАМОАВИЙЛИК РУҲИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.Т. Норкулова

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти доценти*

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотларни олиб боришга катта эътибор қаратилди. Ёшларни тарбиялашда бой маънавий-маданий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий ижтимоий-психологик механизмлар ишлаб чиқилиб, таълимни инсонпарварлаштиришга замин яратди. Бундай муҳим вазифаларни амалга оширишда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун асосида таълим тизими соҳасидаги устувор йўналишлар белгиланди¹⁰.

Бугунги кунга келиб янгича фикрлайдиган, фуқаролик жамиятини қуришда мамлакат равнақига ҳисса қўша ола-

¹⁰ “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

диган, ўз касбининг сир-асрорларини пухта эгаллаган мутахассис кадрларни етказиб бериш бошқарув тизими олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Бунинг учун ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш лозим. Бу вазифани бажаришга киришишдан олдин нафақат анъанавий педагогик усуллардан фойдаланиб дарсни ташкил этиш, балки дунё тажрибасига ҳам назар ташлаш, улардан ўзимизга мақбулларини олиб, миллий таълим тизимига мослаштириш орқали дарсларни янада қизиқарли ўтиш, ҳозирги кун раҳбарларини амалиёт жараёнига жалб этиш, уларнинг ўзаро ҳамкорликда ўқишларини таъминлаш, раҳбарларда жамоа билан ишлай билиш, жамоани бошқариш қобилиятларини ривожлантириш, рақобатбардош жамоадан фақатгина ўз билимлари ва жамоа аъзоларининг ўзаро аҳиллиги ва маданиятлиги билангина ғолиб чиқишлари мумкинлигини уқтириш лозимлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги пайтларда мутахассисларни, замонавий психолог ва педагогларни жиддий ўйлантриб келаётган муаммо, у ҳам бўлса ҳозирги кун раҳбарининг ўз ходимларида ишга бўлган мотивациясини ошириш масаласидир.

Мотивация муаммоси шахс тузилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, инсон хулқ-атвори ва фаолиятини тушунтриб беришда қўлланиладиган асосий тушунча ҳисобланади. Шулардан муҳими аффилиация (инг. to affiliate – бирлаштирмақ, бирлашмоқ, инсонни бошқа одамлар даврасида бўлишга интилиши) мотивидир. Аффилиация мотиви шахс эҳтиёжлари иерархиясининг энг юқори даражасига мансуб бўлиб, у шахс табиатининг фундаментал ва базавий мотиви ҳисобланади ва энг муҳим хусусиятларидан бири инсонларнинг ўзаро бир-бирлари билан таъсири доирасидагина ривожланади.

Аффилиация эҳтиёжи деганда одамлар билан ижобий алоқа ўрнатиш, сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тушунилади. Ушбу эҳтиёжи бор шахс, нафақат одамларга интилиб, ижобий эмоционал мулоқотдан баҳра олади, балки инсоний муносабатлар доирасида уни муҳим ҳаётий маъно сифатида қабул қилади. Баъзида эса бу эҳтиёж шунчалик аҳамиятга

молик бўлиб қоладика, бошқа эҳтиёжлардан устунроқ туради. Чунки аффилиация мотивацияси - мулоқотга интилиш, билишга интилиш, ўзини таъкидлаш, манфаатли ҳамкорликка интилиш каби мақсадлар, эҳтиёжлар, мотивлар мажмуидан иборат бўлиб, улар иш фаолияти давомида раҳбарни ақлий, англанилган мулоқот жараёнига ўтишга ундайди. Бу эса ҳозирги кун раҳбариди сўзлашув нутқи малакаларининг шаклланишига олиб келади.

Айниқса, педагогик ва етакчилик фаолияти билан шуғулланувчи касб эгалари учун аффилиация мотивининг шаклланиши даражаси биринчи даражали масалалардан бирига айланиши керак, чунки аффилиатив ўзаро таъсир енгиллик, ишонч уйғота олиш, ўзаро тушуниш ва жалб қила олиш, одамларни бирлаштира олиш каби характеристикаларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистон ёшларида аффилиация мотивини ижтимоий-психологик томонларини ёритиб берувчи аниқ илмий тадқиқот ишлари деярли мавжуд эмас. Бу ҳолат мамлакатимиз шароитида ёшларда, хусусан, раҳбар ёшларда аффилиатив мотивациянинг психологик табиатини ўрганиш ва шунга мос тарзда таълим-тарбия дастурларини, ижтимоий-психологик тренинг дастурларини ишлаб чиқишини долзарб **илмий муаммо** сифатида намоён этади.

Аффилиация мотивини ёш раҳбарларда тўғри шакллантириш бизга ўз иш жойида коммуникатив компетентликка эга бўлган, шу жумладан, фуқаролик жамиятини барпо этишда ўз ҳиссасини қўшувчи мутахассис кадрларни тайёрлаб бериш имконини беради. Аффилиация мотивини ёшларимизда шакллантиришга таъсир этувчи бир нечта омиллар ҳақида айтиб ўтиш жоиз.

1. Аффилиация мотиви, айниқса, аффилиатив хулқатворнинг намоён бўлиши болаликдан оиладаги ўзаро муносабатлар ҳилма-хиллиги (стили)га боғлиқ бўлади.

2. Аффилиация нисбатан эҳтиёж универсал ҳисобланиб, ёш, гендер, этник мансубликдан қатъий назар барча инсонларга хос бўлади, лекин унинг характери ва мазмуни шахс тарбияси, ижтимоийлашув шароитларидан келиб чиққан ҳолда фарқланади.

3. Тингловчиларда профессионал касб эгаллаш даврида ўқитиш мотивациялари билан биргаликда аффилиация ва муваффақиятга эришиш мотивацияларининг уйғунликда олиб борилиши ижтимоий хулқ мустаҳкамланишига эришиш орқали коммуникатив жиҳатдан билимдон (компетент) мутахассис етиштириб беришга асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, ушбу мотивацияни амалиётда ёш раҳбарларда ҳамда етакчиларда шакллантириш учун таълимнинг интерактив усул ва шакллари, махсус вазиятли топшириқлар, корпоратив тренинг дастурлари, етакчи муваффақиятининг индивидуал харитаси каби ўз ичига мультимедиа, аттракция ва бошқа техник усулларни қамраб олувчи комплекс ижтимоий-психологик воситалардан фойдаланишни талаб этади.

ЁШ РАҲБАРЛАРНИНГ БОШҚАРУВГА ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

А.Х.Холов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
ДБА илмий-тадқиқотлар ва илмий педагог
кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи, PhD*

Ёш истиқболли кадрларнинг бошқарувчанлик салоҳиятини ривожлантиришнинг илғор технологияларини жорий этиш ва соҳалар кесимида зарур бўлган раҳбарлик кўникма ва малакаларини ривожлантириш ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ёш раҳбарларнинг бошқарувга тайёргарлик даражасини аниқлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.


2018 йил август-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида социологик сўров

ўтказилди. Сўровда “Ёш раҳбарларнинг бошқарувга тайёр-гарлик даражасини аниқлашга бағишланган анкета”дан фойдаланилди. Анкета сўровига 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган ёш раҳбар кадрлар жалб қилинган бўлиб, жами тадқиқотда иштирок этганлар 535 нафарни ташкил этди.

Тадқиқотда иштирок этганларнинг ярмини (50,3%) 31 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар ташкил қилдилар. Шунингдек, ҳар учтадан бир нафар респондент (32,3%) 36-40 ёшдалигини маълум қилганлар. Бу табиий ҳол бўлиб, ундан ёшроқ тоифадаги қатлам вакиллари орасида раҳбар лавозимларга тайинланганлар жамиятда ҳам кўпчилиқни ташкил қилмайди.



Ушбу ҳолатни жинсий таркибда ҳам кузатиш мумкин. Яъни, респондентларнинг ҳар бештадан биттаси (22,1%), ёки 118 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади.



Тасодифий саралаш орқали танлаб олинган респондентлар таркибида хотин-қизларнинг камлиги миллий ҳу-


сусият билан изоҳланиб, бу ёшдаги аёллар кўпроқ оила қуриш ва фарзанд тарбияси билан шуғулланишни устувор кадрият деб ҳисоблашади.

Ёш раҳбар кадрларда кадрият мўлжалларини ўрганиш мақсадида турли кадриятлар қатори берилиб, уларни устуворлигига кўра кетма-кет баҳолаш сўралди. Ушбу саволга жавоблар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ёш раҳбарларда садоқат, адолат ва ҳамкорлик тушунчалари энг юқори кадрият сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, “садоқат”ни тадқиқотда иштирок этганларнинг 16,6% биринчи ўринда, 15,3% иккинчи ўринда ва 11,4% учинчи ўринда аҳамиятли кадриятлар қаторига қўшганлар. Кейинги аҳамиятли кадрият “адолат” бўлиб, ушбуни биринчи ўринга қўйганлар 14,6%, иккинчи ўринда кўрсатганлар 17,0% ҳамда учинчи ўринда муҳим деб ҳисобловчилар 10,5%ни ташкил этган. Ёш раҳбар кадрларда яна битта муҳим аҳамиятга эга кадрият – “ҳамкорлик”дир. Ушбу тушунчани биринчи ўринда кўрсатганлар – 11,4%, иккинчи ўринда кўрсатганлар – 12,1% ва учинчи ўринда кўрсатганлар 16,4%ни ташкил этди. Тадқиқотда иштирок этганлар томонидан асосан мана шу кадриятларга кўпроқ устуворлик берилган. “Мурасага келтира олиш маҳорати” ва “Объективлик” каби кадриятларга ёш раҳбарлар томонидан эътибор берилмаётганлиги, уларда замонавий менежментга доир билимлар етарли шакланмаганлигини кўрсатмоқда.


Респондентларнинг лидерлик салоҳиятлари билан боғлиқ “Сиз ўзингизнинг лидерлик салоҳиятингизни қандай баҳолайсиз?” деган саволларга жавоблар таҳлилида ҳам, халқимизга хос ментал хусусиятлар намоён бўлмоқда. Яъни, ёш лидерларга кўпроқ ишдан ташқари тадбирларни уюштириш топширилади (31,2%), жамоада уларнинг позициялари ҳисобга олиниш билан чекланилади (21,9%), уларнинг “илтимос ва таклифлари эътиборсиз қолмайди” (17,0%). Ҳозирча уларнинг кўпчилиги ўзларини жамоада ишончли ва мустаҳкам ўринга эга етакчи деб ҳисоблашмайди.




Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, ёш лидерларда жамоада ва ўз бошқарув фаолиятларида ўзгаришларни амалга ошириш иштиёқи баланд. Хусусан, бу ҳолатни “Бошқарув фаолиятингизда бирон бир инновацион ўзгариш қилганмисиз?” деган саволга жавоблар таҳлилида кўришимиз мумкин. Тадқиқотда иштирок этганларнинг деярли ҳар учтадан биттаси (28,8%) бошқарувнинг бирон бир жиҳатини ўзгартирган бўлсалар, ҳар тўрттадан бири (25,4%) “ишни бутунлай янгича ташкил қилишга ўтганлар”. Шунингдек, деярли ҳар бештадан битта респондент (18,9%) ташкилотнинг кадрлар тизимида ўзгариш қилганлар. Бундан кўринадики, ёш раҳбар кадрларда бошқарув масъулиятини тўлиқ ўз зиммасига олишга қодирлар ва уларга ишонч билдириган тақдирда кенг ўзгаришларни амалга оширадилар.




Ёш раҳбар кадрлар бошқарув жараёнининг асосий унсурларидан бири бўлган – назорат функциясини тўлиқ амалга оширадилар. “Бўлимлар фаолиятини доимий назорат қилиб борасизми?” деган саволга кўпчилик респондентлар “Ҳа” (70,7%) ва “Кўпинча ҳа” (17,0%) деб жавоб берганлар. Бундан кўринадики, ёш раҳбар кадрларда бошқарув борасида билимлар етарли даражада шаклланиб бормоқда.



Худди шунингдек, “Ходимлар фаолиятини мониторинг қилишда бирон бир янги ахборот технологиялари ёки ҳисоб-китоб усулларидан фойдаланасизми?” деган саволга жавоблар таҳлили ҳам, ёш раҳбар кадрларда бошқарувда инновацион технологиялардан фойдаланишга интилиш кучли эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу саволга жавоб берганларнинг 66,5 фоизи “Ҳа” деган жавоб вариантини белгилаган бўлсалар, 17,4 фоизи “Кўпинча ҳа” деб жавоб берганлар. Аниқлаштириш мақсадида респондентлар билан кўшимча олиб борилган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, ахборот технологиялари деганда уларнинг аксарияти офис даражасида фойдаланишсада, шу даражада ҳам ўз фаолиятларини энгиллаштириш учун турли ишларни айнан ахборот технологияларидан фойдаланиб бажармоқдалар. Бу уларда ахборот технологияларини қўллашга интилиш кучли эканлигини кўрсатади ва ушбу йўналишда тадқиқот олиб бораётган мутахассисларга айнан бошқарувда энгиллик яратишга қаратилган янги компьютер дастурларини яратиш ёки маҳаллий шароитларга мослаштириб, раҳбар кадрлар ўртасида кенгроқ тарғиб қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.




Ёш раҳбар кадрлар замонавий менежмент қоидаларига амал қилган ҳолда ташкилот маданиятини жорий қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, улар ўз ташкилотларида турли ташкилот қадриятлари ва маданиятни кучайтирувчи урф-одат ва анъаналарни жорий қилиб бормоқдалар. Шу йўсинда берилган саволга жавоблар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотда иштирок этганларнинг ҳар тўрттадан учтаси (74%) доимо, 13,5 фоизи кўпинча ташкилот маданиятини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратадилар.



Бошқарувда янги илғор технологиялардан бўлган жамоани шакллантириш (team building) усулларида ҳам фойдаланилмоқда. Хусусан, ёш раҳбарларга “Ташкилотда турли вазифаларни бир вақтда бажара оладиган ёки бирон бир мақсадни амалга ошириш учун тузиладиган гуруҳлар шакллантирганми?” деган саволга респондентларнинг

ярмидан кўпи (55,3%) “Ҳа” деб жавоб берган бўлсалар, ҳар ўнтадан биттаси “кўпинча ҳа” (10,1%) деган жавобни белгилаганлар.



Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бугуни кунда ёш раҳбар кадрларда замонавий бошқарув усуллари ни қўллаш борасидаги билимлар етарли даражада шакланган, уларда янгиликларни татбиқ қилиш ва бошқарув самарадорлигини ошириш орқали ташкилотни янги муваффақиятлар сари сафарбар қилиш борасида шижоат етарли даражада. Бироқ, шу билан бирга, уларда айрим масалаларда камчиликлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш орқали мамлакатимиз кадрлар захирасини янада бойитиш имконига эга бўлиш мумкин. Хусусан:

1) Ёш раҳбар кадрлар таркибида аёллар камчиликни ташкил этаётганлигини эътиборга олган ҳолда, мутасадди ташкилотлар, давлат ва жамоат бирлашмалари захира кадрларига масъул шахслар олдида айнан хотин-қизлар ичидан етакчи ёшларни кўпроқ танлаб олиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинади;

2) Ёш раҳбар кадрларда қадрият мўлжалларини тўғри шакллантириш, бунда хусусан юсак ахлоқийлик, мурасага келтира олиш маҳорати, бағрикенглик, объективлик каби қадриятларнинг замонавий бошқарувда ўрни юқори эканлиги тўғрисида билим бериш, Ёш истиқболли кадрлар тайёрлаш институтининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув режаларидаги дарслар мазмунига ҳам ушбу билимларни киритиш лозим;

3) Жойлардаги ташкилот раҳбарларидан ёш етакчиларга кўпроқ мустақиллик ва масъулият юклаш орқали уларда раҳбарлик кўникмаларини кучайтириб бориш лозим;

4) Зиддиятли ҳолатларда кўпроқ ҳақиқат юзага келишини, ташкилотдаги турли қарама-қаршиликларнинг юзага келиб туриши табиий ҳол эканлигини эътиборга олган ҳолда, ташкилотдаги зиддиятли ҳолатларни яшириш ёки ундан қочишга эмас, ушбу ҳолатда адолатни аниқлаштириш ва тўғри ечим топиш кўникмаларини ёш раҳбар кадрларда шакллантириш талаб этилади;

5) Ўз ташкилотини рақобатбардош қилиб шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақобат муҳитида бошқарувни ташкил қилиш борасида ёш раҳбарларда етарли кўникмаларни шакллантиришга эришиш лозим;

6) Ёш раҳбар кадрларга ахборот технологияларини қўллаш орқали бошқарувда енгиллик яратиш имконини берувчи дастурларини яратиш ёки маҳаллий шароитларга мослаштириб, раҳбар кадрлар ўртасида кенгроқ тарғиб қилиш лозим.

HOW THE NEW PUBLIC MANAGEMENT CONCEPTS MIGHT BE USED TO ENHANCE THE VALUE OF PUBLIC SERVICE THAT IS PROVIDED BY UZBEKISTAN'S PUBLIC SECTOR?

A.M.Murtazaev

Independent researcher at the Institute of Youth problems and training prospective personnel at the Academy of public administration under the president of the republic of Uzbekistan

Over the last three decades, many developed countries have implemented the New Public Management (NPM) model. The NPM addresses the relationship between government and citizens, and when «the government could be run like a business». NPM generally emphasizes competition in the public sector, using corporate-like management methods and

administrative structures that focus on quantitative performance measures (especially outputs) to improve the efficiency of public services and reduce budgets.

Called by some a global reform movement in public administration, NPM strives to increase management autonomy by replacing bureaucratic rigidity with market-like competition. While the specific mechanisms of the NPM approach often seems to be only briefly discussed by researchers and commentators, a review of the literature reveals that practitioners of NPM appear to employ a wide-range of administrative processes that blend public and private resources and processes in the implementation of public policy, including public-private partnership arrangements and networks, strategic planning and management techniques, outsourcing and privatization of public services, and also nonprofit service delivery organizations.

NPM is a management philosophy used by governments to modernize the public sector and it is based on neo-liberalism philosophy which views citizens as a client and provides them various alternatives for choice, it emphasizes to the market model of governance. It believes in 3Es: 1) Economy; 2) Efficiency; 3) Effectiveness.

NPM addresses beneficiaries of public services much like customers. NPM on the other hand seeks to introduce the element of “market-orientation” in public administration. Called for roll-back of the state and more role for the market. Hence increase competition in the process. Business management strategies and behavior, where public administrators take calculated risks using public resources and employing business-like strategies (e.g. strategic planning, privatization, public-private partnerships, etc.) within a competitive environment, probably generated the most controversy.

There is no doubt that the traditional model of public administration played a historic role in the economic transformation in many countries, including Uzbekistan.

There are some preconditions for successful implanting the new public management approach. There should a reasonable level of economic development and experience of the operations of the markets, since NPM principles are essentially market-

oriented. However, there is a range of factors required before the markets can be effective. A well-developed judicial system is required to provide the rule of law.

The new model assumes that the basic administrative processes are in order in the administrative system. They work as a foundation upon which a market-oriented system such as NPM can be implemented.

Uzbekistan since independence clearly set a path on economic and social development with the gradual transition to a market economy. They were launched a strong legal basis. There were made major works on privatization and demonopolization of many government structures.

Made over the past few years a wide range of measures to promote the consistent way of deepening market reforms and liberalization of the economy, the improvement of the business environment, promote competition, encourage accelerated development of small business and private entrepreneurship, thus fully established preconditions for the full implementation of the NPM principles.

As a result, in comparison with 2000, the share of small business in GDP rose from 31 percent to 65 percent, the number of people employed in this sector has increased over this period by more than a factor of 3, and it accounts for more than 76 percent of employed in the economy.

It is worth noting that already implemented some of the principles of the NPM as an example, the building of private schools and kindergartens in rural areas and in cities or road construction under the contract between the state and the private sector, and so on.

But there are many aspects and directions in public administration required reforms and implicating NPM principles:

Development of youth entrepreneurship and the encouraging youth entrepreneurship education, as well as population growth and this essentially active parallel with youth unemployment and needs to implement concepts of NPM.

Youth entrepreneurship offers innovative solutions for economic growth among young people. But youth enterprise initiatives are still relatively new to global development.

For young entrepreneurs, obtaining access to capital is essential to establish or expand businesses. Unfortunately, these young people typically have the least access to ready capital. Accessing finance varies from country to country – but also from community to community. As such, development programmes need to plan carefully how best to support young people to get the funds they need. This means thoroughly examining different financial models and developing products tailored to the needs of participating youth.

Youth who want to become entrepreneurs rarely receive information on pursuing it as a career option. Entrepreneurship education offers a solution. It seeks to prepare people, particularly youth, to be responsible, enterprising individuals who become entrepreneurs or entrepreneurial thinkers by immersing them in real life learning experiences where they can take risks, manage the results, and learn from the outcomes.

Research regarding the impact of entrepreneurship education on youth, which can be provided in many different settings. In order to fully integrate youth with disabilities in entrepreneurship education programs, it is important to consider resources of government and private sector.

Establishing private business schools are important in supporting entrepreneurship as sources of motivation, ideas and business partners. Also increases the effectiveness and provides quality of entrepreneurship education programmes.

Uzbekistan is a country with great potential for an expanded tourism industry. Many of its Central Asian cities were main points of trade on the Silk Road, linking Eastern and Western civilizations. Today the museums of Uzbekistan store over two million artifacts, evidence of the unique historical, cultural and spiritual life of the Central Asian peoples that have lived in the region. Uzbekistan attracts tourists with its historical, archeological, architectural and natural treasures.

It will bring a significant contribution to the development of tourism application of the principles of the NPM. For the development of tourism it's very widely applicable experience of Singapore as medical and ecotourism.

There are many unexplored tourist places in Uzbekistan. With the help of better marketing strategy, their true potential could be realized. The Strongholds and Rocks (in desert zones of Uzbekistan) are major tourist attractions in Uzbekistan, attracting over thousand visitors per year. They are unique in that they are archaeological sites and must be preserved as national monuments, but at the same time they are under pressure to function as modern business enterprises as a result of the introduction of NPM practices. Most of them are also owned by the Municipal Councils and therefore subject to local municipal politics. The Strongholds and Rocks therefore epitomize organizations that are confronted with conflicting objectives – archaeological, cultural, historical, political, and commercial. They contribute substantially to the national economy in terms of revenue and employment, as well as to rural development, as they are all located in rural areas. They are very significant in the drive to develop the tourism sector in Uzbekistan.

Despite this development, very little empirical research has been conducted on their management issues. With large amount of mineral sources and spring in the mountain region, Uzbekistan has huge potential for recreational tourism. Also a lot amount of sanatoriums, sanitary houses of Uzbekistan owned by public sector organizations. As they do not consult these establishments to contain well and have difficulties on managing (incapacity to reconstruct them in modern style or improving service for attracting visitors).

Considering all these collected questions, we think it is necessary to take the necessary measures within the limits of NPM. We have a great potential for new public services in the tourism sector with enhancing innovative technologies, the creation of more public services like opening of new air flight services between the cities, the tourist information center, online ticketing for transportation and more. Services within the rail coaches on a contract basis should be transferred into private enterprises, which will also improve the quality of public services. All these factors will indeed serve to attract more tourists from abroad.

Making a conclusion we can say that there are more examples, where applicable the concepts of NPM for Uzbekistan, but we emphasized the main highlights where it's needed to start using to enhance the value of public service first. In the course of our analysis, we made a big conclusion and understood that Singapore and Uzbekistan have many similarities in the history of construction of their early statehood.

Thus, if the state still actively continues to apply the concepts of NPM to improve public services, and will be fully implemented in the real life, within the next decades we can expect even more significant results in the development of our Uzbekistan.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

М.Қ.Ғаффорова

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
докторанти, социология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб, ёшлар ва уларнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш масалаларига устувор даражада эътибор қаратила бошланди. Зероки, жамиятимизни демократлаштириш фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадлари замида аслида инсон манфаатлари, юртимизнинг, тараққиётимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар тури. Маълумки, демократик давлатда ёшлар ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати орқалигина рўёбга чиқара оладилар. Демак, ёшлар жамиятнинг келажagini таъминловчи ижтимоий қатламга айланиши учун бевосита давлатнинг алоҳида ғамхўрлигига муҳтождир. Бизнинг мамлакатимизда масаланинг бу томонига ҳар доим ҳам жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг такомиллашуви ва қамровини унинг ниҳоятда кенгайиб бораёт-

ганлигида кузатиш мумкин. Фикримизни янада ёрқинроқ ифодалайдиган бўлсак, юртимизда ёшлар манфаатларини рўёбга чиқариш умуммиллий давлат сиёсатининг бош марказига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ёшлар ҳақида гап кетганда, мен доим бир нарсани ўйлайман. Мана, бугунги кунда қанча-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олмоқда, меҳнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз ўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан соғинчи ҳар қандай одамни ҳам қийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур”.¹¹

Республикада ёшлар сиёсатида асосланган саъй-ҳаракатлар тизими давлат ва оила устуворлиги, давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ва унинг бошқа институтлари, миллий ўзликни англаш, миллий хавфсизлик, миллий ғоя ва таълим-тарбия, аҳоли саломатлиги, хотин-қизлар, Давлат сиёсатида ёшларни бошқаришни институционал тизими ҳамда ўзаро алоқадорлик ўзгаришлари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлардан Давлат ўз сиёсатини амалга оширар экан, табиий равишда, ёшлар қатламини унинг таянчи ва истиқболлини белгилаб берувчи асос сифатида қабул қилади.

Сўнги уч йил ичида республика аҳолисининг ташқи миграцион жараёнларда ҳудудлар ҳамда ёш кесимидаги социал мобиллиги таҳлилига кўра, 20 ёшдан 40 ёшга бўлганлар орасида жами бошқа ёш категориясидаги аёл мигрантларнинг 50%дан кўпроғи тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Маълумки, бугун Ўзбекистонда миграция геометрик прогрессия асосида ривожланмоқда. Мазкур муаммони илмий жиҳатдан кенг қамровли тадқиқ этиш катта маблағ ва вақт талаб этади. Шу сабабли, муаммони ўрганиш учун социологияда кенг қўлланиладиган «биографик метод»дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги нутқи.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Корея Республикасининг Меҳнат вазирлиги ўртасида ўзаро алмашув тўғрисидаги меморандум имзоланган. Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистон фуқаролари мазкур мамлакатга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетиш олдидан чет элларга кетаётган фуқароларни мослаштириш ва ўқитиш марказида ўқийди. Бу ерда улар ўзлари борадиган мамлакат қонунчилиги, анъаналари ва ўзини тутиш нормалари асослари ҳақида маълумотга эга бўлади. Борадиган мамлакат тилини сўзлашиш ва меҳнат вазифаларини бажариш учун етарли даражада ўрганади, шартнома бўйича ишга жойлашадиган корхоналарда техника хавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўзлаштиради, хорижлик иш берувчилар талаблари эътиборга олинган ҳолда тиббий кўриқдан ўтади. Бунда Ўзбекистонлик меҳнат мигранти мазкур мамлакатга келиши билан ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш ҳамда бошқа суғурта турлари бўйича ҳуқуқларга эга бўлади.

Бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим¹².

Шунингдек, бугунги кунда долзарб масала ёшларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни тарбиялашда, айниқса, талаба қизларни юксак маънавият асосида вояга етказиш, таълим-тарбия муҳити ва ундаги маънавиятни барқарорлаштириш бўйича мақсадли ишлар ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

тантанали йиғилишдаги маърузасида Президент Шавкат Мирзиёев: «...ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим», – дея таъкидлаганлар, ёш авлод манфаатларини таъминлаш “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун асосида давом эттирилишини қатъий белгилаб бердилар¹³.

XXI асрда ёшларнинг тез ривожланиб бориши, улар дуч келадиган қарама-қаршилиқлар, шахс бўлиб шаклланиши, уларнинг янги қадриятларни излашга бўлган эҳтиёжи кўпгина социологларнинг диққатини жалб этади. Ёшларнинг ўз-ўзини яхши билиб олиши, фуқаролик позициясининг кучайиши, масъулияти ва зиёлилик даражасининг ўсиб бориши - тарбиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ёшлар масаласи ҳамма жамиятларда долзарб мазмун касб этиб келган. Шунинг учун бўлса керак, барча тарихий даврларда замонавий ёшларни ўрганиш ва ривожлантириб бориш, мазкур жамиятнинг олдидаги долзарб масалалардан саналган.

Хулоса ўрнида, бугунги глобаллашув жараёнида Ўзбекистон ёшлари ўз фикри, ўз дунёқараши, ўз билим салоҳияти, энг асосийси, халқаро миқёсида ўз сўзи ва ўз ўрнига эга шахслар бўлиб вояга етмоқда. Дарҳақиқат, бугун бизнинг асосий вазифамиз яратилиб берилаётган улкан им-

¹³Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т. Ўзбекистон. 2017 й.

кониятлардан унумли фойдаланиш ҳамда ватан тараққиёти йўлида хизмат қилиш асосий вазифаларидан бирига айланиши керак.

ROLE OF CINEMA IN PROMOTION OF NATIONAL VALUES AND THE IMAGE OF THE STATE

M.M.Akramov

Independent researcher at the Institute of Youth problems and training prospective personnel at the Academy of public administration under the president of the republic of Uzbekistan

Cinema is one of the youngest and at the same time one of the most popular arts that have a powerful impact on the hearts and minds of humanity and especially young people.

Today, cinema is one of the forms of expression of national identity, a part of national culture; therefore, a feature film has no less value than folk tales, songs, and epos, speaking as a spokesman and follower of national traditions. Each of the film's creators belongs to a certain national culture, its subculture, grew up in certain social conditions and, finally, in a geographical area characterized by its own combination of landscapes, its own color, brightness, and rhythm of natural phenomena.

So, in Scandinavian films, as a rule, regardless of the storyline (it is a comedy or a drama, with a tragic or life-affirming end), the tones are dim, as if hazy, somewhat blurred. The prevailing colors are shades of brown and gray, as a result of which stereotypical images of northern landscapes arise in the imagination: low, gray sky, dark gray turbulent sea, sparse vegetation. Another feature of the "northern" cinema is the pronounced slowness of action in a film of any genre. The harsh nature of the North European countries teaches them to be cautious: they took a hasty wrong decision, started fussing, and you can pay with your life.

Its features have Italian and Spanish cinema. The colors of Spanish cinema are bright and saturated, a powerful impulse

comes from the screen of the thirst for life, the enjoyment of life, the sensation of life: whatever it is, with all its paradoxes and unpredictability. a sense of beauty - aestheticism, and beauty is often replaced by purity. In Italy, the mastery of the interiors of houses brought to perfection, in England, cozy houses, and in Germany - clean. The cinema of Latin American countries has much in common with Spanish, characterized by bright colors, the “riot of colors” of the surrounding nature and the dynamism of the plot. The same feeling of fullness of life remains, however, more blue (ocean and sky), and the spirit is always preserved in a magical way physically tangible, breathtaking spatial perspective, the vast expanse of these southern countries.

Features of American cinema know everything. Striking scale, the scope of the vast majority of Hollywood blockbusters. Often the film begins with a carefully calculated panoramic frame: a view from above on the mirrored skyscrapers of New York and Los Angeles. And even if you did not see an impressive panorama at the beginning of the film - watch it, and a similar frame will definitely be at the end.

This artistic device, albeit in a hypertrophied form, reflects the spaciousness and power of a huge country, at least in the way that mass consciousness perceives it. “Beautiful America!” - Americans call their country. In confirmation of this, its vast expanses from hot deserts to eternal snows, worthy of admiration of people who created a powerful new state out of nothing — a place where you feel light. A comfortable and comfortable life, a tolerant attitude to language mistakes and a strong accent, a sincere desire to help your neighbor — all this still attracts in search of happiness of numerous immigrants who dream of becoming “real” Americans. So America creates its image through cinema.

Bollywood India is one of the few countries where American cinema is not very popular, as it is successfully replaced by the domestic product - Indian films made “under Hollywood”, but retaining a pronounced national flavor. It is distinguished by centuries of accumulated power and originality of the culture of one of the oldest civilizations of the world, established on the fenced-in physical barriers (Indian Ocean, Himalayas) territory,

which had the opportunity for a long time to develop relatively independently, independently choosing which foreign trends to absorb and which not.

Thus, cinema is the best intermediary for creating the image of the state. In France, when interviewing foreign tourists, the question why they came here, and not to Greece, Spain, Italy, people answered: we watched the French cinema, and now we decided to see everything with our own eyes.

In this regard, we must pay attention to the national cinema of our country. There are almost no worthy films in our national film fund dedicated to the life and work of our great scientists, cultural figures, literature and art, eminent statesmen and military leaders who were born, lived and worked on our land and made a significant contribution to the development of world civilization.

People are looking forward to such films, where the history of our people will be described objectively, illuminated through expressive artistic images. Meanwhile, feature films and video films broadcast on Uzbekistan's television are largely about the history of foreign countries, their military and political figures, as well as scientists.

Today, neighboring foreign countries together with leading foreign film studios create and show films all over the world about their national heroes, even about such figures who have not gained worldwide fame. This experience boosts national pride and is considered to be a powerful propaganda tool uniting the nation.

We must take the initiative in broadly promoting at the international level the successes of culture and art of the people of Uzbekistan, in creating works of cinema devoted to the life and work of great scientists, cultural figures, literature and art, government leaders and military leaders who were born, lived and worked on the territory of modern Uzbekistan and made a significant contribution to the development of world civilization. We consider it important to provide funding for this work, including to create such films in conjunction with foreign film studios, with the participation of well-known directors and actors for bringing them to the world community.

In the modern world, cinema rightfully occupies one of the first places among other types of art, therefore it is of great importance. The art of the screen in its best works demonstrates the moral wealth of a person, the breadth of his needs and ideals, his awareness of his historical role on earth, asserts high spiritual values.

In the cinema as a specific sphere, the structures of the most ancient language of mankind come to life, with the help of which they get the expression of a phenomenon of political and social history. But even more, the processes of the history of mentality are represented in this language. Cinema is undoubtedly a unique means of penetrating into the deep structures of history, and in this sense it carries out exceptional intercultural social functions. Nevertheless, cinema is not only the reality of a specific language, but also content adequately conveyed only with the help of a given language. From this point of view, cinema represents a huge layer of culture, practically not used in the work of advertising specialists, as an opportunity to enter into the "taste and smell" of a given country's culture, as well as to understand the peculiarities of non-verbal communication transmitted through emotions, gestures, clothes, customs, traditions.

The film industry today is forced to adapt to new social shifts. Nowadays it is difficult to imagine the viewer and, most importantly, to make him believe in the image of a positive hero.

It is important that filmmakers pay more attention to tapes that allow to bring to the surface the problems of a spiritual and moral nature, problems without understanding of which it is difficult to build relationships with the outside world, not conflicting with generally valid values and traditions, and also have the image of their state.

ЁШЛАРДА ЕТАКЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Д.С.Саъдуллаева

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини мустақил изланувчиси*

Бугунги кунда ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантириш долзарб мавзулардан бири бўлиб, унинг натижаси истиқболли бўлиши кутилмоқда. Айни кунларда етакчилик ижтимоий, психологик ва иқтисодий соҳаларнинг бош мавзусига айланди. Шахснинг етакчилик сифатларини ривожлантириш услублари ва йўллари изланмоқда. Бу борада ёшларнинг етакчилиги ижтимоий фаоллик сифатида ўрганилмоқда. Зеро ёшларда шахс сифатларининг ижобий ривожлантирилиши юртимиз келажагига улкан хисса қўшади.

Етакчилик борасида ёшлар ўқитилмайди, бу уларда йиллар давомида шакллантириладиган сифатлардан бири саналади. Бу борада оиланинг, атроф-муҳитнинг, инновацион технологияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) ва бошқа бир қатор тармоқларнинг ўрни бор. Аммо шулар орасида ОАВ салмоқли ўринга эга. Тармоқли бизнеснинг тажрибали етакчиси, оламга машхур хитойлик маркетинглог Чэнь Чжаньнинг “Как мотивировать людей” (хитой тилидан таржимаси, Киев 2002 йил) китобида шундай маълумот келтирилади: “83% ҳолатда одамлар кўриш, 11% эшитиш, 3,5% ҳид билиш, 1,5% сезиш, 1% таъм билиш орқали ўрганадилар. Адабиётни ўқиш 10%, эшитиш 20%, кўриш 30%, ҳам кўриш, ҳам эшитиш 50%, ахборот таркибини муҳокама қилиш 70%, қабул қилинган маълумотни амалиётда қўллаб, натижасини таҳлил қилиш эса ахборотнинг 90%ини эслаб қолишга ёрдам беради. “Муаллифнинг эришган ютуқларини инобатга олсак, келтирилган ушбу маълумотларга таяниб, иш юритиб кўриш ёки фикрлаш албатта зиён қилмайди.

ОАВ орасида газета ва журналлар ёшларнинг ўқиш қобилияти орқали таъсир қила олади. Бу берилган маълумотнинг 10%игина эса қолади дегани. Радиоканаллар эса ўз-ўзидан эшитиш орқали таъсир қилади ва маълумотларнинг 20%инигина тингловчи эслаб қолиши мумкин. Бу борада телеканаллар етакчилик қилади, яъни ТВ орқали берилган маълумотларнинг 50%и томошабиннинг хотирасида қолади. Телевидение – миллионлар аудиторияси, информация олишнинг энг қулай, энг таъсирчан воситасидир¹⁴. Шундай бўлсада, бугунги кунда интернет ёшлар орасида оммалашиб бормоқда. Айнан интернет орқали ёшлар билан жонли мулоқот олиб бориш, янги маълумотларни етказиш, онлайн тренинглар олиб бориш, ахборотни таҳлил қилиш, амалиётда қўлланилган янгиликлар натижасини баҳолаш каби бир қатор ишларни олиб бориш мумкин. Анъанавий ОАВ янада кенгроқ аудиторияга етиб бориши учун ўз эшиттиришларини тезлик билан ривожланаётган ахборот технологиялари билан баравар олиб боришга ҳаракат қилишяпти, масалан ҳозирги пайтда газеталар электрон версияларини, радио ва телеканаллар эшиттириш ва кўрсатувларини сунъий йўлдош орқали ва умумжаҳон интернет тармоғи орқали узатишни амалга оширяпти. ОАВ сифатида интернетнинг хусусияти – хабарларни жуда тезкор узатиши, маълумотга жуда бойлиги ва чегара билмаслигидир.¹⁵ Бу эса, Чэнь Чжаннинг таъбири билан айтганда, берилган ахборотнинг 90%ини эслаб қолишга имкон беради. Демак, бугунги кунда ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантиришда асосан телевидение ва интернет хизматидан унумли фойдаланишимиз мумкин.

Етакчилик қобилияти шаклланган инсонлар **бошқаларга** нисбатан ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаётга бўлган қизиқишининг кучлилиги, муаммоларни ҳал қилишнинг турли йўллари топа олиши, атрофдагиларни эргаштира олиши билан устун бўлади. Уларда кучли ички куч мавжуд

¹⁴ “Энг содиқ дўст, энг зарур ҳамроҳ” А.Кўчимов. “Тележурналист: мақорат ва таҳлил маданияти” Тошкент – “Ўзбекистон”. 1998 й. 47-бет

¹⁵ Қушқунбаев А.У. “Интернет журналистикаси” (маъруза матни) Нукус. 2007 й. 32-бет

бўлиб, олдиндаги ҳаётий мақсадларига эришишида ёрдам беради. Етакчилик - бу комилликка интилувчи ҳаётий кучдир. Биз ёшларнинг ҳар биримизда мана шу кучнинг зарралари мавжуд ва зарраларни ҳаракатга келтириш мукамалликка етказди. Ёшларда етакчилик потенциалининг фаоллашиши ва ривожланиш жараёнини ташкил қилиш бўйича мақсадли ишлар тизимини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарбдир. Бундай тизимнинг асосий вазифаси ёшларнинг ҳаётий кучларини намоиш қилиш, ривожлантириш ва ўз етакчилик потенциалини онгли равишда амалиётда қўллаш олишга кўмаклашишдир. ОАВ орқали бугунги кунда албатта бу каби ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, ёшлар орасида ўзининг етакчилик қобилияти билан ютуқларга эришадиган ёшлар ҳақида маълумотлар, уларнинг муваффақиятлари, юртимиз равнақига қўшаётган ҳиссаларини ёритиш ҳали ўз истеъдодини намоиш этиб улгурмаган ёшлар учун мотивация вазифасини бажаряпти.

Бугунги кунда ўзининг етакчилик қобилияти сабаб жуда кўп муваффақиятларга эришиб келаётган, юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшаётган, ватанимиз шарафини юксакларга кўтараётган ёшларимиз талайгина. Ана шундай ёшлардан бири Акбаров Саидакбархон Тоҳир ўғли бўлиб, у бугунги кунда Туризмни ривожлантириш кўмитаси раиси ўринбосарининг в.б. лавозимига тайинланган. Саидакбархон туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бир қанча амалий таклифларини бериб, ўзининг етакчилик қобилиятини намоиш этди. 2018 йилнинг 29 июнида Олмазор туманида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саидакбархоннинг етакчилик қобилиятини юқори баҳолаб, ана шу лавозимга номзод сифатида таклиф этди.

Етакчилик қобилияти юзага чиқиши учун ёшларга равон нутқ, сўз бойлиги жуда зарур. У ўз сўзлари билан атрофдаги одамларда кўтаринкиликни уйғотиши керак, ўзидаги қувватни уларга ўткази билиши ва уларда яширинган туйғуларни юзага чиқара олиши керак. Буларни амалга ошириш учун эса билим, қобилият ва самарали етакчилик кўникмалари зарур. ОАВ эса бу борада беминнат ўргатувчи

бўла олади. Ахборот қадим замонларда ҳам қудратли кучга эга бўлган. Буни теран англаган Навоий ҳазратлари:

Эрусен шоҳ – агар огоҳ сен,
Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен, -

деб ёзган эдилар. ОАВ ёшларимизни юртимизда ва жаҳонда содир бўлаётган янгиликлардан боҳабар этиб боришини эса барчамиз яхши биламиз.

Аслида, етакчилик қобилияти ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада керак. Ишда ҳам, уйда ҳам, ҳаётда ўз ўрнини топишда, ҳатто жаҳонга чиқишда ҳам етакчилик қобилияти жуда зарур. Ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантиришда ОАВнинг ўрнини ўрганар эканмиз, албатта унинг барча жиҳатларига эътибор беришимиз, ёшларимизнинг бугунги кундаги интилишлари, умумий руҳияти, мақсадлари каби ҳолатларни ва ОАВнинг бу борада амалга ошираётган ишлари, ютуқ ва камчиликларини ҳам кўздан кечирмоғимиз лозим. Умуман олганда, ёшларнинг етакчилик қобилиятини шакллантириш жуда долзарб мавзу ва бу борадаги илмий изланишлар ҳали олдинда.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИ - ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ИНСОНЛАР БУРЧИДИР

А.Х.Қўчқоров

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги
Илмий –маърифий ёдгорлик мажмуаси директори
ўринбосари с.ф.д., профессор*

А.Ишметов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги
Илмий –маърифий ёдгорлик мажмуаси ходими,
ф.ф.н., доцент*

Ҳар қандай давлат ва жамият барқарорлиги ва унинг фаровонлиги энг аввало ёшларга бўлган муносабат билан

ўлчанади. Шундай экан уларни бугунги кун талаби даражасида нафақат билим бериш шунинг баробарида уларни тўлақонли шу юртнинг фарзанди, халқпарвар, элпарвар қилиб тарбиялаш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб масала.

Табиийки, шу маънода ёшлар тарбияси ҳар бир даврда ҳам жиддий масала сифатида давр зиёлиларининг доимий эътиборида бўлган. Машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”, - деган ибратли сўзлари ёшлар тарбияси ҳар-бир даврда ҳам ўз долзарблиги ва муҳимлигини англатади. Хўш, шундай экан ўз ўзидан савол туғилади, ёшлар тарбияси бугун қай ҳолатда? Улар талаб даражасидами? Уларни кимлар тарбия қиляпти? Ваҳоланки, тарбия ҳақида гап кетганда шунинг унутмаслигимиз лозимки, бундан 2,5 минг йил илгари ҳам долзарб ва муҳим аҳамият касб этган ва бугун ҳам шундай.

Мустақиллик йилларида демократик бозор ўзгаришлари талабларига мос равишда таълим-тарбия тизими ҳамда ёшлар тарбиясида туб янгиланишлар юз берди. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу ҳақда Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз”.

Шу мақсадда Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Дарҳақиқат, ёшларга оид давлат дастури мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларга замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган шарт шароитлар яратилиб,

тадбиркорлик ишларини ташкил қилишда ёшларга давлат томонидан кредитлар ажратилмоқда. Шунинг баробарида муҳим масалалардан ҳисобланган ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун бошқарувнинг барча пағоналарда аниқ амалий ишлар олиб борилмоқда.

«Бу ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттириб, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Биринчи навбатда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланаётган давлатнинг негизи бўлган оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база янада кучайтирилди. Хусусан, жорий йилда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди». Ёш оилалар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва хунармандликни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан йил давомида 2 триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди .

Ёшлар тарбияси – давримизнинг энг долзарб муаммосидир. Болалар оила ва ота-оналарининг эмас, балки давлатимизнинг келажагидир. Келажак авлод тақдири **жамия-тимиздан** ва шунинг билан бир қаторда, ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади. Ҳар бир оилада ва ҳар бир жамият ўз авлодини маънавий етук кишилар бўлиб етишишни истади.

“Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирингизнинг боласига одоб бермоғи, ҳар куни ярим соъ миқдорида садақа қилиб тургандан афзалдир”, дедилар”. (Термизий ривояти) Бундан равшан бўладики, фарзандга гўзал хулқ ва таълим-тарбия бериш мол-дунё сарфлаб, садақа қилишдан савобли ҳамдир.

Яна бир ҳадисда “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу-одобдан буюкроқ мерос бера олмайди”, дея келтирилади. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир оилада фарзанд тар-

биясига алоҳида эътибор қаратмоғи керак. Чунки, ер юзида жамики инсоният ҳар неки ишни амалга оширмасин, унинг амалга ошираётган ишлари тарбия маҳсули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси бутун миллат олдидаги улкан масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлаб: “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”, дея таъкидлайдилар.

Бу борада Президентимиз ёшлар дунёқарашини шакллантиришда мафкура масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Зотан, ёшларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёт мафкуралар, ҳуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши кўникмаларни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. Албатта, эртанги кунимиз, порлоқ келажакимиз ана шундай ёшлар қўлида. Зеро, ёшлар таълим-тарбиясига тикилган сармоя келажакка тикилган сармоядир. Янги давлатни барпо қилиш осон бўлмагани сингари, унинг порлоқ келажакини шакллантириш ҳам енгил бўлмайди. Бунинг учун куч, ғайрат, шижоатимизни аямаган ҳолда илм ва маърифатли ёшларни тарбияламоғимиз лозим.

Бугун Ўзбекистон ёшлари билим заковатлари, интилишлари, меҳнат шижоатлари билан бутун дунёни ҳайратга сола бошладилар. Бунинг замирида давлатимиз раҳнамолигида ёшларга оила, таълим муассасалари, маҳалла ва кенг жамоатчилик томонидан бериладиган таълим-тарбия ётади. “Нимани эксанг шуни ўрасан”, дейди доно халқимиз. Шундай экан, бугунги кунда ёшларимизга яратилаётган имкониятлар, эртанги кунимиз порлоқ келажакни учун қўйилаётган тамал тошидир. Ёшлар тарбиясига эътибор, ўзимизнинг келажакимизга бўлган эътибор эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз ва бу йўлда барчамиз бирдай ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар савиясини ошириш, унинг турли услубларини ишлаб чиқиш, бундай ул-

кан масъулиятли, шарафли вазифани ҳал этишда мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлиги муҳимдир. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», - деган қарашларини эздан чиқармаслигимиз лозим.

Табиийки, ёшлар тарбиясини бугунги кун талаби даражасида бўлишини таъминлаш учун биринчи навбатда уларга тарбия берувчи юксак маънавиятли инсонларни шакллантиришимиз лозим. Бунинг учун инсонлар қалбида ўзликни англашни, демакки ўтмишда бизнинг аждодларимиз ким бўлганлигини, бугун биз кимлигимизни, келажакда бизнинг авлодларимиз қандай инсонлар бўлиб етишиши лозимлигини теран тафаккур асосида идрок этиб, ушбу йўлда масъуллигини ҳис этадиган қатламни шакллантиришга асосий эътибор бермоғимиз лозим.

Бугунги куннинг асосий талаби – ёшларни билимли, маълумотли қилиш билан бир қаторда уларни муайян касбга йўналтира билиш ҳамдир.

Бугунги кунда ёшлар тарбиясини кимлар амалга оширади. Улар кимлар ва қандай шахс? Албатта тарбия оиладан бошланади ва уни энг аввало ота-она, оила яқинлари, боболару, энажонларимиз ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўрсатиб ўтилганидек, ёшлар тарбиясини қуйидаги юксак маънавиятли инсонлар амалга оширади:

- кенг жамоатчилик;
- зиёлилар;
- олим ва адиллар;
- санъат ва маданият аҳли;
- ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонлар ва бошқалар.

Турли поғонада турли касб эгалари: боғчада тарбиячи, мактабда устоз мураббийлар, жамоада раҳбар ва бошқалар. Шундай экан, уларга бир қатор талаблар қўйилади.

- фарзанди билан тез-тез мулоқотга киришиши ;

- улар билан дўстона суҳбатлар уюштириши;
- ҳар бир вақтини унумли ўтказаяётгани билан қизиқиши;
- ким билан нималар билан шуғуллаётганлигини назорат қилиб бориши;
- хунар ўргатиб, келажак ҳаётга тайёрламоғи;
- тўғри сўз ва тўғри феъл қилиб тарбияламоғи лозим.

Гап ёшлар тарбияси ҳақида кетар экан, шундай савол туғилади: “Биз ёшларга ўрнатилган бўла оқшомизми?” Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирда яратилган имкониятлардан фақат ёшлар эмас, балки айрим ота-оналар ҳам тўғри фойдаланишмаяпти. Ўз фарзандини назорат қилмайдиган, қаерда, ким билан юргани, нима билан машғул эканлигини суриштирмайдиган ота-оналар ҳам бор. Фарзанди иқболи учун аввало, ота-онанинг ўзи, ибрат бўлиши керак эмасми?! Бола тарбияси хусусида рус адиби Лев Толстойнинг бундай ҳикматли сўзи бор: “Болаларни тарбиялаш муваффақиятли бўлмоғи учун тарбия берувчи кишилар ўзларини тўхтовсиз тарбия қилишлари даркор”.

Келажакимиз ворислари озод ва обод юртимизнинг эртасини ҳал қилувчи, юксалтирувчи асосий куч бўлиб майдонга кириб келишмоқда. Имкониятларнинг очиқ эшигидан кириб, улардан унумли ва оқилона фойдаланиб, юрт корига яраш, бугун асосий вазифага айланмоғи лозим. Республикаимизнинг биринчи Президенти, Ислам Каримовнинг: “Мен ёшларга ўзимга ишонгандай ишонаман, маррани баланд олинг, фарзандларим! Эртанги кун бизники, марра бизники!” дея баралла айтган гапларини дилдан чуқур ҳис этиб, бу ишонччи оқлаш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бунинг учун эса, фарзандларимизнинг таълим-тарбия олишида хато ва сусткашликка йўл қўймаслик зарур. Айнан ёшлар тарбияси биз катталар учун маъсулият, зиммамиздаги кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир.

Ҳозирги кунда энг муҳим вазифалардан бири баркамол шахс тарбияси бўлгани учун ёш авлодни маънавий жиҳатдан тарбиялаш муаммосининг долзарблиги ва аҳамияти ортиб бормоқда. Маънавий баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказиш давр талаблари асосида юзага келган, сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий тараққиётимиз тақдири билан

узвий алоқадорликка бўлган улуғвор, масъулиятли, давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа эканини куйидагича баён этиш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишини маданиятли, маънавиятли, юксак одоб-ахлоқли, ўз халқи, миллати, Ватанини бутун вужуди ила севиб -ардоқлайдиган, аждодлари яратган бебаҳо илму-хунар жавоҳирларини имкон қадар мукамалроқ эгаллаб олган, бутун инсониятга хос қадриятлардан баҳраманд, бохабар бўлган комил инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Иккинчидан, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири – янгича, замонавий фикрловчи, имон-эътиқоди мустаҳкам, мустақиллик йилларида шаклланган тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган, мустақиллик маънавияти асосларини мукамал ўзлаштириб олган баркамол авлодни, камолотга эришган инсонларни шакллантиришдан иборатдир.

Учинчидан, жамиятимиз тараққиётининг пойдевори бўлган баркамол авлод ва камолотга етган инсонлар порахўрлик, ўғрилик, товламачилик, фирибгарлик, вазифани суиистеъмол қилиш каби ярамас иллатларнинг олдини олиш, ижтимоий адолат қарор топишини таъминлашнинг муҳим ва зарур омилларидан бўлиб ҳисобланади. Баркамол шахс бўлиб шаклланиш Ўзбекистон таълим тизими доирасида, унинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичи учун, баркамол шахс моделини жорий этишнинг барча йўналишларини ўзига қамраб олган тарзда олиб борилишини тақозо этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ёш авлодни баркамол шахс қилиб шакллантириш ғояси жамият тараққиётининг мавжуд босқичида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашдан иборат. Ушбу ижтимоий буюртмани тўлақонли бажариш узлуксиз тарбия тизими мазмунида куйидаги асосий таркибий қисмларини акс этишини тақозо қилмоқда: баркамол шахснинг сиёсий, ҳуқуқий (фуқаролик) билим ва маданият, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик, динлар ҳақида билим ва маданият, экологик билим, касбий маҳорат, соғлом ҳаёт тарзи ва

жисмоний маданият, шахснинг маънавий баркамоллик даражасидаги камолоти, педагогик, психологик билим ва маънавият, иқтисодий билим ҳамда бошқа жиҳатларнинг барчасини ўз мазмунига қараб қамраб олиши зарур.

Бу борадаги яна долзарб вазифалар:

– мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ жараёнларнинг, улкан бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини ўқувчиларимиз ва талабаларимизга содда ва лўнда қилиб тизимли тарзда муҳим тушунтириб бориш, уларни ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат;

– миллий манфаатларимизга зид бўлган зарарли ғоялар, турли таҳдидлар ва хуружларнинг мақсад-муддаоларини аниқлаш, уларнинг ёшларимизга таъсирини чуқур ўрганиш ва шу асосда маънавияти юксак авлодни тарбиялаш;

– ёш авлод қалби ва онгида юксак маънавият тамойиллари ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган замонавий инновацион технологиялар, интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш, тарғибот ва ташвиқот ишларини ривожлантириш борасида шу соҳадаги адабиётлар ва дарсликларни янада кўпайтиришга зарурат пайдо бўлганида кўринади.

ЁШ ИХТИРОЧИЛАРНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ҚўЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

***Н.Н.Нажмитдинова**
ТИХҚ коллежи ўқитувчиси*

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг

кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши миллий иқтисодиётимизнинг инновацияларга асосланганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда инсон капиталига инвестиция кириши ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали усулига айланиб бормоқда. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатнинг илғор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатдошлиги ривожланган миллий инновацион тизимнинг мавжудлиги орқали таъминланмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Инновация, бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, ёндашув асосида бошлашимиз керак”. Муҳтарам Президентимиз томонидан 2018 йил 21 сентябрда имзоланган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонида илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланиши таъкидланиб ўтилган.

Инновацион фаолиятни ташкил этишда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик фаолиятларини **молиявий** қўллаб-қувватлаш, янги қурилма, янгича ёндашув, инновацион лойиҳаларни яратиш ва улардан фойдаланиш, интеллектуал фаолиятнинг маҳсули бўлган патент, гувоҳнома, ноу-хауларни яратиш ва фойдаланишга йўналтириш билан боғлиқ муҳим шароитлар келажакда буюк кашфиётчи олимлар, ихтирочиларни етиштиришга хизмат қилмоқда. Иқтисодиёти инновацион тараққий этган мамлакатларда яратилаётган ихтироларнинг 30-33%и ёшлар томонидан амалга оширилаётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Шу боисдан, Республикамизда ҳам ёш ихтирочиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инновацион

ишланмаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Дунёда техника тараққиёти мислсиз шиддат билан ривожланмоқда, унинг асосида инсон тафаккури, компьютер ва робототехникалари турибди. Ўзбекистон ёшларининг дунё тараққиёти жараёнига муваффақиятли кириб бориши ва фаол иштирок этиши даврнинг долзарб талабига айланди.

Бироқ робототехника ва уни ўрганиш ҳали ўқув соҳасида етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ҳолбуки, робототехникани ўзлаштирмасдан дунё тараққиётига қўшилиб, унинг ютуқларига етиб бўлмайди. Шу каби сабабларга кўра, мактаб ва коллежларда робототехника алоҳида дарс сифатида киритилиши замон талаби бўлиб қолмоқда.

Робототехника дарси ўзига хос қизиқарли бўлиши билан бирга мактабларда физика, математика, информатика дарсларини чуқурроқ ўрганиш, ёшларнинг чуқур фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, жамият ҳаётида ўз ўринларини ҳис этишлари учун жуда аҳамиятлидир. Бу эса ўқувчиларда ушбу дарсларга меҳрни кучайтиради, қизиқишини орттиради, назарий билимларини амалиётга тадбиқ этишда самарали натижалар беради ва энг асосийси, халқаро таълим тизими – “STEM (Science, technology, engineering, maths)”нинг жорий қилинишида ўз ҳиссасини қўшади.

Айнан шунга мувофиқ, биз каби соҳа вакиллари учун берилган бундай шароитлар, бизга қўйилган катта масъулиятдандалолат беради. Ушбу масъулиятни ҳис қилган ҳолда робототехника дарсларини мактабларда жорий этиш лозим, деб биламан. Робототехника дарслари ўқувчиларда илм-фан, жамиятнинг барча соҳалари ривожига янгича ёндашув ва фикрлашга кўмак беради, одамийлик ҳамда ватанпарварлик туйғуларининг шаклланишига хизмат қилади, тадқиқотлар ва кашфиётлар учун кенг йўл очиб беради. Оддий бир мисол, Японияда 16 ёшгача бўлган ёшлар ўзларининг ғояси орқали лойиҳа қилса, бу лойиҳа давлат учун фойда келтириш ёки келтирмаслигига қарамай ўша лойиҳани ёш инноватордан пул бериб сотиб олади.

Ушбу лойиҳа ғоя муаллифи учун кейинги ишларида, изланишларида янада фаол бўлишига чорлайди. Шунинг учун Япония техника ва технология оламида ривожланган давлатлардан бири ҳисобланади. Бизнинг давлатимизда ҳам ёшларнинг ушбу йўналишдаги қизиқишларини орттириш талаб этилади.

Юртимизда мунтазам равишда ҳар йили фаннинг кўплаб соҳалари бўйича Республика олимпиада мусобақалари ўтказилади. Уларнинг қаторига робототехника соҳасини ҳам киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ҳатто Республика Робототехника Федерациясини ташкил этиш керак, бу жамиятимизга фақат фойда келтиради. Шунда ҳаммамиз ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ютуқларга эришамиз.

Шу билан бир қаторда, илмий-техник лойиҳалар ва илмий – тадқиқот жараёнларига иқтидорли ёшларни жалб этишда соҳада қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан:

Биринчидан, мамлакатимизда илм – фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш доирасида чуқур илмий тадқиқотлар ўтказиш учун ёш малакали мутахассисларни танлаб олишда ёш олимлар ва иқтидорли ёшларнинг мавжуд молиявий ва моддий қўллаб – қувватлаш чоралари ишлаб чиқилмаган;

Иккинчидан, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб – қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги (мактаблар, туман ва вилоят кесимида);

Учинчидан, ёш ихтирочиларнинг илмий – амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмалар рўёбга чиқарилишида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари иштирокини рағбатлантиришнинг самарали воситалари жорий этилмаган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олган ҳолда куйидаги таклиф ва тавсияларни билдирмоқчиман.

1. Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, илмий – тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ёшларни ижодий ва интеллектуал баркамол этиб тарбиялашга қаратилган амалий чора – тадбирларни ишлаб чиқиш зарур;

2. Мактаб ва лицей ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ва илмий даражага эга ёш олимлар билан мақсадли ишларни ташкил этиш;

3. Иқтидорли ва илмий – тадқиқотларни бажариш қобилиятига эга ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, ёш олимларни тайёрлаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

4. Ёшларнинг илмий – тадқиқот ишларини **мувофиқлаштириш**, улар учун турли даражалардаги симпозиум, конференция, давра суҳбатлари каби илмий ва илмий - амалий тадбирлар ўтказиш.

ЁШЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Б.Б.Баходиров

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат Бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар
муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни
тайёрлаш институти ходими*

Ф.Г.Бегбутаева

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти*

Ўзбекистон Республикасида истиқлол тараққиётнинг илк кунлариданоқ қонун устувор бўлган демократик давлат ва ривожланган фуқаролик жамият қуриш йўлидан бо раётган даврда, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, ёшларга оид давлат сиёсатига доир бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга

хурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, **ташаббускор**, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга жойларда, авваламбор, республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган кўп сонли ёшларнинг, қолаверса, жисмонан имконияти чекланган ёшларнинг ҳам ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этиш борасида муайян фаолият амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, **ЭНГ аввало** мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш ҳамда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунда белгиланган вазифаларнинг тўлақонли ижросини ташкил этиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари томонидан ушбу йўналишда самарали ҳамкорликни амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги давр талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юртимизда ёшлар муаммосига алоҳида эътибор қаратилди, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратишга киришилди, яъни бевосита ёшлар масалаларига масъул давлат ва жамоат ташкилотлардан вакиллар тайинланиб, бу борада кенг ислоҳотлар қилинди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар

ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, таълим муассасаларида (мактабгача таълим муассасалари бундан мустасно) ёшлар масалаларига масъул лавозимлари жорий қилиниши ва энг муҳими, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан тегишли қонунларда назарда тутилган ёшларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ўзаро ҳамкорлик асосида ҳимоя қилиниши яққол исботидир.

Иккинчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар инсон манфатларига хизмат қилиши манзарасини сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда шиддат билан бўлаётган ўзгаришларда кўришимиз мумкин.

Ёшлар сиёсати ижросини амалга ошириш мақсадида республикада нафақат фаол ёшлар, балки уюлмаган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий эҳтиёжманд (моддий таъминотга мухтож ва адашганлар), ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойиллиги мавжуд, профилактик ҳисобда турувчи, шунингдек, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган ёшларни ҳам қамраб олиш устувор вазифа этиб белгиланган. Келтириб ўтилган ёшларнинг айрим қатламларини қамраб олиш механизмлари ишлаб чиқилганлиги, масъул ташкилотларнинг фақатгина ўзаро ҳамкорликдагина бу борадаги фаолиятларини ортиқча қийинчиликларсиз амалга ошириш имконини беради.

Чунончи, аввало “Оила – Маҳалла – Таълим муассасаси” концепцияси асосида ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини мустаҳкамлаш орқали ёшлар орасида учраётган муаммолар ечимини топиш мумкин. Дейлик, бунда ёш авлодни тарбиялашда энг аввало, соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни оиладан бошлаб яратиш даркор.

Масаланинг иккинчи тарафи эса шуки, давлатимиз томонидан ёшларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий томонлама қўллаб-қувватлаш орқали тўлиқ қамраб олишга уринаётган жараёнда уларнинг тарбияси ҳамда келажагига айрим ота-оналар (васий ва хомийлар)нинг бепарволиги ачинарли ҳолат.

Шунда ҳам давлатимиз томонидан ёшларни кенг қамраб олиш чораларини такомиллаштириш мақсадида жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали кенг жамоатчиликнинг вазифаларини тегишли қонун ҳужжатларда белгилаб берди. Жумладан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида кўрсатилганидек, давлат ва нодавлат ташкилотлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш, унинг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш ва яна бир қатор соҳаларда¹⁶ ҳамкорликни амалга оширишлари, уларнинг фаол иштироклари ўз навбатида фуқаролик жамияти муҳим мезонларидан бири эканлигини кўришимиз мумкин.

Учинчидан, давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ўсиб келаётган келажак авлодни қамраб олиш тизимининг мукамал шакллантирилиши ёшларга оид давлат сиёсатини жойларда самарали амалга оширишнинг бир усул ва воситасидир. Хусусан, ёшлар билан боғлиқ салбий оқибатлар (бандлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар, ёш оилалар ўртасида ажримлар, шунингдек, ноқонуний миграция)ни келтириб чиқарувчи сабабларни олдини олиш учун, даставвал, уларнинг маънавий-маърифий билим салоҳияти ҳамда китобхонлик маданиятини, шунингдек, ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишга қаратилган “Мен севиб ўқиган китоб”, “Энг яхши китобхон” ва “Ёш ҳуқуқшунос” каби республика танловларининг тизимли ташкил этилаётгани; ёшларни иш билан банд қилиш мақсадида ёшлар маркази-

¹⁶ “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. ЎРҚ-376-сон. 25.09.2014 й.

га маълум муддат касб-хунарни ўрганишга бириктирилиб, сўнг тегишли соҳа ташкилотларга йўналтирилаётгани; шунингдек, маҳаллаларда моддий ёрдамга мухтож оилаларни кам таъминланганлар рўйхатидан чиқариб, фаолликка чорлаш, яъни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш мақсадида тикув машиналарининг совға қилиниши, “Ёшлар – келажагимиз”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги бежизга эмас.

Тўртинчидан, шахс, оила ва маҳаллада дасталабки ижтимоий-маърифий маданиятининг шаклланишини инобатга олсак, маҳалла институтининг ёшлар масалаларига оила институтидан кейинги масъул ташкилотлардан бири эканлигини эътироф этишимиз мумкин.

Маҳалла тизимида ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4944-сонли Фармонига асосан Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий қилиниши¹⁷ бу соҳага бўлган юксак эътибордир. Келтириб ўтилган масъуллар тегишли соҳа вакиллари билан ҳамкорликда “Бир маҳалла, бир маҳсулот” давлат дастури ижроси доирасида ёшларимиз орасида тадбиркорлик, боғдорчилик, деҳқончилик, касаначилик ва ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш орқали ёшлар билан боғлиқ салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар.

¹⁷ “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 4944-сон.03.02.2017 й.

Бешинчидан, жорий йилда Президентимиз томонидан ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни, хусусан:

Ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб қилиш, шунинг билан бирга, тўлиқ жиҳозланган маданий марказларни барпо этишнинг манзилли рўйхатини шакллантириш;

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини ошириш орқали, аҳоли ва ёшлар ўртасида оммавий спорт тадбирларини ўтказишни кўпайтириш;

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишга шарт-шароитлар яратиш, уларни малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш билан бирга дастурий маҳсулотлар яратиш;

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;

Худудларда тикув-трикотаж маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш мақсадида амалиётга жорий этиш масалалари бўйича аниқ кўрсатмалар берилиши, ёшларга бўлган навбатдаги муҳим эътибордан, деб қарашимиз мумкин.

Шу билан бирга, республика ёшларининг муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларининг ёш истиқболли кадрлари ҳисобидан захиралар базасини шакллантириш, уларнинг касбий ривожланишини мониторинг қилиш тизимини яратиш, ёш истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув курсларини ташкил этиш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини амалга ошириш бўйича халқаро ҳамкорлик ва алоқаларни ривожлантириш борасида ишларни амалга ошириб, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ҳаётга

тадбиқ этишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти (Институт) фаолиятига ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Ўтган йил давомида Институт томонидан ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган, ҳудудларда ўтказилган манзилли социологик тадқиқотлар натижаларини ўзида акс эттирган бир қатор ахборот ва ахборот-таҳлилий ҳужжатлар тайёрланди ва тегишли ташкилотларга тақдим этилди. Хусусан, “Ҳудудлардаги ёшларга доир долзарб муаммолар”, “Ёшлар ўртасида учраётган муаммолар”, “Ислом дини ва маърифатига ёшлар муносабати”, “Ёш оилалар турмуши давомида кенг учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари” мавзусида социологик тадқиқотлар ўтказилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Институт вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга самарали тадбиқ этилиш механизмини ишлаб чиқиш борасида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”, “Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон ёшлари билан ишлаш концепцияси” лойиҳаларига мулоҳаза ва таклифлар ишлаб чиқилди, “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастурини тайёрлашда таклиф ва тавсиялар билан иштирок этди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев **раҳбарлигида** 2018 йил 27 июль куни ўтказилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга бағишланган видеоселектор йиғилишида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари психологлари иштирокида Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида суицид ҳолатларининг олдини олиш бўйича инновацион қўлланма лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қўлланма суицид ҳолатларини олдини олишга дахлдор бўлган вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари ходимлари хизмат доирасида фойдаланишлари учун мўлжалланган.

Институт ходимлари томонидан ёш раҳбар кадрлар масалалари бўйича Республика кенгаши Низоми, ёшлар масалаларига масъул раҳбар кадрларни танлаш, захирасини шакллантириш ва лавозим ўсишини таъминлаш бўйича Концепцияси, “Тизимли тадқиқотлар” лойиҳаси Концепцияси ва структураси ва бир қатор бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ундан ташқари, Институт олдига қўйилган ёш истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг касбий ўсишини мониторинг қилиш вазифани сифатли бажариш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари билан доимий алоқада бўлиб, маълумотлар базаси янгиланиб борилмоқда.

Институт фаолияти доирасида доимий ташкил этиб келинаётган 4 ойлик қайта тайёрлаш ва 1 ойлик малака ошириш курсларида ўқиётган тингловчиларнинг бошқарув ва лидерлик қобилиятини, касбий салоҳиятларини аниқлаш мақсадида улар билан индивидуал суҳбатлар доимий равишда ўтказилиб келинмоқда.

Шу билан бир қаторда ёш истиқболли кадрларнинг касбий ривожланишига йўналтирилган бир қанча ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди, хусусан, “Ёшлар етакчилари учун лидерлик психологияси”, “Ёшлар тадбиркорлигида бизнес-мулоқот сирлари”, “Ёшлар билан ишлаш жараёнида низоларни бошқариш”, “Ёшлар ташкилотларида корпоратив маданият”, “Ёшлар жамоаларини бошқаришда шахс имкониятларидан фойдаланиш”, “Ёшлар ташкилотларини бошқаришда қарор қабул қилиш психологияси”, “Ишбилармонлик мулоқоти”, “Имконияти чекланган болалар ва ёшлар билан ишлаш” каби қўлланмалар шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан баркамол авлод тарбияси мамлакат тақдирига дахлдор энг устувор вазифа сифатида белгиланди. Уларнинг куч ва салоҳиятини юрт тинчлиги, ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги сари сафарбар этишда

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎРНИ

А.Ў.Худайназаров

*ЎзМУ “Ижтимоий-гуманитар фанларни
ўқитиш методикаси” (Маънавият асослари)
мутахассислиги 1-курс магистранти*

Ёшлар фаоллигини ошириш мамлакатимизнинг тараққиётининг муҳим омилidir. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлашнинг кафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий ҳаётга кирётган, замонавий билим ва касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёшлар тимсолида яққол намоён бўлмоқда. Мамлакатимизнинг эртанги кунини, жамиятда ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этувчи муҳим куч, маънавий салоҳиятли ресурс ҳисобланган ёшларни маънавий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига қулай шарт-шароит яратиш орқали уларни юрт тақдири ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айлантириш ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидланидек, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари-

ни сафарбар этамиз”¹⁸. Мамлакатимизда ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий салоҳиятли ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалий ишлар амалга оширилмоқда.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹⁹ демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги²⁰ Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги²¹ Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

¹⁸ Ш.Мирзиёев. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидан 2016-йил 14-декабр).

¹⁹ “Ўзбекистон Республикасини янада ривожтириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли фармони./ 2017 йил 7 февраль/
www.lex.uz/docs/3107036

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни / 2016 йил 14 сентябрь ЎРҚ-406-сонли/
www.lex.uz/acts/3026246

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106 сонли фармони/
2017 йил 5 июл/
www.lex.uz/docs/3255680

ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Ўзбекистон “Миллий Тикланиш” демократик партиясининг “Ёшлар Қаноти” дастури: “Кучли давлатдан – кучли жамиятга” босқичма-босқич ўтиш тамойилига амал қилади ва шу асосда ёшлар иштирокида миллий анъаналарга ва умуминсоний қадриятларга айланган туйғуларга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этиш; жамият равнақида ёшлар иштирокини таъминлашда партия Устави ва Дастуридан келиб чиққан ҳолда унинг ғоя ва мақсадларини амалга ошириш учун муқобил дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда ўз сиёсий қарашлари йўриқномасини яратиш; ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирок этишини таъминлаш ва шу орқали жамият ҳаётига ижобий таъсир кўрсатиш, ўз ғоялари, мақсадлари, вазифалари ва қарорларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш; ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини ифодалаш, ёшлар муаммоларига оид дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш; ёшларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидоий, интеллектуал салоҳияти юқори ёшларнинг давлат бошқарувидаги вазифаларни эгаллашлари учун шароитлар яратишда кўмаклашиш; Ватан равнақи, миллат манфаатларини олий мақсад ва манфаатларидан устун деб билган, “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” ва “Буюк келажакни фидоий ёшлар яратади” ғояларига содиқ ёшларни жипслаштиришдир²².

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги

²² Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясини “Ёшлар қаноти” дастури.// www.mt.uz/uz/partiya/molodezhnoe-krylo/

фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз– ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз” деб таъкидлаб ўтган.²³

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуслари билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маърифий ислоҳотлар ёшларга кенг қўламли имкониятлар яратиб берди. Яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиши, мамлакатимизни ривожлантирадиган ватанпарвар кадр ва юксак маънавий салоҳиятли кадр бўлиб етишиб чиқиши керак ва зарур. Бизнингча, ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ҳар биримизнинг асосий бурчимиздир.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ

Т.Х.Ташметов

ЎзМУ Ижтимоий фанлар факултети Ижтимоий-гуманитар фанларини ўқитиш методикаси (маънавият асослари) мутахассислигининг магистри

“Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”

Ш.М Мирзиёев.

²³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // www.uza.uz .

Мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган ўзгаришлар келажақда мамлакатимизнинг интеллектуал имкониятларини белгилаб берувчи ва уни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланган таълим тизимига ҳам боғлиқ эканлигини ҳисобга олиш зарур. Зеро, жамиятимизда амалга оширилаётган туб ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, аввало ёш авлодни маънавий баркамол ва комил инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу борада эса узлуксиз таълим тизимининг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Шу боисдан ёшларда маънавий интеллектуал салоҳиятнинг юксалиши, уни сифат даражасида ривожлантириш нафақат таълим самарадорлигининг ошишига, шу соҳадаги тизим такомиллашувига ўз таъсирини ўтказибгина қолмай, балки мазкур ижтимоий тизимнинг барча соҳаларининг ўсишига ҳам сезиларли даражада таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг тўртинчи банди ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида, айниқса, таълим соҳасига алоҳида урғу бердилар. Шу боис таълимда устувор аҳамиятга эга бўлган ҳам илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий – экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган,²⁴ деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат бугунги кунда таълимдаги стратегик йўналишлардан бири сифатида таълим муассасаларининг инновацион фаолияти асосий омил этиб белгилаб берилаяпти. Таълим тизимини ислох қилишнинг зарурлигини тушуниб етиш, амалиётда таълим

²⁴ Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 7 феврал 2017 йил. Лех.уз.

муассасаларини инновацион жараёнларга қўшилишини тақозо этмоқда. Шу билан биргаликда, ҳозирги замон талаби таълим муассасалари олдига назария билан амалиётнинг уйғун олиб борилишини талаб этмоқда. Ана шундагина биз истиқболда маънавий баркамол инсонни, соғлом фикрлайдиган авлодни тарбиялашга эришамиз. Жамиятимизнинг устувор вазифаларидан бири ҳам баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир. Зеро, маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар.

Бу ҳолат бугунги кунда ўта долзарблиги билан ҳам айниқса аҳамиятлидир, чунки ушбу инновацион жараён узлуксиз таълим тизимида “Миллий ғоя” ва “Маънавият”га оид фанлар туркумига кирувчи “Одобнома” 1-4 синфлар, “Ватан туйғуси” 5-6 синфлар, Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” 7, 8, 9-синфлар, “Маънавият асослари” 10-11 синфларда, олий ўқув юртларининг бакалавр босқичида “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”, магистратура босқичида эса “Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси” (Маънавият асослари) мутахассислар учун дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа фанлар орқали ўқитишни инновацион технологиялар асосида давомий ташкил этиш таълим самарадорлигини таъминлайди. Инновацион технологияларнинг асоси бўлган интерфаол технологиялар маънавият, миллий ғоя, миллий мафкурани теран фикрлаш билан англаб олишда ўқувчи-талабаларнинг фаолиятини янада фаоллаштиради, уларни мустақил фикрлашга, фаолликка, бирдамликка, жамоа бўлиб ишлаш, бир-бирига қайғуриш орқали жипсликка чорлайди ва билимларни бойитишда самаралий таъсир ўтказди. Бевосита таълим жараёни марказига ўқувчи-талаба шахси қўйилади. Ваҳоланки, таълим жараёнида ижтимоий тренинг машғулотлари миллий менталитетга мос шакллари билан самарали фойдаланиш тарихий ва маданий меросни чуқур ўрганиш билан бир қаторда илғор, замонавий билимлар эгаси бўлишга интилишнинг ошишига туртки бўлади. Таълим муассасаларда яратилган ўқув қўлланмалардан тортиб, **синфлар** ва аудиторияларгача маънавий, мафкуравий таълим берувчи ижтимоий рекламалар билан қуроллантиришга

алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Энг муҳими – мамлакатимизда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳар томонлама баркамол, билимли, малакали ёшларни вояга етказишнинг жамиятимиз томонидан қабул қилинган тарихий ҳужжат эканини тушунтириш ва уни амалга оширишга бутун кучни сафарбар этиш зарур.

Таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари, яъни инновацион технологияларнинг асоси бўлган интерфаол методларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ва ўқувчигиталабаларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновация (инглизча **инноватион**) – янгилик киришти, янгиланиш, ниманидир ўзгартириш демақдир²⁵.

Узлуксиз таълим тизимида маънавиятни юксалтиришда инновация шу соҳа сифатини яхшилашга йўналтирилган ҳолда амалга оширилади. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маънавият тизимида шакллانган янгича ёндашувлардан иборат бўлади. Мазкур ёндашувлар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, миллий маънавиятнинг концептуал мазмунини ривожлантириш учун истиқболли асос бўлиб хизмат қилади. Маънавиятни юксалтиришдаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли “новация” ва “инновация” тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдига муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация хусусида фикр юритаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга ошириляётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келса, инновация деган тушунча шаклланади. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: инновация мавжуд назария доирасида амалга оширилади, кўлам

²⁵ Ишмухамедов Р., Ёлдошев М. “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар” Т.: 2017 йил, Б 14.

ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхши ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг йўналишлари очилади, замонавий технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат самараларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

Маънавиятни юксалтиришдаги инновацион **ўзгаришлар**, тизимга ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита шу соҳа вакили фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият – бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан аъъанавий меъёрларнинг мос кел-маслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзга келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда ижтимоий-сиёсий ҳаётга янгиликлар олиб кириш орқали мафкуравий қарашлар ривожига катта таъсир кўрсатади.

Педагогик инновациялар – мутахассисларни янгича шароитда ишлашга тайёрловчи жараён саналади. Унда илгариги эгалланган билим, кўникмалар асосида ижодий самара берувчи янгича ёндашув технологияларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Инновацион таълимнинг мақсадлари қуйдагиларни назарда тутати:

- ❖ таълим олувчиларнинг юқори даражадаги маънавий ҳамда интеллектуал-шахсий ривожланишини таъминлаш;

- ❖ замонга янгича ёндашув асосида янги **технологиялар**, лойиҳалар яратиш ва улар ёрдамида ўқув режа **дас-турларининг** янги, мос турларини яратиш;

- ❖ таълим олувчиларнинг илмий тафаккур кўникмаларни эгаллашга шарт-шароит яратиш;

- ❖ ижтимоий-иқтисодий ҳамда касбий соҳаларга янгиликларни киритиш методологиясини ўргатиш;
- ❖ назарияни амалиёт билан, амалиётни эса ишлаб чиқариш билан боғлаш;
- ❖ ўқув-услубий материаллар базасини мустаҳкамлаш;
- ❖ таълим шароитларининг социал ва иқтисодий асосларини кучайтириш.

Таълим масканларидаги долзарб вазифалардан бўлган баркамол авлоднинг тайёргарлик сифатини янада юксалтириш асосий мақсадлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли юртимизда барча ўқув юртларида ўқитиш тизимини жаҳон тажрибалардан фойдаланган ҳолда тўлиқ кўриб чиқиб энг мақбул жиҳатларини амалиётга тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳозирги глобаллашув даврида бўлаётган замонавий инновацион талабларга хос бўлган жараёнлардир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, узлуксиз таълим тизимида маънавий соҳани ривожлантиришда янги инновацион технологияларни жорий этиш орқали амалга ошириб бориш бевосита таълим самарадорлигини таъминлайди. Инновацион технологиялар асосида ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш принципларини янада юксалтириш мақсадга мувофиқдир. Зеро бу миллий ўзлгимизни англаб етишга бўлган кучли эҳтиёж натижасидир. Умуминсоний қадриятлар ҳар доим миллий қадриятлар билан озиқланади, ҳамда миллий маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришга хизмат қилади. Бу эса бугунги куннинг давр талабидир.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ

И.У.Бобожонов

ТДПУ таянч докторанти, Тошкент

Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёни кучайиши натижасида ёшларни турли бузғунчи ғоялар, мафкуравий

хуружлар таъсиридан асраш жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Боиси, келажак тараққиёти ҳақида қайғурадиган ҳар бир давлат аввало, ўз ёшларининг жисмоний, интеллектуал ва руҳий жиҳатдан чиниққан авлод бўлиб вояга етишидан манфаатдор. Чунки жисмонан ва маънавий етук соғлом ёшлар мамлакат тараққиётининг муҳим кафолатидир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда”²⁶, деб таъкидлаб ўтган. Ҳар бир мамлакатнинг келажаги ва тараққиёти кўп жиҳатдан ёшлар ҳамда уларнинг маънавий камолотига боғлиқ экан, аввало ёшлар термини ва бу атамага халқаро ҳамжамиятда, шунингдек, Ўзбекистонда қандай таъриф берилишига тўхталиб ўтиш жоиз. Масалан, ЮНЕСКО қонунчилигига кўра 17-25 ёшдаги шахслар²⁷ ёшлар ҳисобланса, МДҲ давлатлари ва Россиянинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ёшлар 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролардир. Европанинг аксарият мамлакатларида, АҚШ ва Японияда қабул қилинган “ёшлар” тушунчаси 13-14 ёшдан то 29-30 ёшгача белгиланади.²⁸ Бизнинг миллий қонунчилигимиз эса ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахсларни ёшлар ёки ёш фуқаролар²⁹ деб аташни назарда тутди. Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ёшлар тоифаси турли мамлакатларда турлича тавсифланади, бироқ улар орасидаги тафовут катта эмас ва кўзланган мақсад битта – ёшларни давлат сиёсатини амалга оширувчи асосий куч сифатида тарбиялашдир. Ўзбекистонда давлат ва халқ ўртасида мустаҳкам ҳамкорликни ўрнатишда ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла институти муҳим роль ўйнайди.

²⁶ Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир. Халқ сўзи, 2017 йил 1 июль.

²⁷ Топилдиев О. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ёшларнинг тутган ўрни (1991-2008 йй.), Тарих фанлари номзоди дисс., –Т.: 2011 й. Б. 17

²⁸ Ўша асар, Б.18

²⁹ <http://www.lex.uz/acts/3026246>

2016 йилга келиб мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этган³⁰. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 33254,1 минг кишини ташкил этиб, 2018 йилда 597,4 минг кишига ёки 1,8 % га ўсди³¹. Статистика маълумотларига кўра, Ўзбекистон туғилиш нисбатан юқори мамлакатлар қаторига киради ва келажакда ҳам мамлакат аҳолисининг умумий сонида ёшларнинг салмоғи юқори бўлишини кузатиш мумкин. Бу орқали Ўзбекистонни ёшлар мамлакати деб эътироф этиладиган мақоми янада мустаҳкамланади.

2016 йил 14 сентябрда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистонда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Мазкур қонун асосида ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантирадиган, турли хил йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш борасида ташкилий ва ҳуқуқий жараёнларни тизимли равишда ривожлантириб бориш орқали янгича ёндашувларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ушбу қонун 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонундан бир қатор жиҳатларига кўра фарқ қилади. Жумладан, амалдаги қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар ҳамда уларнинг вазифа ва ваколатлари алоҳида моддалар билан аниқравшан белгилаб берилганлиги эътиборга лойиқдир. Хусусан, қонуннинг 18-моддаси тўлалигича ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла институтининг иштирокига, уларнинг амалга оширадиган вазифаларига бағишланганлиги билан характерлидир³². Ёшлар сиёсатини амалга оширишда маҳалла институтига алоҳида эъти-

³⁰ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016 й. Б.13

³¹ <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/5259-demografik-holat-5>

³² <http://www.lex.uz/docs/3026246>

бор берилишининг боиси, маҳалла тузилмаси узоқ тарихдан халқимизнинг урф-одатлари эъзозланадиган, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, уларнинг онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда асосий рол ўйнайдиган демократик маскан сифатида эътироф этилади. Амалга оширилган демократик ислохотлар натижасида бугунги кунга келиб маҳалла институтининг вазифа ва ваколатлари сони ортиб бормоқда ҳамда улар орасида ёш авлодни тарбиялаш масаласи асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик **ислохотларга** назар ташлаб, маҳалла институти бошқарувига киритилган демократик янгиланишлар орқали унинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган сезиларли ўзгаришларни амалга оширилганлигини кузатиш мумкин. 2017 йил 3 февралда эълон қилинган “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”³³ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилди ва у вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари комиссияси фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради. Мазкур лавозимни киритилишидан бевосита маҳалла ёшларини жонкуяр ва фидойи, Ватан мудофаасига ҳамиша шай фарзанд қилиб тарбиялаш кўзда тутилган. Бироқ аксарият маҳалла фуқаролар йиғинида мазкур лавозимга ёшлар жалб қилинганлиги ҳамда жамоатчилик асосида фаолият юритиши сабаб бу ислохот дастлабки босқичда кўзланган натижани бермади. Жорий йилдаги сайлов жараёнларидан сўнг асосан ёши улуғ номзодларни мазкур лавозимга тайинлаш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, маҳалла институти бошқа орган ва муассасалар сингари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда муҳим вазифаларни

³³ <http://lex.uz/docs/3106223>

бажаради. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш, ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан доимий равишда ҳамкорлик ўрнатади. Бу ўринда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим тизим ҳисобланган “оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Доно халқимиз томонидан “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган мақол бежизга айтилмаган. Айнан “оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги натижасида ёшлар тарбияси, таълим олиш сифати ошиб, янги имконият йўллари кенгайди. Бу борада маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг таълим муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилмоқда. Биз яшаётган асрда ахборот **технологияларининг** тобора ривожланаётганлиги, ҳаётимизнинг катта қисмида интернетга боғлиқлигимиз сабабли ёшларда электрон тармоқлар билан ишлаш маданиятини кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳам интернетдан фойдаланувчилар сони 9,8 миллион кишидан ошиб кетди. “Uz” доменида 16 мингга яқин веб-сайтлар фаолият олиб бормоқда, 200 дан ортиқ веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатга олинган³⁴. Интернет оламига шиддат билан кириб келаётган Ўзбекистон олдида ёшларни интернетдан фойдаланиш саводхонлиги билан бирга маданиятини ҳам юксалтириш вазифаси муҳим саналади. Мазкур вазифани бажаришда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги тизимли равишда фаолиятни йўлга қўйиши керак бўлади.

³⁴ Саифназаров.И., Саифназарова Ф. Ёшлар ва оила – Ватан таянчи. – Т.: Таълим нашриёти, 2018. – Б. 74

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида сўнги йилларда амалга оширилган ислохотлардан яна бири маҳалла оқсоқолига ўз ҳудудидаги ишсиз аҳолини меҳнат бандлиги билан таъминлашда қўшимча ваколатлар берилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаганига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бугунги кунда жаҳон миқёсида кўпчилик мамлакатларни аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи жиддий хавотирга солади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш масаласи муҳим давлат сиёсати даражасидаги устувор масала ҳисобланади. Бандликни таъминлаш борасидаги мавжуд муаммолар ижобий ҳал этилишида “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 944-сонли Қарори муҳим роль ўйнайди. Ушбу Қарор асосида тасдиқланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида **Низомнинг 2-боб, 5-қисмига биноан** фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маҳаллалар ҳудудида яшайдиган ишсиз шахсларни жамоат ишларига жалб қилиш учун улар билан меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқига эга ва уларнинг меҳнатига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади³⁵. Натижада маҳалла оқсоқоли ўз ҳудудидаги ишсиз, кам таъминлаган аҳолини белгиланган юридик тартибда иш билан таъминлаш, ўзининг тавсиясига биноан маҳалладаги тадбиркорлик лаёқатига эга бўлган ёшларни банкдан имтиёзли кредит олиб тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишига шароит яратиб бермоқда.

Дарҳақиқат, амалга ошириладиган ислохотлар орқали бугунги кунда маҳалла институтининг вазифа ва ваколатлари кенгайиб, маҳаллий ҳокимият идоралари бажарадиган кўплаб функцияларни ўз зиммасига олиши натижасида

³⁵ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида **Низом. 2017 йил 27 ноябрь**, <http://lex.uz/docs/3426881>

халқ билан давлат ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажариб, жамиятнинг энг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Мазкур ваколатлар эса маҳалла институтининг фуқаролар олдигаги маъсулиятини янада ошишига сабаб бўлмоқда. Маҳалла институти жамиятнинг кичик, лекин асосий бошқарув бўғини эканлиги, унинг ташаббуси ва бевосита иштироки орқали ўз ҳудудидаги ёшлар билан яқиндан, ҳеч қандай тўсиқларсиз уларнинг ҳаётида мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш имкониятини кенгайтиради.

Маҳалла институти фаолияти ҳамда ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялашда янада салмоқли натижага эришиш учун қуйидаги тавсияларимизни келтириб ўтмоқчимиз: **биринчидан**, маҳалла фуқаролар йиғинида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари – ёшлар бўйича маслаҳатчиларни рағбатлантириш бўйича ҳуқуқий асосларни **такомиллаштириш** лозим; **иккинчидан**, ҳудудий жиҳатдан яқин бир неча маҳаллада кутубхона ташкил этиш орқали нафақат китобхонлар сафини кенгайтириш, балки бутун республикамизда янги иш ўрнини яратиш имкониятини ҳам қўлга киритиш мумкин. Демак, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалла тузилмаси муҳим институт хисобланади.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МЕХАНИЗМЛАРИ ХУСУСИДА

Ш.Т.Рашидов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истиқболли кадрларни тайёрлаш
институти мутахассиси*

Ёшлар сиёсати жамият ривожини ва ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим омили сифатида турли механизм, услуб ва стратегияларни ишлаб чиқишни ҳамда изчил равишда амалиётга тадбиқ этишни тақозо этади. Давлатдаги ижтимоий барқарорлик кўп жиҳатдан ёшларнинг барча қатламларига

йўналтирилган кучли ижтимоий ҳимояга, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имкониятларини юзага чиқаришда етарли шарт-шароит яратилганига боғлиқдир.

Шу жиҳатдан, 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги асосий тамойилларини белгилаб бериб, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодини юзага чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутмоқда. Президент Ш.Мирзиёев бугунги кунда мамлакатимизнинг ёшларга оид сиёсати ҳақида тўхталиб, “Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда”³⁶, деб таъкидлаб ўтди.

Бугун глобаллашув жараёнлари шиддатли ривожланиб бораётган даврда барча жабҳаларда бўлгани каби ёшлар сиёсатини амалга ошириш, улар билан ишлаш соҳасида ҳам янгича қарашлар, муносабатлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда хорижий давлатларнинг илғор технологияларидан фойдаланиш тақозо этилмоқда. Зеро, ушбу тажрибаларни таҳлил қилиш, улардан мамлакатимиз амалиётида унумли фойдаланиш йўлларини ўрганиш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Мазкур мақолада, Озарбайжон, Арманистон, Белоруссия, Украина, Молдова ва Сербия давлатларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда қўлланилган айрим механизм ва тажрибалар хусусида фикр юритилади.

Хорижий мамлакатларнинг аксариятида давлатнинг ёшлар сиёсати соҳасидаги асосий принциплари, вазифалари акс этган ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқиш масаласига катта эътибор қаратилади. Мисол учун, Озарбайжон, Белоруссия, Финландия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва, Жанубий Корея каби давлатларда Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида Қонун қабул қилинган³⁷.

³⁶ <https://president.uz/uz/lists/view/1876>

³⁷ <http://www.youthpolicy.org/nationalyouthpolicies>

Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун мамлакатнинг ушбу соҳадаги асосий фаолияти, вазифалари ҳамда асосий тамойилларни ўзида акс эттиради. Бироқ, ушбу Қонунларда ёшларга оид сиёсатни амалга оширишнинг аниқ механизмлари кўзда тутилмайди.

Кейинги йилларда аксарият Европа давлатларида ёшларга оид сиёсатни амалга оширишда ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, Албания, Австрия, Болгария, Венгрия, Македония, Руминия, Сербия, Словакия³⁸ ва бошқа давлатларда ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар Стратегиялар орқали амалга оширилмоқда. Стратегиянинг афзал томонларидан бири, уни қабул қилишдан олдин ёшларнинг турли қатламлари ўртасида тадқиқотлар ўтказилиб, мавжуд ҳолат ва муаммолар аниқланади ҳамда уни бартараф этишга оид тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Иккинчи томондан, маълум вақтлар оралиғида стратегиядаги вазифаларнинг ижроси мониторинг қилиб борилади. Бу давлатнинг ёшларга оид сиёсатини маълум бир муддатларда баҳолаб бориш, таҳлил қилиш имконини беради.

Мисол учун, Молдовада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда бугунги кунга қадар 3 та стратегия ишлаб чиқилган. Хусусан, “2009-2013 йилларда ёшлар масалалари бўйича миллий стратегия”, “Молдова-2020” миллий ривожланиш стратегияси” ҳамда “2020 йилгача Ёшлар секторини ривожлантиришнинг миллий стратегияси” каби ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар мамлакатда ёшлар сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2014 йилда Молдовада “2020 йилгача Ёшлар секторини ривожлантиришнинг миллий стратегияси”³⁹ қабул қилиниб, уни ҳаётга тадбиқ этишнинг ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур стратегияни ишлаб чиқишдан ав-

³⁸ <http://www.youthpolicy.org/nationalyouthpolicies>

³⁹ http://lex.justice.md/UserFiles/File/2014/mo400-403md/an%201_1006%20a.docx

вал, мамлакатнинг 10 та вилоятида ёшлар ўртасида сўронома ва тадқиқотлар амалга оширилиб, ёшлар орасида учраётган долзарб муаммолар таҳлил қилинган. Аниқланган муаммолардан келиб чиқиб Стратегиянинг асосий мақсад ва вазифалари белгилаб олинган. Унга кўра кейинги 6 йилда ёшлар секторини ривожлантириш, ёшларнинг, хусусан, имконияти чекланган ёшларнинг шахсий ва касбий ўсишини таъминлаш учун тегишли шароитларни яратиш белгилаб берилган.

Бунда:

- демократик жараёнларни мустақамлашда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш;
- ёшларнинг билим, малака ва касбий маҳоратини оширган ҳолда ҳамда ахлоқий тарбиясини яхшилаган ҳолда уларнинг, шу жумладан, имконияти чекланган ёшларнинг жамиятга ижтимоийлашуви учун шароит яратиш;
- ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги имкониятларини оширган ҳолда уларнинг бандлигини таъминлаш, бу борада имконияти чекланган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш;
- ёшлар ташкилотларининг инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ёшлар билан ишлаш соҳасида таъсирчан механизмларни қўллаш вазифалари асосида стратегик йўналишлар белгилаб олинди.

Ушбу Стратегияни амалга оширишда Молдова Ёшлар ва спорт вазирлиги масъул этиб белгиланган.

Худди шунга ўхшаш ҳужжат Арманистон Республикасида ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, у “2013-2017 йилларда ёшларга оид давлат сиёсати Стратегияси”⁴⁰ деб номланган. Унда 5 та йўналишдаги муҳим жиҳатлар қамраб олинди, 44 та банддан иборат чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Булар қуйидагилардан иборат:

- ёшларни мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштирокини ошириш;
- ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва бандлигини таъминлашдаги муаммолар;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

⁴⁰ <https://www.arlis.am/documentview.aspx?DocID=80598>

- ёшларни маънавий ва маданий қадриятлар ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

- узлуксиз ҳамда норасмий таълимни янада ривожлантириш.

Ўз навбатида юқоридаги йўналишларни амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар, уларнинг муддати, масъул ташкилотлар ва молиялаштириш манбалари кўрсатиб ўтилган.

Арманистон Республикасининг “2013-2017 йилларда ёшларга оид давлат сиёсати Стратегияси” 9 бўлимдан иборат бўлиб, унинг 2 бўлими мамлакатдаги ёшлар сиёсатининг жорий ҳолати, замонавий тенденциялари таҳлилига қаратилган. Стратегияни ҳаётга тадбиқ этишга масъул давлат органи Арманистон Ёшлар ва спорт вазирлиги ҳисобланади. Европа Иттифоқи таркибидаги давлат - Сербияда ҳам “2015-2025 йилларда ёшлар миллий Стратегияси”⁴¹ амалиётга жорий этилган. Қайд этиш жоизки, Сербияда 2008-2014 йилларда ҳам шу каби Стратегия ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ этилган. Ушбу стратегияни якунига оид баҳолаш натижалари ҳамда Европа Кенгаши экспертлари томонидан таёрланган “Ёшлар сиёсатини такомиллаштиришга оид тавсиялар”дан келиб чиқиб янги 2015-2025 йилларга мўлжалланган Стратегия яратилган. 10 йилга мўлжалланган янги Стратегия ёшлар сиёсати соҳасида 9 та муҳим вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди:

- ёшларнинг меҳнат қобилиятини ва бандлигини ошириш;

- ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича малакаларини ошириш ва уларнинг инновациялар соҳасидаги билимларини ривожлантириш;

- ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш;

- ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш;

- ёшларнинг ўз хавфсизлиги соҳасида маданиятини юксалтириш;

⁴¹ <http://www.mos.gov.rs/wp-content/uploads/download-manager-files/Nacionalna%20strategija%20za%20mlade%20-%20ENG.pdf>

- жамиятдан ажралиб қолиш хавфи бўлган ёшлар гуруҳларини ижтимоийлашувига ёрдамлашиш;
- ёшлар ўртасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ёш мигрантларни қўллаб-қувватлаш;
- ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнлардан хабардор қилишни такомиллаштириш;
- маданият соҳасидаги дастурларни яратишда ёшларни фаол жалб қилиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир йўналишдаги муаммолар чуқур таҳлил қилинган ва ёшлар ўртасида сўровномалар ўтказилган. Уларнинг натижаларидан келиб чиқиб, аниқ ва манзилли чора-тадбирлар белгиланган. Уларнинг асосий ижрочиси сифатида Сербия Ёшлар масалалари вазирлиги кўрсатилган.

Юқорида номлари тилга олинган давлатлардаги муҳим жиҳат – ёшлар сиёсатини амалга оширишда алоҳида давлат органининг мавжудлигини қайд этиш зарур. Чунки узоқ маълум муддатларга тузилган давлат стратегияларини амалга оширишда аниқ ижрочининг бўлиши ва у давлат ташкилоти мақомида бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда алоҳида вазирлик ташкил этган яна бир давлатлардан бири Озарбайжон Республикаси ҳисобланади. Мазкур давлат ёшлар сиёсатини амалга оширишда стратегиялар билан бир қаторда дастурий сиёсий технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратган. Жумладан, Ёшларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, иш билан банд қилиш ҳамда давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаш бўйича “2005-2009 йилларда Озарбайжонда Ёшларга оид Давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “2006-2010 йилларда Алоҳида иқтидори бўлган болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш бўйича Давлат Дастури”, “2007-2012 йилларда Озарбайжон Республикасида профессионал-техник таълимни ривожлантириш бўйича Давлат Дастури” ва “2007-2015 йилларда озарбайжонлик ёшларни хорижда таълим олишини таъминлаш бўйича Давлат Дастури” қабул қилинган.

Шунингдек, “Озарбайжон ёшлари 2011-2015 йилларда” номли Давлат Дастури” ва “2015-2025 йилларда Озарбайжон ёшларини ривожлантириш стратегияси” ҳамда “Озарбайжон ёшлари 2017-2021 йилларда” номли Давлат дастурлари ёшларга оид давлат сиёсатининг узоқ муддатли истиқболларини белгилаб берган.

“Озарбайжон ёшлари 2011-2015 йилларда” номли Давлат Дастурига мувофиқ Ёшлар Фонди ташкил этилиб, фан, таълим, маданият ва ёшлар сиёсатини самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш, фаол ёшларга ўз имкониятларини намоён этишларига кўмаклашиш вазифалари белгиланди. Ушбу Фонд ўтган етти йил мобайнида 4 мингдан ортиқ йирик ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришга эришган.⁴²

Бундан ташқари, Озарбайжон Президенти администрациясида ёшлар ва спорт масалалари бўйича хизмат фаолияти йўлга қўйилган. Озарбайжон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқарув Академиясида раҳбар кадрларни малакасини ошириш йўналиши мавжуд бўлиб, унда “Озарбайжон Республикасида ёшлар сиёсати” номли махсус курс ўтилиши ташкил этилган.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда дастурий технологиялардан фойдаланиш бўйича Беларуссия Республикасида ҳам бир қатор ҳужжатлар ишлабчиқилган. Хусусан, 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Таълим ва ёшлар сиёсати”, “Беларус Республикасида халқ саломатлиги ва демографик хавфсизлик”, “Беларус Республикасида болалар ва ёшларнинг узлуксиз таълими”, “Аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш” каби Давлат Дастурлари орқали мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати амалга оширилмоқда.

Белоруссия Республикасида амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири, унда иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш Беларуссия Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни қўллаб-

⁴² http://cbc.az/ru/v_story/video1517673079

қувватлаш Махсус Фонди томонидан амалга оширилади. 2017 йилда Фонд маблағлари ҳисобидан ўқиш ва илмий-тадқиқот соҳаларидаги муваффақиятлари учун 2 070 нафар ёшлар тақдирланган.

Яна бир муҳим жиҳат, Белоруссияда мамлакат иқтидорли ва истеъдодли ёшларининг маълумотлар банки (манзилли рўйхати) шакллантирилган. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, мазкур рўйхатга Респуб-ликанинг 6 минг нафар иқтидорли, 690 нафар истеъдодли ёшлари киритилган.

Белоруссияда ёшларнинг олий таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилади, жумладан, 2016-2017 ўқув йилида 51 та ОТМда 313 минг нафар талаба таҳсил олган. Ҳар 10 минг нафар аҳолига тўғри келадиган талабалар сони бўйича Беларус МДХ давлатлари орасида 1-ўринда қайд этилган (*10 минг аҳолига 330 нафар талаба*). Ундан кейинги ўринларни Украина (*321 нафар*) ҳамда Арманистон (*310 нафар*) эгаллаган.

Мамлакат таълим тизими ёшларнинг ахборот-коммуникацион технологиялар, жумладан, компьютер ва Интернет тармоғидан фаол фойдаланиши учун улкан шароитлар яратади. Мамлакат ёшларининг бу жараёнлардаги иштирокини – “рақамли авлод” ибораси билан ишлатиш урфга кирган. Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилда 14-30 ёшлиларнинг Интернетдан фойдаланиши 98,5% ни ташкил қилган⁴³.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатлар ёшлар сиёсатини амалга оширишда бир қанча услуб ва механизмлардан фойдаланиб келмоқда. Мазкур услублар, илғор тажрибалардан мамлакатимиз амалиётида қўллаш учун қуйидагилар таклиф қилинади:

■ Белоруссияда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшларнинг АКТни (дастурлаш, компютерлаштириш, интернетдан фойдаланиш) ўрганишига давлат даражасида эътибор қаратилади. Бу келгусида ёшларнинг нафақат ўз юртида балки Европанинг бир қанча давлатларида муносиб иш топишини таъминлайди. Мазкур илғор

⁴³ <http://bobruisk.by/edi/den2018/4909.html>

тажрибадан Ўзбекистонда ёшлар бандлигини таъминлаш, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар етказиб беришда фойдаланиш, уларни АКТ саводхонлиги бўйича пухта таёрлашнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқиш ва бу борада зарур шароитлар яратиш мақсадга мувофиқ.

■ Молдовада ҳаётга тадбиқ этилган Стратегияни амалга ошириш жараёнида ёшларнинг турли қатламларига хос муаммолар аниқланиб, тадқиқот ва таҳлиллар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар Стратегиянинг натижадорлигини баҳолаш билан бир қаторда мамлакат ёшлар сиёсатининг 6 йиллик ҳолатини таҳлил қилиш имконини беради. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида юқоридаги каби стратегияларнинг ишлаб чиқилиши ёшлар ўртасидаги асосий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва турли кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикасини кузатиб бориш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни баҳолаш учун хизмат қилиши мумкин.

■ Молдовада “ёшлар билан ишловчи мутахассис” тушунчаси қўлланилиб, уларнинг малакаси, нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг ёшлар билан ишлаш компетенциясига эгаллиги, ёшларни руҳлантира олиш, рағбатлантириш сифатларига эга бўлиши муҳим талаблардан ҳисобланади. Мазкур тажрибани Ўзбекистонда ёшлар масалаларидаги ННТ амалиётида жорий этиш, “ёшлар билан ишловчи мутахассис” тушунчасини қўллаш орқали бу борада маълум бир меъёрларнинг жорий этилиши, ушбу соҳада ишловчиларнинг фаолиятини баҳолаш нормалари ишлаб чиқилишига имкон бериши мумкин.

- Озарбайжон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқарув Академиясида раҳбар кадрларни малакасини ошириш йўналиши мавжуд бўлиб, унда “Озарбайжон Республикасида ёшлар сиёсати” номли махсус курс ўтилиши ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқаруви Академияси ҳамда Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида ҳам “Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати” номли махсус курс ўтилишини ташкил этиш мумкин.

- Арманистонда “ёшлар мутахассиси” институти ташкил этилган⁴⁴ бўлиб, асосий мақсади ёшларга оид давлат сиёсатини ҳамда ёшларга оид давлат дастурларини амалга ошириш бўйича кадрларни тайёрлашдан иборат. Институт ёшлар билан ишлаш, ёшлар сиёсати ва дастурларини амалга ошириш йўллари, услублари бўйича кадрларни тайёрлаб беради. Ўзбекистонда ҳам айрим олий таълим муассасаларида “ёшлар мутахассиси” бўйича йўналишлар очиб, кадрларни тайёрлаш ёшлар сиёсатини амалга оширишда муҳим ўрин тутуши мумкин.

ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИККА ЭРИШИШДА СПОРТНИНГ РОЛИ

Ф.Х. Усарова

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи
масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик
марказ, сиёсий фанлар номзоди*

Н.Б. Абдусаттарова

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи
масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик
марказ, кичик илмий ходим*

Мустақиллик шарофати билан ҳукуматимиз томонидан халқ миллий уйинлари ва спорт турларини тиклаш, маънавий-ахлоқий ҳаётни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама етук интеллектуал комил инсонларни тарбиялаш жараёнининг ажралмас қисми деб баҳоланди.

Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, шубҳасиз, жисмоний-руҳий саломатликни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни назарда тутди. Дарҳақиқат, бугунги кунда нафақат маънавий, балки жисмонан соғлом ёшларни тарбиялаш ҳукуматимиз сиёсатининг энг муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада “2017-2021 йилларда

⁴⁴ <http://e-cis.info/page.php?id=24483>

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни тўртинчи йўналиши ва ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус илгари сургани ҳам жуда муҳим воқеа бўлди.

Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббуслардан иккинчиси ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилгандир. Шунинг учун ҳам ушбу мақолада ёшларни ватанпарварлик руҳида, яъни маънавий-ахлоқий баркамол бўлиб улғайишида жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим ролини кўрсатишни мақсад қилдик.

Умуман олганда, “Спорт” сўзи арабчада “риёзат” деб аталиб, луғатда “машқ қилиш”, “чиниқиш”, “бадан тарбия”, “сайр этиш”, “математика” ва “жисмоний ҳаракат” маъноларини англатади. Математика ақлни чиниқтиргани сабабли, у ҳам шу сўзнинг луғавий маъноларидан бирига айланган.⁴⁵

Азалдан ўзбек халқи спортни севиб келган ва спортсеварлик қонига сингиб кетган. Фикримизнинг исботи сифатида халқимизнинг қадимий ва навқирон миллий кураши бунга мисол бўла олади. Бугун буюк аجدодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг миллий ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтиради.

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий-мафкуравий баркамолликка эришишда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тарихчиларнинг шаходат беришича, Турон заминида эр.ав. III-I асрлардаёқ аجدодларимиз кураш, найза отиш, қиличбозлик, камондан отиш, шахмат, улоқ, пойга каби инсонни камолга етказувчи мусобақаларни оммавий равишда ўтказиб келган.

Маълумки, Бухоро хонлиги саройида хоннинг вояга етмаган фарзандлари тарбияси билан шуғулланувчи мах-

⁴⁵ Позиллов Ислом ва спорт. -Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.

сус оталиқ лавозими бўлган. 1582 йилда Абдуллахон Балх вилоятига ўз ўғли Абдулмўминни ҳоким этиб тайинлаганида, амир Жонкелдибийни унга оталиқ этиб тайинлаган, ҳамда унга шахзодага давлат ишлари билан бирга, жисмоний машқ ва ов қилиш тартибларини ўргатиш вазифаси юкланган.⁴⁶

Ўрта асрларга мансуб манбаларда камондан ўқ узиш бўйича ўтказилган мусобақалар таърифи кўплаб учрайди. У ёки бу аёнга таъриф берилар экан, одатда, унинг камондан ўқ узиш бўйича маҳорати ҳам қайд этиб ўтилади. Жумладан, ёш амирларга “моҳир мерган”, “камондан яхшигина отади” каби таърифлар берилган.⁴⁷ Бу тажрибадан бугунги кунда ҳам кенг фойдаланилади. Бу нишонлар инсонни янада юқори марра ва ютуқларга эришишга ундаган. Бугунги кундаги медаллар ёшларни янада қизиқтириш, руҳлантириш ва мотивация учун берилади, десак ҳам муболаға бўлмайди.

Жисмоний тарбия ва спорт жисмоний, ахлоқий баркамолликка эришишнинг муҳим омилidir. Спорт иродани, одамнинг мақсадга эришишга интилишини мустаҳкамлайди, қийинчиликларга сабр-тоқат билан чидашга ўргатади, одамда ғалабага ишонч, Ватанимиз, халқимиз шон-шуҳратини жаҳон ҳамжамияти олдида улуғлайдиган ютуқлардан фахрланиш ҳиссини тарбиялайди. Ёшларда фаол ҳаётий позицияни, маънавиятни, эзгулик ва гуманизм идеалларини тарбиялаш жисмоний тарбия ва спорт воситалари, шакллари ва усулларидан фойдаланишнинг устувор йуналишларидан бирига айланмоғи керак.

Шунинг учун ҳам ёшларни жисмоний ва маънавий тарбиялашда айрим мажбурий машқлар ўрнига миллий халқ уйинлари, рақслари, жисмоний машқлари ва миллий спорт турларини саралаб олиш, уларнинг хажми, йуналиши ва таъсирчанлигини белгилашда Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб», «Фарҳод ва Ширин», Ибн Синонинг «Ал-Қонун», Кайковуснинг «Қобуснома», Амир Темурнинг

⁴⁶ Замонов А. Бухоро хонлигининг қўин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (Шайбонийлар сулоласи даври). Тошкент, “Bayoz”, 2018. 102-бет.

⁴⁷ Ўша жойда. 102-бет.

«Темур тузуклари» каби асарлари ажойиб манба бўлиб хизмат қилади. Масалан, ҳозирги пайтда биз «Спорт мусобақалари» деб ишлатиб юрган ибора Махмуд Қошғарий асарларида «баҳс» деб берилган. Алишер Навоий асарларида миллий жисмоний машқ турларини тарғиб этиш билан бирга, шуғулланувчиларнинг ахлоқий тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилган.⁴⁸

Бу борада Президент Ш.Мирзиёев: “Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ёшларимизнинг ютуқлари барчамизни қувонтиради. Жаҳон ва қитъа миқёсида янги-янги чемпионлар, шахмат бўйича халқаро гроссмейстерлар етишиб чиқмоқда. Ўзбек миллий курашимиз ҳам жаҳон спорт майдонларида нуфузи билан катта ютуқларга эга бўлмоқда. Энди жаҳон спорт майдонларида “ҳалол”, “фирром”, “чала”, “ёнбош” деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини дунёга тараннум этмоқда”, дея таъкидлайди.⁴⁹

Албатта, фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган инсонни тарбиялаш унчалик қийин эмас, аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш жуда мураккаб ва серқирра вазифадир. Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида ёшларнинг ҳаётда тўғри йўлдан боришида, ўзларининг салоҳиятига қараб касб-хунар танлашида, турли хил мафқуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинхона тус олган таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга.

Фидойи халқимиз неча юз йиллар давомида ҳар бир спорт уйинларини қалб қури билан яратди, сайқаллади ва мукаммалаштирди. Сараланган уйин турларини келгуси авлодлар учун кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келди.

Юқоридаги фикрларимизни умумлаштирган ҳолда мақоламизни қўйидаги таклифлар билан якунламоқчимиз.

Биринчидан, бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай зарарли ғоя, оқим ва ҳаракатларга қарши иммунитет шакллантириш мақсадида ёшларга тарихий манбалар

⁴⁸ Усмонхужаев Т.С. ва б. Ўзбек халқ ҳаракатли уйинлари, Т., Ўқитувчи, 2004, 22-бет

⁴⁹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон. 2017.

асосида тайёрланган китобларни ўқишга қизиқтириш керак. Масалан, Акбар Замоновнинг 2018 йил чоп қилинган “Бухоро хонлигининг қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви” (Шайбонийлар сулоласи даври) номли монографиясини тавсия қилиш мумкин.

Иккинчидан, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва самарали ташкил қилиш мақсадида ҳар бир ота-она фарзандини ёшлигидан маълум бир спорт турига қизиқтириб бориши керак. Масалан, мамлакатимизда қишки спорт турларига катта эътибор берилмоқда. Пойтахтимизда “Хумо” муз спорти саройи ҳам барпо этилди. Яратилган шароитларга фарзанларни қизиқтира олиш муҳимдир.

Учинчидан, ота-оналар оилавий спорт машғулотларига имкон қадар кўпроқ вақт ажратишлари, фарзандини спортга қизиқтиришда шахсий намуна бўлишлари ҳам муҳим омилдир.

ЁШЛАР МИГРАЦИЯСИ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАРИ

Н.А.Аббосхонова

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий
Кенгаши сектор мудири,*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
устиқболли кадрларни тайёрлаш институти
мустақил изланувчиси*

Ҳозирги пайтда миграция (ташқи ва ички) тарихан мисли кўрилмаган даражага етиб ўз ичига инсон, пул ва товарларнинг нисбатан эркин ҳаракатини қамраб олган глобаллашувнинг алоҳида моделини шакллантирди. Миграцион алмашинувда дунёнинг аксарият мамлакатлари (218) иштирок этади.

Ўрта Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ҳолати туфайли қадимдан оммавий миграциялар макони бўлган, бу миграцияларнинг ўзига хос хусусияти бир томонлама бўлганлигидадир.

Тадқиқотчилар фикрларига таяниб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда қадимданоқ икки хил: туркий ва шарқий эроний тилда сўзлашувчи аҳоли мавжуд бўлган. Мил. авв. II-I асрларда ва эраизмнинг бошларида эса, узоқ давом этган этник жараён натижасида ҳозирги замон ўзбек халқига хос бўлган “икки дарё оралиғи типи” (Амударё, Сирдарё) даги ирқ кишилари Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларида яшардилар. Ўрта Осиё воҳаларида деҳқончилик билан шуғулланган қабилалар билан бир қаторда, тоғ олди туманлари, чўл ва дашт ҳудудларида чорвадор қабилалар кенг тарқалган эди. II минг йилликнинг охирларида уларнинг деҳқончилик жамоалари ҳудудларига кириб келиши Ўрта Осиёда ўзаро товар алмашинувининг кучайишига ижобий таъсир кўрсатди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўтроқ ва чорвадор қабилалар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар мулкӣ тенгсизликни тезлаштирди. Натижада, ибтидоий жамоа тузумига зарба берилиб, унинг негизида синфий жамиятнинг шаклланишига замин яратилди. Ана шундай туб ўзгаришлар асосида икки хил хўжалик жамоалари орасида алоқалар кучайди. Ўрта Осиё ҳудудида юз берган миграция жараёнлари ўзбек халқининг дастлабки синфий қатламларини шаклланишида муҳим ўрин тутган.

Аҳолининг бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга кўчиб ўтишининг асосий сабабларидан энг муҳими – муносиб иш топиш, таълим олиш каби бошқа сабаблар мисол бўлади. Шунингдек, экологик ва геосиёсий вазиятларнинг салбий таъсири, моддий, маданий-маиший шароитдан қониқмаслик каби ҳолатларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Бу ҳолат ҳозирда ҳам мавжуд бўлиб, глоббалашув даврига келиб миграция жараёни кескин ошиб бормоқда. Юқорида таъкидлангани каби Ўзбекистон аҳолиси ҳам унда фаол иштирок этиб келяпти.

Шу ўринда баъзи таҳлилларга тўхталиб ўтиш мумкин. Pew Research Center тадқиқот маркази бутун дунё бўйича 1990 йилдан 2017 йилгача аҳоли миграциясини таҳлил қилди. Таҳлилдан маълум бўлишича, Марказий Осиё аҳолиси ўтган йиллар давомида асосан Россия ва Украинага кўчиб кетишган.

1990 йилда Ўзбекистоннинг 20 млн аҳолисидан 1,43 млн киши кўчиб кетган. 2000 йилда мамлакатни 1,6 млн киши тарк этган (аҳоли сони 24 млн). 2010 ва 2017 йилларда кўрсаткичлар деярли бир хил бўлган. Ўзбекистонни 1,99 млн киши тарк этган. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра, Ўзбекистон аҳолиси 2018 йил 1 июль ҳолатига кўра 32 900 100 кишини ташкил этади. Ўтган йиллар давомида ўзбекистонликлар асосан Россия, Украина ва Беларусга кўчиб кетишган.

Бирлашганмиллатларташкilotинингмаълумотларига кўра 2013 йилда жами мигрантларнинг 12 %ини (232 мл) 14-24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этган. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич 14 фоизга ошган, яъни халқаро миқёсда 258 миллион ёшлар миграция жараёнларида иштирок этмоқда.

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистон шароитда ҳам миграция жараёнларида 30 ёшгача бўлган ёшларнинг иштироки кўпроқ эканлиги кузатилмоқда. Яъни, ўқиш, малака ошириш мақсадида, ҳамда муносиб иш топиш учун бошқа давлатларга меҳнат миграциясига кетган ёшларимиз сони бугун кўпчиликни ташкил этади.

Бунга бир мисол сифатида, Ўзбекистон **Республикаси** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги миграция масалалари бўйича бош бошқармасидан олган маълумотларига кўра 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **2,5 млн.** нафардан ортиқ (Новосибирск областида – 25 мингдан ортиқ, Астрахань областида – 200 мингдан зиёд, Москва шаҳрида – 700 мингга яқин, Санкт-Петербург шаҳрида – 1 млн.га яқин) ҳамюртларимиз (70 фоизи ёшлар) Россия ҳудудида эканлиги, шулардан **1,4 млн.** нафари 2017 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига ишга жойлашиш учун рухсатнома (патент) олгани маълум бўлган.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи ҳамда унинг даражаси ўзгаришига сабаб **бўлувчи** демографик омиллардан бири меҳнат миграциясидир. Мамлакат аҳолисини иш билан таъминлашда меҳнат

миграцияси қуйидагича таъсир кўрсатади: ишчи кучининг ҳудудлараро ва тармоқлараро қайта тақсимланиши рўй беради; аҳолининг ишсиз қатлами иш билан таъминланади; ишловчиларнинг меҳнат даромади ошади ва турмуш даражаси яхшиланади; ишловчилар янги касб ва кўникмаларга эга бўлиб, уларнинг иш тажрибалари ортади. Бу эса ўз ўрнида кадрлар тизимида хорижий тажриба алмашинуви ва ривожланиш омилини келтириб чиқаради.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Миграция жараёнларида иштирок этаётган ёшларда халқаро талабалардаги билим ва кўникамларнинг шаклланиши, шунингдек, иш тажрибасининг ошиши ўз навбатида ижобий самара ҳам беради.

Шу сабабли ҳам, миграция жараёнларида фаол иштирок этаётган ўзбекистонлик ёшларга кўмак бериш, улар дуч келаётган муаммоларга ечим топиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англаб олишлари учун зарур шароитларни яратиш лозим. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ёшларга Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий давлатлар қонунчилиги, меҳнат ресурслари, тили ва маданияти ҳақида доимий ахборотлар, илмий-усулбий қўлланмалар орқали пухта билим бериб борилса бир қатор муаммолар амалда ҳал этилиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда айнан миграция жараёнларида иштирок этувчи фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини уюшган ҳолда танлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низом билан меҳнат мигрантлари фаолиятининг мониторинги тартиби белгиланди. Унга кўра, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги меҳнат мигрантларини виждонсиз

иш берувчидан ҳимоя қилишда ва меҳнат мигрантлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда мониторингини олиб бориш бўйича Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатли органи ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур низомга мувофиқ, малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш бўйича хизматлар билимни баҳолаш марказлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган хорижий давлатларда тасдиқланган ишчиларга малака разрядларини ва мутахассисларга малака тоифаларини бериш бўйича касбий стандартлар ва малака талаблари асосида кўрсатилади.

Малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш яқунлари бўйича талабгорга билимга эгаллиги тўғрисида сертификат берилади ва у талабгорни малакаси тасдиқланган шахслар миллий реестрига киритиш учун асос ҳисобланади.

Билимни баҳолаш марказлари ўзлари томонидан бериладиган билимга эгаллик тўғрисидаги сертификатлар фуқаролар меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган хорижий давлатларда тан олинishi учун малака, билим ва кўникмаларни баҳолаш ваколатига эга органлар ёки тегишли хорижий давлатларнинг иш берувчилари билан ҳамкорлик битимлари тузади.

Зарурат бўлса, Агентлик ва унинг хориждаги **ваколат-хоналари** меҳнат мигрантлари манфаатдор бўлган турли масалалар юзасидан учрашувлар ўтказади, тиббий хизматлардан фойдаланишда кўмаклашади, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқлари иш берувчи томонидан бузилишининг олдини олади.

Хулоса қилиб айтганда, глобаллашув даврида меҳнат миграцияси жараёнларининг фаоллашуви ва унда ёшлар иштироки тобора ортиб бормоқда. Дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлган Ўзбекистон аҳолиси ва айниқса 30 ёшгача бўлган ёшларнинг миграция жараёнидаги фаол иштироки, мамлакат иқтисодий кўрсаткичининг ўсиши, аҳоли бандлигини вақтинча таъминлашга ижобий таъсир қилиши билан бирга ёш кадрлар тизимининг ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ РАҲБАР ПРОФЕССИОНАЛИЗМИНИ ИФОДАЛАШ БИРЛИГИ СИФАТИДА

И.И.Махмудов

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура
Академияси ходими, психол.ф.н., доц.*

Ҳар қандай турдаги меҳнат фаолияти инсондан ихтисослашган билим ва малакани талаб қилади. Махсус тайёргарликсиз бажариб бўлмайдиган фаолият соҳалари эса тобора кенгайиб бормоқда. Шу муносабат билан инсоннинг муайян меҳнат турига тайёрлиги ва мойиллиги масаласи меҳнат психологияси фанидаги энг долзарб масалалар қаторида туради. Бу борадаги узоқ йиллик изланишлар давомида шахснинг бирон касб соҳасидаги лаёқатини белгилашда “профессионал билим, малака ва кўникмалар” деган иборадан фойдаланиш одат тусига кирди. Ушбу ибора фанда шунчалик мустаҳкам ўрнашдики, ҳатто “БМК” (билим, малака ва кўникмалар) деган махсус қисқартма ҳам пайдо бўлди.⁵⁰ Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳам турли хил **ихтисослик** билан танишар эканмиз, асосий эътибор мутахасссинг билим ва малака доирасига қаратилади. Лекин охириги ўн йилларда ва айниқса, ўтган асрнинг 80- йилларидан бошлаб истеъмолга билим, малака ва кўникмалар ўрнига “компетенциялар” ва компетентлик атамалари кириб кела бошлади. Шаклан «компетенция ва компетентлик» атамалари аввалги БМК ўрнига келган бўлса-да, мазмун жиҳатидан улар профессионал тайёргарликни мутлақо янги маънода ва даражада ифодалаш имконини берди.

Т.Ю. Базаров фикрига кўра, ходим компетенцияси ва компетентлиги ҳақида сўз юритганда, маълум бир ишни талаб даражасида бажариш қобилияти назарда тутилади (масалан, музокаралар олиб бориш ёки молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш). Компетентлик – шахснинг ҳислати, қобилияти, малакаси ва мотивация хусусиятларининг йиғиндиси бўлиб, уларга эга бўлган инсон конкрет

⁵⁰ Рус тилида кенг тарқалган ЗУН аббревиатураси (Знания, Умения, Навыки).

лавозим ёки компания томонидан белгиланган вазифаларни муваффақиятли тарзда бажариши мумкин. Шундай таърифга асосланган ҳолда, персонал компетентлиги ташкилот компетенцияларини амалга ошириш воситаси сифатида талқин қилинади.

Касбга оид БМК қатори “профессионал” муҳим сифатлар (ПМС) тушунчаси ҳам меҳнат психологиясида ўрганилган масалалардан биридир. «ПМС тизими» тушунчаси «профессионал компетентлик» тушунчаси билан қисман ҳамоҳанг бўлиши мумкин. Ушбу маънода, «компетенциялар» инсон бажариши мумкин ва лозим бўлган профессионал вазифалар мажмуи билан қиёсланади. Лекин инсон эга бўлган компетентлик нафақат унинг касбий фаолияти, балки ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам намоён бўлади, шунинг учун ҳам айрим компетентлик турлари профессионал фаолият чегарасидан ташқарига чиқиши кузатилади. Худди шу каби, шундай ПМС лар мавжудки, уларни компетентлик нуқтаи назаридан талқин қилолмаймиз. Масалан, одамнинг психофизиологик хусусиятлари шулар жумласидандир. Бундан шу нарса келиб чиқадики, «ПМС тизими», «компетентлик» ва «профессионал компетентлик» тушунчалари ўзаро мос тушмайди, лекин бир профессионал фаолият доирасида ўзаро кесишиб ўтади.

Г.Керцнер эса ўзининг «етуклик модели» асосида ташкилот компетенцияларини ривожлантириш имконини қуйидагича ифодалайди. Муаллифнинг фикрича лойиҳаларни бошқариш борасидаги етукликнинг бешта даражаси ташкилот компетенцияларининг ривожланганлик даражасини кўрсатади⁵¹:

- 1 даража - *терминология*. Ушбу даражада ташкилот лойиҳаларни бошқариш борасидаги асосий билимларни чуқур ўзлаштириш заруратини англайди, шунга алоқадор тилни ва атамаларни ўрганишга эҳтиёж сезади;

- 2 даража – *умумий жараёнлар*. Ташкилот бирон лойиҳада эришган муваффақиятини бошқаларига ҳам

⁵¹ Керцнер Г. Стратегическое планирование для управления проектами с использованием модели зрелости. – М.: ДМК Пресс, 2003. – 320 с. ISBN 5940742114

татбиқ этилиши лозимлигини англайди ҳамда ижобий натижани таъминловчи жараёнларни аниқлаш ва ишлаб чиқиш йўлидан боради. Шунингдек, муваффақият келтирувчи барча омилларни аниқлаш ва уларни компания томонидан амалга оширилувчи бошқа методологияларга ҳам татбиқ этиш имконини англаб етиш шу даражага хосдир;

- 3 даража – *ягона методология*. Ташкилот амалга оширилаётган барча методологияларни ягона тартибга келтириш, лойиҳаларни бошқариш негизи билан боғлаш заруратини англайди. Натижада, барча жараёнларни ягона методология асосида ташкил этиш бошқарувда синергетик эффектга эришиш имконини беради;

- 4 даража - *бенчмаркинг*. Компания рақобатдош ташкилотлар орасида устунлигини сақлаб қолмоқчи бўлса, корпоратив жараёнларни яхшилаб бориши кераклиги англайди. Компанияда ким ва нима бенчмаркингга жалб этилиши ҳақида умумий қарор қабул қилиниши лозим;

- 5 даража – *узлуксиз мукамаллик*. Бу даражада ташкилот бенчмаркинг асосида олинган маълумотни баҳолайди ва шу ахборот асосида ягона методологияни кенгайтириш (ривожлантириш) юзасидан қарор қабул қилинади.

Айрим муаллифлар психодиагностик методикалар орқали олинган маълумотларни анъанавий психологик категориялаш асосида уч блок компетенцияларни келтириб чиқарадилар⁵². Ушбу классификацияга биноан, бошқарув мавзусига татбиқ этган ҳолда раҳбар эгаллаши лозим бўлган компетенцияларни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

Эмоционал компетенциялар: раҳбарнинг лидерликка, ютуққа интилиш мотивацияси, унинг стрессга чидамлилиги, турли босим шароитида самарали фаолият юритиш қобилияти ва ўзини бошқариш малакасига эгаллиги.

Хулқ компетенциялари: раҳбарнинг шахслараро муносабатларга йўналганлиги, коммуникативлиги, ишчан жамоани ташкил эта олиши ва келиштира олиш малакалари, раҳбар хулқининг тартибланишганлиги, ташкилотга ва ўз жамоасига садоқати.

⁵² Алтухов В.В. Тесты и карьера: тестирование при приеме на работу и в профессиональной жизни, Справочник Карьериста, 2006-2007, вып.4.

Когнитив компетенциялар: инсон тафаккурининг эгилувчанлиги, бошқарув қарорларига комплекс тарзда ёндашиш, ақлий қобилиятларни ривожлантиришга йўналганлик, интеллектуал салоҳиятга урғу бериш.

Бундай классификацияга биноан ҳар қандай бошқарув соҳасига оид энг оддий ва жўн кўринишдаги компетенциялар кўламини яратиш имкони туғилади ҳамда амалдаги раҳбарларнинг бошқарув малакаларини қисқа фурсатда баҳолаш технологиялари яратилиши мумкин.

Бошқарувни амалга ошириш учун юқори бўғин раҳбарлари махсус билимларга эга бўлиши ва уларни кундалик фаолиятда қўллай олишлари лозим. Замонавий раҳбарнинг профессионал компетентлигига бўлган талабларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.⁵³ Биринчисига бошқарувдаги профессионал меҳнатни олиб боришга оид билим ва малакалар киради. Булар қаторига: тезкорлик ва ноаниқ вазиятларда асосланган қарорлар қабул қилиш; корхона фаолият юритадиган соҳа ривожланишига оид барча масалалар юзасидан хабардорлик: тадқиқотларнинг ҳолати, техника, технологиялар, рақобат, маҳсулотга бўлган талаб динамикаси; ресурсларни бошқариш қобилияти, корхона фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаш, бошқарув самарадорлигини юксалтириш усулларига эга бўлиш; замонавий ахборот технологиясидан, коммуникация ва алоқа воситаларидан фойдаланиш малакаси киради.

Иккинчи гуруҳ талаблар эса юқори бўғин **раҳбарларининг** одамлар билан ишлаш ва ўзини бошқара олиш қобилияти билан боғлиқ. Раҳбар бошқалар ишончини қозониш ва ҳурматга сазовор бўлиши хусусиятига эга бўлиш лозим. Булар қаторига эса қуйидагилар киради: юксак масъулият ҳисси ва ўз ишига садоқат; ўзаро муносабатларда ҳаққонийлик ва шерикларга ишонч; ўз фикрини аниқ ифода этиш ва ишонтира олиш; ташкилот бўғинида қандай мавқега эга бўлишига қарамай, ҳар бир одамга ҳурмат би-

⁵³ Минцберг Г. Школы стратегий: Стратег. сафари: экскурсия по дебрям стратегий менеджмента / Пер. с англ. Д. Раевская, Л. Царук под общ. ред. Ю. Каптуревского – СПб.: Питер, 2000 – 330с

лан муносабатда бўлиш; ўз жисмоний ва руҳий қувватини тез тиклай олиш, ўз фаолиятига танқидий муносабатда бўлиш.

Бошқарув мақсадларига йўналтирилган фаолиятда раҳбар шахсига хос бўлган коммуникатив, профессионал-ихтисослашган ҳамда социал-перцептив каби специфик психологик жиҳатлар фарқланади⁵⁴. Конкрет корхона ва ташкилот миқёсидаги самарали фаолиятни таъминловчи компетенцияларни яратиш устида иш борар экан, ушбу тузилма хусусиятларини инобатга олиш зарур. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда деярли ҳар бир соҳа ва касбнинг ўз йўналишига оид компетенциялар мавжуд. Масалан, Россия жамғарма банкларида бўлим раҳбарларини баҳолашда қуйидаги компетенциялардан фойдаланилган⁵⁵:

1. Мижозларга йўналганлик тизимини бошқариш.
2. Раҳбарлик масъулияти.
3. Тизимли фикрлаш.
4. Тадбиркорлик қобилияти.
5. Мулоқотга киришишда етакчилик.
6. Командани бошқариш.
7. Ижрони бошқариш.

Ташкилотнинг имкониятларини билиш учун ташкилот структураси ва бошқарув жараёнларига эътибор қаратиш керак. Айнан шу жабҳаларда маҳсулот қийматини белгиловчи калитли компетенциялар кўзга ташланади. 1999 йилда “Microsoft” компанияси ўз имкониятларини ташкилотни структуравий қайта қуриш ва янги калитли компетенцияларни яратишга йўналтирди. Бундай яратувчанлик тадбирлари ташқи муҳитдаги ўзгаришларга тезлик билан жавоб бериш мақсадида амалга оширилди. Эндиликда компаниянинг ҳар қандай фаолият марказида истеъмол-

⁵⁴ Бодалев А.А. Социально-перцептивная компетентность профессионала как один из факторов эффективности его работы // Материалы научной сессии, посвященной 75-летию академика А.А. Бодалева. Под общей редакцией Вице-президента академии МААН, заслуженного деятеля науки РФ, доктора психологических наук, профессора ДЕРКАЧА А.А.- М.: Луч, 1998.- 248 с. <http://akmeolog.narod.ru/bodalev.htm>

⁵⁵ www.trainings.ru сайти маълумотлари

чи ва унинг қизиқишлари туради, бунинг учун мижозлар билан ишлайдиган бўлимлар фаолияти ишлаб чиқариш билан шуғулланадиганларга нисбатан анчагина кучайтирилди. Билл Гейтс савдо билан шуғулланувчи янги бўлим раҳбарларини худди ўзларининг мустақил корхоналарини бошқараётгандай фикрлашга ва ҳаракат қилишга ундайди. Шундай қилиб, “Microsoft” нинг янги калитли компетенциялари – харидорларнинг қизиқишларини чуқур билиш ва истеъмолчига якин бўлишдир⁵⁶.

Р. Стернберг компетентликни ўзлаштириш ушбу жараённинг амалга ошиш табиатини очиб беришда Дж. Андерсоннинг кўникмаларни орттириш когнитив назариясига асосланади⁵⁷. Бу назарияга биноан кўникмалар шаклланишининг учта кетма-кет келувчи босқичи мавжуд:

1. Биринчи босқичда мавжуд вазиятнинг ўзи индивидга масалани қандай ҳал этиш борасида эслатма беради ва инсон ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шу муаммога оид бор билимларини актуаллаштиради. Бунда шахс фаоллиги ташқи муҳит кўзғатувчилари асосида амалга ошади, фаолият эса эҳтиёткорлик билан ва секин бажарилади.

2. Иккинчи босқичда билимлар установакалар тарзида тартиблашади, вазифани бажариш жараёнига оид шароит ва ҳаракатларнинг ўзаро кетма-кетлиги шаклланади.

3. Учинчи босқичда эса установакалар ўртасида ўзаро мутаносиблик ўрнатилади ва англаган ҳаракатлар кетма-кетлиги юзага келади.

Компетентликнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳақида гапирилар экан, К.Эриксон инсон томонидан ўз амалий тажрибасини англаш жараёнини алоҳида таъкидлаб ўтади⁵⁸. Бундай таъкид, аввалги бўлимда айтиб ўтилган рефлексив психик жараён механизми билан қиёсланиши ва шу нуқтаи назардан таҳлил этилиши мумкин.

⁵⁶ <http://www.inesnet.org/>; Большаков З. Организационная архитектура Microsoft // Экономические стратегии. 2000. Март - апрель.

⁵⁷ Практический интеллект / Р. Дж. Стернберг, Дж. Б. Форсайт, Дж. Хедланд и др. – СПб.: Питер, 2002. – с. 13-16.

⁵⁸ Ericson, K.A. The acquisition of expert performance. In K.A. Ericson (Ed.), The road to excellence (pp. 1-50). Hillsdale, Nj: Erlbaum, 1996.

Қатор фаолият турларини ўрганган ҳолда компетентликнинг ундовчи, мазмунли, продуктив ва аксиологик жиҳатлари аниқланди. Ўз навбатида, ҳар бир жиҳат ўзига хос ички компонентга асосланади. Раҳбар фаолиятига нисбатан олар эканмиз, бошқарувга оид компетентликнинг ундовчи жиҳати шахснинг мотивацион-эҳтиёж соҳасига суянади ҳамда шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш, мартабага эришиш, бошқаларга ўз таъсирини ўтказиш ва қудратга интилиш эҳтиёжларига асосланади. Мазмунли жиҳат эса бошқарув соҳасига оид тажрибага суяниш ва уни бойитишга интилиш, социал алоқалар доирасини кенгайтириш ва бу борадаги мавжуд имкониятлардан фойдаланишни англатади ҳамда бундай когнитив-фаолият йўналиши компетентликнинг мазмунли томонини очиб беради. Продуктив жиҳат эса шахснинг билим ва малакаларига асосланади ҳамда ичига бошқарув фаолиятига оид социал ва шахсий мазмунга эга натижаларни, шахс эришадиган ютуқларни кўзлайди. Компетентликнинг аксиологик томони бошқарув фаолиятига нисбатан қадриятли ёндашишни назарда тутган ҳолда эмоционал қадриятли компонентга суянади.

Бугунги кунга келиб раҳбарларнинг профессионал бошқарув малакаларини шакллантириш зарурати мутлақ ҳақиқатга айланган. Ушбу йўналишда махсус ўқув марказлари қисқа ва узоқ муддатли дастурлар асосида фаолият юритмоқда. Бу ўқув машғулотларни ташкил этиш ва олиб боришдаги асосий хусусият шундаки, ушбу соҳа йўналишида таҳсил олувчилар катта ёшли инсонлар бўлиб, уларга таълим бериш анъанавий услублардан четлашган ҳолда олиб борилиши лозим. Катталар таълими хусусиятлари устида тўхталиб ўтирмай, шуни таъкидлаш мумкинки, бошқарув соҳасида эгалланган билимларни шу заҳоти амалиётга татбиқ этиш зарурати раҳбар кадрларда реал ҳаётга йўналган компетенцияларни шакллантириш заруратини кўяди. Бундай вазифа эса махсус ташкил этилган ўқув шароитида профессионал фаолиятни моделлаштириш ҳамда турли хил фаол ва интерфаол таълим услубларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай тадбирлар қаторида, айниқса, раҳбарга хос бўлган профессионал

ва шахсий хислатларни психологик томонидан баҳолаш ва уларнинг ривожланганлиги ҳақида шахсга маълумот бериш ҳамда зарур компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган махсус тренинг дастурларини қайд этиб ўтиш мумкин. Ҳар иккала услуб махсус психологик тадбирлар қаторида раҳбарнинг профессионал малакасини оширишга йўналган энг замонавий технологиялар сарасига кирди. Албатта, бугунги кунда бундай тадбирлар кўлами ва услубиёти янада кенгайиб бормоқда. Хусусан, бошқарувга оид психологик консультатив хизмат, алоҳида раҳбарнинг бошқарув салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган коучинг технологиялари шулар жумласидандир. Корхона миқёсида амал қилувчи йирик тадбирлар – лойиҳаларда иштирок этиш эса нафақат психологик, балки ташкилий, иқтисодий ва молиявий ресурсларга ҳам мурожаат этишни тақозо қилади. Лекин юқорида таъкидлаб ўтилган раҳбар шахсини баҳолаш ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган тренинглар соф психологик тадбирлар сифатида етакчи услублар ҳисобланади.

ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ

Д.З.Эрназаров

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
сиёсий фанлар бўйича фаласафа доктори (PhD)*

“Бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Давлатимиз сиёсатининг асосий вазифаси — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш каби масалаларни ҳал қилишдир. Демак, бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турли ижтимоий фойдали ишларга, инновацион

лойиҳаларга жалб қилиш борасидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантириш зарурият эканлиги маълум бўлмоқда”.

Ёшлар онгида инновацион тафаккурнинг ривожланишида ўз мақсадларига эришишда ресурслардан мақсадли фойдаланиш, профессионал тайёргарликни ошириш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, илмий изланишлар олиб боришда янги усул ва воситалардан эркин фойдалана олиш, манфаатдорлик ва жамиятга фойда келтириш ҳисси вужудга келади.

Шунинг учун ҳам ёшларимиз онгида илмий тафаккурни ривожлантириш давлат ва жамият олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инновацион лойиҳаларнинг роли ошиб бормоқда. Албатта, уларнинг ташаббускори нодавлат ташкилотлари бўлмоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, аксарият ҳолларда нодавлат ташкилотлар инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилишда етакчилик қилишади.

“Инновациявий фаолиятни ривожлантириш учун тармоқ инфратузилмаларининг катта имкониятлари мавжуд эканлигини англаган ҳолда тараққий этган давлатлар ҳукуматлари инновацияларни қўллаб-қувватлашни давлат сиёсати даражасида амалга оширмоқдалар.

Хитой, Германия, Франция, Исроил, Ҳиндистон, Россия каби иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар инсон манфаатларига хизмат қиладиган инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этиб келмоқдалар. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ)нинг инновацион ривожланишга доир рейтингда Швейцария етти йилдан бери етакчилик қилиб келмоқда. Инновацион ривожланган давлатлар рейтингининг кучли ўнлигидан, шунингдек, Сингапур (7), Финляндия (8), Германия (9) ва Ирландия (10) ўрин олган. Осиё қитъасидан етакчилар – Сингапур (7), Жанубий Корея (11) ва Япония (14)”.

Бугунги кунда ижтимоий соҳадаги инновациялар тўғрисида кўплаб тушунчалар ва қарашлар мавжуд. Масалан, Европа Комиссиясининг 2018 йилдаги ҳисоботида

кўра, инновациялар – аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун янги ғоялар (товар, хизматлар, моделлар) ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш ва жамиятда ўзига хос ижтимоий муносабатлар тизимини шакллантириши тушунилади. Нидерландияда эса инновация тушунчаси бошқачароқ талқин қилинади. Хусусан, Нидерландияда ижтимоий инновациялар биринчи навбатда ўз иш жойида янгилик қилиш, иш жараёнини оптималлаштириш ҳамда меҳнат самарадорлигини ошириш сифатида тушунилади.

Фуқаролик жамияти институтлар ёшларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган инновацион ғоялари, амалий ишланмалари ҳаётга жорий қилишда кўмакчи вазифасини бажармоқда. Шу билан бирга ушбу ғояларини ривожлантиради, мукамаллаштиришга кўмаклашади. Энг муҳими фуқаролик жамияти институтлари уларга инновацион ғояларини амалиётга жорий қилишга барча шарт-шароитларни яратиб беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ёшларнинг ҳар томонлама камол топишида давлат ва жамият томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Фуқаролик жамияти институтларининг инновацион ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириши натижасида давлатга иқтисодий фойда келтириб, унинг салоҳиятини янада ошишига хизмат қилмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам инсон ҳаётда барча соҳада ҳамиша янгиликка интиланган. Бунинг учун уларда биринчи навбатда эҳтиёж, қизиқиш ва интилишнинг бўлиши инновацион ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланишига замин яратади.

АҚШнинг Джон Хопкинс номидаги фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларнинг турли йўналишлари ва соҳаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар мунтазам олиб борилади. Масалан, у ерда аҳолини нодавлат сектордаги бандлиги, фуқаролик жамияти институтлар томонидан инновацион лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, ижтимоий шериклик, бизнеснинг ижтимоий масъулияти масалалари бўйича изланишлар олиб борилган. Тадқиқотлардан яна бири “Listening Post Project” бўлиб, у фуқаролик жамияти инсти-

тутлар фаолиятига ташқи ва ички, яъни иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, сиёсий ва ижтимоий омилларнинг таъсир даражаси ва оқибатларини ўрганади.

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ҳам ёшларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш, уларнинг қизиқиш ва манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида фуқаролик жамияти институтларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда иштирок этади; соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаоллигини оширишга доир тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси белгиланган. Шунингдек, ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинлик-лари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади; фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади; ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, фуқаролик жамияти институтлари ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиш, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида ижтимоий хизматлар кўрсатади.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтлари - фуқароларни давлат органлари билан ва аксинча,

давлатни фуқаролар билан ҳамкорлик қилишнинг ўзига хос “Лабораторияси” вазифасини бажаради. Айнан шу лабораторияларда фуқароларни давлат органлари билан ҳамкорлигининг янги қирралари, инновацион ғоялари ва механизмлари апробациядан ўтказилади.

Ёшларнинг инновацион ғояларивалойихаларни яратиш ҳамда ҳаётга жорий қилишда давлат, хусусий ва нодавлат секторлари муҳим роль ўйнамоқда. “Албатта, бундай улкан ютуғимизнинг асосий омили ва мезони одамларимизнинг онг, тафаккури, дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, фуқаролик савияси ва позицияси шаклланиб бораётганидадир”.

Давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоялаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Натижада, ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бутун тизими тенгчилик ва боқимандалик кайфиятининг барҳам топиши ва янги инновацион ғояларни аҳолимиз онгида ривожлантиришга қаратилди.

Бу борада қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, фуқаролик жамияти институтлари томонидан ишлаб чиқилган инновацион ғояларни ҳаётга жорий қилишда давлат маблағлари билан бир қаторда, меҳнат жамоалари, жамоат, хайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этишни йўлга қўйиш даркор. Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, қолаверса, фуқаролик жамияти институтларнинг ҳам ҳуқуқлари имкон қадар кенгайтирилиши ҳамда масъулияти оширилиши лозим.

Иккинчидан, ижтимоий сиёсатни тўғри олиб бориш, уни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлар томонидан фуқароларимизни ҳар соҳадаги фаоллиги, янгича тафаккур тарзи ва тадбиркорлигини ўстириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Учинчидан, фуқаролик жамияти институтлар фаолиятининг натижаси - фуқароларни ўз куч ва қобилиятлари

тўла-тўқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган кучли инновацион механизмларни вужудга келтириш. Мазкур янги механизмларни, биринчи навбатда, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий эркинлиги, қобилияти, ўзи ва оиласининг келажаги учун иқтисодий жавобгарлиги билан уйғунлашадиган шарт-шароитларни яратиш ҳисобига шакллантириш лозим.

Демак, фуқаролик жамияти институтларнинг ижтимоий инновацияларининг кўплиги ва ранг-баранглиги ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган илм-фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантиришига олиб келади. Фуқаролик жамияти институтлар жамиятимизнинг ҳар бир қатламига кириб борар экан, улар фуқароларнинг фикрлаши ва дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг тафаккури доимий равишда ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ёшларимизни барча соҳалардаги фаоллиги ва қўлга киритаётган ютуқларининг сабабига айланди. Инсонлар инновацияларни, аввало, давлатдан кутишади; давлат ва жамиятнинг иқтисодий ўсиши пропорционал тарзда ишлаб чиқилган, инновациялар қанчалик кўп ҳаётга татбиқ қилинса, улар шунчалик илгарилаб боради; мамлакат қанчалик табиий ресурсларга бой бўлса, аҳоли шунчалик инновацияларга тайёр бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Ш.Яхшибоев,

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини мустақил изланувчиси*

Ўзбекистонда миллий тараққиётнинг янги bosқичида ёшларга оид давлат сиёсати ёшлар ҳаётини демократик тамойиллар асосида ижтимоий ташкиллаштириш, ёшлар

ва давлат ўртасидаги муносабатларни позитив асосда қуриш, ёшлар манфаатлари ва кадриятларининг давлат манфаатлари билан мувофиқлигини таъминлаш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва мақсадлар мажмуини ташкил қилмоқда.

Тараққиётни мақсад қилган ҳар бир давлатда ёшларга оид давлат сиёсати энг муҳим йўналишлардан саналади. Мамлакат ривожини ва равнақини, келажакдаги нуфузини таъминлашда айнан ёшлар сиёсати катта аҳамиятга эга. Ёшларга оид давлат сиёсати ўз моҳияти билан давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимидир.

Ёшларга оид давлат сиёсати муҳим сиёсий йўналиш сифатида изчил жараён бўлиб, у ёшлар мавқеини ва ҳаётини билан боғлиқ бўлган воқеликнинг бош хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шу нуқтаи назардан, ёшларга оид давлат сиёсати сиёсий йўналиш сифатида Ўзбекистоннинг Мустақиллик йиллари тарихида юз берган ҳамда давлат томонидан мақсадли амалга оширилган ёшларга оид барча ижтимоий ўзгаришлар, туб ислоҳотлар, трансформация жараёнларини босиб ўтди.

Бугун Ёшлар сиёсатини белгилаш жараёнида айнан ёшларнинг фаол иштироки жуда муҳим. Ёшларга оид давлат сиёсати борасидаги халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, ёшлар сиёсати йўналишлариши белгилашда, ижтимоий-сиёсий қарорларни қабул қилишдаги ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва хусусий сектордаги ёшлар вакилларининг иштироки муваффақият гарови сифатида хизмат қилган. Чунки, айнан ёшлар ўз тенгдошларининг эҳтиёж ва қизиқишларини яхши билишади ва англашади⁵⁹.

Бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бу технологияларни бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида қўлласалар, кимлардир ижтимоий тармоқлар орқали миллионлаб онги

⁵⁹Finn Yrjar Denstad. Youth Policy Manual. Council of Europe Publishing. September 2009. p.53.

мўрт, мустақил фикрлашга, позицияга эга бўлмаган ёшларни тўрға тушириш, ўз қабих мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқдалар. Мақсад - ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёхуд халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қўллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир.

Жамиятда таълим соҳасидаги баъзи камчиликлар ёшлар орасида ишсизликни кенгайтишига сабаб бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунки олий ўқув юртиларидан иш ўрни яратадиган инсонлар эмас балки, фақат иш излайдиган инсонлар етишиб чиқди. Бу эса жамиятда баъзи муаммоларни юзага келтирди. Шу боисдан бугунги кунда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таълим сифатига катта эътибор бермоқда. Ҳатто, “уюшмаган ёшлар” тушунчалари ҳам оммалашди. “Уюшмаган ёшлар” атамаси ўз мақсадини индивидуал тарзда, давлат ва жамиятда яратилган имкониятлардан фойдаланмасдан, нофаол (примитив) тарзда самарасиз амалга ошираётган ёшларга нисбатан қўлланилади. Бу тоифадаги ўғил-қизлар ўзининг эртанги кунини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштириш кўникмасига эга бўлмайди. Тадқиқотчилар уюшмаган ёшларнинг юзага келиши бевосита давлат идоралари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари — фуқаролик жамияти институтларининг ёшларга бўлган муносабатида йўл қўйилган хатолар билан боғлиқ, деб ҳисоблашади. Айни чоғда олимлар бундай ёшлар мамлакат навқирон авлод вакилларининг энг кўп эътибор талаб қиладиган қисми эканлигини қайд этишган.

Ёшларга муаммо сифатида қараб сиёсат олиб борадиган мамлакатлар ҳукумати фақат тарбияси оғир ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан ишлайди. Бунда давлатнинг мақсади фақат уларни ҳуқуқини таъминлаш имконини яратиш бўлади⁶⁰. Ёшларга ресурс сифатида

⁶⁰Вальтер Андреас и др. (2002), стр. 28-29. <http://www.iris-egris.de/yoyo/pdf/YoyoWP1StateofArt.pdf> (последний доступ – апрель 2009 г.).

қараб олиб бориладиган сиёсат — бу ўз ҳуқуқлари, қобилиятларига эга тўлақонли фуқаролар сифатида кадрлаш ва уларнинг имкониятларини янада кенгроқ намоён этиш учун шароитлар яратиш. Ушбу ёндашув уларнинг мустақил меҳнат ва ижод қилишини рағбатлантиради ҳамда танқидий-таҳлилий мушоҳадасини кучайтиради, жамият тараққиёти учун хизмат қилишга ундайди. Бундай сиёсат ҳамма ёшларга мақсадли гуруҳлар сифатида қарайди⁶¹. Жаҳон тажрибасида ҳам ёшларга ресурс сифатида, уларни маҳаллий ҳамжамятларнинг мулки ёки фаол ўзгаришлар агенти сифатида қаралса, улар ўзларининг барча қувватини, энтузиазм, ғояларини жамиятни янада такомиллаштиришга йўналтиришади. Улар ёшларга оид сиёсатни юритишда муҳим сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок эта олади⁶².

Ёшларни шундай давлат ва жамият аҳамиятига молик қарорлар қабул қилинишида жалб этиш, уларда қабул қилинаётган қарорлар учун дахлдорлик, жамоавий масъулият ҳиссини шакллантиради. Ёшлар қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни ҳис қилганда уларни амалга ошириш яна ҳам енгиллашади ва ўша сиёсатни ўзлари қўллаб қувватлайди, бу эса ёшларга оид давлат сиёсатини муваффақиятли амалга ошишини таъминлайди.

Жамиятда мавжуд бўладиган иррационал ишончнинг тараққиётга салбий таъсири мавжуд. Эрих Фроммнинг таъкидлашича, иррационал ишонч – бу бирор ғояни жамоа ёхуд қандайдир обрўли шахс ҳақиқат деб ҳисоблагани учун ҳақиқат деб қабул қилиш⁶³. Иррационал ишонч шахснинг ижодий пассивлигига асосланиб, ҳурликка ҳам, ижтимоий янгиликка ҳам интилмайди. Иррационал ишонч нимагадир ёки кимгадир мутаассибона (фанатик) ихлос қилишдирки, унинг моҳияти шахсга тегишли ёки шахсдан ташқарида турувчи иррационал обрўга бўйсунитдан иборат. Рационал ишонч – ўз кузатишларига ва мушоҳадаларига асосланган

⁶¹ Finn Yrjar Denstad. Youth Policy Manual. Council of Europe Publishing. September 2009. p.17.

⁶²Руководство помолодежной политике. Совета Европы. Страсбург. 2015 г. с. 21.

⁶³ Фром Э. Психоанализ и этика. М., 1993, с. 159.

эътиқод мустақиллиги (Фром Э.). Рационал ишонч шахснинг фаол ҳаракатига, яратувчилигига асосланади, янгиликларга, ранг-барангликка, мавжуд ҳолатни ўзгартиришга интилади. Шу боисдан ёшларда рационал ишончни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш лозимдир.

Жамиятда ёшларнинг фаоллигини ошириш бўйича вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини мувофиқлаштирган ҳолда, замонавий тарбия технологияларни ўзида мужассам этган лойиҳалар тайёрлаш ва кенг омма ўртасида намойиш қилиш;

- ёшларни турли муаммолар юзасидан тезкор ва мақбул фикр юритишга тайёрлаш;

- таълим тизимида мустақил фикр билдира оладиган шахслар сифатида тарбиялаш;

- ёшларда зукколик, ҳушёрлик, сезгирлик **хусусиятларини** шакллантириш;

- мактабгача таълим тизимиданоқ нутқ маданиятини ўстириш;

- мамлакатимизда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва кўнгилли ўтказиш учун барча ҳудудларда зарур шарт-шароитлар яратиш;

- ёшларни ўз ташаббуслари билан нодавлат нотижорат ташкилотлар тузиш ва уларнинг фаолиятида иштирок этишга ўргатиш.

Ёшлар тафаккурида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ёт ва бузғунчи ғоялардан жамият ўзини бугун ҳимоялашга ўрганиши лозимлиги давр талаби бўлиб қолаверади. Бугун ёшлар тафаккурини соғломлаштириш келгуси жамиятнинг соғломлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Шундай экан, ёшлар сиёсатининг амал қилиш босқичларида ёшлар кайфиятлари, орзу-умидлари, ҳаётий мақсадлари, интилишларини илмий ўрганиш, улардан турли хулосалар қилиш, ёшлар интилишларини ижобий ва бунёдкорлик ишларига йўналтиришга эришиш ўта долзарб стратегик вазифалардан ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Г.О.Саъдиева

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси таянч докторанти*

*“Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда.
Биз аجدодларимизнинг донишмандлик анъанала-
рига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий
ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлақати-
мизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан
бормоқдамиз”*

Ш.М.Мирзиёев

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон мустақил бўлганига 27 йил бўлди. Ушбу сана тарих учун кичик муддат саналсада, аммо республикамызда амалга оширилган ишлар кўлами асрларга таътигулик. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, амалга оширилган ишлар, эришилаётган ютуқ ва натижалар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этиб келинмоқда.

Энг эътиборлиси, мамлакатимизда олиб борилаётган Ёшларга оид давлат сиёсати бўлиб, у “ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишни”⁶⁴ мақсад қилиб қуйган. Аслини олганда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи республикамыз илк мустақил бўлган кунлардан бошлабоқ давлат сиёсати даражасига кўтариб келинган. Хусусан, ўтган йиллар давомида ёшларга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи 20 дан ортиқ Қонун, мамлакатимиз Биринчи Президентининг 30 дан ортиқ Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 100 га яқин қарорлари қабул қилинди.⁶⁵

⁶⁴ <http://www.lex.uz/docs/3026246>

⁶⁵ <http://www.adolatgt.uz/tribune/4247>

Маълумки, 1991 йил 20 ноябрдаёқ қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг қонуний асоси бўлиб хизмат қилган эди. Бугун мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш йўлидан бормоқда.

Бугунги давр талабларига мос равишда ёшларни ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш давр талабига айланди.

Шу муносабат билан, 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрир “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва ушбу Қонун ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда амалга оширишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги янги Қонун ўз моҳиятига кўра, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни назарда тутди. Қонуннинг амалга татбиқ этилиши ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш имконини беради.

Қонуннинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонундан фарқи ва энг муҳим янгиликлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, мазкур ҳуқуқий ҳужжат замонавий қонун ижодкорлиги тажрибасидан келиб чиқиб, барча талаблар ҳисобга олинган ҳолда яратилган бўлиб, қонунда энг асосийси “ёшларга оид давлат сиёсати”, “ёшлар (ёш фуқаролар)”, “ёш оила”, “ёш мутахассис”, “ёшлар тадбиркорлиги” каби тушунчаларнинг мазмунига таъриф берилган. Жумладан, ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар назарда тутилиши белгилаб қўйилган. Ёш оила деганда эса, 30 ёшдан ошмаган эр-хотиндан ёхуд фарзанд (бола) парваришлайётган ота ёки онадан иборат бўлган оила тушунилади.

Иккинчидан, Қонунда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар ўз аксини топган бўлиб, қонуннинг мақсади ва асосий принциплари Конституция, амалдаги қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган.

Учинчидан, Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда мазкур жараёнда иштирок этувчи таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари бўйича органлар, меҳнат органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва мудофаа ишлари бўйича органлар ҳамда бошқа қатор муассасаларнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ҳар бир субъектнинг ваколатлари аниқ белгиланди.

Тўртинчидан, янги қонун орқали ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақоми, шунингдек, улар фаолиятининг давлат кафолатлари белгиланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида тузилган ва фаолият олиб бораётган 600 дан ортиқ ННТлар мавжудлигини ҳисобга олсак, улар фаолиятининг асосий кафолатлари қонунда алоҳида ёритилгани эътиборга молиқдир.

Бешинчидан, ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий механизмлари янада кучайтирилган. Хусусан, Қонун ҳужжатларида ёшлар учун мустақамлаб қўйилган кўшимча кафолатлар: бепул умумий ўрта, ўрта -маҳсус ва касб-ҳунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш, таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва бошқа шу каби муҳим масалалар алоҳида моддаларда кўрсатилди.

Шунингдек, мазкур Қонун орқали мукофотлар, стипендиялар белгилаш, таълим грантларини тақдим этиш, фан, маданият ва санъат соҳасида ижодий устахоналар ва мактабларни ташкил этишга кўмаклашиш, спорт секциялари фаолиятини ташкил этиш орқали истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам тартибга солинади.

Юқорида қайд этилган ишларни изчил амалга ошириш мақсадида юртбошимизнинг 2017 йилда **ПФ-5106-сонли** “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармон натижасида кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакиллари-нинг таклиф ва мулоҳазалари эътиборга олиниб, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун - 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Фармонга мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишларига қуйидагилар киритилди.

Биринчидан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар - келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

иккинчидан, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

учинчидан, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

тўртинчидан, ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухтаэгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига қўмаклашиш;

бешинчидан, ёшларнинг илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

олтинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

еттинчидан, ёшларни, айниқса, уларнинг уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

саккизинчидан, ёш оилалар, хусусан, имконияти **чекланган** ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

тўққизинчидан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

ўнинчидан, мамлакатда амалга оширилаётган **ислохотларда** фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

ўн биринчидан, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

ўн иккинчидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак бериш.⁶⁶

Шунингдек, Фармонга мувофиқ Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши ташкил этилган бўлиб, Кенгашнинг асосий вазифаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва бу борада таъсирчан назоратни ўрнатишдан иборат.

Юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида “Мард ўғлон” Давлат мукофоти ҳамда ёшларга оид давлат

⁶⁶ www.nrm.uz

сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол иштирок этаётган ёшларни тақдирлаш мақсадида “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

2018 йилда 26 июнда “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди. 2018 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури амалга оширила бошланди. Ушбу дастурни қабул қилиш ва амалга оширишдан мақсад республика миқёсида “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасини ташкил этган ҳолда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган **мутахассисликлар** ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашдан иборат. Шунингдек, АҚШ ва кўпгина Европа давлатларининг тажрибасидан келиб чиқиб, давлат-хусусий шериклик шартларида “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ташкил этилди. Ушбу лойиҳа ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни интернет билан таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача кўмак бериш, жумладан, бизнес режалар ишлаб чиқиш, маслаҳат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класслар ва семинарлар ташкил этиш имконини беради.

Давлат дастурининг амал қилиши ёшлар тадбиркорлиги субъектларига, 50 фоиз ва ундан кўпроқ муассислари ёшлардан иборат бўлган тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, яратиладиган иш ўринларининг 70 фоизидан кам бўлмаган қисмини 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш учун тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган тадбиркорлик субъектларига, жумладан, хорижий инвесторларга татбиқ этилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги янги Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда ёшлар ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ-манфаатларининг қонуний кафолатлари янада кучаётганлигини англатиш билан бирга эртанги кунда мамлакатимиз ёшларининг янги-янги марраларни забт этишига, уларнинг юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига замин яратади. Зеро, юртбошимиз Ш.Мирзиёев БМТнинг 72-саммитида халқаро ҳамжамият олдида таъкидлаганларидек, “... сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим”.⁶⁷

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОБЕЪКТ-СУБЕЪКТ МУНОСАБАТЛАРИГА КўРА АСОСИЙ йўналишлари

А.Х. Холмахматов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институти мустақил изланувчиси*

Бугунги кунда ёшлар муаммоларини ёшлар сиёсати нуқтайи назаридан ўрганиш кенг қамровли ҳисобланади. Замонавий Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқишдан олдин, мазкур мавзуга оид категориялар аппаратини аниқлаб олиш, бунинг учун эса “Ёшлар сиёсати”, “Ёшлар сиёсатининг моделлари”, “Ёшлар сиёсатининг тамойиллари” ҳамда “Ёшлар сиёсатининг объекти ва субъекти” каби ва бошқа

⁶⁷ <http://uza.uz>

тушунчаларни аниқ таърифлаб олиш, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини ўрганишда қўлланиладиган сиёсий фанлар методлари таҳлилига диққат қаратиш лозим.

Муайян тамойиллар, ёндашувлар, методлар тизими сифатида ҳар қандай фан методологияси унинг тадқиқот соҳасининг асосини ташкил этади. Сиёсий фанлар методологияси деганда мазкур йўналишда қўлланиладиган методлар, ёндашувларнинг тарихи, маъно-мазмуни, роли ва аҳамиятини ўрганадиган алоҳида йўналиш тушунилади. Ёшлар сиёсатини тадқиқ этишнинг умумий методологиясидан келиб чиққан ҳолда давлат сиёсати, ижтимоий сиёсат, ёшларга оид давлат сиёсати сингари сиёсий категорияларга мурожаат қилишга тўғри келади. Зеро, мазкур категориялар таҳлили ёшларга оид давлат сиёсати тушунчасининг барча элементларини аниқ кўриш имконини беради⁶⁸.

Ёшларга оид давлат сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари муайян мамлакатдаги мазкур сиёсатнинг реал ҳолатини кўриш, унга доир умумлашган хулосалар, шунингдек, истиқболли тараққиётига таалуқли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. XX асрнинг бошларида ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки ўсиб бориши билан уларнинг сиёсий хулқ-атвори ва сиёсий маданиятини эмперик тадқиқот методлари асосида ўрганишга бўлган объектив зарурат ортиб борди. Мазкур тадқиқот услуби статистикадан фойдаланиш, ҳужжат таҳлили, анкета сўровномаси, лаборатория эксперименти, иш ўйини, кузатиш ва бошқа методларни ўз ичига қамраб олади. Масалан, контент таҳлил усули ёшларнинг сиёсий фаоллик даражасини аниқлаш имконини берса, статистик методдан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий тизимдаги ҳолатларини қиёсий ўрганиш мақсадида қўлланилади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини ўрганишда бундай хилма-хил метод ва ёндашувларнинг қўлланилиши ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида рўёбга чиқадиган ҳодисаларни бир ёқлама, бир ўлчовга кўра, бир

⁶⁸ Меркулов П. А. Методология изучения государственной молодежной политики — приглашение к дискуссии // Вестник Ассоциации ВУЗов туризма и сервиса. 2012. № 4(23). С. 79–82.

чизиқли таҳлил этиш имкони йўқлигини англатади. Ёшларга оид давлат сиёсатини тадқиқ этишда изланишлар амалий ва мақсадли натижаларга олиб келиши учун уларни турли методлар асосида кўп ёқлама тадқиқ этиш зарур. Айни кўп ёқлама комплекс таҳлил методологияси энг аввало ёшларга оид давлат сиёсати унинг объекти-субъектини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, Ёшларга оид давлат сиёсатининг назарий моделларини яратиш, парадигма ва тамойилларини шакллантириш имконини беради.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг назарий моделларини яратиш, парадигма ва тамойилларини шакллантиришдан аввал мазкур тушунчанинг моҳияти нимадан иборат эканлигини англаб олиш муҳим.

Ёшлар сиёсати тушунчаси давлат сиёсатининг расмий фаолият турларидан бирига айланган вақтдан бошлаб, мазкур тушунча ижтимоий гуманитар фанларда институтционаллаша бошлади. Ўтган асрнинг 90 йиллар бошларидан бошлаб мазкур тушунчанинг бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган кенг, тор ва муассасавий маънодаги талқинлари муҳокама қилиниб келинмоқда⁶⁹.

Замонавий ёшлар сиёсати таърифи бевосита туғилгандан то 30 ёшгача бўлган ёш авлод муаммоларини ҳал қилишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар йиғиндисини назарда тутди⁷⁰.

Ёшлар сиёсатига ёшлар бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, таълим ва спортга оид давлат сиёсати сифатида қаралади.

1991 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги тушунча мамлакатнинг қонунчилик тизимига расман киритилди. Мазкур қонун билан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари тузилмаларининг вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ёшлар сиёсатига оид давлат дастурла-

⁶⁹ Н.Жўраев. Янгилаш концепцияси: яратилиши, эволюцияси ва амалиёти. – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 43

⁷⁰ Ўша ерда

ри ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилина бошланди. Собиқ совет иттифоқи даврида ёшлар сиёсати асосан мафкуравий характер касб этиб, у давлат сиёсатининг алоҳида йўналиши сифатида ажратиб кўрсатилмас эди. Шунингдек, ёшлар сиёсати тушунчаси ҳам алоҳида атама сифатида қўлланилмас эди.

Ёшлар сиёсатининг умумжаҳон миқёсидаги талқини БМТнинг бу борадаги расмий ҳужжатларида ҳам акс этган. Ушбу ҳужжатларда ёшлар сиёсати тушунчаси бирмунча кенг таърифланган: хусусан, “ёшларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган давлат фаолиятининг ажралмас қисми бу ёшлар сиёсати ҳисобланади”⁷¹. Ёшлар сиёсати нафақат давлат ташкилотлари балки, ўзининг умумий фаолияти доирасида ёшлар масалаларига ҳам диққат қаратувчи партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ижтимоий институтларни ҳам қамраб олади.

Шунингдек, 2016 йилнинг 14 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида “ёшларга оид давлат сиёсати-давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими”⁷² деб таърифланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган талабларга кўра Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини қуйидагилар ташкил этади:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

⁷¹ Молодежь в организации Объединенных Наций / Библиотека документов ООН, связанных с молодежью. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://www.un.org/youth.html>.

⁷² Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуннинг 3 моддаси <http://lex.uz/docs/3026246>

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;

ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;

иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш⁷³. Бундан келиб чиқадики, ёшларга оид давлат сиёсати давлат ижтимоий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсатининг тамойиллари сифатида белгиланган жамиятнинг ижтимоий маданий соҳасига оид жараёнларнинг давлат томонидан бошқарилишини таъминлаш унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

⁷³ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). – Т: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017.Б – 34-45.

Айни ўринда ижтимоий тизимга ёки бу тизимнинг қисми сифатида ёшларга тўғридан тўғри таъсир кўрсатадиган ёки билвосита унинг амал қилиш шароитида сиёсат субъекти сифатида ёшларни ривожланишга ундовчи бошқарув жараёнидаги Ёшлар ва ёшларга оид давлат сиёсати ўртасидаги объект ва субъект муносабатлари аниқланади.

Ижтимоий эҳтиёжлари ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида қўлланиладиган чоратadbирлар ва дастурлар орқали қондириладиган турли ёшлар гуруҳлари ва ҳаракатлар, ёшлар ташкилотлари ҳамда алоҳида ёш инсонлар ёшлар **сиёсатининг объекти ҳисобланади.**

Бугунги кунда нафақат биргина давлат ҳокимияти органлари ёшлар бирлашмалари, уларнинг ассосиациялари, шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, тарбияси, муносиб турмуш кечириши учун муайян шароит яратиш билан шуғулланувчи ўзини-ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар, жамоат бирлашмалари, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ёшларнинг ўзлари ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг субъекти ҳисобланади⁷⁴. Одатда, давлат бошқаруви тизимига мувофиқ, таълим ва тарбия институтлари ёшлар сиёсатининг субъектлари ҳисобланади.

Ёшлар сиёсатини моделлаштириш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг субъекти сифатида қаралувчи ёшлар ва уларга оид назарий ва амалий муаммолар билан боғлиқ тарзда намоён бўлади. Ёшлар сиёсатининг асосий принципларини мазкур сиёсатнинг “субъектлик”и деб ҳисобаш мумкин. Ёшларнинг субъектлик хусусияти ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида ташқаридан киритилмаган балки, ўз ўзидан касб этилган хусусият ҳисобланади. Мазкур хусусият давлат ва жамиятнинг ҳаракати жараёнида юзага келади. Ёшлар субъектлашуви жараёни эса интеграл характер касб этади. Бу жараён ёшларнинг фаолият турини танлаши, ўзининг ташаббускорлигини тушуниши ҳамда мақсадлар ва уларга эришиш воситаларини ишлаб чиқиш

⁷⁴ Жўраев С. Ўзбекистон давлатининг ёшларга доир сиёсати: назария ва амалиёт. Сиёс.ф.док. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. -Т.:1994.

кабиларни ўз ичига қамраб олади. Ёшларнинг субъектлиги, ижтимоий фаоллик, ўз ўзини назорат қилиш ва бошқариш ва мавқеини белгилаш билан тавсифланувчи яхлит ижтимоий жараёнларнинг омили ҳисобланади⁷⁵. Шу маънода, муайян гуруҳ ёки субмаданий бирликнинг йўналганлиги сифатида қаралувчи ёшлар гуруҳларининг ижтимоий фаоллигини, ёшларнинг ўз ҳолатини ўзгартириш жараёнида амал қилувчи ижтимоий-маданий шароитларга мувофиқ шаклланган қизиқиш ва эҳтиёжлар ҳамда бунинг учун зарур бўлган ижтимоий сифатлар ўлароқ таърифлаш мумкин.

Ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси ёшлар сиёсатининг субъектлик хусусиятини тушунишда муҳим бўлиб, у ўзида жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилишдаги иштирокини ва давлат ҳамда ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг ўзаро самарадор мутаносиблигини назарда тутати⁷⁶.

Субъектлик ёшларнинг муҳим фаолият турлари билан шуғулланиш учун зарурий шарт-шароит яратиш ёки, субъектлик хусусиятининг юзага чиқиши учун хизмат қиладиган технологияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ равишда шаклланади. Айнан мазкур технологиялар ёшларга оид давлат сиёсати доирасида қўлланиладиган муайян ижтимоий лойиҳа ва дастурлар самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Умуман олганда бугунги кунда “ёшлар ижтимоий тараққиётида ворисийлик ва ўзгарувчанлик хусусиятларининг уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилади. Ижтимоий муҳит ва янги авлод ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнларини бошқаришда ёшларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш тенденциясига таяниш талаб қилинади”⁷⁷. бундай мураккаб вазиятда жамият ва давлат олдида ёшларга таъсир ўтказишнинг сифатли йўллари ва усуллари излаб топиш ва

⁷⁵ Социальные технологии. Толковый словарь // — Москва-Белгород: Луч-Центр социальных технологий, 1995.-С 36.

⁷⁶ Иваненко, С.П. Молодежь и государство: инновационные подходы / С.П. Иваненков, А.Ж. Кусжанова. -Оренбург: Ком. По делам молодежи Оренбург, обл., 2005. - С. 19

⁷⁷ Кураков, В.Л. Социальная политика и формирование здорового образа жизни молодежи./ В.Л. Кураков. -Чебоксары: изд-во Чуваш, ун-та, 2004. - С. 12.

мувоффақиятли қўллаш вазифаси қўйилади. Шу маънода ёшлар ва ёшларга оид давлат сиёсати ўртасидаги субъект ва объект муносабатининг мазмуни бугунги кундаги ёшлар муҳити тубдан ўзгаришида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларга оид давлат сиёсати турли ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишидаги тадқиқотлар учун предмет вазифасини ўтай олади. Уни тадқиқ этишга оид методологик ёндашувларнинг хилма-хиллиги ҳам ёшларга оид давлат сиёсатининг соҳалараро тадқиқот предмети бўла олишлик хусусияти билан фарқланади.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқот методлари ҳамда улар асосида келиб чиқувчи ёшларга оид давлат сиёсати моделлари уни тадқиқ этишнинг назарий-методологик асоси сифатида мазкур соҳадаги объект ва субъект муносабатларининг яхлит тарзда очиб беришга хизмат қилади.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ: ФАЛСАФИЙ-ИРФОНИЙ ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

М.Т.Тожибоева

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети магистранти*

З.Р.Исақова

*Наманган давлат университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди*

Ёшлар дунё аҳолисининг тез кўпайиб бораётган қисмини ташкил этади. Ҳозир Ер шари аҳолиси умумий сонининг 18% уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Ёшлар мамлакат миқёсида ривожланиш жараёнини жадаллаштириш учун инновацион ғояларни яратишга қодир қудратли ресурс, жамиятнинг ғайрат-шижоатга тўлиб-тошган фаол қатлами, ижтимоий ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этадиган катта кучдир. Бугунги кунда олиб борилаётган ёшлар сиёсати ёшларнинг келажаги, эртанги осойишта ва фаровон турмуши, барча соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлиб

хизмат қиладики, ёшлар билан мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари, жамиятнинг муносиб аъзосига айланишлари, ёшлар меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси кундалик фаолият мезонига айланиб бормоқда⁷⁸.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини руёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тавсияси билан 4300 га яқин йигит-қизга банклар томонидан 216 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилгани, 184300 дан зиёди иш билан таъминлангани эътиборга лойиқ⁷⁹.

Ёшларга оид давлат сиёсатидан руҳланган ва келажагига ишонган ёшлар Ватан равнақи, юрт келажаги, оила фаровонлиги учун ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда. Биргина мисол: тўрақўрғонлик ёш тадбиркор Нарзулла Норматов келажагини ёшларга оид давлат сиёсатида кўрди ва ислоҳотларга ишонган ҳолда давлатдан йирик миқдорда истиқболли кредит олиб, хориждан замонавий ишлаб чиқариш ускуналари келтирди. Қисқа вақт ичида давлатдан олган қарзларини тўлади, корхона фаолиятини кенгайтди, ишсиз юрган юзлаб ёшларни иш билан таъминлади. Ёшларга яратилаётган шароитлардан миннатдор бўлиш билан бирга, ўз устида тинмай ишлаб, турк, инглиз, хитой, корейс, рус тилларини чуқур ўзлаштирган. Айтишича, тадбиркор учун хориж тилини билиш жуда муҳим. Мақсади ишлаб чиқариш салоҳиятини сифат даражасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш маҳсулотлари турини кўпайтириш, янги инновацион ғояларни амалга ошириш учун кўшни вилоятларда ҳам филиаллар очиш орқали ёшларни ишга жалб этиш.

Эришилган муваффақиятлар ва амалга оширилган ишлар таҳсинга лойиқ. Лекин ҳали ўз ечимини кутаётган ва ҳалигача қоғозларда қолиб кетган долзарб муаммолар

⁷⁸ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига баирам табриги. 2018 йил 29 июнь. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 490-бет.

⁷⁹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига баирам табриги. 2018 йил 29 июнь. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 491-бет.

борки, мақсад кимнидир айблаш ёки кимгадир айб тақаш эмас, аксинча, муаммонинг ечимини биргаликда топишдир.

Жамиятда ёшларга оид муаммоларнинг пайдо бўлиши уларнинг муаммоларига эътиборсизликдан бошланади. Бу ёшларнинг ўзига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини тушунмаган ёхуд ислохотларга шубҳа билан қараган, боқиманда, ўз қобилигига ўралиб қолган, жуда бўлмаса, бир йилда олти ой ва ҳаттоки бир неча йиллар чет элларда ёлланма ишчи бўлиб ишлаб, бирор ҳунарнинг бошини тутмаган, келажаги учун қайғурмай, меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлса ҳам ота-онасининг маошига кун кўрадиган ёшлар кўпчиликни ташкил этгани ачинарлидир. ***Бу каби ҳолатларни бартарф этиш учун нима қилиш керак?***

Биринчидан, мамлакатимиз раҳбари “Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга кодир, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмақдамиз”⁸⁰ деб таъкидлаб, ҳар бир раҳбар эътиборини ёшлар муаммоларига устувор тарзда қаратилишини талаб қилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган бўлса ҳам, вилоят ва туманларда унинг ижроси тўлиқ таъминланмаяпти. Ўқишни тамомлаган ёшларнинг аксарияти ўзи хоҳлаган эмас, қаерда таниши бўлса, ўша ерга ишга жойлашади. Кадрлар

⁸⁰ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 йил 29 июнь / Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 491-бет.

салоҳияти тўғри баҳоланмаган, ўз касбининг билимдони бўлмаган ҳар қандай ташкилот ёки бирлашма инқирозга маҳкум. Ҳокимият тизими бошқарув назариясидан йироқ таълим даргоҳида ўқиган, қурилиш, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, автомобил йўналиши соҳаларини тамомлаган ёшлар билан тўла. Тизимда фаолият олиб бораётган айрим ёшлар муомала маданияти кўникмаларига эга эмас. Фикримизча, олийгоҳларнинг ижтимоий йўналишларида таълим олаётган ёшлар бошқарув тизимида ишлашлари мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ёшлар аҳолининг 60%дан зиёдини ташкил қилади, мамлакат аҳолисининг ўртача ёши эса 25 ёшдир. Шу боис, қўшимча иш жойлари ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш учун имконият яратиш орқали ёшларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бериш зарур.

Ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, аввало, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожини билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ⁸¹. Ёшларнинг барча қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, бекор юрган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас. Ҳали ҳам ёшларнинг оммавий тарзда қўшни мамлакатларга иш излаб кетиши давом этмоқда. Бандлик хизмати фаолияти ночор, иш ўринлари ташкил этиш режалари қоғозда қолиб кетмоқда. Назария амалиётга айланмас экан, ижтимоий жараёнларда ўсиш бўлмайди. Бунинг учун қоғозбозликка чек қўйиш, реал вазиятдан келиб хулоса чиқариш ва ҳолатни объектив баҳолаш ва амалий фаолиятга ўтиш лозим.

Ҳаёт тўхтаб турмайди, тарих ғилдирагини орқага айлантириб бўлмайди. Жамият тараққиётида ижтимоий онг

⁸¹ Мирзиеёв Ш. Ўзбекистон уқитувчи ва мураббийларига. 2017 йил 31 сентябрь / Мирзиеёв Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 446-бет.

жиддий аҳамиятга эга. Чунки тузумни инсон ўзгартиради, ислохотни инсон амалга оширади. Ҳар қандай ўзгариш инсон, унинг манфаатлари билан боғлиқ бўлмас экан, масъулият ҳисси йўқолади.

Учинчидан, ёшлар ижтимоий-маданий, сиёсий қиёфасини бирданига ўзгартириб бўлмайди. Улар орасида бир қолипга тушиб қолиш, бефарқлик, давлат ҳокимияти бошқарувига ишончсизлик натижасида ўз ижтимоий ҳолатидан норозилиги “давлат инсон учун барча шароитни яратиш бериши лозим” деган фикрни илгари сурувчи, фақат бугунги кун билан яшаши натижасида келажагини тасаввур қила олмаслик, сиёсий қиёфаларнинг тушкун кайфиятидаги кўринишлар ўз вақтида бартараф этилиши лозим.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда етмишдан ортиқ олий ўқув даргоҳлари мавжуд, лекин бу мамлакатдаги барча ёшлар қатламини қамраб олмайди. Абитуриентликдаги ўқишга, келажакка бўлган иштиёқи сўнган, яъни етарли балл тўплай олмай, ўқишдан йиқилган йигит-қизлар хасга ёпишса ёпишадик, ёшлар ташкилотига ишонч билдириб, ёрдам сўрамайди. Ёки хорижга ишлагани кетади, ёки тушкунликка берилиб, ҳаётдан кўнгли қолади. Улар ўз келажагини “Ёшларга оид сиёсат”да кўрганида эди, ўзига берилган имкониятларни тўғри мушоҳада қилиб, мақсади сари олға интилган, бир йил мобайнида ҳам ишлаб, ҳам хунарга ўрганиб, ҳам ўқишга киришга ҳам улгурган бўлар эди.

Бешинчидан, Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгаши фаолиятига назар солинса, мамлакат истиқболи учун масъулиятни зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш режасини қўйган, ёшларнинг замонавий касб-хуналарни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратишни, бандлигини таъминлашни, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантиришни, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этишни, ташаббусларини рағбатлантиришни, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишни хизмат бурчи деб билган бу навқирон ташкилот фақат фаол ёшлар билан чеклангани, бу кенгаш барча қатламдаги ёшларни қамраб олмагани ачинарлидир.

Ҳозирга қадар ёшлар ўртасида жинойтчилик содир этилиши камаймади, ёшлар орасида келажакка ишонч руҳи ўрнига лоқайдлик, эътиборсизлик, ўйин-кулгуга берилиш, дангасалик, ҳеч нарсага қизиқмаслик, ишончсизлик, бўйсунмаслик, менсимаслик, тезда бойиб кетишни хоҳлаш, вақтни беҳуда сарфлаш каби иллатлар мавжуд.

Олтинчидан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтлар содир этилишини олдини олиш, баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ёшлар интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтириш, турли ёт ғояларни тарғиб қилиб келаётган ва паст савияли “оммавий маданият” таъсиридан асраш каби масалалар долзарблигини йўқотмаяпти.

“Оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз... Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китоблар, суратга олинаётган баъзи клип ва кинолар, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий⁸².

Еттинчидан, ота-оналар ўз орзу-ҳавасларининг қурбони бўлаётган, балоғатга етиб-етмаган қизлар келажаги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Коллежни ҳам тамомламаган қизларни турмушга берган ота-оналар фарзандларининг на хунар, на касбга эга бўлмай, турмуш зарбаларига чидай олмай, бир ёки икки фарзанди билан ажрашиб кетаётганларидан, мурғак гўдак келажакдан хавотир олмайдилар.

Оилада камситилган, жисмоний жазоланган, маънавий хўрланган, қулларча муносабат кўрган ёш оналарнинг қисмати ёшларга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар жойларда ўз ижросини таъминланмаётганини

⁸² Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза. 2017 йил 3 август / Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 195-бет.

кўрсатади. Бу каби касб-ҳунари йўқ йигит-қизлар тирикчилик важида ўзини ҳар томонга уриб, яшаш учун интиляпти. Айрим йигитлар мардикорликни танлашса, айрим қизлар кўрган кинолари таъсирида “Кореяда яшаш осон” деб ўйлаб, отаси тенги эркакка турмушга чиқиб кетяпти. Бирор ташкилот бунга қарши чиқмади. Ҳаттоки қизларнинг ота-оналари ҳам бу ҳолатни қарсак чалиб қарши оляпти. Бу жараён миллат қонининг бузилиши, бир неча минг йиллик генга таъсир этишини таҳлил этишни ҳам иташмаяпти. Бу борада жиддий ўйлаш ва давлат миқёсида тегишли фармон ва қарор қабул қилиш, имкони борича миллат менталитетини сақлаб қолиш лозим.

Саккизинчидан, бугунги кунда ёшларнинг ҳар жабҳада фаол, ижодкор ва изланувчан бўлиши, эртанги келажак учун бугундан мустаҳкам пойдевор қўйишлари зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Навқирон авлод вакилларини Ватанга садоқат, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бандлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек устувор вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим, зиёлилик даражаси, интеллектуал салоҳияти, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги ва шижоати, ўзгаришларга тайёрлиги жамиятнинг умумий тараққиёт даражасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, ким бўлишидан қатъий назар, ўқитувчими, давлат хизмати ходимими, шифокорми, ишчими, **ҳунармандми**, ҳар бир миллат фидойиси фаолиятида танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик кундалик қоидага айланиши лозим.

Хуллас, ёшлар мураккаб, қизиқишлари, сиёсий ва маданий қарашлари бўйича турли тоифадаги шахслардир. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини эгаллашлари учун қулай шароит яратиш бугуннинг талабидир. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш нафақат мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожини, балки мамлакат хавфсизлигининг ҳам кафолати ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ НАВОИЙ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Х.Х.Рахмонов

*ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги
тарихи масалалари бўйича
Мувофиқлаштирувчи-методик марказ
таянч докторанти*

Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисми ёшлардан иборат бўлиб, улар мамлакат келажагини ҳар томонлама юксалиши кафолати сифатида хизмат қилади. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол кираётган, замонавий билим ва касб ҳунар сирларини пухта эгаллаган, навқирон ёш авлод тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”⁸³. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар сиёсати мамлакат устувор йўналишларидан бирига айланиб улгурди.

Республикада ўтган йиллар давомида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб⁸⁴, болалар ва ёшларга оид 22 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 27 та Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳамасининг 46 та қарори, 200 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишида ёшлар ташкилотлари муҳим аҳамиятга эга. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, адлия органлари рўйхатидан ўтган ёшларнинг ҳуқуқ ва ман-

⁸³ Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV курултойидаги нутқи. // <https://www.gazeta.uz/uz/2017/07/01/nutq/> (10.07.2017)

⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони (2017 йил 5 июль).

фаатларини ҳимоя қилувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 641 тани ташкил этган. Ушбу ташкилотларнинг фаолияти ёшларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга ҳамда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган⁸⁵. Ўзбекистонда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Камалак” болалар ташкилоти, “Ёшлар ташаббуслари” маркази, сиёсий партиялар ҳузурида “Ёшлар қанот”лари, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” каби ёшлар ташкилотлари фаолият юритган.

Ўзбекистондаги ёшлар ташкилотлари, хусусан, “Камолот” ЁИҲ фаолиятидаги камчиликлар, лоқайдликлар юзасидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан тегишли ташкилотлар ҳаттоки давлат раҳбарига ҳам норозилик мактублари, мурожаатлари йўлланиб ташкилот фаолиятига танқидий муносабат билдирилган эди. Жумладан, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабалари Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов номига йўллаган мактубида “Камолот” ЁИҲ қачонки давлат раҳбари бир кўрсатма берса, бирор қарор ёки фармон чиқарса ўшани қўллаб қувватловчи, фақат мажлисбозлик билан шуғулланиб, ўзларидан янги ғоя ва ташаббуслар билан чиқмаётганлиги, бир сўз билан айтганда, ҳаракат фаолияти қониқарсиз эканлигини қайд этган ҳолда “Камолот” ЁИҲ билан рақобатдош “Президент қанотлари” ёшлар ҳаракатини тузиш таклифини билдирган⁸⁶. Бу каби эътироз ва таклифлар негадир эътиборсиз қолдирилган ва “Камолот” ЁИҲ танқидлардан хулоса чиқармасдан, иш фаолияти деярли ўзгаришсиз қолди.

2017 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон “Камолот” ЁИҲнинг IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг иштирок этиши ва давлатимиз раҳбари томонидан “Камолот” ЁИҲ фаолиятидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб берилиши, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш муҳим вазифа сифатида уни долзарб йўналишга кўтарди. Мазкур қурултойда ушбу ташкилот ўр-

⁸⁵ <http://nimfogo.uz/uz/node/1385> (31.08.2017)

⁸⁶ ЎзР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 33-йиғма жилд, 65-70-варақлар.

нида республика ёшларининг барча тоифа ва гуруҳларини камраб олувчи, янгича мазмун касб этувчи мутлақо янги ташкилот- “Ўзбекистон ёшлари иттифоқи” ташкил этилди. Мазкур санани республикамизда “Ёшлар куни” сифатида нишонлаш белгиланди. 2017 йил 5 июль куни янги тузилган ташкилотни қўллаб–қувватлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлари иттифоқи фаолиятини қўллаб–қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи”нинг вилоят, туман, шаҳарлардаги ташкилот раҳбарларининг ваколатлари кенгайтирилди. Улар жойларда вилоят ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланиши ёшларга тўғридан тўғри давлат раҳбарига муаммолар юзасидан мурожаат қилиш ваколатини тақдим этди. “Камолот” ЁИХ ўрнида тузилган ҳамда кенгроқ ваколотларга эга бўлган “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи” бугунги кунда республиканинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фаол, самарали, фаолият олиб бормоқда. Ташкилот республика ҳудудлари кесимида турли тоифадаги ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштира олди.

Хусусан, Навоий вилояти ҳам республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан барқарор ҳудудларидан бўлиб, бу ерда ёшлар салмоғи кўпчиликни ташкил этади. Бугунги кунда Навоий вилояти аҳолиси 974304 нафар (2019 йил 1 январь ҳолатига кўра)⁸⁷ бўлиб, шундан 545610 нафарини (56 %) ёшлар ташкил этади. Вақтинча банд бўлмаган ёшлар сони 30,0 минг нафарга яқинни ташкил этади. Ёшлар Иттифоқининг бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида, жами 67,0 минг нафардан ортиқ сардорлар сайланиб, 320,0 минг нафардан ортиқ ёшлар Иттифоқ аъзолигига қабул қилинди.

Турли йўналишларда вилоят ёшларининг фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий фаол ёшлар этиб шакл-

⁸⁷ Навоий вилоятининг статистик ахборотномаси, – Навоий, 2018, – Б.108.

лантириш масаласида турли ёшлар ташкилотлари фаолият юритиб, вилоят ёшлари ютуқлари, муаммолари бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши томонидан биргина 2018 йилда 6200 тадан ортиқ турли тадбирлар ташкил этилиб, уларга жами 700 минг нафарга яқин ёшлар жалб этилди. 2018 йил давомида вилоят миқёсида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда жами 700 дан⁸⁸ ортиқ маънавий-маърифий йўналишда давра суҳбатлари, учрашувлар, семинар-тренинглар, очиқ мулоқотлар, матбуот анжуманлари ташкил этилиб, уларда 56 000 нафардан ортиқ ёшларнинг иштироки таъминланди.

2018 йил давомида жами 2712 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланган. Ёшлар бандлиги даражасини тизимли таҳлил қилиш, уларни ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадида бугунги кунга қадар 170 тага яқин очиқ мулоқотлар ташкил этилиб, 19,0 минг нафарга яқин ёшлар, 51 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 9664 нафар ёшлар қамраб олинган ҳолда 851 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланди. Вилоятда 2018 йилда Навоий шаҳрида қурилган кўп қаватли уйларнинг 48 та хонадони ёшлар уйи сифатида ёш оилаларга топширилди. 2018 йилда Ёшлар иттифоқининг ташаббуси ва вилоят ҳокимлигининг кўмагида Навоий шаҳридаги 1 гектар ташландиқ ҳудудда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида китоб мутолааси билан шуғулланишлари учун қарийб 2,0 млрд. сўм маблағ эвазига “Маърифат боғи” қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Ёшлар-кељагагимиз” Давлат дастури доирасида 2018 йилда вилоятда 157 нафар ёшларнинг 18,9 млрд. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб (85,5 %), 400 тага яқин янги иш ўринлари яратилди.

2017 йилдан бошлаб вилоятда ёшлар масаласи бўйича шуғулланадиган ташкилотлар, жумладан, Ёшлар Иттифоқи Навоий бўлими фаолиятида жонланишни кузатиш мумкин. Буни ушбу ташкилот томонидан олиб борилаётган турли йўналишдаги тадбирларнинг кенг кўламда ташкил

⁸⁸ Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти Кенгаши 2018 йил ҳисоботидан.

этилаётганлиги ҳамда уларга жалб этилаётган ёшлар қатламининг қўплиги ҳам исботлаб турибди. Хусусан, 2005 йилда Навоий вилояти туманларида ўқувчи ёшлардан анкета сўровномалари олиниб, “Сиз фаолият олиб бораётган қандай ёшлар ташкилотларини биласиз? деган саволга улар бирорта ҳам ёшлар ташкилотлари номини билмасликларини, ёки “Сиз ўз туманингиздаги ёшлар ташкилотлари фаолиятини қониқарли деб ҳисоблайсизми?” деган саволга йўқ дея жавоб беришган⁸⁹. Бундан кўриниб турибдики, ўша даврда фаолият юритган “Камолот” ЁИҲ фақатгина вилоят, туман ва шаҳар марказларидагина фаол тадбирларни олиб бориб, ВИЛОЯТНИНГ чекка ва олис ҳудудларида мазкур ташкилот фаолияти деярли кўзга ташланмаган. Бу жараён кейинги йилларда ҳам кўзга ташланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий бўлими ушбу соҳадаги фаолиятини янада кенгайтириб, амалий ишлар олиб боришга ҳаракат қила бошлади. Бироқшунга қарамай, вилоятда ёшлар масаласига оид бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан:

1. Ёшлар тарбияси йўлида ота-оналарнинг масъулиятсизлиги ҳамда уларнинг энгил ҳаётга интилувчанлиги юқорилиги туфайли жиноят йўлига кириб қолмоқда. Навоий вилоятида ёшлар томонидан 650 та, вояга етмаганлар томонидан 23 та турли жиноятлар содир этилган. Бундан ташқари, ёшлар томонидан 77 та, вояга етмаганлар томонидан 21 та ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолати содир этилган. Ушбу ҳолатлар жойларда аҳоли билан психологик хизматнинг тўғри ташкил этилмаётганлигидан ва ушбу соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаётганлиги натижасида юзага келмоқда.

2. Умумтаълим ва касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган ўқувчиларни ўз вақтида соғлом овқатланиши учун муассасаларда етарли шароитлар яратилмаган. Мисол учун ошхоналар ва буфетлар фаолияти санитария талабларига умуман жавоб бермайди. Бу эса ўз навбатида таълим муассасасидаги ўқувчиларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

⁸⁹ ЎзР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 18-ийғма жилд, 95-96-варақлар.

3. Вилоятдаги барча ёшдаги кўзи ожиз ўқувчи ва талабалар учун “брайл алифбоси” усулида чоп этилган бадий адабиётлар, қўлланмалар ва махсус канцелярия маҳсулотлари етишмайди.

4. Вилоят марказидан олис масофада жойлашган Конимех, Учқудук, Томди туманлари ёшларнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, уларнинг замонавий компьютер технологиялари ва интернет воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш ишларини йўлга қўйиш лозим.

5. Вилоятда аҳоли ва ёшларнинг соғлигини сақлаш борасида вилоят марказидан олис чўл зоналарида мутахассислар (акушер-гинеколог, педиатр, неонатолог, ўсмир қизлар гинекологи) етишмаслиги, ультра товуш аппарати, флюорография аппаратлари етишмаслиги, эндемик буқоқ касаллиги ёшлар орасида кўплиги ва уни даволаш учун йод препаратлари етишмаслиги, ёшларда Torch инфекцияларини аниқлаш учун реактивлар камлиги, қимматлиги⁹⁰.

6. Ёшлар ўртасида тузилган никоҳ шартномаларининг бузилиши, яъни республиканинг бошқа ҳудудлариганисбатан ёш оилаларда ажралишлар салмоғи юқори эканлиги. 2018 йилнинг январ-декабрида ФХДЁ органларида 9012 та никоҳ қайд этилган ва 997 та ажралишлар рўйхатга олинди⁹¹.

7. Вилоят ёшлари ўртасида ишсизлик муаммоси натижасида четга иш излаб чиқиб кетиш ҳолатлари юқорилиги. Энг муҳими четга турли сабаблар билан (асосан иш излаб) вилоят ҳудудидан чиқиб кетаётган ёшлар орасида олий маълумотга эга ёшлар ҳам қўпчиликни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи давомида айнан ёшлар орасида ишсизлик муаммоси ва уни бартараф этиш масаласига алоҳида тўхталиб, тегишли топшириқлар берган эди.

⁹⁰ ЎзР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 177-йиғма жилд, 64-варақ.

⁹¹ Навоий вилоятининг статистик ахборотномаси, – Навоий, 2018, –Б.113.

Жадвал 1.

Доимий яшаш манзилгоҳларидан узоқ муддатга чиқиб кетган ёшлар тўғрисида маълумот

Т/р	Худудлар	Сони	30 ёшгача бўлганлар
1	Навоий ш	795	190
2	Зарафшон	163	36
3	Учқудуқ	226	52
4	Томди	247	110
5	Конимех	172	31
6	Навбахор	315	62
7	Нурота	394	94
8	Қизилтепа	616	196
9	Кармана	316	72
10	Хатирчи	550	172
	Жами:	3794	1015

Манба: 2017 йил Навоий вилояти ИИБ ХООБ⁹²

Жадвалга кўра, Вилоят марказидан энг олис масофада жойлашган асосан қозоқ миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган Томди туманидан четга чиқиб кетаётган аҳолининг деярли ярмини ёшлар ташкил этмоқда.

Навоий вилоятида ёшлар ўртасида учрайдиган муаммолар юзасидан қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

1. Вилоят ёшлари, айниқса, чекка туманлардаги ёшлар ўртасида жиноятларни олдини олиш мақсадида, таълим муассасаларида, маҳаллалардаги уюлмаган ёшлар ўртасида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий Кенгаши ва ички ишлар идоралари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда турли тадбирларни (ёш тоифасига кўра ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, масъулият, бурч ва мажбурият, жиноят ва жазо каби мавзуларда) янада кўпайтириш;

2. Шаҳарларда ўқувчи ёшларнинг овқатланиши учун таълим муассасаларида шароитлар мавжуд, аммо, туман қишлоқларида жойлашган таълим муассасаларида овқатланиш ва ичимлик суви муаммоси тўғри

⁹² ЎЗР МДА, Фонд-М-13, 2-рўйхат, 177-йиғма жилд, 16-варақ.

йўлга қўйилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳокимлиги, ХТБ бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ёшлар Иттифоқи, маҳаллалар ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳар, туман ҳамда қишлоқлар кесимида таълим муассасаларидаги умумий овқатланиш ва ичимлик суви муаммоси бўйича амалий ишларни бажариш;

3. Навоий шаҳридаги кўзи ожизлар мактабида таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар учун “брайль алифбоси” усулида чоп этилган адабиётлар ва аудио китоблар сонини ошириш ҳамда махсус канцелярия маҳсулотлари етказиб бериш бўйича вилоят ёшлар иттифоқи ва тегишли ташкилотлар иштирокида зарур тадбирларни амалга ошириш;

4. Навоий вилоятидаги ОТМларда қозоқ, қорақалпоқ миллатига мансуб бўлган ёшлар учун таълимий ўналишларида қўшимча гуруҳлар ташкил этиш, Навоий эркин иқтисодий зонасида ҳамда вилоят туризм соҳасида Европа ва шарқ тилларига ҳамда бу борада маҳаллий кадрларга бўлган эҳтиёж мавжудгини инобатга олган ҳолда НавДПИ хорижий тиллар факультети немис, француз, корейс, хитой, араб тилларига ихтисослашган таълим йўналишларни ташкил этиш.

ЭТНИК ИДЕНТИФИКАЦИЯНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Р.Э.Шукуров

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрлар тайёрлаш институти таянч докторанти*

Бугунги кунда этник идентификацияни шакллантириш муаммоси замонавий педагогика ва психология фанларининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур тушунча илмий асосда ўрганила бошлаши ва психология фанида ўз ўрнига эга бўлиши кўп йиллик тарихни ўз ичига камраб олган. Бугунги кунга келиб этник идентификацияга психологик феноменлардан бири сифатида қаралмоқда.

Шунингдек, ҳозирги вақтда замонавий илм-фан тараққиётида этник идентификация муаммолари етарли даражада чуқур ўрганилган. Шунга қарамай, бу боладаги тадқиқотлар бир қатор долзарб вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлиб, ушбу муаммоларни ҳал этиш вазифаси мазкур феномен билан шуғулланувчи тадқиқотчилар зиммасида турибди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда этник идентификацияни ўрганиш, уни шакллантириш йўллари ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кўплаб илмий адабиётларда тадқиқотчи олимлар этник идентификациянинг классик ҳар хил таърифларини келтириб ўтадилар.

Т.Стефаненко ўзининг “Этнопсихология” китобида бу феноменга қуйидагича таъриф беради. Этник идентификация – шахс ижтимоий идентификациясининг ажралмас қисми бўлиб, маълум бир этник жамоага мансублигини англатадиган психологик категориялардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, у этник идентификациянинг тузилишини иккита асосий компонентга ажратади.

1. Когнитив (ўзини гуруҳ аъзоси сифатида англаш).

2. Аффектив (гуруҳга муносиблик ҳиссини тушуниш).⁹³

Л.М.Дробижеванинг «Этнопсихология» китобида эса бунга қўшимча равишда хулқ-атвор компоненти мавжудлиги ҳам таъкидланади. Мазкур ҳолатда этник идентификациянинг хулқ-атвор компонентлари “турли хил этник вазиятларда ҳаракатлар ва муносабатлар тизимини яратиш”, ўзини этник гуруҳ аъзоси сифатида намоён қилиш тушунилади.

Этник идентификация компонентларининг асосий таркибий қисмларини ўрганадиган бўлсак, биз биринчи навбатда унинг когнитив компонентларини ёритиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Когнитив компонент ўз таркибида гуруҳ концепциялари, этник ориентация ва бошқа кўплаб таркибий элементларни ўз ичига қамраб олади. Т.Стефаненконинг таъкидлашича, этник идентификациянинг когнитив компоненти қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

⁹³ Стефаненко Т. Этнопсихология. - М.: Институт психологии РАН, 1999. -190-

1. Этник хабардорлик (аждодларини, ўз келиб чиқиши ва тарихини билиш)

2. Этник ўз-ўзини англаш.

Этник идентификациянинг когнитив компонентлари этник хусусиятларга оид маълумотларни шакллантириш қобилиятига эга ҳисобланади.

Шахсининг ўз этник гуруҳига муносабатини акс эттирувчи этник идентификациянинг аффектив компонентлари этник урф-одатларда намоён бўлади. Агар гуруҳдаги ижобий урф-одатлар жамоа аъзоларига мамнуният бахш этсагина, улар шу гуруҳга муносиб бўлишга ҳаракат қиладилар. Аксинча, этник гуруҳда салбий урф-одатлар шаклланган бўлса, шахс мазкур гуруҳга муносиб бўлишни хоҳламайди, камситилиш ҳиссини бошидан кечиради ва унда бошқа гуруҳларни афзал кўриш туйғулари юзага келади.⁹⁴

Этник идентификациянинг таснифига эътибор **қаратадиган** бўлсак, уни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. **Моноэтник идентификация** оилада бир хил этник гуруҳга мансуб бўлган ота-оналарнинг фарзандларида шаклланади. Аксарият одамлар моноэтник идентиклиikka мансуб бўладилар.

2. **Ўзгарган этник идентификация** – кўп миллатли жамият аъзоси бўлган шахсларда юзага келиши мумкин.

3. **Биоэтник идентификация** - бу хусусиятни ўзида мужассам этган шахслар ўзларини икки хил этник гуруҳ билан идентификация қилади ва икки хил маданият компонентларига эга бўладилар.

4. **Маргинал идентификация** – идентификациянинг бу тури ҳеч қайси маданиятни ўзида мужассам этмаган, ҳеч қайси меъёр ва қадриятларни мустаҳкам ўзлаштирмаган кишиларда намоён бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ёшларда турли кўринишдаги этник идентификациянинг намоён бўлиши уларнинг ҳаётга, жамиятга бўлган муносабатларида, ижтимоий қадриятларида, дунёқарашларида, ватанпарварлик, мардлик, бағрикенглик каби шахсий фазилатларининг

⁹⁴ Крысько В.Г. Этническая психология: Учебное пособие для студ. высш. учеб. зав. – М.: Изд. центр «Академия», 2002

шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Этник идентификация шахснинг хулқ-атвorigа кучли таъсир кўрсатувчи ва шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилашига ёрдам берувчи энг муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Шахс ўзининг этник келиб чиқиши ва қадриятларини англай олсагина, ватанига садоқатли ва салоҳиятли кадр бўлиб етишади. Бас, шундай экан, шахсий, касбий ва бошқа идентификация турлари билан бир қаторда ёшларнинг этник идентификация хусусиятларини ўрганишга қаратилган психологик тадқиқотлар, илмий изланишлар, юртимиз равнақи учун қайғурадиган, онгли ва фидойи ёшларни тарбиялашга улкан ҳисса қўшиши мумкин.

ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

А.И.Саитқосимов

*Жиззах вилоят “Истиқбол” Минтақавий тадқиқот
маркази директори, сиёсий фанлар номзоди,
СамДУ мутақил изланувчиси*

Мустақиллик даврида мамлакатимизда жамиятнинг турли соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида ёшлар манфаатларини ифода этишга қаратилган ижтимоий жараёнларнинг шаклланиши, жамиятнинг ўзак ижтимоий қатлами сифатида уларнинг ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлари таъминланиб, жамиятнинг барқарор асосда тараққий этиб бориши учун хизмат қилмоқда. Ёшлар эркинлиги ва ҳуқуқларини таъминлаш, баркамол авлодни шакллантириш, ҳар бир ёшга ўзига муносиб равишдаги турмуш даражаси билан таъминлаш каби умуминсоний қадриятлар вужудга келмоқда.

Ҳозирги даврда ёшлар шиддат билан тезлашиб бораётган глобал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар таъсирига учрамоқда. Улар бу каби жараёнда ўзлари муносабатларга киришадиган турли ижтимоий-сиёсий янгиликлар ва ўзгаришлар натижасида пайдо бўлаётган муаммоларга дуч

келмоқда. Ислохотлар ва ташқи таъсирлар воситасидаги янги ўзгаришларга мослашиш ва уларни қабул қилиб олишда ноаниқликларга интилишларнинг кучайиб бориши кузатилмоқда. Шу сабабли жамиятда ёшларининг ижтимоий фаоллиги даражаси юқори бўлиши тақозо этилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев “Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи, бундан буён ҳам энг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”, деб таъкидлаган⁹⁵.

Ҳозирги даврдаги жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда ёшлар ҳаётида қайта тикланиб бораётган миллий қадриятлар ва анъаналар билан бир вақтда хорижий инновацион ўзгаришларнинг кириб келиши ва ислохотларни янада чуқурлашиши натижасида пайдо бўлаётган ижтимоий-сиёсий қадриятларни тезлик билан ўзгартиришга бўлган талабларнинг пайдо бўлиши, ёшлар онгидаги маънавий ва руҳий янгиланишлар ва ўзгаришларнинг шиддат билан кечиши бирмунча муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий соҳада олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини теран тушуниб етадиган, жамиятнинг бугуни ва истиқболи учун жон куйдирадиган, элим ва юртим деб ёниб яшайдиган фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларнинг ғоявий тарбияси, ижтимоий-сиёсий билимлар даражасини юқорига кўтариш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, мустақиллик даврида амал қилаётган жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашнинг барча жараёнларида ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришнинг аҳамияти ва ўрни беқиёс эканлигини эътироф этиш зарур.

Сиёсатшунос Р.Жумаевнинг таъкидлашича, “Ҳуқуқий, демократик, ривожланган фуқаролик жамияти қураётган мустақил Ўзбекистон олдида турган ғоявий ва сиёсий вазифалардан бири сиёсий жараёнларда фуқароларнинг

⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. www.uza.uz.

сиёсий иштирокини стратегик жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади. Маълумки, демократик жамиятнинг муҳим мезонларидан бири фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини таъминланишидир. Бунда уларнинг у ёки бу сиёсий ролларни бажаришга хоҳиши ва қобилиятини ҳисобга олиш муҳимдир”⁹⁶.

Ёшлар аҳолининг энг катта ва фаол ижтимоий қатлами ҳисобланади, уларнинг ҳаёт даражаси ва яшаш тарзи юқори кўламда бўлиши жамиятда устувор аҳамият касб этади. Улар турли зўравонликлар, ташқи ва ички хавф-хатарлардан холи ҳолда яшаши лозим. Ёшлар адашмаслиги, бошқаларнинг ёвуз даъватига эргашмаслиги учун уларда мустақил фикр, мустақил онг, муайян қатъият бўлиши керак. Бу қатъият уларни ҳаётини мақсадларга интилиши асосида шаклланади, мустаҳкамланади, ота-онаси, элу юрти, халқи, ҳаёт, табиат, жамият ва Ватан, оллоҳ олдидаги бурчи ва масъулиятини ифодалайди, жавобгарлик туйғусидан келиб чиқади.

Мамлакатимизда баъзи фуқаролар онгида бирмунча муддат сақланиб қолган мафкуравий бўшлиқ эса, кўпгина аҳоли вакиллари, жумладан, ёшларни ақидапарастлик кўринишидаги оқимларга кириб қолишларига замин бўлган эди. Бугун миллий ғоя, мустақиллик тафаккури тамойиллари билан қуролланган ёшларимиз бу йўлда ўз сўзига, ўз позициясига эга бўлиб бормоқда. Ёшлар ҳаётини позициясининг мустаҳкам бўлиши, бутун халқ ва жамиятнинг барқарор истиқболи учун хизмат қилади. Бу ҳақда ижтимоий-сиёсий адабиётларда ҳам эътироф этилган бўлиб, “Миллатнинг буюклиги унинг миллий ўзликни қанчалик англаб етганлигига, сиёсий етуқлигига, миллий ҳамжиҳатлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир”⁹⁷, деб таъкидланади.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, фуқаролик масъулиятини шакллантириш уларнинг жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётини таъминлаш учун муҳим замин яра-

⁹⁶ Жумаев Р. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие. -Ташкент: Фан, 1996. -С. 130.

⁹⁷ Раҳмонов Р., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -Б. 20.

тади. Мазкур вазифани бажариб боришда ёшларнинг миллий ғояни асосий тамойилларини чуқур тушуниб етиши ва маънавий аъмолига айлантериши билан бевосита боғлиқ. Олимларнинг таъкидлашича, “Миллий ғояни юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш орқали уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш давр талаби. Бу бир зумда, бирпасда амалга ошадиган жараён эмас. Бунда ҳар бир кишининг, фаоллиги, омилкорлиги талаб этилади. Унинг амалга оширилиши эса Ўзбекистоннинг салоҳиятини юксалтиради, келажаги буюк давлат барпо этишга ёрдам беради, одамларимиз эътиқодини мустаҳкамлайди”⁹⁸.

Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда ёшларимиздан доимий ҳушёрлик талаб этилади. Улар бефарқ, лоқайд бўлмасликлари лозим. Агар улар бўлаётган жараёнларга эътиборсизлик билан қараса, жамиятни турли ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилишда асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлмаса, жамият барқарорлигини сақлаш қийин. О.Раҳматовнинг “Огоҳлик муқаддас бурч” китобида таъкидланганидек, “Авалло хавфсизликни ва барқарорликни таъминлаш – барчамизнинг кундалик ҳаётий ишимиз эканлигини англашимиз зарур. Халқимизнинг қадимий нақли бор, душмандан ҳам, дўстлардан ҳам қўрқиш керак эмас. Улар нари борса ўлдириши ёки хиёнат қилиши мумкин. Билъакс, бефарқлардан қўрқиш зарур, чунки уларнинг индамаслиги, жимгина розилиги туфайли жаҳондаги барча қотилликлар ва хиёнатлар содир этилади”⁹⁹.

Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги масаласи ҳам долзарбдир. Ёшлар онгига турли хил ақидапарастлик ғояларининг кириб қолиши бирмунча осон кечади. Чунки баъзи ёшлар руҳий-эмоционал жиҳатдан мураккаб характерли, ишонувчанлик юқори бўлганлиги сабабли зарарли оқимларга ҳам эргашиб кетиши мумкин. Лекин, ёшлар кучли салоҳият, ғайрат-шижоат соҳибларидир. Ана шу салоҳиятни фақат Ватан равнақи, жамият манфаати,

⁹⁸ Эргашев И. ва бошқ. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. -Т., Ijod dunyosi, 2002. –Б.28.

⁹⁹ Раҳматов О. Огоҳлик муқаддас бурч. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. -Б. 6.

юрт тинчлиги ва халқ фаравонлиги учун йўналтириб бориш қўйилган мақсадларга эришишга замин яратади.

Ёшларнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги фаоллигини ошириш учун қуйидаги мезонлар шакллантирилиши лозим:

- ёшлар юрт тинчлиги, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги жараёнларда фаол қатнашишни ўзларининг виждон амри деб билиши лозим;

- ёшлар онгида байналминалчилик, бағрикенглик, ўзаро ишонч, миллий ва диний тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари чуқур жой олиши зарур;

- ёшларда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш, унинг ички ва ташқи душманларига қарши курашиш, маънавий ва маърифий салоҳияти билан диний экстремизм ва терроризм элементларига муносиб жавоб бериш, “жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” кўникмаларини шакллантириш даркор;

- маҳалла, оила, жамоат жойларида одамларни, ёши улугларни ҳурмат қилиш, миллий қадриятларни эъзозлаш, ўзбекона ахлоққа зид бўлган турли хатти-ҳаракатлар ва кўринишларни намоён қилмаслигига эришиш зарур;

- жамиятда учрайдиган коррупция, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатларга қарши курашиш, экологик вазиятни соғломлаштириш, табиатни асраб-авайлашга оид тарбиявий ишларни амалга оширишлари лозим.

Ана шу қадриятларни ёшлар онгида шакллантириш давлат ва жамоат, таълим-тарбия, маънавий-маърифий муассасалар орқали олиб борилса, уларнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги ҳиссалари кўлами ошиб боради.

Жамият барқарорлигини таъминлаш жараёнларида ёшларда фуқаролик масъулияти ва ижтимоий-сиёсий фаолликни юксалтириш масаласида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир:

- бугунги кунда инсон қалбини эгаллашга қаратилган салбий ғоявий жараёнларнинг мавжудлигини, уларнинг ёшларда лоқайдлик, ижтимоий-сиёсий жараёнлардан бош тортишга ундашга йўналтирилганлигини ҳисобга олиб,

жамиятда сиёсий тарғибот ишларини узлуксизлигини таъминлаш;

- ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий институтларда, айниқса, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялардаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий иштирок орқали ёшларнинг жамият жараёнларига онгли равишда ижтимоийлашуви жараёнини ташкил этиш;

- ёшларни жамиятда “демократия дарсхоналари” ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштироки орқали жамиятда жамоатчилик назоратини ташкиллаштиришнинг самарали механизмларини яратиш, бу жараёнда оқсоқоллар, кекса авлод тажрибаларига суюниш;

- ёшларнинг бевосита демократия жараёнларида, яъни “жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалалари”¹⁰⁰ ҳисобланган сайловлар ва референдумларда фаол ва онгли равишда иштирокини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- жамиятда плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий ҳаётнинг ранг-баранглиги, мафкуравий жараёнларда илғор ғояларнинг мавжуд бўлиши каби жараёнларни ташкил этиш ва бу воқелиқда ёшлар жамият жараёнларини ташкил этувчи сиёсий куч сифатида намоён бўлишига эришиш;

- жамиятда ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий ташаббускорлигини ошириш, давлат ва жамоат ташкилотларида фаол қатнашиши орқали жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳал қилувчи куч сифатида иштирок этиш кўникмаларини шакллантириш;

- ёшлар онгида демократик қадриятларни вужудга келтиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, ОАВларини сиёсий тарғиботнинг энг самарали ва жиддий механизми сифатида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини кенгайтиришдаги ролини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 5.

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ЎРНИ

Д.Э.Пирматова

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти тингловчиси*

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларни тарбиялашда нафақат оила, мактаб, маҳалла, балки мактабдан ташқари ҳисобланган маданият муассасаларининг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маданий-маърифий муассасалар, яъни маданият уйлари, маданият саройлари, музейлар, кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғларининг ўзига хос имкониятлари мавжудки, улардан фойдаланмасдан жойларда ёшларни тарбиялаб бўлмайди, чунки бу муассасалар халқ орасида маънавий, ижодий фаолият олиб борувчи ўзига хос марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳолини дам олиш марказларини шакллантириш, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш чора-тадбирлари, шунингдек, ушбу марказлар фаолиятини тартибга солиш бўйича Низомни тасдиқлади. Унга кўра, мамлакатда 1777 та маданият уйлари негизида 894 та маданий ҳордиқ марказларини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, шулардан 38 таси имконияти чекланган кишилар учун мўлжалланган¹⁰¹.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев “Кейинги даврдаги иш фаолиятимда ҳам ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ташвиш ва муаммолари билан бевосита шуғулланиб келаман. Шунинг учун ҳам атоқли маърифатпарвар инсон-

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда «2013 – 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори / Халқ сўзи. 2013 йил 26 июнь.

ларнинг доно ўғитлари, машхур педагогларнинг бу масала бўйича қарашлари билан мунтазам равишда танишиб бораман”¹⁰², деб таъкидлайди.

Бугунги ёшлар эртанги жамиятимизнинг тақдирини белгиловчи авлоддир. Ёшларга қатъий тарбия берсак, бизнинг келажагимиз ҳам шундай бўлади. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказишда, маданий-маърифий муассасаларнинг имкониятлари катта. Ўқув юртлари, асосан билим, тарбия бериш билан шуғулланса, маданий-маърифий муассасалар уларнинг бўш вақтини мароқли ўтказишга кўмак беради. Бироқ, жойлардаги маданият муассасалари аҳолининг барча қатламлари учун умумий тадбирларни ўтказадилар. Улар ёшларнинг эhtiёжи, қизиқиши ва уларнинг руҳиятига мос тадбирларни тайёрлашга алоҳида эътибор бермаяпти. Натижада маданий-маърифий муассасаларнинг ёшлар маънавий, ахлоқий, руҳий, бадиий тарбиялаш борасидаги фаолияти керакли даражадан паст бўлмоқда.

Биз кўп йиллар давомида маърифат ва маданиятга нотўғри муносабатда бўлдик. Унга сарфланаётган маблағлар доим бошқа соҳаларидан кам бўлди. Натижада биз бу масалада орқада қолиб кетдик. Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим ва ниҳоят, шу соҳаларда ишлаётган кадрлар масаласи. Ўқитувчилар ва шифокорлар, маданий оқартув муассасаларидаги ва бошқа соҳалардаги кўплаб мутахассислар чинакам зиёлилар. Айниқса, олимлар ва ижодкор ходимларимизга эътибор кучайтириш керак. Чунки маънавий бойликларни айнан шулар яратади. Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча моддий маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулиятли вазифасидир¹⁰³.

¹⁰² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз Т.: “Ўзбекистон”, 2017 йил. Б. 296

¹⁰³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият 2008. – Б. 65–66.

Янги авлод маданият ва маданий-маърифий муассасалар, мафкурани шакллантириш ва халқимиз онгига сингдиришга катта имкониятларга эгадир. Бунда театр, кутубхона, клублар, маданият уйлари ва маданият саройлари, истироҳат боғлари, музейлар ва бошқа муассасалар фаолиятдан кенг фойдаланиш, кишиларнинг дунё қарашини юксалтирадиган, одамларга руҳий ва маънавий озуқа берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш лозимдир. Миллий истиқлол мафкураси тамойилларида кўрсатилганидек, маданий-маърифий муассасаларда турли анжуманлар, давра суҳбатлари, баҳс мунозаралар, учрашувлар, уюшмалар, миллий истиқлол мафкурасининг мазмуни ва моҳияти ёшлар онгига тушунарли тезда етиб борадиган қўлланма ва маслаҳатлар ишлаб чиқса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ўринда маданий-маърифий муассасалар ёшларни маънавий камолотига етказишда ва уларнинг дунё қарашини шакллантиришда ҳамда миллий истиқлол мафкурасини уларнинг онгига сингдиришда таълим-тарбия мазмуини мукамал ишлаб чиқаришлари лозим.

Эндиги пайтда ёшлар тарбиясида маданий-маърифий муассасаларда кундаги талаб ва таклифлар тавсиялар киритиб янада изчил олиб борса, самарали натижа беради:

- Ёшларни ҳар томонлама шакллантиришда уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш;

- Ўқитувчи ва мураббийлар ижодкорлигини таъминлаш касб маҳоратларини оширишнинг самарали йўллари излаш;

- Қишлоқ ёшлари учун таълим, маданий- маърифий муассасаларнинг замонавий шакллари кенг жорий этиш;

- Ёшлар учун дунёқарашни кенгайтирадиган қизиқарли телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар мунтазам ташкил этиш, кино кўрсатувлар, кутубхоналар бўйича беллашувларни мунтазам равишда уюштириш;

- Маданий-маърифий муассасаларни энг замонавий техника ва технология билан таъминлаш;

- Таълим-тарбия ишлари шакллари, усул ва воситаларини жаҳон андозаси талабларига мос ҳолда ривожлантириш;

- Кутубхоналарда сақланаётган миллий ёзма мерос ва ҳужжатлар ҳақидаги ахборотларни кенгайтириш;
- Китобхонларни жалб қилиш учун янги биноларни қуриш;
- Янги кўргазмалар технологияларни қўллаган ҳолда қизиқарли дил- тортар кўргазмалар ташкил этиш;
- Ёшларга, ўқитувчиларга ва кенг оммага ёрдам бериш мақсадида маъруза ва нутқ оммавий тадбирлар орқали ўқувчилар билимини бойитувчи дастурини ривожлантириш;
- Республикамиз ҳудудида ҳозирги кунгача барпо этилган қишлоқ маданият марказлари фаолиятини кенг ўрганиш;
- Қишлоқ жойларда маданият марказлари барпо этиш учун ҳозирги кунда зарур имкониятлар бўлмаган жойларда ҳашар билан қурилиш ишлари олиб бориш, бу ишларга аҳоли ёшларини ва тижорат корхоналарининг ҳомийлик ёрдамини жалб этиш;
- Қишлоқ маданият масканлари барпо этишни тарғиб этиш мақсадида жойларда ҳудудий семинарлар ва кенгашлар, учрашувлар, қизиқарли тадбирлар ташкил этиш. Бу ишларни ёритишга оммавий ахборот воситаларини жалб этиш;
- Барча миллий услубиёт марказлари тарафида қишлоқ маданият масканлари барпо этиш ишларига оид услубий ва оммавий қўмиталарни ва тавсияномаларни яратиш.

Хуллас, Ёшларжамиятида рўй бераётган ўзгаришларни ўзгача қилиб оладилар, қийинчиликлар вужудга келганда эхтиросларга берилдилар. Шу боис, маданий-маърифий муассасалардаги асосий вазифаларни ёшларни тўғри йўлга бошлаш, ёшларга бўлган эътиборни кучайтиришдан иборатдир. Ёшлар маънавий тарбия муаммолари маданий-маърифий муассасаларнинг асосий иши бўлиб, унга бурч ва маъсулият нуқтаи назардан ёндашмоқ керак. Шундагина юртбошимиз таъкидлаганидек, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантиришга бўлган ва ўз олдимиздаги қўйилган мақсадларга эришамиз.

ИННОВАЦИОН ЖАМИЯТДА ЁШЛАРНИНГ СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШИГА НОАНИҚЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

У.Ф.Сабилова

*Ўзбекистон Миллий Университети,
Социология кафедраси докторанти,
с.ф.н., доцент*

Ўзбекистон Республикаси ўтган 27 йил мобайнида трансформациялашув, сўнгра модернизациялашув ва инновацион жамиятга ўтишда техник ва ахборот-технологик ривожлантириш босқичи сари қадам қўйди. XX асрнинг интиҳоси ижтимоий ҳаётда янги типдаги ахборот маконининг пайдо бўлиши билан якунланди ва XXI асрда эса компьютер технологияларининг юқори суръатдаги тараққиёти туфайли инсоният тафаккурида янада сермазмун аҳамият касб эта бошлади. Аниқроқ айтадиган бўлинса, мазкур макон рақамли телекоммуникацион технологиялар ёрдамида такомиллаштирилди. Унинг истеъмолчилар томонидан ўзлаштирилиши жамиятга телефон, кабель телевидениеси, замонавий автомобиллар ва янги даврнинг бошқа техник янгиликлари ўзлаштирилишидан кўра тезроқ ва самаралироқ кечмоқда.

Техноэлектроник тараққиёт XXI асрнинг биринчи ўн йиллигини ўзидаёқ жамият трансформациялашуви ядросини ижтимоий тараққиёт қобиғида бир неча карра тезлигини ошириб юборди. Мисол учун XX аср тадқиқотчисининг ўз илмий иши учун зарур бўлган илмий адабиёт ёки манбани қидириб топиши учун кунлаб, ҳафталаб, ойлаб ва ҳатто йиллаб вақт сарфлагани сир эмас. Бугун эса ҳафсала қилинса ИНТЕРНЕТ тармоғидаги сайтлардан бирида ўзингизга керакли исталган ахборотни маълум бир дақиқалар ичида қўлга киритишингиз мумкин. Фарқ шундаки, ўтган аср вақт меъзони бўйича узоқ вақт мобайнида тўпланган, аммо бугунги кун билан таққослаганда у қадар кўп бўлмаган маълумотларни бир тизимга солиб, қатъий белгиланган вақтда ишни якунига етказиш мумкин эди. Аммо

ахборотлар жамияти кишиси меъеридан ортиқ манбалар базасини қўлга киритгач, *ноаниқликларга* дуч келмоқда. Коммуникацион технологияларнинг сўнгги йилларда тез-тез ўзгариб турадиган энг сўнгги авлодларига ҳар доим “ташна” бўлиб яшайдиган социал қатлам – ЁШЛАР эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳар бир коммуникацион авлод ўзгариши уларнинг тафаккур ва турмуш тарзида янгидан-янги *ноаниқликларни* келтириб чиқараверади.¹⁰⁴

Ўзбекистоннинг глобал дунёга тизимли равишда трансформациялашиб бориши биринчи навбатда мамлакат ёшлари ва уларнинг ижтимоийлашуви билан ҳам аҳамият касб этади. Замонавий ёшларнинг социал муҳит шарт-шароитларига ижтимоийлашувидаги хусусиятлар трансформациялашган жамият ва унинг оқибатида вужудга келган субъектив вазиятларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу жараёнда ёшларнинг ўз олдиларига қўйган вазифалар, шарт-шароитга мослашув ва истиқболдаги эришилиши кўзланган мақсадлар социологик нуқтаи назардан илмий таҳлил ва башорат қилиниши лозим. Инкор этишнинг ҳолати йўқ, ёшлар мавзуси бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида жиддий таҳлил қилинган. Шундай бўлсада мавжуд ахборотлашган жамият замонавий ёшлар олдидан турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, интернет тармоғи имкониятларидан ҳамма вақт ҳам унумли фойдалана олмаслик, баъзи ҳолатларда мавжуд ахборот оқимига нисбатан мафкуравий иммунитет кўникмасининг етишмаслиги уларнинг технологик трансформациялашган жамиятга ижтимоийлашуви қийин кечаётганидан далолат беради.

Жамиятда глобал трансформациялашув жараёнларининг кечиши натижасида унга нисбатан қатъий тартибда ёшлардаги ижтимоийлашуви ҳам кескин ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонуннинг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунлар” деб номланган 4-модданинг

¹⁰⁴ Қаралсин: Чупров В.И., Зубок Ю.А., Певцова Е.А. Молодежь и кризис: Диалектика неопределенности и определенности в социальном развитии. – М.: Русское слово, 2009. – 174 стр.

2-бандида шундай ёзиб қўйилган: “Ўзбекистон Республикаси ушбу қонун орқали 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга тааллуқли ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизини белгилаб беради ва уни тегишли қонунларни ривожлантириш ҳамда тизимга солиш учун асос деб эътироф этади”¹⁰⁵.

Қиёслаш учун ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг 2000 йили чоп этилган йиллик мониторингида ёшлик даври кўрсаткичлари 15-24 ёш оралиғида олиб таҳлил этилган.¹⁰⁶ Бунда биз ёшликнинг кейинчалик 14 ёш қилиб қисқартирилишини танадаги биологик ўзгариш (вояга етиш) умумий ҳолатда тезлашганлигидан, 30 ёшгача узайтирилганликни эса ахборот маконидаги тезлик, ҳамда глобаллашиб бораётган жамиятдаги интеграциялашувга нисбатан социал ва руҳий кайфиятнинг ўзгариши билан изоҳлашимиз мумкин. Социологик нуқтаи назардан олиб қараса, ёш даврига алоҳида эътибор қаратиш ёшларнинг нафақат ҳаёт йўлини акс эттириб қолмасдан, у ижтимоий ҳаётдаги социомаданий жиҳатларни ҳам намоён этади. Когорт¹⁰⁷ тадқиқотларга асосланиб, 14-30 ёшлар оралиғида тадқиқотчи уларда ўспиринлик даврида юзага келадиган ўзига хос субмаданиятлар, университетда ўқиш ёки бирон бир корхонага ишга жойлашиш, оила қуриш ва унинг таъминоти чоғида юзага келадиган мураккабликларни ўрганиш учун тизимли тадқиқот ишларини олиб боради.

Мавжуд статистик маълумотлар асосида ёшларнинг социал жиҳатидан шаклланиб боришида юзага келадиган *ноаниқликларнинг асосий меъзони 12-14 ёш ва 16-18 ёшлар оралиғида кечади*. Биринчисида танада кескин биоўзгариш-

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1991 йил 20 ноябр. № 429-ХII.

¹⁰⁶ Қаралсин: Молодежь в меняющемся обществе. Проект MONEE, ЦВЕ/СНГ/Балтия //Региональный мониторинговый доклад. –№ 7, 2000 год. – 194 стр.

¹⁰⁷ Когорт тадқиқотлар асосан фақат бир йилда туғилган ёш даври ёки фақат бир жинс ёки миллат ва б. вакиллари орасида ўтказишга мўлжалланган бўлади / Қаралсин: Ядов В.А. Стратегия социологического исследования. Описание, объяснение, понимание социальной реальности. – М.: Добросовет, 1998. – С.44.

нинг бориши билан изоҳланса, иккинчисида жамиятга нисбатан ижтимоийлашувдаги қийинчиликларни юзага келишида содир бўлади.¹⁰⁸ Бунда анъанавий жамият хусусиятларидан келиб чиқиб, учинчи меъзон, яъни 21-25 ёш оралиғидаги биоижтимоийлашув жараёнида кечадиган *ноаниқликларни тадқиқ этиш таклифини* илгари сурмоқчимиз. Тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қараганда тананинг шаклланиб бориши 25 ёшгача давом этади. Аммо аксарият анъанавий жамиятларда оила-никоҳ муносабатларига эрта киришиш натижасида организмнинг шу ёшгача бўлган “тарбия”си анча эрта тўхтади. Масалан, узоқ йиллардан бери ўсмир ва ўспиринларимизнинг спорт, санъат ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларини етуклик давридаги ёшлар такрорлай олмаяптилар. Бизнинг назаримизда анъанавийликдаги мураккаб қадриятлар 20 ёшдан кейин социал ҳаётда бирданига мураккаблашиб кетади. Улар ижтимоийлашувидаги ноаниқликлар негизидаги устуворлик *жамият-шахс* тизимидан аста-секинлик билан *жамият-авлод* тизимига қараб ўзгариб боради. Ёш каттариб, улуғлашиб боргани сари аксарият кишиларда баланс тўлиқ *жамият-авлод* тизимига ўтиб бўлади. Бу эса ўз навбатида бошқа тармоқлар, жумладан, фан ва таълим соҳасида ҳам юқори суръатдаги профессионализмнинг шаклланишига жиддий таъсир қилади.

Инглиз социолог-тадқиқотчиси З.Бауман замонавий жамиятда ёшларнинг ҳаёт йўлларидаги ўзгаришларга сабаб бўлувчи *ноаниқликларни* постмодерн тамойили билан боғлайди. Унга кўра:

- маданиятдаги плюрализм (ранго-ранглик) бир вақтни ўзида кўплаб жабҳалар, хусусан, қадриятлар, мафкура, ҳаёт шакли, турмуш тарзи ва шу кабиларни қамраб олади;

- доимий вужудга келадиган ўзгаришлар;

- оммавий ахборот воситалари ва уларнинг махсулотларини етакчилик қилиши;

- мавжуд воқеъликдаги асосий омилларни қамраб ололмаслик оқибатида, рамзий белгиларга эҳтиёж сезиш.¹⁰⁹

¹⁰⁸ Чупров В.И., Зубок Ю.А. Социология молодежи. Учебник. – М.: НОРМА, 2011. – С.15.

¹⁰⁹ Bauman Z. Intimations of Postmodernity. L.: Routledge, 1992.

Ҳаётнинг юқори суръатда тезлашиб кетиши ёшлар турмуш тарзида социал *ноаниқлик*ларни кўпайишига ва унинг натижасида уларнинг ўзларини хавфга қўйишлари кучайиб бормоқда. Социологлар “*ноаниқлик*” тушунчасини куйидагича изоҳлайдилар: “Тизимли ёндашув (Т.Парсонс назарияси)дан келиб чиқиб, *ноаниқлик* социал тизимда вужудга келадиган ўзаро фаолият элементларидаги муносабатларни акс эттиради”¹¹⁰. Ноаниқликни англаш учун аниқлик элементини В.Готт ва А.Урсуллар *аниқлик* таснифи билан қиёслайдилар: “Агар *аниқлик* ҳолати шахслар (*ёшлар* К.К.) орасида бир-бирига нисбатан мустақил, кескин фарқ қилувчи социал, руҳий чегаралар билан ажралиб турса, *ноаниқлик* мавжуд объект ёки ҳодиса жараёнларида қарамлилик, бўйсунушлик кузатилади”¹¹¹.

Социолог шахснинг, хусусан, ёшларнинг жамиятга мослашув жараёнини ижтимоийлашув жараёнлари билан ўрганеди. Табиийки, ижтимоийлашув вояга етиб келаётган ҳар қандай индивидда ижобий ёки салбий хусусиятларни бир вақтда ўзлаштириб бораверади. Бунда шахсга таъсир кўрсатувчи объект (социал гуруҳ, жамият, социал институтлар, биомухит ва ш.к.)нинг ўрнини тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади. Россиялик тадқиқотчи Н.К. Жамсуева ўз илмий ишида ёшлардаги ижтимоийлашув жараёнларини куйидаги жиҳатлар билан боғлайди:

- адаптация (нафақат ташқи муҳит жараёнларига, балки инсоннинг ички руҳий дунёсини шакллантирувчи фаол ва нофаол кечинмаларга мослашиш);

- ҳис қилиш (жамиятдаги мавжуд билимлар тизимини ўзлаштиришда, уни объектив фаолиятнинг инъикоси сифатида қараш);

- тақлид қилиш (Г.Тардга кўра тақлиднинг психологик механизмлари онгли ва онгсизлик кўриниши сифатида индивиднинг ҳулқ-атворини белгилаб беради);

¹¹⁰ Чупров В.И., Зубок Ю.А., Певцова Е.А. Молодежь и кризис: Диалектика неопределенности и определенности в социальном развитии. М.: «Русское слово». – 2009. – С. 26-27.

¹¹¹ Готт В., Урсул А. Определенность и неопределенность как категории научного познания. Кишинев, 1971. – С. 56.

- ўзаро фаолият орқали (индивид ва жамият ўртасидаги муносабатлар ижтимоийлашув объектнинг коммуникатив жиҳати ҳисобланади);

- таъсир ўтказиш (жамият ва референт гуруҳларнинг мақсадга йўналтирилган таъсир ўтказиши натижасида онгсизлик ҳолатида қадриятли ва меъёрий установакаларни ўзлаштириш);

- фасилизация (ҳулқ-атвори юмшатиш, бунда референт гуруҳлар индивидга маълум даражада эркинлик бериб, унга ижодий ёндашиш асосида ўз тажрибасини намоён қилиш имконини беради);

- ингибиция (ҳаракатнинг пасайиши, индивиднинг ҳаётий тажрибада ўзи тўплаган социал тажрибаси асосида шаклланган ҳулқ-атвориға атрофдагиларнинг тўсқинлик қилиши);

- эмпатия (индивиднинг ўзини бошқалар ўрниға қўйиш қобилияти ёки шунға тайёрлик, воқеъликка ўзға киши кўзи билан қарашға ҳаракат қилиш);

- эспектация (индивидларнинг ўз фаолиятларини бошқа кишилар кутган реалликлар билан олиб бориши);

- идентификация (шахснинг ўзини бошқаларда мавжуд белгилар билан ҳис қилиш, англаш жараёни)¹¹².

Бугунги кунда социомаданий муҳит жиддий ўзгаришға учраган. Бу нафақат қадриятлар тизимининг ўзгарганлиги, балки янги типдаги ахборот–коммуникатив макон – Интернетнинг пайдо бўлганлиги ҳисобига содир бўлди. Интернет истеъмолчиларининг ёши бўйича гуруҳларининг фоиз ҳисобида мувофиқлашуви социологларни янги фактор –Интернет таъсирида ижтимоийлашув натижаларининг турғунлиги ва ўзгарувчанлиги диалектикаси масаласига эътибор қаратишға мажбур этмоқда.

Янги ахборот технологиялари фаолиятининг ижтимоий-гуманитар натижалари бениҳоя ранг-барангдир. Улар инсон меҳнат фаолияти характерини, унинг ижтимоий алоқаларини, ижтимоий муносабатларнинг шакл ва мазмунини ўзгартиради. Шу билан боғлиқ равишда

¹¹² Жамсуева Н.К. Социализация молодежи в обществе переходного периода (общетеоретический подход). Улан-Уде, 1999. – С. 23-24.

тадқиқотчиларнинг диққат-эътибори марказида ахборот технологияларининг инсон руҳиятига таъсири, компьютер воситасидаги мулоқот ва Интернетдаги инсон фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари каби масалалар ўрин олди. Бир неча ўн йил аввал (1962 йили) телевидение ва ахборот узатишнинг бошқа электрон воситалари ривож билан боғлиқ равишда М.Маклюэн фикрлаш усулидаги ўзгаришни қайд этган эди (чизиқли фикрлаш урнини “мозаикали” фикрлар эгаллай бошлади, тафаккурнинг асосий Тузилмалаш тамойили сифатида мифнинг қайта тикланиши ва ҳ.к.) М.Маклюэн фикрлаш усули ва социал муносабатларнинг ўзгаришига “мулоқот воситалари”нинг таъсирига алоҳида эътибор қаратиб, маданият социологияси соҳасидаги замонавий татқиқотларнинг йўналишини белгилаб берди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жамиятда ёшларнинг ижтимоий ҳаётга ижтимоийлашувидаги *ноаниқлик* позицияси замонавий шароитда социал ва психологик мазмун касб этиб, уни демографик, биомуҳит ва ижтимоий ҳодисаларни инobatга олган ҳолда изчил тадқиқ этишни талаб этади. Умуман олганда янги ахборот технологиялари ва улардан инсон ҳаётида фойдаланишни такомиллаштириш борасида бир- бирига мутлақо зид бўлган баҳо ва прогнозларни учратиш мумкин. Бир томондан, ижтимоий фикрда компьютерларнинг ёш авлоднинг онгу тафаккурига фақат салбий таъсир ўтказиши ҳақидаги тушунча ўрнашиб қолган. Аммо бу фикрга зид ўлароқ янги ахборот технологияларнинг жамиятга ва жумладан, таълим тизимига фақат ижобий, самарали таъсири ҳақидаги ўта кўтаринки қарашлар ҳам кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикасида кечаётган социалиқтисодий ислоҳотлар негизида мазкур кўтарилган масала ахборотлар жамияти кишиси характерини баҳолашда ўзининг илмий аҳамиятига эга бўлиб бораверади.

ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ СИФАТИДА

Ч.Мирхолиқова

*Низомий номидаги Тошкент Давлат
Педагогика университети
таянч докторанти*

**“Эртанги кунини ўйлаган, рақобатбардош
бўламан деган давлат илм билан ҳамнафас
яшайди”**

Шавкат Мирзиёев

Бугунги кунда, ёш авлоднинг интеллектуал **салоҳия-
тини** юксалтириш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларини бадиий, маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз жадал ривожланаётган бир даврда аждодларимиз, донолар фикрида ўз аксини топган китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Китоб кишилик жамиятининг доимий маънавий эҳтиёжи бўлганлиги сабаб унинг мутолаасига чорлов ва китобхонлик маданиятини шакллантириш тарғиботи ҳамшиша керак. Айниқса, бугун аҳолида китобхонлик иштиёқини уйғотиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб тус олди. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол шаклланишида китоб мутолаасининг ўрни беқиёсслигини англаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январда «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Бу ҳужжатда аҳолининг кенг қатламини китоб ўқишга жалб қилиш, китоб ўқиш ва китобхонликни тарғиб этиш, вояга етган фарзандларимизни боғча ёшидан бошлаб китобга меҳрли қилиб

тарбиялаш, китоб маҳсулотларининг мазмунига эътибор бериш, уларни чоп этиш сифатини яхшилаш, турли мазмундаги китоблар билан тўлдирилган китоб дўконларини кўпайтириш, китоблар фонддини янада бойитиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрь кунидаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сонли Қарори ҳамда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга муҳим қадам бўлди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тўртинчи ташаббус тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири ёшларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида шаклланиши ҳамда маънавий ва интеллектуал ривожланишидир. Бу вазифаларни амалга оширишда бевосита улар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг шароит яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кунда, ҳукуватимиз томонидан 5та муҳим ташаббусни амалга ошириш мақсадида жуда кўп ишлар қилинмоқда, хусусан бундай ҳайрли ишларни айнан мактаблардан бошланиши эса айни муддаодир. Зеро, ўсиб келаётган авлод билимга, китобга қизиқишни аввало оиладан, кейин мактабдан олади. Бу жараёнда таълим ва тарбиянинг роли жуда муҳим. Маданият, маданиятлилик ғоятда кенг тушунчалар, бироқ ким нима демасин, ким қандай талқин қилмасин, бу тушунчаларнинг моҳиятида тарбия, тарбияланиш ҳодисаси ётади. Инсон — тарбияланувчи мавжудот. Тарбиянинг шакллари эса кўп. Аммо-лекин унинг ўзак ва таянч нуқтаси му-

толаа ва яна мутолаадан бино бўлади! Зеро, китобхонлик маданияти умумий маданиятнинг мағзи, мазмунидир. Бу ҳақиқатни ёниб-куйиб айтмаган, мутолаага даъват қилишни ҳаётий масалага айлантормаган донишманд, зиёли инсон топилмаса керак.

Китобхонлик маданияти табиий равишда ўзгарувчан, тобланувчан ҳодисадир. Унинг ўзгарувчанлиги давр, замон ва макон билан чамбарчас боғлиқ. “Китобхон” сўзининг луғавий маъноси “китоб ўқувчи”дир. Китобхонлик эса, фаолият тури ҳисобланади. Яъни, китоб ўқишни ташкил этиш, китоб ўқиш билан шуғулланишдир. Мутолаа маданияти китобга қизиқиш, одамларнинг адабиётлар билан кенгроқ танишиш рағбати, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни тақозо этади. Мутолаа маданиятини эгаллаган киши манбани тўлақонли тушунади, ундан эстетик завқ ола билади, муаллиф фикри ва ғоясини англаб этади ҳамда уни баҳолай олади. Бундан ташқари китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, ўзини қизиқтирган масалаларга доир манбаларни топиб олиб, истеъфода қилиш йўлларини пухта ўзлаштирган бўлади. Китобни танлай билиш, уни юқори суръат билан ўқиш, авайлаб, сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради.

Демак, мутолаа маданиятининг муҳим таркибий жиҳати ундаги ихтиёрийлик, таълим олиш, ўқиб-ўрганишдаги англаш, фаолиятни эркин танлаш, такомиллашувга бўлган онгли рағбат, ички даъват тамойиллари бўлиб, улар инсон ривожланиши учун ўзига хос ҳаракатлантирувчи омиллар саналади. Маълумки, китобхонлик фақат кўп ўқиш билангина белгиланмайди. Унда аввало ўқиган китоблари воситасида эзгу характер, эзгу хулқ-одоб, соғлом дунёқараш, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий фаоллик шакллангандагина амалга ошади. Ёшларга яхши, зарур, фойдали ахборотни, китобни ажратиб беришда тажрибали мураббийлар, ўқитувчилар ва адабиётшунослар кўмагига эҳтиёж катта. Китобхонларни, айниқса, ёш китобхонларни, тўғри йўлга йўналтириш учун

малакали маслаҳатлар, тавсиялар зарур. Ўқувчиларни мутолаага йўллашни ривожлантириш – бу мутолаа соҳасида шахснинг энг яқиндаги ва истиқболдаги ривожланиши ва ўз ўзини ривожлантириш майдонини яратиш бўйича мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятдир.

Бола (ўсмир) ва катталар ўзаро ҳаракатининг маданий шакллари бундай фаолиятни амалга ошириш усулидир. Ўқувчи бадиий адабиётни ўзлаштириши тўғрисида сўз юритган ҳолда Н.М.Свирина куйидаги бўғинларни: ижодий ўзлаштириш ва муштарак ижодкорлик, бадиий маданият ҳолатини ҳиссий бошдан кечириш, санъат тиллари тўғрисида тушунча, бадиий маданият оламини ўзлаштириш натижаси сифатидаги талқин; муайян нуқтаи назардан келиб чиқадиган асар билан учрашувнинг мулоқот хусусиятини ажратиб кўрсатади. Мутолаанинг мулоқотли хусусияти нафақат ёзувчи томонидан балки ўқувчи томонидан ҳам саъй-ҳаракатларни тақозо этади, унда мавжуд бўлмаган ҳамсуҳбат билан мулоқотга киришига эҳтиёж ва салоҳият бўлиши лозим. Бундай эҳтиёж ва бундай салоҳият инсоннинг муайян маънавий сифатларидан келиб чиққан ҳолда шубҳасиз шахсий фарқланишларга эгадир. Ўқувчига китоб оламини очишга қодир бўлган педагогнинг ҳиссаси бу ерда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш тизимли жараёни ташкил этиб, бунда аввало китобхон шахсни ривожлантириш омили сифатидаги маданий муҳитни яратиш муҳим ҳисобланади.

Жамиятда мутолаа маданиятини ошириш, деганда фақат китоб ўқишнинггина тушуниш ҳам бир томонлама ёндашувга олиб келади. Ўқиш билан бирга одамларга фойдаси тегадиган, эзгу билимларни тарқатадиган, жамият ахлоқини такомиллаштиришга хизмат қиладиган китобларни чоп этишдан тортиб, уларнинг китобхонлар, жумладан фарзандларимиз томонидан ўзлаштирилиши, қалбига жо қилинишигача бўлган барча жараёнлар мутолаа маданиятининг таркибий қисмларидир. Бунга муаллифларнинг савиясию даражаси ҳам, ноширларнинг дид-фаросати ҳам, китоб савдоси ходимларининг малакасию кутубхоначиларнинг ўз касбини на қадар эгаллагани ҳам, ниҳоят ҳар бир

ота-онанинг (ўқитувчи-мураббийнинг) ўз фарзандини китобга ҳавасманд этиб тарбиялашдаги имкониятлари ҳам кириб кетади.

Узлуксиз таълим муассасаларининг барча бўғинларида болалар, ўсмир ва ёшларда китоб ўқиш кўникмасини ҳосил қилиш учун уларга босқичма-босқич такомиллашиб борадиган мутолаа маданияти технологияларини жорий этиш керак. Бунинг учун мутасадди ташкилотлар ва илм даргоҳлари ҳар бир ёшдаги китобхоннинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутолаа маданиятини шакллантиришга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДА ЁШ РАҲБАР ХОДИМЛАР БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ж.Ж.Эргашев

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва
истiqболли кадрларни тайёрлаш институти
таянч докторанти*

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

“Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида алоҳида тизим яратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)ларда ҳокимларнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар идораларида ҳамда Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий, туман (шаҳар) кенгашларда ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий этилди”.

Миллий иқтисодий тимизни инновацион ривожлантириш йўлида реал сектор корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг раҳбарлик лавозимларини ёш, юқори малакали, касбий маҳорат жиҳатдан ҳар томонлама пухта тайёрланган тажрибали мутахассислар билан тўлдириш устивор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам ёш раҳбарларни тайинлаш ва уларнинг қобилиятидан самарали фойдаланиш, касбий ўсишини таъминлаш ҳамда фаолият нуктаи назаридан кенг имкониятлар яратиш келинмоқда. Аммо, замонавий бозор шароитидан келиб чиқиб ёш раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини аниқлашда аниқ бир мезон асосида баҳолаш услубияти шакллантирилмаганлиги боис уларнинг фаолият натижадорлиги мавҳум ҳолда қоляпти. Шу боисдан, ёш раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш ва баҳолаш бугунги кунда бошқарув соҳасининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Раҳбарларни баҳолашда икки асосий ҳолат доимо кўзга ташланади. Биринчи ҳолат бевосита баҳолаш мақсадидан келиб чиқади ва кўпроқ номзодни янги лавозимга лойиқлиги юзасидан маълумот олишга йўналган. Иккинчи ҳолат эса, самарали раҳбар ҳақидаги моделни яратишга қаратилган бўлиб, маълум жиҳатдан бундай эҳтиёж ҳар бир корхона раҳбарияти истагидан келиб чиқади. Корхона миқёсида раҳбарларни баҳолаш тadbирлари доимий аънага айланган сари бундай истак тобора аниқлашиб боради ва белгиланган норматив шакл кўринишини эгаллайди.

Ёш раҳбар – 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган, махсус тайёргарлик кўрган, замонавий бошқарувнинг сир-асрорла-

ри ҳамда қонун-қоидаларини пухта эгаллаган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлган мутахассисдир.

Ёш раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини **баҳолашнинг** аҳамияти шундаки – ёш раҳбар бошқарув фаолияти натижалари ва биринчи навбатда муайян бошқарув шароитида стратегик мақсадларга эришиш билан тавсиф-ланади. Умуман олганда ёш раҳбар кадрларни баҳолаш ҳам ишчилар фаолияти самарадорлигига ҳам корхона фаолияти самарадорлигига таъсир ўтказади.

Ҳозирги кунда раҳбар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича аниқ бир умумқабул қилинган меъзонлар мавжуд эмас.

Раҳбарнинг иш фаолиятини баҳолаш ташкилотнинг умумий иш фаолиятини бошқариш жараёнининг муҳим қисмидир, яъни ташкилотнинг стратегик мақсадларга эришишдаги раҳбарнинг қўшган ҳиссасини ўлчашдир.

Лавозимга муносиб раҳбарни танлаб, ишга ёллаш жараёнининг ўзигина эмас балки юқори тоифали раҳбарларни баҳолаш ташкилотнинг қабул қилиши мумкин бўлган энг мураккаб ва жиддий қарорларидан бири ҳисобланади. Бундай вазиятда раҳбарни танлашдаги хато ташкилот учун жиддий оқибатларга олиб келиши ва ҳатто ташкилотнинг фаолияти ва келажагини хавф остига қўйиши мумкин.

Раҳбар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш аста-секин жараён сифатида кўриб чиқилиши керак, бу босқичларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига, мезонларига ва асослаш усулларига эга.

Менежерларни мунтазам равишда баҳолаш ташкилотнинг муваффақиятли ишлаши учун муайян фойда келтиради, улар жуда муҳим бўлиши мумкин: раҳбарларни баҳолаш орқали ташкилот учун иш қобилиятлари ва бизнес кўникмаларини олиш ва ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин; баҳолаш ўз вақтида муаммоларни аниқлашга ёрдам беради ва уларни бартараф этиш учун тезкор чоралар кўришга ёрдам беради; менежерларнинг мунтазам баҳолари менежерлар учун ҳам, умуман ташкилот учун ҳам ривожланиш учун асос яратиш ва доимий ҳаракатланишга ёрдам беради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, раҳбарлар бошқарув фаолияти мунтазам равишда баҳоланиши керак. Баҳолаш натижаларига асосланган тавсиялар ҳар бир раҳбар учун ўз раҳбарлик карьерасини шакллантириш ва унинг фаолиятини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

З.Р.Исақова

*Наманган давлат университети,
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси
ва амалиёти кафедраси доценти, фал.ф.н.*

Б.Усманов

*Наманган давлат университети Ижтимоий-
иқтисодий факультети Тарих йўналиши I курс талабаси*

Цивилизациянинг илк босқичларидан ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган долзарб муаммолардан бири ёшлар масаласидир. Ўз даврининг буюк мутафаккирлари, алломаю давлат арбоблари жамият тараққиёти, барқарорлиги ва тинчлигини ёшлар тарбияси билан боғлаган. Қаерда соғлом муҳит, мукамал ахлоқий тарбия, қадриятлар ва анъаналарга эҳтиром бўлса, ўша жойда тараққиёт, юксалиш, хотиржамлик ва фаровонликка эришилган. Ёшлар тарбияси лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинган ҳудудда инқироз ва таназзул рўй берган. Ҳар бир даврда ёшлар жамиятнинг ҳал қилувчи кучи бўлган. Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани эътиборга лойиқки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини руёбга чиқариш биз олиб бораётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишидир¹¹³.

¹¹³ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 йил 29 июнь / Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 489-бет.

Таълим ва тарбия, илм-фан, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш, ҳозирги даврдаги замонавий тараққиётнинг етакчи омили бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсати – демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва инсонлар эркини таъминлаш борасидаги ҳар бир устувор йўналишларда ўз куч-қуввати, билими, салоҳияти, идроки ҳамда журъатини кучайтиришга қаратилган, ёшлар мавқеи ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган воқеликнинг инъикосидир.

Ёшларга оид давлат сиёсати ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашга йўналтирилган.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг марказида ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнларини тубдан такомиллаштириш ва замонавийлаштириш, баркамол авлодни вояга етказиш, кучли ижтимоий ҳимоя масалалари туришининг ўзига хос жиҳатлари борки, давлат ёшларнинг жамиятнинг келажагини таъминловчи ижтимоий қатламга айланишида етакчи ўрин тутди.

2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги янги Қонунида ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсад ва тамойиллари, ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси масалалари, таълим олиш ҳуқуқи, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги, иқтидорли ёшларга давлат кўмагини амалга ошириш каби ижтимоий тараққиёт учун зарур ва долзарб масалалар қамраб олинган.

Ер юзи аҳолисининг 20 фоизини ёшлар ташкил қилиши эътиборга олинса, мамлакатимизда ёшларга келажак бунёдкорлари сифатида катта ишонч билан қаралиши бежиз эмас. Глобаллашув жараёнлари кескин тус олиб, ёшлар тарбияси муаммолари долзарб аҳамиятга эга бўлган бугунги кунда ёшлар билан яқка тартибда ишни йўлга қўйиш, уларда ахлоқийлик фазилатларини шакллантириш муҳимдир. Истеъдодли ёшларни саралаш, танлаш ва уларга ёрдам бериб, хорижий мамлакатларда ўқиб, дунёвий тажрибаларни, жаҳон тараққиётини ўрганишлари учун

имкониятларни кенгайтириш давр тақозосидир. Зеро, мамлакатни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ¹¹⁴.

Фикримизча, фан-техника, ахборот технологияси жадал ривожланаётган жамиятда аксари ёшларнинг турли муаммоларга ўралиб қолишининг сабаби уларнинг дунёқараши, онги ва тафаккури билан боғлиқдир. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидаги ёшлар муаммолари ва ташаббусларини ўрганиш шарт ва зарур. Негаки барча ёшларни ижтимоий фаол дейиш тўғри эмас. Ёшлар тарбияси ҳам давлатнинг, ҳам жамиятнинг ишидирки, бу оиладан бошлаб, фуқаролик жамиятининг барча ташкилотларигача устувор вазифа ҳисобланади. “Бизни ҳамisha ўйлантириб келадиган муҳим масала – ёшларнинг одоб-ахлоқи, юриштириши, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган – ёшлар. Ёшлар ўз даври талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин ўзлигини ҳам унутмасин. “Биз киммиз”, “Қандай улуғ зотларнинг авлодимиз” деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”¹¹⁵.

Бугунги ёшлар ижтимоий фаол, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарни пухта эгаллаган, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган бўлишлари учун нима қилиш лозим?

1. Ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига

¹¹⁴ Мирзиёев Ш. Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақиға хизмат қилсин. Мамлакатимиз илмий жамоатининг вакиллари билан учрашувдаги нутқ. 2016 йил 30 декабрь / Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 168-бет.

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнда Тошкентда бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида ўтказилган анжуманда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 16 июнь.

қўмаклашиш, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланишига имкон яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш;

2. Ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятига йўл очиш, хотин-қизларга ҳунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, ёшларни қайта касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни қўллаб-қувватлаш;

3. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

Мамлакатнинг эртанги кунни, истиқболи, дунё **ҳамжамиятида** тутган ўрни ва мавқеи кўп жиҳатдан ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрликка, яратилаётган шарт-шароитга, ёшларнинг жисмоний ва маънавий баркамол инсон бўлиб етишишига боғлиқ. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, салоҳиятини юзага чиқаришга доир механизмларни ривожлантириш ва, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодда етакчилик кўникмаларини шакллантириш баркамол авлод ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дунё миқёсида илм-фан, саноат, қишлоқ хўжалиги, армия ва саводхонлик масалалари таназзулга учраётган, туғилиш, ахлоқ, таълим кўрсаткичлари тушиб кетаётган, болалар ўлими, гиёҳвандлик даражаси ўсиб бораётган, экологик буҳрон хавф солаётган, маънавий инқироз “оломон маданияти” тарзида намоён бўлаётган бир пайтда ёшларни бу таҳдидлардан асраб қолиш ҳукумат даражасига кўтарилган ёшларга оид оқилона давлат сиёсатининг нақадар муҳимлигини кўрсатади.

Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, ёшларнинг бандлиги даражасини тизимли асосда таҳлил қилишга, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашишга, тадбиркорликка кенг жалб этишга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга йўналтирилган чоратадбирлар амалда ўз ифодасини топса, кўзланган мақсадга эришилади.

ИНДЕКС ИЗМЕРЕНИЯ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

З.Т.Лухманова

*Докторант Института изучения проблем олодежи
и подготовки перспективных кадров
при Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан*

Согласно исследованиям стабильности, в мире во время Арабской весны с 2011 по 2013 гг. произошло большое количество политических потрясений. Одним из основных факторов потрясений является молодежь, или как отмечает Голдстоун в своем исследовании «молодежный бугор»¹¹⁶. В частности, об этом также свидетельствуют исследования проведенные Каратаевым, Исаевым, Шишкиной и другими исследователями изучающими стабильность¹¹⁷. В исследованиях проанализировано, значительное влияние «молодежного бугра» на стабильность политических режимов государств. В этой связи, в государствах, где прослежива-

¹¹⁶ Goldstone J. A., Bates R.H., Epstein D. L., Gurr T. R., Lustick M. B., Marshal M. G., Ulfelder J., Woodward M. A global model for forecasting political instability // American Journal of Political Science. 2010. Vol.54, No.1. Pp.190–208. Goldstone J, "The New Population Bomb," Foreign Affairs 89:1 (2010): 31–43.

Goldstone J. 1991. Revolution and Rebellion in the Early Modern World. Berkeley, CA: University of California Press.

Goldstone J. 2002. Population and Security: How Demographic Change Can Lead to Violent Conflict. Journal of International Affairs 56/1: 3–22.

¹¹⁷Гринин Л. Е. 2010. Мальтузианско-марксова «ловушка» и русские революции. О причинах Русской революции/Ред. Л.Е.Гринин, А.В.Коротаев, С. Ю. Малков. М.: ЛКИ/URSS. С. 198-224.

Гринин Л. Е., Коротаев А. В. 2009в. Урбанизация и политическая нестабильность: к разработке математических моделей политических процессов. Политические исследования 4: 34-52.

Коротаев А. В., Божевольнов Ю. В., Гринин Л.Е., Зинькина Ю.В., Малков С. Ю. «Ловушка на выходе из ловушки. Логические и математические модели».

Коротаев А.В., Лухманова З.Т., Шишкина А.Р. «Волна глобальной социально-политической дестабилизации 2011-2015 гг.: количественный анализ» .Полис 25.06.2018.

ется большая доля молодых людей, должна проводиться конструктивная молодежная политика, направленная на создание условий для развития молодежи. Вместе с этим, анализ государственной молодежной политики таких стран как США, Канада, Российская Федерация, Казахстан и Кыргызстан показал, что на сегодняшний день в мире отсутствует единого измерительного конструкта, оценивающего реализацию молодежной политики государств.

В этой связи, для выявления влияния государственной молодежной политики на стабильность политического режима, в данной статье будет рассматриваться первый этап данного исследования, в частности проанализированы существующие индексы в мире касающиеся молодежи, а также попытка построения Индекса измерения молодежной политики на примере Республики Узбекистан. Поскольку, на сегодняшний день наличие данного индекса в Узбекистане является требованием проводимых реформ в стране, как в молодежной политике, так и в социальной политике в целом¹¹⁸.

Индекс как инструмент измерения реализации молодежной политики: международный опыт

В современной политической науке существуют различные индексы, которые позволяют ранжировать государства на основе оценочных категорий «лучше-хуже», «больше-меньше». В этой связи, для определения уровня реализации и сравнения молодежной политики на территории Узбекистана будет разработан «Индекс измерения молодежной политики». Индекс позволит на основе измерительного конструкта сравнить уровень реализации молодежной политики на местах, а также определить наиболее эффективные и неэффективные регионы.

“Индекс” - это совокупность измерительных индикаторов, отражающих качество или состояние политической системы и позволяющих проводить сравнительный ана-

¹¹⁸ Закон Республики Узбекистан « О государственной молодежной политике»,(14 сентября, 2016 г.).

Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5106 от 5 июля 2017 года «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза Молодежи Узбекистана».

лиз (от лат. Index- список, реестр, указатель)¹¹⁹. В широком смысле понимания слова «индекс», в науке существует два понимания. В частности первое, индекс - это число либо символов (набор символов) для указания места элемента в совокупности элементов, второе, индекс – это показатель активности, производительности, развития или измерения чего-либо. То есть, индекс отражает в себе внутренне взаимосвязанный комплекс индикаторов (измерений).

Для определения измерительных показателей Индекса молодежной политики следует теоретически операционализировать понятие молодежная политика. Теоретическая анализ понятия «молодежная политика» показал, что в целом определения понимания государствами молодежной политики неидентичные. Так, к примеру, в развитых странах «молодежная политика» со стороны государства адресована на развитие подрастающего поколения¹²⁰. В развивающихся странах под молодежной политикой понимается системное и стратегическое обеспечение и поддержание государством молодых людей¹²¹.

Государственная молодежная политика - это система государственных приоритетов и мер, направленных на создание условий и возможностей для успешной социализации и эффективной самореализации молодежи, развития ее потенциала в интересах государства. Государственная молодежная политика формироваться и реализовываться органами государственной власти и местного самоуправления при партнерском участии молодежных и детских общественных объединений, неправительственных организаций и иных, юридических и физических лиц¹²². Отсюда следует, что молодежная политика - это системное и стратегическое обеспечение, поддержание и развитие подрастающего по-

¹¹⁹ Н.А.Антанович «Индексы как измерительный инструмент в политологии» УДК 32.01:303.

¹²⁰ UNESCO Global Youth Development Index and Report 2018

¹²¹ Андреев А.И., Ильин И.В. Государственная молодежная политика Российской Федерации: стратегические ориентиры развитие.

¹²² Коряковцева О. А. Государственная молодежная политика как фактор общественно-политической активизации молодежи в постсоветской России

коления со стороны государства. Соответственно Индекс в совокупности должен состоять из таких показателей как социально-демографические характеристики, продолжительность жизни, здоровье, семья, образование молодежи, общественно-политическая активность молодежи, трудовая и деловая активность молодежи в государстве, творческая активность молодежи, спортивная активность молодежи, преступления и правонарушения, совершенные молодежью, поддержка и сопровождение талантливой молодежи, помощь и поддержка молодежи, оказавшейся в трудной жизненной ситуации, система профессиональной ориентации и трудоустройства молодежи, деятельность по профилактике, асоциальных явлений в молодежной среде, допризывная подготовка молодежи, поддержка молодых семей, нормативная и правовая база отрасли, учреждения и организации по работе с молодежью, органы по делам молодежи и бюджетное финансирование сферы государственной молодежной политики.

Разногласия существуют не только в понимании «молодежной политики», но и в понятии «молодежь». В частности специалисты UNESCO отмечают, «молодежь» - это неоднородная, постоянно изменяющаяся группа и в разных странах вкладывают в понятие «молодой» неодинаковый смысл. Так в одних странах под молодыми понимаются граждане от 16 до 24, в других от 14 до 30. К примеру, Канадское государство в силу федеральной формы правления в государстве используется несколько определений молодежи: статистическое управление Канады определяет молодежь граждан в возрасте от 16 до 28 лет; Канадская Программа развития людских ресурсов и навыков под молодежью понимается группу людей от 15 до 24 лет; Закон №89 (2017 г.) «Об услугах для детей, молодежи и семьи», выделяет, «молодежь», как граждане от 16 лет, но не достигшего 19 лет, «ребенок» - это лицо в возрасте до 19 лет. В Стратегии о Национальной молодежной политике Канады отмечается, что «молодежь» - это граждане в возрасте от 15 до 34 лет¹²³. То есть,

¹²³ <https://www.canada.ca/en/youth/programs/policy.html>

существуют неоднородное понимание молодежи не только в мире между государствами, но и в государстве в целом.

В целом, для соблюдения правильного измерительного конструкта в построении индекса, в данном исследовании берется максимальное значение возрастного диапазона, в частности, под молодежью будут пониматься молодые люди от 14 до 30 лет. Данное понимание определено также в Законе «О государственной молодежной политике Республики Узбекистан», «молодежь (молодые граждане) – это лица в возрасте от четырнадцати до тридцати лет включительно»¹²⁴.

Определение перечня статистических показателей индекса молодежной политики позволит объективно оценить эффективность проведение молодежной политики в государстве на региональном уровне. Для построения Индекса молодежной политики, были изучены методы и модели измерения, практикуемые в международных организациях и государствах касательно развития молодежи, молодёжной политики и т.п. На сегодняшний день в мире не существует определенного единого измерительного механизма молодежной политики.

Индекс измерения уровня реализации молодежной политики, поскольку в реализации молодежной политики играют такие важные понятия, как национальный интерес, уровень развитости государства, специфика государства и т.д. В этой связи, организации и государства предлагают свои модели измерения связанные с молодежью:

в частности, в Российской Федерации в 2000-ых годах был разработан «Индекс развития молодежи» по методологии Индекса развития человеческого потенциала, данный индекс позволяет комплексно оценить состояние человеческого потенциала молодого поколения. Индекс состоит из трех индикаторов, таких как «здоровье», «образование» и «доход». Индикатор «здоровье» измеряется посредством данных о количестве умерших молодых людей по различным причинам, в частности различные болезни и несчастные случаи. Индикатор «образование» рассчитывается

¹²⁴ Закон о молодежной политике Республики Узбекистан

исходя из доли грамотных среди молодежи, состоящий из охвата и качества образования. Индикатор «развития молодежи», состоит из дохода молодых рассчитанный по данным Росстата. Индекс развития молодежи рассчитывается исходя из среднего значения всех показателей. Индекс не прижился в реалиях России из-за федерального строя государства. В перспективе был разработаны показатели, оценивающие молодежную политику на уровне субъектов Российской Федерации. На сегодняшний день отсутствует единый индекс измерения молодежной политики.

В Республике Казахстане ежегодно со стороны Научно-исследовательского центра «Молодежь» измеряется Уровень благополучия молодежи. Индекс разработан на основе методологии «Международного Индекса благополучия молодежи», но основными источниками измерения является национальная база данных. «Индекс благополучия молодежи» Казахстана состоит из шести индикаторов, таких как «безопасность и защищенность», «гражданское участие», «экономические возможности», «образование», «здоровье» и «информационно-коммуникационные технологии»¹²⁵.

В Республике Кыргызстан разработан Индекс благополучия и развития молодежи (ИБРМ). Основная цель Индекса определение направлений реализации и развития молодежной политики, а также повышение качества принимаемых решений касающихся молодежь на национальном уровне. ИБРМ был разработан на основе методологии Глобального индекса развития и Индекса благополучия молодежи. Индекс состоит из 8 индикаторов, в частности гражданское участие, экономические возможности образование, наука, здоровье, ИКТ, безопасность и защищенность, семья и культура¹²⁶.

¹²⁵ Индекс благополучия молодежи Казахстана и краткий отчет по результатам национальных онлайн-консультаций с молодежью Казахстана/ Мажилис Парламента Республики Казахстан/ «Научно-исследовательский центр «Молодежь»

¹²⁶ Индекс благополучия и развития молодежи в Кыргызской республике, г.Бишкек, ул.Фрунзе 402, 2017г, E-mail: office@dr.kg

Существуют так же международные индексы, как Глобальный Индекс благополучия молодежи, Индекс развития молодежи UNESCO, Индекс молодежного прогресса и др.

Глобальный Индекс благополучия молодежи включает 7 индикаторов: гендерное равенство, экономические возможности, образование, здравоохранение, участие граждан, безопасность и защита, а также ИКТ, Индекс охватывает 30 стран.

Индекс развития молодежи UNESCO¹²⁷. Данный индекс измеряется по пяти ключевым областям, состоящих из 15 показателей: образование, здравоохранение и благосостояние, занятость, гражданское и политическое участие. Индекс анализирует развитие молодежи в 170 странах мира.

«Индекс молодежного прогресса», измеряет качества жизни молодых во всем мире. Индекс молодежного прогресса был разработан Европейским молодежным форумом совместно с Deloitte, Международным институтом демократии и содействия по выборам (International IDEA), Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ), Бюро по демократическим институтам и правам человека (БДИПЧ) и Международной организацией работодателей (ИОЕ). Примечательно и то, что Индекс молодежного прогресса включает в себя показатели, касающиеся социальные и экологические аспекты жизни молодежи, исключая все экономические показатели. Индекс построен на основе 3 измерений (основные потребности человека, благополучие и возможности), состоящих из 12 компонентов и 60 различных показателей¹²⁸.

Индекс позволяет органам государственной власти, бизнесу и организациям гражданского общества систематически выявлять и определять приоритеты потребности молодых людей, устранять барьеры, с которыми они сталкиваются при соблюдении их прав, и предоставлять ресурсы, необходимые для формирования более эффективного молодого общества.

¹²⁷ UNESCO Global Youth Development Index and Report 2018

¹²⁸ <https://www.youthforum.org/youth-progress-index-measuring-young-peoples-quality-life-around-world>

Исходя из выше проанализированного, на сегодняшний день в мире много измерительных инструментов касательно развития молодежи, как на национальном уровне, так и на международном. Следует отметить, и тот факт, что отсутствует единый общепринятый измерительный конструкт реализации молодежной политики в государствах, в этой связи в данной работе будет предоставлен первичный «Индекс измерения молодежной политики» на примере Республики Узбекистан.

Индекс молодежной политики будет состоять из пяти индикаторов, включающих в себя 60 показателей. В частности, такие индикаторы как, «положения молодежи в обществе», «социальной активности молодежи», «деятельности органов государственной власти по реализации основных направлений государственной молодежной политики», «правления государственной молодежной политикой и ее инфраструктуры» и измерение «финансирование сферы государственной молодежной политики».

Индекс молодёжной политики будет мультипликативным, то есть показатели будут, перемножаются, так как величины измерения индикаторы молодежной политики неодинаковой размерности, в частных случаях будет применяться “линейное масштабирование” измерений. Также в ходе исследования для определения единого измерения будет применяться “метод главных компонент”. Метод главных компонент (англ. principal component analysis, PCA) — один из основных способов уменьшения размерности данных, потеряв наименьшее количество информации.

Построение данного Индекса в Узбекистане в полной мере может отразить уровень реализации молодежной политики на уровне областей, что в перспективе позволит на основе анализа написать и реализовать Стратегию развития молодежной политики Республики Узбекистан, исходя из уровня развития молодежной политики на местах.

ВЛИЯНИЕ ИМИДЖА МОЛОДОГО РУКОВОДИТЕЛЯ НА ДОВЕРИЕ В ОРГАНИЗАЦИИ

Н.Т.Азимова

*Докторант Института изучения проблем
молодежи и развития перспективных кадров
при АГУ при Президенте РУз*

В настоящее время, время бурного роста и развития нашей страны, молодым предпринимателям создаются все больше условий для создания своего собственного бизнеса, государством предоставляются возможности для открытия различных предприятий, фирм и организаций, что в свою очередь ведет к появлению конкуренции на рынке между ними. В условиях жесткой конкуренции для успешного управления организацией недостаточно иметь определенный багаж знаний и умений, стратегический план или финансовый капитал, необходимо также грамотно строить взаимоотношения со своими подчиненными, создавая доверительную атмосферу в организации. Наличие доверия в организации и непосредственно доверие к самой организации выступает одним из основных факторов ее успешного функционирования и развития.

Для построения доверительных взаимоотношений в организации и обретения доверия к ней важную роль играет коммуникативная компетентность руководителя. В любом общении, кроме его содержательной составляющей, очень большую роль играет впечатление, производимое участниками общения друг на друга. Так как первым лицом организации выступает непосредственно руководитель, от того, каким его увидят и воспримут окружающие зависит успех дальнейшей деловой коммуникации и успех самой работы в целом. В связи с этим в мире деловых отношений большое значение придается имиджу. Особое место в структуре имиджа компании занимает образ руководителя. Имидж руководителя играет определяющую роль в создании имиджа компании. Позитивный имидж организации в свою очередь приводит к созданию доверия как внутри организации, так и по отношению к ней.

Имидж руководителя – это интегральная характеристика его управленческих, профессиональных и личностных качеств, которые в виде целостного образа отображаются у членов коллектива и других лиц, находящихся с ним в прямом или косвенном взаимодействии. Как говорил Э. Гофман, “имидж – это искусство управлять впечатлением”, то как руководитель выглядит в глазах окружающих, какое впечатление он создает и как он презентует себя, от этого зависят дальнейшие взаимоотношения между окружающими его людьми. От имиджа руководителя во многом зависит желание сотрудничать, быть более открытым и искренним по отношению к нему.

Выделяются основные составляющие успешного имиджа руководителя организации:

1. Персональные, или индивидуальные характеристики
2. Социальные характеристики
3. Профессиональные характеристики
4. Ценностная ориентация

Под персональными характеристиками понимается физические и психологические особенности руководителя, тип личности, свойства характера и темперамента, индивидуальный стиль принятия решения, внешность и харизма и т.д.. В социальные характеристики входят статус руководителя. Под статусом руководителя подразумевается не только статус в обществе связанный с официально занимаемой должностью, но и с происхождением, личным состоянием. Кроме этого, социальный статус определяет то, как человек будет вести себя не только с партнерами по бизнесу и союзниками, но и с конкурентами и открытыми врагами, находить с ними общий язык, уметь показывать себя как человека высокого ранга. Социальная принадлежность определяет нормы и ценности, которых придерживается руководитель. Профессиональные характеристики включают знания, умения и определенный опыт руководителя, наличие управленческого профессионализма и навыков стратегического планирования, которое определяет цели организации и оказывает влияние на большинство важнейших решений, принимаемых руководителем, владе-

ния организационными и профессиональными методами и технологиями управления и т.д.. Ценностная ориентация руководителя – это внутренние базовые принципы и установки, которые должны соответствовать идее организации, так как ценности определяют не только имидж руководителя, но и влияют на внутреннюю организационную культуру компании. Каждая составляющая имиджа вносит вклад в формировании имиджа руководителя в различной степени, некоторые из характеристик поддаются сознательному конструированию, а некоторые их них нет.

Имидж руководителя можно разделить на внутренний и внешний имидж. Внутренний имидж характеризуется представлениями сотрудников, тем, каким образом они воспринимают своего руководителя. Создание позитивного внутреннего имиджа очень важно для формирования доверительных отношений в организации, что в свою очередь приведет к эффективности деятельности компании и к слаженной работе коллектива. Зачастую, это зависит от самого управленца, от того каким образом он взаимодействует непосредственно со своими подчиненными.

Формирование внутреннего имиджа руководителя способствует не только внутреннему эффективному функционированию организации, но и влияет на формирование внешнего имиджа. Это происходит путем передачи сотрудниками своих личных мнений и представлений о руководителе во внешнюю среду. Внешний имидж – это восприятие руководителя внешней средой, то есть обществом в целом и теми группами людей, интересы которых оказывают влияние на деятельность организации извне. Следует отметить, что внешний имидж руководителя должен соответствовать реальному состоянию внутри организации, а не противоречил ее истинному положению на рынке. Исходя из вышесказанного следует, что внутренний и внешний имидж руководителя являются взаимовлияющими и взаимоопределяющими друг друга факторами.

Таким образом, имидж руководителя является своеобразной визитной карточкой, показателем его деловых и чисто человеческих качеств, свидетельствует о знании им

правил делового этикета и умение их творчески исполнять в соответствующей обстановке. Хорошее знание и выполнение норм этикета – одна из составляющих привлекательного имиджа. Чем привлекательнее деловой имидж, тем выше профессиональный авторитет и общественная репутация предприятия или фирмы, которую он представляет.

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШДА ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ ВА УНДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ

М.Исабаев

Наманган давлат университети ўқитувчиси

Ҳозирги даврда давлат бошқаруви соҳасида қабул қилинаётган барча турдаги қарорлар мамлакат аҳолисининг турли соҳаларига кенг кириб, ҳаётимизга изчил тадбиқ этиб келинмоқда. Айни шу сабабли ёш раҳбар кадрлар томонидан давлат бошқаруви соҳасида замонавий технологияларни қўллаган ҳолда самарали қарорлар қабул қилиш, унинг сиёсий бошқарувдаги аҳамиятини ёритиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Бошқарув жараёнида асосий эътибор бошқарувга оид муаммо (ечимлар)ни ўз таркибига олувчи ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнларига қаратилади. Бу жараёнларда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларнинг нечоғлик тўғрилиги, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлашга боғлиқ. Шу ўринда Президент Ш.Мирзиёвнинг давлат бошқарувида очикликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш лозим, дея таъкидлагани бунинг нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

Мазкур жараёнда давлат бошқаруви тизимига янги замонавий инновацион технологияларни татбиқ этиш замон талабларидан биридир. Айниқса, давлат бошқаруви соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг сифатли ва самарали бўлишини таъминлашда ёш раҳбар кадрлар томонидан ахборот коммуникатив технологияларни қўллаш олиш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги XXI асрни интернетсиз

тасаввур қилиб бўлмайди. Интернет ва ахборот технологиялари жуда тезлик билан ривожланиб бораётган бугунги кунда, бошқарувда қарорлар қабул қилишда улардан фойдаланмаслик қарорнинг натижа ва самарасининг пасайишига сабаб бўлади.

Европа электрон-демократия назариётчилари Г.Паул, Н.Вассилики ва Р.Равалларнинг фикрича “Қанчалик электрон технологиялар давлат бошқарувида самарали қўлланилса, шунчалик давлат органлари иш фаолиятининг сифат даражасининг оширилишига, маъмурий жараёнларнинг автоматлаштирилишига ва давлат органларининг ўзаро қарор қабул қилишда янги демократик тажрибаларнинг жорий этилишига олиб келади”. Демократик бошқарувда халқ нафақат ўз вакилларини ҳокимиятга олиб келади, балки “қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишда, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилишда ҳам фаол қатнашишлари керак... Кўпчилик одамларнинг бошқарувда қатнашиши қарорлар қабул қилиш учун интеллектуал имкониятни, уларнинг мувофиқлашув эҳтимолини кенгайтиради. Демак, сиёсий тизимнинг барқарорлиги ва бошқарувнинг самарадорлигини оширади”.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Ўзбекистонда “электрон ҳукумат”, “электрон парламент” ва “электрон суд” тизимлари ташкил этилмоқдаки, бу давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигининг мунтазам равишда ошиб боришига, фуқаролар ва кенг жамоатчиликнинг давлат бошқаруви соҳасида қарорлар, қонун ва дастурлар қабул қилишдаги иштироки кенгаймоқда. Бу фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалаётганлигидан дарак беради. Ўз навбатида бу ёш раҳбар кадрларнинг замон билан ҳамнафас бўлиб ишлашини тақазо этади. Аммо, буни мамлакат ёки корхона (ташкилот) ҳаёти учун таъсир этувчи муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларида замонавий технологиялардан фаол фойдаланилиши даражасини етарли деб бўлмайди. Чунки, давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларига ўзларининг хоҳиш иродалари ва манфаатларига доир таклиф ва аризалар билан мурожаат этган фуқаролар бугунги кунда 35 фоизга яқини ташкил этмоқда. Қолган аксарият

фуқаролар эса, ўз вакиллари орқали давлат ва жамият қурилиши тизими соҳасида иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон ўз моҳиятига кўра Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида янги саҳифани очиб берди. Мазкур фармонда давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Улардан бири давлат хизматининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш этиб белгиланди. Концепцияда “Давлат бошқаруви асослари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмаларини ташкил қилиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш бўйича нормаларни ифодалаш белгиланди. Шунингдек, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Инновация фаолияти тўғрисида”ги, “Давлат хизмати тўғрисида”ги ҳамда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича аниқ вазифалар назарда тутилган. Албатта, бу аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этишда сифатли қарорлар қабул қилишга хизмат қилади.

Бироқ сўнгги йилда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг объектив таҳлили, давлат бошқаруви органлари фаолияти, ёш раҳбарлар фаолияти давомида аҳоли билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқот натижаларида мавжуд муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли давлат бошқарувида қабул қилинаётган қарорларнинг сифат жиҳатдан янада такомиллаштириш бўйича айрим таклиф ва мулоҳазаларни билдирсак.

Бугунги кунда нодавлат секторида фаолият юритаётган фуқароларнинг ҳудудий масалалар юзасидан ўтказилаётган мажлис ва йиғинларда иштирок этишида айрим ноқулайликлар мавжуд. Уларнинг аксарияти ушбу йиғилишлар ва ундаги кун тартибидан беҳабар қолмоқда. Шу муносабат билан давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларидаги раҳбарлар маълум масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнида тегишли тартибда ҳар бир фуқарони ҳабардор этишнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиши лозим. Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти тизимли тарзда ҳудуддаги фуқароларни бевосита ҳабардор этишнинг замонавий усулларини қўллаш даври келди. 2016 йил якунидаги статистик маълумотларга кўра, ҳар 100 хонадонга уяли алоқа телефонлари билан таъминланганлиги 246 тадан, яъни ҳар бир хонадонга 2,5 тадан уяли алоқа телефонлари тўғри келди. Шунингдек, 20 миллиондан ортиқ аҳоли интернетдан фойдаланаётган бўлса, уларнинг 17 миллиони мобиль интернет ишлатади. Бундай имконият ва шароитлар мавжудлигини инобатга олсак, ҳокимиятнинг тегишли тартибда секторлар бўйича кўрилаётган масалаларни ҳудудий мобил алоқа компаниялари билан келишилган ҳолда ҳар бир фуқарога кўрилаётган масалаларнинг номи, кун тартиби, жойи ва вақти ҳақида қисқача ахборот билан чиқишни таъминлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Бу раҳбар кадрларнинг мавжуд муаммони тизимли ўрганилишини ва бу бўйича олдиндан ҳабардорлигини оширади, қабул қилинаётган қарорлар ижросини назоратга олишда кўмакчи вазифасини бажаради.

Сўнги вақтларда фуқаролар томонидан ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурларига ўз муносабатлари ва таклифларини билдириб, унинг муҳокамасида фаол иштирок этиши ҳолати нисбатан ошган. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. Буни 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоя ва таҳнологияларни қўллаб-қувватлаш йили Давлат дастури муҳокамасида ҳам кўришимиз мумкин. Статистика шуни кўрсатдики, давлат дастури лойиҳаси

муҳокамасида фуқаролардан келиб тушган таклифлар 1500 дан ошиб кетган. Фуқароларнинг фаоллигини республиканинг барча ҳудудларида қабул қилинадиган турли қарор ва дастурларда ҳам ўз аксини топса, фойдадан холи бўлмас эди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда бугунги кунда, асосан, ташкилот ва корхона мутасаддилари, маҳаллий кенгаш депутатлари иштироки орқали амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ишлаб чиқиладиган ҳудудий давлат дастурларини халқчил ва ҳаётийлигини таъминлаш мушкул бўлади. Айти шу мақсадда, нафақат ташкилот ва корхона мутасаддилари, маҳаллий кенгаш депутатлари, балки ушбу маҳаллий ҳудудда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаронинг иштироки ва муносабатини билдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим. Бунда тегишли раҳбар кадрлар томонидан замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, давлат ва турли ижтимоий интернет тармоқлари орқали кенг аҳоли билан алоқа ўрнатиши, улар билан бевосита боғланиш имкониятини яратишлари муҳимдир. Шу орқали уларнинг хоҳиш-манфаатларини таъминлаш амалиётда тўлиқ ўз аксини топишига эришишимиз мумкин.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

И.Н.Исламов

т.ф.д., доцент, ТашДПУ илмий ходими

Ш.А.Махмудов

СамДУ илмий тадқиқотчиси

Ёшларга оид давлат сиёсатини самарали амалга ошириш масаласи республикамизни ҳар томонлама ривожлантириш, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, айниқса, барқарорликни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, мамлакат ва миллат келажагининг давомчиси бўлган ёш авлодни демократик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш,

уларни ижтимоий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватлаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларга оид давлат сиёсати устувор йўналишлардан бири бўлиб, ёшларнинг ҳар томонлама шаклланиши ва камол топиши, уларнинг ижодий иқтидорини жамият манфаатлари йўлида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур ислоҳотларни тизимли таҳлил қилиш орқали уларнинг самарадорлик даражасига баҳо бериш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун чора-тадбирларни тўғри белгилаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги Қонуни¹²⁹да ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ваколатлари белгилаб берилган. Жумладан, мазкур йўналишда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари сифатида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш ҳамда уни янада **такомиллаштириш** бўйича чора-тадбирлар кўриш белгилаб берилган.

Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини тизимли таҳлил қилиш ушбу йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини таҳлил қилиш борасида бир қанча ёндашувлар мавжуд бўлиб, тадқиқотчи А.Зелениннинг фикрича, мазкур сиёсатнинг самарадорлигини ошириш қуйидаги бир қатор омилларга боғлиқ бўлади:

- сиёсатнинг амалий натижалар бериши;
- жамоатчилик назорати ва ҳамкорлиги учун очиқлиги;
- жамоатчилик томонидан ёшлар сиёсати моҳиятининг

тушунилиши ва қўллаб-қувватланиши;

¹²⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. 14 сентябрь 2016 й. // <http://www.lex.uz/docs/3750946> (мурожаат қилинган сана 2019 йил 25 февраль).

- илмий-ахборот таъминотининг юқори даражадалиги;
- ёшлар сиёсати бўйича чора-тадбирларнинг узлуксиз равишда амалга оширилиши ва бошқалар¹³⁰.

Фикримизча, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини таъминлаш бир қатор қуйидаги шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқдир:

- ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун реал ижтимоий негизнинг мавжудлиги ва унинг барқарорлиги;

- ёшлар сиёсатини амалга оширувчи субъектлар манфаатларининг ижтимоий масалаларга қаратилганлиги;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи тегишли ташкилий тузилмаларнинг мавжудлиги;

- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи ташкилот ва муассасаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини самарадорлиги ва натижавийлиги;

- ёшлар сиёсатини амалга оширувчи бошқарув ходимларининг касбий маҳорат даражаси;

- ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг турли даражаларда ҳисобга олиниши (вилоят, минтақа ва давлат даражасида);

- ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг назарий-методологик ва мафкуравий жиҳатдан таъминланганлиги;

- ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш тизимининг мавжудлиги;

- ёшларга оид давлат сиёсати билан боғлиқ жараёнлар ва ҳолатларнинг динамикасини кўрсатиш имконини берувчи, асосланган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда мониторингни юритилиши ва бошқалар.

Ёшлар сиёсатидан кўзланган мақсад билан эришилган натижани таққослаш орқали ушбу сиёсатнинг самарадорлик даражаси аниқланади. Бу таҳлилчилардан амалга оширилаётган сиёсатни сон ва сифат жиҳатдан аниқловчи кўрсаткичлар орқали таҳлил қилишни талаб этади.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг барчайўналишларини тўлиқ қамраб оладиган кўрсаткичлар тизими етарли

¹³⁰ Зеленин А.А. Критериальная модель оценки эффективности молодежной политики. // Ползуновский вестник. Москва., 2006, - № 3.- С. 90-96.

даражада белгиланмаганлиги, мазкур соҳани чуқур ва кенг камровли таҳлил қилиш имконини бермайди.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу соҳага оид кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир. Кўрсаткичлар орқали ёшлар сиёсатига бўйича амалга ошириладиган ислохотларнинг реал ҳолатига баҳо бериш имкониятига эга бўламиз.

Мисол тариқасида иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш масалалари мавзусида ахборот-таҳлилий ҳужжат тайёрлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

- Истеъдодли ёшлар билан ишлаш дастурларининг сони;

- Турли мукофот ва рағбатлантиришларга сазовор бўлган ёшлар сони (*Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар, “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, Президент ва бошқа номдор стипендиялар совриндорлари ва бошқалар*);

- Фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшлар сони (*халқаро, республика, ҳудудий олимпиадаларда математика, физика, кимё ва бошқа фанлар бўйича*);

- Турли кўрик-танловларда ғолиб бўлган ёшлар сони (*халқаро, республика, ҳудудий кўрик-танловларда адабиёт, мусиқа, рақс санъати, тасвирий санъат ва илмий техника соҳаларида*);

- Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўргазмалар, фестиваллар, кўриклар, концертлар, симпозиумлар, ўқишлар, конференциялар, семинарлар сони;

- Таълим муассасаларида ташкил этилган спорт секциялари, фан, техника тўғараклари ва ижодий тўғараклар сони;

- Ёш олимлар сони (*илмий даражалари ва жинси бўйича*);

- Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан иқтидорли ёшларга кўрсатиладиган моддий ва маънавий ёрдамлар тўғрисидаги маълумотлар;

• Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан уларнинг ташаббуси билан иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказилган танловлар сони (*маданият, фан-таълим, касбий маҳорат*).

Юқоридаги кўрсаткичлар умумий характерга эга бўлиб, амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда уларни ўзгартириш ёки кўшимча кўрсаткичларни ишлаб чиқиш мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсатини таҳлил қилишда уни элементларга ажратган ҳолда таҳлил қилинади, масалан ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ёки мазкур сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятлари ёки мавжуд муаммолардан келиб чиқиб танланади.

Ёшлар сиёсатига оид ишлар самарадорлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги ахборот-таҳлилий ҳужжатлар мавзулари бўйича мониторинг ишларни амалга ошириш лозим:

- Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш борасидаги ишлар таҳлили;

- Ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш масалалари;

- Ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига оид.

- Ёшларни ватанпарварлик, бағрикенглик ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар таҳлили;

- Ёшларни мафқуравий иммунитетини шакллантириш масалаларига оид;

- Ёшларни маънавий таҳдидлардан асраш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили;

- Ёшларни терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларга оид;

- Ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари;

- Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги муаммоларга оид;
 - Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш масалаларига оид;
 - Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар таҳлилига оид;
 - Ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш масалалари;
 - Ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш борасидаги ислоҳотлар таҳлили;
 - Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда ННТларнинг фаолиятларига оид.
 - Ёшлар сиёсатини амалга оширишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари ва бошқалар.
- Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини сон ва сифат кўрсаткичлари орқали тизимли таҳлил қилиш орқали мазкур йўналишдаги мавжуд ҳолат, муаммо ва камчиликларни аниқлаш мумкин. Бу эса мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатнинг самарали амалга оширилиши ҳамда мазкур йўналиш бўйича истиқболдаги вазифалар юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

ЁШЛАР ОРАСИДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Х.М.Кучкаров

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ва ушбу академия
қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти бош мутахассиси*

Инсоният қайси даврда яшамасин, унинг учун энг олий кадрият бу тинчлик бўлиб келган. Тинчлик ва тотувлик ҳукм сурган мамлакатда тараққиёт, ривожланиш ва фаровонлик бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси ни янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида мамлакатимизда¹³¹ олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ушбу стратегиянинг бешинчи бандида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган. Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишлангани мамлакат Президенти ва ҳукуматининг халқаро ҳужжатларда белгиланган умуминсоний вазифаларга қаратаётгани юксак эътиборнинг намунаси ҳамдир.

Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшаши ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарашни англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоғи лозим. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, у ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби бир қанча эзгу фазилатларга таянади. Инсонларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида диний бағрикенглик муаммоси жаҳон ҳамжамияти давлатлари учун ғоят долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Диний бағрикенглик

¹³¹ <http://www.lex.uz/docs/3107036> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони

ҳамиша диний адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлиши, уларнинг ташувчилари ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида юрт тинчлиги, тараққиёти ва умуминсоний маданият ривожига хизмат қилган. Диний тоқатсизлик ёки ақидапарастликнинг ўзига хос кўриниши сифатида диний экстремизм юзага келган. Диний экстремизм бу баъзи диний ташкилотлар ёки айрим диндорлар томонидан жамиятда қабул қилинган қонун қоидаларга мос келмайдиган фаолият олиб бориш, уларга зид бўлган “ғоялар”ни тарғиб қилишдир. Диний бағрикенглик эса шу каби муаммоларга ечим бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев халқимизнинг дунёқарашида тобора чуқур ва мустаҳкам ўрин эгаллаётган бағрикенглик тамойили тўғрисида шундай дейди: “Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади”. Ўзбекистоннинг келажаги тинчлик ва бағрикенглик, маданиятлараро уйғунлик ва миллатлараро тотувлик каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонда турли динларга мансуб кадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиққани жаҳон ҳамжамятининг диққатини тортган эди. Мазкур ҳужжат барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш, энг муҳими, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эр-

кинликни таъминлашга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг сони 33 миллиондан ошган бўлиб, улар 130 дан зиёд миллатга мансуб ҳисобланади. Аҳолининг 94% ислом динига, 3,5%га яқини православ ва қолганлари бошқа конфессияларга мансубларни ташкил этади.

Республикамызда 16 диний конфессияга мансуб 2239 диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улардан 2065 таси исломий, 157 таси христиан ташкилотлар, 8 таси яҳудий, 6 таси баҳойий жамоалари, биттадан Кришнани англаш жамияти ва будда ибодатхонаси мавжуддир.¹³² Бундан ташқари, республикада конфессиялараро Библия жамияти ҳам фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик тарихий илдиз ва мустаҳкам қонуний асосларга эга бўлиб, дунёвий давлат ва дин орасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга.¹³³ Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деб белгиланган. Ушбу моддани амалга ошириш механизми 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунида кенг ёритиб берилган. Унинг 3-моддасига кўра, виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида: “Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат ибодат қилишда ва диний расм-русум ҳамда

¹³² “XXI аср: фан ва таълим масалалари” илмий электрон журнали. №3, 2018 йил

¹³³ <http://www.lex.uz/acts/20596> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 3/19/527/2706-сон

маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига яқка тартибда, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб белгиланган. Шахс руҳиятига таъсир қилишнинг энг осон усули дин омили эканлигини инобатга олган ҳолда бутун дунё диний экстремизм намоёнлари давлатларнинг сиёсий тузумларини издан чиқаришда асосан дин омилидан фойдаланмоқда. Бунга кўпинча диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик қарор топмаган давлатларда диний билимларнинг етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилади.

Юқорида баён этилган фикрларни умумлаштириб қуйидаги хулоса ва тавсияларни тақдим этиш мумкин:

1. Республикамизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш, диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятига қарши курашиш бўйича таъсирчан йўл хариталари дастурлари ишлаб чиқиш муҳим омил ҳисобланади.

2. Ёшларимизда мурасасизлик, нафрат ва зўравонликнинг турли кўринишларини шаклланишига йўл қўймаслик, бошқа динлар ва маросимларга ётсираб қараш умуминсоний маданият ва маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатишини олди олинади.

3. Бошқа дин вакиллари шаъни ва қадр-қимматини ҳақоратловчи хатти-ҳаракатлар, ижтимоий заминдаги адоват, душманлик ва экстремизм инсониятнинг бир бутунлиги, тинчлиги ва тараққиётига таҳдид солаётганидан огоҳлантириш, бошқа дин ва миллатлардаги ҳодисаларга нисбатан ноҳолислик, паст назар билан қараш, уларнинг соҳибларига салбий муносабат тарихнинг ҳамма давларида кўплаб фожеаларни келтириб чиқарганини ёддан чиқармаслик зарурлиги.

4. Ёшларга “ўзгача” қадриятларга ҳар томонлама ҳурмат кўрсатилишини таъминлаш ўзбек халқининг асрий анъаналарига ҳамоҳанг экани ҳақидаги билимларни синдириш ҳамда тегишли кўникма ва қадриятлар тизимини шакллантириш устувор вазифалар ҳисобланади.

МЕЖДУНАРОДНО-ПОЛИТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПОДХОДОВ УЗБЕКИСТАНА В ПРОТИВОДЕЙСТВИИ ЭКСТРЕМИЗМУ И ТЕРРОРИЗМУ СРЕДИ МОЛОДЁЖИ.

*Р.Мадалиева, Б.Мардонов -
Таможенный институт ГТК РУз*

Экстремизм и терроризм в любых его проявлениях является не только острой проблемой современности, но признанным мировым сообществом преступлением против человечества и мира. А почему, именно международное сотрудничество остаётся ключевой основой стратегии противодействия угрозам в данной области.

Наше государство рассматривает борьбу с экстремизмом и терроризмом в качестве необходимого условия обеспечения глобальной безопасности и выступает с инициативами к мировому сообществу по объединению совместных усилий и действий государств в выработке более действенных и единых механизмов решения проблем международного характера.

Однако сложившиеся на сегодняшний день основные подходы антитеррористической деятельности, показывают неполноценность использования сугубо силовых методов в борьбе с экстремизмом и терроризмом. К тому же, увеличивающиеся факты распространения экстремизма и терроризма среди молодёжи, наводят государство на необходимость принятия альтернативных мер противодействия, связанных не только с деятельностью отдельных специально созданных оперативных центров, правоохранительных органов и спецслужб, но и усиление мирных, политических, дипломатических и идеологических инструментов.

Концептуальным обоснованием подходов Узбекистана в реализации мер борьбы с экстремизмом стало принятие в июле 2018 года «Закона о противодействии экстремизму», в котором четко даны определения понятий «экстремизма», а также сформулированы основные направления государственной политики в области противодействия экстремизму путём повышения правового сознания и правовой культуры населения, формирования в обществе нетер-

пимого отношения к экстремизму посредством проведения разъяснительной работы, правового воспитания и образования, научно-практических мероприятий и международного сотрудничества в этой сфере.

По данным, приводимым одним из авторитетных экспертов, сегодня в рядах религиозно-экстремистских организаций в мире находится около 300 тысяч представителей молодого поколения, не достигших 18 лет. За последние десять лет из-за терроризма мировой экономике нанесен ущерб в размере 583 триллионов долларов США, в результате терактов погибли 91 тысяча невинных людей, большинство из которых - дети, женщины и престарелые. Учитывая быстрые темпы роста компьютерных и интернет технологий, эффективным средством массового информационного воздействия террористов на молодежь чаще всего становится всемирная сеть. Согласно исследованиям Брукингского института в Twitter может насчитываться до 90 тысяч аккаунтов, которые так или иначе связаны с международной террористической организацией «Исламское государство». Каждый из них имеет по тысячи читателей, значительная часть из которых - юноши и девушки. В Узбекистане в результате работы по линии информационной безопасности за последние годы удалены либо ограничен доступ к более 100 тысячам интернет-ресурсов, содержащим более 4 миллионов информационных материалов террористического и экстремистского характера¹³⁴.

Политические, правовые и идеологические основы борьбы с экстремизмом и терроризмом, включающие в себя профилактику распространения идей насилия в интернет и социальных сетях, повышение бдительности граждан, широкую пропаганду национальных и общечеловеческих ценностей средствами массовой информации, укрепление международных связей в культурно-гуманитарной и просветительно-образовательной сферах являются главными детерминантами внешних инициатив Узбекистана в недопущении втягивания молодого поколения под влияние деструктивных сил.

¹³⁴ «Узбекская модель» борьбы с терроризмом вызывает интерес за рубежом - Владимир Норов // <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/01/ismi/>
-247-

Как подчёркивает Президент Шавкат Мирзиёев: «...в основе международного терроризма и экстремизма лежат, наряду с другими факторами, невежество и нетерпимость. В этой связи важнейшей задачей является борьба за умы людей, в первую очередь молодёжи»¹³⁵.

В данном контексте особое внимание заслуживают предложения Узбекистана по разработке Международной конвенции ООН по правам молодежи, направленные на всестороннюю поддержку молодого поколения в защите его прав и интересов, формирование и реализацию на международном уровне молодёжной политики в условиях глобализации и бурного развития информационно-коммуникационных технологий.

Передовым достижением узбекской дипломатии, свидетельствующем о широком признании и **восстребованности** для мировой общественности предложений Узбекистана, стало принятие 13 декабря 2018 года специальной резолюции ООН «Просвещение и религиозная толерантность», на основе инициативы, выдвинутой нашим Президентом в сентябре 2017 года на 72-й сессии Генассамблеи ООН.

В реализации внешних инициатив Узбекистана, направленных на обеспечение безопасности, главное внимание отводится ООН, в частности, в резолюции признается ключевая роль ЮНЕСКО в поощрении мира путем расширения сотрудничества между нациями посредством образования, науки, культуры. В октябре 2018 года с визитом главы нашего государства Шавката Мирзиёева в штабквартиру ЮНЕСКО открылась новая глава в отношениях с данной организацией. Генеральным директором организации Одри Азуле была дана высокая оценка и поддержана инициатива Президента о создании под эгидой ЮНЕСКО в Самарканде Международного института имени Мирзо Улугбека по формированию культуры мира, толерантности и предотвращению экстремизма.

На сегодняшний день главным внешнеполитическим приоритетом нашего государства, о котором неоднократно

¹³⁵ Из выступления Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН // www.prezident.uz

заявлял Президент Узбекистана, является Центральной Азия. Во многом благодаря усилиям Узбекистана современная обстановка в регионе претерпела позитивные изменения, которые создали почву для более доверительных отношений между центральноазиатскими странами, установления благоприятной политической атмосферы от той, которая была ещё недавно вследствие напряжённости в регионе из-за отсутствия договорённостей по особо чувствительным вопросам.

Сегодня сопредельные страны поддерживают инициативы Узбекистана по острым вопросам международного характера, среди которых ведущее место уделено противодействию экстремизму и терроризму, предупреждению трансграничной преступности и мирному разрешению афганского конфликта.

Рассматриваемая проблематика широко обсуждалась на международной конференции в Самарканде «Центральная Азия: одно прошлое и общее будущее, сотрудничество ради устойчивого развития и взаимного процветания», важными итогами которой стали договорённости о необходимости обмена информацией и опытом по всем аспектам борьбы с терроризмом и экстремизмом, предупреждению насильственных действий и террористической трансграничной активности в Центральной Азии.

Единогласно была отмечена важность принятия совместных мер по недопущению вовлечения подрастающего поколения в деятельность различных экстремистских и радикальных структур, создании прочного заслона препятствующего проникновению идей насилия, путём усиления в среде молодёжи просвещения, духовного и нравственного воспитания, поддержания в них стремлений к знаниям и самосовершенствованию.

Подходы Узбекистана борьбе с экстремизмом и терроризмом отражаются в последовательной политике Узбекистан по вопросу решения афганской проблемы. Президентом республики Шавкатом Мирзиёевым на международной конференции по Афганистану в марте 2018 года было отмечено: «Безопасность Афганистана – это безопас-

ность Узбекистана, залог стабильности и процветания всего обширного региона Центральной и Южной Азии. Нельзя допустить, чтобы международные террористические организации превращали Афганистан в своё постоянное пристанище»¹³⁶.

В данном русле Узбекистан неоднократно с трибун авторитетных международных организаций озвучивал свою позицию, утверждающую преодоление конфликта исключительно политическим путём и мирными средствами. В порядке инициативы Президентом было предложено создание специального Международного фонда поддержки образования в Афганистане, направленного на подготовку национальных кадров, выделение стипендий и грантов для студентов и молодых учёных, повышение в афганском обществе престижа образования, способствующему ограждению подрастающего поколения от идеологии насилия и радикализма.

Учитывая, что около половины населения Узбекистана составляет молодежь, острой проблемой современности становится «борьбы за умы» и защита прав наших соотечественников за рубежом. Узбекистан широко представлен в современных внешних миграционных процессах, а значительное количество наших граждан активного трудоспособного возраста находятся в государствах ближнего и дальнего зарубежья на заработках, учёбе и постоянном месте жительства. Среди них немало узбекистанцев, втянувшихся в деятельность международно-экстремистских групп, лиц столкнувшихся с трудностями и пострадавших от насильственного воздействия вследствие собственной правовой неграмотности, социально-идеологической неустойчивости и доверчивости. Значительным сдвигом в решении данной проблематики является судебно-правовые, социально-реабилитационные и образовательно-воспитательные механизмы оказания помощи в возвращении к полноценной

¹³⁶Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международной конференции по Афганистану: «Мирный процесс, сотрудничество в сфере безопасности и региональное взаимодействие» // www.prezident.uz

социальной жизни жертвам экстремизма. Устанавливаются тесные культурно-гуманитарные связи государства с соотечественниками, что способствует не только поднятию их духа, патриотизма и чувства сопричастности к судьбе Родины, но и укреплению позитивного мирового имиджа Узбекистана. В этом отношении глава нашего государства отмечает: «Нам нужно налаживать постоянную связь с соотечественниками, проживающими за рубежом, укреплять работу по защите их прав и законных интересов, поддерживать тех, кто желает вернуться на Родину»¹³⁷.

Сегодня и в рамках нашей образовательной системы, мы должны вооружать молодёжь глубокими знаниями, создающими у учащихся крепкий иммунитет к идеям насильственного экстремизма и терроризма, а также формировать ценности и модели поведения, способствующие укреплению твёрдой гражданской позиции и чувств, ответственности за сохранение безопасности общего пространство, в котором мы живём.

Таким образом, гуманистический политический курс Узбекистана в борьбе с экстремизмом и терроризмом закладывает основы модели международного сотрудничества не только в решении актуальных вопросов обеспечения безопасности, но и реализации приоритетных задач молодёжной политики.

ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИНИНГ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ РОЛИ

Н.С.Расулова

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти, Т.ф.н., доцент*

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқжамиятнингэнгасосийҳаракатлантирувчикучи ҳисобланган ёшларга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

¹³⁷ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 22 декабря 2017 года. Т.: «Узбекистан», 2018. С-77

1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганлиги, кейинчалик эса 2016 йил 14 сентябрь куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун билан ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари яна бир қафолатланди. Маълумки, бугунги кунда дунёда ёшлар 2 миллиарддан ортиқроқдир. Мамлакатимизда эса 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Бу кўрсаткичлар эса Ўзбекистоннинг келажаги униб-ўсиб келаётган ёшлар кўлида эканлигини билдиради. Ёшлар масаласида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда¹³⁸.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида республикаимизда фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ёшларимизнинг ўрни бекиёсдир. Зеро, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилгани ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 30 июннинг “Ёшлар куни” деб эълон қилиниши, 2018 йил 27 июнда имзоланган “Ёшлар келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг ташкил этилганлиги ҳам мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор намунасидаир.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида ёшлар тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Хусусан, БМТнинг ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганларни ёшлар қатламига киритади. Европа Иттифоқи давлатларида 16 ёшдан 30 ёшгача (баъзан

¹³⁸ Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // www.gov.uz

35 ёшгача) бўлган аҳоли вакиллари ёшлар сифатида эътироф этилади. Шунингдек, МДХ давлатларининг аксариятида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади, аммо Украинада 14–35¹³⁹, Қозоғистонда 14–29 ёшлилар¹⁴⁰ ушбу тоифага киритилади. Ўзбекистон Республикасида эса 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар ёшлар ҳисобланади¹⁴¹.

Маълумки, сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий қарашларини англаш, муштарак манфаатларини бирлаштириш, ҳар бир оила ва маҳалла ҳудудидаги табиий-сиёсий интилишларни партиявий доирага жамлаш, ўз аъзолари ва хайрихоҳларини сиёсий жараёнларга сафарбар этиш каби вазифаларни бажарар экан, ўз фаолияти давомида жамиятнинг муҳим бўғини бўлмиш ёшларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар “Ёшлар қаноти” бўлимлари орқали мамлакатимиз ёшларини жипслаштириш, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиш, уларнинг гиёҳвандлик, турли бузғунчи ғояларга берилишининг олдини олиш, шу билан бирга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган турли оммавий тадбирлар – спорт мусобақалари, конференциялар, семинар-тренинглар ўтказиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида: “... Сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган «Ёшлар қанотлари»нинг фаолиятини, афсуски, қониқарли, деб бўлмади. Ваҳоланки, бугун мамлакатимизда яшаётган 10 миллиондан ортиқ ёшлар ҳаётида қанчадан-қанча

¹³⁹ Закон Украины “О содействии социальному становлению и развитию молодежи в Украине” от 5 февраля 1993 года № 2998-XII // uazakon.ru

¹⁴⁰ Закон Республики Казахстан «О государственной молодежной политике» от 9 февраля 2015 года № 285-V ЗРК // online.zakon.kz

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 14 сентябрь // www.lex.uz

ечилмаган ижтимоий муаммолар борлигини барчангиз яқинда бўлиб ўтган ёшлар курултойида яққол кўрдингиз”¹⁴², – деб таъкидлаб, республикамызда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишлаш жараёнидаги қатор камчиликларини айтиб ўтган эди. Айниқса, сиёсий партияларнинг Ёшлар Иттифоқи, туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорликни кучайтириб, уюлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилиши кераклиги таъкидланди.

Бугунги кунда қуйидагилар ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллик даражасининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда:

- давлат томонидан яратилган имкониятлар;
- оила, маҳалла, таълим муассасаси, ёшлар ташкилотининг фаолиятида ижтимоий шерикчилик механизмининг фаол ишлаши;
- ёшлар ташкилотлари томонидан ёшларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар;
- ёшлар иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

Бугунги кунда сиёсий партияларимиз ёшлар қанотлари мамлакатимиз ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини оширишга, улар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб боришида ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Аммо уларнинг бу жараёнлардаги фаолиятини янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш лозим. Сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари ўз мақсад ва вазифаларини ёшлар ўртасида кенгрок ташвиқ ва тарғиб қилишлари керак, чунки айрим ёшларимиз ҳанузгача республикамызда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, уларнинг мақсад ва вазифалари, мафкурасидаги фарқлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслар.

А.Люрманнинг фикрича, сиёсий партиялар таркибидаги Ёшлар қанотлари одатда ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тўртта асосий функцияларни бажаради.

¹⁴² Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак // 2017 йил 12 июль. www.president.uz

Биринчидан, ёшлар қаноти партия аъзолари сиёсий таянч ҳисобланади. Ёшлар қаноти ҳамкорлик тармоқлари яратишни ҳамда шахсий ёки мавзуй уюшмалар шакллантиришни осонлаштиради. Агар ёшлар тузилмаси ўз ассамблеялари ҳамда аъзолар кенгашига эга бўлса, ёшлар қарорлар қабул қилишда иштирок этиш, ўз кўникмалари ва сиёсий қарашларини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга бўладилар. Бундан ташқари, партия таркибидаги кучли ёшлар секцияси, ёшлар қанотининг “битирувчилари” бўлиб, ёш авлодга тарғиботчилар ва мураббийлар сифатида таъсир кўрсатишлари мумкин.

Ёшлар қанотининг иккинчи муҳим функцияси унинг аъзоларини ўқитиш, уларга таълим беришда намоён бўлади. Ёшлар қаноти сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш, ментор дастурлари ва фаолиятни амалга ошириш бўйича семинарлар ташкил қилади.

Аксарият сиёсий партиялар ўз ёшлар қанотларини ўзлари молиялаштиради, бунда ҳаракатчан ёшлар шўъбасига эга партия кўпроқ ёш аъзоларни жалб эта олиши мумкинлигини англайди. Бир неча ўн йиллар мобайнида бу кумулятив самара бермоқда.

Ёшлар қанотининг учинчи функциясини партиявий сиёсатни ишлаб чиқишга ва етакчиларни танлашга таъсир кўрсатиши ташкил этади. Партиянинг ёш аъзолари ва ёшлар секциялари янги ва илғор ғоялар таклиф этиши ҳамда эскирган сиёсий курсни ўзгартиришга ҳаракат қилишлари мумкин. Масалан, Канадада “Ёш либераллар” ҳар қиш фаслида сиёсий лагер ташкил қиладилар. У ерда улар ёшлар партия анжуманларида устувор тартибда илгари суришни истаган резолюцияларни ишлаб чиқадиладар, шунингдек, ёшларни ягона блок бўлиб овоз беришга сафарбар этадилар.

Ниҳоят, ёшлар секциялари ёш сайловчиларнинг камровини кенгайтиришлари ҳамда уларнинг партияларга ишончини оширишлари мумкин. Янги аъзоларни жалб қилиш ва сайлов компаниялари ўтказилишида ёшлар секциялари, албатта, ўз тенгдошлари билан қайси тилда сўзлашиш мумкинлигини ва улар учун фаолиятнинг

қайси жиҳатлари энг жозибали эканлигини биладилар. Эски партия аъзоларининг ёшларга мурожаат қилишга қаратилган сайъ-ҳаракатлари кўпинча натижа бермайди. Бунинг ўрнига ёшлар қанотига ёш сайловчиларни ва бўлғуси партия аъзоларини қамраб олиш учун бюджетнинг махсус улушини ёшлар қанотига ажратиш имкониятини кўриб чиқиш мумкин¹⁴³.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ёшларга оид сиёсат нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакат ривожланишининг энг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишларини янада такомиллаштириш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқдир:

- ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига йўл очиш ва уни таъминлаш учун уларнинг ўзларидаги фаоллик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига камарбасталик, ислоҳотларга ишонч, демократик қадриятларнинг абадийлигига суяниш фазилатларини тарбиялаш;

- ёшларнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, эркин бозор иқтисодиётига тез кўникиши, янги йўналишларни қўллаб-қувватлаши каби мавжуд юқори савиядаги ва ижобий йўналтирилган салоҳиятидан ўз вақтида холис ва рағбат асосида фойдаланишга эришиш, ёшлар ташаббусларининг “чўкиб” қолишига йўл қўймаслик;

- сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари ўртасида маълум бир мавзулар доирасида (масалан, қонун лойиҳалари, электорат манфаатлари, сайловолди дастурлар ва бошқалар борасида) баҳс-мунозаралар уюштириш;

- сиёсий партияларнинг матбуот органлари ва Интернетдаги сайтларида эълон қилиб бориладиган мақолалар

¹⁴³ Расширение политического участия молодежи на всех этапах электорального цикла (ПРООН). – Нью Йорк, 2013. – С. 29-30.

ва хабарларни доимий равишда янгилаш, шунингдек, партия ҳисоботлари ҳамда статистик маълумотларини кенг оммага тақдим этиб бориш;

- сиёсий партияларнинг марказий органларига экскурсиялар уюштириш ва бу тадбирлар орқали ёшларнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши ва фаоллигини янада ошириш;

- партия фракцияларининг аъзолари, шунингдек, тажрибали депутатлар билан “Ёшлар қаноти” аъзоларининг доимий учрашувларини, маҳорат мактабларини ташкил этиш, Устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш;

- ёшлар ўртасида сиёсий онг ва сиёсий тафаккур тамойилларини кенг сингдириш, уларда сиёсий, ҳуқуқий маданият кўникмаларини шакллантириш, ёшларнинг ўз сиёсий онгини ошириши ва кўникмаларга эга бўлишлари учун табиий ривожланиш тизимларини яратиш ва улардан унумли фойдаланиш.

- ёшлар кайфиятлари, манфаатлари ва ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш бўйича турли социологик тизимлар фаолиятини ривожлантириш, ёшлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи мониторингини амалда жорий этиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бугунги куннинг энг муҳим талабидир.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА УНИНГ ЁШЛАР ФАОЛИЯТИДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.А.Жалилов

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи

Марказий Кенгаши Фуқаролар мурожаатлари

билан ишлаш бўлими бош мутахассиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар фуқароларнинг сиёсий маданияти билан чам-

барчас боғлиқ. Сиёсий маданият шахснинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатини акс эттирибгина қолмай, балки шахснинг сиёсий онги билан сиёсий фаолияти бирлигини ҳам ифодалайди. Шахс сиёсий маданиятининг ҳолати, даражаси қанча баланд бўлса, унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига иштироки шунча юқори бўлади.

Жаҳон тажрибаси ҳам, ўзимизнинг ўтган йиллар тажрибамиз ҳам шундандалолат берадики, жамиятда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотларнинг, жумладан, сиёсий ислохотларнинг ҳам кўзланган ютуқларига эришуви, мазкур ислохотларнинг жамият аъзолари томонидан фаол равишда қўллаб-қувватланиши орқали юз беради. Давлат билан жамият ўртасида бўладиган ўзига хос ижтимоий ҳамкорлик тарақиётнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Сиёсий маданият турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотларга, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлатлар ва миллатлар билан муносабатлар ҳамда шу кабиларга қарашларининг тизимга солинган назарий ифодасидир. Демак, сиёсат - давлатни, жамиятни бошқаришда муайян мақсадларига эришишни кўзда тутуши, турли ижтимоий гуруҳлар ҳамда давлат ўртасидаги муносабатлар мувозанатини сақлаб турувчи халқнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий эҳтиёжларини қондириш йўл-йўриқларини ишлаб чиқиб амалга оширувчи воситадир. Ҳар бир мамлакатда назарий билимлар анча чуқур ва кенг бўлса, сиёсат шу қадар мустаҳкам ва реал бўлади. Сиёсий маданият, мафкура ва маънавият даражаси жамият ҳаётида инсон иштироки қандайлигини белгилайди. Қонун ва қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини кузатиб боришга муносабат билдиришади.

«Сиёсий маданият ижтимоий онгнинг унсурлари ва феноменларини, у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий институтлари ва сиёсий жараёнлари билан алоқадор бўлган маънавий маданиятни ҳам ўз ичига олади»¹⁴⁴. Шу

¹⁴⁴ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: Сиёсий париялар, мафкуралар, маданиятлар. Т.: «Шарқ», 1998.84-бет.

билан бирга сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаётида бир қанча муҳим вазифаларни бажаради. Биринчидан, сиёсий маданият жамиятда ва миллий манфаатларни рўёбга чиқаришни сиёсий жиҳатдан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Иккинчидан, сиёсий маданият ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллий ва миллий тузилмалар манфаатлари йўлида сиёсий муносабатларнинг қайта ўзгариши ва ўзлаштириш вазифасини бажаради. Учинчидан, сиёсий маданият тартибга солувчилик вазифасини бажаради. Бундай вазифа барқарор сиёсий тизим, сиёсий ташкилотлар бўлимини таъминлайди, жамиятда барқарорликнинг қарор топишига кўмаклашади. Тўртинчидан, сиёсий маданият тарбиявий вазифани бажаради. Юксак мақсадлар, қадриятлар, нормалар асосида шахснинг сиёсий маданий савиясини шакллантириш унинг моҳиятини ташкил этади. Бу вазифа сиёсий фаолликни, фуқаролик маъсулиятини тарбиялайди, ижтимоий-сиёсий фаолият кўникмаларни шакллантиради.

Сиёсий маданият - жамият сиёсий тизимининг муҳим таркибий қисмларидан бири. Унинг тараққиёт даражаси мазкур тизим сифатларини ўзида ифода этади. Фуқаролар, жамоатчилик ва сиёсий арбобларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимдонлигини, уларнинг сиёсий феъл-атвори-ни акс эттирувчи сиёсий маданият сиёсий институтларнинг шаклланиши ва амал қилишига кучли таъсир кўрсатади, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро таъсирнинг табиатини белгилаб беради. «у сиёсий тизим субъектлари бўлмиш сиёсий партиялар, бирлашмалар, жамоаларнинг давлат ҳокимиятини юргизишдаги иштироки чоғида, шунингдек, сиёсий муносабатларни тартибга солиш борасида қўллайдиган, таянадиган, роя этадиган қадриятлар, сиёсий ғоялар, эътиқод ва рамзлар тизимидир».¹⁴⁵

Сиёсий маданият муаммоси мажмуи ўта мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у маданият ва маънавий қадриятлар билан бир қаторда ўзига хос мустақил маданият туридир. У фаолият соҳасининг алоҳидалиги (сиёсат соҳаси, сиёсий

¹⁴⁵Мусаев Ф.Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. Т.: «Ўзбекистон».2007.247-бет.

хокимиятнинг амал қилиши) ва ушбу маданият соҳасини характерловчи элементларнинг (сиёсий тасаввур ва қадриятлар, сиёсий кўрсатма ва хулқ-атвор) ўзига хослиги билан белгиланади. Сиёсий маданият жамият сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олиш унинг ўзига хос характерини ва чегарасини аниқлашга ёрдам беради. «Сиёсий маданият маълум даражада жамият аъзолари олдига чегаралашлар ҳам қўяди. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий хулқда намоён бўладиган эътиқодлар, ҳис-туйғулар ва қадриятлар олдидаги бундай чегаралашлар ҳам ўз навбатида сиёсий маданиятнинг муҳим унсури ҳисобланади. Алоҳида шахснинг, гуруҳнинг ва бошқа ижтимоий бирликларнинг умумий дунёқарашининг таркибий қисми бўлган сиёсий дунёқараш сиёсий маданиятнинг энг муҳим компоненти дир».¹⁴⁶ Сиёсий маданиятнинг шаклланишида жамиятда амал қиладиган сиёсий мафқураларнинг ўрни катта. Маълумки, мафқуранинг функцияси - аҳолининг оммавий сиёсий онгини эгаллаш, унга жамиятнинг бугунги ва келгусидаги тараққиётини баҳолаш, ўзининг мезонларини жорий қилиш, сиёсий маконда кишилар мўлжал қиладиган мақсад ва вазифаларни белгилашдир. Мафқура амалга оширмоқчи бўлган йўлнинг оқилона ва холисона образини яратишга, унинг у ёки бу синф, миллат, давлат манфаатига мос келишига интилади. Бу борада мафқура у ёки бу идеаллар ва қадриятларни тарғибот қилиш билан чегараланиб қолмай, балки фуқаролар, партиялар ва бошқа сиёсий тузилмаларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятини рағбатлантириш билан ҳам шуғулланади.

«Мафқура ўзининг сиёсий функцияларини бажариши билан жамият ё қандайдир ижтимоий гуруҳ манфаатлари асосида, ёки аҳолининг муайян ижтимоий-иқтисодий гуруҳларига таянмайдиган онгли равишда ишлаб чиқилган мақсадлари негизида жипслаштириш, бирлаштиришга интилади. Аҳолини реал бирлаштириш қобилияти мафқуранинг ғояси ва қоидалари кишиларнинг турмуш тарзи ҳақидаги кундалик қарашлари ва тасаввурларига, мақсадларига қанчалик мос келишга боғлиқдир.

¹⁴⁶ Almond G., Verba S. The Civic Culture. Boston: Little Brown, 1965.

Ҳар қандай мафкура оқилона, назарий асосланган қоидалардан ташқари аҳолига фақат ишониш учун таклиф қилинадиган мақсад ва идеалларни ҳам қамраб олади¹⁴⁷.

Сиёсий мафкуранинг амал қилиш даражалари бир хил эмас. У назарий-концептуал, дастурий-директивалик ва хулқ-атворлик даражаларида амал қилади. Назарий-концептуал даражада у ёки бу синф, ижтимоий қатлам, миллат, давлатнинг манфаатлари ва идеалларини очиб берувчи асосий қоидалар қарор топтиради; дастурий-директивалик даражада ижтимоий — фалсафий принциплари ва идеаллар сиёсий элитанинг аниқ дастурлари, шоирлари ва талабларига айлантиради ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, омманинг сиёсий хулқ-атворини рағбатлантириш учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилади. Мафкура амал қилишнинг ушбу даражаси “сиёсатнинг яратувчи элементи” деб ҳам талқин этилади.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаси кўп жиҳатдан давлат ва жамият ўртасидаги муносабларнинг тамомила янгича поғонага кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб олди. Ушбу вазифа амалга оширилишининг асосида эса, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш ётади, сиёсий маданият даражасининг юксалиб бориши эса, ана шу фаолиятнинг Конституциямиз ва бошқа қонунларимизни ҳурмат қилиш, жамият барқарорлиги учун масъулиятни доимо ҳис қилиб туриш каби жиҳатлар билан тўлдиради. Бу эса шу жамиятда, мана шу давлатда яшаётган ҳар бир шахснинг эртанги куни, келажаги учун доимо масъулиятли бўлишга чорлайди. Халқнинг сиёсий маданияти юксалган сари у сиёсий жараёнларга тобора яқин кириб боради. Айни шу жараёнларга кириб борган халқ эса тез орада шу жамиятнинг бошқарувида бевосита иштирок этади. Ҳозирда давлатимиз олдида қўйган асосий вазифаси ҳам шу - халқнинг, фуқароларнинг жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлашдир.

Ислохотларнинг тақдири, самарали натижалар бериши ва истиқболи аҳолининг, айниқса, ёшларнинг фаолли-

¹⁴⁷ Қаранг: Сиёсий маданият. Ҳ.Одилқориев.,

гига, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига боғлиқ. Чунки давлатнинг ижтимоий-сиёсий салоҳиятини белгилловчи омиллардан бири шу мамлакат ёшларининг фаоллиги, ақл-заковати ва фидойилигидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократик ислохотларни чуқурлаштириш учун авваломбор келажак вориси бўлмиш ёшларнинг демократик жараёнларнинг чинакам иштирокчисига, демократик кадриятларнинг фаол ҳимоячисига айланишига эришиш лозим. Бу ўта мураккаб вазифа ёшларнинг сиёсий маданиятини собитқадамлик ҳамда қатъият билан юксалтириб боришни талаб этади.

Хўш, ёшларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш қандай амалга оширилади? Бунинг учун маълум бир муассаса ёки ташкилот ёки фуқаронинг ўзи масъулмикин? Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этиш, сиёсий маданият ва сиёсий фаолликни тарғиб этувчи партиялар зиммасига қандай вазифа ва масъулият юкланмоқда? Масъулият юки турмуш тарзимиз ҳаётимизда акс этмоқдами? Ушбу саволларга ижобий жавоб топиш эса сиёсий партиялар фаолиятидаги фаолликни талаб этади. Шу билан бирга ёшлардан ҳам сиёсий жараёнларга қизиқиш, фаоллик ва билим талаб этилади.

Мамлакатимизда ёшлар ҳаётига доир қонунлар қабул қилиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари белгилаб берилиши, ва албатта, ҳар бир ёшнинг мазкур жамият фуқароси сифатида сиёсатда фаол иштирок этишини эътиборга олиш ёшларни баркамол авлод қилиб тарбиялаш омили сифатида намоён бўлмоқда. Демак, ёшларни сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий маданиятлилик даражасининг кўтарилиши, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланишини таъминлайди. Шу ўринда ёшларни баркамол авлод даражасига кўтарилиши, сиёсий фаол фуқарога айланишида сиёсий таълим-тарбиянинг тўғри амалга оширилиши ҳар жиҳатдан муҳим. Сиёсий таълим-тарбия – бу ижтимоий-сиёсий фаолиятда амалий иқтидорининг таркиб топиши, сиёсий ҳаракат, фаол ҳаётий позицияни вужудга келтиришидир.

Ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириб бориш, аввало оилада, мактабда, олий ўқув юртида, меҳнат жамоаларида ва оммавий хизмат кўрсатиш жойларида амалга

оширилади. Бу жараён оилада, аввало, ота-онанинг ибрати, илиқ оилавий муносабатлар орқали амалга ошади. Оила аъзоларининг газета, журналлар ўқиш ва таҳлил қилишга қизиқиши, теледастурларни мунтазам кузатиб бориши ёшлар сиёсий маданиятини ўсишига хизмат қилади. Ёшлар тақлидчан ва қизиқувчан, тез ўрганувчан бўлади. Шу жиҳатдан уларда масъулият, иштиёқ, “ҳавасмандлик” каби ҳиссиётларни ҳисобга олиш лозим. Шундай экан, оиланинг ёшларни баркамол қилиб тарбиялашдаги ўрни беқиёсдир. Шахснинг индивидуаллашганлик жараёни қанчалар тезлашса, унинг ижтимоийлашуви ҳам шу қадар тез шаклланиб боради. Натижада уларнинг аста-секин баркамол авлод сифатида шаклланиши тез кечади. Бунда асосий ролни мактаб ўйнайди. Мактаб нафақат шахс, ёшлар эътиқодини, орият, ғурурини, ҳиссиётини шакллантириш билан бирга одамийлик, дунёқараш, дунёни ҳис этиш, уни идрок этиш ва шу асосда кишиларга муносабатда бўлиш каби ҳислатларни шакллантириб боришнинг асосий ўчоғидир.

Ёшлар сиёсий маданияти – уларнинг онги орқали сиёсий тизимнинг моҳиятини билиш, унинг мақсадини идрок этиш ва сиёсий жараёнда эркин иштирок этишга тайёр бўлишини англатади. Энди масалани янада аниқроқ таҳлил этиш учун уларнинг ўзаро алоқадорлик жиҳатларига тўхталамиз. Бу биринчидан, ҳар иккала тушунчанинг дастлаб давлат сиёсати билан алоқадорлигида кўринади, иккинчидан, миллий ғоя ва ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш тушунчалари сиёсий мақсадга эришишнинг муҳим омили эканлигидадир, учинчидан, миллий ғоя ҳам ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ҳам сиёсий тизимда индивидуаллик ҳамда умумийлик хусусиятига эга, тўртинчидан, уларнинг ҳар иккаласи демократик давлат қуриш йўлидаги асосий вазифалардан эканлигидир, бешинчидан, мазкур тушунчаларнинг иккаласи ҳам бир мақсадни назарда тутишидир, олтинчидан, миллий ғоя ҳамда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш жараёни инсон онги ва тафаккури орқали амалга оширилишидир, еттинчидан, ҳар икки тушунчанинг рўёбга чиқиши узоқ муддатга асосланиши, бироқ уларнинг ўзгарувчанлигида кўринади.

Ёшлар сиёсий мадданиятини шакллантириш жараёни миллий ғоянинг амалга ошишида муҳим омил бўлиши билан ҳам белгиланади. Миллий ғоянинг мақсадга эришувида ёш авлод вакилларининг сиёсий маданиятининг шаклланиши юксак аҳамиятга эга. Сабаби миллий ғоя инсон манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлайдиган янги демократик жамият қуришни назарда тутди. Демократик сиёсий жамиятни барпо этиш эса сиёсий онги юқори, сиёсий фаол ва сиёсий маданияти юксак ёшлар кўп бўлганда тезлашади.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни фикрлар хилма-хиллиги шароитида тарбиялаш биринчидан, ёшлардан сиёсий воқеа ходисаларнинг моҳиятини англашни, юксак онг ва маданиятга эга бўлишларини тақозо этади.

Иккинчидан, “Фикрлар хилма-хиллиги тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, ҳамма фикрлар ҳам эзгу мақсадларни ифода этмаслигини, фикрлар хилма-хиллиги турли хил маъно-мазмун, мақсад ва манфаатларни ифода этиш билан характерланади.

Учинчидан, фикрлар хилма-хиллиги, фикр эркинлиги, демократик муҳит ва тамойиллар билан узвий боғлиқ. Демократия фикр хилма-хиллиги учун ўзига хос шароит яратиб беради.

Тўртинчидан, фикр хилма-хиллиги ижтимоий ҳаёт ва турли фан соҳалари билан боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқ қилади ҳамда ўзига хос маъно мазмунга эга бўлади. Шунга мос фалсафий ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини бир-биридан фарқлаш лозим.

Бешинчидан, фикрлар хилма-хиллиги, фикр билан фикрни фарқини ҳисобга олиш учун, ҳар бир кишида мустақил фикр бўлишини, фикрга қарши фикр билан жавоб бериш маданиятини шакллантиришни тақозо этади.

Олтинчидан, фикрлар хилма-хиллиги ёшларнинг сиёсий маданиятини юксалиб бориши учун катта имкониятдир. Айти пайтда ёшлардан унга алоҳида масъулият ва компитентлик билан ёндашиш сиёсий маданиятни ҳам тақозо этади.

ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ЖИҲАТДАН ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

О.А.Таджиходжаева

*Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази
Ижтимоий иш бўлими етакчи мутахассиси*

Бугунги кунда халқ дардини эшитиш, одамларнинг мушкулини осон қилиш ва уларнинг муаммоларига ечим топиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, мамлакатимизда давлат сиёсатига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти-миз Шавкат Мирзиёев “Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун” деган ғояни илгари сурди ва бу тамойил остида жамият ҳаётининг барча жабҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожига таълим, соғлиқни сақлаш, оналиква болаликни муҳофазалаш, ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш, оғир ҳаётини вазиятга тушиб қолган оилаларни ва ногиронлиги бўлган инсонларни ўз вақтида аниқлаш, уларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Обод қишлоқ ва Обод маҳалла” Давлат дастурлари, болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш каби долзарб масалаларга эътибор кучайтирилди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 9 фоизи ижтимоий ҳимояга қаратилган бўлиб, бу халқаро амалиётга мувофиқ яхши кўрсаткич ҳисобланиб, фуқароларнинг эртанги кунга ишончи янада ортишига хизмат қилади албатта.¹⁴⁸ Мамлакатимизда болалар ва ёшлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилади. Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, бугун ер юзиде бир миллиондан ортиқ инсонлар ногирон деб топилган. Унга кўра, мамлакатимизда **650 284** нафар шахс ногирон деб топилган, уларнинг **84 908** нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади¹⁴⁹.

¹⁴⁸ <http://www.unicef.uz/>

¹⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронларни давлат
-265-

Биз биламизки, юртимизда бу масалаларга жамиятимизнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида қаралган ва ногиронлиги бўлган шахсларга ёрдам кўрсатиш масаласи доим оддий ҳалқ ва давлат эътиборидан четда қолмаган. Эндиликда, бу масалаларга катта эътибор қаратилиб мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бу йўналишда олиб борилаётган ислоҳатлар самарасини янада ошириш, ёрдамга муҳтож инсонларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлатимиз томонидан қатор қонунлар қабул қилинди ва муҳим мезонлар белгилаб берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли Фармонида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, уларнинг турмуш сифати ва даражасини янада яхшилаш борасидаги қўллаб муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояни кучайтириш масаласи асосий соҳалардан бири саналади. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ходимларининг фаолиятини ривожлантириш масаласи жамиятимизда ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллашувига эришишнинг муҳим томонларидан бири сифатида қаралмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ижтимоий фаолият соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш масаласини кучайтириш ва ижтимоий иш бўйича ўқув курсларни ташкил этиш масалалари юзасидан фаол ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, ижтимоий соҳа ходимлари оғир ижтимоий вазиятларга тушган оилалар ҳамда алоҳида кўмакка ва ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар билан ишлайдилар. Бизнинг юртимизда 2004 йилдан бошлаб ижтимоий иш

томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши

ихтисослиги бўйича профессионал тайёргарликдан ўтган кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришдек масъулиятли вазифаларни амалга оширишда мазкур соҳаларда фаолият кўрсатётган мутахассислар зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун бу йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Кадрлар билан таъминлаш масаласида шуниси эътиборга лойиқки, мамлакатимизнинг тўртта олий ўқув юртида ижтимоий иш йўналиши бўйича профессионал кадрлар тайёрланмоқда. Келгусида ушбу кадрлар инсонларни қийин ҳаётий вазиятлардан қутқариб, нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаол ишларни олиб борадилар. Бу каби ишларни амалга оширишда албатта, ёш мутахассислардан бир қанча касбий хусусиятларга амал қилишлари талаб этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бўлажак ёш мутахассислар ўртасида аввалроқ мижозлар билан ишлаш малакаси ва касбий кўникмаларни шакллантириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида ижтимоий соҳада фаолият олиб борувчи касб эгалари билишлари керак бўлган муҳим тамойиллар кўрсатилган.

- инсонпарварлик тамойили (инсонни олий қадрият деб тан олиш);

- адолатлилиқ тамойили (шахс қобилиятларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш ва тенг ҳуқуқлилиқ);

- ишонч тамойили (мижоз ва ходим ўртасидаги ўзаро ишончли муносабат);

- профессионаллик тамойили (ўз мутахассислиги бўйича чуқур билимга эга бўлиш);

- конфиденциаллик тамойили (сир сақлай олиш, мижоз тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслик);

- инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойили (мижоз ким бўлишидан қатъий назар уларни ҳурмат қилиш ва қабул қилиш);

- касбий ҳамкорлик тамойили (нафақат мижозлар билан балки, мурожаат қилувчига бевосита ёрдам кўрсатиш мақсадида тегишли вазирлик, идора ва муассасалар билан амалий ҳамкорлик);

- масъулиятлилик тамойили (мижоз ҳақида ғамхўрлик қилиш, эътиборлилик).

Ўйлаймизки, келгусида истиқболли ижтимоий иш касбини ривожлантириш орқали мамлакатда ижтимоий хизматларга замонавий йўналишларни киритиш, оила ва болалар билан ишлашда ижтимоий ходимларнинг малакасини янада ошириш, алоҳида эътибор ва ёрдамга муҳтож болаларни жамиятга интеграцияси ва мослашувини амалга оширишда ижтимоий иш ходимларининг амалиётини янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу каби олдимизда турган вазифаларни амалга оширишимиз энг аввало етишиб чиқаётган ёш кадрларни эртанги кунларида ўз ўринларини топишларида хизмат қилишини доим ёдда тутмоғимиз даркор.

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ЁШ РАҲБАР-КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Т.Қ.Хидиров

*Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитаси Божхона институти*

Бугунги кунда божхона органлари мамлакатимиздаги энг асосий органлардан бири бўлиб, иқтисодиёт соҳасидаги кўплаб муаммо ва камчиликларни бартараф этишга ҳамда уни жадаллик билан ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган ташкилот ҳисобланади. Божхона органлари мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган божхона сиёсатини юритиш билан биргаликда, давлат бюджетини ҳам таъминлаш вазифасини амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимизда божхона органлари

томонидан иқтисодий тимизни ривожлантиришга қаратилган кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг чегара ҳудудлари орқали олиб ўтиладиган товар ва маҳсулотлар, халқаро ва минтақавий савдо-сотиқ ишлари, ривожланган давлатлар ва қўшни мамлакатлар билан экспорт ҳамда импорт сиёсатини юритиш, чегара ҳудудидан олиб ўтилаётган товар ва маҳсулотлардан белгиланган тартибда давлат божларини ундириш каби долзарб аҳамиятга эга бўлган божхона сиёсатини амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда барча соҳаларда ютуқлар билан биргаликда, бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, божхона органларида ҳам етарли даражада муаммо ва камчиликлар мавжуд. Энг долзарб муаммолардан бири, божхона органлари соҳасида ёш раҳбар кадрларни тайёрлашнинг инновацион замонавий дастурларини мавжуд эмаслиги, ўқитишнинг инновацион усулларини амалиётга татбиқ этилмаганлиги, божхона соҳаси бўйича бошқарув санъатини эгаллашга қаратилган ривожланган давлатларнинг тажрибасидан самарали тарзда фойдаланилмаётганлиги ҳамда ушбу соҳадаги ёш раҳбар кадрларни бошқарув салоҳиятини замон талабларига мос бўлган даражада юксалтириш механизмларни жорий этилмаётганлиги ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммоларни замонавий ёндошувлар орқали ҳал этиш учун божхона органларида ёш раҳбар кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан божхона органлари фаолиятини янада яхшилаш ҳамда ёш раҳбар кадрлар тайёрлашни тубдан такомиллаштириш борасида бир қатор янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3995-сонли Қарорида божхона органларида ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш борасида янги имкониятларни яъни, божхона органлари ходимларининг билим ва кўникмаларини, шу-

нингдек, вазифа ва функцияларни самарали ва оқилона амалга ошириш учун зарур бўлган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминловчи божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

ўқитишнинг замонавий инновацион шакл ва усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, назарий тайёргарлик ва божхона органларининг амалий фаолияти билан боғлиқликни таъминловчи амалиёт ўташ тартибини такомиллаштириш;

замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлари, ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш, ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар фондини, ўқитишнинг техник воситалари, шунингдек, глобал ахборот-ҳуқуқий ва таълим ресурсларини мунтазам янгилаб бориш;

илмий ишланмалар натижаларини ўқув жараёнига ва божхона органлари фаолиятига жорий этишни назарда тутган ҳолда божхона фаолиятини ҳуқуқий ва ахборот-техник таъминлаш, божхона назоратини такомиллаштиришга доир мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотларни амалга ошириш¹⁵⁰ каби янги тизимларни жорий этиш масалалари келтириб ўтилганлиги ҳам, ушбу соҳадаги ёш раҳбар-кадрларни тайёрлашда замонавий ёндошувларни амалга ошириш лозимлигини англатади. Ривожланиб бораётган даврда ҳар қандай соҳадаги ёш раҳбар-кадрларни замонавий ва инновацион кўникмаларни эгаллашга, янги Start up ғоя ва тажрибаларни ўзлаштиришга, инновацион бошқарув ҳамда IT соҳаси бўйича етук дунёқарашни шакллантиришга қаратилган янги дастурлар асосида ўқитиш тизимини йўлга қўйиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиздаги божхона органларида ёш раҳбар кадрларни тайёрлашда қуйидаги замонавий усулларни жорий этиш лозимдир.

¹⁵⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3995-сонли қарори, 2018 йил 2 ноябрь.

1. Божхона органларида ёш раҳбарларни тайёрлашда замонавий инновацион бошқарувга қаратилган ўқув дастурларини йўлга қўйиш;

2. Амалиёт ва назарияни боғлаган ҳолда ўқитиш ва ходимларни бошқариш тизимини Online ҳолатини таҳлил этиш.

3. Ёш раҳбар-кадрларни тайёрлашда ҳамкор ташкилотлар билан бошқарув санъатини эгаллашга қаратилган янги лойиҳа ҳамда семинар-тренингларни ташкил этиш.

4. Божхона органлари соҳасида Start up ғояларини амалга оширувчи клубларни таъсис этиш.

5. Божхона органлари тизимида ёш раҳбарларни тайёрлашда замонавий психологик марказларни йўлга қўйиш.

6. Божхона соҳасида раҳбарликка тайёрлаш бўйича ривожланган давлатларнинг инновацион тажрибасини амалиётга татбиқ этиш.

7. Бутунжаҳон божхона ташкилотини томонидан ёш кадрларни тайёрлашда қўлланиладиган янги лойиҳалар доирасида мамлакатимиздаги божхона соҳасидаги ёш раҳбарларнинг дунёқарашини ошириш.

8. Ёш раҳбарларни рағбатлантириш дастурларини, раҳбарлик бўйича синов топшириқларини йўлга қўйиш орқали божхона органларида замон талабларига ҳар томонлама мос бўлган ёш раҳбар-кадрларни тайёрлаш имконияти янги bosқичга кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан божхона органлари фаолиятини янда ривожлантириш мақсадида 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сонли Фармонида қуйидаги масалалар келтириб ўтилган. Жумладан, Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини, юқори профессионал кўникмага, маънавий-ахлоқий сифатларга ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусига эга бўлган кадрларни тайёрлаш, танлаш ҳамда жой-жойига қўйиш тизимини тубдан такомиллаштириш;

божхона органлари барча таркибий тузилмаларининг фаолияти ва идоралараро ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

хорижий давлатларнинг божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, божхона иши соҳасида илғор тажрибани, халқаро норма ва стандартларни тизимли ўрганиш ва жорий қилиш¹⁵¹ вазифалари алоҳида кўрсатиб ўтилганлиги ҳам божхона органларида замонавий ёш раҳбар-кадрларни тайёрлашда янги ёндошувларни амалиётга татбиқ этиш муҳимлигини англатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, божхона органларида ёш раҳбар-кадрларни тайёрлашда қуйидаги тақлиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, Божхона институтидаги курсантларни ўқитишнинг замонавий инновацион дастурларини ишлаб чиқиш.

Божхона соҳасида ёш раҳбарларни тайёрлашда бошқарув санъатига оид бўлган янги фанларни амалиёт билан боғлаган ҳолда ўқитиш.

Ёш раҳбар-кадрларни дунёқарашини ва салоҳиятини инновацион жиҳатдан ривожлантиришда янги технологияларни бошқариш амалиётини кенгайтириш.

Курсантларга ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишлари учун шарт-шароитларни яратиш бериш.

Божхона институтининг илмий салоҳиятни ошириш борасида божхона соҳасида янги инновацион тажрибага эга бўлган ходимларни жалб этиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мамлакатиздаги божхона органларида ёш раҳбар-кадрларни тайёрлашда янги лойиҳаларни, инновацион дастурларни, хориж тажрибасини, замонавий ўқитиш усулларини, бошқарув психоло-

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сонли Фармони, 2018 йил 12 апрель.

гиясини, Start up ғояларни ҳамда Online янгиликларни амалиётга татбиқ этиш орқали тайёрлаш мақсадга мувофиқ хисобланади. Божхона органларида бошқарув самарадорлиги қанча юқори даражада йўлга қўйилса, иқтисодий манфаатларимиз юксалиши янги босқичга кўтарилиб бораверади. Бу эса мамлакатимизнинг бошхона сиёсатини ривожланган давлатлар нигоҳида юксалиб боришига хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА СИЁСИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ

Б. Б. Абдуллаев

*Қўқон ДПИ ижтимоий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси*

Х. Э. Эргашева

*Қўқон ДПИ ижтимоий фанлар
кафедраси ўқитувчиси*

Изчил ва барқарор ривожланаётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборат мақсад йўлида оғишмай бораётган мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотига катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.”¹⁵²

Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик йилларида туғилиб, вояга етаётган авлоднинг таълим-тарбияси давлат ва жамият учун муҳим аҳамият касб этди. Зеро, жамиятда кечаётган сиёсий жараёнларда мамлакат ёшларининг онгли ва

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. 18.10.2016. <http://pressservice.uz/uz/news/5352/>

масъулиятли иштироки шу жараёнларнинг муваффақияти ва пировард натижасини белгилайди.

Баъзида сиёсатнинг субъектив мазмуни (Г.Алмонд, С.Верба, Д.Дивайн, Ю.Краснов в.б.лар) билан боғланадиган аҳоли сиёсий маданияти, ушбу мақола доирасида эса, ёшлар (ёшлар (ёш фуқаролар) — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар)¹⁵³ сиёсий маданиятининг манбалари, унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида сиёсий фанларнинг ўрнини белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон сиёсий фанида ушбу масала бўйича бир қатор олимлар ва мутахассислар қалам тебратган, уларнинг орасида С.Отамуродов, И.Эргашев, Х.Одилқориев, Ш.Ғойибназаровларнинг асарлари¹⁵⁴ алоҳида аҳамиятга молик. Доимий ўзгаришда бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсири, қолаверса, айнан ёшлар ижтимоий гуруҳи сиёсий маданияти шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаб олиш ва уларнинг хусусиятларини ёритиб бериш ушбу масалани кўтаришга туртки берди.

Ёшлар ижтимоий гуруҳининг жамиятдаги ўрни тўғрисида сўз юритганда, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади.

Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”,¹⁵⁵ деган фикрларини эслаб ўтиш лозим. Ўзбекистон аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этаётган ёшларнинг сиёсий онг ва маданияти шаклланишига ўзгариб бораётган

¹⁵³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 37 (745)-сон, –Т., 2016, 3-бет.

¹⁵⁴ Қаранг: Отамуратов С. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантириш омиллари. – Т., 2015, Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Т., 2004, Одилқориев Х., Ғойибназаров Ш. Сиёсий маданият. – Т., 2004

¹⁵⁵ Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 14.12.2016. <http://pressservice.uz/uz/news/5395/>

ижтимоий-сиёсий жараёнлар шароитида бир қатор янги омилларнинг таъсири катта бўлмоқда.

Ёш авлодга таълим-тарбия беришда таълим муассасаларининг ўрни беқиёс. Мактабгача таълим муассасаларидан тортиб то олий таълим муассасаларигача бўлган узлуксиз таълим тизими таълим дастурлари ва ўқув режаларига киритилган сиёсий билим ва кўникмаларни шакллантирувчи ўқув предметларининг ёшлар сиёсий онги ва маданияти шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Таълим билан қамраб олинмаган ёшларнинг сиёсий маданияти таълим жараёнида махсус фанларни ўрганган ёшларнинг сиёсий маданиятидан фарқ қилиши бир жиҳатдан бунга исбот бўлади.

Ёшларнинг сиёсий дунёқараши, сиёсий онги шаклланишида ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида ўқитиладиган ижтимоий фанлар ва улар таркибида шакллантириладиган сиёсий тушунчаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак. Умумий ўрта таълим мактаблари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2018 йил 27 июлдаги 191-сонли буйруғи билан тасдиқлаган “Умумий ўрта таълим мактабларининг I-XI синфлари учун 2018-2019 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режа”да¹⁵⁶ йўналиши ва хусусиятига кўра фанлар олтига блок-модуллардан иборат бўлиб, ижтимоий фанлар блокига 1-11 синфлар учун ҳафталик 34 соат юклама белгиланган. Бу блок-модулга ажратилган соатлар ҳажми умумий соатлар ҳажмининг 10% қисмини ташкил этади. Унинг таркибига тарих, дунё динлари тарихи, давлат ва ҳуқуқ асослари, одобнома, Ватан туйғуси ва миллий ғоя ва маънавият асослари ўқув фанлари киритилган. Гарчи, умумий ўрта таълим мактабида 1-11 синфлар ижтимоий фанлар блокида сиёсий фанлар таркибига кирувчи фанларнинг ўқитилиши назарда тутилмаган бўлсада, ушбу фанлар таркибидаги мавзуларни ўқитишда сиёсий фанларнинг кўпгина категориялари ва тушунчаларидан фойдаланилади. Ўқувчи ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришда ушбу тушунчалар назарий асос вазифасини ўтайди.

¹⁵⁶ <http://www.uzedu.uz/Xtv/IndexBatafsil/67?ID1=541>

Шу нуқтаи назардан мазкур фанларга оид дарслик ва қўлланмаларни шакллантиришда сиёсий фанларга оид тушунчаларни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайман. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган ижтимоий фанлар мавзулари ва тушунчаларини ёритишда сиёсий фанларнинг сиёсат, сиёсатнинг ижтимоий табиати ва пайдо бўлиши, сиёсий таълимотлар тарихи, ҳокимият, давлат, сиёсий партиялар сиёсий тизим, демократия, авторитаризм, тоталитаризм, монархия, республика, сиёсий партия, сайлов, сиёсий маданият, сиёсий онг, сиёсий мафкура, халқаро сиёсат, ташқи сиёсат каби энг умумий тушунча ҳамда категорияларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичида 2020 йилга қадар амалда бўлган таянч ўқув режада¹⁵⁷, ушбу таълим босқичида ўқитиладиган 4470 соат умумий ўқув юкламадан 45% (2010 соат) умумтаълим фанларига ажратилган. Умумтаълим фанлари таркибида сиёсий фанларга ёндош бўлган тарих, маънавият асослари, фалсафий фанлар, ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон Конституцияси, миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар, иқтисодиёт асослари ўқув фанларига 440 соат ажратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига¹⁵⁸ асосан тасдиқланган ўрта махсус, касб-хунар таълимининг таянч ўқув режасида эса, ушбу таълим босқичида ўқитиладиган 4470 соат умумий ўқув юкламадан 43,8% (1960 соат) умумтаълим фанларига ажратилган. Ушбу таянч ўқув режада ҳам юқорида санаб ўтилган ўқув фанлари бўйича 440 соат, яъни умумий ўқув юкломанинг 10%, умумтаълим фанлари юкломасининг 22,4% ажратилган. Мазкур фанлар мавзулари ва тушунчаларини ёритишда сиёсий фанларнинг нисбатан кенгроқ бўлган сиёсатнинг шакллари ва даражалари, сиёсий инсти-

¹⁵⁷ <http://lex.uz/acts/1205976>

¹⁵⁸ <http://www.lex.uz/docs/3153714>

тут, сиёсий ҳокимият, манфаат гуруҳлари, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, жамоа бирлашмалари, сиёсий элита, сиёсий етакчилик, сайло тизими, модернизация ва демократлашув жараёнлари, халқаро сиёсий тизим, халқаро муносабатлар, геосиёсат, халқаро ташкилотлар, дипломатия каби тушунчаларини киритиш лозим деб ҳисоблайман. Санаб ўтилган ўқув фанлари таркибида бир қатор сиёсий фанларга оид тушунчалар киритилган бўлсада, берилган таърифлар ва маълумотлар ўша ўқув фани мақсади доираси билан чекланган бўлиб, сиёсий фанлар таркибида ўтказилган тадқиқот ва назарий маълумотлардан фойдаланилмаган. Бу эса, ўз навбатида ўқувчи ва талаба ёшларда сиёсий фанларга доир бўлган тушунча ва категориялар ҳақида батафсил маълумот олишга имкон бермайди.

Олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларнинг сиёсий онги ва маданияти янада юксалтириш борасида олий таълим тизимида ўқитилаётган ўқув предметларининг ўрни беқийс. Аини сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ва бу соҳага қизиқиб турган, олий таълим билан қамраб олинган ёшлар учун сиёсий фанларнинг тушунча ва категорияларига оид назарий ва амалий билимлар қайси ўқув предметлари таркибида, қай йўсинда, қайси адабиёт ва манбалар асосида берилаётгани, бизнингча, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим йўналишлари намунавий ўқув режаларида ўртача 14%гача ўқув юклама “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки”га ажратилган. Ушбу блокка киритилган Ўзбекистон тарихи, Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси, диншунослик, фуқаролик жамияти, социология каби фанлар таркибида сиёсий фанларнинг ёшлар сиёсий онги ва маданияти шаклланишига катта ижобий таъсир кўрсатадиган тушунча ва категориялари ўргатилди.

2019 йил 29 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сиёсий фанлар соҳасида кадрларни тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-4139-сонли Қарори¹⁵⁹ олий таълимда сиёсий фанлар соҳасида олиб бориладиган тадқиқотлар ва ушбу фанларни Ўзбекистон таълим тизимида ўқитиш борасида катта бурилиш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чоратадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилишда илгари сурилган тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.¹⁶⁰

Мазкур муҳим ташаббусга кўра, етказиб берилаётган адабиётлар сафида сиёсий фанларга доир бўлган тушунча ва категориялар мувофиқлашган ҳолда акс эттирилган ўқув адабиётларининг ҳам мажудлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон таълим тизимида ўқитилаётган ўқув фанларининг бугунги кунда турлича ижтимоий табиатга эга бўлган таълим тизими билан қамраб олинган ёшларнинг демократик сиёсий маданиятини шакллантиришга йўналтириш катта самара беради. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”.¹⁶¹

¹⁵⁹ <http://lex.uz/docs/4182353>

¹⁶⁰ <http://uza.uz/uz/politics/beshta-tashabbus-b-yicha-dasturlar-yeshlar-va-khotin-izlar-m-03-04-2019>

¹⁶¹ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш—юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон

ГЕЙМИФИКАЦИЯ КАК НЕОТЕМЛЕМАЯ ЧАСТЬ ОБРАЗОВАНИЯ

С.Н.Хидиров

*Начальник учебно-методического отдела
Академии государственного управления при
Президент Республики Узбекистан*

Гейм, то есть игра, де-факто как способ обучения долгое время ассоциировались лишь с начальной школой. Однако стоит отметить, что в последние годы игровые технологии активно используются и в старших классах, и также широко распространяются в ВУЗах.

Итак, геймификацией называют появление игровых элементов в неигровых процессах – в нашем случае речь идёт об образовании. Элементы игры создают перманентную обратную связь, что, в свою очередь, позволяет корректировать поведение «игрока», то есть обучающегося, кроме того, это помогает оптимизировать усвоение материала, повышает в разы вовлеченность и позволяет за счёт повышенной вовлеченности постепенно усложнять и усложнять поставленные задачи – точно так же, как в обычной игре (реальной или виртуальной) мы двигаемся от более простых уровней к более сложным. Данная, «игра» помогает повысить ту самую мотивацию, а высокая мотивация помогает не спастись перед тем самым сложным материалом, которого многие «боятся». Реализация игровых элементов может быть разной; в пример можно привести хорошие и плохие оценки «игрока» или повышенную стипендию, это все можно расценивать как неотъемлемую часть игры. Но обычно под геймификацией всё-таки понимают использование специальных цифровых технологий, характерных для компьютерных игр. Про геймификацию обычно говорят в связи с дистанционным Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07.12.2016. <http://press-service.uz/uz/news/5384/>

обучением, где как раз нужна сильная мотивация (по данным зарубежных коллег: доля пользователей, успешно закончивших курс, обычно не превышает 7% от числа зарегистрированных на него).

Стоит отметить, что на данный момент в современной образовательной системе преподавание в формате игры или квеста не воспринимается серьезно, однако учебные учреждения стран СНГ движутся к серьезным изменениям. В образовательную практику входят новые форматы, и преподаватели активно начинают использовать мультимедийные ресурсы, вставая «на одну волну» со своими учениками. Кроме того, формат игры предполагает соперничество, а для подростков это сильная мотивация развиваться. Всегда стоит помнить, что игра – это не панацея. Только на играх невозможно построить процесс обучения. Полагаем, что необходимо использовать комплексный подход, сочетая академические теоретические знания, наработку практических навыков в эксперименте и современные приемы геймификации и мобильного обучения.

Постепенный переход пользователей на онлайн-платформы несет в себе массу плюсов: возможность учиться из любой точки мира в удобное время, выбирать себе курсы, исходя из личных интересов, а не заранее сформированного учебного плана, и т. п. Однако хотим отметить, что возникает некоторая проблема: свобода предполагает отсутствие контроля и расхолаживает студента. Геймификация работает по принципу соревнования и помогает поддерживать продолжительный интерес к учебе.

Кроме того, процесс геймификации может успешно использоваться и в самообразовании. Самый очевидный пример – платформы и мобильные приложения для изучения иностранных языков (в основном английского и китайского). Есть проекты более широкого профиля – например, Лига знаний «Естественный интеллект». В основе тестирования лежит многоуровневая игра, построенная на рейтинговой системе. Участие в Лиге помогает расширить картину мира и лучше ориентироваться в естественнонаучных явлениях,

с которыми каждый из нас сталкивается ежедневно. В процессе игры участник сможет не только определить свой уровень знаний по биологии, химии, физике, географии, но и, соревнуясь с другими участниками и набрав наибольшее количество баллов, получить главный приз – поездку на двоих в интерактивный научный музей в Германии. Это ли не мотивация?

Суммируя вышеприведенное напрашивается определенный вывод, реформа отечественного образования должна модернизироваться с учетом не только академических инноваций, но и с учетом таких нестандартных подходов как геймификация.

ЁШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ.

Б.А.Назарова

Педагогика фанлари номзоди.

Олий таълим тизимида талабалар илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, олий таълимнинг асосий мақсади замон талабларига мос юқори илмий-ижодий салоҳиятга ва юксак маънавиятга эга етук кадрларни тайёрлашдир.

Мамлакат тараққиёти жамият аъзоларининг ижтимоий фаоллиги ва илмий салоҳияти билан белгиланади. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни мустаҳкамлаш, илмий салоҳият ресурсларини ошириш мақсадида ёшларнинг илмий тадқиқот билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса иждодий педагогик қувватни ошириш орқали давлат ва жамиятнинг инсон манфаатларига мос даражадаги равнақига ҳамда таълим тизимида юксак сифат ва самарадорликка эришишдан иборат.

Ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтиришда олий таълим асосий босқич ҳисобланиб, унда талабалар тадқиқотчилик фаолиятининг аниқ мазмунини ўзлаштира

бошлайдилар ҳамда муайян шакллари билан мустақил шуғулланадилар.

Ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқотчилик фаолияти - муаммоли ўқитиш тизимидаги асосий фаолият турларидан бири бўлиб, талабаларга узлуксиз равишда ўзлари учун янгиликларни кашф этишга имкон яратади. Унда талабада ижодкорлик, янгилик яратиш қобилиятини ривожлантириш ғояси етакчилик қилади. Ижодий лаёқатлар – талабанинг янги илмий фикрлар айтиши, таълим методлари усул ёки воситалари ўзи мустақил яратиши ёки унга қандайдир янги элементлар қўшиши, фавкулотда, кутилмаган қарорлар қабул қилишида кўринади.

Креативлик – (луғавий жиҳатдан лотинча “яратиш, бунёд этиш” сўзларидан олинган бўлиб, “ижод ва ижодкорлик” маъносига қўлланилади) ўқув материалидаги илмий муаммолар ечимини излаш, уларни ўзгача, ижодий ҳал этишга қаратилган саъйи-ҳаракатларнинг сифатий тавсифномаси. Аксарият психологларнинг тавсифига кўра, креативлик нарсаларни ўзгача кўра олиш, муаммоларнинг ноёб ечимини топа олиш қобилиятидир. Креативлик – ижодкорликка, ноодатий ва кутилмаган қарорлар чиқаришга, янги ғояларни қабул қилишга, қотиб қолган стереотипларни бартараф қилишга, ностандарт вазиятларда ечимлар топа билишга ва ҳайратланишга лаёқатлилик демакдир. П. Торренс (АҚШ) психологияга креативлик тушунчасини киритиб, унинг қай даражада шаклланганлиги ўқув ва касбий фаолиятда шахснинг ташкилотчилик лаёқатига эга бўлишида намоён бўлишини кўрсатди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, агар интеллектнинг юқори коэффициенти креативликнинг юксак кўрсаткичлари билан тўлдирилса, инсон касбий ва бошқарув фаолиятида катта муваффақиятларга, ўзида ижодий-тадқиқотчилик лаёқатларини таркиб топтиришга эришади. Юқори интеллект коэффициентига ва креативликнинг қуйи даражасига эга кишилар технологияларни тўлиқ ўзлаштириб олсалар-да, катта муваффақиятга камдан-кам эришадилар. Яъни, ўз предметини аъло даражада биладиган ўқитувчи, ижодий

хислатларни намоён қилмас экан, унинг меҳнат самаралари етарлича юқори бўлмайди.

Д. Гилфорд (США) тафаккурнинг икки типини ажратиб кўрсатади: булар конвергент (мантиқий) ва дивергент, яъни мантиқий тузилмага мос келмайдиган тафаккур типлардир. Конвергент тафаккур ёки мантиқий фикрлаш орқали билимларни ижодий қўллаш лаёқати интеллект тестлари кўмагида аниқланади. Дивергент тафаккур эса креативлик тестлари кўмагида аниқланади.

Талаба шахсининг ривожланиши ўзига хос хусусиятга эга. “Бу, энг аввало, уларда ўзини такомиллаштириш истагининг кучайиши ва ўқишга бўлган қизиқишининг ўсиши билан характерланади” [229, 38]. Талабалик даврининг энг муҳим хусусиятларидан бири мустақил фикр юритишга интилишнинг ривожланишидир. Шунинг учун ҳам бу даврда фақат назарий билим бермасдан, турли амалий вазиятларга муносабат билдиришни шакллантириш, кўпроқ изланиш, ижодий ёндашув, тафаккур ривожига эътибор қаратиш лозим. Жаҳон таълим тизимида фалсафа, психология ҳар бир фаннинг методологик асосида туради. Чунки барча фанлар назарий жиҳатдан фалсафий қонуниятларга асосланади. Шунингдек, илмий тафаккур ҳам инсон психологияси ва фалсафий қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир. Хулоса қилиб айтганда, ёшларни илмий тадқиқот ишларини олиб боришга тайёрлаш, уларда илм-фаннинг жамият тараққиётига ҳисса қўшадиган долзарб йўналишларини тадқиқ этишга қаратилган кўникма ва малакаларни шакллантириш, фундаментал қимматга эга бўлган натижаларни қўлга киритиш учун талабаларда тадқиқотларга тизимли ва изчил ёндашишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш уларнинг тафаккур доирасини кенгайтиришга, илмий дунёқарашларини чуқурлаштиришга, жамият тараққиёти қонуниятларини англаб этишларига ёрдам беради. Жамиятда бундай шахслар сафининг кенгайиши соғлом фикрли, табиат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилувчи фуқароларнинг шаклланишига олиб келади.

Тадқиқотчилик фаолияти ҳамisha креатив ёндашишни талаб қилади. У талабаларни ўз-ўзини реализация қилишлари, ўз ички имкониятларини аниқлашлари ва намоён этишларига қаратилади. Шунингдек, интеллектнинг юқори коэффициенти креативликнинг юксак кўрсаткичлари билан тўлдирилса, инсон касбий ва бошқарув фаолиятида катта муваффақиятларга, ўзида ижодий-тадқиқотчилик лаёқатларини таркиб топтиришга эришади. Юқори интеллект коэффициентига ва креативликнинг қуйи даражасига эга кишилар технологияларни тўлиқ ўзлаштириб олсалар-да, катта муваффақиятга камдан-кам эришадилар. Яъни, ўз предметини аъло даражада биладиган ўқитувчи, ижодий хислатларни намоён қилмас экан, унинг меҳнат самаралари етарлича юқори бўлмайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтиш жоизки, ёшларни илм ўрганишга даъват этиш Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган етакчи ғоялардан хисобланади.

ЁШ РАҲБАРЛАРДА МАҚСАДНИ БЕЛГИЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ш.Содиқова

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув социологияси
ва психологияси” кафедраси профессори вазифасини
бажарувчи, соц.ф.д.*

Жамият тараққиётини илмий таҳлил қилишда “мақсад” категориясининг ўрнини аниқлаш ва ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Айнан, ёш раҳбарлар фаолиятида мақсадни белгилаш муҳим роль ўйнайди. Улар ўзаро муносабатларда намоён бўлиб, ўтмиш, ҳозирги ва келажак муносабатларини: мақсадлар – воситалар – натижаларни акс эттиради. Шу билан бирга, воситалар ўтмишнинг диалектик бирлигини ифодалайди, меҳнат қилади, натижада келажакдаги идеал образнинг яратилишига олиб келади.

“Мақсад” тушунчаси олимларни анчадан бери қизиқтириб келадиган категориядир. Ижтимоий ривожла-

нишда *мақсадни* икки хил ёндашув: телеологик (натижа, мақсадга эришилганлик) ва детерминистик (аниқловчи) лар билан асослаш мумкин. *Мақсад* инсон амалий фаолиятининг барча жабҳаларига таъсир кўрсатади, ўзгарувчан, моддий ва ижтимоий шароитларга боғлиқ равишда бошқарилади. Улар инсоннинг фаол табиатини онгли англатиш имконини беради.

Мақсад – бу ҳаракатлар орқали юзага келадиган ақлли натижа қиёфаси ҳисобланади. У келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсаларни тасвирлайди. *Мақсад* – маълум бир натижага эришиш учун келажакдаги ҳаракатларнинг модели ҳисобланади.

Мақсад – бу фақат инсонларнинг онгида ҳақиқатнинг акси бўлибгина қолмай, балки, у ташқи шароитларга, ривожланиш имкониятларига, ҳаракатларнинг фойдасига бўлган муносабатлар ифодасидир. Шу нуқтаи назардан, у эҳтиёжларнинг вазифаси сифатида хизмат қилади. Бу ҳали мавжуд бўлмаган, аммо амалий инсоний ҳаракатлар натижасида яратиладиган предмет ҳисобланади.

Мақсадда қадриятлар муносабатлари акс эттирилади, бу *билиш* – *баҳолаш* – *амалиётдир*. Шундай қилиб, ушбу мақсад амалий ва ўзгарувчан инсон фаолиятининг омилларини бошқарувчи вазифасини бажаради.

Мақсад воситалар билан боғлиқ, бўлиб, улар инсоннинг мақсадларига нисбатан ҳаракатларидир. Воситалар орқали ўзларини натижа билан боғлайди ва улар туфайли ҳақиқатни ўзгартирадиган кучга айланади. Воситаларга нисбатан мақсад бирламчи бўлиб, субъектив мақсад ҳаракатлари сифатида олдинга чиқади. Шу билан бирга, натижага айлантирилган фаолият янги мақсадлар воситаси ҳисобланади. Бу чексиз жараён бўлиб, мақсадга мувофиқ жараён саналади. Бир вақтнинг ўзида бу мақсад ва восита, сабаб ва оқибат, бошланиши ва натижаси, субъективлик ва ҳолислик бўла олади.

“Мақсад-воситалар-натижа” занжири ёш раҳбарлар фаолиятининг йўналишини ва охир-оқибатда ижтимоий ривожланишни белгиловчи сабабчи муносабатларнинг шакли ҳисобланади. Шунинг учун “*мақсад*” категорияси

ижтимоий муносабатлар тизимида органик тарзида боғланган. Ёш раҳбарларнинг трансформацион фаолияти тизимли бўлиб, у ҳам ижтимоий ривожланиш мазмуни сифатида намоён бўлади. Ушбу жараёнда мақсад ёш раҳбарларни доимо ўзгарувчан табиий, моддий ва ижтимоий ҳаёт шароитларига мослаштириш функциясини амалга оширади.

Ёш раҳбарларда мақсадни белгилаш ҳар доим муайян ҳаракатлар мажмуини танлаш билан билан боғлиқ. Ёш раҳбарларда у невропсихик воситачилик қилади, жамиятда эса бу билим, баҳолаш ва амалиётда намоён бўлган ижтимоий ҳаракатлар воситасида амалга оширилади.

Ахборот жараёни асосан илм-фан соҳасида, мафкура ва сиёсат соҳасида, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳақиқий моддий-объектив фаолиятда баҳоланади. Бироқ, билиш, баҳолаш ва амалиётга қарамасдан ўз ҳаётий фаолиятларини таъминлаш учун инсон ва жамият томонидан амалга ошириладиган биргина ақлий ва жисмоний жараённинг уч нуқтасини тасвирлайди. Ушбу жараёнда мақсадни белгилаш ички омиллар ва ижтимоий ривожланишнинг ташқи шароитлари таъсирини мувозанатлаштирувчи мослашув механизми сифатида намоён бўлади.

Мақсадлар орқали ёш раҳбарларнинг, умуман, инсониятнинг эркинлиги амалга ошади. Ўзгаришлар жараёнида ёш раҳбарларнинг муносабатини, унинг танлови, қарори, атроф-муҳит таъсирига қарши туриш қобилиятини акс эттирадиган жараёндир.

Мақсадлар нафақат кадриятларга тегишли, балки улар эркинликнинг ички жиҳатини ҳам англатади. Шу маънода эркинлик инсоннинг ҳозирги вақтнинг имкониятларига мувофиқ якуний ва оралик, тез ва узоқ мақсадлар тизимининг амалга оширишидир.

Бу жараён мураккаб, бир текис эмас, чунки инсонларнинг кўплаб мақсадлари, жумладан зиддиятли кишилар туфайли баъзи нарсаларни тарк этиши ва бошқа мақсадларга ўтиши мумкин, вазиятга қараб уларни ўзгартириши мумкин, бунда унинг ҳаракати мослашувчан бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, *мақсад* – бу ҳаракатнинг модели. Бу ҳаракатни ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллар билан белгиланадиган натижаларга қадар акс эттиради. Шунинг учун ёш раҳбарларда ижтимоий мақсадларни ўрганиш ва илмий асослаш бошқарув тизимини шакллантиришда муҳим йўналиш ҳисобланади. Ижтимоий мақсадлар бевосита шахсий хатти-ҳаракатларни тартибга солиш механизмига тўғридан-тўғри киради. Ёш раҳбарларни ижтимоий муносабатлар тизимида кўриб чиқаётганда, мақсадлар уларни атрофдаги ижтимоий дунёда қарамлиги, унинг ўзгарувчан фаолиятда иштироки ва мақсадларни аниқлаш жараёни ижтимоий тажрибанинг ассимиляциясига асосланган.

Мақсадни белгилашда ёш раҳбарлар турли имкониятларни танлайди, уни амалга оширишда тегишли воситалардан фойдаланишда қарор қабул қилади, унга эришишдаги тўсиқларни белгилайди. Шу билан бирга, бу танлов, шахсий мақсадни ижтимоий мақсадлар тизими ва уларни қабул қилиш билан уйғунлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, мақсадларни белгилаш кўптомонлама ва кўпфакторли жараён сифатида намоён бўлади ва у кўплаб ечимларни ва бошқарув ишларини танлашни ўз ичига олади. Инсон манфаатлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ижтимоий мақсадлар турлича бўлади. Шу боис, илмий таҳлил шунини кўрсатадики, мақсадларни таснифлашни тақозо этади. Умумий ва ўзига хос ижтимоий ривожланиш қонунларининг ўзаро таъсири якунловчи, оралиқ, ўз мақсадлари, даражали мақсадларни акс эттиради. Танланган ўзаро муносабатларнинг муайян мазмунига, фаолиятининг моҳиятига бефарқ эмаслигини ёдда тутиш керак. Бу эса, якуний мақсадга тўғри келади, яъни асосий мақсадни белгиловчи омил, инсон сай-ҳаракатлари асосий фаолият йўналишларида бирлашиб туришнинг асосий мақсади, оралиқ мақсадларга йўналтирилган узоқ ва мураккаб бир қатор тадбирларга олиб келади, тўғри якуний мақсад эса ривожланиш жараёнининг моҳиятини ифодалайди.

Инсон манфаатлари мақсадларда ўз аксини топади. Узоқ муддатли ва кунлик, умумий, жамоавий ва шахсий

бўлади. Шу муносабат билан муҳим ва аҳамиятсиз, узоқ, яқин ва бевосита, умумий ва хусусий мақсадларни таъкидлаш ўринлидир. Танланган шакллар умумий ва индивидуал ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи, интерактив муносабатларда бир-бирига бўлган, амалиётнинг кўп босқичли, ҳар томонлама хусусиятни, унинг тузилишининг мураккаблигини кўрсатадиган моҳият ва ҳодиса, зарурат ва тасодифийликдир.

Ижтимоий мақсадлар прогнозларда, режаларда ва дастурларда ҳар хил кўринади. Масалан, прогнозларда – унинг маъно-мазмуни, яъни келажакдаги идеал тасавури, режаларда – бошқарув қарори сифатида, лекин бу қарорни амалга ошириш учун ҳаракатлар кетма-кетлигини ҳисобга олиш зарур. Ниҳоят, дастурларда мақсад мақсадли тизим сифатида пайдо бўлади, яъни идеал тасвирнинг ажралмас бирлиги, фаолиятнинг тузилиши ва мавжуд ресурслар. Шу билан бирга, бу бирлик фақат прогноз ва режалар мавжудлигида эришилади. Шунинг учун ёш раҳбарларда самарали мақсадларни белгилаш фақат ижтимоий бошқарув тизимида амалга оширилиши мумкин.

2-ШЎЪБА: ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ДОИР ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ МУАММОЛАРИ

ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ СИЁСАТИ

О.Ф.Турсунова, Х.А.Орипов

Самарқанд давлат университети ўқитувчиси,

Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, ёшларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий, сиёсий, ҳуқуқий етуклик даражасига, миллий ўзликни қанчалик чуқур ва мукамал англаб олишларига бевоқифлик боғлиқ. Жамият тараққиётини, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида шундай дейилади: “Халқимизда “таълим ва тарбия бешиқдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди.

Шу сабабли, таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим”¹⁶².

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқароларга тааллуқли меъёрлардан ташқари, айнан ёшларни ҳуқуқий онгини юксалтиришга доир бўлган қоидалар ҳам мавжуд. Жумладан,

29-модда: “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”¹⁶³.

¹⁶² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Маҳалла газетаси. 2019 йил 29-декабрь 164-165-сон (1642). 3-бет.

¹⁶³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 12-б.

Шунингдек, Ўзбекистон 2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат бош ислохотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишларини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш йўлларини белгилаб берди. Ёшларга оид давлат сиёсати давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир. Шундай экан, қонун ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда ҳуқуқий кафолат ҳисобланади, норматив-ҳуқуқий актда ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш белгилаб қўйилган¹⁶⁴.

Ушбу қонунга кўра, давлат ёшлар сиёсатини амалга оширар экан, аввало, миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъий назар, ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, миллий-маданий анъаналарнинг авлоддан авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий **алоқаларини** таъминлаш, ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлаб олишларини кафолатлаш, жамият ва ёшлар ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этишини таъминлашни ўзига вазифа қилиб олиши белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, сўнги йилларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

¹⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида». Халқ сўзи газетаси, 2016-йил 15- сентябрь, № 182 (6617). 1-бет.

Бу борада уларда шаклланаётган ижтимоий ва мафкуравий тушунча ва ғояларнинг аҳамияти каттадир. Шу нуқтаи назардан, Ҳаракатлар Стратегиясида ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш белгилаб қўйилган¹⁶⁵.

Бугунги кунда Ўзбекистон қанчалик қалтис дунё билан алоқага киришганлигини кузатиш мумкин. Минтақамизда ёшлар маънавий хавфсизлигини таъминлаш заруриятининг сабабларидан бири шундан иборатки, бозор иқтисодиёти чет эл сармоялари, замонавий техника ва технология, бозорни шакллантириш усуллари билан бир қаторда мамлакатимизга ўзининг маданияти, турмуш тарзи, дунёқараши ва тасаввурларини ҳам олиб кирмоқда. Глобал мафкуравий таҳдид ва тажовузнинг хавфи - уларнинг юртимизга очиқ кириб келишидир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида ёшларнинг илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларга қарши мустақкам иммунитетни шакллантириш муҳимлиги қайд этилган¹⁶⁶.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев ўзларининг Олий Мажлисга қилган мурожаатларида: “Олий таълим тизимида

¹⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

¹⁶⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони. Зарафшон газетаси, 2017-йил 8-июль № 85 (22885) 2-б.

тахсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарур.

Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик.

Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади¹⁶⁷.

Шунингдек, ёшларимизнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга, жумладан, ахборот технологиялари ривожланган бир пайтда ёшларимизнинг виртуал сайтлар тўрига аралашиб қолиши, “мумкин бўлмаган” мавзуларда баҳсга киришиб кетиши, виртуал жиҳодлар каби “касаллик”ларга нисбатан иммунитетни шакллантириш зарур. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони бугунги кунда ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга дастуруламал бўлади десак муболаға бўлмайди. Жумладан, Фармонда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбияни тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур синдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш белгиланган¹⁶⁸. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги “касаллик”ларга нисбатан албатта юртимизда жавобгарлик асослари белгиланганлигини ёшларимиз онгига синдириб боришимиз шарт.

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Маҳалла газетаси. 2019 йил 29 декабрь 164-165-сон (1642). 3-бет.

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2019 йил 10 январь, № 5 (7235). 4 б.

Ижтимоий ҳаётда ёшлар фаолиятига нисбатан либерал сиёсат юритиш улар тарбиясига путур етказди. Азалдан ёшларнинг фаолияти ота-она, қўни-қўшнилар, маҳалла ва кенг жамоатчилик томонидан доимо назоратда бўлиб келган. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда куйидагиларга эътибор қаратиш бизнингча тўғри бўлар эди:

Биринчидан, “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” концепцияси асосида барчада дахлдорлик ҳиссини уйғотиш;

Иккинчидан, барча бўғиндаги таълим муассасаларида коррупцияга қарши кураш бўйича кескин чоралар кўриш. Бунинг учун, салоҳиятли, илмли ёшлар ўртасида турли хил брифинглар, мастер класслар, конкурслар ташкил этиш ва рағбатлантириш. Педагог ва талаба-ёшларга ҳар бир илмий иши учун энг кам ойлик иш миқдорида рағбатлантириш. Зеро, инвестициялар билимга, ғояга қаратилса, ёшларимиз барча масалаларга креатив ёндашадилар.

Учинчидан, “Президент асарлари билимдони”, “Ҳуқуқий билимдон”, “Депутат бўлсам”, “Сенатор бўлсам”, “Ҳоким бўлсам” каби танловлар ташкил этиш. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар оддий, “...бўлсанг, аввало қандай қонунларни қабул қилган бўлардинг? Концепциягни ишлаб чиқ? Қайси қонунларга қандай ўзгартишлар киритиш лозим, нега? Асосланг” ва ҳақозо.

Тўртинчидан, ҳар бир таълим муассасаси қошида “Ҳуқуқий клиника” ташкил этиш, волонтерлардан иборат гуруҳ юртимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий актлар билан аҳолининг турли қатламларини таништириб боради, албатта режа асосида бир ойда бир марта. Тарғибот-ташвиғот ишларини олиб борадилар. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир!”

Бешинчидан, турли хил стипендиялар, мукофотлар таъсис этишни тавсия қиламиз.

Олтинчидан, “Ёш қонун ижодкори” шиори остида иншолар, расмлар, альбомлар, видео, аудио кўрсатувлари, шеърлар, қонун лойиҳалари конкурсларини ташкил этиш.

Ватанимиздаги ҳар бир ёш авлод онгига ана шу мақсадларимизни сингдириб борсак, уларга янги замонавий билимлар бериб, миллий ғоямиз руҳида тарбияласак, эртага меҳнатимизнинг самарасини албатта кўрамиз. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бу йўлда бизга ишонч ва илҳом, ғайрат ва шижоат берадиган беқиёс бир куч-қудрат борки, биз унга таяниб, ўз мақсадларимизга албатта етамиз. Бу – ҳаёт синовларида тобланган, сўзида қатъий турадиган, ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, мард ва матонатли халқимиздир. Биз бугун кўп миллатли халқимизга, барчамизнинг умидимиз ва суюнчимиз бўлган ёшларимизга ишониб, маррани катта олмоқдамиз. Азиз фарзандларимиз, набираларимиз бахтини, камолини ўйлаб, эл-юртимизнинг, халқимизнинг ёруғ келажагини кўзлаб, олдимизга улкан вазифалар қўймоқдамиз”.

**ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ
ТИЗИМИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР
(ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
МИСОЛИДА)**

А.Б.Абдуқодиров

*Тошкент шаҳар адлия бошқармаси катта
маслаҳатчиси*

Бугун биз таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳақида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ гапираётган, муҳокама қилаётган бўлишимиз мумкин. Бироқ, бумавзукимнидир қизиқтирмайди деб айта олмайман. Агар, сиз бу фикрга қарши бўлсангиз – бу сизни бефарқ дегани эмас. Аксинча, телевизор, радио ва газеталарда оғиз тўлдириб маддоҳлик қилган кимсаларнинг гаплари асоссиз эканлиги ошкор бўлганлигидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017 —2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг

устувор йўналишларининг 4.4-банди бевосита таълим ва фан соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган бўлиб, мазкур бандда кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида сўнги икки йилда 1 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та фармон ва 152 та¹⁶⁹ қарор, турли вазирлик ва идораларнинг 29 та буйруқлари қабул қилинди. Албатта, рақамларда келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита таълимнинг у ёки бу соҳасини тартибга солишга қаратилган.

Бугун дунёда мавжуд давлатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли моделларини танлаган ва улар ўртасидаги муносабатлар ҳам ранг-баранг ҳамда жуда чуқур даражада кескинлик касб этмоқда. Аммо, уларнинг бари ўз юртида ҳуқуқий давлатни қуришни мақсад қилган. Ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга боғлиқ. Ўз навбатида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши шахснинг болалик давридан қандай ривожланганлигига, аниқроқ айтганда, мамлакат таълим тизимида ҳаётий зарурат бўлган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият масаласига нечоғлик ўрин ажратилганлигига боғлиқ.

Айнан ушбу масала таълим тизимида оқсаётган ерларимиздан биридир. Шу сабабдан, ютуқлардан кўра олдимизда турган, ҳал қилишимиз лозим бўлган муаммоларга бирма-бир тўхталиб ўтсак.

Биринчи муаммо дарсликлар масаласига оид. Сир эмаски, Тошкент давлат юридик университети барча юридик соҳалар учун малакали кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассаси ҳисобланади. Шунинг учун ушбу олий таълим муассасида бир қатор ислохотлар амалга оширилиб, талабалар модуль тизими асосида сабоқ олиб келишмоқда. Аммо, талабалар сифатли дарсликлар билан таъминланган деб бўлмайди.

Миллий ҳуқуқий адабиётларни худди шу йўналишдаги хорижий адабиётлар билан солиштирсак, камчиликлар яққол кўринади. Хусусан, миллий ҳуқуқий адабиётлар

¹⁶⁹<http://lex.uz/search/nat?searchtitle=%D1%82%D0%B0%D1%8A%D0%BB%D0%B8%D0%BC&from=07.02.2017&to=&lang=3>

муаллифлари у ёки бу мавзуни ёритишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар қилиш ёхуд уларга ҳавола қилиш билан чекланади.

Амалиётда юз берган низолар билан тушунтириш берилмайди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти ҳисобланиши ва бу ёш давлат 25 йилдан ортиқ вақт мобайнида халқаро ҳуқуқий муносабатларга киришиб келмоқда. Лекин, А.Саидов муаллифлигидаги “Халқаро ҳуқуқ” (2001) дарслигида Ўзбекистон билан боғлиқ мисолни учратиш қийин ёки Х.Р.Раҳмонқулов масъул муҳаррирлигидаги “Халқаро хусусий ҳуқуқ” (2002) дарслигида на Ўзбекистон, на қайсидир хорижий давлат билан юз берган арбитраж низолари билан боғлиқ халқаро низо келтирилган.

Масалан, Romak s.a. (Switzerland) v. The Republic of Uzbekistan¹⁷⁰ (Ромак Ўзбекистон Республикасига қарши) халқаро арбитраж иши тўғрисида маълумот берувчи дасрликнинг ўзи йўқ. Аслида, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ халқаро низоларга дуч келган ва улар бир нечтани ташкил этсада, талабалар МТСнинг Ўзбекистонга қарши ишини яхши билишади, холос. Бу ҳам айрим интернет сайтларининг шарофати билан.

Иккинчи муаммо ана шу дарсликларга маълум маънода таяниб билим берувчи педагоглардир. Умри давомида суриштурувчи, терговчи, прокурор, судья бўлмаган ёки илмий даража олиш учун ана шу органларда стажировка қилмаган инсоннинг жиноят ҳуқуқидан (амалий, семинар, маъруза машғулотлари бўлишидан катъи назар) шахсни жиноятда айблаш учун зарур далиллар тўплаш ёки айбини исботлаши юзасидан билим беради. Ушбу билимни олган талаба эса олий таълим муассасини битириб кимнидир устидан жиноят ишини қўзғатишини тасаввур этиб бўлмайди.

Қолаверса, айрим педагоглар маълум саволларга жавоб топа билмайди. Албатта, замонавий таълим тизими қисман педагог ҳам айрим савол бўйича маълумотга эга

¹⁷⁰ http://pca-cpa.org/showpage.asp?pag_id=1339

бўлмаслиги мумкинлигини тушунади ва бунга рухсат беради. Бироқ, “мен билмайман”, “менда бу ҳақида маълумот мавжуд эмас” дейишнинг ҳам чегараси бўлиши керак.

Учунчи муаммо мамлакатимиз таълим тизимида охириги йилларда афзаллиги тилимиздан тушмай келаётган модуль тизими билан боғлиқ. Мазкур тизим кейс, муаммо ва масалаларга кўпроқ эътибор беради. Албатта, кейс, муаммо ва масала талабанинг фикрлаш қобилиятини оширади, унинг ўз фикрини далиллар билан исботлашга ёрдам беради. Аслида гап ана шу кейсларнинг мазмунида.

Улар баъзан жудаям оддий, баъзан эса маълум курс талабасига нисбатан мураккабликка эга. Айрим кейслар ундай бўлса нима бўлади, бундай бўлса нима бўлади қабилдаги саволлар билан тўлган. Деярли барча кейслар реал низоларга асосланмаган қуруқ назарияга асосланган бўлади. Умуман, талаба ечиши лозим бўлган муаммога истаганча “агар...”, деган савол бериш имкониятини беради. Бу эса амалда берилиши керак бўлган жавобни кўпайишига сабаб бўлади.

Тўртинчи муаммо олий таълим муассасаларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятдан кўра талабаларнинг дарсга қатнашишларига кўпроқ эътибор қаратишларидир. Албатта, талабаларнинг дарсга қатнашишлари бир қарашда бизни хотиржам қилади, турли йўлларга кириб кетмаслигини олдини олади деган фикрга олиб келади. Лекин, бошқа томондан қаралганда вазият тамоман бошқача эканлиги маълум бўлади.

Талабалар орасида машхур “нб”лар аслида уларни қўрқитиш, фанлардан етарли баҳо олмасдан семестрдан қолиб кетиш ва хатто талабалар сафидан четлатиш билан қўрқитиш воситаси бўлиб қолмоқда. Бу талабаларни “дангасалик”дан қутқармайди, аксинча ўқитувчиларни лоқайд қилиб қўяди. Чунки, талаба дарсга ўқитувчининг дарс ўтиш услубига қизиқиб эмас, “нб”дан қўрқиб қатнашади.

Олий таълим муассасалари раҳбарияти томонидан талабаларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масаласи шуғулланганлигини топиш қийинчилик туғдиради. Абитуриент талабалар сафига қабул қилинганда

бериладиган “Одоб-ахлоқ қоидалари”га фақат оқ қўйлак ва қора шим кийиш, галстук тақиш қоидасига риоя қилмаган талабани огоҳлантириш ёки рўмол ўрамаслик қоидасини бузган талабани ўқишдан четлатишнинг асоси сифатида қаралиши сир эмас. Дарсга “нб” тушмаслиги учун келадиган ва кийимга расмиятчилик учун итоат этадиган талабадан ҳуқуқий маданият шаклланишини кутиб бўлмайди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда таълим тизимидаги муаммоларни дастурхон қилиш мумкин. Аммо, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан айрим таклифларга тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, юридик таълим соҳасида тахсил олаётган барча талабалар учун етарли миқдорда дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлар бўлиши, улар ўз ичига қонун ҳужжатларига олимларнинг шарҳларини ва реал низоларни олиши, барча юридик соҳаларда ўзбек тилидаги адабиётлар бўлиши керак. Айниқса, олий таълим муассасаларида кўплаб юридик соҳаларда ўзбек тилидаги адабиётлар етишмайди.

Иккинчидан, энди олий таълимни битирган талабани ўқитувчи сифатида қабул қилиш билан бирга амалиётда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья бўлган ёки илмий даража олиш учун тадқиқот олиб бораётган илмий изланувчиларни кўпроқ ўқитувчи касбига жалб қилиш ва бунинг учун уларнинг асосий ва қўшимча иш жойларидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳар томонлама ёрдам берилиши керак.

Учинчидан, ҳар бир педагог томонидан ҳар бир дарсга тайёргарлик даражаси назорат қилиб борилиши, ўз дарсига талабаларни қизиқтира олмаётган ўқитувчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши лозим.

Тўртинчидан, юридик соҳада таълим олмаётган талабалар ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш мақсадида етук мутахассислар иштирокида учрашувлар (биографик эмас) ташкил этиш, ҳуқуқий маданиятга риоя қилишни рағбатлантириш учун турли кўрик-танловлар ўтказиш, мамлакат ёшлари ўр-

тасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган иншоларни ташкиллаштириш ва уларда билдирилган инновацион таклифларни амалиётга жорий этиш.

Бешинчидан. Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўлинмалари ва ҳар бир олий таълим муассаси ўртасида ҳамкорликда ёшлар орасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш йўлида чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида, жадидчилик ҳаракатининг ёрқин вакилларида бири А.Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “тарбия бизлар учун ё хаёт - ё мамот – ё нажот - ё халоқат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”¹⁷¹ деган хикматли гапидаги тарбия таълимга ҳам алоқадордир. Шундай экан ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этмасак, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишда ёшлардан мадад кутмасак ҳам бўлади.

БОЛАЛАРДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

З.К.Ҳайдарова

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими

Доно халқимизда “Бола бошидан”, деган нақл бор. Ўзбекона оилада фарзанд тарбиясига ўзига хос урф-одатлар ва анъаналар билан ёндашилади. Бешиқда ётган боланинг қулоғига айтилган алла билан меҳр киради, тарбия киради, ҳатто шу алла қўшиғининг ичида илк таълим-тарбия элементлари жой олган. Ёши катталаримизнинг дуоларида ҳам нафақат шукроналик, балки панду насиҳат ва тўғри йўлга ундаш каби хусусиятлар бор.

Аммо, юртимиз мустақилликка эришгач, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар силсиласи оилаларга ва ёшларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

¹⁷¹ Авлоний, Абдулла. Танганган асарлар; -Тошкент: “Маънавият”, 2009. 38 б.

Мустақиллик йилларида туғилиб ўсган ёшларда янгича дунёқараш шаклланди. Ватанга садоқат, миллий қадрият ва анъаналарга муҳаббат, ўз яқинларига меҳрибонлик, танлаган йўли, касби, маслаги ва эътиқодига содиқлик каби хусусиятларни болаларга оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб сингдирилмоқда. Лекин инсоннинг етук шахс бўлиб шаклланишида яна бир жиҳат – унинг қонунларга ҳурмат руҳида тарбия топиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Мисол учун, болаларимизга ердан бир нарса топиб олсанг, албатта, эгасини топишга ҳаракат қил, бировникини ўзлаштирма, - деб насиҳат берамиз. Аммо, ўзлаштиришнинг жиноят эканлигини, унинг оқибатлари ҳақида тушунча бермаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш **тўғрисида**”ги ПФ-5618-сон Фармонида ёшларнинг ҳуқуқий **тарбиясига** салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик хиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Фармоннинг 1-банди 3-хатбошисида ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш вазифаси белгилаб берилган.

Бу борада мактабгача таълим муассасалари, халқ таълими тизими билан ҳуқуқ-тартибот органларининг **ҳамкорлигини** кучайтириш, энг асосийси, болаларга “Ҳуқуқ алифбоси”ни ўргатиш бўйича услубий қўлланма яратиш лозим.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти, яъни ўз ҳуқуқини тўлиқ англаши, қонунга бўйсунниши ва уни ҳурмат қилиши, ўз ҳуқуқий бурч ва мажбуриятларини тўлиқ адо этиши, қонун чегарасини бузмаслиги ва қонунбузарларга нисбатан

мурасиз бўлиши учун болалиқдан шакллантириш лозим.

Бунга мисол – “каттага ҳурмат, кичикка иззат” принципнинг оиладаги тарбияда роли, ушбу қоида ота-онанинг болага, боланинг ота-онага муносабатида яққол кўзга ташланади. Жамиятимиздаги ёзилмаган қонунлар-қоидалар, яъни оилавий тарбия ва урф-одатлар орқали болага юқоридаги қоида она сути билан сингдирилади ва тарбияли бола бутун умри давомида шу қоидага амал қилиб яшайди.

Бола тарбиясида қандай омиллар ҳуқуқбузарликка сабаб бўлади?

Болаларга ота-оналар ҳамда бошқа катта ёшдаги шахсларнинг салбий таъсир кўрсатиши (талтайтириш, ҳаддан ортиқ эркалатиш, хулқлари билан салбий намуна кўрсатилиши). Болаларга жиноятга жазо муқаррарлиги болалигидан сингдирилиши лозим. Бу принцип мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда олий ўқув юртларида давом эттирилиши керак.

Болаларнинг уйда ва муассасаларда назоратсиз ва қаровсиз қолиши.

Шу ўринда битта тарбиясиз бола 10 та тарбияли болани бузиши мумкинлигини ҳисобга олишимиз зарур.

Мактабгача таълим муассасаси ҳамда мактабнинг бошланғич синфларида “Ҳуқуқий алифбо”нинг ўтилмаслиги;

5-синфдан бошлаб ўқувчиларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништириб борилмаслиги, бу борада ўқув-қўлланмаларнинг йўқлиги, кўрғазмали қуроллар ишлаб чиқилмаслиги;

Болаларнинг дунёқараши шаклланишига жуда катта таъсир кўрсатувчи омил – ТВ да болаларбоп ҳуқуқий мавзудаги роликлар ва мультфильмлар ишлаб чиқилмаётганлиги ва эфирга узатилмаётганлиги;

Ота-оналар томонидан болаларнинг жамиятга хилоф қилмишларига бефарқ қараш, бу борада ота-оналарнинг ўзлари ҳам ҳуқуқий саводининг йўқлиги.

Ҳуқуқий маданиятсизлик ҳуқуқбузарликка олиб келади, кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетаётган турли видеоларда мактаб ва ўрта махсус касб-

хунар таълими ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самара бермаётганлигини кўришимиз мумкин.

Шу ўринда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларни кеч бошламаяпмизми, деган савол туғилади.

“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Президент Фармонида белгилаб берилганидек, ёшларимизда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш боғча ва мактаблардан бошланиши лозим.

Бунинг учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур:

– умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида дастурга “Ҳуқуқий алифбо” соатини киритиш;

– ҳозирда дарс соати камлиги сабаб 9-10 синфларда ҳуқуқ фани мутахассис бўлмаган ўқитувчилар томонидан ўтилади, ушбу фанни юридик маълумотга эга бўлган педагоглар ўтишига эътибор қаратиш;

– Конституция ва мавжуд қонунлар билан яқиндан танишиб бориш, қонун устуворлигини англаш, мамлакатимизда қабул қилинаётган қатор қонунлар, фармонлар ва қарорларни мунтазам ўрганиб бориш учун ҳафтасига бир соатдан “Ҳуқуқшунослик” фани ўқитилиши керак. Шунда дарс соати кўпайиб, умумтаълим мактаблари ҳуқуқшунос-педагог ходимлар билан таъминланади;

– умумтаълим мактабларида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” мавзусида болалар ва ота-оналар учун алоҳида, ойида икки марта машғулот ўтказилишини йўлга қўйиш;

– телевидениеда (давлат, хусусий) мақомидан қатъий назар, болалар соати белгиланиши, болаларбоп ҳуқуқий мавзудаги роликлар болалар кўрадиган соатларда (эрталаб 8-00 дан 10-00 гача, кечқурун соат 19-00дан 21-00 гача) бепул берилишини қатъий белгилаб қўйиш;

– Ўзбекино агентлиги ҳузурида ташкил этилган “Мультипликацион фильмлар студияси”га Адлия вазирлиги

томонидан буюртма асосида болаларбоп ҳуқуқий мавзудаги мультфильмлар ишлаб чиқиш ва телеканаллар орқали эфирга узатиш лозим. Чунки, мультфильмлар боланинг онгига катта таъсир кўрсатувчи ва такрорлашга ундовчи омиллардир.

– Ҳозирги кунда давлат ва хусусий телеканаллар орқали эфирга узатилаётган чет эл мультфильмларини ҳуқуқий ва маънавий экспертизадан ўтказилишини таъминлаш лозим. Чунки, бу экспертизадан ўтказилмаган маҳсулотлар айнан болалар тарбиясига жуда катта маънавий зарар етказди, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишларига, тенгқурлари ва оилада ота-она билан муносабатига жуда катта салбий таъсир кўрсатади.

Шу ўринда битта долзарб масалага эътибор қаратишни истардик. Бола ҳуқуқлари топталаётган оила ва ўқув муассасаларида суицидларнинг кўпайиб бораётганлиги жамиятимизнинг ҳақиқий оғриқли нуқтасидир.

Мактабларда психолог штати жорий этилганлиги яхши, албатта, аммо, суицидларнинг камаймаётганлиги болаларнинг ўз муаммоларига ечим топа олишга қийналаётганлиги ва муассасада ёки оиладаги зўравонликдан қутулиш учун кимга мурожаат қилишни билмасликларидан, деб ҳисоблаймиз.

Европа мамлакатларида, хусусан, Швецияда болаларга уларнинг ҳуқуқлари мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич синфлардан ўргатиб борилади. Бу дарсга ҳатто, ота-она билан муносабатда боланинг позицияси, ўз “мен”ини шакллантириш киритилган.

Жамиятда ўз ўрнини топишга қийналаётган ёшларимизнинг аксари айнан ўз “мен”ини аниқлаёлмаётган шахслардир. Бу ўринда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти беқиёс бўлиши мумкин.

Энг муҳими, ҳуқуқшунослик фанига таълим муассасаларининг барча бўғинларида иккинчи ё учинчи даражали фан сифатида қараб, номутахассис, ўзи қонунчиликнинг фарқига бормаидиган ўқитувчиларни бириктириб қўйишни бас қилишимиз, ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиларининг ма-

лакасани доимий, ойда бир маротабадан адлия органлари томонидан семинар-тренинглار ташкил қилиш орқали ошириб бориш зарур.

ЁШЛАР МЕҲНАТИ - ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

М.А. Усманова

Ўзбекистон Республикаси

*Миллий Гвардияси Ҳарбий-техник
институтини профессори*

Ёш авлод ҳақида ғамхўрлик кўрсатилар экан, аввало улар бизнинг таянчимиз ва эртанги келажагимизнинг давомчилари эканлиги, ёшларга оид қонунчилик тизимини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш, қулай ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий имкониятлар барпо қилиш, уларнинг касб-ҳунар ўрганишлари, меҳнат қилишлари, эркин ижод қилишлари учун барча шароитларни яратиш ишлари диққат марказимизда туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-бўлими Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган. Ҳаракатлар стратегиясининг 4.2-бандида аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш назарда тутилган¹⁷². Шу боис республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам ижтимоий соҳага оид кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бу давлат бюджетининг 50% ини ташкил қилмоқда.

¹⁷²Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Маълумки, ёшларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш уларни қўшимча қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий тусдаги комплекс чора-тадбирлар йиғиндисидан иборат.

Ўзбекистон том маънода ёшлар мамлакати **ҳисобланади**. 2018 йил боши ҳолатига кўра Ўзбекистон аҳолиси 32.656.7 ¹⁷³кишидан иборат бўлиб, унинг таркибида 18 ёшга тўлмаганлар сони аҳоли умумий сонининг 33,4 фоизини, яъни 1/3 қисмини ташкил қилишини билдиради. Шу сабабли келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, улар учун қулай ва талаб даражасидаги шарт-шароитларни яратиб бериш – давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Ёшлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиш, энг аввало улар меҳнатини тартибга солинишида халқаро стандартлар талабларига риоя этилишини таъминловчи зарур ҳуқуқий воситалар яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш ҳақида қайғуриш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг халқаро мажбуриятларини сўзсиз ва тўлиқ бажарувчи давлат сифатида жаҳонга танилган бўлиб, ёшлар меҳнатидан фойдаланиш соҳасида ҳам халқаро талабларга риоя этиб келмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотининг болалар меҳнатидан фойдаланишни чеклашга оид Конвенцияларини ратификация қилиниши халқаро кадриятлар ва умуминсоний мезонлар биз учун ҳам демократик ҳаёт тарзига айланиб бораётганлигини кўрсатиб турувчи ҳодисалар эканини исботлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ишга қабул қилишдаги энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли ҳамда “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тўғрисида”ги 182-Конвенцияларининг ратификация қилиниши¹⁷⁴ ушбу халқаро ҳужжатлар норма ва қоидаларини миллий меҳнат қонунчилигимизга имплементация қилиш заруратини юзага келтирди ҳамда

¹⁷³ Семья в Узбекистане. Т., “PRINTUZ”. 2018.

¹⁷⁴ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 й., N 14-15, 83-модда, 87-модда

бу соҳадаги меҳнат қонун ҳужжатлари изчил такомиллаштириб борилиши билан боғлиқ тадбирлар киритилишига сабаб бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг ишга қабул қилиш ёшига оид нормаларининг халқаро талаблар асосида ўзгартирилгани, ёшлар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланган ишлар ва касблар рўйхатининг қайта кўриб чиқилиб, “Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатининг тасдиқлангани (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди ва 2009 йил 8 августдан кучга киритилди)¹⁷⁵ бунга мисолдир.

“Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги Конвенция ҳамда “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли қарори билан Миллий ҳаракат режаси тасдиқланди¹⁷⁶. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг меҳнатига доир масалаларни тартибга солишга оид бир қатор миллий қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасида ишга қабул қилишнинг умумий ёши (16 ёш) ва энг кам ёши (15 ёш) қилиб белгиланган. Ушбу Кодексда вояга етмаганларнинг меҳнатини тартибга солишга алоҳида қоидалар ажратилган (XIV-боб, 2-параграфи, 239-247-моддалар). Вояга етмаганларни ишга қабул қилиш меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади. Иш берувчи вояга етмаганларнинг бошқа ходимлар билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, вояга етмаганлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат шароитлари ва кафолатларини таъминлашга мажбурдир.

¹⁷⁵ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 30-31-сон, 355-модда.

¹⁷⁶ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 37-38-сон, 377-модда.

Ўн олти ёшга тўлганда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин, ўн беш ёшга тўлган шахс ота-онасидан биттасининг (уларнинг ўрнини босувчи шахснинг) ёзма розилиги билан ҳунарманднинг шогирди сифатида жалб этилиши мумкин;

Вояга етмаганни оилавий тадбиркорликда, шунингдек, ҳунарманднинг шогирди сифатида иштирок этишига умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда ўқиш шарти билан, агар у қонун ҳужжатларида белгиланган давлат таълимининг тўлиқ курсини тугатган бўлса, йўл қўйилади;

Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш назорати органлари ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, агар ишнинг давом этиши уларнинг соғлиғига хавф соладиган ёки бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, ўн саккиз ёшдан кичик шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Корхона ва ташкилотларда ёшлар меҳнатидан фойдаланиш чоғида қонун талабларига риоя қилиниши аҳволи ўрганилганида қонунийлик талаблари асосан бажарилаётгани, вояга етмаган ходимлар меҳнатидан фойдаланиш амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириб келинаётганлиги кузатилсада, бироқ айрим қонун талабларига тўғри келмайдиган ҳоллар ҳам кузатилмоқда ва бу ҳол ўсмирларга нисбатан меҳнат қонунчилиги талабларига амал қилишни таъминлаш чоғида ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш долзарб эканини кўрсатади.

Мамлакатимизда ёшларнинг тўлиқ равишда таълим муассасаларига жалб этилиши, уларни иш билан бандлик даражасини ошириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

ЮНИСЕФ социал мониторинг ва бошқа тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш, мактаб, касбий таълим соҳасига сарфланаётган маблағлар Марказий Осиёда энг юқори эканлиги, оналар ва болалар фаровонлигига оид кўрсаткичлар бўйича халқаро Форум **тавсияларидан** ҳам яхшироқ натижалар қўлга киритилгани қайд этилмоқда.

Айни пайтда бу соҳада ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ва долзарб вазифаларимиз ҳам мавжуд эканлиги эътироф қилиниши ҳамда ўз куч-имкониятларимизни уларни ҳал этишга йўналтиришимиз даркор.

Жумладан, меҳнат қонунчилиги соҳасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилиши, қонун ижодкорлиги янада авж олдирилиши керак.

Бизнинг назаримизда Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнат қонунчилик тизимларига ишлаб чиқаришнинг бевосита ўзида касб-хунарга ўргатиш билан боғлиқ нормалар киритилиши, уни реализация қилиш механизмлари ишлаб чиқилиши ҳамда қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши керак, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, ходимларни бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги қоидаларга (МКнинг 92,95-моддалари) ўзгартириш киритилиши ва унда вояга етмаган ходимларни бошқа ишга ўтказиш уларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан келишилгани ҳолда амалга оширилиши ва ана шундай килишувни амалга ошириш тартибига таъллуқли норма билан тўлдирилиши лозим;

иккинчидан, МКнинг 247-моддасида 18 ёшга тўлмаган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини уларнинг ота-оналари, бошқа қонуний вакиллари талаби билан бекор қилиниши назарда тутилган. Аммо МКнинг меҳнат шартномасини тарафлар ҳоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор бўлиш асосларини назарда тутувчи 106-моддасида бу нарса эътибордан четда қолган. Шунга кўра бизнинг назаримизда МК янги 6-банд тўлдирилиши ва унда меҳнат шартномасини унинг тарафи бўлмаган шахс - вояга етмаган ходимнинг ота-онаси талаби билан бекор қилиниши белгилаб қўйилиши керак. Мавжуд 6-банд эса тегишлича 7-банд деб ҳисобланмоғи керак;

учинчидан, МКнинг ишдан бўшатиш билан ходимга меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхасини бериш тўғрисидаги 108-моддаси янги, иккинчи қисм билан тўлдирилиши ва унда 18 ёшга тўлмаган ходим ишдан бўшатиш билан бу ҳақида унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларига иш берувчи томо-

нидан ёзма равишда хабар қилиниши лозимлиги ҳақидаги норма билан тўлдирилиши керак, деб ҳисоблаймиз ва бундай қоида ёшлар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади;

тўртинчидан, МКнинг ходимни таътилдан чақириб олиш тартибини белгиловчи 147–моддаси 18 ёшга тўлмаган шахсларни таътилдан чақириб олиш таъқиқланиши тўғрисидаги янги, 2-қисм билан тўлдирилиши керак, деб ҳисоблаймиз, чунки, бундай норманинг йўқлиги туфайли ёшларнинг ишдан кейинги соатларда, дам олиш ва байрам кунларида ишлашларига йўл қўйилмагани ҳолда таътилдан чақириб олиш, уларнинг нормал дам олишларига тўсқинлик қилиш ҳоллари тез-тез учрамоқда.

Хуллас, миллатимиз ва мамлакатимизнинг буюк келажагини барпо этиш учун зарур бўлган куч-ғайратни сарфлашимиз, бугунги ёшларимизнинг замонавий билимларни эгаллашлари, эртанги кунимизда давлат ва жамиятни ишонч билан бошқаришга қодир инсонлар бўлиб етишишлари учун барча зарур ишларни қилишимиз лозимдир. Зероки, мамлакатимиз келажаги – ёшлар қўлида.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Ф.О.Шодиева
ЎзМУ магистри

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларни яратиш билан бирга маънавий-маърифий ва таълим-тарбия соҳаларни ислоҳ этиш, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, бозор иқтисодиёти шароитида бемалол рақобатлаша оладиган, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл-заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келган. 2008 йилнинг “Ёшлар йили”, 2010 йил “Баркамол авлод йили” ва 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши эса сўзимизнинг исботидир.

Юртимизда фарзандлармизнинг ақл салоҳияти, қобилияти ва ҳуқуқий иқтидорини рўёбга чиқариш уларнинг том маънода баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, ёшларимизнинг талаб эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини қондиришга қаратилган.

«Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташаббуслар, жумладан, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга муносабати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги таклифларимиз халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз – бугунги шиддат билан ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги уфқ ва имкониятлар очиш билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор этмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби таҳдидлар қанча-қанча оилалар, мамлакатлар бошига оғир кулфатлар олиб келмоқда, ғаразли кучлар ҳали онгу тафаккур тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Шунинг учун биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни яна ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг қуролига айланиб бораётганини чуқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб бориш зарур»¹⁷⁷.

Бу жараён ҳақида гап кетганда, кўпинча турли мамлакатларнинг иқтисодий, илмий техникавий, ҳатто сиё-

¹⁷⁷Ш.Мирзиёев“Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир” Тошент-“Ўзбекистон”-2018 495-496 бет

сий интеграциялашуви, бу жараённинг ижобий ва салбий жиҳатларига эътибор қаратилади. Лекин нима сабабдан-дир унинг маданий-маънавий соҳа ривожига таъсири, умуминсоний ҳамда миллий урф-одат ва анъаналарнинг хусусан, оилавий қадриятларнинг ўзаро муносабати масаласига етарли эътибор берилмайди. Ваҳоланки айрим тараққий этган давлатлар сиёсий, иқтисодий ҳамда мафкуравий воситалар орқали ўз турмуш тарзи, дунёқараши ва қадриятларини тарғиб этишига интилаётгани, бу ҳол бошқа халқларнинг миллий урф-одат ва анъаналарига путур етказаетгани, асрлар давомида шаклланиб, тажрибада синалган тарбия усулларнинг фақат ғарбона андозалар билан баҳоланаётгани кўзга ташланмоқда. Бу бизнинг инсоний ҳуқуқий асосларимизга ҳам, маънавий-тарбиявий ҳаётимизга ҳам тўғри келмаслиги аён.

Авваламбор, ёшларда маънавий, ҳуқуқий тарбияни юксалтириш борасида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “ёш авлод тарбияси ҳамма замонлардан ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаётмамот масаласига айланиб бормоқда”¹⁷⁸ деган гапларини эслашимиз керак бўлади. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, маънавий ва ҳуқуқий тарбия инсон, ёшларнинг онги ва қалбида ўз ифодасини топиши муҳим эканлигини англаб олиш қийин эмас. Маънавият инсоннинг онги, билими ва эътиқодида жамланган руҳий сифат бўлиб, шахс камолотини белгилаб берувчи асосий мезонлардандир. Маънавиятнинг бугунги кундаги аҳамияти унинг барча соҳаларда акс этиши билан асосланади. Инсоният ҳамиша маънавий озуқага эҳтиёж сезиб, маънан юксак даражага эришишга интилиб келган. Чунки маънавият куч-қудрат манбаи бўлиб, оқу-қорани ажрата олишимизда раҳбарлик вазифасини ўтайди. Қанча-қанча синовларни бошидан кечирган шу азиз Ватанимиз тупроғида жаҳон тамаддунига ўзининг мислсиз хиссасини қўшган минглаб мутафаккир-алломаларнинг ҳоқиқий пойлари ётибди. Президентимиз

¹⁷⁸ Ш.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 504-505б.

Ш.Мирзиёев асарларида келтириб ўтилганидек, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби кўплаб буюк сиймоларни мисол қилишимиз мумкин. Ўзбек миллати мана шундай аждодларига эга бўлган миллат ҳисобланиб, бой ўтмишига нисбатан юксак ижобий муносабати жамиятимиз тараққиётида, бугунги кун ислоҳотларида акс этмоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар бир фуқаро миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар Ватан равнақи йўлида масъулият сезиб яшамоқда. Аждодларимизнинг бебаҳо меросини авайлаб-асраб, миллий қадрият ва анъаналаримизни муносиб равишда давом эттирмоқда. Демакки, бу маънавий юксакликдан далолат беради. Биламизки ўсимлик ва ҳайвонот оламига, умуман табиатга муносабат ҳам, меросга бўлган муносабат ҳам, инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқот жараёнлари ҳам маънавиятга боғлиқ ҳолда ривожланади. Мамлакатимизнинг келажаги ёшлар қўлида экан, аввало улар уч илдиздан:

1. Оиладаги тарбиядан.
2. Мактабгача ва мактабдаги таълимдан.
3. Атроф-муҳит тарбиясидан оқ-қорани ажрата билиши лозим.

Шундагина кейинги жабҳаларда ёшлар тарбиясининг ижобий жиҳатдан намоён бўлиш шакли кўзга ташланади. Ёшларнинг тарбиясига асосий эътиборни қаратиш бугунги куннинг талаби, керак бўлса, бизнинг зиммамиздаги вазифамиз, бурчимиздир. Нафақат ёшлар, балки ҳар бир фуқаро учун зарур бўлган нарсалардан бири бу-кимлигини билиш, ўзлигини англашдир. Бир нечта фанни ўзлаштиргани учунгина кишига қарата маънавияти юксак дея баҳо бера олмаймиз. И.В.Гётенинг бир гапи бор: “Кўп билган одам эмас, ўзини ўзи билган одам ақллидир”. Шу ўринда Д.Галифакснинг “Ақл етишмайдиган жойда ҳамма нарса етишмайди” деган фикрларини ҳам келтириб ўтиш жоиз. Маънавиятлилик тақдирнинг тухфаси эмаслиги барчамизга маълум. Шундай экан ҳар бир инсон ўз меҳнати орқали юксаклик сари ҳаракат қилиши керак.

Ўз ҳуқуқини билмайдиган маънавий ва ҳуқуқий қашшоқлик миллатни қашшоқ, давлатни қолоқ қилиши ва жамият тараққиётига тўсқинлик қилиши ижтимоий тараққиёт тарихида исботланган. Шу нуқтаи назардан қараганда бугунги кунда маънавий ва ҳуқуқий қашшоқлик тараққиётга тўсқинлик қилувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Демак, маънавий ва ҳуқуқий илм софлигини сақлаб қолиш ҳар бир жамиятнинг муҳим шарти экан, қашшоқ маънавият маҳсулидан воз кечиш зарур бўлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши, қудратли ҳуқуқий давлатнинг барпо бўлиши замирида кучли маънавият ётади. Шундай экан ҳуқуқий таълим-тарбия беришга масъул шахсларнинг маънавий дунёси гўзал бўлиши, эгалланган билим ва кўникмалар ҳар бир инсоннинг онгида шаклланиб, унинг турмуш тарзига айланиши керак.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИДИР

Ф. Яқубов

*ЎзДЖТСУ, Ижтимоий гуманитар фанлар
кафедраси ўқитувчиси*

Инсон барча нарсаларни яратади, яратган нарсаларини ўзига бўйсундиради. Истаса алмаштиради, истама-са йўқ. Уни яратаётганда адашиш мумкин, аммо кеч бўлсада хатони тўғирлаши, қўйингки бузиб ташлаб, қайтадан қуриши мумкин. Энг асосийси, унинг тизгини инсон кўлида бўлади. Лекин жамиятда инсон истагандек бўлмайдиган, бўлдира олмайдиган нарсалар ҳам бор. Бу ёшлар тарбияси. Ёшлар тарбиясида умуман, тарбияда хато қилиш у ёқда турсин, ҳаттоки танафус ҳам бўлмайди. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев ҳам ушбу масаланинг долзарблигини қуйидагича асослаган эди: “маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда

бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”¹⁷⁹. Барча нарсаларни бошқарар эканмиз, лекин ўзимиздан чиққан балога, вақти келса, сўзимиз ҳам ўтмас экан. Оқибатда ноқобил фарзандлар етишиб чиқади. Ундай ноқобил фарзандларни буюм каби улоқтириб, алмаштиришнинг имкони йўқ. Минг ҳулқи ёмон бўлмасин, биз учун азизлигича, болалигича қолаверади. Шунинг учун тарбияни фарзанд туғилгандан, бешиклигиданоқ бериб бошлаш керак. Шундагина она алласи, ота насихати фарзандга ижобий таъсир қилади. Ўзи яратган нарсалардан энг улуғи, энг азизи фарзанди эканлигига амин бўлади. Яхши тарбия кўрган фарзанд юксак чўққиларга эришади. Шу ўринда бир савол туғилади, “фарзандни тарбияловчи тарбиячилар қандай бўлиши керак?” деган. Бинобарин бола тарбияни алла муҳитида олар экан, аввало ота-онанинг ўзи **тарбияланган** бўлиши керак ва ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда соғлом маънавий-маданий ижтимоий муҳитни яратишлари шарт. Мазкур фикрлардан кўриниб турибдики, фарзандларнинг хулқ-атвори, ахлоқ-одоби, юриш-туриши каби ижобий ҳислатларнинг барчаси ота-онага яъни оилага боғлиқ. Жамиятимизда фарзандим ўқимайди, хулқи ёмон, деб нолиб юрган кишиларга кўзимиз тушади. Бунга ҳайрон бўлиш керак эмас, чунки ақалли уйда битта ҳам китоб бўлмаган оилада қандай қилиб илмий муҳит ўқишга, китобга бўлган муҳаббат вужудга келади. Биз айбни фарзандлардан эмас балки, ўзимиздан қидирайлик.

Оилавий муносабатларда соғлом турмуш тарзини, ҳушфеъл муомалани ёшлар тарбиясидан аямасак, улардан катта натижаларни кутиш мумкин. Оилада яхши тарбия кўрган фарзанд ҳудбин, дангаса бўлиб ўсмайди, балки ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун олийжаноблик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби меъёрларни ўз шиориغا айлантиради.

Олийжаноблик, ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик каби меъёрлар инсон, жамият ва давлат ўртасида бурч ва маъсулият ҳисси билан бирга майдонга чиқади. Олийжаноб

¹⁷⁹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Т.:Ўзбекистон, 2017. 504-б.

киши кўлидан келган барча яхшилиқни атрофдагилардан аямайди. Ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўймайди. Ватанпарвар киши эса ватан учун, ватан равнақи учун борини фидо қилади. Бу буюк икки ҳислат ўз ортидан инсонпарварликни ҳам эргаштиради. Олийжаноб, ватанпарвар киши қандайин инсонпарвар бўлмаслиги мумкин. Мана шундай меъёрлар ҳар қандай инсондамас, балки оилада яхши тарбия кўрган инсонлардагина бўлади, ҳолос. Ўзбек оилаларидаги ота-она ва фарзанд ўртасидаги бурч ва маъсулият тушунчалари шарқона менталитет бўлиб, авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолмоқда. Бу улкан ҳазина, буюк мерос: ахлоқий меъёрлар билан йўғрилган ҳуқуқий қадриятлардир. Кишилиқ жамияти пайдо бўлибдики, у билан боғлиқ қадриятлар ҳам пайдо бўлади. “Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар ҳисобланади”¹⁸⁰. “Тарихда кишилиқ жамиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланган оилада ўзига ҳос қадриятлар тизими шаклланган ана шундай қадриятлар оилавий муносабатларни тартибга солиб турган.

Қадимги шарқ давлатлари ҳуқуқий қадриятларнинг тарихий ўчоқлари ҳисобланади. Шарқда давлат ҳуқуқ ва шу жумладан, ҳуқуқий қадриятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига ҳос хусусиятлари ҳамжиҳатлик ғояси ва жамоатчилик фикрини устунлиги билан ифодаланади. Шарқда маънавий-ахлоқий қадриятлар сиёсий муносабатлардан устун турган. Дастлабу қадриятлар ҳуқуқий қадрият кўринишида бўлмасада, ахлоқий қадриятларнинг бурч ва маъсулият масалалари тарзида намоён бўлди. Давр ўтиши билан ўзига ҳос бир маданият вужудга келди. Бу маданият ахлоқий қадриятлардан алоҳида бир тизим бўлиб ажраб чиққан ҳуқуқий қадриятлар тизимидир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг туб илдизи ҳисобланган ҳуқуқий қадриятлар замон ва макон ўзгаришига пропорционал тарзда бугунги кунимизгача ўзгармасдан, миллий маънавий мерос сифатида ўз салмоғини сақлаб қола олди. Тўғри, айтиш мумкин тарихда қанчадан-қанча сиёсий бўҳронлар юз берган. Ана шундай бир вазиятда ҳуқуқий-

¹⁸⁰ Фалсафа қомусий луғат. Т.: Шарқ, 2004. 476-б.

миллий қадриятларнинг бизгача етиб келганлиги диққатга сазовордир. Албатта бирон-бир тарихий жараён янги давр ва замон шароитига беками-кўст етиб келишига кимдир ё нимадир сабабчи бўлади. Лекин шу даражада туркий халқ этник маданиятига сингиб кетган ҳуқуқий қадриятларнинг алоҳида бир тизими сифатида умумиллий қадриятлардан сақланиб етиб келишига буюк сиймоларимизнинг ҳиссалари катта.

Ҳуқуқий қадриятлар мавзуси кўҳна ва навқирон шарқ, унинг таркибий қисми бўлган Марказий Осиё ва Ўзбекистон мутафаккирлари ҳамда олимлари учун ҳам бегона эмас қадриятшунослик тарихининг энг теран жиҳатларини фақат Ғарбдан эмас, балки Шарқдан қидириш керак. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Яссавий, Навоий, Мирзо Улуғбек, Машраб, Бедил, Махтумқули, Бердақ, Бехбудий, Авлоний каби мутафаккир ва олимларнинг ижодида ҳам бу мавзунинг излари бор. Гап ана шу изларни қидириб топишда, уларни унутмасликда янгилаб туришда, замона реалликлари нуқтаи назаридан ҳолисона талқин қилишдадир.

Тарбия маълум бир маданиятни шаклланишига сабаб бўлади. Шу сабабдан бирон-бир тартибли оилани яъни бирон-бир инсонни кўрсак, “маданиятли” экан деб баҳо берамиз. Ваҳоланки инсон маданиятли бўлиб туғилмайди. Унинг ижобий ҳислатлари оилада шаклланади. Демак, маданиятли оиланинг фарзандлари ҳам албатта маданиятли бўлишади.

- маданиятли киши ҳар бир ишга хоҳ у давлат иши бўлсин, хоҳ шахсий иши бўлсин, барча-барчасига бир ҳил ишчанлик кайфияти билан ёндашади;

- маданиятли киши маълум бир мамлакатга тегишли эканлигини ҳис қилиб туради ва ушбу мамлакат учун борини аямайди;

- маданиятли киши жамият аъзоларига бир ҳил тенглик тамойили асосида муносабатда бўлади;

- маданиятли киши ота-онасига севимли фарзанд, фарзандларига гўзал ҳулқли ота, рафиқасига суюкли ёр, дардқашга ҳамдард, ё-у биродарларга ажойиб дўст бўлади.

Энг асосийси маданиятли киши жамиятнинг бири бўлган оиланинг таянчи, оила тарбиясида доимий таъсирчан куч, оилавий тартиб, яъни оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати, ота-она ва бошқа катта ёшли қариндошларнинг хулқ -атвори, маданий ва сиёсий савияси, муомула маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва шу каби омиллардан бир ҳил ҳабардор бўлади.

Ота-она ва ёшлар ўртасидаги бу олийжаноб туйғулар бизнинг, яъни ўзбек халқининг онгимизга, шууримизга бошқалар томонидан сингдирилган эмас, балки шонли тарихимизнинг бизларга берган туҳфасидир. Бу каби улуғвор кадриятларимиз тундан кунга, кечадан бугунга қўйингки ажодлардан авлодларга ўтиб, замонаи зайлимизга етиб келаётган, 3000 йиллик тарихга эга бўлган буюк ўзбек халқи геномининг битмас-туганмас талабидир. Бу кадрият ўзбек халқи геномининг талаби бўлибгина қолмай, ҳаттоки шартли рефлексга ҳам айланиб улгурди. Юқорида айтганимиздек, бурч ва маъсулият категориялари ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдирилган эмас, бу ажод-авлод алмашинувида юзага келадиган ҳуқуқий кадриятлардир.

Шу жумладан, вояга етган ҳар бир фарзанд ўз оналари ҳақида ўйлаши, ғамхўрлик қилиши ҳам қарз, ҳам фарз саналади. Бурчни, маъсулиятни ҳуқуқдан олдин қўйишни ҳис этиш, ўзини қонунни қули деб билиш, ҳуқуқий маданият соҳибига ҳос олийжаноб фазилатлардир. Бу ҳақида Абдулла Авлоний “Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилур?” деган саволга: -“Биринчи уй тарбияси, бу вазифа она зиммасидадир. Иккинчиси мактаб ва мадраса тарбиясида ота муаллим, муддарис ва ҳукумат вазифасидир”, деб жавоб берган эди. Юртнинг қўрғонлари мустаҳкам, фарзандлари баркамол ва соғлом бўлиши учун ота-оналар хушёр, маҳалла қўй огоҳ, жамият эса маъсул бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали ишлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши уларнинг қонунга бўлган ҳурмати янада такомиллаштириш ҳар бир шахснинг жамият олдидидаги ўз бурч ва мажбуриятларини оғишмай бажаришга имкон яратади. Ҳудди шунинг-

дек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда уни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан ҳам ўз навбатида талабчанликни оширади. Ҳуқуқий саводхонликни ёшлиқдан бошлаб ошириб бориш: ор-номус, қадр-қиммат, инсонпарварлик каби хусусиятларни тарбиялашга кўмаклашади. Бу борада “Ўзбекистон ёшларининг замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги тенгдошлари билан самарали мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиши ғоят муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз”¹⁸¹.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамиятини қураётган эканми, энг аввало биз, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларимиздан тортиб, катта ёшли юртдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришимиз ҳамда миллий ғоя руҳи билан қуроллантиришимиз зарур бўлади. Зеро, ҳуқуқий маданият юксалган жойда ўзаро ҳурмат, тенглик, тинчлик ва бирдамлик каби улуғвор ғоялар халқнинг асосий шиорига айланади.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Г.А.Акрамова

*Тошент шаҳар Юнусобод тумани
98-мактаб психологи*

Ҳозирги кунда бутун дунё аҳолисининг кўп қисмини ёшлар ташкил қилади. Уюшмаган ёшлар атамаси аввало, ёшларни жамиятдан узоқлашиб ажралиб қолган ёшларни эмас балки, ўз орзуларига эриша олмай жамиятдан аламзада, касб-хунар эгалламаган, жамиятда бўлаётган жараёнларга бепарво, айрим категорияларга мансуб ёшларга нисбатан ишлатилади. Лекин бу атама уюшган қатламдан ажратиб қўйиш учун ўйлаб топилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Уюшмаган, яъни,

¹⁸¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.:Ўзбекистон, 2018. 499-б.

ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар¹⁸² деб таъкидладилар. Шу сабабдан ёшлар масаласига кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикасида ҳам ёшлар масаласига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ёшлар масаласига оид кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, 2016 йил 24 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 14 августда қабул қилинган “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва шу қарор асосида “Ёшлар келажагимиз” дастури қабул қилинди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишини олдини олиш асосий вазибаларидан этиб белгиланди. Бу эса, Республикамизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан дарақдир.

Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида умумтаълим мактабларида юқори синфларда “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари” ҳамда “Конституциявий ҳуқуқ асослари” фани ўқитилиши ёшларнинг ўз ҳуқуқий онги ва маданиятига эга бўлишига ёрдамлашмоқда. Шундай бўлсада, уюлмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ичкиликбозлик, кашандачилик, гиёҳвандлик, майда безорилик, ёшлар ўртасида қотилликлар учрамоқда, буларнинг олдини олиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “...уюлмаган ёшлар билан ишлаш, фарзандларимиз ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш лозим”¹⁸³ деб айтиб ўтганлар. Бунга қарши ёшларда жиноятчиликни олдини олиш мақсадида

¹⁸²Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” 2017 й. 507-б.

¹⁸³Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилагн энг олий баҳодир. –Т.: “Ўзбекистон” 2018й. 494-б.

ички ишлар бошқармаси томонидан вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекцияси ташкил этилгани ва мактаб, лицейлар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида девиант хулқ-атворга оғмаслик ҳамда улар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш мақсадида тизимли фаолият олиб бормоқда. Ёшлар бизнинг келажагимиз, шу сабабдан уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳаётга қизиқишларини ошириш ва келажақда ўзлари орзу қилган касб эгаси бўлиб етишишга кўмаклашиш мақсадида мактабларда психологлар билан самарали ҳафталик дастурлари ишлаб чиқилган. Бунда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш мақсадида “Яшаш учун минг бир сабаб”, “Ҳаёт гўзал, ундан завқланиб яша”, “Мустаҳкам оила”, “Эрта турмуш ва эрта ҳомиладорликни олдини олиш”, “Мен бахтли бўла оламан”, “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Ўз-ўзини баҳолаш ва ўзида ишонч ҳиссини шакллантириш” каби тренинг машғулотлари ўқувчи-ёшлар ўртасида амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ёшларни ўз ҳаётий позицияларига эга бўлиб шаклланишига кўмаклашишдир. Ёшлар масаласи бутун дунёда долзарб масала ҳисобланади. Шу сабабдан ривожланган давлатларни ёшларни тарбиялашда қўллаган амалий тажрибаларини ўрганиб ўз миллий менталитетимизга мослаштирган ҳолда амалиётга тадбиқ этиш самарали натижа беради. Масалан, Буюк Британияда “Мустаҳкам оила” дастури асосан ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, амалиётда ўз ижобий натижасини берган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ғоялар уюлмаган ёшлар билан ишлашда жуда қўл келади. Уюлмаган ёшлар билан ишлашда “Профлактик тадбирларни ташкил этишда маҳалла имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш фаол қатнашаётган инсонларни ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим”¹⁸⁴

¹⁸⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” 2017 й. 53-б.

“Мустаҳкам Оила” дастури асосида кўп сонли ёшлар спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш муаммосидан келиб чиқадиган жиноятларга қарши курашда ўз самарасини беради. Ёшлар ўз умрининг қай даврларида гиёҳвандлик хавфига кўпроқ дуч келмоқда? Тадқиқотлар кўрсатишича ўсмирларнинг аксарияти учун энг хатарли давр 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган давр ҳисобланади. Бу давр улғайиш, балоғатга ўтиш даври дейилади. Масалан, болалар мактабдаги кичик синфлардан ўрта синфларга ўтаётганда кўпинча бир мунча кенгроқ тенгдошлари гуруҳи билан муносабатларини йўлга қўйишни ўрганиш заруратига юз тутаяди. Жамиятдаги бу давр ҳам улар учун муаммоли ҳисобланади. Ушбу эрта ўспиринлик ёшида кўпгина болалар спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни илк бор истеъмол қилиб кўради. Ушбу давр замонавий жамият шароитида айниқса, хавфли деб таърифланмоқда. “Мустаҳкам оила” дастури ўспиринлик даврига қадам қўйган болалар учун сезиларли фойда келтиради. Мустаҳкам оила дастурида амалга ошириладиган ишлар: ота-оналар томонидан меҳр, оилавий қадриятлар ва қоидалар, яхши хулқни рағбатлантириш, жазолар методи, кўприк ўрнатимиз, спиртли ичимликлар суиистемол қилишда ҳимоялаш ишлари амалга оширилади. Биз ёшлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада Президентимиз ҳам, “Уюлмаган - такрор айтаман, уюлмаган ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларни кучайтириш керак”¹⁸⁵ деганлар. Шу асосда ўсмирлар ўртасида мақсад ва орзуларга эга бўлиш, ота-оналарни ҳурмат қилиш ва севиш, ўз мақсадларимизга эришиб, руҳий зарбаларни тўғри бошқариш кучи шаклланади. Ушбу дастурни Ўзбекистонда ҳам қўллаш мумкин. Чунки, аввало оилага кўпроқ эътибор берилади. Бу дастур ота-она ва бола ўртасида амалга оширилади. Бу эса ўзбек менталитетига мос келишини кўрсатади. Бола ушбу даврда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликни ўз мақсадларига эриша олишига тўсқинлик қилишини тушуниб етади. Ўз қарашларига эга бўлади ҳамда турли босимларга

¹⁸⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон” 2017 й. 90-б.

қарши тура олади. Бу даврда оилада ота-она болани орзу ва мақсадларини қўллаб-қувватлаш, ўзаро хурмат, бир-бирини тушуниш, тинглаш ва фарзандалари билан оилавий **мажлислар** ташкил қилиш тавсия этилади. Шу жараёнда оилавий кадриятларни тушуниш ва қабул қилиш ҳисси шаклланади. Ота-она ва фарзанд ўртасида меҳр оқибат ҳам кучаяди. Бу дастур асосида нафақат ота-она балки устозларига, **атрофдагиларга**, дўстларига яхши муносабати ҳам шаклланади. Бу дастурни ташкиллаштиришда мактаб психологлари томонидан ота-оналарга тушунча бериш ва тўғри тавсиялар бериш зарур. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади ва бир мунча жиноятчиликларни олди олинади.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ МАСАЛАЛАРИ

Д.С.Довудова

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси катта ўқитувчиси*

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган, уларни билимли, маънавий етук ва жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш ҳамда болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар давлат ва жамият ҳаётини тараққий эттиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистонни XXI асрда қандай ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан фарзандларимизнинг қандай киши бўлиб етишишларига боғлиқ. Шундай экан, айтиш мумкинки, бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай кечикишлар, ҳар қандай хатолар келажакка қарши қаратилган зарбадир”¹⁸⁶, деб таъкидлаган эди.

¹⁸⁶ Каримов И.А. Ёшлар миллат келажаги. – “Халқ сўзи”. 2001 йил 25 январь

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик сўзида “.... мамлакатимизда амалга ошириладиган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг кўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат”, шунингдек, ўғил-қизларга қарата, “Бизнинг хавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Хавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Хавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, худо хоҳласа, хавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз ҳам бўлади. Ана шундай ёруғ келажакни, авваламбор, сиздек азму шижоатли, жўшқин орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келадиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган навқирон авлодимиз, бутун Ўзбекистон ёшлари барпо этади”¹⁸⁷ деди.

Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва бошқа соҳаларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг, айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўратилган.

Шунга кўра, ушбу ислохотларни амалга ошириш мақсадида 18 та махсус қонун ва қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар ёшлар, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, 2010 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 263-сонли Қонуни қабул қилинган бўлиб, қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар

¹⁸⁷ Халқ сўзи, 2017 йил 26 май, 104(6798)-сон

профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизими-ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўғрисида”ги Низоми тасдиқланди. Унда комиссияси вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бар-тараф этиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъмин-лаш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга ет-маганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилишини таъминлаш ҳақида аниқ вазифалар белгиланган¹⁸⁸.

Бундан ташқари, 2017 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4850-сонли Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармон иловаси “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар” тўғриси-даги дастурининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонун-чилигини янада такомиллаштириш”га бағишланган VI бўлимида вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш¹⁸⁹ белгиланганлиги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давоми эканлигининг яққол ифодасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамбле-ясининг 44/25-сессиясида қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 9 декабрь 1992 йилдаги 757-XII-сонли қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда, 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган

¹⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ти-зимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли Қарорига 3-илоvasи “Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комисси-ялар тўғрисида”ги Низом. [Электрон ресурс]: www.lex.uz. Охириги кўрилган вақти 31.05.2019 йил

¹⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Т -2017й, 6-сон, 70-модда.

қонун бўйича у эртароқ балоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланиши кўрсатилган¹⁹⁰.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни 3-моддасида, ўн саккиз ёшга тўлгунга(вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) бола (болалар) деб эътироф этилиши мустақамланган¹⁹¹.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида, вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс деб таърифланган¹⁹².

Фуқаролик қонунчилиги мазмунидан келиб чиқиб, фуқаролар 18 ёшга тўлганда вояга етган ҳисобланади¹⁹³.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жиноят процессуал кодексида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритиш алоҳида тоифага ажратилган бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Жиноят қонунчилигида 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар жавобгарликка тортиш субъекти ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вояга етмаган болаларга нисбатан одил судловни амалга ошириш учун минимал стандарт қоидалар ҳақидаги Пекин қоидаларининг 4-бандида, вояга етмаганлар учун жиноий жавобгарлик ёшини эътироф этган ҳуқуқий тизимларда, ушбу ёшнинг пастки чегараси эмоционал, руҳий ва интеллектуал етукликнинг хусусиятларини инobatга олган ҳолда ёш даражасида жуда паст даражада белгиланмаслиги қайд қилинган¹⁹⁴.

¹⁹⁰Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44/25-сессиясида қабул қилиниб “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция. [Электрон ресурс]: www.lex.uz.

¹⁹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни. [Электрон ресурс]: www.lex.uz. Охириги кўрилган вақти 31.05.2019 йил.

¹⁹² **Ўзбекистон Республикасининг** “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги **Қонуни**. [Электрон ресурс]: www.lex.uz. Охириги кўрилган вақти 31.05.2019 йил.

¹⁹³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. [Электрон ресурс]: www.lex.uz. Қаралган вақти 01.06.2019й.

¹⁹⁴ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml. Дата обращение 11.04.2019 года

Шунга кўра, айрим давлатларнинг жиноят қонунчилиги ўрганилганда, вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарликка тортиш ёши аксарият давлатларда ўн тўрт ёш қилиб белгиланган. Жумладан, Корея Республикаси Жиноят кодекси 9-моддасида ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсларнинг қилмишлари жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги қайд этилган¹⁹⁵.

Россия Федерацияси Жиноят кодекси 20-моддасида¹⁹⁶, Беларуссия Республикаси Жиноят кодекси 27-моддасида¹⁹⁷, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасида¹⁹⁸, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 17-моддасида¹⁹⁹, Тожикистон Республикаси Жиноят кодекси 23-моддасида²⁰⁰, Молдова Республикаси Жиноят кодекси 21-моддасида²⁰¹ жиноят содир этган вақтда ўн олти ёшга тўлган шахсларга жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, жавобгарликка тортишнинг кичик ёши ўн тўрт ёш этиб қайд этилган.

Юқоридаги халқаро стандартлар ва ривожланган давлатлар қонунчилигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёшини ўн тўрт ёш этиб белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 118-моддаси²⁰² ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига²⁰³ мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни прокурорлар амалга оширади.

¹⁹⁵<https://vseokoree.com/vse-o-koree/zakony-i-normativnye-pravovye-akty/ugolovnyj-kodeks-respubliki-koreya>

¹⁹⁶ <http://docs.cntd.ru/document/9017477>

¹⁹⁷https://nrm.uz/contentf?doc=433171_ugolovnyy_kodeks_respubliki_belarus

¹⁹⁸ <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1400000226>

¹⁹⁹ http://fmc.uz/legisl.php?id=k_ug_4

²⁰⁰ http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=2324

²⁰¹ <http://lex.justice.md/ru/331268/>

²⁰² <http://lex.uz/docs/20596#39960>. 08.12.1992 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – 2018. Охириги ўзгартиришлар билан. Кўрилган кун 11.04.2019 й.

²⁰³ <http://lex.uz/docs/106197>. 29.08.2001 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Прокуратура тўғрисидаги қонун. – 2018 йилдаги охириги ўзгартиришлар билан. Кўрилган кун 11.04.2019 й.

О.М.Мадалиевнинг фикрича, “прокурор назорати – давлат фаолиятининг мустақил, ўзига хос тури ҳисобланади”²⁰⁴.

Прокуратура органларининг Ўзбекистон ҳудудида қонунларни бажарилиши устидан давлат номидан назоратни олиб бориш конституциявий вазифаси ҳисобланади. Шундай экан, давлат муҳофазасида бўлган вояга етмаганларнинг ҳимоя қилинишини, тарбияланишини, барча соҳаларда белгиланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини, уларнинг жиноятчилигини олдини олиниши юзасидан белгиланган чораларнинг самарадорлигини назорат қилиш прокуратура органларига юклатилган.

Шунга кўра, прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири жиноят иши юритилаётган вояга етмаганларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлиқ кафолатланишини таъминланишини назорат қилишдир.

Б.Х.Пўлатов таъкидлашча, “вояга етмаганлар жиноятлари терговини олиб борувчи ички ишлар органларининг суриштирувчилари, терговчилари ва тергов ишлари юритилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширувчи прокурорлар Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида қайд қилинган ҳуқуқий кафолатларнинг хусусиятларини эътиборга олишлари лозим”²⁰⁵.

Титаренко В.А ва Малин П.М фикрича, “вояга етмаганларга оид жиноят ишларининг юритилишида прокурор назорати иккита ҳолатда амалга оширилади: ҳар бир жиноят ишини юритишда тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган нормаларининг амал қилинишини назорат қилиш ва вояга етмаганларга оид жиноят ишини юритишда алоҳида тартибда иш юритишнинг ўзига хос жиҳатларини мустақамловчи жиноят-процессуал қонунчилигида қайд этилган нормаларни ижро этилишини назорат қилишдир”²⁰⁶.

²⁰⁴ О.М.Мадалиев. Прокурор назорати. – Т.: Илм Зиё. 2012. 37 б.

²⁰⁵ Б.Х.Пўлатов, С.М.Астанов. Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш. –Тошкент, 2018. 30 б.

²⁰⁶ В.А.Титаренко., П.М.Малин., Ёшлар ва вояга етмаганларга нисбатан жиноий иш юритишни қонунийлиги устидан прокурор назора-

Юқоридабаёнқилинган олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда дастлабки терговда вояга етмаганларга оид жиноят ишларини юритишда прокурор назорати деганда – жиноят қонунчилиқда белгиланган жиноий жавобгарлик ёшига етган ҳамда субъект ёшидан қатъий назар гувоҳ, жабрланувчи сифатида иштирок этаётган вояга етмаганларга нисбатан жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган умумий ва махсус нормаларга амал қилинишини ҳамда ижро этилишини назорат қилишдир.

Ушбу йўналишда прокурор назоратининг аҳамияти вояга етмаганларни жиноят-процессуал қонунчилигида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши таъминланади.

Хулоса ўрнида таъқидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига вояга етмаганларни жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёшини ўн тўрт ёш этиб белгилаш тўғрисида қонунчиликка ўзгартириш киритиш ҳамда прокурорнинг вояга етмаганларга оид жиноят ишларининг юритилишини назорат қилиш механизмини янада такомиллаштириш уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир кафолати десак, муболаға бўлмайди.

ЎҚУВЧИЛАРДА СИЁСИЙ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ АҲАМИЯТИ

М.Мўминов

*Андижон давлат университетининг эркин
изланувчиси*

Ўтган асрнинг охириги 10 йиллигида пайдо бўлган интернет ва глобаллашув ўзининг ижобий-салбий аҳамияти билан барча давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Югославия ва СССРдаги сиёсий вазият давлат парчаланишига, майда давлатларга бўлиниб кетишига олиб келди. 2010 йилларда ўнлаб араб

давлатларидаги фуқаролар уруши минглаб одамларнинг заволига сабаб бўлди. 2012 йилда атом қуроли билан боғлиқ Эрон-АҚШ можаролари икки давлат ўртасидаги урушга айланиб кетишига оз қолди. 2013 йилда Сурия ва Ироқнинг маълум ҳудудини зўрлик билан эгаллаб олган “Ироқ-Шом ислом давлати” ўзининг ноисломий-ноинсоний ҳаракатлари сабабли жаҳон афкор оммасининг лаънатига учради ва барҳам топди. Дунёнинг 10 та давлатида Россиянинг, 156 та давлатида АҚШнинг 737 та ҳарбий базаси мавжуд²⁰⁷. Украинада бошланган сиёсий парокандалик ҳозиргача тўхтаган эмас. Бундай ишларнинг бошида ҳалқаро терроризм турган бўлса-да, барча талотўпликлар ёшлар иштироки орқали амалга оширилмоқда.

Шунинг учун ҳам янгиланаётган Ўзбекистон кейинги йилларда ёшлар масаласига катта эътибор қаратмоқда. Ёш авлодни миллий ғоя, миллий қадриятлар, демократик тамойиллар асосида баркамол бўлиб ўсишларини таъминлашга ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларнинг маънавий билимли, интеллектуал салоҳиятли бўлиб етишиши учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда²⁰⁸. Уларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини янада ошириш ва мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Халқ таълимига эътибор давлат сиёсатининг устувор соҳасига айланди. Ҳозирда мавжуд 9691 та умумтаълим мактабларида 5,8 миллион нафар ўқувчи таълим олади. Ўқувчиларга билим беришни жаҳон талаблари даражасига етказиш мақсадида чора-тадбирлар белгиланмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси яратилди. Мазкур

²⁰⁷ Хамид Фадро. Сравнение сил России и США в АСЕАН. // Политические науки. –Москва: 2017.-9-сон. (63).

²⁰⁸ 1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли қонуни. 2016 йил 14 сентябрь. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ги ПФ-5106-сонли фармони.

концепцияда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинг буйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш мақсад қилиб олинди. Бунинг учун халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш каби вазифалар белгилаб олинди. Ёшлар таълим-тарбияси учун комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш режалаштирилди.

Натижада, ўқувчилар:

- ватанпарвар, юрт тақдирига дахлдор, қонунларни ҳурмат қиладиган бўлиб ўсади;
- зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши мафкуравий иммунитет мустаҳкам бўлади;
- мустақил фикрга ва қатъий ҳаётий позицияга қодир бўлган шахс тарбияланади.

Шундай қилиш керакки, ўқувчи ўзи ҳам мустақил равишда излансин. Агар китобга меҳр қўйса, ҳаётда асқотадиган кўп билимларни эгаллайди. Мутолаа инсонни камолга етказди. Ўқувчилар интернетдан онгли фойдаланиш маданиятига эга бўлсин. Бадиий адабиётларнинг электрон нусхалари кенг миқёсда порталларга жойлаштирилса, уларнинг маънавий билимлари бойийди. Ахборот-ресурс марказлари ўқувчилар билан тўла бўлсин. Айниқса, янги энциклопедик адабиётлар ўқувчининг интеллектуал билимларини бойитишга хизмат қилади. Бугунги кунда рус, инглиз, хитой, япон, корейс ва бошқа тилларни ўрганишга қизиқадиган ёшлар кўпаймоқда. Шунинг учун атамаларнинг изоҳли луғатларини кўпайтириш билан бирга, тил ўрганиш марказлари, хорижликлар билан учрашув, турли миллий марказлар билан ҳамкорликда дўстлик фестивалларини ўтказиш лозим.

Юқори синф ўқувчилари давлат тузилиши, давлати-мизнинг ички ва ташқи сиёсатига қизиқадилар. Дарҳақиқат, кутубхоналар давлатчилигимиз тарихи ва янгиланаётган Ўзбекистон ҳақидаги сиёсий адабиётларнинг янги авлоди билан бойитилиши зарур. Давлат органлари ходимлари билан ижтимоий ҳамкорликда таълим муассасалари

ўқувчилари ва жамоатчилик ўртасида терроризм, экстремизм ва бошқа жиноий фаолиятнинг олдини олишга қаратилган комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари мунтазам равишда ўтказилсин. Ўқувчиларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш мақсадида таълим муассасаларида “Ислом маърифати ақидапарастликни қоралайди”, “Экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид” мавзуларида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилса, ёшларнинг онгида узоқ йиллар сақланиб қолади.

Бу ҳаракатлар ўз самарасини беради, албатта. Чунки мактабда ўқувчи: 1) янги билим ва тушунчаларни ўзлаштира олади; 2) ақлий қобилияти ривожланиб боради; 3) идрок қилади, эшитган воқеа-ҳодисаларни кўз олдига келтириб, тасаввур қилади; 4) ўқиган, ўрганган, кўрган маълумотларни умумлаштира олади ва танқидий фикрлашга ўрганади; 5) шахсий ҳис-ҳаяжони, иродаси орқали ўз онгли фаолиятини мустақил бошқаради²⁰⁹. Шундан келиб чиқиб, мактабдаги таълим-тарбия жараёнларида ўз мамлакатининг танлаб олган йўли, халқининг қандай давлат ва жамият қураётганлигини билиши ҳамда шу асосда шахсий ҳаётининг позициясини белгилаб олиши нуктаи назаридан ушбу ҳаракатларда онгли равишда иштирок этиш фаолиятига эга бўлади.

Ғоялар кураши тобора авж олаётган ҳозирги давр барчамизни сиёсат масалаларида огоҳ ва ҳушёр бўлишга мажбур қиляпти. Ўқувчиларда ўз давлати, Президенти ва халқи билан фахрланиш ҳисси, давлатимиз байроғи, давлатимиз гербига бўлган муҳаббати кучли. Барча ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини севиб ижро этади. Юқори синф ўқувчиларида демократик давлат, фуқаролик жамияти, парламент каби сиёсий атамаларни, давлат ҳамда ҳокимият тизими, сиёсий партиялар фаолияти, халқаро сиёсий муносабатларни билиш ва англашга эҳтиёж сезилмоқда. Сиёсат нима? Бу - давлат ва жамиятни бошқариш санъати ва маҳорати, сиёсий институтларнинг

²⁰⁹ Абдуллаева М., Абдурашидов М., Абилов У. Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. –Тошкент: “Шарқ”, 2004. -384 б. 247-бет.

ўзаро муносабатлари билан боғлиқ фаолият доирасидир. Сиёсий институтлар эса, жамиятнинг қарор топган давлат ташкилоти муассасалари ва ундаги лавозимлар таркиби бўлиб, суверен давлатнинг равнақиға хизмат қилади.

Суверенитет - сиёсий мустақиллик бўлиб, давлат бошқарувини ҳамда ички ва ташқи сиёсий фаолиятини хорижий аралашувларсиз идора этишдир. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон суверен демократик республика эканлиги белгилаб қўйилган. Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини тушунган одамунинг ниҳоятда адолатли ва инсонпарвар эканлигини ҳис қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи гуруҳларнинг фаолияти тақиқланганлиги баён қилинган. Масалан, “Ваҳҳобийлик” диний экстремистик оқимға ўхшаган давлатимизнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигиға, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи радикал ташкилотлар фаолияти рад этилган. Террорни, урушни, ижтимоий адоватни қўзғовчи гуруҳлар тузилишиға йўл қўйилмайди. Тухмат ва бўҳтонлар ишлатиб, миллий, ирқий ва диний келишмовчиликларни тарғиб қилиш, халқнинг соғлиги ва маънавиятиға тажовуз қилиш қонун йўли билан таъқиқланган. Шунингдек, “Ҳизбут-тахрир”ға ўхшаган диний руҳдаги сиёсий партияларнинг тузилиши мумкин эмас. Бу талабларнинг барчаси давлатимизнинг тараққиётға эришиши ва одамлар тинчлигини таъминлаш соҳасидаги ғамхўрлик намунасидир.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистонда амалдаги давлат тузумини қўлга киритишға ҳаракат қилаётган диний радикал оқимлар пинҳона фаолият олиб бормоқда. Экстремизм бу мақсадиға эришиш учун ёшлар кучидан фойдаланишни ўйлайди ва бунинг учун фарзандларимизни ёлғон ваъдалар билан алдашға, онгиға фикрий таъсир ўтказишға ҳаракат қилади²¹⁰. Бундай зарарли ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида педагоглардан:

²¹⁰ Хисомиддинов Ш. Миллий ғоянинг халқаро экстремизм ва терроризмға қарши курашдаги методологик роли./Таълим-тарбиянинг маънавий-маърифий ва миллий-ғоявий асослари. –Андижон: “Ҳаёт”, 2010. -340 б. 177-179-бетлар.

- диний радикал оқимларининг бузғунчи мақсад-муддаоларини очиб ташлаш:

- экстремистларнинг “ биз билан бирга бўлмаганлар душманларимиз” деган иддаолари нотўғри эканлигини тушунтириш;

- ноқонуний ташкил қилинган йиғилишларда иштирок этмасликни уқтириш;

- “халифаликни ўрнатсак, сен амир бўласан, тезда бойиб кетасан”, деган ваъдалари пуч эканлигини, чунки глобализация даври шароитида тарих энди орқага қайтмаслигини ва халифалик давлати асло қурилмаслигини тушунтириш орқали биронта ёшни экстремистлар қўлига топширмаслик талаб этилади.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Қ. Ибайдуллаев

Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси” кафедраси профессори, ф.ф.н.

Бугун Ўзбекистонда 18 ёшга тўлмаган 12 миллион нафардан зиёд бола яшайди. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борадаги янги ташаббусларни олға сурди²¹¹. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таълим муассасаларига ҳам масъулиятли вазифаларни юклайди²¹². Президент Шавкат Мирзиёев

²¹¹ Саидов А. Болалар ҳуқуқлари: Уни тўлақонли таъминлаш жамият манфаатларига хизмат қилади. //“Халқ сўзи”, 2019 йил 25 апрель. 84-сон.

²¹²1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сонли қонуни. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар

ҳам ҳар бир чиқишларида ва аҳоли билан учрашувларида ёшларнинг ҳуқуқий таълим-тарбияси юзасидан зарур тавсияларни бериб келади. Давлатимиз раҳбарининг “Бош Қонунимизни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилиш – барчамизнинг шарафли бурчимиздир”, деган фикрлари барчамиз учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Шунингдек, Конституция ва қонунларимизнинг қудратли кучга эгаллигини таъкидлади ҳамда ҳуқуқий давлат ва адолатли жамиятни барпо этиш учун фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш зарурлигини кўрсатиб ўтди²¹³.

Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... олдимизга қўйилган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур”²¹⁴, деган сўзлари бугунги таҳликали замонда ниҳоятда зарур ва ҳаётий ҳақиқатдир. Миллий ғоя, аввало, ҳар бир оилада таркиб топади. Фарзандларига тўғри юриб, тўғри туришни ўргатиш ҳуқуқий тарбия билан сингдирилади. Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасаларидаги ҳуқуқий билимнинг чуқур ўргатилишига боғлиқ.

Халқтаълимиходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида барча тингловчи педагогларга “Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг ислоҳ қилиниши” ҳамда “Халқ таълими тизимда таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли фармони. 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жимоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони.

²¹³ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир.//“Халқ сўзи”, 2018 йил 8 декабрь. 253-сон.

²¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.//“Халқ сўзи”, 2018 йил 29 декабрь. 271-272-сонлари.

асослари” ўқув модуллари бўйича Конституциямиз асосида яратилган янги қонунларимиз, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан билимлар берилади. Ҳуқуқий билимлар асоси, пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг натижавийлиги шунчалик самарали бўлади. Шунинг учун, қайта тайёрлов ёки малака оширгани келган педагогларга мутахассислар томонидан, ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида АКТдан, замонавий илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларни кенгайтириш учун маълумот ва ахборотлар берилиб, уларда кўникма ва малака ҳосил қилинади. Тингловчилар ҳуқуқий мавзулардаги назарий ва амалий машғулотларда қатнашади, кўргазмали материалларни тайёрлайди, мустақил изланади, малака ишлари ёзади. Шу нарса эътиборлики, педагогик фаолиятлари давомида улар ҳуқуқий билимларини ўз навбатида бошқаларга: ўқувчиларга, ёшларга, касбдошларига, оила аъзоларига, ота-оналарга, яшаш жойида аҳолига сингдиришда фаол иштирок этадилар. Буни қуйидаги чизма орқали кўриш мумкин.

Ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш тизими: Худудий марказ - Педагоглар (тингловчилар) - Мактабгача, мактаб, мактабдан ташқари таълим муассасалари. Шаклдан кўриниб турибдики, ушбу тизим **“шахс-оила-маҳалла-таълим муассасаси-ташкilot-жамият”** тамойилига мос келади. Малака ошириш муассасаси вилоят аҳолиси ўртасида ҳам ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Бунинг масъулиятини тушунамиз, албатта. Лекин педагогдан бу билимлар билан чекланиб қолмасдан мустақил равишда китоблар, қўлланмалар, рисолалар, газета-журналлар ўқиш ҳамда радио, телевидение хабарлари, интернет маълумотлари орқали ўз билимларини ошириб бориши талаб қилинади. Педагоглар, айниқса, ижтимоий фан ўқитувчилари замондан орқада қолишлари мумкин эмас.

Педагоглар жамиятда зиёли инсон сифатида юксак эътирофга эга. Шундай экан, ҳар бир педагог кучли ҳуқуқий билим эгаси бўлиши шарт. Шу билан билан бирга, ёшларни тўғри йўлга бошлаши, уларни адашиб ҳуқуқбузарлик содир этишдан сақлаши, жиноятчи бўлиб қолмаслигининг олдини

олиши бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган²¹⁵.

Муҳтарам Президентимиз 2019 йилнинг 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш масалалари бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди. Бу вазифалар таълим муассасаларига катта масъулият юклайди. Ҳар бир ёш инсон сифатида мактабдаги ўқиш йилларида шаклланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетни ҳам шунчалик кучли бўлади. Бу масалаларнинг бошида Конституция, қонунлар туради.

Малака ошириш муассасаси, айниқса, мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда салмоқли ўринга эга бўлган зарур тизимлардан бири. Бизнингча, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш омилларини икки турга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Бу борадаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган баъзи таклифларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз, Жумладан:

- Таълим муассасаларида ўқув дастурлари ва ўқув режаларига давлат аҳамиятига молик зарур ҳуқуқий

²¹⁵ 1. Рамазонова Н. Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг янги кафолатлари белгиланди./ “Ҳуқуқий маданият – тараққиёт гарови” мақолалар тўплами. -Андижон: 2016. -154 б. 107-109-бетлар.
2. Мўминов М. Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг конституциявий асослари./“Маҳорат ойнаси” журнали, 2017 йил, ноябрь. 11-сон. 24-25-бетлар.

ҳужжатларни ўрганиш бўйича “Долзарб мавзулар” (2-4 соат) ўқув соатини ажратиш;

- ҳар душанба куни эрталаб “Ҳафта янгиликлари” дақиқаларини 30-45 минут жорий қилиш;

- таълим тизими педагоглари учун ҳуқуқий мавзуларда доимий ҳаракатдаги ўқув семинарини ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ташкил қилиш;

- ҳуқуқ ўқитувчиси (ҳуқуқшунос) ташаббуси билан “Ҳуқуқий маслаҳатхона” фаолиятини йўлга қўйиш;

- қонун, фармон, қарор, фармойиш ва бошқа ҳуқуқий атамаларнинг бир-биридан фарқи ва изоҳи ёзиб бориладиган “Ҳуқуқий маърифат бурчаги”га эга бўлиш;

- янги эълон қилинган ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳиятини, мазмунини чақмоқдай ёритиб бориш учун “Буни ҳамма билиши керак” рангли-безакли варақани ёки виртуал экранни ташкил қилиш;

- мунтазам равишда савол-жавоб, викторина, иншолар танлови каби “Ҳуқуқий билимдонлар” мусобақаларини ўтказиб, ғолибларни рағбатлантириш;

- албатта адлия, суд, прокуратура, ички ишлар идоралари ходимлари билан режа асосида учрашувлар ўтказиш кўзланган мақсадга эриштиради.

Бизнингча, юқоридаги тавсияларимизга ижодий ёндашган ҳолда ҳуқуқий масалаларга узлуксиз равишда эътибор қаратилса, жойларда қонун бузилишларининг камайишига эришилади. Зеро, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш халқимизнинг ҳуқуқий билимлилик салоҳиятига боғлиқ. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарти”²¹⁶, деган фикрларига мос равишда педагогик фаолиятимизни ташкил қилишимиз даркор.

²¹⁶ Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод – буюк келажагимизнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир.//“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 8 декабрь. 253-сон.

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Н. Ю.Раҳмонова

*Андижон вилояти Халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти ўқитувчиси*

Ватанимизнинг эртанги куни, ривожланиши ва олиб борилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама етук шахсни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”²¹⁷ дея таъкидлаганди.

Мустақиллик давринининг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож катлами ҳисобланган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган шартномаларини ратификация қилди ва бу амалиёт бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом этмоқда. Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим

²¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасидан.

йўналишларидан бири сифатида қаралаётган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва бола ҳуқуқларини кафолатлаш борасида кейинги йилларда кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинмоқдаки, уларнинг барчаси эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар ва болалар манфаатини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан имзоланган биринчи қонун ҳужжати – “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун бўлганлигида ҳам рамзий маъно бордек. Албатта, ўз халқининг келажагини ўйлаган давлат болалар ҳамда ёшларни ҳар томонлама камол топишларини таъминлашида давлат сиёсатининг муҳим йўналишларини белгилаб олиши, бу борада давлат органларининг ваколати ҳамда вазифаларини реал шартларда аниқлаб олиши ва соҳанинг ҳуқуқий асосларини қатъий мустаҳкамлаб бериши зарур.

Юқоридаги қонуннинг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Унга кўра, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- очиқлик ва шаффофлик;
- ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;
- ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;
- ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги.²¹⁸

Фуқаролик жамиятининг негизини ташкил этувчи ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг юқорилиги билан характерланади. Халқимизнинг қонунчилик амалиётини яхши билиши, қонунларни қабул қилишдаги умумхалқ муҳокамаларида фирқлари, таклифлари ёки эътирозлари билан иштирок этишлари ҳам уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражалари билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари,

²¹⁸ www.lex.uz Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни 14.09.2016й.

аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти мамлакатимизда жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг иштирокини таъминланишида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618 сонли Фармонининг қабул қилиниши ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда. Ушбу Фармон билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси” қабул қилинди. Ушбу Концепция орқали фуқаролар онгида **«Жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир!»** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни сингдириш, **шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини** тарғиб қилиш, ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш каби Конституциямизнинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш²¹⁹ каби муҳим вазифалар белгиланди.

Халқимизнинг узоқ йиллардан бери ўзининг пурмаъно хикматини йўқотмаган нақллари бор: “Бола азиз, одоби ундан азиз”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” каби.

²¹⁹ www.lex.uz. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси II боб 2-банди

Маҳаллаларимизда, қишлоқларимизда, ўзимиз яшаб турган кўчамизда улғаяётган ёшларимиз, болаларимиз барчамизники, уларнинг тарбиясига барчамиз бирдек масъулмиз. Албатта ёшларимиз, фарзандларимиз тарбиясида бироз сусткашликка йўл қўйсақ, бунинг салбий асоратини йўқотиш ўта қийин кечади.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларга алоҳида аҳамият бериш зарур:

- болалар онгига яхши – ёмон, тўғри – ўғри, ҳалол – харом ва бошқа шу каби ҳуқуқий тушунчаларнинг бошланғич элементларини ўз вақтида сингдириш;

- ҳуқуқий машғулотлар ўтказиш ва бола ёшининг психологик-физиологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда Конституция ҳақидаги илк тушунчаларни ўргатиб бориш;

- МТМларининг тарбиячи ходимлари ва ота-оналар ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- умумтаълим муассасаларида ҳуқуқий тарбия соҳасининг асоси бўлган ҳуқуқ дарслари мавзуларини қайтадан кўриб чиқиш ва машғулотлар ҳажмини кўпайтириш;

- ҳуқуқий онгни ва маданиятни ривожлантиришга мўлжалланган тадбирлар таъсирчанлигини ва бу борадаги ишлар кўламини ошириш;

- умумтаълим муассасаларида “Ҳуқуқий-психологик маслаҳат марказлари”ни ташкил этиш ва ҳуқуқий-психокоррекцион ишлар самарадорлигини ошириш;

- республика миқёсида ўқувчи-ёшлар ўртасида “Муаммосиз ҳаёт сари”, “Менинг давлатим – менинг фахрим, келажагим” деб номланган фестиваллар ўтказиш ва бу орқали ёшларнинг эртанги кунга ишончи ва қизиқишларини ошириш зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардимки, кайсики давлат ёшлар ҳуқуқий тарбияси борасида ишлар кўлами ва самарадорлигини етарли даражада таъминламас экан, ундай давлатда қонунларни менсимаслик аломатлари ва бунинг натижасида эса турли қонунбузилиш ҳолатлари, ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар сони ортиб бораверади. Суверен, ҳуқуқий давлат саналган Ўзбекистон ўзининг бой тарихий меъросига таянган ҳолда тақрорланмас

давлатчилик йўлини белгилаб олган. Биз бу йўлдан борар эканмиз, келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларимизнинг ҳуқуқий тарбияси долзарб масала бўлиб қолаверади. Зотан, ўзбек педагогикасининг ёрқин намоёндаси А.Авлоний таъкидлаганларидек: “Тарбия-биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё фалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАРИ

М.Т.Ахмедова

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

Ҳарбий-техник институти

Соҳавий ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.н.

Ўзбекистонда миллий давлатчиликни барпо этиш жараёни том маънода мустақиллик натижасидагина ўз мақомига эга бўлди ва сиёсий-ҳуқуқий амалиётда ўз ифодасини топди. Уни мустаҳкамлашнинг ҳар бир йили ўз кадрига кўра жамият сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий ва маданий тараққиётининг ортга қайтариб бўлмас жараёнига айланди. Сўнгги йилларида мамлакатимизда ватанпарварлик тарбияси ва тарғиботига муносабат тубдан ўзгарди. Ватанпарварликни тарғиб қилишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилди, бу борада техник ва технологик воситаларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш тизими йўлга қўйилди. Амалга оширилаётган чуқур ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси жамиятимизнинг ажралмас бир қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг кафолатига, ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланмоқда, - десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Маълумки, тарихда халқимиз орасидан кўплаб буюк саркардалар етишиб чиққан. Ана шундай мард ва фидойи аждодларимизнинг ҳарбий соҳадаги бой мероси, мардлик ва жасурлик фазилатлари ёшларимиз учун ибрат мактаби

бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздек – у зот биронта жангда мағлуб бўлмаган – энгилмас саркарда ва давлат арбоби жаҳон тарихида камдан-кам топилади. Ўз яқинлари, замондошлари бу улуғ сиймони Темурбек деб атаган эканлар”²²⁰, - дея таъкидлаб, ҳозирда юртимизда ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларига “Темурбеклар мактаби” деб ном берилишини таклиф этган эдилар.

Айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги № 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг қабул қилиниши бу борадаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тизимида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, Ҳарбий-техник институтида таҳсил олаётган курсантларга, “Темурбеклар мактаби”да таълим олаётган ёшларга ватанпарварлик дарсларидан сабоқ беришда, уларнинг ҳарбий маҳоратини ва жанговар тайёргарлигини мунтазам ошириб боришда буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий бошқарувини ва ватанпарварлик жасоратини миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Амир Темур ёшларга ҳуқуқий тарбия бериш ғояларини назарда тутиб ўз “Тузуқлари”да давлатни ҳуқуқий асосда идора қилишда ёшларнинг ахлоқий тарбияси каби бунда ҳам ўн икки қоидага асосланиш зарурлигини таъкидлайди. “Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва

²²⁰ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.534.

мамлакатларни забт этгувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўригим шуки, мен ўн икки нарсани ўзимга шior қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим”, - деб ёзиб давлатга ва ундаги касб эгаларининг ҳар бир тоифасига мос келадиган давлатни ҳуқуқий бошқариш зарурлигини ва ёшларни шу йуналишда шакллантиришни тушунтирди.

Биринчиси, ислом дини ва шариат қоидаларига, қонунларига риоя қилишни талаб этганлигида эди. Яъни давлат ва халқ қонун асосида, шариат қоидалари негизда идора қилинишини таъкидлади. “Тузуқлари”да шундай деб ёзади: “Биринчиси давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим – Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим”²²¹.

Унинг давлатни ҳуқуқий асосда бошқариш ҳақидаги қарашларининг иккинчи муҳим қоидаси давлатнинг устунларини ташкил қилган турли табақалар ва тоифалар билан биргаликда бамаслаҳат иш кўриш сиёсатини юритишдан иборат бўлган. Темурнинг улуғлиги, донишмандлиги шундаки, у фақат армияга суяниб, зўрлик билан эмас, биринчи навбатда уларга таянган ҳолда давлатни бошқаришни”²²² ва вазирлари билан кенгашган ҳолда белгиланган қонун асосида муҳим ишларни олиб боришни насиҳат қилди. Соҳибқирон ўз ворисларига васият қилар экан, жамиятнинг турли табақаларга ва тоифаларга бўлинишини ва уларнинг тутган ўринлари қонун асосида баҳоланиши муҳим эканлигини, қонунсиз давлатни бошқариш мумкин эмаслигига ишора қилади ва бу борада, айниқса, ёшларга табақалар ўртасида келишув сиёсатини олиб бориш зарурлигини насиҳат қилади.

Учинчи қоидаси шариат қонунлари асосида, тадбиркорлик, хушёрлик ва эҳтиёткорлик билан бошқа дав-

²²¹Темур тузуқлари. Тиллабоев Р.А. Среднеазиатские географические сочинения XV—XVI вв. как исторический источник (жития шейхов накшбандия):Афтореф.дис...док. ист. наук. — Т.:1994. — 54 с.

²²² Бобоев Ҳ. Амир Темур ва унинг қарашлари. —Т.: Ўзбекистон, 1992.-80 б.

латларни ўз салтанати таркибига қўшиб олишни васият қилганида эди. Амир Темур учун кенгаш билан қонун асосида иш кўриш, эҳтиёткорлик шиори бўлди. Ана шу ўз вақтида бошқалар билан маслаҳатлашиб олиш, уларнинг фикрини билиш ва ундан кейин қонун асосида хулоса қилиш, ҳатто ўз душманларини ҳам мурасага, тинч-тотувликка даъват қилиш ҳамма вақт ишнинг ўнгидан келишига, кўп сонли армияни кам сонли жангчилар билан енгиш имкониятларини беради²²³, деб тушунтирди.

Тўртинчи қоидасида, Соҳибқирон давлат ишларини давлат қонунлари асосида бошқарганлигини таъкидлайди. Қонунларга кўра вазирлар, амирлар, сипоҳ, раият ўз лавозимига кўра яшаши лозим деб айтади. Дарҳақиқат, Темурнинг ҳукмронлиги тўра ва тузукка, яъни давлат ва ҳуқуққа таянган ҳолда олиб борилди.

Соҳибқироннинг ҳуқуқий тарбия бериш ҳақидаги қарашларининг бешинчиси, сипоҳийлар ва амирлар билан яхши муносабатда бўлиш, мартаба ва унвонларини ҳурмат қилиш тўғрисидаги васиятлари эди. Уларнинг ҳаётларидан хабардор бўлиб, тегишли дирҳам ва динорларини қонунга мос бериб туришни, шундан қонун устуворлиги учун амирлар давлатга жон дилдан хизмат қилишини айтган эди.

Олтинчиси, инсоф ва адолат билан иш кўриш ҳақидаги насиҳати бўлиб, гуноҳкорга ҳам, беғуноҳга ҳам раҳм - шафқат бўлиши кераклигини талаб қилишидир²²⁴.

Еттинчиси, сайидлар, уламою машойих, оқилу донолар, мухаддислар, тарихчиларни эътиборли шахслар, деб иззат ва ҳурмат қилишни васият этганлиги бўлди. Ёшлар учун улар билан суҳбатда бўлишни ва улардан маслаҳатлар сўрашни лозим ҳисоблаган. Аксинча, бузуқи – ғийбатчи одамларни мажлисга яқинлаштирмасликни, уларнинг гапларига қулоқ солмасликни тушунтирган.

Саккизинчиси, ёшларни азму жазм билан иш тутиш, яъни бирор ишни амалга оширишга қарор қилган бўлса, унга бутун вужуди билан киришиб, ниҳоясига етказиш,

²²³ Бобоев Ҳ. Ўзбекистонда XIV — XV асрларда сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар: 1993. — 260 б.

²²⁴ Кэранг Саидов А. Амир Темур ва Франция.-Т.: Адолат, 1996.- 88 б
-345-

нимаики деган бўлса, унга амал қилиш руҳида тарбиялаш ҳисобланди. “Одам Атодан Ҳотам ул-анбиёгача ўтган шохлар ва пайғамбарларнинг ишлари, қонун ва қоидалари билан қизиқиб, уларни ўрганиб, яхши жиҳатларини ўз ишида тадбиқ қилишга”²²⁵ уриниш бўлди. Шу орқали Амир Темур ўтмишдаги қонунларни, анъаналарни ёшлар унутмаслиги кераклигини таъкидлайди.

Тўққизинчиси, раиятнинг ҳол-аҳволидан доимо огоҳ бўлиш ҳақидаги васиятлари эди. Уларнинг улуғларини оға қаторида, кичикларини эса фарзанд ўрнида кўришни, ҳар шаҳар ва қишлоқнинг урф-одати ва миждидан воқиф бўлиб туришга, улардан хабардор бўлмоқ учун тарихчи хабарчиларни ёзма равишда турли халқлар ҳаётидан тушунчалар бериб туришларини талаб қилиш кераклигини таъкидлаган. Ҳокимлар, сипоҳлар томонидан раиятга, қонунга хилофлик қилиб жабру ситам етказилган бўлса, уларни адолат, инсоф юзасидан жазолашни талаб этишни таъкидлаган. Айниқса, ёшларга бошқа халқларнинг қонун-қоидаларини ҳам ҳурмат қилиш зарурлигини тушунтирган.

Ўнинчиси, турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифаларидан ўз паноҳига кирган кишиларга ҳурмат билан қарашни талаб этиши эди. Дўстлик қилган кишиларига нисбатан мурувват, эҳсон, иззату-икром ҳаққини адо этишни, кимки душманлик қилиб, кейин ундан пушаймон бўлиб, тавба қилган бўлса, душманлигини унутишни, унга мурувват кўрсатишни²²⁶ насиҳат қилган.

Ўн биринчиси, қариндошлар, ошна-оғайни, қўни-қўшнилар, у билан дўстлашган кишиларни салтанат мартабасига эришганда унутмаслик ҳақидаги ўғитлари эди. Уларга доимо бирдек иззат ва ҳурмат кўрсатишни, дўсту душман билан келишиб яшашни аъло фазилатлар деб ҳисоблади.

Ўн иккинчиси, дўст-душманга қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни ҳурмат қилиш лозимлиги ҳақидаги қарашларидир. “Чунки, - дейди у, - улар боқий бўлган жонла-

²²⁵ Темур тузуклари. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт -матбаа бирлашмаси, 1991.-112 б.

²²⁶ Камол Хўжандий. Соҳибқирон ҳикоятлари. // Тошкент ҳақиқати, 1996. 3 февраль.

рини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака - майдон, ҳалокатга отиб, жонларини қурбон қиладилар²²⁷. Агарда душман сипоҳийлардан қаҳрамонлик кўрсатиб, сенгга қилич кўтарган бўлса ҳам унга мурувват қилиш кераклигини тушунтирди. Темурнинг фикрича, бошқаларнинг маслаҳатларига қулоқ солиш, уларни тинглаш ва хулосалар чиқариш шахсдан катта сабр - тоқатни, жасоратни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ёшларга давлатнинг белгилари, байроқлари, ноғора – туғларига жиддий эътибор беришни тушунтиради. Уларни амирларга тақдим этиш қоидалари қатъий қилиб белгилаб қўйилиши зарурлигини таъкидлайди.

Биринчидан, Амир Темур элдаги маърифий-тарбия ишлари давлат томонидан идора қилиниши зарур деб ҳисоблади ва ҳар бир қишлоқда бошланғич таълим берувчи мактабларнинг ташкил қилиниши мамлакат ёшларининг ҳар бирини саводли этишни амалга ошириш орқали халқнинг саводли, билимли бўлишини ташкил қилишга ҳаракат қилди.

Иккинчидан, Илмнинг ривожланишида турли соҳадаги китобларнинг аҳамияти катталигини назарда тутиб, китобни донишмандликнинг асоси ва ҳаётни ўргатувчи, инсонни тарбияловчи восита деб баҳолади. Комил инсонни шакллантиришда билим билан тарбияни ўзаро алоқада деб тушунган Амир Темур мамлакат ёшларининг тарбияланиб, камол топиши борасида ҳам ўз қарашларини баён этди.

Учинчидан, давлат келажаги бўлган ёшларни юксак ахлоқий фазилатларга эга, инсонпарвар, жисмонан бақувват, ватанни севадиган, ҳарбий билимга эга, миллий ғурур руҳида тарбияланган бўлишини, тарбиянинг асосий талабларидан деб билди. Унинг маърифий - тарбиявий фикрлари адолатли, ҳуқуқий давлат фуқароларининг ақл-билими, ахлоқи қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб беришни ўз ичига олар эди.

²²⁷ Темур тузуклари. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.-112 б.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темур даврида илм-фан, маданият гуллаб -яшнади, бой маънавий қадриятлар яратилди. Булар Марказий Осиё минтақасидаги халқларининг маданий-маънавий тараққиётида асосий йўналишни белгилаб берди.

ЁШЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРБИЯЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Д.Ж.Суюнова

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти, Соҳавий ҳуқуқий
фанлар кафедраси доценти, ю.ф.д.*

Давлатимизнинг ва жамиятимизнинг диққат марказида бўлган аҳоли қатламларидан бири – вояга етмаганлар бўлиб, улар ҳақида қайғуриш ижтимоий вазифаларимиз орасида устувор ўринга эгадир.

Ёш авлод ҳақида ғамхўрлик кўрсатилар экан, аввало улар бизнинг таянчимиз ва эртанги келажагимизнинг давомчилари эканлиги диққат марказимизда туради.

Бугунги кунда мустақил Республикамиз учун ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш ҳаётий муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Айниқса, эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлод камолоти, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишларига, замон талаблари даражасида билим олишларига катта эътибор каратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “...ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда”²²⁸.

Ўзбекистон том маънода ёшлар мамлакати ҳисобланади. 2018 йил боши ҳолатига кўра Ўзбекистон

²²⁸ Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. /Халқ сўзи.2016 йил 8 декабрь, №243 (6678).

аҳолиси 32.575.300 кишидан иборат бўлиб, унинг таркибида 18 ёшга тўлмаганлар сони аҳоли умумий сонининг 33,4 фоизини, яъни 1/3 қисмини ташкил қилишини билдиради. Шу сабабли келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, улар учун қулай ва талаб даражасидаги шарт-шароитларни яратиб бериш – давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Республикамызда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар қаторига вояга етмаганларга қаратилаётган эътибор алоҳида аҳамият касб этади. Шундай экан эртанги кунимизда ҳаётимиз фаровон бўлиши ёшларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказишимиз зарурлиги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу ўз-ўзидан ёш авлодни ҳар томонлама билимли, жисмонан соғлом, юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши зарурлигини тақозо қилади.

Ҳуқуқий давлатдаги муҳим мезон, яъни қонун устуворлиги тамойилини ёш авлод онгига сингдириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқимиз тилидаги “ёшлиқдан олинган билим-тошга ўйиб битилган нақш кабидир” ҳикмати бежиз бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий тарбияси учун етарли шарт-шароитлар, ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратиб берилмоқда. Вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялашда “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига таянган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Жамиятда адолат қарор топишида болаларнинг тарбияси муҳим ўрин тутар экан, уларни тарбиялашда катталар намуна кўрсатишга алоҳида эътибор бериши, айниқса вояга етмаганларни яхши кишилардан юксак фазилатларни ўрганишга, улардан ибрат олишга, уларнинг даврасида бўлишга, улар билан тез-тез суҳбатлашишга, маърифат зиёсидан баҳраманд бўлишга чақириши лозим.

Вояга етмаганларни тарбиялашда ота-оналарнинг жавобгарлиги ҳар бир боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқидан келиб чиқади. Оила қонунчилигида мустаҳкамланганидек, ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Шунингдек, ота-она ўз

болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Болаларнинг илк тарбияси оиладан бошланади. Шахс сифатида камол топишига ота-онасининг ўзаро ва унга нисбатан бўлган муносабатининг аҳамияти катта. Ҳар бир ота-она фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарашга, маънавий қадриятларни ривожланишини муҳофаза қилиш, қонунларга оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялашга мажбурдирлар. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди, лекин уни баркамол авлод бўлиб етишишига тўсқинлик қилади.

Вояга етмаганлар манфаатларини таъминлаш ота-она ғамхўрлигининг асосини ташкил қилиши лозим. Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказишга ҳақли эмас. Болаларни тарбиялаш усуллари менсимаслик, шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни ҳақоратлаш ёки эксплуатация қилишдан ҳоли бўлиши керак. Болаларнинг таълим-тарбиясига тааллуқли барча масалалар болалар манфаатидан келиб чиққан ва уларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда ота-она томонидан ўзаро келишув асосида ҳал этилиши лозим.

Шу билан бирга мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш масалалари давлат сиёсати даражасига айланиб жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 2010 йил 29 сентябрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида²²⁹ вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш механизми белгилаб берилган.

Қонуннинг ўзига хос яна бир ижобий жиҳати-якка тартибда профилактика тушунчаси, уни амалга ошириш бел-

²²⁹ www.lex.uz

гилари қайд этилган. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар, унинг оиласи якка текширилиши лозим, унинг ўқишида таълим-тарбия ишлари қанақа ҳолатда, ёшлар ўқишдан сўнг нима билан шуғулланиб юриши кенгроқ назоратда бўлгани тўғри деб ҳисоблаймиз.

Вояга етмаганларни ҳуқуқий тарбиялашда “оила-маҳалла-мактаб” концепциясига таянган ҳолда иш олиб бориш, ҳуқуқ ва унда мужассамлашган инсонийлик принциплари, жамиятда амал қилувчи ҳуқуқий нормалар, жамиятда мавжуд ҳуқуқ-тартибот ҳақидаги билимларни етарли бериш, ҳуқуқий қоидаларни шахсий аҳамиятга молик деб қабул қилиш ҳамда уларни бажариш кўникмаларини ёшлар онгига сингдириш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тадбирларида ёшлар иштирокини кенгайтиришга оид тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқий таълимни замон талаблари асосида ривожлантириш юзасидан қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- Ҳуқуқий таълимни амалга оширишда ёшларнинг ҳуқуқий нормаларни идрок этишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

- Вояга етмаганлар ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий аҳамияти ва ахлоқий қимматини англаб етишларига ҳамда қонун билан белгиланувчи ҳуқуқлар ва бурчларни ўзлаштиришларига эришиш;

- Ҳуқуқий тарбия самарадорлиги ахлоқий нормаларнинг талабларига қай даражада таянишига кўп жиҳатдан боғлиқлигини ҳисобга олиш;

- Ёшлар ҳуқуқий фаоллигини ҳар томонлама ривожлантириш, уларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни бузишнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизликни тарбиялаш;

- Мактабгача таълим муассасалари, ўрта ва ўрта-маҳсус, олий ўқув юртлари учун ҳуқуқий адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш;

- Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш юзасидан ҳамкорликда иш юритиш;

– Таълим олувчиларга ўзини ва бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда, амалий фаолиятда олинган ҳуқуқий билимларни мустақил тадбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилиш

– Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ фақат қонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш йўл-йўриқларини шакллантириш

– Ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан қатъий муносабатда бўлиш фазилатини тарбиялаш кабилар.

Хулоса қилиб айтганда, самарали ташкил этилган ҳуқуқий таълим-тарбия тизими ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришнинг зарурий воситаси, ҳуқуқий давлатнинг таянчидир.

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

О.Д.Утегенов

*Ўзбекистон Республикаси ДБҚ
божхона институти доценти, ю.ф.н.*

Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишнинг муҳим шарти, ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлигининг асосий кафолати ҳисобланади.

Жамиятимизнинг демократия йўлида тараққий этиши ва ислохотларнинг яхши самара бериши бу – фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи ёшлар эканлигидан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига

айланиб бормоқда»²³⁰, деб алоҳида қайд этди. Шу боис, мамлакатимизда «мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш»²³¹ ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ҳуқуқий маданият – тарихан аста-секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, у инсон маданиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, ҳар бир фуқарони ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билим ва саводхонликка эга бўлган, жамиятда ҳуқуқий муносабатларга киришишда намоён бўлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислох этиш ҳамда бу борада кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 2017 йил 30 июнь куни бўлиб ўтган IV қурултойи қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун — 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни”, деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда ёшлар масаласи ҳам бу қадар давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, бу ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

²³⁰ Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суюнчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль

²³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, шунингдек, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни²³² бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратмоқда.

Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўлатўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ва ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган:

²³² Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни 2016 й 14 сентябрь. ЎРҚ-406-сон. // www.lex.uz.

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш; ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш; ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш; ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш; ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш; иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш; ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш; ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ёритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январьдаги ПФ-5618-сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон асосида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси ишлаб чиқилиб²³³,

²³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январьдаги ПФ-5618-сонли “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш орқали жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари белгиланиб берилди:

- аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида «Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат куришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

- ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

- аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

- давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция

ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

- оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

- юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишда албатта, ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва таъминлаш кераклигини бугунги куннинг ўзи исботлаб бермоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ёшларни тарбиялашда оиладан бошлашимиз ҳамда оилада ёшлар тарбиясига ота-она маъсулиятини янада ошириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ота-оналар мактаблар билан ҳамкорликни янада жадаллаштириш, барча ўқув юртларида, мактабларда ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам ҳуқуқий билимни ўрганиш билан бирга ҳар хилдаги ҳуқуқий тадбирлар кўпроқ ўтказилса, мактабларимизда “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанини ўқитишни 9-синфдан бошлаб ўтилса мақсадга мувофиқ бўларди деб ҳисоблаймиз.

ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ОШИРИШ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

Ш.М.Фозилов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммолорини ўрганиш
ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти
мустақил изланувчиси*

Сўнги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг айниқса ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасида сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Жамият тараққий этган сари инсон ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билишлари фуқаролик жамияти ривожининг даражасини белгилайверади. Шунинг учун, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

2016 йилда мамлакатимизда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва ушбу Қонунда асосий йўналиш сифатида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш масаласи киритилди. Қонунга мувофиқ Прокуратура ва ички ишлар органларига ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этиш белгилаб берилган бўлса, адлия органларининг айнан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириши ҳамда мувофиқлаштириши белгилаб берилди.²³⁴

Алоҳида таъкидлаш лозимки, 2019 йилда “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш

²³⁴ <http://www.lex.uz>

орқали жамиятда қонун устуворлиги таъминланишига, адолат қарор топишига, инсон манфаатлари улуғланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Умуман олганда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчаларига оидинлик киритадиган бўйлсак, ҳуқуқий онг бу жамият онгининг бир тури бўлиб, инсон, ижтимоий гуруҳ ёки жамиятнинг мавжуд ҳуқуққа, инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига нисбатан муносабати, тасаввури, ҳисси, нуқтаи назари тизими, яъни инсонлар томонидан ҳуқуқни субъектив англаш ва уни қабул қилиши демакдир.²³⁵

Ҳуқуқий онг жамиятда мавжуд онгнинг бошқа шакллари билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, жумладан ахлоқий нуқтаи назар, сиёсий қараш, фалсафа, мафкуравий назария, диний ва миллий характерларни ўзида мужассам этади.

Ҳуқуқий онг асосан шахснинг ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатини ўз ичига олади ва у ҳуқуқ билан чегараланган бўлади. Ҳуқуқий онгнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- моддий манфаатларни таъминлаш;
- бошқа инсон ва фуқаролар, ижтимоий субъектлар, жумладан, давлат органлари билан муносабатга киришиш;
- истеъмоладан олиш (ушбу йўналишга инсоннинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини киритиш мумкин, яъни шахснинг ўзига маънавий зарар етказувчи ҳолатлари, ижтимоий субъектларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлари.)

Ҳуқуқий маданият жамиятнинг ҳуқуқни билиши ва унга объектив муносабатининг умумий даражаси, ҳаётий фаолияти давомидаги ҳуқуқий билимларининг нормаси. У шахснинг меҳнат фаолиятида, субъектлар билан ўзаро муносабати ва таъсирида юзага келади. У маданий ва ҳуқуқий тизимнинг таъсири натижасида шаклланади.

Кўриниб турибдики, жамият тараққиёти ҳам ундаги инсонларнинг жамиятда, давлатда ўрнатилган ҳуқуқни англашига боғлиқ. Шу жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бир вақтнинг ўзида таълим ва тарбияга аҳамиятни кучайтиришни талаб этади. “Ёшларга оид дав-

²³⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

лат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш асосий йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилган бўлиб, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларига ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш белгилаб берилди. Таълим жараёнларида таълимнинг замонавий шаклларида фойдаланиш билан бирга ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш зарур бўлади. Конституциявий ҳуқуқ ва нормаларни англаган ёш авлодда сиёсий маданият ҳам аста-секинлик билан шакллана боради. Бу албатта, ёшларнинг жамиятда сиёсий фаолликларини оширишга ва Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, ўз “ҳаётий позициялари”га эга бўлиб боришади. Ўз ҳаётий позицияларига эга бўлмаган ёшларда аста-секинлик билан мамлакат сиёсий ҳаётига нисбатан бефарқ кайфият шаклланиб боради. Бу эса “сиёсий абсентеизм”га²³⁶ олиб келади. Яъни аҳолининг сиёсий жараёнларга нисбатан бефарқлигига олиб келади. Ўзбекистонда сайлаш фуқароларнинг ҳуқуқи сифатида ўрнатилган, яъни мажбурияти эмас. Сайловда иштирок этмаган фуқароларга нисбатан ҳеч қандай чора қўлланилмайди. Шу нуқтаи назардан, Скандинавия мамлакатларида таълимга фуқаролик жавобгарлиги тўғрисида ҳам дарслар киритилган бўлиб, улар айнан ёш авлодни мамлакатда амалга оширилаётган сиёсатга нисбатан муносабатни шакллантиришга ёрдам беради.²³⁷

Шу муносабат билан 2019 йилда қабул қилинган Президент Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да таълим муассасалари, маҳалла, қолаверса, оилаларда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилган бўлиб, бо-

²³⁶ <https://center-yf.ru/data/stat/politicheskiy-absenteizm.php>

²³⁷ <http://www.rshu.ru>

лалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ва инсон ҳуқуқларини ўрганиш бўйича кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш ва чоп этиш ишлари амалга ошириладиган бўлса, Скандинавия мамлакатлари жумладан, Финляндия амалиётини кўриш мумкин бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришни таълим тарбия билан боғлайдиган бўлсак, аввало тарбиячи-мураббийларни ушбу соҳада малакасини ошириш лозим. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга одоб-ахлоқ қоидалари ва ҳуқуқнинг илк тушунчаларини ўргатишга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиб, ҳуқуқнинг илк тушунчаларини синдириб бориш мақсадга мувофиқ. Аҳоли, хусусан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, муаммога илмий нуқтаи назардан ечим топиш ҳам бугунги кунда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрнини ошириш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Президент Фармони билан аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳудудий дастурлар қабул қилиниши лозим. Ушбу дастурларни амалга ошириш ва ижро этишда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан аниқ тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ҳужжатларининг аҳолининг барча қатламларигача етиб боришини таъминлаш ҳам муҳим ҳисобланади. Зеро, фақатгина аниқ ўйланган ва самарали тизимгина, ҳуқуқий тарғиботгина аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириб, унинг ҳуқуқий онги шаклланишига олиб келиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

А.С.Хурсандов

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти
Гуманитар ва ижтимоий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси*

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг марказида ёшлар масаласи белгилаб олинган. Бинобарин, уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, юсак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилиб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёшларга оид бугунги давлат сиёсатининг тамал тоши қўйилди. 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилингани бунга яққол исботидир.

Маълумки, 2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг 33 моддадан иборат “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни қабул қилинди²³⁸. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги 429-XII-сон Қонуни ўз кучини йўқотди.

Бу соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили шуни кўрсатдики, ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини

²³⁸ www.lex.uz

рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганлигини даврнинг ўзи исботлади.

Қабул қилинган янги қонун жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этади.

Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бугунги давр талабларига мос равишда ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, халқ манфаати йўлида бор салоҳиятини сафарбар қиладиган, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди.

Бугун Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, ўз тақдирни халқи, ватани тақдири билан бир деб билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланмоқда. Улар аждодлар маънавий меросини ҳам, умумбашарий қадриятлар, ақлий кашфиётларни ҳам тенг ўзлаштирмоқдалар Шунинг учун ёшларнинг ижтимоий ва маънавий камол топтириш учун шарт-шароитлаар яратиб беришга йўналтирилган ушбу сиёсатнинг асосий моҳияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган.

Конституциямизнинг 41-моддасида бепул умумий таълим олиш²³⁹ ҳуқуқининг ёшлар учун кафолатлангани ҳам эътиборга молик. Бу эса ёшларнинг келажакда жамиятда ўз ўринларини топишларига имконият яратилишини англатади. Асосий қомусимизнинг 45-моддасида вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат ҳимоясидалиги белгилаб қўйилганини моҳияти давлатнинг

²³⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б.16.

Ўз ёшлари ҳақида ҳамиша ғамхўрлигини англатса, 56-моддасида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодаловчи жамоат бирлашмаларининг тузилишига имкон берилиши ҳам ёшларнинг давлат ҳамда жамият бошқарувидаги фаоллиги таъминланишининг эътиборга олинганлигини билдиради. Мазкур модда бевосита мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг иштирокини фаоллаштиришга қаратилганлигида кўринади. Мамлакатимизда ёшларнинг муаммоларини ҳал этишдаги умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этаётган “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Ёшлар иттифоқи ташкилоти, Хотин-қизлар кўмитаси каби ташкилотлари фаолияти айнан ушбу конституциявий норманинг ижросини таъминлашга қаратилган. Яна бир муҳим жиҳати шуки, айнан шу йўл билан ёшларда мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳисси ҳамда уларда фаол фуқаролик позицияси ёхуд ҳуқуқий фаоллик шакллантирилиши ҳаётий ҳақиқат ҳисобланади. Тўғри, жамоат бирлашмалари сиёсий ташкилот эмас ва улар сиёсий фаолиятга аралашмайди. Ҳуқуқий билим, амалий кўникма ва ҳаётий тажриба ёхуд авлодлар ўртасидаги ворисийлик масалалари айнан фуқаролик жамияти институтлари саналмиш жамоат ташкилотлари фаолиятида шаклланади.

Шу ўринда нодавлат ташкилотлари «ёшларга оид давлат сиёсати» тушунчаси нимани англатишини билиб олишимиз лозим.

Ёшларга оид давлат сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваламбор юсак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

Шу мақсадда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Давлатимиз томонидан ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунига қадар барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Шулардан бири, Самарқандда Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини, Тошкент шаҳрида эса Ислом цивилизацияси марказини барпо этилиши ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни ёшларимиз онгига сингдиришга ҳамда буюк аждодларимиз қолдирган маънавий ва моддий меросдан баҳраманд бўлишларига хизмат қилиши Президентимиз томонидан моҳиятан чуқур тушунтирилди²⁴⁰.

Шундан келиб чиқиб, 2017 йилда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тасдиқланадиган мазкур Дастур доирасида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатнинг ёшлар сиёсатини такомиллаштириш, ёш авлодни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Пре-

²⁴⁰Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 247 (6741)-сони. – 2017й. 7 декабрь.

зиденти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасида давлатларнинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги сиёсатини такомиллаштириш ҳамда Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Халқаро конвенция қабул қилишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлиги ҳам эътироф этилди (Конвенция 2018 йил ноябрь ойида қабул қилинди). Президентимиз томонидан болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича Вакил институтини жорий қилиш ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги болалар ва ёшлар ҳуқуқлари бўйича Вакил тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш орқали ёш авлод ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини мустаҳкамлаш зарур эканлиги таъкидланди²⁴¹.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 18 ёшга тўлмаган 10 400 000 га яқин ўғил-қиз мавжуд ва бу мамлакат аҳолисининг тахминан 30% дан ортиғини ташкил этади. 17 миллиондан ортиқ, яъни 64% аҳоли 30 ёшга тўлмаганлардир. Ўзбекистонда 2016 йилда қабул қилинган Ёшларга оид давлат сиёсатига кўра ёшлар сифатли таълим, тиббий хизмат ва иш ўринлари билан таъминланиши, уларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатлари кафолатланиши, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда самарали иштирок этиши ва ўз келажакларни шакллантиришлари га имкон яратиш мажбурияти мавжуд.

2018 йил 27 июнь санаси юртимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилган кун сифатида тарихга муҳрланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжатнинг муҳимлиги шундаки, у жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган.

Албатта, ушбу ҳужжатнинг самарали ижро этилишини таъминлаш барчамиз учун устувор вазифа. Шу нуқтаи на-

²⁴¹ Халқ сўзи газетасининг № 148 - сони. – 2018йил 20 июль.

зардан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг бўлиб ўтган давра суҳбати долзарб мавзуга бағишланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш устидан жамоатчилик ва парламент назоратини олиб бориш, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда сиёсий партияларнинг “Ёшлар қанотлари” олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Депутатлар, сиёсий партияларнинг “Ёшлар қанотлари” раҳбарлари ва фаоллари, мутасадди вазирлик ҳамда идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда давлатимиз раҳбари Фармонида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, парламент қуёи палатасининг позицияси белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида жорий йилнинг 4 июль куни “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Давлат дастури ижросини жойларда самарали ташкил этиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси аъзолари ва депутатлар бириктирилиб, улар Республика ишчи гуруҳлари таркибида иш олиб бордилар.

Шу билан бирга, “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ижросини ташкил этиш ҳамда Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан “Yoshlar mehnat guzari” ва “Yosh tadbirkorlar – kovorking markazi” ташкил этилиб, ўз фаолияти билан ёшлар ташаббусларини амалга оширишда кўмакчи ташкилотлар сифатида хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга оид олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар буюк келажакимиз сари амалга оширилаётган тадбирлар йиғиндисидир.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Й.А. Худойқулов

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий – техник институти доценти*

Қ.Ҳ. Мамараҳимов

*Самарқанд давлат Архитектура ва
қурилиш институти ўқитувчиси*

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида жамиятнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бизнинг пировард мақсадимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланган кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир. Бу жараёнда фуқароларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш ҳал этувчи аҳамиятга эгадир. Чунки, ҳуқуқий онги ва маданияти юқори даражада шаклланган жамиятгина фуқаролик жамияти статусига эга бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий маданият тушунчасига бир қатор таърифлар берилган бўлиб, бу ўз навбатида шахс, аҳоли ва жамият ҳуқуқий маданиятлари мисолида кўриш мумкин.

Президентимиз ўзининг 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтади: “Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр – қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт”²⁴². Дарҳақиқат, агарда

²⁴² Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод - буюк келажагимизнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир.[Матн]: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза 2018 йил 7 декабрь. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б.30.

ҳуқуқий маданият кишилар учун фақат мажбурият ва бурч даражасида қолиб кетиб, фуқароларда одатга ёки кундалик ҳаёт тарзининг ажралмас қисмига айланмаса, у ҳолда ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида ифодоловчи қонунларга ҳурмат ва итоаткорликнинг шаклланиши қийин кечади.

2019 йилнинг 10 январида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”** ги Фармонида **“Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати”** деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилансин”²⁴³ деган сўзларнинг ифодаланиши бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан дарак бермоқда.

Дарвоқе, жамиятда фуқаролар мавжуд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдалана олмаса, шунингдек, бурч ва мажбуриятларини яхши англаб етмаса, қабул қилинаётган қонунларга итоат руҳи шаклланмаса, олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсадга эришилмайди.

Демак, фуқаролик жамиятидаги муҳим қадамлардан бири фуқароларда ҳақиқий маънодаги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳисобланади. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим устувор йўналишларидан бири **“Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд – ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш”** деб номланган йўналишда бу борада “Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти **инс-**

²⁴³ “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Халқ сўзи” газетаси. № 5 (7235). 2019 йил 10 январь.

титутлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш” вазифаси ҳам белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда **“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** тамойили асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни мақсад қилган кенг қамровли ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар натижасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ, том маънодаги ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши учун жамиятдаги мавжуд ижтимоий институтларнинг ўзаро диалектик ва синергетик алоқадорлиги ва ҳамкорлиги талаб этилади. Агарда бу борада қилинаётган ишлар тизимли характерга эга бўлса, жамиятдаги барча институтларнинг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги юзага келсагина фуқаровий ҳуқуқий маданият шаклланади.

2019 йилнинг 10 январида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”** ги Фармонида фуқароларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш тизимли тарзда кечиши масаласига эътибор қаратилган ҳолда, “...жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш **“шахс”-“оила”-“маҳалла”-“таълим муассасаси”-“ташкilot”-“жамият”** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади”²⁴⁴.

Демак, фуқаролик жамиятида том маънодаги ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланиши тизимли характерга эга бўлиб, узлуксиз давом этадиган жараён ҳисобланади. Жаҳоннинг ривожланган давлатларининг бу борадаги тажрибасига назар солсак, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг **шаклланиши** маълум бир эволюцион жараён сифатида шаклланишда давом этиб, постиндустриал фуқаролик жамияти босқичи сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда барпо этилаётган фуқаролик жамиятида эса шаклланаётган ҳуқуқий онг ва маданият миллий ва умуминсоний тамойиллар асосида шаклланиб бормоқда.

²⁴⁴ “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. “Халқ сўзи” газетаси. № 5 (7235). 2019 йил 10 январь.

ТАЛАБА-ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА САВОДХОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШДА “АХБОРОТ ВА МУРАББИЙЛИК СОАТЛАРИ”НИНГ ЎРНИ

С.Р.Давлетов

*Урганч давлат университети,
тарих фанлари доктори*

Ш.К.Исмаилова

*педагогика фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ўзуридаги Давлат бошқаруви академияси
Урганч ҳудудий филиали ўқитувчиси*

Олий таълим тизимида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соатлари” талабаларнинг ҳуқуқий онг ва саводхонлигини юксалтиришда, рақобатбардош мутахассис сифатида шаклланишида алоҳида ўринга эга.

Бугунги кунда маънавий-маърифий ишлар, жумладан, “Ахборот ва мураббийлик соатлари”ни инновацион технологиялар асосида амалга оширишимиз, бу жараёнда йўл қуйилаётган хато ва камчиликларимизни ўз вақтида бартараф қилишимиз, тарбия воситаларининг таъсирчан механизмларини яна бир марта қайта кўриб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ёшларимиз сиёсий-маданий онгини ривожлантириш, уларда фаол ҳаётий нуқтаи-назар, ташаббускорлик, ватанпарварлик, маданиятлилик, интеллектуалликни ривожлантириш мақсадида “Ахборот ва мураббийлик соатлари” миллий маънавиятимиз шаклланишига, кишилик жамияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган аждодларимиз меросини ўрганишга, талаба-ёшларда маънавий-ахлоқий сифатларни, қонунга итоаткорликни, ижтимоий фаолликни тарбиялашга бағишланган мавзулар ўрганилади. Шунингдек, ушбу машғулотларда ҳаётимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий воқеа-ҳодисалар, янгиликлар, турли жараёнлар ҳақида ахборотлар берилади.

Бу турдаги машғулотлар учун ҳар ҳафтада 2 академик соат ажратилган бўлиб, гуруҳ мураббийлари томонидан олиб борилади.

“Ахборот ва мураббийлик соатлари” дидактик жараён қонуниятлари, тамойиллари асосига қурилади. Бунда талабаларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларини, ёшлар қадриятлар тизимини, интеллектуал имкониятлари, шахсий қизиқишларини эътиборга олиш, улар фаоллигини таъминлаш фаолият самарадорлигини оширади.

“Ахборот ва мураббийлик соатлари” материаллари талқинида талабаларнинг ҳаётий тажрибалари, ўз-ўзига, жамиятга бўлган муносабатлари характерини инobatга олиш, у ёки бу воқеа-ҳодиса билан боғлиқ ёрқин, таъсирчанликни оширишга хизмат қилувчи маълумотлар, ҳаётий далиллардан фойдаланиш, дарсдан кутилаётган натижаларни аниқ таҳлил қилиш ва педагогик ташхис қўйиш, фаолиятни баҳолаш, йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар, уларни келиб чиқиш сабаблари ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, машғулот самарадорлиги мураббий ва талаба муносабатлари характерига, мақсад ва усул, воситалар мутаносиблигига, объектив(шароит, моддий-техник жиҳозланганлик) ва субъектив (ўқувчи, мураббий, уларнинг ўзаро муносабати, психологик муҳит) омилларга, шунингдек, талабанинг ўз-ўзини тарбиялаш имкониятларининг мавжудлигига боғлиқ.

Бунинг учун, “Ахборот ва мураббийлик соатлари”да муҳокамага қўйилаётган мавзулар мураббий ва талабаларнинг фаол ҳамкорлигини таъминлаган ҳолда қизғин баҳс-мунозараларда ўтказилиши фаолият таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Муаммо муҳокамасида талаба шунчаки тингловчи сифатида қатнашиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз. Чунки талабада ўрганилаётган воқеа-ҳодиса, ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини аниқ идрок қилиши, шахсий фикр ҳамда муносабат шаклланган бўлиши керак. Талабанинг фаол равишда фикрлаши ва шу билан бирга, гуруҳдошлари билан қизғин баҳсларда қатнашиши масаланинг асл моҳиятини мустақил англаб олишида катта ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Қуйида “Ахборот ва мураббийлик соатлари”ни мунозара инновацион услуби асосида ташкил қилиш бўйича бир қатор тавсияларни келтиришни лозим топдик.

Баҳс-мунозараларнинг мақсади талабаларнинг танқидий фикр-мулоҳаза юритиш малакаларини ривожлантириш хисобланади. Яъни, ёшлар тафаккурида мустақкам ўрнашиб олаётган турли тушунча ва ғояларининг асл моҳиятини англаб етиш ва ушбу муаммоларга нисбатан тўғри, холисона муносабат билдиришларида ҳамда мустақил фикрларини ривожлантиришда ёрдам беради.

Талабани муаммога турли нуқтаи-назардан ёндашишга, масаланинг айрим жиҳатларини кенг таҳлил қилишга, муаммола маданиятига ўргатади.

Ҳар бир инсон ҳаётга теран назар билан қарашида юқоридаги малакалар жуда зарур. Бу эса ёшларнинг демократик жамият фуқароси сифатида онгли ҳаёт кечиришлари, атроф-муҳитда содир бўлаётган жараёнларга нисбатан тўғри муносабат билдириш малакасига эга бўлишлари, жамиятда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга таҳлилий, холисона баҳо беришлари, ҳаётда йўқотишларсиз, муаммоларсиз яшашлари, ўз ўринларини топиб, эл-юртга фойдали инсон бўла олишларида аҳамияти чексиз.

Шу билан бирга, бўлғуси мутахассислар биргаликда ишлашга, ўқишга, ижод қилишга ўрганадилар. Улар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, самимийлик, ўзгалар муваффақиятидан қувониш, ўзаро хайрихоҳлик юзага келади. Бу сингари муносабатларни фақат машғулот жараёнида ташкил қилмасдан, балки ҳаётий, кундалик муомала даражасига кўтарилади ва талабаларнинг маънавий-маданий юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик талабалар учун одатий ҳолга айланади.

Баҳс- мунозараларни ташкил қилишда иштирокчилар сони аниқ белгилаб олинади, Бунда гуруҳ талабаларининг ёши, индивидуал-психологик имкониятлари, жинси ва мафкуравий тафаккур даражаси, маънавий-ахлоқий тарбияланганлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

“Ахборот ва мураббийлик соати” материали талабаларга 2-3 кун олдин тақдим қилинади. Иштирокчилар сони ва таркиби аниқлангач, талабаларни 4-6 кишидан иборат кичик жамоаларга бирлаштириш лозим бўлади. Талабалар орасидан хакамлик вазифасини бажара олиш икониятига

эга бўлган ёшлар ҳам белгилаб олинади. Ҳакамларнинг вазифаси ҳақиқатга тўғри келадиган аниқ ва исботли фикрларни келтирган талабалар жамоасини белгилаб беришдан иборат бўлади.

Далилларбилан бир қаторда, мунозара иштирокчилари фикрлари исботи учун асос бўладиган цитаталар, статистик маълумотларни ҳам ўртага ташлайдилар.

Кичик гуруҳларда фикрлар мустаҳкамлангач, ҳар бир жамоа ўз нуқтаи-назарларини ёритиб беришлари учун биттадан вакил белгилайдилар. Ҳар бир гуруҳдан битта талаба ўрганилаётган масалани тасдиқловчи ёки инкор қилувчи томонларини кўрсатиб беради, асосли далилларни келтиради. Мунозара иштирокчиларида кўрилаётган муаммага нисбатан турли хил фикрлар, қарашлар шаклланади. Албатта, талабалар томонидан илгари сурилган фикрлар нуқтаи-назарлар ҳаётий далилларга асосланиши мунозаранинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Яқунида ўқитувчи ҳар бир жамоа томонидан билдирилган фикрларни ҳамда уларнинг фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликларни кўрсатиб ўтади, аниқ далилларга бой хулосалар қилади.

Биз ёшларимиз ўртасида маънавий инқирозлар сабабчиси бўлаётган турли ҳафв-хатарларни олдиндан англаб, ўз вақтида тегишли чораларни кўришимиз, аввало таълим-тарбия масаласида ёшларни қуроллантиришимиз, уларнинг мафкуравий иммунитетини, ҳуқуқий онг ва саводхонлигини оширишимиз керак. Ёвуз таҳдидларнинг моҳиятини ёшларимизга ҳаётий мисоллар, аниқ далиллар орқали чуқур тушунтириб беришимиз керак. Токи улар ўзларининг кимларнинг фарзандлари, қайси буюк аждодлар зурриёди эканлигини, кимлардан ўрнак олиб тўғри яшаш мумкинлигини тушунсинлар, миллат обрўсини сақлаб қолишда, Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлашда масъул эканликларини англаб етсинлар.

ЁШЛАРДА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА МАЪНАВИЙ-ХУҚУҚИЙ ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ

Н.Назаров

ЎзДЖТСУ, ф.ф.н.доц

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш ва ёшларда мамлакат тараққиёти учун дахлдорлик масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Дахлдорлик тушунчаси бугунги кунда кенг истеъмолда бўлган “маънавий-хуқуқий тарбия”, “маънавий-ахлоқий тарбия”, “виждон уйғоқлиги”, “миллий ғоя”, “комил инсон”, “фидойилик”, “ватанпарварлик”, “мафкуравий иммунитет” каби тушунчалар билан алоқадор ва бир-бирларини тақозо этади. Шу маънода ҳам шахснинг маънавий, хуқуқий ва ахлоқий камолотида барча масалалар қаторида дахлдорлик масаласи муҳим ўрин тутаяди.

“Дахлдорлик” сўзининг асл маъноси тааллуқлилиқ, тегишлилиқ, дахл қилмоқ, тааллуқли деган маъноларни билдиради. Дахлдорлик фазилатининг зиддига лоқайдлик, эгоцентризм, ғояларини тарғиб қилувчи мафкураларни киритиш мумкин. Инсоният бошига узоқ-яқин тарихида қанча кулфат тушган бўлса, инсоннинг ўз ҳаётига, тақдирига лоқайдлиги, бепарволиги сабаб бўлган. Лоқайд, яъни қайд этмаслик, эътибор бермаслик, дахлдорликни ҳис этмаслик, ўзини четга олиш – бугунги кунда ёшларимиз орасида энг кенг тарқалган ижтимоий иллатлардан бири ҳисобланади. Бу эса, жамиятнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда бузғунчи маънавий-мафкуравий оқимларнинг суверенитетимизга бўлаётган таҳдидининг олдини олиш учун ўз тақдири ва атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бепарво ва лоқайдликдан халос бўлиш ҳамда бу воқеа-ҳодисаларга шахсий дахлдорлик ҳисси билан яшаш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев бу борада “... бизни ҳаммиша ўйлантириб келадиган яна бир

муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан”²⁴⁵ деб таъкидлайди. Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI боб 47-52- моддаларида ҳам айнан шу масалага тўхталиб ўтилган. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурдирлар.²⁴⁶ Инсон қачонки бурч, масъулият ҳақида фикр юритса, унда кейингина дахлдорлик туйғуси шакллана бошлайди.

Дахлдорлик туйғуси бу – бурч, масъулият, мажбурият каби тушунчаларни ўз ичига олиб, бефарқлик, лоқайдлик, бошбошдоқлик сингари иллатларга қарши туришда ўртага чиқади. Муайян ижтимоий маконда кечаётган жараёнлар ҳар бир кишига у ёки бу ҳолатда дахлдор бўлади.

Одамларнинг воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини туюб яшаши, фаолият юритиши жамиятни мустаҳкамловчи ва ривожлантирувчи асосий омиллардан биридир. **Дахл-**

²⁴⁵ Мирзиёев Ш.М “Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқидан” Тошкент “Халқ сўзи” ; 30.06.2017 й.

²⁴⁶ http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=20596#39135

дорлик туйғуси сусайган жойда жамият, давлат, оила ва миллат таназзулга учрайди.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида “Биз яшаётган XXI асрда ёшлар тарбияси масаласи ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда. Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”²⁴⁷ деб таъкидлагани бежиз эмас. Мукамал тарбиянинг асосий жиҳатларидан бири бу маънавий дахлдорлик ҳиссини ёшларимизда уйғотиш ҳамда уларни оиласи, маҳалласи, миллати, Ватани тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўргатиш муҳим ҳисобланади.

Бу жараёнда атрофдагиларнинг вазифаси шундан иборатки, бола ўз қобилиятини тўлалигича ривожлантириш учун тарбия муҳитининг яратилмоғи, унинг ҳаётини ақл билан ташкил этмоқ, унинг табиий белгиларини тўлароқ намоён қилишига қўмаклашувчи машғулотларга жалб этилмоғи лозим.

Бу ҳақда Абдурауф Фитрат “Оила” асарида шундай ёзади: Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир. Қаерда оила муносабатида кучли интизомга таянилса, мамлакат ҳам кучли интизомли ва тартибли бўлади. Буни бугун мамлакатимиздаги оилаларни фаровонлигини таъминлашга қаратилган эътибор мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Миллий ғурур ва дахлдорлик ҳисси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган кечинмалардир. Дахлдорлик ҳисси бу – инсоннинг оилага, маҳаллага, миллатга, Ватанга, муайян бир касбга, ташкилотга боғлиқ эканлиги, уларнинг тақдирига бефарқ эмаслиги, ютуқларидан қувониб, муваффақиятсизликларидан қайғуриши демакдир.

Бугунги воқелик бизларни хотиржамлик, бепарволик ва лоқайдликка берилмасликка ундайди. Бугунги кунда тинчлик ва осойишталик тепасида раҳбарларимиз бор, кучимиз, салоҳиятимиз бор, хавотир қилишимиз керак эмас, деган фикрларга бормасдан, тинчлик – бу улуғ неъмат экани ва унинг қадрига етиш, унга шукрона айтиш ва ҳаммани шунга чорлаш лозим бўлади.

²⁴⁷ <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/729>

Дунёда тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликларни, яқин ва узоқ атрофимизда қонли тўқнашувлар кучайиб бораётганини, бир сўз билан айтганда, бундай офатлар тинчлик ва барқарорликка нисбатан ўта жиддий хавф ва таҳдид солаётганини аҳолимиз жуда катта хавотир билан кузатмоқда. Бизга қўшни Афғонистонда беқарор вазият ҳукм сурмоқда ва ҳали-бери унинг охири кўринмаяпти. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, инсоният асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлашнинг асосий омилларидан бири фуқароларимизда маънавий дахлдорлик ҳиссини ортириш ҳисобидан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллигига, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган кучларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЁШЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ш. Г. Султанова

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш”
демократик партияси Марказий
Кенгаши бош мутахассиси*

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб этишни тақозо этади. Чунки ёшлар жамиятнинг фаол қисми сифатида сиёсий қарор қабул қилиш

жараёнига бевосита таъсир этувчи сиёсий ва ижтимоий муносабатларнинг субъектидир. Сиёсий ва иқтисодий тизимнинг трансформацияси натижасида кадриятлар йўналишининг таназзули аҳолида янги сиёсий маданиятни шаклланиши билан бирга сиёсий ижтимоийлашувининг янги тизимини яратишни талаб этади. Сиёсий ижтимоийлашув эса ўз навбатида барқарор сиёсий тизим, сиёсий тажриба, кадрият ва меъёрларни янги авлодга етказиш ва сақлаб қолишни таъминлайди.

Бугунги кунда ёшларнинг сиёсий маданияти даражасини юксалтириш, сиёсий жараёнларда уларнинг ўрни ва ролини тушунтириш соҳасини кенгайтириш ўта муҳим масала бўлиб, айниқса, талаба ва ўқувчи-ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришда вакиллик органлари имкониятларини тўлиқ ишга солиш заруриятини юзага келтиради. Бу борада Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий билими ва маданиятини ошириш масалаларининг долзарблигини қуйидагича ифодалайди: **“...халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносига йигит-қизларимиз эркин кириб чиқадиган муҳит ва шароит яратишимиз зарур. Токи ёшлар қонун қабул қилиш жараёнларидан бошлаб партиялар ўртасида рақобат бўладиган мажлис ва тортишувларни ўз кўзи билан кўрсин, депутатлар билан мулоқот қилсин. Демократия мактабини фақат китобдан эмас, балки мана шундай жонли муҳитдан ўргансин. Шундагина уларда сиёсий тафаккур, баҳс маданияти шаклланади”²⁴⁸.**

Дарҳақиқат, қайси сиёсий партияга мансуб бўлишидан қатъи назар, шу юрт фарзанди, шу юрт фуқароси сифатида Ватан тараққиёти, мамлакат тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида бирлашиб, сидқидилдан хизмат қилиш барчамизнинг

²⁴⁸ Ш.Мирзиёев. Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2017 йил 12 июль.

фуқаровий бурчимиздир. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади.

Мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий жараёнларнинг характери айнан ёшларнинг сиёсий фаоллик даражаси билан белгиланиб, жамиятнинг барқарорлигида акс этади. Ёшларнинг электорал хулқ-атвори ва сиёсий жараёнларда иштирокини дастлаб тадқиқ этган олим **А.Зигфрид фикрича**, аҳолининг сиёсий қарашлари шаклланишига, сиёсий фаоллигига мамлакатнинг тарихий ривожланиш хусусияти, социал структура, диний қарашлар, ташқи муҳит каби омиллар таъсир кўрсатади. Ёшлар доим жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий жабҳаларида фаол ва динамик ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида бошқаларга қараганда, ҳаётда ўз ўрнини топиши мобайнида янгидан янги ижтимоий ролларни ўзлаштириб, ўзининг ижтимоий мавқеини ошириб боришга йўналганлиги билан ажралиб туради.

Ёшларнинг сиёсий фаоллиги асосан **“сиёсий иштирок”** тушунчаси билан ифодаланади. **“Сиёсий иштирок”** – давлат сиёсатини амалга ошириш ёки сиёсий қарор қабул қилиш жараёнида индивидуал ёки гуруҳий таъсир қилиш мақсадида ижтимоий-сиёсий жамиятнинг аъзоси сифатида ҳаракат қилишдир. **Л.Милбрас** субъектнинг сиёсий фаоллигини қуйидаги типларга ажратади²⁴⁹:

➤ **“томошабин фаоллиги”** – сиёсий таъсирларга нисбатан роль бажариш, овоз бериш ва ҳоказо;

➤ **“ўтиш фаоллиги”** – сиёсий партияларнинг лидерлари ва ҳокимият вакиллари билан мулоқотда бўлиш, йиғилишлар, митингларда иштирок этиш;

➤ **“гладиатор фаоллик”** – сиёсий кампанияларда иштирок этиш, сиёсий партия фаоли ёки ҳокимият органлари, сиёсий партиядо раҳбарликка номзод ролини бажариш.

Ж.Т.Тощенко жамиятнинг сиёсий ҳаётида ёшларнинг иштирокини **“унинг жамиятдаги ўрни ва роли, шахсий**

²⁴⁹ Milbrath L.W. Political Participation. Chicago: Rand McNally, 1965.

ижтимоий аҳволи ва уни амалга оширишда анланган хусусиятларида акс этувчи гуруҳий манфаатлари консолидациясининг асосий шакли” сифатида кўриб чиқади. Бунда муаллиф сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омилларнинг таъсирида ёшларнинг айна ҳолатда ўзини анлашини назарда тутди. Жамиятнинг сиёсий ҳаётида фаоллигининамоёнэтишдаражасига кўра, сиёсий иштирокини **“реал”** ва **“формал”**га ажратади. Ёшларнинг реал сиёсий иштироки ўз сиёсий ҳуқуқларини турли усул ва шаклларда ифодалашида кузатилади ва бу нафақат вақтинча, балки доимий амалга ошади. Агар бунинг акси бўлса, унда бу каби сиёсий иштирок формал саналади. Шунингдек, мамлакат фуқароси сифатида ёшларнинг жамият сиёсий ҳаётида кенг жалб этилишини икки ўзаро шартлашган даража: инструментал ва вербал-эмоционал даражага ажратади. **Инструментал даража** – ўз манфаатларини ҳимоя қилишда нафақат маҳаллий, балки мамлакатнинг сиёсий ҳаётида бевосита фаол фуқаро сифатида иштирок этишдир. Бу даража фуқаронинг электорал фаоллигини, яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотлар фаолиятида иштирокини тақозо этади. **Вербал-эмоционал даража эса** – мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларга субъектнинг қисман ўз манфаатлари даражасида иштирок этиши ёки аксинча жамият ижтимоий ҳаётдан йироқда бўлиш билан характерланади²⁵⁰. Ёшларнинг сиёсий хулқ-атвори, сиёсий фаоллик даражасига ташқи омил сифатида мамлакатдаги мавжуд сиёсий муҳит, сиёсий маданият, ёшларга оид давлат сиёсати, шунингдек, объектив ижтимоий-иқтисодий шароит таъсир қилса, ички омил сифатида эса ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ёшларнинг хусусияти таъсир кўрсатади.

Замонавий ёшларнинг сиёсий хулқ-атвори, сиёсий жараёнларда иштирокини ўрганиш мақсадида 2005 йилда Бутунроссия ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари уларнинг сиё-

²⁵⁰ Политическая социология / под ред. Ж.Т.Тощенко. М.: ЮНИТИ-ДАТА, 2002. С.222.

сий ҳулқ-атвори сиёсий билимлари ва сиёсатда иштироки малакасининг ривожланганлиги билан характерли эканлигини кўрсатган. Мазкур тадқиқотда талаба-ёшлардан **“Сиёсатга қизиқасизми?”**, деб сўралганда, уларнинг **37 % “қизиқаман”, 62 % эса “бу соҳага қизиқмайман”, 1 % “жавоб беришга қийналаман”,** дея таъкидлаган²⁵¹. Сиёсатга қизиқишининг йўқлигига қарамасдан, ёшларнинг кўпчилиги **“Ҳаётингиз сиёсатга боғлиқми?”** саволига, **51 % “кўпроқ боғлиқ”, 23 % “унчалик боғлиқ эмас”,** фақатгина **15 % эса “умуман боғлиқ эмас”,** дея жавоб берганлар. Шунингдек, мазкур сўровда **90 %** россиялик ёшлар сиёсий маълумотларни телевидение ва радио орқали олишини айтиб, кўпроқ митинг ва намойишлар ўрнига виртуал сиёсий интернет-мушоҳадалар, сиёсий ток-шоуларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини билдирган.

Бундан ташқари, 2007 йилда Петербург талабалари ўртасида Урал социологлари олиб борган тадқиқот натижалари сўнгги ўн йилликда талаба-ёшларнинг сиёсатга нисбатан муносабатининг ўзгарганлигини кўрсатган²⁵². Унга кўра, талаба-ёшлардан қадриятларини баҳолаш сўралганда, биринчи ўринда – **“моддий таъминот”**, иккинчи ўринда – **“касбга эга бўлиш”**, учинчи ўринда – **“оила қуриш”**, энг сўнгги ўринда **7.3 % “сиёсий фаоллик”**, деб белгилаган. Мазкур ҳолатга сабаб сифатида **уларнинг 38 % “сиёсатда шахсий иштирок аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини”, 26 % “сиёсатчиларга ишонмаслигини”, 19 % “сиёсий жараёнларнинг натижадор эмаслигини”, 10.6 % “сиёсат билан айнан сиёсатчилар шуғулланиши лозимлигини”, 6.4 % “бўш вақти йўқлигини”** билдирган. Бу кўрсаткичлар талаба-ёшларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партиялар ёки ёшлар ташкилотига

²⁵¹ Положение молодежи в России. Аналитический доклад. — М., 2005.

²⁵² Зырянов С. Г. Работающая и студенческая молодежь Челябинска: социальное самочувствие, профессиональные и жизненные планы [Текст] / С. Г. Зырянов, Е. А. Терещук. — Челябинск: Челябинский институт (филиал) ФГОУ ВПО «Уральская академия государственной службы», 2009. — 193 с.

аъзо бўлиш орқали сиёсий ҳаётда иштирок этишда зарурат йўқ, деган фикрни илгари суради. Аксинча, социологлар хулосасига кўра, олинган натижалар талаба-ёшларнинг сиёсий билим даражасини юқори эмаслигини кўрсатади. Шунга қарамасдан, мазкур тадқиқотда иштирок этган ёшларнинг айримлари мамлакат сиёсий ҳаётида, шунингдек сайлов жараёнларида фаол иштирок этишга тайёрлигини билдирган.

2017 йилда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ўтказилган “Ўзбекистон талаба-ёшларининг ижтимоий кайфияти ва сиёсий фаоллиги” номли тадқиқот натижаларига кўра, ўзбекистонлик талаба-ёшлардан **“Сиёсатга ва сиёсий соҳага қизиқасизми?”**, деб сўралганда, уларнинг **75.80 %и “қизиқаман”, 15.66 %и “йўқ, қизиқмайман”, 8.57 %и эса “жавоб беришим қийин”**, дея таъкидлаган²⁵³. Шу билан бирга, **“Мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар фаолиятдан хабардормисиз?”**, деб сўралганда, **74.38 % “ҳа”, 13.88 % “йўқ”, 11.75 % “жавоб беришим қийин”**, деб жавоб берган. Мазкур кўрсаткичлар бугунги кунда сиёсий соҳада юз бераётган ўзгаришлар кўпчилик қатори талаба-ёшларнинг ҳам эътиборини тортиб, сиёсатга қизиқиши, сиёсий партиялар фаолиятдан хабардорлигини кўрсатмоқда. Маълумки, жамиятда кўппартиявийлик, дин эркинлиги, сўз ва нашр эркинлиги ўз ўрнида мамлакат сиёсий ҳаётида аҳолининг иштироки муаммосини келтириб чиқаради. Айнан шунинг учун ҳам, ҳар бир фуқаро сиёсий жараёнда иштирок этиши, сиёсий партияларнинг ўрнини аниқ тасаввур қилиши лозим, бу эса давлат ҳокимиятига муносабатда ўзининг қайси позицияда эканлигини, унда нимани ўзгартириши мумкинлиги ва ўзи учун тўғри хулоса чиқаришига ёрдам беради. Бундан ташқари, талаба-ёшларга **“Мавжуд сиёсий партиялар фаолиятининг самардорлигини ошириш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?”**, деб сўралганда, уларнинг **12.81 %и “ўз фаолиятини ОАВда мунтазам ёритиб бориши”, 12.10 %и**

²⁵³ “Ўзбекистон талаба-ёшларининг ижтимоий кайфияти ва сиёсий фаоллиги” номли тадқиқот. Ш.Султанова. 2017 йил.

“ёшлар билан сиёсий партия ҳамкорлигини ривожлантириш, уларни партия фаолиятига жалб этиш”, 5.69 % “депутатларнинг ролини ошириш”, 4.98 % “фаолият самарадорлигини оширишда ўз дастурида белгиланган вазифаларни аниқ бажариши”, 2.88 % “янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали аъзоларини кўпайтириши”, 2,84 % “олий таълим муассасаларида сиёсатшунослик фанларида мамлакатимиздаги сиёсий партиялар тўғрисида чуқурроқ билим бериб борилиши зарур”, каби фикрларни илгари сурган.

Бугунги кунда уларни қийнаётган жамиятда мавжуд ижтимоий муаммолар сўралганда, уларнинг **48.04 %и “касби бўйича яхши иш топиш масаласи”, 45.91 % “коррупция”, 29.54 % “ишсизлик”, 19.22 % “уй-жойга эга бўлиш масаласи”** кабиларни кўрсатишган. Албатта, олинган натижалар ўз навбатида талаба-ёшларнинг сиёсатга бўлган эҳтиёжи баланд бўлсада, уларнинг сиёсий фаолиятга кам жалб этилишини кўрсатади. Шу билан бирга, улардаги ижтимоий муаммоларининг мавжудлиги, шубҳасиз электорал фаоллигининг пасайишига олиб келади.

Айнан ёшлар сиёсий фаоллигининг сустигини сиёсатчилар ва социал психология мутахассислари улардаги сиёсий хулқ-атворнинг бир қанча типларига боғлиқлиги билан изоҳлайди. Жумладан:

- **конформистик тип** – электорал фаоллик мотиви одатга айланган;
- **протест тип** – ҳаддан ортиқ ўзига эътибор тортадиган;
- **рационал тип** – амалдаги сиёсий реалликни яхши томонга ўзгартиришга ҳаракат қилувчи, ўз мамлакати келажаги учун масъул;
- **индифферент тип** – сиёсий пассивлик билан характерланади²⁵⁴.

Айнан мана шу индифферент тип бугунги кунда анча устунликка эга эканлиги қатор тадқиқотлар натижасида ўз

²⁵⁴ Молодой учёный». № 14 (148). Апрель 2017 г. Соколова Е.С. Социальная активность современной российской молодежи // Знание. Понимание. Умение, 2011. № 1. С. 197–202.

аксини топган. Шундай экан, талаба-ёшларда сиёсий маданиятни ривожлантириш муаммосини ҳал этиш орқали жамиятда ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган ва ўз позициясини ҳимоя қила оладиган фуқароларни шакллантиришга эришиш мумкин.

Бугун мамлакатимизда ёшлар масаласида бошқарув тизимини ислоҳ қилиш орқали маҳаллий ҳокимликлар таркибида жорий этилган ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Республика “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонднинг республика ҳамда ҳудудий кенгаши раисларининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари, фуқаролар йиғини раисининг ёшлар ишлари бўйича маслаҳатчиси, туман, шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимлари - ёшлар билан боғлиқ назорат-таҳлил ишларига ҳам янгича ёндашувни талаб қилади. Сиёсий партиялар бу борада партиянинг “Ёшлар қаноти” ва фаоллари кўмагида талаба-ёшларни жалб этиши, турли шаклдаги ташкилий фаолликнинг жозибадорлигини ошириши, ёшларни партияга аъзо қилиш орқали лидерларни тайёрлаб, келгусида партия фаолларини мансаб пиллапойлари орқали ўсишига кўмаклашиш, халқаро тажриба асосида уларнинг билими, сиёсий онги ва маданиятини ўстириш, ёшларда жамият ҳолатига нисбатан аналитик муносабатни шакллантириш, шу билан бирга, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурларининг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш лозим. Бугунги талаба-ёшларни ўйлантирадиган таълим муассасасини тамомлагандан кейинги ишсизлик ҳолати, битирувчи иш стажини ва тажрибасининг йўқлиги муаммосига барҳам бериш мақсадида битирувчилар учун иш ўринларини квоталаштириш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим ва малакали жамиятни шакллантиришга эришишда маҳаллий Кенгашларда мансабдор шахсларнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси юзасидан эшитувиларини ташкил этишни тақозо этади.

Бундан ташқари, ёшларда сиёсий маданиятни ривожлантириш мақсадида таълим муассасалари ўқувчиларининг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг мажлисларида иштирок этиши учун шароит яратиш, маҳаллий Кенгаш сессияларида ёшлар масаласига тегишли муаммоларни муҳокама этиш жараёнида қанот фаолларини жалб этиш, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан ёшлар масалаларига оид қабул қилинаётган Қонун лойиҳаларининг жойлардаги муҳокамасини ташкил этиш орқали ёшларга хос ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар бартараф этилишига эришиш мумкин.

ЁШЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ

Т.О.Шодиев

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти Илмий бўлими бошлиғи

М.Б.Назарова

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти тингловчиси

“Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт.”

Шавкат Мирзиёев

Ҳуқуқий онг ва маданият ҳар қандай демократик давлат ва жамиятнинг тараққиёт гаровидир. Ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан онгли равишда фойдалана, ҳимоя қила оладиган шахслар жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, адолат тантанаси каби муҳим вазифани бажарадилар.

Аmmo, афсуски, бугунги кунда ёшларимиз ўртасида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият етарли даражада эмаслиги, уларнинг мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар, қатор муҳим ҳужжатлардан хабардорлик даражаси ўта пастлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, бу муаммо нафақат ёшлар балки, ёши улуғ фуқаролар, кенг жамоатчилик вакилларининг ҳам қонунларга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан беписандлик билан ёндашаётгани жуда аянчли ҳолатдир.

Аслида бу вазифа фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат идораларининг вазифаси деб билишимиз, ўрни келганда, жамиятда кечаётган ислохотлардан дахлдорлик масъулиятини ўз зиммамизга олмаслигимиз тўғри эмас, назаримда. Ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш юртимиздаги ҳар бир масъул орган, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, умуман, кенг жамоатчиликнинг иши, деб қараш керак.

Ёшларнинг барча ҳатти-ҳаракати катталарнинг ўзини тутиши, хулқи ва маданияти инъикосидир. Шу жиҳатдан қараганда, айрим ҳолларда ёшлар олдида ўзимизни билимдон, қонунларга итоаткор қилиб кўрсатишимиз, лекин амалда қонунларни четлаб ўтишга интилишимиз қанчалик тўғри? Негаки, ёшларнинг қонунларга итоат қилишини назорат қилар эканмиз, аввало, бу саволни ҳар ким ўзига бериши шарт, менимча. Чунки, биз ҳар доим ҳам ўрнак кўрсата олмаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон **Фармони** кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражасини янада юксалишида амалий аҳамият касб этади.

Фармонда жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи қуйидаги муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги санаб ўтилди:

Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган;

- ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетини шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади;

- аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгилангани ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганини кўрсатади;²⁵⁵

Юқорида ҳужжат асосида келтириб ўтилган долзарб муаммолардан бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг қониқарли аҳволда эмаслиги, “Ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётган”лиги ҳам ҳақиқат. Уларнинг ҳуқуқий тарбиясида мавжуд салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, олий ўқув юртларигача бўлган босқичлардаги ўзаро узвий боғлиқлик етишмайди. Бу борада шу ёшдаги болалар онгига ҳуқуқий маданият қандай усуллар билан сингдирилиши лозим?, деган жиддий масала кўзга ташланади. Соҳа мутахассислари, психологлар ва ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда ҳуқуқий сабоқлар ўқув адабиётларининг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда ёшларни ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида аввало мактабгача таълим муассасаларида ва Халқ таълими тизими ўқувчилари ўрта-

²⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон Фармони

сида тарғибот ишларини амалга ошириб, улар ўртасида ҳар бир қонунга нисбатан ҳурмат, қонун ижросини бажарилишида ҳар бир ёш ўзини маъсул деб ҳис қилишни бошласа ва бу туйғу уларнинг ҳаётий позициясига айланса, шундагина ҳуқуқий маданият муҳити пайдо бўлади.

Ҳуқуқий онг тушинчасини ёшлар ўз ақлида шакллантирсагина, ҳуқуқий маданият аввало, ёшларнинг қалбида пайдо бўлади. Бугун қонунларни ижросини тўлиқ таъминлашнинг энг самарали усули ҳуқуқий онгнинг қай даражада шаклланишига қараб белгиланади. Ҳуқуқий онги тўғри шаклланган ёшларда ҳуқуқий маданият тушунчаси пайдо бўлади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият бир бирини тўлдирувчи тушунчалардир.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаган инсон бошқаларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқига дахл қилишдан тонмайди. Аксинча, ўз ҳақ-ҳуқуқини билган инсонлар эса нафақат ўзларининг, балки бошқаларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила олади. Инсон, энг аввало, ўзининг ҳаққини, ҳуқуқларини оила парваришида англай бошлайди. Агар болага унинг шахси, ғурури, ҳуқуқларига оид қарашлар, тушунтиришлар вақтида шакллантирилса ва тўғри тарбияланса, бундан ташқари, бола оиладаги бошқа аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиши кераклиги тўғрисида тасаввурга эга бўлса, келажакда давлат ва жамият манфаатини ўз манфаатларидан адолатли равишда юқори қўя олади.

Шуни такидлаш жоизки ҳуқуқий тарбияси тўғри шакллантирилган ҳар бир ёш эртанги кун ҳуқуқий маданиятнинг мустаҳкам пойдевори учун хизмат қилиши айни ҳақиқат.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмоновнинг таъкидлашича, қонунларга ҳурматсизлик, уларни тан олмаслик, менсимаслик, итоат қилмаслик кўпроқ катта ёшдагилар орасида, айниқса, айрим мансабдор шахслар ўртасида тарқалган. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади”, “Катта қарвон қаердан юрса, кичик қарвон ҳам шу йўлдан юради” каби мақоллар бежиз айтилмаган. Шуларни ўйлаганда, наҳотки ўз она Ватанимизга, муқаддас заминимизга, жонажон мам-

лакатимизга бўлган меҳр-муҳаббатимизга ўз дилимиздаги сохталик соя солаётган бўлса, деб ўйлаб қоламан.

Қани энди ҳар бир инсон ўзининг ватанпарварлик, садоқат, оқибат кўрсатаётгани ҳақидаги баландпарвоз сўзларини “Адолат тарозиси”нинг бир палласига қўйсаю, қонунларга бўлган ҳурматини иккинчи палласида ўлчаса... Ўшанда, бугунги кунда қонунбузар сифатида оммавий ахборот воситалари орқали халққа “танилиб” қолаётган айрим шахслар хулоса қилган бўлармиди?

Шунга мувофиқ, хулоса қилиш мумкинки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши лозим.²⁵⁶

Демак, бизнинг олдимизда турган энг катта вазифалардан бири ҳуқуқий онг тушунчасини оиладан бошласак, ҳуқуқий тарбияни эса мактабдан ва бола шахсида шакллантирсаккина олдимизда турган долзарб муаммоларнинг ечими топилади. Ҳуқуқий саводхонлик юқори даражада бўлган ёшларда ҳуқуқий маданият аломатлари ўз ўзидан аввало маҳаллада, ҳалқ орасида, жамиятнинг турли хил йўналишларида ўз натижасини кўрсатиши билан фарқланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботи аввало, оиладан ва бола таълимидаги ҳар бир босқичда узвий давом эттирилиши лозим. Зеро, ҳуқуқий ривожланган давлатни унинг ҳуқуқий билимдон фуқаролари ва ёшлари барпо этади.

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ОМИЛЛАР ХУСУСИДА

Ю. Ю.Исомиддинов

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят
Кенгаши ташкилий-кадрлар бўлими мудири*

Бугунги модернизацион бир жараёнда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришда ҳам, қонун

²⁵⁶ Ўзбекистон “Адолат” СДП, Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари
Абдукамол Раҳмонов <http://www.adolat.uz>

устуворлигини таъминлашда ҳам, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни ривожлантиришда ҳам ва ташқи сиёсатни тўғри шакллантиришда ҳам ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш устувор вазифалардан биридир. Ҳуқуқий маданият – кенг қамровли тушунча бўлиб, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ғоят муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида у энг аввало, одамларнинг қонунга нисбатан муносабатини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодларидан, уларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурларидан, интилишлари ва туйғуларидан иборатдир.

Ҳуқуқий онг даражаси фуқароларнинг янги қонунлар қабул қилиш, давлат органларининг қонунни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти билан боғлиқ фикрлари ва кайфиятларини, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга нисбатан муносабатини белгилайди. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.»²⁵⁷

Ёшларнинг ҳуқуқий онги турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида зиддиятлидир. У бир текис ривожланмайди, балки, у бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий қарашлар ва эътиқодларни қамраб олади. Шахс сифатида уларнинг ҳуқуқий маданияти умумэътироф этилган ижтимоий қадриятлар нуқтаи назаридан қараганда, индивидуал қарашлар, баҳолаш, сабаблар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар бўлиб, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонуний ҳамда ижтимоий фаол ҳаракатга асос бўлади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти - ҳуқуқий онгни аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси, унинг энг юқори босқичидир.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ҳақида гап борганда, биринчидан унинг ўз ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини билиши, тушуниши ва тўғри англаши, баҳолаши учун, иккинчидан эса улардан амалий фаолиятида фойдаланиши

²⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-5618-сон. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида. 2019 йил 9 январь.

ҳақида сўз юритиш жоиздир. Уларнинг ҳуқуқий маданияти асосий ва ўзига хос томонлари қўйидаги кўринишларда ўз аксини топади:

Биринчидан, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, яъни ҳуқуқий билимларни ўзлаштириб олиш, юридик маълумотларга эга бўлишдир. Бироқ, ҳуқуқий саводхонлик, бу фақат маълум бир ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ тармоқлари ҳақида маълумотга эга бўлишгина эмас, балки турли хил ҳуқуқий кўринишлар, давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосларининг ривожланиши тўғрисида ҳабардорлик ҳам демақдир.

Иккинчидан, ёшларда қонунларга бўлган чуқур ҳурматни шакллантиришдир. Қонунга ҳурмат билан ёндошиш, бу ҳурматни амалда намоён этишнинг ўзи ҳуқуқий маданиятнинг олий даражада намоён бўлишидир.

Учинчидан, қонунга итоаткорлик. Ёшларнинг қонунга итоаткорлиги уларнинг юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиб, ижтимоий бурч, давлат ва жамият олдидаги жавобгарлик туйғуларида намоён бўлади. 2000 йил Тошкент шаҳридаги бир қатор олий таълим муассасаларида олиб борилган социологик сўровнома натижаларига кўра, “Нима сабабдан инсонлар қонунларга амал қилишади?” деган саволга 39,2% респондент “Жазоланишдан қўрққанликлари учун”, деб жавоб беришган. Қолганларнинг бир қисми қонунни бузиш мумкин эмаслигини, жамият ёки одамлар уни муҳокама қилишдан қўрқшини ва бошқа сабабларни кўрсатишган. Ҳолбуки қонун жамиятимиз фаровонлигини таъминловчи, халқ иродасини ифода этувчи куч сифатида эканлигини англаб етмайдилар. Шу сабабли ёшлар қонун нормаларига жазоланишдан қўрқиб эмас, балки ихтиёрий равишда амал қилишлари зарур. Бу уларнинг ички эътиқодларига айланиши лозим.

Тўртинчидан, ёшлар ўзларининг олган, ўзлаштирган ҳуқуқий билимларини ҳаётга тадбиқ эта олишлари, ёшлар ҳуқуқий маданиятининг ўзига хос томонларидан биридир.

Бешинчидан, ёшларда юксак даражадаги ҳуқуқий фаолликни ошириш. Ҳуқуқий фаоллик шахсни фаол ҳаётий позицияда туришга ундовчи омиллардандир.

Инсон малакалари, билимлари, ғоялари ва хиссиётларини, шунингдек, турли ижтимоий ҳодисаларда уларнинг мустаҳкамланиши ва маданий ҳодисага айланиш йиғиндиси сифатида ижтимоий жабҳада ўз аксини топади. Ягона маданият тизимининг тараққиёти ҳисобланган ҳуқуқий ва ахлоқий маданият ҳар доим узвий алоқада бўлади.

Ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятнинг ўзаро алоқадорлигини ҳуқуқ ва ахлоқ мисолида кўриб чиқилса аниқроқ бўлади. Уларнинг ички бирлиги ва ўзаро таъсирчанлиги шу билан изоҳланадики, ахлоқий ва ҳуқуқий усқуртманинг бир қисми, элементи ҳисобланади ва ягона мақсад ва вазифаларга эга, ўз принциплари ва мазмуни билан бир-бирига мувофиқ ва бир-бирини тўлдиради. Ҳуқуқ ахлоқнинг таъсирчанлигини кучайтиргани каби ахлоқ ҳуқуқнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Амалда ҳамма ҳуқуқий нормал ахлоқий асосга эга.

Қонунларга риоя этиш фуқароларнинг шунингдек, нафақат юридик балки маънавий мажбурияти ҳисобланади. Ҳуқуқий нормаларни мукамаллаштиришда ахлоқ катта роль ўйнайди, ҳуқуқ нормалари эса уни одамлар онига синдиришга ёрдам беради. Ҳуқуқий маданиятнинг ахлоқий маданият билан боғлиқлиги қуйидаги ахлоқ категорияларида намоён бўлади: тўғрилиқ ва ҳаққонийлик, инсонийлик ва ишонч, виждон ва жавобгарлик хисси ва бошқалар.

Конституциявий нормаларда ҳам ахлоқий **принциплар** ҳуқуқий ва ахлоқий мажбуриятлар бирлиги билан мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 48-моддасида “Фуқаролар конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”, деб белгилаб қўйилган.²⁵⁸

Юридик адабиётларда “ҳуқуқий маданият” деган категория ишлатилади. Бу категория юқоридаги кўрсатиб ўтилганечимларни топишга ёрдам беради, чунки бу категория ахлоқий-ҳуқуқий таъсирни комплекс ҳолда тушунишга

²⁵⁸ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёт матбаа-ижодий уйи. 2008. -10 б.

олиб келади. Ҳуқуқшунослик илмига доир адабиётларда кўрсатилишича ҳуқуқ ва ахлоқнинг нуфузи инсонларнинг давлатда қилинаётган ишларга ички муносабатидир. Дарҳақиқат, ҳуқуқнинг мавжудлиги қонунларнинг моддалари ва қисмларида эмас балки бутун жамият аъзоларининг онгида қай даражада акс этиши билан белгиланади. Ҳуқуқ билан ахлоқнинг ўзаро алоқадорлигига доир тадқиқотларни олиб борган ҳуқуқшунос олима Р.Э.Турдибоева “Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари” деб номланган номзодлик диссертациясида “Ҳуқуқ билан ахлоқнинг ўзаро алоқадорлигининг ўзига хос томони – ўзаро бирикувдалиги ва ўзаро таъсирдалигидир. Ўзаро бирикув ҳуқуқий жамиятимизда ҳукмрон бўлган ахлоққа асослангандагина намоён бўлади, ахлоқ эса барча ҳуқуқий нормалар мазмунини ўзида сингдиради. Ҳуқуқ ахлоқий кўринишларни ўзида намоён этади, яъни бирор бир ҳуқуқий кўрсатмаларга амал қилмаслик ёки ҳуқуқбузарлик ахлоқий ҳатти-ҳаракат сифатида кўрилади”²⁵⁹, – дея таъкидлайди. Дарҳақиқат ахлоқ бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етук ахлоқгина кишиларда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади тўғрисида ҳақ тушунчаларни ҳосил қилади. Шу боис маънавий-ахлоқий маданият ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда бирламчи аҳамиятга эгадир.

Демак, шахснинг, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятининг ривожланишидаги энг муҳим омил - тарбия масаласидир. Ёш авлодни тарбиялаш деганда, биз фарзандларни ахлоқан пок, одобли, эстетик бой, жисмонан бақувват қилиб камол топтиришни мақсад қиламиз. Асосий мақсад чуқур маълумотли, ҳар жиҳатдан юксак маданиятли ва онгли, жамиятимизнинг актив фуқароларини тайёрлашдир.

Ушбу ислоҳотларга қаратилган фармонда келтирилган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизими принципи – **“шахс - оила – маҳалла – таълим**

²⁵⁹Турдибаева Р.Э. Талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари: Афтореф. дис. . юрид.фан.ном. Тошкент:Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2000.

муассасаси – ташкилот – жамият»²⁶⁰, - дея таъкидлангани ниҳоятда асослидир.

Демак, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш аввало ҳар бир жамият фуқаросини туғилганиданоқ ахлоқий, маънавий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий соғлом муҳитда шахс сифатида шакллантириш заруратини тақозо этади.

Бутун жаҳонда гендер ҳуқуқий тенглик илгари сурилаётган бир пайтда, аввало бизнинг ўзига хос миллий юксаклигимизни ўзида сингдирган инсонпарварлик ғоялари ёшларимиз ҳуқуқий маданиятида жинс тақозоси эмас, балки шахснинг инсоний қадр-қимматини англаган, маънавий-маърифий шаклланган, ижтимоий-иқтисодий муҳитни ўз компонентлиги ва креативлиги асосида шакллантира оладиган даражада бўлиши муҳим омиллигини англаши лозим. Бунда ҳар бир Инсон жинсидан қатъий назар давлат ва жамиятнинг асосий омили эканлигини англаши, шахс сифатида шаклланиши, давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилиши самарадорлиги ошади.

Бу мақсад ва натижага тўғри концептуал ёндашишда ёшларимизни узлуксиз таълим тизими негизида мактабгача таълим муассасасидан тортиб умумий ўрта таълим муассасаларида ҳам баркамол шахсни вояга етказишга йўналтирувчи инсонпарварликка қаратилган дарс машғулотларини нафақат бошланғич, ҳатто юқори синфларда ҳам жорий этишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки, инсонпарварлик шахсни шакллантиришга, ўз қадр-қимматини англаган ҳолда ўзлигига ишончи, қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Албатта, бундай моҳиятда шаклланган шахс - шаклланаётган ёшлар жамиятимизда юксак тафаккур салоҳияти, ҳуқуқий маданияти асосида эртанги куннинг ҳар жабҳадаги тараққиёти омили саналади.

²⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ПФ-5618-сон. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида. 2019 йил 9 январь

**ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ВА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА
МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ҲАМДА УЛАРНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Д.С.Қодиров

*Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Навоий вилояти Кенгаши раиси ўринбосари*

М.А. Мажидова

*Навоий архитектура ва қурилиш
касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси*

Бугунги кунда юртимизда ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш, ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлили, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу ишлар натижасида ҳозирги замон ёшларининг сиёсий, ҳуқуқий онги, билими, салоҳияти ошиб бормоқда. Бугунги бўлаётган сиёсий ислохотларда ёшларнинг ўрни, қарашлари, фикрлари энг асосий ўрин эгаллайди.

Биринчи навбатда, ёшларда сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятни энг юқори даражада шакллантириш зарур. Сиёсий маданиятнинг биринчи шarti эса, бу эркинликдир. Ёшларимизнинг ўзини озод ва эркин ҳис этишидир. Эркинлик йўқ жойда озод шахс маънавияти ҳам, эркин демократик, сиёсий маданият ҳам қарор топмайди. Буюк соҳибқирон А.Темурнинг “Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади” деб айтган доно сабоқларини доимо ёдда сақлаш лозим.

Ҳуқуқий маданият – бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасидир.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдига турган вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди.

Аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш, қонунийликни мустаҳкамлаш юзасидан юртимиздаги таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинларида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали кенг кўламли тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури”да таъкидланганидек, “Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади”.²⁶¹

Жуда олдиндан, ҳатто қадимдан деса ҳам бўлади, ёшларни ҳуқуқий, сиёсий жиҳатдан тарбиялаш мураккаб жараён саналади. Ҳуқуқий, сиёсий сабоқларни боланинг 7 ёшидан бошлаш айна муддаодир. Бу ёш то ўсмирлик ёшига етгунча жамиятдаги амалда бўлган қонунларни билиб борса ҳар томонлама яхши бўлади. Бу албатта ҳар бир ёшнинг келажаги учун ҳам, юртнинг келажаги учун ҳам хизмат қилади.

Ушбу саъй-ҳаракатлар, ислохотлар, янгиланишлар оқибатида, тарихан қисқа муддат ичида мустақил Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги бўлган халқи, янгича дунёқарашга эга янги авлоди шаклланимоқда.

Биринчи Президентимиз И.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли тарихий маърузасида шундай

²⁶¹ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон. 227-модда.

дейди: “Мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди”.²⁶² И.Каримов эркин фуқаро ва озод шахс мавзусида гапираркан, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратади, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;

- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб самарасини кўрсин;

- атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;

- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин². Буни ҳар бир ёш авлод мисолида ҳам кўришимиз даркор. Яъни, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган замонавий ёшлар, ўз кучига таяниб имкониятларини ишга сола олади, ўзи ҳам фойда кўради, жамият ва давлатга ҳам фойда етказа олади. Айнан ҳақ-ҳуқуқини таниган, сиёсий билим ва маданиятга эга бўлган ёш авлодгина ўз юртида бўлаётган ва атрофида кечаётган ўзгаришларни таҳлил қилишни ўрганади, оқ-қорани ажратиб, яхши нима, ёмон нима фарқига боради. Энг муҳими юрт ва миллат манфаатини ҳимоя қила олади.

Ҳозирги замон ёшларида янгилик яратишга иштиёқ, жонкуярлик, ватанпарварлик, мардлик фазилатлари энг юксак даражада шаклланиши керак. Қачонки юқоридаги фазилатлар барча ёшларда шакллансагина, ўшандагина юрт янада раванқ топади, юксалади. Ваҳоланки, келажаги буюк юрт қудратли бўлур.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш борасида бир қанча аниқ тизимли ишлар йўлга қўйилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги дастлабки фаолиятини айнан ёшлар масаласига кенгроқ эътибор

²⁶² А.Ҳайдаров. Сиёсий маданият масъулияти. –Т.: “Тафаккур”, 2009, 31-бет

қаратиши, уларга барча имкониятларни яратиш учун муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш билан бошлади. Сўзимиз исботи сифатида эса 2016 йил 14 сентябрь куни “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қайта ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилган ҳолда қабул қилинганлигини эътироф этишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ҳуқуқий асос саналади. Мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, мақсади шундан иборатки, ёшларни давлат ва жамиятга самарали жалб этишдан ҳамда давлатнинг сиёсий соҳасида ёшларни янада фаоллигини оширишдан иборатдир. Ёшлар давлат ва жамиятга жалб этилса, ўша давлатда натижа бўлади, ўша давлат албатта жаҳон минбарларидан жой эгаллайди. Бу бошқа мамлакатларда ҳам ўз исботини топган. Ёш авлод нафақат Ўзбекистонимизнинг сиёсий миллий маънавиятини ўзлаштириши билан бирга, бир вақтда жаҳон цивилизацияси ютуқларини ҳам ўзлаштириб бориш орқали, жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган ва дунё аҳлини ҳайратга солган бастакорлар, мусаввирлар, ижодкорлар, олимлар, фузалолар, меъморлар ва кашфиётчилар ҳамда улар яратган асарлари ҳақида, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тарихи ва маданий обидалари тўғрисида ҳам тасаввурга эга бўлишлари лозим. Бу уларнинг умуммаданий, сиёсий даражасига ҳам ёрдам беради. Ёшлар масаласини давлат сиёсати даражасида қўйиш узоқ тарихдан ҳам маълум.

Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий қиёфасида рўй бераётган улкан ўзгаришларда Шавкат Мирзиёевнинг қўшган ҳиссаси беқиёсдир. “Эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан бугун униб-ўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз, суюнчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади. Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга,

уларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришни таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарз” - Президентимизнинг ушбу фикрлари айнан ёшларга бўлган оталарча ғамхўрликларининг исботидир. Яна ҳам улар қонунларимиз, қарорларимиз ғояларида ўз аксини топаяпти. Бу қонунларнинг негизида албатта ёшлар манфаати биринчи ўринда туради. Бу эътибор ўз навбатида ёшларимизга, демакки, эртанги кунимизга бўлган умидимиздир. Ёшлар доимо диққат марказимизда турмоғи, уларнинг мақсади ва иродасини аниқ мақсадларга йўналтирмоқ зарур.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб,

- жамиятда бўлаётган сиёсий ислохотларда ёшларни янада кенгроқ жалб этишни кучайтириш, шу бўйича ёшлардан сўровномалар ўтказилиб, амалдаги чора-тадбирлар, дастурлар ишлаб чиқиш;

- ёшларда сиёсий маданиятни, ҳуқуқий онгни ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришнинг янгича чора-тадбирларини қабул қилиш;

- ёшлар ҳуқуқий билимларини ошириш борасида халқаро тажрибаларни ўраганиш ва бу борада ҳамкорлик ишларини олиб бориш каби бир қатор вазифаларни кўзда тутиш мумин.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, албатта, буларнинг барчаси, пировард натижада, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга мамлакат тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантиришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу эзгу мақсадлар йўлида сафарбар этишга хизмат қилади.

YOSHLARDA HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHDA DEMOKRATIK ISLOHOTLARNING O'RNI

N.U.Ubaydullayeva

*Mirzo Ulug'bek transport kasb-hunar kolleji
tarix o'qituvchisi*

Bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri sifatida jamiyatda yuksak huquqiy ong va madaniyatga ega bo'lgan yoshlarni tarbiyalash desak, mubolag'a bo'lmaydi. Darhaqiqat kuchli fuqarolik jamiyatiga erishish uchun fuqarolar o'z huquq va erkinliklarini yaxshi bilishlari zarur. Zero, inson huquqi va asosiy erkinliklari xalqaro huquqning yetakchi tamoyillari sirasiga kiradi. Shu sababli, bugungi rivojlangan dunyoda har bir davlat inson huquq va erkinliklarini, xavfsizligini, yashash sharoitini ta'minlash borasidagi xalqaro miqyosda qabul qilingan hujjatlarni ratifikatsiya qilmoqda. Bu hujjatlarga og'ishmay amal qilish esa fuqarolarning huquqiy madaniyati qay darajada shakllanganiga bog'liq.

Huquqiy madaniyatning darajasi huquqiy tizimning rivojlanganlik darajasi, davlat va jamiyat institutlarining xalqchilligi, aholining bilim darajasi, huquqiy ongi va jamiyatdagi huquqiy mafkura bilan uzviy aloqadorligi bilan o'lchanadi. Boshqacha qilib aytganda, huquqiy madaniyat umumiy madaniyat tushunchasining tarkibiy qismi bo'lsa-da, biroq u ham muhim dunyoviy ahamiyatga ega bo'lgan muammo hisoblanadi. Huquqiy davlatning shakllanishida huquqiy ong va madaniyatning alohida ahamiyatini hisobga olib, O'zbekiston Respublikasida ushbu muammoni hal etishga oid bir qancha qaror, qonun va qonun osti hujjatlarini qabul qilinayotganligini ko'rishimiz mumkin.

Fuqarolarning barcha qatlamlari huquqiy savodxonlikka erishishlari, yuksak darajadagi huquqiy ongga ega bo'lishlari hamda huquqiy bilimlarini kundalik hayotda qo'llay olishlari uchun asosiy e'tiborni kelajak avlod bunyodkorlari bo'lgan yoshlarga qaratish demokratik jamiyatning asosi hisoblanadi.

“Bugungi kunda mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar samarasi avvalambor yuksak ma'naviyatli, mustaqil

fikrlaydigan, Vatanimiz taqdiri va istiqboli uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir yosh kadrlar safini kengaytirishga bevosita bog'liq", degan edi Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 25 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasida.

Avvalambor, yoshlar tushunchasiga ta'rif berib o'tish joiz. Yoshlar qatlami deganda, dunyoning turli mamlakatlarida turli yoshdagi fuqarolar tushuniladi. Masalan, AQSh va Yaponiyada 13–14 yoshdan 29-30 yoshgacha bo'lgan shaxslar yoshlar hisoblansa, Bolgariyada 15 yoshdan 29 yoshgacha, Rossiyada 15 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan shaxslar yoshlar toifasiga kiradi. Germaniyada "kichik yoshdagi yoshlar" 14-18 yosh hamda "katta yoshdagi yoshlar" 18-27 yoshga bo'linadi. O'zbekiston Respublikasida esa 14 yoshga to'lgan va 30 yoshdan oshmagan shaxslar yoshlar toifasini tashkil etishi O'zbekiston Respublikasining "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonunining 3-moddasida belgilab qo'yilgan. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, 2016-yilning 14-sentabrida qabul qilingan ushbu qonun yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy yo'nalishlarini belgilab berdi (5-modda). Bu yo'nalishlar ichida yoshlarni qonunlarga hurmat ruhida tarbiyalash; ularning huquqiy ongi va madaniyati darajasini yuksaltirish kabilar ham mavjud. Yoshlarning haq-huquqlari ta'minlanishi uchun nafaqat davlat organlarining kafolati, balki yoshlarning huquqiy ongi va madaniyati darajasi ham katta ahamiyatga ega.

Yuridik fanlari nomzodi, dotsent N. Saburov fikricha, "huquqiy ong – bu ijtimoiy ongning shakllaridan biri bo'lib, kishilarda huquqqa, qonunchilikka, huquq-tartibotga va boshqa huquqiy hodisalarga nisbatan bo'lgan g'oyalar, his-tuyg'ular, tasavvurlar yig'indisidir". Huquqiy madaniyat uchun huquqiy ong zaruriy element ekanligini hisobga olgan holda shuni e'tirof etish kerakki, huquqiy ong bo'lishi uchun avvalo huquqiy savodxonlik juda zarurdir. Huquqiy savodxonlik fazilati shaxs – jamiyat – davlat munosabatlariga muhim ta'sir ko'rsatadi, hayotda mehnat faoliyatida yoki boshqa bir sohada yuzaga keladigan muammolarni adolatli va xolis hal qilish imkonini beradi[4]. Yuridik adabiyotlarda huquqiy savodxonlik tushunchasiga yakdill

ta'rif berilmagan bo'lsa-da, ulardan quyidagicha tushuncha hosil qilish mumkin: huquqiy savodxonlik – bu yuridik matnlardagi atamalarni tushunish, ulardan umumiy xulosalar chiqarish va bu bilimlarni amaliyotda qo'llay olish qobilayatidir. Xorijiy yuridik adabiyotlar ham shunga yaqin mazmunni ifodalaydi, ya'ni shaxsning o'z huquq va majburiyatlarini tanishi, qaysi holatlar yuridik nizo ekanligini bilishi va ularga qonuniy yechim topa olishi, huquqiy axborotni qayerdan topishni, yuridik yordamni qayerdan va qanday qilib olishni, qonunchilik tizimida qaysi choralar borligini hamda protsessual tartibni bilishi huquqiy savodxonlik belgilari hisoblanadi.

Yoshlar orasida huquqiy savodxonlikning pastligi nafaqat, ularning o'zlari uchun, balki jamiyat va davlat uchun ham zararlidir. Huquqiy savodxonlikning yetarli emasligi yoshlarning o'z huquqlaridan to'laqonli foydalana olmasliklariga, majburiyatlaridan bexabar qolishlariga sabab bo'ladi. Majburiyatlardan bexabarlik yoki harakatlarining huquqiy oqibatini anglamaslik bugungi kunda yoshlar orasida huquqbuzarliklarning sodir bo'lishiga sabab bo'lmoqda. Biz huquqiy-demokratik davlat qurishni oldimizga maqsad qilgan ekanmiz, buning uchun huquqiy ongi va madaniyati yuksak yoshlar hal qiluvchi rol o'ynaydi. Bunga esa huquqiy savodxonlikni oshiribgina erishishimiz mumkin. Qisqasini aytganda, "Faqat chuqur o'ylangan va tezkor davlat siyosatigina yoshlarning huquqiy madaniyatini ko'tara oladi va ularning huquqiy ongi darajasini yuksaltirishga yordam beradi".

Yoshlarning huquqiy savodxonligini oshirish yo'lida Mustaqillik davrida qator tadrijiy islohotlar amalga oshirildi. Yuqorida ta'kidlanganidek, yoshlarning huquqiy savodxonligini oshirish maqsadida bir qancha qonun va qonunosti hujjatlari qabul qilindi. Bular sirasiga "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonun, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining "Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish Milliy dasturi", O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O'zbekiston yoshlar ittifoqi faoliyatini qo'llab-quvvatlash to'g'risida"gi hamda "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini o'rganishni tashkil etish to'g'risida"gi Farmonlari, Vazirlar Mahkamasining

“Yoshlarning huquqiy ta’limini takomillashtirish kompleks dasturi to’g’risida”gi Qarori kabilarni kiritish joiz. Bu qonun hujjatlarining ijrosi sifatida qator amaliy ishlar qilinmoqda. Masalan, Adliya vazirligi huzurida 2009-yilda tashkil etilgan yosh huquqshunoslardan iborat “Huquqiy targ’ibot guruhi” faoliyati e’tirofqa loyiq. Ma’lumot o’rnida keltirish joizki, shu paytgacha bu targ’ibot guruhi respublikamizning 70dan ortiq tumanlariga borib, 62 mingdan ortiq yoshlar bilan uchrashuvlar o’tkazdi, ularning huquqiy savodxonligini oshirishga katta hissa qo’shdi. Shu bilan birga, har yili o’tkazib kelinayotgan “Siz qonunni bilasizmi?”, “Huquq bilimdonlari” kabi ko’rik tanlovlar, fan olimpiadalari ham yoshlarning huquqiy savodxonlikni oshirishga bo’lgan qiziqishlariga sabab bo’lmoqda. Yangi qabul qilinayotgan qonunlarning yoshlar hayotiga ta’siri katta, albatta. Ularning bu qonunlar haqida axborot olishlari, undagi normalarga tushuntirishlar talab qilish huquqi ham qonunan mustahkamlangan.

Bu borada olib borilayotgan islohotlarning yanada samarali bo’lishi ko’p jihatdan chuqur o’ylanganligi va tizimlilikiga bog’liqdir. Shuni e’tiborga olgan holda biz yoshlar orasida huquqiy savodxonlikni oshirish masalasi bo’yicha bir qancha takliflarni bildirib o’tmoqchimiz:

- Aholining huquqiy madaniyatini yuksaltirishda mahalla institutlarining rolini oshirgan holda mahallalarda “Huquqiy suhbat kuni”ni tashkil etish va belgilangan kunda mahallaning barcha fuqarolari jumladan yoshlar bilan birga davra suhbatlarini tashkil etish.

- Ta’lim jarayonida yoshlarning huquqiy ongini oshirish yuzasidan “Huquqshunoslik” fanining soatlarini yanada kengaytirish, hamda huquqiy bilimlar yuzasidan insholar tanlovlarini tashkil qilish va g’olib bo’lgan talaba yoki o’quvchiga turli xil yuridik adabiyotlarni taqdim qilish.

- Yoshlarning huquqiy ongi va madaniyatini yanada shakllantirish yuzasidan Ommaviy Axborot Vositalarida turli huquqiy teleshoularni tashkil qilish va bu orqali ularning erkin fikrlarini bildirishlari uchun imkon yaratish.

- Bugungi kunda yoshlarning asosiy axborot manbai bo’lmish internet tarmoqlarida huquqiy ongni rivojlanishiga

xizmat qiluvchi saytlarning sonini ko'paytirib, yoshlarning ulardan oqilona foydalanishini yo'lga qo'yish.

- Yoshlarning huquqiy savodxonligini oshirishda "davlat – ota-ona – maktab – huquqni muhofaza qiluvchi organlar" tizimini joriy qilish lozim. Bunda davlat joylarda shart-sharoit yaratib bersa, o'quv muassalari tadbirlarni tashkillashtiradi va ota-onalar bolalarni jalb qilishadi. Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning xodimlari esa tizimli tarzda yoshlarni o'z huquqlarini himoya qilishda kerak bo'ladigan huquqiy bilimlar bilan tanishtirib boradilar.

So'nggi so'z o'rnida. Mustaqilligimizning yana bir ijobiy xususiyati shundan iborat bo'ldiki, millatimiz o'zligini angladi. Huquqiy madaniyat xalqimizning azaliy an'analariga, udumlariga, tiliga, diniga va ruhiyatiga asoslangan holda qonuniylik, adolatlilik tuyg'ularini ongimizga singdirdi. Huquqiy ong va madaniyat, eng avvalo jamiyat va shaxs umumiy madaniyatining ko'rsatkichi ekanligi anglanildi. Jamiyat madaniyatining yuksak darajasi huquqqa nisbatan chuqur ehtirom, hurmat va uni teran bilishni taqazo etadi. O'z navbatida huquq normalarining talablarini bilish va ularga rioya etish fuqarolik jamiyati demokratikligining va madaniyatining asosiy belgilaridan biri hisoblanadi.

Yoshlardagi yuqori huquqiy ong, huquqiy savodxonlik, demokratik-huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini qurishda muhim ahamiyat kasb etadi. Jamiyatdagi amalga oshirilayotgan islohatlarning mohiyatini tushunishda va ularni amalga oshirishda yoshlarning ishtirokini yanada faollashtirish asosiy maqsadimiz hisoblanadi.

РОЛЬ МЕДИАОБРАЗОВАНИЯ В ПОВЫШЕНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЁЖИ

М.М.Мамаджанов

*Слушатель института изучения проблем
молодёжи и подготовки перспективных кадров
при Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан*

На сегодняшний день в стране наблюдается значительный рост числа позитивных реформ, в частности в сфере молодёжной политики и образования. Всё ещё острыми остаются вопросы правовой и политической культуры среди молодёжи: её агитации, просвещения, формирования компетенций. Одними из ответов на эти вопросы могут стать развитие критического мышления и правильной оценки, интерпретации медиатекстов. Это, то есть - медиаграмотность, развивается посредством медиаобразования.

Идея находит отклик во многих законодательных источниках Республики Узбекистан, в частности, в «Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года»:

«Стратегической целью системы народного образования определено развитие человеческого капитала как основного фактора, определяющего уровень конкурентоспособности учащегося на рынке труда и страны в целом»;²⁶³

«Обеспечение внедрения новых государственных образовательных стандартов и общеобразовательных программ, отвечающих требованиям современной инновационной экономики с учётом STEAM – дисциплин с особым вниманием к развитию компетенции и навыков критического мышления, самостоятельного поиска и анализа информации».²⁶⁴

²⁶³ Приложение №1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № УП-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года».

²⁶⁴ - См. там же.

Понятию «медиаобразование» российский учёный-педагог, доктор педагогических наук, профессор, специалист по медиаобразованию Александр Фёдоров, даёт следующее определение: «Медиаобразование – это процесс развития личности с помощью и на материале средств массовой коммуникации (медиа) с целью формирования культуры общения с медиа, творческих, коммуникативных способностей, критического мышления, полноценного восприятия, интерпретации, анализа и оценки медиатекстов, обучения различным формам самовыражения при помощи медиатехники, обретения медиаграмотности». ²⁶⁵

Далее приведён фрагмент из материалов конференции ЮНЕСКО в Вене в 1999 году: «медиаобразование связано со всеми видами медиа (печатными и графическими, звуковыми, экранными и т.д.) и различными технологиями; оно даёт возможность людям понять, как массовая коммуникация используется в их социумах, овладеть способностями использования медиа в коммуникации с другими людьми; обеспечивает человеку знание того, как:

1. Анализировать, критически осмысливать и создавать медиатексты;
2. Определять источники медиатекстов, их политические, социальные, коммерческие и/или культурные интересы, их контекст;
3. Интерпретировать медиатексты и ценности, распространяемые медиа;
4. Отбирать соответствующие медиа для создания и распространения своих собственных медиатекстов и обретения заинтересованной в них аудитории;
5. Получить возможность свободного доступа к медиа, как для восприятия, так и для продукции.

Медиаобразование является частью основных прав каждого гражданина любой страны мира на свободу самовыражения и права на информацию, и является инструмен-

²⁶⁵ Фёдоров А.В. Медиаобразование // Большая российская энциклопедия. Т. 17. М.: Большая российская энциклопедия, 2012. С. 480.

том поддержки демократии... Медиаобразование рекомендуется к внедрению в национальные учебные планы всех государств, в систему дополнительного, неформального образования и обучения в течении всей жизни человека». ²⁶⁶

Развитые государства уже внедрили медиаобразование в систему действующего образования в той или иной форме:

- форма интегрирования медиаобразования во все предметы;
- отдельный предмет во всех классах (курсах);
- отдельная специальность в вузах;
- внеклассная занятость;
- внешкольная занятость;
- связь с СМИ и медиа;
- выборочная или полная комплексная форма.

В Узбекистане необходимо внедрить комплексную форму медиаобразования. Медиаграмотность рекомендуется формировать у молодёжи на всех стадиях системы образования.

Типы интеграции медиаобразования по месту внедрения в систему образования:

- внедрение в систему дошкольного образования;
 - внедрение в систему народного образования;
 - внедрение в систему высшего образования;
 - внедрение в систему непрерывного образования.
- Интеграция медиаобразования во всю систему (дошкольного, народного, высшего и непрерывного) образования позволит:

–предотвратить негативное влияние «массовой культуры», утрату национальных ценностей; распространение девиантного поведения среди молодёжи; вербовку молодых людей различными деструктивными организациями через медиaprостранство;

–развить медиаграмотность, способность к анализу, осмыслению, полному пониманию мотивов, оценке и созданию медиатекстов среди молодёжи;

²⁶⁶ Recommendations Addressed to the United Nations Educational Scientific and Cultural Organization UNESCO. In: Education for the Media and the Digital Age. Vienna: UNESCO, 1999, p. 273-274.

–значительно повысить уровень развития креативного, творческого и критического мышления у детей и молодёжи, сформировать навыки пользования средствами коммуникации и информацией в целом, начальную информационную и медийную культуру, предотвратить такие негативные явления как «клиповое сознание», содействовать в снижении уровня гиперактивности у детей дошкольного возраста;

–улучшить качество просвещения и агитации правовой и политической культуры, патриотического воспитания;

–снизить уровень правового нигилизма и политического цинизма среди молодёжи;

–мотивировать предпринимательскую деятельность среди молодёжи, путём формирования навыков и умений в сфере медиа, дизайна, блогерской деятельности и рекламы;

–содействовать развитию медиа-рынка в стране, включая СМИ и Интернет-ресурсы.

Для того, чтобы успешно внедрить медиаобразование в систему образования Узбекистана, необходимо последовательно подойти к проблеме кадров в этой специализации и развитию информационно-коммуникативной инфраструктуры образовательных учреждений. В частности, необходимо стимулировать молодых кадров к освоению достаточных знаний в сфере медиаобразования в странах с ведущим опытом в этой области (Германия, Англия, Россия), создать условия для научных изысканий в области внедрения и совершенствования медиаобразования в Узбекистане, с учётом национальных, географических, экономических, этнопсихологических и других факторов, а также открыть новую вузовскую специальность «Медиаобразование» в ВУЗах педагогического направления.

Эти меры, в свою очередь, дадут возможность внедрить принципиально новый предмет «Медиаобразование» в систему высшего и непрерывного образования на всех курсах и направлениях. Педагоги заканчивающие ВУЗы и центры переподготовки и повышения квалификации, имеющие медиакомпетенцию смогут интегрировать медиаобра-

зование непосредственно во все предметы на всех стадиях системы образования.

Комплексная интеграция медиаобразования также предусматривает внедрение предмета «Медиаобразование» в систему школьного и дошкольного образования, что ознаменует следующий, немаловажный этап, в осуществляемых реформах.

Одним из стратегических целей развития системы образования в стране является совершенствование информационно-коммуникативной инфраструктуры образовательных учреждений. Очень важно, чтобы человеческий капитал молодёжи соответствовал этим предоставляемым возможностям.

Для правильного ориентира в бесконечном числе потоков меняющейся информации у молодёжи нашей страны должна постоянно совершенствоваться информационная культура. В её развитии медиаграмотность может стать точкой опоры.

Повышение правовой, политической и предпринимательской культуры закономерно в случае интеграции медиаобразования, так как последнее предусматривает инклюзивный и инновационный подходы, в следствие чего, учащиеся получают возможность получать знания, умения и навыки критического мышления и анализа, оценки и создания медиатекстов непосредственно на каждом уроке (форма интегрирования медиаобразования в предметы), подходить творчески к осмыслению и созданию медиатекстов (внеклассная и внешкольная занятость, отдельный предмет), что в свою очередь, подтолкнёт молодёжь к формированию трендовых направлений деятельности, таких как: создание книжных альманахов, обзоров, стенгазет, журналов, медиароликов, блогерская деятельность, создание сайтов, рекламной продукции, Web-дизайн, дизайн ландшафта, дизайн интерьера, школьное радиовещание и пр.

Всё это, безусловно, приведёт к развитию полноценного осмысления законов, прав и свобод, обязанностей, подзаконных актов и других документов, политических событий, а также других медиатекстов транслирующихся че-

рез СМИ и других медиаисточников. Тем самым медиаграмотность населения (особенно молодёжи) усилит эффект агитационных работ в сфере повышения правовой и политической культуры, предпринимательской деятельности среди молодёжи.

На сегодняшний день границы медиапространства растут, можно сказать, современное медиапространство уже не имеет видимых, осязаемых границ. Молодёжь, не способная критически мыслить, полноценно анализировать современную информацию (в большинстве случаев, которая, передаётся в форме медиатекстов), создавать и передавать информацию в современных формах, пользоваться различными способами коммуникации, иначе говоря не владеющая медиакомпетенцией, не сможет стать конкурентоспособной в постоянно меняющейся внутренней и внешней среде. А вследствие, будут теряться значения и перспективы вводимых реформ в стране.

Медиаграмотность – это базисное индивидуальное качество каждого человека в понимании и осмыслении современного окружающего мира, в достижении успеха в нём, и её овладение возможно только через комплексно интегрированное медиаобразование на каждом этапе системы образования.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЁШ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎҚУҚИЙ ҲИМОЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

У.Қ.Омонов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтининг тингловчиси*

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органларининг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилди. Халққа хизмат қилиш ички ишлар органларининг энг асосий фаолият мезони этиб белгиланди.

Ички ишлар органларида куч ва воситаларнинг асосий қисми қўйи тизимларга ўтказилиб, аҳолига имкон қадар яқинлаштирилганлиги, маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга замин яратди.

Бунинг натижасида республикада жиноятлар сонининг кескин камайишига, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишига эришилмоқда.

Бундай муваффақиятлар, Ички ишлар органлари ходимлари ўз ҳаёти ва соғлигини таҳликага қўйиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида туну кун хизмат қилиши, белгиланган вазифаларни виждонан ва сидқидилдан бажариши натижасида қўлга киритилмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш йўлида фидоийлик билан хизмат қилаётган ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ҳимояси таъминланиши, уларнинг ушбу фаолияти янада рағбатлантирган бўламин.

Ҳуқуқий ҳимоя ҳақида бир оз тўхталсак. Ҳуқуқий тартибот бузилган ҳолларда (ички ишлар органи ходими ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши) ҳуқуқий таъсир қилиш ва ҳуқуқий ҳимоя механизми амал қилади. Унда суд биринчи даражали рол ўйнасада, тегишли вазирлик ва идораларнинг ҳам таъсирини унутмаслик лозим.

Мазкур механизм бошланган жиноятнинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш, етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини таъминлаш, айбдорларни жазолаш, янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа субъектларига давлатнинг барча ҳуқуқий талаблари тўлиқ равишда бажарилиши лозимлиги ҳақида ўқиттириш вазифаларини ҳал қилади.

Агар ҳуқуқий тартибот, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар қандай бузилиши тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг эътиборидан четда қолмаса, тартиббузарлар ҳар гал муносиб жазо олса, бундай ёндашувнинг ўзи қонунни бузишнинг самарали умумий превентив, яъни олдини олувчи бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, бу давлатда қонунийликка риоя этиш шароитига таъсир этади. Ҳуқуқий давлатнинг юрисдикция, ҳуқуқий тартиботни муҳофаза қилиш ва олдини олиш фаолиятида ҳуқуқий талабларга қатъий риоя этиши зарур. Шу сабабдан жамият ҳаётининг ҳуқуқий “кайфияти” эстетик давлатдагига қараганда анча юқори бўлади.

Хусусан, мазкур ҳолатда статистик кўсаткичларга аҳамият берилса, ёшлар ўртасида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар нафақат мактаб ўқувчилари балки коллеж, лицей ва хаттоки олий таълим муассасалари талабалари томонидан ҳам содир этилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Жумладан, 2019 йилнинг 4 ойлик маълумотларга кўра, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида 50.000 нафарга яқини (шулардан, 145 нафари муқаддам судланган, 1245 нафари оила-турмуш даражасида) ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар рўйхатига киритилган, шу давр мобайнида 47.335 нафар (шулардан, 2.996 нафари муқаддам судланган, 2.364 нафари оила-турмуш даражасида, 22.005 нафари бошқа тоифадаги ҳуқуқбузарликлар содир этган) ёшларга нисбатан профилактик ҳисоб ўрнатилган. Шунингдек, шу 4 ой мобайнида жами жиноят содир этган ёшлар сони 4.037 нафарни ташкил қилган бўлса, минг таасуфлар бўлсинки, улар орасидан 50 нафари (1,3 фоизи) олий таълим муассасалари талабалари ҳисобланади. Тўғри, бир ҳисобдан бу кўрсаткичлар жорий йилнинг ўтган даврига (2018 йил 4 ойи) нисбатан ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар 1147 тага (22,3 фоиз), олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги жиноятлар 49 тага (49,5 фоиз) камайишига эришилган бўлсада, бироқ ҳозирги замон талаблари ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мулақо барҳам берилишини тақазо қилади. Зеро, келажак ёшлар қўлида, агар ҳозирдан оқ ёшлар томонидан содир этилаётган жи-

ноятчилик ва ҳуқуқбузарликка бутунлай барҳам берилса, келгуси авлод ҳам шу руҳда тарбия топади. Бу ўз ўзидан кутилаётган ёки содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли, ички ишлар органлари ёш ходимларининг салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда ёш фуқароларни тарбиялашга ва ўрнатилган бўлишга сарф қилишимиз лозим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, соҳадаги вазият ва амалга оширилган тадбирлар таҳлили ёшларнинг кенг қатламларига дахлдор бўлган долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаганидан далолат бермоқда.

Жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда кўплаб муаммоларнинг борлиги, ушбу йўналишда кенг ислохотларни амалга оширишни тақазо этмоқда.

Шу жумладан, ички ишлар органларининг ёш ходимларининг малакасини ошириш, етук мутахассис этиб тайёрлаш долзарб масаладир. Улар ўз вақтида билим ва тажриба олмас экан, эртага биз жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда жиддий қийинчиликларга дуч келиб қоламиз.

Шу сабабли, ҳозирги вақтдаги ёшлар бошланғич ташкилотлари ёшларни шунчаки моддий рағбатлантирувчи бўлинма эмас, балки ёшларни етакловчи ва уларнинг салоҳиятини, билим ва касбий кўникмаларини оширишга хизмат қилувчи локомотив бўлмоғи зарур.

Бундан ташқари Бошланғич ташкилотлар ёш ходимларни муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бўйича аниқ режага эга бўлиши, аниқланган камчиликларни барта-раф этиш бўйича етарли даражада ваколатга эга бўлмоғи даркор. Жумладан, камчилик ва муаммолар бўйича қарор лойиҳалари, вазир бўйруғини ишлаб чиқиш ва киритиш ваколатига эга бўлиши лозим.

Шундагина ёшлар Бошланғич ташкилотнинг фаолиятига ишониши ва улар билан ҳисоблашиб, ўз муаммо ва тақлифлари билан ўртоқлашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонининг биринчи бандининг иккинчи хатбошида келтирилганидек, “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, «Ёшлар — келажак бунёдкори» шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш” ҳар бир бошланғич ташкилот етакчисининг бош ғояси бўлиши лозим.

Мана шундагина ёш ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси таъминланиши мумкин. Нафақат ходимларнинг, балки барча давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳимояси қонунда белгиланиб берилгани билан эмас. Уни ташкиллаштирувчи тўғридан-тўғри раҳбарларига, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ҳам ёш ходимларни қўллаб-қувватлаш ҳақида бир нечта нормалар мавжуд.

Жумладан, иш тажрибасининг ворисийлигини, ёш ходимларнинг хизматга амалий мослашишини, касбий шаклланиш жараёнини тезлаштириш ҳамда уларда хизмат вазифаси бўйича зиммасига юклатилган тезкор-хизмат вазифаларни мустақил бажариш қобилиятини ривожлантиришни таъминловчи самарали мураббийлик тизими жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у ёки бу ҳолат бўйича ички ишлар органлари ходимларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан уни химоя қилиш учун тегишли ички ишлар органи номидан химоячи ёллаш масаласи қонунчиликда аниқ кўрсатилмаган.

Қисқа қилиб айтганда ходимнинг ҳуқуқий химояси таъминлансагина, у виждонан, самарали ва фидокорона хизмат қилиши мумкин. Бунинг сабаби битта. У ҳам бўлса, ходимнинг фаолияти қонун билан ҳуқуқий химояланганидир.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ

Ж.У.Холбоев

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтининг тингловчиси*

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида жиноятчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ва уларни олдини олиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, ёшлар ўртасида қасддан баданга енгил, ўртача ёки оғир тан жароҳати етказиш, ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, товламачилик, босқинчилик, қасддан одам ўлдириш каби жиноятлар содир этилишда давом этиб келмоқда. Кўпчилик одамлар жиноят ва ҳуқуқбузарлик учун жазони асосий

тарбия таъсир чораси деб ҳисоблайдилар. Аммо бу тарбия воситаси барчага ҳам бирдек таъсир қилмаслиги, хаттоки маҳкумни салбий жиҳатларини янада ривожлантириб юбориши мумкинлиги ҳаммага аён оддий ҳақиқат.

Хусусан, мазкур ҳолатда статистик кўсаткичларга аҳамият берилса, ёшлар ўртасида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар нафақат мактаб ўқувчилари балки, коллеж, лицей ва хаттоки олий таълим муассасалари талабалари томонидан ҳам содир этилаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Жумладан, 2019 йилнинг 4 ойлик маълумотларга кўра, **18** ёшдан **30** ёшгача бўлган ёшлар ўртасида **50.000** нафарга яқини (шулардан **145** нафари муқаддам судланган, **1245** нафари оила-турмуш даражасида) ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар рўйхатига киритилган, шу давр мобайнида **47.335** нафар (шулардан **2.996** нафари муқаддам судланган, **2.364** нафари оила-турмуш даражасида, **22.005** нафари бошқа тоифадаги ҳуқуқбузарликлар содир этган) ёшларга нисбатан профилактик ҳисоб ўрнатилган. Шунингдек, шу 4 ой мобайнида жами жиноят содир этган ёшлар сони **4.037** нафарни ташкил қилган бўлса, минг таассуфлар бўлсинки, улар орасидан **50** нафари (**1,3** фоизи) олий таълим муассасалари талабалари ҳисобланади. Тўғри, бир ҳисобдан бу кўрсаткичлар жорий йилнинг ўтган даврига (**2018** йил **4** ойи) нисбатан ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар **1147** тага (**22,3** фоиз), олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги жиноятлар **49** тага (**49,5** фоиз) камайишига эришилган²⁶⁷ бўлсада, бироқ ҳозирги замон талаблари ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мулақо барҳам берилишини тақазо қилади. Зеро, келажак ёшлар кўлида, агар ҳозирданоқ ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка бутунлай барҳам берилса, келгуси авлод ҳам шу руҳда тарбия топади. Бу ўз-ўзидан қутилаётган ёки содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

²⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 1-ўринбосари Д.А.Назармухаммедовнинг Олий Мажлисга берган ҳисоботи нутқидан

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка бутунлай барҳам беришлик учун нима қилиш керак, деган савол барчани қийнаши табиий албатта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг 9 февраль куни ўтказилган “Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифалар” га бағишланган видеоселектор йиғилишида, Ўзбекистонда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни” деб эълон қилинди. Ҳозирда бу борада жуда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан содир қилинган жиноятлар бўйича мутасадди ташкилотларга тақдимномалар киритилиб, жойларда кенг жамоатчилик орасида уларнинг муҳокамалари ўтказилмоқда. Аммо кўпчилик ёшлар ўзи содир қилган ижтимоий ҳавфли қилмишини тўғри баҳолай олмаганликлари, ушбу ҳаракат жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эканлигини англаб етмаганликлари оқибатида шу ишларга йўл қўймоқдалар. Улардаги ғоявий бўшлиқни ўрнини тўлдириш, ёш авлод ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уларга ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканлигини тушунтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз вақтида жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор **қаратадиган** бўлсак, Япония давлатининг “SONY” компанияси асосчиларидан бири Масару Ибука ўз назарияларида катталар бирор нарсани саянгоз тезлигида ўрганиши мобайнида жуда катта қийинчиликларга дучор бўладилар, болаларга эса бу қобилият дарҳол берилади. Унинг фикрига кўра, катталар баъзан ўрганиш учун дангаса, болалар эса доим ўрганишга тайёр, катталар баъзи кўникмаларни қийинчилик билан бошлашади, аммо болалар учун бу деярли оддий ва осон ҳаракат ҳисобланади. Кичик болада билмаган нарсаларни ўрганиш учун чексиз хоҳиш-истаги мавжуд бўлади. Масару Ибука катталарга контентни ўзгартиришни эмас, балки болани ўз вақтида тарбиялаш усулини таклиф қилади. Унинг назарияси болада жаҳолат, саводсизлик, шубҳа-гумонлик каби нарсаларни йўқ қилишга имкон беради

ва жиноятни камайтиради. Ҳозирда минглаб япониялик болалар айнан ушбу назария асосида ишлаб чиқилган дастур бўйича сабоқ олмоқдалар.

Аксарият жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир қилган ёшлар, ўзлари содир қилаётган қилмишнинг нима эканлигини тушунмагани холда унинг оқибатларини англаб етмасдан жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қўл урдилар. Жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин уни муҳокама қилиш жуда ҳам кам холатда ижобий самара беради хатто вазиятни салбий томонга ўзгартириши ҳам мумкин. Масалан ёшлар ўртасида бир-бирига ҳазил қилиш, эҳтиётсизлик натижасида бири иккинчисига оғир ёки ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш (Ўз.Р.ЖК.111-модда) ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради ва натижада мавжуд қонунга асосан судланиб, жазога тортилиб, омма олдида унинг ҳаракатлари муҳокама қилинади. Бу холатда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти шаклланмаган ёшлар онгида ўз ҳаракатларидан эмас балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ҳаракатларидан норозилик пайдо бўлади. Ундаги норозилик, нотўғри фикр ва қарашлар салбий омилларни вужудга келтиради. Демак жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейин уни муҳокама қилиш, жазолаш чораларини кўриш, келгусида бундай салбий оқибатларни олдини олишда унчалик самарали усул ҳисобланмайди. Агар ёшлар ўзлари содир қилаётган ҳаракатининг ҳуқуқий оқибатини англаб етганида, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тушунчага эга бўлганида бу ҳаракатларини содир қилмаслиги мумкин эди. Амалиётда айрим ёшлар ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш (Ўз.Р.ЖК.166-модда), қўрқитиш орқали ўзганинг мулкани эгаллаш (Ўз.Р.ЖК.165-модда) каби жиноятларни содир қилишгандан кейин улар билан тергов ҳаракатлари давомида суҳбатлашилганда, улар бу ишни оддий болаларча қизиқиш ёки ҳазил қилиш натижасида содир қилганликларини маълум қилишади. Демак уларнинг ҳаракатларини тенгдошлари олдида муҳокама қилиш, ўзларининг ўй-хаёллари билан банд бўлган ёшлар онгига ижобий ва самарали таъсир қилиши қийин.

Шу сабабли хориж тажрибаси асосида самарали стратегик режани ишлаб чиқиш лозим. Юқоридаги салбий ҳолатларни олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

➤ Шу вақтга қадар ёшлар ўртасида кўпроқ кузатилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаб, тизимли таҳлилдан ўтказиш ва уларни тегишли гуруҳларга таснифлаш;

➤ Болаларга мактаб ёшидан бошлаб жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тушунча берувчи дарс соатларини ташкил қилиш, улар доирасида аслида кимнидир беҳурмат қилиш, ёлғон гапириш, ёмонликнинг олдини олишга ҳаракат қилмаслик, бепарво бўлишлик ҳам қайсидир маънода жиноятга асос бўлишини тарғиб қилувчи тегишли дарсликлар ишлаб чиқиш;

➤ Коллеж ва лицейларда таълим олаётган талабалар учун ҳам таълим дастурига ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда назарда тутилган, ёшлар томонидан кўп содир қилинаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни тушунтирувчи, уларнинг оқибатларини очиқ берувчи тегишли дарс машғулотлари жорий қилиб, дарсликлар ишлаб чиқиш;

➤ Айнан мутахассислиги бўлмаган олий таълим муассасаларининг таълим дастурига ҳам ўзгартиришлар киритиб, ЖК ва МЖТҚда назарда тутилган, фуқаролар томонидан кўпроқ содир қилинаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида тўлиқроқ тушунча берувчи дарс соатларини жорий қилиш ва тегишли дарсликлар ишлаб чиқиш;

➤ Юқорида назарда тутилган дарс машғулотларини мактаб, коллеж, лицей ёки олий таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан эмас (чунки ўқитувчининг ўзи бу соҳани мукамал билмаслиги, ўқувчи ва талабаларнинг сифатсиз билим олишига сабаб бўлиши мумкин) балки амалиётда хизмат қилиб келаётган мутахассис ходимлар (ИИБ, Прокуратура терговчилари) томонидан ўтилишини таъминлаш;

➤ Ёшларнинг онгига салбий таъсир қиладиган, зўравонлик, беҳаёлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи хар қандай видео ўйинлар рўйхатини шакллантириш ва уларни қонун йўли билан чеклаб қўйиш шунингдек вазиятдан келиб чиқиб стратегик муҳим қарорларни қабул қилиш лозим.

Юқорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалиётга жорий қилиш дастлаб унчалик ижобий самара бермагандай таасурот уйғотиши табиий албатта, лекин мунтазам равишда узоқ муддатли стратегик режа бўйича ҳаракат қилиш (масалан: мактаб 5-11-синф, коллеж, лицей 1-3 босқич, олий таълим 1-4 босқич) секин-аста ўз натижасини бериши аниқ. Зеро, ҳеч нарса, бирданига, ўз-ўзидан содир бўлиб қолмайди, ижобий натижага эришиш учун авваламбор масъулият, сабр-тоқат ва йиллар керак бўлади. Касалликни даволашдан олдин, касалликни олдини олиш чораларини кўриш лозим бўлганидак, ёшлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликка бутунлай барҳам бериш учун ёшлиқдан оқ таълим тарбия жараёнига катта аҳамият қаратиш, ёш авлодни жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши руҳда тарбиялаш орқали келгусида шу руҳдаги муҳитни (менталитетни) барпо қилиш зарур. Доно халқимизда бир нақл бор “ёшлиқда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир”.

FORMATION OF LEGAL CULTURE OF STUDENTS IN THE PROCESS OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGE

U. P. Khaydarova

Tashkent State University of Law, Tashkent

Legal culture is a concept that characterizes the presence of a certain level of legal knowledge, beliefs and lawful behavior of the individual, individual social groups, the whole society. The necessary level of legal culture is determined by the requirements of state educational standards of vocational education of the relevant profession or specialty (in terms of students ' legal competencies), and the legislation of the Republic of Uzbekistan. One of the regularities of a developed

society is the existence of a perfect system of legal regulation. The basis of such a system is a high level of legal culture of the members of the society. To build a legal state in Uzbekistan, for the successful socio-economic development of the country, it is necessary to educate an active person with a developed sense of justice.

Legal culture is a concept that characterizes the presence of a certain level of legal knowledge, beliefs and lawful behavior of the individual, individual social groups, the whole society. The necessary level of legal culture is determined by the requirements of state educational standards of vocational education of the relevant profession or specialty (in terms of students ' legal competencies), and the legislation of the Republic of Uzbekistan.

The urgency of the problem of formation of legal culture of students increases not only due to the high dynamism of social processes taking place in society, but also due to the increased requirements of scientific and technological progress. Under these conditions, the "price" of production, technological, economic, environmental and other errors, as well as the lack of discipline of people, increases. Life urgently requires the acceleration of the processes of formation of a new legal culture, new relationships between the individual and society, new worldview concepts. In order to properly and deeply understand the diverse political life, dynamic changes in all spheres of modern society, it is necessary to have flexible thinking, strong ideological beliefs and consistent legal position.

Entering into life, students need to be psychologically and practically ready for the changes taking place in society, on the one hand, and on the other - to the increasing social responsibility and independence of behavior within the boundaries of moral and legal norms. Currently, most of the modern Uzbek youth has a level of legal culture that does not meet the requirements of the time. The works of outstanding scholars evidence this. The low level of legal culture is not only a serious obstacle to the establishment of the Uzbekistan rule of law, but also has a detrimental impact on the process of criminalization among young people.

The solution to this problem is seen in the purposeful increase of the level of legal culture of young people, which contributes to the formation of a socially active person capable of competently building relationships with society, the state and other individuals. This provision is particularly relevant in relation to future specialists in the field of law, as their professional duties include not only law enforcement, but also law making.

Formation of legal culture of students were considered in the works of R.A.Romashova, I.V.Kudryavsev, U.Tadjikhanov, A.Saidov, Z.Islomov, Z.R.Ruziev, S.M.Makhmudov. The aspects and the main stages of the process of formation of legal culture, in our opinion, can serve as the basis for the creation of an effective theoretical legal course. Z.R.Ruziev studied the historical and theoretical aspect of legal education of young people. S.M.Makhmudov analyzed the management of the legal process in modern society and the role of interdisciplinary connections in the process of teaching a foreign language, I.V.Kudryavsev – cultural approach in teaching professionally-oriented foreign language.

However, there were no specific studies of the formation of legal culture of students in the process of learning a foreign language. The possibilities of a foreign language were not considered in the context of legal education, which convinces us of the relevance of the study of the formation of legal culture of students in the process of learning a foreign language.

Of course, the discipline “Foreign language” is not a profile in the legal University. Primarily teachers of special disciplines carry out formation of legal culture, introduction to the profession. However, in the first and second years, when the emphasis is shifted to General subjects, the responsibility for the education of future professionals falls on teachers of General subjects, including teachers of a foreign language, which in law school has a professional orientation.

This creates contradictions:

- between the need for a comprehensive formation of professional orientation and legal value orientations in the educational process and the lack of theoretical and practical

development of the problem of formation of legal culture of students in the process of learning a foreign language;

- between the need for the formation of legal culture of students and the lack of scientifically sound technology of learning a foreign language in order to improve the level of legal culture of future specialists in the field of law.

The main problem of the study can be formulated as follows: what are the pedagogical conditions for the effective formation of legal culture of students in the process of learning a foreign language?

Insufficient development of the problem of interest to us and its important practical importance for the formation of the personality of the future specialist in the field of law, where the purpose is to identify, substantiate and test the pedagogical conditions for the successful formation of the legal culture of students in the process of learning a foreign language.

It is known that the formation of legal culture of students in the study of a foreign language will be successful if:

- the content, the main ways and means of formation of legal culture of students in the educational process;

- the basic legal concepts are revealed and the cognitive range of legal representations of students based on the lexical units of the English language is expanded in the educational process;

- the basis of the educational process is the model of formation of legal culture of students, reflecting the position of the system-activity approach in the study of a foreign language;

- in the process of learning a foreign language provided the relationship and interdependence of legal and moral education of students in order to form a competent personality of a democratic society, a citizen of the rule of law, a person of legal culture;

- the main ways to ensure the effectiveness of the technology of formation of legal culture of students in the process of learning a foreign language.

Based on the problem, purpose, subject and hypothesis of the study, the following tasks were formulated:

1. To conduct a theoretical analysis of the structure and

essential characteristics of legal culture, to reveal the content of the process of formation of legal culture of students.

2. To determine the conceptual provisions of the formation of legal culture of students in the process of teaching a foreign language.

3. On the basis of system-activity approach to legal education and legal education to develop a model of legal culture.

4. To define and carry out experimental checking of the basic ways that ensure the effectiveness of the technology of foreign language teaching with the purpose of formation of legal culture of students.

5. To develop scientific and methodological, practical recommendations for the implementation of the technology of formation of legal culture of students in the study of a foreign language.

ЁШЛАРНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Н.И.Мустафоева

*ТДЮУ Тил ўргатиш кафедраси
катта қитувчиси*

Бизга маълумки, ёшларнинг расмий ҳужжатлар билан ишлашида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият компетентини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқий давлатда ҳамма нарса, ҳар қандай масала қонунлар, ҳуқуқий меъёрлар асосида адолатли ҳал этилади. Қонун жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим муносабатларни тартибга солиб туради. Ҳуқуқий давлатнинг негизи, унинг пойдевори – қонун ва қонунийликдир”²⁶⁸.

Ҳуқуқий тарбия – бу шахсга нисбатан ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий кўрсатмаларни, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмаларни ва одатларни шакллантирувчи уюшган бир тизим-

²⁶⁸ Исломов З.М. Ўзаро муштарак асослар // Ҳаёт ва қонун, -2003, -№3. –Б.60.

ли, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатилиши²⁶⁹. Ҳуқуқий тарбия ҳуқуқий онгни шакллантиради.

Ҳуқуқий тарбиянинг вазифаси, одамларнинг онгида ҳуқуқнинг аҳамиятини, мақсадини тўғри тушунишни, унинг талабларининг ҳақиқатлигини, уларга онгли равишда риоя қилиш зарурлигини шакллантиришдан иборат.

Талаба ёшлар ўртасидаги ҳуқуқий тарбия бевосита қуйдаги икки асосий вазифани бажаради:

Биринчидан, тарбияланувчиларга маълум миқдордаги ҳуқуқий билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг берилиши;

Иккинчидан, тарбияланувчиларда ҳуқуқий ғоялар, ҳиссиётлар, эътиқодларни шакллантиради²⁷⁰.

Талабаларнинг расмий ҳужжатлар билан ишлашида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият компетентини шакллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, юқоридаги ушбу вазифалардан келиб чиқиб ҳуқуқий тарбиянинг мазмуний томонини эътиборга олиб, ҳуқуқий тарбия тарбияланувчилар ҳуқуқий онгига тизим, мақсадга йўналтирилган таъсир жараёни эканлиги; тарбиячининг тарбияланувчиларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни керакли даражада ҳосил қилиш учун мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар тизими эканлиги ўртасидаги фарқни ажрата билиш лозим.

Мана шу асосий вазифалардан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбияда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор қаратмоқ лозим:

Биринчидан, асосий ҳуқуқий кўрсатмалар тизимини билиш, уларнинг маъзмун ва моҳиятини илғаб олиш ва тўғри тушуниш;

Иккинчидан, ҳуқуқни, қонунларни, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни чуқур ҳурмат қилиш;

Учинчидан, ҳуқуқий билимларни амалда мустақил қўллаш олиш, шу жумладан, ҳуқуқшунос талабаларнинг расмий ҳужжатлар билан ишлашидаги масалаларда ҳам;

²⁶⁹ Таджиханов У., А.Саидов. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-жилд.-Т. 1998. 195 -бет.

²⁷⁰ З.Р.Рузиев, С.М.Маҳмудов. Ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни. Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т. 2010.116 бет.

Тўртинчидан, мўайян борлиққа нисбатан шахсий муносабат ва кундалик феъл атворни ҳамда ўз амалий фаолиятини жамғарилган ва олинаётган ҳуқуқий билимлар билан мослаштириш;

Бешинчидан, ўз одатларини олинган ҳуқуқий билимлар билан аниқ мослаштириш.

Бу йиғиндига кирувчи ҳуқуқий онгнинг таркибий қисимлари шахсга нисбатан керакли психологик ва мафкуравий йўл- йўриқларни ташкил қилади. Унинг ўз билимларини турмушда фаол тадбиқ қилишга имконият яратади. Мана шу тайёргарлик даражаси ҳуқуқий тарбия ишларининг самарали воситаси орқали фуқаролар ҳуқуқий онгига мажбурий хусусиятга эга бўлган ғояларни олиб киради.

Шулардан келиб чиқиб бизнингча, қуйидаги хусусиятларини белгилаб олиш мумкин:

- ҳуқуқий тарбияжараёни ҳамма учун мажбурий, ҳуқуқий нормалар тизими унинг бошланғич асоси ҳисобланади;

- у амалга оширилаётганда тарбияланувчилар ҳуқуқий онгига давлат томонидан ўрнатилган, уларнинг феъл-атвориға тааллуқли ҳуқуқий йўл –йўриқлар, рухсатлар, ман қилишлар сингдирилади;

- ҳуқуқий тарбия зарур ҳолларда давлат томонидан ҳуқуқбузарларға нисбатан куч ишлатиш кафолатиға таянади;

- унинг таъсири доирасида нафақат ҳуқуқ нормалариға риоя қилувчи одамларни, шунингдек ҳуқуқбузарликка мойил ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳам қамраб олади ва бу маълум даражада ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масаласини ечимиға хизмат қилади;

- у махсус ҳуқуқий тарбиявий шаклларда, махсус ҳуқуқий восита ва услублар ёрдамида амалга оширилади;

- уни амалга оширувчи шахслар, одатда юридик маълумотға эга ёки махсус юридик тайёргарликни ўтаган бўлишлари ва улар расмий ҳужжатлар билан ишлай олиши керак.

Ҳуқуқий тарбия жараёнининг самарадорлиги, тарбиячилар билан бир қаторда тарбияланувчилар фаоллигини ҳам тақозо қилади.

Ҳуқуқий онгни ҳуқуқий тарбияга зўр бериш орқали шакллантиришга уринганда икки томонлама жараён содир бўлаётганга ухшайди. Биринчиси, бу жараёнинг сифат даражаси (индивидлар, жамоат гуруҳлари) томонидан ҳуқуқий билимларни тўплаш, иккинчиси мана шу тўпланган билимларни ўз эътиқодига айлантириш.

Ҳуқуқий тарбияни шундай қуриш зарурки, берилмаётган ҳуқуқий билимлар, тарбияланувчилар учун қадрли, қимматли, аҳамиятга молик бўлиб чиқсин, яъни у шундай билим бўлсинки, унга шахслар ёки гуруҳлар юқори баҳо берсинлар ва ўзлари учун зарурат деб билсинлар.

Ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий тарбия жараёнида унинг объекти ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбия эса мазкур нормаларнинг ижтимоий сиёсий қимматини ҳар бир шахс ҳамда жамият манфаатларини таъминлашдаги аҳамиятини чуқур очишга қаратади.

Ҳуқуқий тарбия жараёни масаласида тарбияланувчилар ҳуқуқий онгдаги билимларни қаътий йиғиндиси ҳосил бўлгандан сўнггина ечилиши мумкин.

Ҳуқуқий тарбия жараёни одамлар орасида муайян муносабатларда кечади ва ҳуқуқ нормалари билан бошқарилади. Шу боиси ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тарбия доираси ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий тарбия билан чамбарчас боғлиқдир ва бу ҳодисага эса ташкилий институционал тарзда халқаро миқёсдаги ёндашувлар, иккинчидан, ҳуқуқий маданиятнинг тадрижий барқарорлашуви, учинчидан, унинг турлари муфассал таҳлил қилинди.

Ҳуқуқий маданият тушунчаси жамият ва миллат, шахс ва ихтисосий гуруҳ (субкультура) сингари турларга таснифланиб ўрганилди.

Хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳуқуқ тарихи шуни кўрсатадики, фалсафий, социологик адабиётлар ва замонамизгача етиб келган ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўша жамият ҳуқуқий ҳаётининг маданий ҳолати, турмуш тарзи, ижтимоий тузумининг хусусиятларини ойдинлаштириш мумкин. Ҳуқуқий тарбия ва маданиятнинг жамият, гуруҳ

ва шахс ҳуқуқий маданиятдан иборат уч даражаси ўзаро алоқада бўлиб, бир - бирини тақозо этади. Шахс ҳуқуқий тарбия ва маданиятининг таркиби қуйидаги жиҳатлардан ташкил топади:

- 1) соціо-психологик;
- 2) мафкуравий;
- 3) ахлоқий.

Таниқли рус олими А.Семитконинг таъкидлашича, “Ҳуқуқий маданиятнинг таркибий жиҳатлари шартли равишда ажратилади, негаки ҳуқуқий тафаккурдан айрича амалга ошириладиган ҳуқуқий фаолият бўлмайди, ҳуқуқий онг фақат ҳуқуқий фаолият ва унинг натижаларида - ҳуқуқий ҳужжатларда пайдо бўлиши мумкин”²⁷¹.

Бизнингча, ҳуқуқий маданият - бу кишиларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан онгли муносабати, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишдир.

Бугунги кунда биз танлаб олган янги жамият қуриш йўлида фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксак даражада шакллантириш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли таъминлаш муаммолари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

“Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади.

Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши ва юрист талабаларнинг ҳасмий ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаши билан белгиланади.

Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар амал қилган тақдирдагина яшайди ва руёбга чиқади”²⁷².

²⁷¹ Теория государства и права. Под ред. В.М.Карельского и В.Д.Перевалова.-М.: 1999. -333 б.

²⁷² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, -429-

Ҳуқуқий маданият – бу жамият аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ҳуқуқий билиш даражаси, ҳуқуқга нисбатан ҳурмати ва жамиятда ҳуқуқнинг юксак қадрият сифатида эъозланишидир...²⁷³

Бизнингча, ҳуқуқий маданият – бу жамият ҳаётига ҳуқуқни сифатли татбиқ этишдир. У кундалиқ турмуш муаммо ва масалаларини ҳал этишда ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланишда, халқ эҳтиёжларини қондиришда ўзига хос бир барометрдир.

Шунинг учун белгилаш қийин эмаски, ҳуқуқий маданият даражаси қонунчилик мазмунининг одамлар эҳтиёжи ва қизиқишларига қанчалик яқинлигига, ҳуқуқ ва бурчлар баён этилган қонунчилик шахсларнинг нечоғлик кенг доирасига дахлдорлигига боғлиқдир²⁷⁴.

Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг таркибий қисми сифатида жамиятни онгли равишда бошқаришни, ўз олдимишга қўйган дастурий вазифаларни амалга оширишда, инсонларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг туб моҳиятини тўлақонли англаган ҳолда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш учун ҳамжиҳатликда фаолият юритишларини таъминлайди.

Ушбу соҳада қўйидаги ишларни амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириб етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш;

- давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуқга ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, ҳуқуқ устиворлигини таъминлаш;

- аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, узлуксиз ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларини юритиш;

мафкура. -Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.322.

²⁷³ Теория государства и права Учебник под.ред. Р.А.Ромашова – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2005. -Б 341.

²⁷⁴ Кудрявцев И.В. Минтақада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият шаклланишининг ўзига хослиги / Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқнинг тарихий ривожланиши. Семинар материаллари.-Т.: Адолат, 2007. –Б. 10.

- фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш, давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда вакиллик демократиясининг самарали усулларидан фаодаланиш;

- аҳоли турли қатламларини ҳуқуқий ахборотлаштириш, айниқса ёшлар ижтимоийлашувига алоҳида эътибор қаратиш лозимдир.

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ — УЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Ш.Ф. Мамажонов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Илмий-амалий тадқиқотлар маркази илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклифини билдирган ва буни бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод эканлиги, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқлигидан келиб чиқиб, бугунги кунда бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш эканлиги билан изоҳлаган эди²⁷⁵.

²⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883). – Б.1.

Дарҳақиқат, бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг ҳар бир чеккасида бўлаётган воқеаларда ёшларнинг иштирокини, таъсирини кузатиш мумкин. Мазкур омилларни инобатга олган ҳолда, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш мақсадида кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга жорий этилди.

Ўтган йиллар давомида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришда қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бу борадаги ишларни негизини ташкил этиб келди.

Жумладан, республикадаги мавжуд таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш орқали улар ўртасида жиноятчиликни барвақт олдини олиш мақсадида ўқувчи-талабалар билан 2018 йилда 107 минг 739 та учрашув ташкил этилган бўлиб, бундай учрашувлар сони 2017 йилга нисбатан 48,4 фоизга ўсган. 2019 йилнинг 1-чорагида эса мазкур йўналишда ўтказилган учрашувлар сони 32 минг 492 тани ташкил этди. Ўтказилган учрашувларнинг 24 минг 367 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 7 минг 528 таси фоизи коллеж ва лицейларда, 597 таси эса олий таълим муассасаларида ташкил этилди²⁷⁶.

Республикадаги таълим муассасаларида 2018 йилда ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш орқали улар ўртасида жиноятчиликни барвақт олдини олишга қаратилган 69 минг 317 та конференция ва давра суҳбатлари ўтказилган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан таққослаганда, 68,3 фоизга кўпдир.

²⁷⁶ Мазкур маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2017, 2018 йиллар ва 2019 йил 1-чорагига оид маълумотномаларига асосланган ҳолда келтирилган / <https://stat.uz> сайти.

Мазкур конференция ва давра суҳбатларининг 75,5 фоизи умумий ўрта таълим мактабларида, 22,7 фоизи коллеж ва лицейларда, 1,8 фоизи олий таълим муассасалари ўтказилган. Республикада 2019 йилнинг 1-чорагида мазкур йўналишда ўтказилган тадбирлар сони 10 минг 826 тани ташкил этди, шундан 7 минг 357 таси умумий ўрта таълим мактабларида, 3 минг 196 таси коллеж ва лицейларда, 273 таси олий таълим муассасаларида ўтказилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи томонидан амалга оширилаётган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Биргина, 2017 йил июль ойидан – 2018 йил июнь ойигача бўлган бир йил вақт оралиғида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш ва уларни кескин камайтириш борасида республика миқёсида 1,2 млн. нафар ёшлар иштирокида жами 8.500 га яқин тарғибот тадбирлари ўтказилган бўлиб, ушбу тарғибот тадбирларида 70 мингдан ортиқ тарғибот материаллари (плакат, буклет, флаер ва бошқа) ёшларга тарқатилган. Иттифоқ томонидан “Ёшлар ва қонун” лойиҳаси доирасида эса жами 10 минг 120 дан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилиб, тадбирлар давомида 1 млн. 483 минг 370 нафардан ортиқ ёшлар қамраб олинган²⁷⁷.

Амалга оширилган ишлар натижасида жиноят содир этган вояга етмаганлар сони 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 16,1 фоизга, 2018 йилда эса 2017 йилга нисбатан 36,3 фоизга камайишига эришилган. Шунингдек, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида жиноят содир этиш ҳолати 2017 йилда 15,2 фоизга камайган бўлса, 2018 йилда эса 37,8 фоизга камайганлигини кўриш мумкин²⁷⁸.

²⁷⁷ O'zbekiston yoshlar ittifoqining 1 yillik faoliyati (2017 yil iyul – 2018 yil iyun) davomida erishilgan natijalari to'g'risida hisobot // <http://yoshlarittifoqi.uz> сайти.

²⁷⁸ Мазкур маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси (2017 йил январь-декабрь) ва Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иқтисодий ҳолати (2018 йил январь-декабрь)га асосан келтирилган // <https://stat.uz> сайти.

Шу билан бирга, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш зарурати юзага келди. Ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 9 январда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармон²⁷⁹ аҳоли, жумладан ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини ошириш, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган ишларни янги босқичга олиб чиқди, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Хусусан, мазкур Фармон билан “юксак ҳуқуқий маданият — мамлакат тараққиёти кафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”да болалар учун махсус ҳуқуқий портал яратиш; маҳаллаларда “Ҳуқуқий ахборот куни” лойиҳасини ташкил этиш; ёшларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини ўргатишга қаратилган «Street law» (Кўча ҳуқуқи – оддий ҳуқуқ) лойиҳасини кенг жорий қилиш; таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари орасида ҳуқуқ фанидан республика миқёсида, жумладан умумтаълим мактаблари

²⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон.

бошланғич синф ўқувчилари ўртасида “Ҳуқуқ — бу тўғрилиқдир” мавзусидаги расмлар танлови, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим” республика кўрик-танловини, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловини ҳамда олий таълим муассасаларида “Ҳуқуқ билимдонлари” кўрик танловини ташкил қилиш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш; ёшидан келиб чиқиб аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг даражаси бўйича минимал талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, улар асосида фуқароларнинг ҳуқуқий билим даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиб бориш; Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳуқуқий интернет портални яратиш, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш мақсадида “Ҳуқуқий ахборот” радио лойиҳасини ташкил этиш ва амалга ошириш каби чора-тадбирларни белгиланганлиги ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали улар ўртасида жиноятчиликни барвақт олдини олиш, уларда ҳуқуқбузарликлар, турли ёт ғояларга нисбатан муросасизлик ҳиссини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, оиладаги нотўғри таълим-тарбия ёки ота-онанинг салбий намунаси, оммавий ахборот воситалари, жумладан Интернет тармоғидаги турли ижтимоий сайтларда ёритилаётган ва намойиш этилаётган экстремизм, терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа ёт ғояларни, жамиятда юз бераётган ҳодисаларга берилаётган ноҳолисона, бир ёқлама ёндашувларни ўзида акс эттирган ахборотлар ёшларнинг онгига нечоғлиқ салбий таъсир қилишини, уларда қонун ҳужжатлари ва жамият аъзоларига нисбатан ишончсизлик ҳисси уйғонишига сабаб бўлаётганлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Ўйлаймизки, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”да белгиланган чора-тадбирлар билан бирга қуйидаги таклиф ва тавсиялар ҳам ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади:

биринчидан, оила даврасида ҳуқуқий саводхонликни тарғиб қилиш мақсадида республика миқёсида «Энг ҳуқуқий

саводхон оила» кўрик-танловини мунтазам ўтказилишини ташкил қилиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

иккинчидан, ёшларни, жумладан болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш, уларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ахборот маҳсулотини айланишини Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилишини доимий равишда мониторинг қилиб бориш орқали мазкур қонун ижроси тўлиқ таъминланишига эришиш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи мустақил нормаларни киритиш;

тўртинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, жумладан жиноий ҳодисалар ҳақидаги хабарларни уларни ўқиган ёшларда нотўғри ҳуқуқий тушунча шаклланишини олдини олиш, уларда жиноятчиликка нисбатан мурасасизлик ҳиссини шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигида “Ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноий ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича методик тавсиялар”ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш.

ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Ш. Латипова

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрлар тайёрлаш институтини тингловчиси*

Туризм соҳаси дунё иқтисодининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса, кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Кўп мамлакатлар ушбу тармоқдан ўринли фойдаланган ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қарамоқда.

Туризм самарадорлиги оширилишида қуйидаги рақамларга назар ташласак: 2015 йилда энг кўп хорижлик меҳмонларни қабул қилишда Франция (83,7 миллион), АҚШ (74,8 миллион), Испания (65,0 миллион), Хитой (55,6 миллион) ва Италия (48,6 миллион) кучли бешликни эгаллашган. Германия, Буюк Британия, Россия ва Мексика кучли ўнталикдан жой олган. Бироқ бу кўрсаткич бўйича Европа ва Осиёнинг бир нечта шаҳарлари етакчилик қилмоқда. Бунга мисол қилиб Гонгконг (27,7 миллион), Лондон (17,4 миллион), Сингапур (17,1 миллион), Бангкок (16,2 миллион) ва Париж (15,0 миллион) каби шаҳарларни келтириш мумкин²⁸⁰.

Бундан ташқари туризм бўйича рақобатбардош мамлакатлар рейтингда дунёдаги (маданий захиралар, арзон инфратузилма, сайёҳлик маҳсулотлари нархи, хавфсизлик даражаси, халқаро шаффофлик жиҳатидан) энг жозибадор 140 та сайёҳлик маскани қайд этилган бўлиб, ушбу рўйхатда Қозоғистон 85-ўрин, Қирғизистон 116-ўрин, Тожикистон 119-ўринни эгаллаган, Ўзбекистон эса Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг охирги ўринда турибди. Бундан кўриниб турибдики, сайёҳлик соҳасида бизнинг оғриқли нуқталаримиз кўп. Шуни ҳисобга олган ҳолда,

²⁸⁰ <https://www.gazeta.uz2018/2019>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августда “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор доирасида туризм соҳасидаги бир қатор ислохотларни ўз ичига олган “2018-2019 йилларда Туризмни ривожлантириш бўйича чора тадбирлар дастури” тасдиқланди. Бунга кўра мамлакатимиз ҳудудларида замонавий туризм инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.²⁸¹

Шу ўринда мамлакатда ёшлар туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантирувчи ва амалга оширувчи “Ёшлар Туризмни ривожлантириш бўлими” ташкил этилди. Бу бўлим Ёшлар туризмнинг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотларини олиб боради. Ёшлар орасида Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш орқали уларда юртсеварлик туйғусини оширади ва ўтмиш тарихий дурдоналари билан таништиради.

2018 йилда Ўзбекистонга 5,3 миллион нафар сайёҳ ташриф буюргани, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,96% га ўсганини кўришимиз мумкин.²⁸² Лекин мамлакатимизнинг ҳозирги туризм ҳолати асосан тарихий шаҳарлар ва классик услубдаги обидалар, диний муқаддас қадамжоларга бой бўлганлиги сабабли ташриф буюрувчилар сони асосан катта ёшлиларни ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, биз бу масалага жиддий ёндашишимиз зарур бўлган ҳолат, бу ёшлар туризмни ривожлантиришда ёшларимизнинг ролини ва иштирокини ошириш, “тенгдошга-тенгдош” тамойили билан иш юритишимиз керак. Хўш, бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланаётган “Ёшлар туризми” нима?

- Ёшлар нимани хоҳлайди?
- Улар учун қандай турдаги хизматлар ва маршрут йўналишларини тақлиф қилиш керак?
- Ушбу маршрутлар нархи қанча бўлиши керак?

²⁸¹ О‘ЗА-“Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5326 sonli Farmon.

²⁸² www.stat.uz

Ёшлар туризми – бу саёҳатнинг ҳар-хиллиги, бунда ёшлар бир мақсадда ва дунёни билиш истаги билан ўзларининг ўртоқлари билан дам олишади.

Саёҳат буюк истиқболни, турли мамлакатлар маданияти, тарихи ва кўп янги нарсаларни ўрганиш имконини беради. Ёшлар учун тез-тез маълум чегирма ва бонуслар қилишади ва улар бундан катта мамнуният билан фойдаланишади. Халқаро талаба картаси мавжуд бўлса, бу уй-жойга пул тежашга ёрдам беради, чунки талаба ётоқхонада тунаши мумкин. Ҳаво ва темир йўл транспортига талаба ва ёшлар учун берилган бонус саёҳатчилар учун ҳам жозибадор, ҳамда уларнинг ота-оналари учун ҳам, шунингдек, транспортга тўлов - бу катта миқдордаги сафар харажатларига олиб келади. Ёшлар ҳар доим қийинчиликни енгиш, чидамлиликини ўрганиш ва ташқи дунёдан завқланиш ҳамда ўзларининг мақсадларига эришиш учун бир неча муаммоларни бартараф қилишлари керак. Ахир, ёшлар учун саёҳат - бу ҳаёт тарзидир.

Ҳар бир киши учун ўзининг қизиқарли дам олиши бор. Курорт, денгиз, куни бўйи ўйин-кулги ва қизиқарли янги танишувлар деярли ҳар бир ёш инсоннинг табиий ҳаёт ритмидир.

Ёшлар туризми туризмнинг махсус турларидан бири сифатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси, таълими, маънавияти, маданияти ва жисмоний ривожланишидаги муаммоларини ҳал қилишда муҳим омил сифатида баҳоланиб, ёшларнинг иқтидор ва қобилиятлари очилишига, ватанпарварлик туйғуларига таянувчи умуммиллий кадриятларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ёшлар туризмни тараққий эттиришнинг асосий ижтимоий вазифаси шундаки, у ёшларга хос типик қизиқишларни қондирибгина қолмай ёшларнинг касбга йўналишини ва келажакда ўз касбининг устаси бўлиши учун ҳаётини неъмат сифатида хизмат қилади. Ёшлар туризми бунинг учун шахснинг ижтимоийлашуви, унда ватанпарварлик умуминсоний кадриятларнинг ҳосил қилиниши каби ҳаётини муаммоларни ҳал қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Ёшлар туризмнинг ҳолати ва тараққиёт даража-

си туризм соҳаси назариясини билиш услубияти ва жорий амалиёт ҳолати билан боғлиқдир. Туризм соҳасида тадқиқотларнинг олиб борилишида мазкур жараёнга тажрибаси катта бўлган мутахассисларни жалб қилиниши ва симпозиумлар, семинарлар, ишбилармонлик давра суҳбатларининг ташкил этилиши ёшлар туризмни янада тараққий эттириш имкониятларини оширади.

Халқаро туризмнинг тараққий этиши ўз навбатида ички туристик маҳсулот учун талабни ҳам оширади. Демак туроператорлар ўз анъанавий фаолиятини диверсификациялашларига зарурат ошади. Мазкур фаолиятда ёшларнинг улуши юқори бўлиб бунга асосий сабаб ёшларнинг мослашувчанлиги янгиликларни ўзлаштириш имкониятлари юқорилиги ҳисобланади. Ёшлар фаол шаклда дам олишни хуш кўришади ва кўплаб сайёҳлик компаниялари энди бақувват ёшлар учун мўлжалланган махсус ёшлар турларини ташкил этишяпти ва уларни фаолияти куйидаги дам олиш кўринишларини таклиф этади:

Тоққа саёҳатлар - бу тоғларда дам олиш. Саёҳат тоғ оқимлари орқали, тоғ этаклари ва тизмаларида бўлади.

Сув туризми - денгизларга, кўлларга, дарёларга ва сув омборларига қайиқ, кема ва бошқа сув транспортлари орқали саёҳат қилиш.

Велосипед экскурсиялари - турли йўлларга, жарликларга, қумга, тоғ йўналишларига велосипедларда саёҳат қилиш.

Бундан ташқари, ёшлар орасида чанғи туризми ва алпинизм, квадросиклда сафар ва отда саёҳат жуда машҳурдир.

Ёшлар туризми бу доимий ҳаракат ҳисобланади. Ҳар куни айрим тўсиқларни бартараф этиш керак, ўзларини ва қийинчиликларни енгиб ўтишлари керак, сайёрамизнинг сеҳрли товушларини эшитишлари учун ва коинот атрофидаги буюкликни тушунишлари учун, муҳташам гўзалликни кўришлари учун тўсиқларни енгиб ўтишлари керақдир.

Албатта, ёшлар туризмни ривожлантириш зарур ва соғлом турмуш тарзини олиб боришга иштиёқманд ёшлар

учун буни янада жозибадор сайёҳликни бошқа шакллари билан бирлаштириш керак бўлади.

Туризм дунёдаги энг тез ривожланаётган бизнес турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, унинг ҳозирги босқичида ёшлар туризми фаолликдадир. Бундан кўриниб турибдики, ёшлар учун турпакетларни яратишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

1. Туристнинг шахсий афзалиги (дам олишдан нимани кўзламоқчи, нимани томоша қилмоқчи, қанақа категориядаги меҳмонхонада тунамоқчи);

2. Гуруҳнинг таркиби (ёшлар тенгдошлари билан мулоқот қилишни хуш кўришади, шунинг учун, бу ёш-гуруҳ категорияси тахминан бир хил даражада бўлишини таъминлаш зарур);

3. Қизиқарли дастур ва ҳиссий сайёҳлар жамғармаси (бу ерда дастур шундай мўлжалланган бўлиши керакки, бунда ёшларни умуман бир дақиқа бўлсада бўш қўймаслик керак, шу билан биргаликда шунинг учун ҳам ёш сайёҳлар гуруҳи осонлик билан кўпаяётганлигини таъкидлаш лозим, бундан ташқари, гуруҳ ичида муносабатлар муҳим ҳисобланади, қулай муҳитни яратиш ҳамма учун зарур);

Бугунги ёшлар учун туризмнинг муҳим қадрияти, бу уларнинг туризм соҳасига дунёнинг илм воситаси сифатида қарашидадир. Айниқса, туризм дунёқарашни кенгайтириш йўлларида бири сифатида тан олинади. Ёшлар қадриятларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: маънавий, ҳаётий эстетик, ижтимоий.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида халқ манфаати ва ватанимиз иқтисодиётини ривожлантириш ётибди. Хусусан, Ўзбекистонда эришилаётган муваффақиятлар замирида иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, барча соҳаларни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида етакчи тармоқлардан бири бўлган туризм соҳасини ҳам барқарор ривожлантириш ва бу соҳада ташаббускор ёшлар ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ ФАКТОРОВ НА ФОРМИРОВАНИЕ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЁЖИ В ПОСТСОВЕТСКИХ СТРАНАХ

А.Р.Акилов

доктор юридических наук

Б.Алимов

самостоятельный соискатель

Становление правовой культуры молодежи во всех странах рассматривается как одна из приоритетных задач государства по формированию подрастающего поколения в качестве полноценных членов общества, способных продолжить наилучшее развитие страны.

При этом, на формирование этой правовой культуры большое влияние оказывают социальные факторы, среди которых можно выделить следующие из них:

во-первых – факторы, которые окружают молодого человека в его повседневной жизни и присутствуют при занятии им общественно полезным занятием: учебой либо работой;

во-вторых – факторы, которые сопутствуют подрастающему юноше на всех стадиях его обучения: в школе, вузе, аспирантуре, а также его воспитания в семье;

в-третьих – факторы, которые связаны с окружающим молодежь медиапространством и источниками получения различной информации;

в-четвертых – факторы, которые непосредственно связаны с осуществляемой в стране государственной молодежной политикой.

Складывающаяся в постсоветских странах общественно-политическая и социально-экономическая ситуация напрямую связана с динамикой доминирующих в правовом сознании молодежи взглядов. Соответственно и радикальное воздействие на эту динамику в желательном для общества направлении возможно лишь в контексте конкретных позитивных изменений в общественном развитии. В про-

тивном случае правовое сознание молодежи может легко подвергаться деформации.

В целом, в правовом сознании как социальном явлении могут проявляться два его состояния: положительное и деформированное, которые, в основном, отличаются характером отражения правовой действительности и отношением их носителей к действующему праву, правосудию и законности.

При этом, под деформацией правового сознания мы понимаем социально-правовое явление, характеризующее такое состояние правового сознания, когда у его носителей складываются определенные взгляды, знания, чувства, идеи и представления, которые искаженно отражают правовую действительность и выражают отрицательное отношение к действующему праву, правосудию и законности, что приводит к формированию негативно ориентированного правового сознания.

Существует множество взглядов по вопросу основных форм проявления деформированного правосознания, однако, суммируя эти взгляды, можно выделить две основные из них:

первая форма - низкая правовая культура и правовое сознание, а в ряде случаях - открытый правовой «идеализм» молодежи, который проявляется в том, что они чрезмерно высоко, в отрыве от жизненных реалий оценивают право, как универсальное средство решения социальных проблем, абсолютируют социальную роль и место права в жизни общества, предъявляют завышенные требования к механизму правового регулирования;

вторая форма – стремление молодежи категорично отрицать право как социальное благо, его способности оказывать эффективное воздействие на общественные отношения, упорядочивать жизнь общества.

По мнению экспертов, деформированность правового сознания молодежи представляет собой результат ошибок, упущений и недостатков в правовом воспитании подрастающего поколения: в семье и учебных заведениях, по месту жительства и работы; просчетов в деятельности соответ-

ствующих государственных учреждений, общественных институтов; недостаточной, а главное - малоэффективной координации их усилий при осуществлении деятельности по профилактике правонарушений.

Отдельные специалисты к отрицательному фактору, влияющему на процесс формирования правового сознания молодежи, относят и кризис института семьи. При этом, ими, на основе проводимых социологических исследований, выделяются следующие факторы, обуславливающие девиацию правового сознания современной молодежи:

первый фактор – характеристика правового сознания молодых людей сложностью и неоднозначностью, где одновременно сочетаются стремление к законопослушному поведению и готовность нарушить закон ради личной выгоды;

второй личностный фактор, проявляющийся в личностной корреляции правовой зрелости с чертами волевого профиля личности и приоритетными способами разрешения конфликтов. Здесь целеустремленные, настойчивые и самостоятельные молодые люди демонстрируют более зрелое правовое сознание. У той части молодежи, которая предпочитает соперничество в конфликтных ситуациях, проявляются установки на противоправное поведение и даже вызов закону. Та часть молодежи, которая ориентируется на сотрудничество, напротив, демонстрирует большее уважение к закону и осознает опасность противоправного поведения и для личности, и для государства;

третий фактор – различные представления молодежи о патриотизме, престиже государства, чувстве национальной гордости, гражданственности, ценности права в целом. Уровень представлений и оценки данных явлений у молодежи, к сожалению, не является высоким.

Еще одна злободневная проблема молодежи - правовой нигилизм, который проявляется в различных формах:

Наиболее распространенная форма правового нигилизма - *неуважение, а порою и явное пренебрежение к закону* и стремление действовать вопреки требованиям правовых норм. Такое отношение к закону свидетельствует,

в том числе, об упущениях правоохранительной системы, а также не эффективности государственных мер по повышению правовой культуры и правового сознания граждан, в том числе молодежи. Как показывает зарубежный опыт, несоблюдение и неисполнение законов наносит не меньший вред общественным интересам, чем их прямое нарушение.

Здесь наиболее наглядно проявляется подмена правовых регуляторов иными регулятивными системами. Так, сталкиваясь с непреодолимой преградой, трудностью в жизни, в том числе юридического свойства, молодой человек стремится найти наиболее эффективное средство, которое ему наиболее доступно по времени и затратам использования, осязаемо по результатам. Именно по этим позициям право проигрывает своим конкурентам. Правовой нигилизм «высвечивает» недоступность для субъектов необходимых юридических средств либо сложность их использования. На этом фоне в молодежной среде развивается и крепнет список негативных социальных регуляторов, совокупно обозначаемых теневым правом.

Особенно беспокоит тот факт, что участие в тех или иных криминальных и полукриминальных группировках становится для молодежи социально престижным занятием. В результате это служит основным ресурсом для криминализации общества.

Другой формой правового нигилизма молодежи можно признать *постоянное их стремление подменить законность прагматической целесообразностью*.

При этом, государственные институты оцениваются молодыми людьми с точки зрения их непосредственной личной полезности или опасности. Они воспринимаются как инструменты достижения определенных целей, удовлетворения личных или корпоративных интересов. Законом руководствуются лишь в тех случаях, когда это удобно и выгодно, в противном же случае законом пренебрегают или выступают с его критикой. Такая критика может приобретать различные формы вплоть до демонстративного нарушения устанавливаемых требований.

Третья форма правового нигилизма молодежи проявляется в *отсутствии у них уважения к суду и другим правоохранительным органам.*

Как показывает повседневная жизнь, многие молодые люди предпочитают, в случае возникновения юридического конфликта, совершения в отношении их незаконных действий, не прибегать к помощи правоохранительных органов, не обращаться в суд, а решать проблему самостоятельно, при посредстве иных (зачастую криминальных) структур, уважаемых в соответствующей молодежной среде лидеров. Это связано как с негативным отношением к деятельности правоохранительных структур вообще, так и с неуважением к принимаемым ими решениям. Кстати такое явление было распространенным в Узбекистане в 90-х годах прошлого столетия.

Правовой нигилизм молодежи проявляется также и в *отсутствии у них интереса к политике, в целом, так и к происходящих в обществе и государстве событиям.*

Как показывают тенденции, происходящие в некоторых странах бывшего Союза, в особенности России, на формирование правового нигилизма в молодежной среде в значительной степени оказывают влияние и другие факторы социальной среды, в частности: *деидеологизация и коммерциализация общественных отношений, смена ценностных идеалов с ярко выраженной ориентацией на идеалы западной демократии,* в связи с чем, для правовой культуры молодежи последних лет характерен приоритет частных интересов по отношению к публичным, прагматическое восприятие государственно-правовых институтов, отрицание традиционных ценностей.

К сожалению, эти тенденции в некоторой степени проявляются и в молодежной среде Узбекистана.

Данную сложившуюся в молодежной среде субкультуру можно расценивать, в том числе и как форму протеста. Осознавая невозможность полного восприятия традиционных для культуры «отцов» ценностей и стереотипов поведения в правовой сфере, ее представители не уходят от реальности. Они создают новую культуру путем адаптации

сложившихся в западноевропейском обществе принципов правового регулирования к современной отечественной реальности. При этом, основной ценностью в рамках данной субкультуры выступают все те же личные эгоистические интересы. В качестве примера можно назвать поколение российских, украинских и белорусских «молодых реформаторов», вышедших из криминализованного поколения начала-середины 90-х годов и вошедших во власть на волне демократических преобразований, «исповедающих» лоббирование интересов бизнеса в противовес интересам общества/государства, идеология рыночного шока и либеральных ценностей.

Перечисленные субкультуры представляют собой модели так называемого деформационного либо протестного типа и, естественно, не могут рассматриваться в качестве перспективных направлений государственной молодежной политики. Вместе с тем, отвергая данные модели, равно как и модель тотальной политизации молодежи, имевшей место в условиях существования социалистической политико-правовой системы, современные новые независимые государства вплоть до настоящего времени не предложили альтернативной модели, которая обеспечила бы на практике формирование в молодежной среде положительного правосознания.

По нашему мнению, именно в переходный период в этих государствах необходимо усиление правового воспитания молодежи, которая, по примеру зарубежных стран, добившихся в этом вопросе наибольших положительных успехов (Германия, Австралия, Новая Зеландия, Япония, Южная Корея т.д.), может осуществляться по следующим направлениям:

В первом направлении целесообразно адаптировать правовые предписания к складывающимся в обществе ценностным ориентациям, что позволило бы создать при помощи правовых средств такую ситуацию, когда для человека соблюдение закона становится значительно выгоднее, чем его нарушение;

Во *втором направлении* было бы правильным выработать особую государственную политику в отношении молодежи в связи с особой социально-экономической незащищенностью данной категории населения и особой ее значимостью для будущего страны;

Третье направление можно посвятить выработке целого комплекса мер по совершенствованию деятельности правоохранительных органов, реабилитации их в глазах населения, привлечению молодежи к участию в обеспечении правопорядка;

Четвёртое направление должно быть нацелено на принятие государственных мер по формированию активной гражданской позиции молодежи, которая должна проявляться в широком использовании стимулирующих и поощрительных средств воздействия в различных сферах общественных отношений;

В *пятом направлении* государство должно создать режим наибольшего благоприятствования для проявления научной и творческой инициативы молодежи;

В *шестом направлении* особое внимание должно быть уделено правовому воспитанию и обеспечению процесса правопреемственности поколений в стране.

Все эти направления можно было бы определить в качестве приоритетных направлений в стратегии государственной молодежной политики, активно и не без успеха реализуемой в Республике Узбекистан. Кроме того, эти же направления было бы целесообразно закрепить в качестве основных принципов в Законе «О государственной молодежной политике».

МИГРАНТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ МУЎТИГА МОСЛАШУВИ: СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ.

Ф.Парманов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси докторанти*

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясида маҳаллаларда аҳоли орасидаги турли муаммоли

масалалар, хусусан, **миграция**, моддий ёрдам, ер олиш, уй-жой олиш, коммунал масалалар, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқалар бўйича ҳуқуқий ахборотни **буклет, флаер, лифлет ва плакатлар** шаклида аҳолига етказиш (1); долзарб ва аҳолини қизиқтирадиган ҳуқуқий масалаларни аниқлаштириш (уй-жой ва ер олиш масалалари, таълим муассасаларига жойлаштириш, алимент, моддий ёрдам, **миграция**, коммунал хизмат масалалари) ҳамда таҳлиллар асосида ва қонунчиликдаги соҳага оид янгиликлар бўйича **зарур ахборот-таҳлилий ва кўр-газмали медиа материалларни тайёрлаш ва эфирга узатиш** (2); меҳнат мигрантларига турли ижтимоий-ҳуқуқий масалалар, хусусан, миграция, ишга жойлашиш, таълим олиш, бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқий ахборотлар олишда тизимли ёрдам кўрсатишни ўз ичига олувчи **махсус ахборот сайтини** ишлаб чиқиш (3) кўзда тутилган²⁸³.

Миграция жараёнларини трансформациялашуви жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари тараққиётнинг турли босқичларида, умуман инсоннинг социал мобиллиги, хусусан миграция феномени социологлар томонидан ўрганилиб, унинг мазмунига аниқлик киритишга ҳаракат қилинган. Юзаки қараганда, миграция аксиоматик мазмунга эга, нисбатан батафсил комплекс-системали **ўрганилган** ижтимоий-тарихий ҳодисадек кўринади. Ваҳоланки, унинг структуравий тузилиши, функционал йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, мазмунидаги парадигмал ўзгаришлар динамикасини ўрганиш, социологлар билан бир қаторда бошқа фан вакилларининг ҳам тадқиқот объектига айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2017 йил 4-5 апрель кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди ва унда давлат раҳбарлари Россия Федерацияси ҳудудида

²⁸³ Жамиятда руғуғий маданиятни юксалтириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 9 январдаги Фармонида илова // www.lex.uz.

вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисида битим, шунингдек, Миграция соҳасида ваколатли органларнинг ваколатхоналарини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим имзоланишининг аҳамиятини юқори баҳоладилар ҳамда миграция соҳасида ҳамкорликнинг халқаро тан олинган шакллари янада ривожлантиришга кўмаклашишга тайёр эканликларини билдирдилар.²⁸⁴

Социологияда “миграция” категорияси, аввалдан ижтимоий муносабатлар трансформацияси воситаси сифатида изоҳланган²⁸⁵. Ваҳоланки, миграция ижтимоий ҳодисаси, уни ташкил қилган структуравий элементларнинг оддий, механик тарзда умумлашган, турғун ёки, аксинча динамик-мобил ҳолати эмас, балки муайян ижтимоий-сиёсий тизим элементларининг ўзаро алоқадор ва тақозоланган муносабатларини конкретлаштирадиган ва уларни намоён қиладиган, нисбатан универсал ҳодисадир. Миграция анчадан буён жамиятимиз ҳаётининг ажралмас феномени бўлиб қолган, бироқ уни олдингидек юқори даражада муаммоли кўриниш сифатида идрок этадилар. Бу жуда кўп сабаблар билан шартланган, жумладан, мигрантлар билан бевосита алоқада бўладиган ижтимоий институтлар, ташкилотлар ва ижтимоий гуруҳлар зиммасига юкланадиган вазифалар билан боғлиқ. Мигрантларни мослаштириш масалаларини зиммасига оладиган шундай ижтимоий институтлардан бири – таълим соҳаси ҳисобланади.

Мигрантларнинг талим муҳитига мослашуви муаммоларини кўриб чиқиш асосан педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқиладиганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу билан биргаликда, модомики, таълим субъектлари аввалдан турли ижтимоий мақом ва гуруҳларни тақдим этарканлар, муаммо кўшимча равишда нафақат педагогик, балки ижти-

²⁸⁴ Манба: <https://ria.ru/20170620/1496888794.html>

²⁸⁵ Фромм Э. Бегство от свободы. Человек для себя. Минск, ООО. Попурри. 1997. – С. 129.; Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. Москва, “Политиздат”. 1992.-С.159; Гелбрейт Дж.К. Новое индустриальное общество. -М.: 1969. – С. 124.

мой муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам идрок этилишга муҳтождир. Агар мигрантларнинг болалари ва уларнинг оилаларини мослашувини муҳокама қиладиган бўлсак, бундай болаларнинг таълим муҳити – мактаб, тенгдошлари, мактабдан ташқаридаги ҳаётдаги ижтимоий институтлар (қўшимча таълим, спорт, саломатлик ва ҳ.к.) билан ўзаро ижтимоий ҳаракатини таҳлил қилиш зарур.

Муҳит – турли инсонга оид ва моддий омиллар, таълим жараёнининг ресурслари, шунингдек, шахслараро муносабатлар асосида ўзаро ҳаракатланиш жараёни билан боғлиқ, бироқ турли ижтимоий ролларга эга бўладиган индивидлар ва гуруҳлар бирлигидир. Таълим муҳити чегаралари борлиқ, вақт, тизимлилик каби параметрлар бўйича белгиланади²⁸⁶.

Таълим муҳити нафақат ўқув материални трансляциялаш ва ўзлаштириш, балки ўқувчиларнинг мослашиши ва ижтимоийлашиши вазифаларини ҳам бажаради. Унинг потенциали нафақат кенглик билан, балки вазифаларнинг турли-туманлиги билан, шу билан бирга, ҳар хил: когнитив, қадриятли-мотивацион, ахлоқий даражада ҳам таъминланади. Когнитив даражада мамлакатлар ва элатларнинг маданий-тарихий ва ижтимоий ўзига хослиги, дунё маданиятининг намуналари ва меъёрларини ўзлаштириш таъминланади. Ахлоқий даражада мигрантларнинг ўз маданий тенглигини сақлаган ҳолда турли маданият вакиллари билан ўзаро фаол ҳаракати рағбатлантирилади. Таълим институтининг мослашувчан таъсири бир бири билан ўзаро боғланган ижтимоий институтлар – оила, жамиятнинг этник умумийлиги ва бошқа тузилмалари билан ҳам кучайтирилиши мумкин²⁸⁷.

Таълим муҳити вазият-ҳодисаларни ҳам, ишга оид ва шахслараро алоқалар соҳасини ҳам, илмий-педагогик мактабларнинг ўзаро таъсирини ҳам ўз ичига олади. У

²⁸⁶ Добренёв В.И., Кравченко А.И. Социология.- М.: Инфра-М, 2008.-С.198.

²⁸⁷ Барановский В.Г., Наумкин В.В. «Мир веры» и «мир неверия»: экспансия и редукция религиозности// Полис. Политические исследования. 2018. №6.

предметли-борлиққа оид ва ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш воситасида ижтимоий вазифани бажариш интеграцияловчи омили бўладиган ахборот муҳитидан иборат.

Шу билан биргаликда, таълим муҳотида мигрантларнинг ижтимоий-маданий мослашуви учун мавжуд бўлган потенциал билан бир қаторда уни жиддий оғирлаштирувчи омиллар ҳам бор. Аввало, бундай қийинчиликларга айна вақтда мигрантлар болаларининг мослашувини ягона таълимий доктринаси йўқ ва тегишли равишда педагогик ходимларнинг бундай болаларга таълим беришга, шу жумладан, хорижий тилларни ўқитишга тайёргарлиғни давр талабига мослаштириш муҳим аҳамият касб этади. Етарлича кўп ҳолларда мигрантларнинг таҳсил олаётган фарзандларига тенгдошлари салбий муносабатда бўладилар. Бундан ташқари, зарурий методик ишланмаларни жорий қилишда моддий компонент бўлмади, мигрантлар оилаларининг паст маданий даражаси ва уларнинг одамларга аралашмаслиги таълим муассасаларининг мигрантлар фарзандлари билан ўзаро ҳаракатига жиддий тўсиқ бўлади. Шунингдек, муваффақиятли мослашув учун асосий тўсиқлардан бири сифатида кўпчилик тадқиқотчилар мигрантларнинг рус тилини яхши билмасликлари ёки буткул билмасликларидир, дейдилар. Бу факт турли даражаларда тан олинади, шу жумладан, ҳукумат “Россия Федерациясига ташриф буюраётган мигрантларнинг янги авлоди – Мустақил ҳамдўстлик давлатлари иштирокчилари ўзларининг аввалги юртдошларига қараганда маълумоти, рус тилини билиши ва касбий-малакавий тайёргарлиги жиҳатидан паст кўрсаткични намоён қилаётганини” таъкидлайди²⁸⁸.

Шу билан бир қаторда, мигрантларни мамлакатга зарур бўладиган касбий-малакавий, таълимий, иқтисодий, демографик, ижтимоий-маданий ва бошқа тавсифномалари бўлганларни россия жамиятига муваффақияти мослашишлари ва интеграциялашувига ҳисса қўшадиган доимий турар-жой билан таъминлайдиган давлат дастурларининг йўқлиги тан олинади. Бунинг оқибатида мигрантларнинг

²⁸⁸ Кола Доминик. Политическая социология. М.: Издательство «Весь Мир», «Инфра - М», 2001

қабул қилувчи жамиятдан ажралиб қолиши, мигрантларга нисбатан салбий муносабатнинг ўсиши юзага келади. Шу аснода, мигрантларнинг муваффақиятли мослашувидаги аспектлардан бири таълим ва маданиятни ошириш орқали ижтимоий ва маданий масофани қисқартириш ҳисобланади.

Мослашув янги ижтимоий муҳитни ва у билан фаол ўзаро ҳаракатни кўзда туттади. Шу билан бирга, бу жараён икки томонлама ва муайян масъулият ҳамда мажбуриятни кўзда тутувчи тузилмалаштирилган характер касб этади. Кўпгина тадқиқотчилар мигрантлар фарзандларининг муваффақиятли мослашувидаги аспектлардан бири – рус тилини ўрганиш орқали маданий масофани қисқартириш, деб ҳисоблайдилар. бироқ мигрантларнинг мослашувидаги муаммоларни яхлит ҳал қилиш анчагина кенг ва уларни интеграциялашнинг ягона стратегиясини шакллантиришни талаб қилади. Бунда мигрантлар ва уларнинг фарзандлари учун ягона таълим стратегиясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш мумкин.

Замонавий реалликка қайтганча шуни таъкидлаш зарурки, кўпчилик тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича мигрантларни ижтимоий-маданий мослашиши – мураккаб ва кўп планли кўриниш. Бизнинг фикримизча, қабул қилувчи жамиятдаги мавжуд ахлоқ меъёрларини ўзлаштириш, мулоқот учун, шунингдек, тилга оид тўсиқларни тезроқ олиб ташлаш учун таълим муҳити аҳамиятли потенциалга эга. Таълим институти – бу нафақат маданият узатиладиган ва трансформация қилинадиган, балки жамиятнинг махсус вазифалари ва мақоми яратиладиган ҳамда юзага чиқариладиган муҳит.

Шу муносабат билан илмий жамоатчилик, давлат ҳукумати органлари, педагоглар ва таълим тизими раҳбарлари олдида таълим муҳити орқали мигрантларнинг мослашув механизмларини амалий жиҳатдан амалга ошириш юзасидан муҳим вазифа ҳисобланади. Мигрантларнинг ижтимоий-маданий мослашуви бўйича бошқа мамлакатларнинг, масалан, мигрантларни ўқитиш бўйича махсус интеграцияланган курслар орқали мослаштириш амалиётидан фойдаланиш фойдали бўларди. Қатор Европа мам-

лакатларида мигрантларнинг таълимий даражасини оширишда жиддий мотивация – бу иммиграция тўғрисидаги қонун бўлди, бу қонунга асосан тилга оид курсларни ташкиллаштириш бўйича барча харажатларни давлат зиммасига олади. Бундай таҳсилга қатнамаган мигрантлар, мамлакатда қанча муддат бўлишидан қатъи назар, истиқомат қилиш учун бериладиган гувоҳномани йўқотиш, ёхуд ижтимоий нафақанинг қисқариши хавфи остида бўладилар.

Баъзи хулосаларни чиқарганча, таъкидлаш зарурки, кўпчилик экспертлар томонидан таълим муҳитининг мослаштириш потенциали юқори баҳоланади. Бу соҳада таълим муассасаларининг имкониятидан бугунги кунда етарлича сушт фойдаланилмоқда, охириги йилларда қабул қилинаётган мигрантларнинг болаларини ижтимоий-маданий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳозирча эксперимент характерида олиб борилмоқда. Шунга қарамай, вақт кўрсатганидай, бундай тадбирлар анча кенг қамровга муҳтож.

**3-ШЎЪБА: ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ
АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**ФОНД «YOSHLAR – KELAJAGIMIZ» КАК
СПОСОБ СТИМУЛИРОВАНИЕ МОЛОДЕЖНОГО
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО**

Б.Б.Бахромбеков

Первый заместитель председателя

Центрального совета

Союза молодежи Узбекистана,

исполнительный директор

фонда «Yoshlar – kelajagimiz»

Фонд «Yoshlar – kelajagimiz» при Союзе молодежи Узбекистана это организация, *целями* которого являются всесторонняя поддержка молодежного предпринимательства, формирования условий для активного привлечения молодежи к занятию бизнесом, создания новых рабочих мест и обеспечения занятости молодежи, в соответствии с задачами Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

Основной **миссией** Фонда является реализация одноименной Государственной Программы, которая была инициирована Президентом Республики Узбекистан.

В целях привлечения молодежи к предпринимательству, а также для их всесторонней поддержки, Фонд предоставляет льготный кредит для реализации бизнес проектов.

Если рассмотреть результаты нашей деятельности, то, несмотря на достаточно короткий промежуток времени, Фонд зарекомендовал себя как **основного агрегатора** для реализации бизнес-проектов молодых людей в Узбекистане. В частности, Фондом только за период январь – май текущего года было финансировано более

1 300 молодежных бизнес проектов, совокупная сумма которого достигает более **264,9** миллиардов сумов, что эквивалентно **30,9 (тридцать целых девять десятых)** миллиондолларам США. Направленные на финансирования молодежных проектов средства также несут определенную социальную нагрузку, которая выражается в создании более **4 000 (четырёх тысяч)** новых рабочих мест в рамках данных проектов.

Молодежные бизнес проекты, которые осуществляются во всех регионах нашей страны, являются точками социально-экономического развития молодежи в Республике, реализуя их потенциал путем создания собственного бизнеса.

Кроме того, в рамках Государственной программы на местах создаются коворкинг-центры и комплексы индивидуального труда молодежи, которые постепенно становятся элементом инфраструктуры для молодежного бизнеса.

Стоит отметить, что Фонд играет роль также и платформы для обмена опытом и знаниями между молодыми предпринимателями страны. К примеру, Фондом был организован Форум молодых предпринимателей Узбекистана, а также выставка продукции молодых предпринимателей, деятельность которых было финансировано в рамках данной Государственной программы.

Стоит отметить, что филиалы Фонда, которые функционируют во всех городах и районах Республики играют роль проводников для местной молодежи в мир стартапов и бизнес инициатив. Функции Фонда не ограничиваются выдачей кредитов и выполнением других аппаратных задач.

Так со стороны Фонда, на местах были организованы **162** бизнес семинаров на темы открытия бизнеса, основ налоговой политики и составления собственного бизнес-плана, совокупная аудитория которых составила более **4 000** молодых начинающих предпринимателей.

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МОЛОДЁЖНЫХ СООБЩЕСТВ В РОССИИ И ЗА РУБЕЖОМ

Е.А.Белая

*Сибирский институт управления –
филиал Российской академии народного
хозяйства и государственной службы,
г. Новосибирск, Россия*

Современный мир быстро меняется. Преобразуются привычные формы общения и деятельности, которые всё больше зависят от технологий. Значительно изменились ценности и традиционные представления о нормальном или типичном. Поколения молодёжи, которые появились в конце 20 и начале 21 века уже сейчас рассматриваются как люди иной, цифровой эпохи, выступающие проводниками инноваций всех сфер социальной жизни. Поэтому не удивительно, что существенные перемены происходят и с молодёжными сообществами, которые всегда выступали для молодых людей значимой средой обретения социального опыта.

Наиболее очевидным фактором, определяющим особенности молодёжных сообществ, выступает повсеместное распространение интернета. Сегодня молодёжь является наиболее активным участником интернет-пространства, в рамках которого развивается своеобразная медиакультура. В связи с этим именно в молодёжной среде наиболее ярко проявляются черты нового общества, обладающего своеобразными ценностями и убеждениями, для которого свойственна демассификация и дифференциация на мелкие группы, интенсивность и непродолжительность реакций на информационные поводы, соотнесения реального и виртуального миров в процессе построения собственной идентичности. Формирующиеся в сети виртуальные молодёжные сообщества менее устойчивы, но они так же определяют актуальную повестку взаимодействия и мобилизуют вокруг себя определённую часть молодых людей [2]. Эти

сообщества имеют различную тематику, которая нередко задаётся тем интернет-ресурсом, вокруг которого они объединяются (так, например, политические интернет-сообщества появляются около социально-политических сайтов, он-лайн ресурсов политических организаций, электронных СМИ данной тематики; субкультурные интернет-сообщества возникают в социальных сетях и т.д., и т.п.). Такого рода сообщества могут существовать только в он-лайне, но могут и предполагать возможность общения офф-лайн.

Если первоначально онлайн сообщества (или онлайн-комьюнити) образовывались на основе возникающих технологических изменений в средствах коммуникации и рассматривались только как часть потребителей интернет-контента, то в последние годы исследователи видят в них полноценных социальных акторов, оказывающих существенное влияние на развитие новых моделей социального активизма. Это обусловлено тем, что в отличие от обычных пользователей интернета участники комьюнити имеют развитую внутреннюю коммуникацию, позволяющую структурировать общение и выступать в большей степени субъектами информационного взаимодействия, чем его объектами. То есть, такие сообщества развиваются в общей логике формирования любого молодёжного сообщества, социальные отношения внутри которого напрямую обусловлены характером социальной среды и происходящих в ней процессами. Более того, интернет даёт возможность установления именно неформальных отношений, что особенно важно для молодёжного сообщества, а уже в дальнейшем возникают процессы формализации и формирования специфической социальной реальности [3].

Современный социокультурный контекст позволяет сформировать достаточно различные социальные реальности. Во многом это также является следствием распространения интернета, так как его сложно разделить на отдельные сегменты (только языковой барьер может стать границей для участия в том или ином онлайн-комьюнити). Поэтому большинство виртуальных сообществ экстер-

риториальны и децентрализованы, а развитие сообщества протекает на основе процесса самоорганизации. Помимо того, что самоорганизация помогает развивать сообщество, она обеспечивает индивидуальный опыт саморегулирования, что можно рассматривать как значимый фактор формирования жизненной стратегии молодого человека в современных условиях, требующих готовности к действию в быстроменяющейся ситуации с высоким уровнем неопределённости [1].

Развитие современных молодёжных сообществ чаще всего происходит по сетевому принципу, что не соответствует традиционному иерархическому подходу с жёсткой централизацией и уровневый способом распределения коммуникативных потоков. Большая часть современной молодёжи предпочитает избегать жёстко структурированных сообществ, хотя именно они являются более устойчивыми и позволяют легче устанавливать контакты с социальными институтами и государственными структурами. Во многом это объясняется тем, что основными участниками молодёжных сообществ являются студенты, которые, по мнению исследователей, в большинстве обладают инновационным потенциалом и достаточно высокой степенью свободы мышления.

Однако надо отметить, что для российской действительности свойственно отсутствие молодёжных сообществ, деятельность которых непосредственно связана с конкретным учебным заведением, в то время как за рубежом такие университетские объединения есть практически во всех статусных учебных заведениях.

Есть и другие отличия российских молодёжных сообществ от зарубежных. Прежде всего, это количественный охват: в Европе более 40% молодёжи являются участниками клубных и общественных объединений, ассоциаций, основанных на общности интересов локального сообщества и способствующих закреплению в сознании молодого человека значимости социального участия. В России этот показатель соответствует примерно 25%, при этом наибольший процент даёт участие молодёжи в политических

движениях и организациях как прогосударственной, так и оппозиционной направленности, которые гораздо менее привлекательны в глазах их зарубежных сверстников.

С другой стороны, для Запада характерна низкая значимость онлайн-комьюнити в возникновении протестного движения. В России же именно виртуальные сообщества сегодня выступают средством мобилизации значительной части молодёжи. Как отмечают исследователи, виртуальные сообщества оказывают существенное влияние на молодёжь, формируя привлекательный образ различных форм поведения и, тем самым, вовлекая их в свою деятельность.

Общими особенностями развития молодёжных сообществ и в России, и за рубежом является распространение организаций социальной и защитной направленности, ориентированные на достижение конкретного результата и удовлетворяющие потребность молодых людей в реализации собственного личностного потенциала.

В целом можно отметить, что для современного развитого общества сегодня характерно проникновение технологий в различные сферы жизни, культурный и социальный плюрализм, внимание к индивидуальным потребностям личности. Это накладывает существенный отпечаток на процессы развития современных молодёжных сообществ, которые претерпевают изменения, сохраняя свою роль и значение для общества в целом и для отдельного молодого человека в частности.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРИ

Т.И.Бобакулов

*Тошкент молия институти профессори
Иқтисодий фанлар доктори*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев эътироф этганидек, “барчамиз яхши биламизки, тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятлари аввало ёшларга хос фазилат ҳисобланади. Демак, тадбиркорликка йўл очиш – ав-

вало, ёшларга кенг йўл очиб беришдир, десак, айна ҳақиқат бўлади”²⁸⁹.

Ўз навбатида, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш уларнинг тадбиркорлик фаолиятини етарли даражада молиявий ресурслар билан таъминлаш масаласини муваффақиятли ҳал этиш заруриятини юзага келтиради.

Ҳозирги даврда ёшлар тадбиркорлигини молиявий ресурслар таъминотида асосий ўринни давлат маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали берилаётган имтиёзли кредитлар эгаллайди. Бунда “Ёшлар-келажагимиз” жамғармаси маблағлари муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур жамғарма тижорат банкларига арзон ресурслар бериш билан бирга, тижорат банклари кредитлари учун гаровнинг етмаган қисмига кафолатлар ҳам бермоқда.

Бироқ, ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш амалиётига салбий таъсир қилаётган омиллар сақланиб қолмоқда. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Инфляция даражасининг нисбатан юқори эканлиги.

Халқаро валюта фондининг маълумотига кўра, 2018 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 20 фоизни ташкил этди.

Инфляция даражасининг юқори эканлиги маҳсулотлар таннархининг ошишига олиб келмоқда. Маҳсулотлар таннархининг ошиши эса, тадбиркорлар рентабеллигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Рентабеллик даражасининг пасайиши эса, ёш тадбиркорларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади. Чунки, кредитни қайтариш имконияти тадбиркорнинг рентабеллик даражаси билан белгиланади.


2. Миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллик даражасининг юқори эканлиги.

Миллий валюта муомалага киритилган вақтдаги (1994 йил июль) илк валюта савдосида сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 7,00 сўмни ташкил этган эди. 2018 йилнинг октябрь ойига келиб, унинг курси 8200,00 сўмдан ошди.

²⁸⁹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104-бет.

Миллий валютанинг бу қадар юқори суръатларда қадрсизланиши импортнинг қимматлашишига олиб келди. Импортнинг қимматлашиши эса, ўз навбатида, инфляциянинг кучайишига сабаб бўлди.

3. Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги.



Расм 1. Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси²⁹⁰, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига

1-расм маълумотларидан кўринадики **республикамизда** иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси Россия ва Қозоғистонга нисбатан сезиларли даражада паст.

Мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди ва макроиқтисодий ўсиш суръатларини оширишга тўсқинлик қилади.

Мамлакат иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлганлиги сабабли, иқтисодиётимизда тўловсизлик муаммоси мавжуд. 2017 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, республикамиз корхоналари ўртасидаги дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 98,1 трлн. сўмни ташкил этди, шундан 3,7 трлн. сўми муддати ўтган дебитор қарздорликдир²⁹¹ (мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан 39,4%).

²⁹⁰ Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон Марказий банкларининг 2017 йит якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

²⁹¹ Социально - экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. Статбюллетень. Госкомстат. – Ташкент, 2018. – С. 85.

4. Тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги ва баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг мавжудлиги.

2018 йилнинг якуни бўйича республикада тижорат банклари депозитларининг атиги 9 фоизи узоқ муддатли депозитларнинг ҳиссасига тўғри келди.

Республикада тижорат банкларида муаммоли кредитлар миқдорининг катта эканлиги ва трансформация ризиқининг чуқурлашиб кетганлиги баланслашмаган ликвидлик муаммосининг чуқурлашиб кетишига сабаб бўлди.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш қуйидаги тадбирларни шошилиш равишида амалга оширишни тақозо этади:

1. Инфляция таргетлаш режимини 2019 йилда жорий этиш ва пуллар таклифини тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш йўли билан инфляция ва девальвация муаммосини ҳал қилиш лозим.

2. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмининг кредит каналини кучайтириш ва давлат бюджети харажатларини ошириш орқали иқтисодийнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш лозим.

3. Тижорат банкларининг узоқ муддати ресурс базасини мустаҳкамлаш ва баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилишга қаратилган чора-тадбир мажмуини қайта кўриб чиқиш керак.

YOSHLAR TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSIALARNING O`RNI

N.Maxmudov

*Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti
Iqtisodiyot fanlari doktori, professor*

N.Avazov

Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti talabasi

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan yoshlarga oid davlat siyosati navqiron avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar

ruhida tarbiyalash, ularning intilish va tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash, iste'dod va salohiyatini keng namoyon etishi uchun sharoit va imkoniyatlar yaratishga xizmat qilmoqda. Zamonaviy bilim va ko'nikmalarga ega, mamlakatning munosib kelajagi uchun javobgarlikni o'z zimmasiga ola biladigan barkamol, maqsadga intiluvchan va serg'ayrat yoshlarni tarbiyalash mamlakatni barqaror va ildam rivojlantirishning eng muhim shartidir. So'nggi yillarda yoshlarning intellektual va ijodiy salohiyatini namoyon qilish, ularning fuqarolik javobgarligini va olib borilayotgan islohotlarga daxldorligini oshirish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Birgina 2016-yil 14-sentyabr "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi Qonunning qabul qilinishi yoshlarga katta e'tibor berilayotganing dalilidir. Bundan tashqari Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmonining 4.5-bandi "Yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish" deb nomlanib, undan quyidagi ustuvor yo'nalishlar belgilanib olindi:

- jismonan sog'lom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat'iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish;

- o'rta maxsus, kasb-hunar va oliy ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirish hamda xususiy tadbirkorlik sohasiga jalb etish;

- yosh avlodning ijodiy va intellektual salohiyatini qo'llab-quvvatlash va ro'yobga chiqarish, bolalar va yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish, ularni jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish;

- yoshlarni ijtimoiy himoya qilish, yosh oilalar uchun munosib uy-joy va ijtimoiy-maishiy sharoitlarni yaratish;

- yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishda davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, ta'lim muassasalari, yoshlar va boshqa tashkilotlarning samarali faoliyatini tashkil etish²⁹².

²⁹² Sh. Mirziyoyev "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" to'g'risidagi farmoni, PF-4947.

Bundan tashqari «Yoshlar — kelajagimiz» davlat dasturi qabul qilindi va u yoshlarning biznes tashabbuslari, startaplari, g'oyalari va loyihalarini ro'yobga chiqarishga ko'maklashish va qo'llab-quvvatlash, band bo'lmagan yoshlarni mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan mutaxassisliklar va biznes yuritish ko'nikmalariga o'qitish, shuningdek, umuman yoshlarning ijtimoiy-iqtisodiy faolligini oshirish orqali ularning bandligini ta'minlashga qaratilgan. Bu borada Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev ta'kidlab o'tkanlaridek, 2018- yilda bir qator tizimli ishlar olib borildi va "Har bir oila – tadbirkor", "Yoshlar – kelajagimiz" kabi dasturlar doirasida 2 trillion so'mga yaqin mablag' ajratilib, joylarda 2 ming 600 dan ortiq biznes loyihalari amalga oshirildi²⁹³.

"Yoshlar kelajagimiz" davlat dasturi doirasida "Yoshlar kelajagimiz" jamg'armasi tuzildi va jamg'arma faoliyati asosan yoshlar tadbirkorligini qo'llash, yoshlar bandligini ta'minlashga qaratildi va jamg'armaning quyidagi asosiy vazifalari belgilandi:

a) Tadbirkorlik sub'yektlarining loyihalarini amalga oshirish uchun tijorat banklari orqali yillik 7 foiz stavka bilan (bunda, bank marjasi 2 foizni tashkil etadi) imtiyozli kredit va mol-mulkni lizingga berish;

b) Tadbirkorlik sub'yektlariga Davlat dasturi doirasida beriladigan tijorat banklari kredit miqdorining 50 foizigacha, ammo 1 mlrd. so'mdan oshmaydigan miqdorda jamg'arma kafilligini berish;

Bunda, jamg'arma tomonidan taqdim etiladigan kafilliklarning umumiy miqdori jamg'arma mablag'larining 25 foizidan oshmasligi kerak.

v) Davlat dasturi doirasida amalga oshiriladigan tadbirkorlik sub'yektlari loyihalarida ular qiymatining 50 foizidan ko'p bo'lmagan miqdorda ishtirok etish, keyinchalik, jamg'arma ulushini 5 yil davomida realizatsiya qilish;

g) Tegishli ko'nikmalarga ega, band bo'lmagan yoshlar yashaydigan uy xo'jaliklari uchun 20 tagacha parranda va quyon bolasi, 5 ta mayda va 2 ta yirik qoramol sotib olish, ularning

²⁹³ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2019-yil uchun mo'ljallangan eng muhim ustuvor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.// Xalq so'zi, 2018 yil 29 dekabr.

qiymatini kelishilgan muddatlarda qaytargan holda ularni boqish va keyinchalik realizatsiya qilishda ko'maklashish.

Bundan ko'rinib turibdiki, hozirgi kunda yoshlar tadbirkorligiga va yoshlarni bandligini ta'minlashga katta e'tibor berilmoqda. Bu borada juda katta ko'lamli ishlar olib borilmoqda. Shu bilan birga, joylarda yoshlarning ijtimoiy-iqtisodiy faolligini oshirishga, ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb qilishga, yosh tadbirkorlarning istiqbolli g'oyalari va loyihalarini ro'yobga chiqarishga, shuningdek, shu asosda yoshlar bandligini ta'minlashga to'sqinlik qilayotgan tizimli muammolar hanuzgacha saqlanib qolmoqda. Xususan, yoshlar tadbirkorligini kompleks rivojlantirish va yoshlarni tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishga faol jalb qilish bo'yicha joylarda maqsadli dasturlar amalga oshirilmayapti hamda zarur infratuzilma yaratilmagan, bu esa, yangi ish o'rinlari yaratishning eng muhim sharti hisoblanadi. Joylarda davlat organlari va tashkilotlarining mansabdor shaxslari yoshlarning tadbirkorlik savodxonligini oshirishga, ularga biznes tashkil etish va yuritish ko'nikmalarini singdirishga hali ham befarq va beparvo munosabatda bo'lmoqda²⁹⁴.

Bugungi kunda mamlakatimiz aholisining taxminan 60% ni yoshlar tashkil qilmoqda. Bundan ko'rinadiki, hozirda yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish va yoshlar bandligini ta'minlash mamlakatimiz oldida turgan asosiy masalalardan biri hisoblanadi. Yoshlar innovatsion g'oyalari va biznes rejalariga investitsiyalar jalb etish bugungi kunning asosiy masalalaridan biridir. Bundan tashqari yoshlarga tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish uchun erkinliklar va sharoitlar yaratib berish tizimini takomillashtirish va turli imtiyozlar berish orqali ularda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishga bo'lgan tashabbuslarini yanada oshirish orqali mamlakatimiz iqtisodiy o'sishini ta'minlashga erisha olamiz.

Kelajakda yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish, ularga ichki va tashqi investitsiyalar jalb qilish va yoshlar bandligini ta'minlashga quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish orqali erisha olamiz:

294 "Yoshlar-kelajagimiz" Davlat dasturi to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmoni. 27.06.2018

- Yoshlarning biznes tashabbuslari, startaplari, g'oyalari va loyihalarini ro'yobga chiqarishga ko'maklashish;
- Band bo'lmagan yoshlarni mehnat bozorida talab yuqori bo'lgan mutaxassisliklar va biznes yuritish ko'nikmalariga o'qitish;
- Chorvachilik bilan shug'ullanish uchun imtiyozli kredit va mol-mulkni lizingga berish;
- Davlat-xususiy sheriklik (DXSh) shartlarida "Yosh tadbirkorlar" kovorking markazlarini, shuningdek savdo-maishiy va kichik ishlab chiqarish maydonlarini tashkil etish uchun mehnat kuchi haddan ziyod bo'lgan tumanlarda "Yoshlar mehnat guzari" komplekslarini qurish;
- Davlat dasturi tadbirlarini moliyalashtirish uchun O'zbekiston yoshlar ittifoqi huzurida "Yoshlar - kelajagimiz" jamg'armasini va uning tuman va shahar filiallarini tashkil etish.

Xulosa qilib aytganda, hozirgi kunda mamlakatimizda yoshlar tadbirkorligiga investitsiyalar kiritish va shu orqali yoshlar innovatsion g'oyalari, startaplarini va biznes loyihalarini moliyalashtirish muhim hisoblanadi. Bundan tashqari, yoshlar bandligini ta'minlash tizimini takomillashtirish, yoshlar orasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash mexanizimini takomillashtirish, yoshlarni ish bilan ta'minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik roli va ahamiyatini oshirish, yuqori texnologiyalarga asoslangan tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, yoshlarni tadbirkorlikka jalb etish va yoshlarning innovatsion g'oyalari va startaplariga investitsiyalar jalb etish va shu orqali mamlakatimizda tadbirkorlikni rivojlantirish bugungi kunda iqtisodiyotimizning barqaror o'sishiga erishishni ta'minlashning eng muhim omillari bo'lib hisoblanadi.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЁШ РАҶБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

З.Я.Раҳманов, Т.А.Хасанов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти*

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Собиқ иттифоқнинг бошқа мамлакатларида уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида уй-жой мулкдорларини манфаатларини кўзлаш мақсадида бу соҳа мутахассисларига касбий компетентлик ва ўз ишига виждонан ёндашувчанлик талабларини қўйиш масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Бунга коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналари бошқарувчилари ва аҳоли ўртасида юзага келган муносабат – истеъмолчиларга қониқарсиз ва сифатсиз хизмат кўрсатилаётгани сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, ушбу корхоналар бошқарувчилари ва аҳоли ўртасида “хизмат кўрсатувчи” ва “бююртмачи мижоз” эмас, балки “нарх белгиловчи” ва “тўловчи” муносабатини ривожланишига олиб келмоқда.

Уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш соҳаси ўз ичига уй-жой фондини бошқариш, уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатадиган иншоотларни қамраб олади.

Таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида, масалан, АҚШ, Канада, Мексика, Франция, Нидерландия, Венгрия, Польша, Словакия, Чехия, Сингапур, Малайзияда уй-жой фондини бошқаришга алоҳида тадбиркорлик тури сифатида қаралади. Яъни, бошқарувчи ташкилотлар уй-жой мулкдорлари уюшмалари билан тузилган шартнома асосида хизмат кўрсатади ва ундан фойда олади. Бу ҳолда бошқарувчи ташкилотлар уй-жой мулкдорлари олдида ҳисобот беришга масъул ҳисобланмайдилар. Сабаби, улар уй-жой мулкдорлари билан эмас балки, уларнинг уюшмалари билан тузилган шартнома асосида хизмат кўрсатадилар. Шунингдек, молиявий ресурсларни бошқариш, товар

ва хизматларга пул тўлаш бўйича қарорларни қабул қилиш бошқарувчи томонидан эмас, балки уй-жой мулкдорлари уюшмаларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Бошқарувчиларнинг таклифлари эса уюшма кенгашларига тавсия характерига эга бўлади.

Шу ўринда, мазкур соҳада дунёнинг айрим ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш натижаларига шуни кўрсатадики, аксарият мамлакатларда коммунал хизматлар кўрсатиш, жумладан, кўчмас мулк комплексини бошқариш, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш ишлари нотижорат ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ҳам кўп квартирали уйларда уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш ихтиёрий бирлашма сифатида Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) ҳамда Бошқарувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

ХУЖМШлар кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмаси бўлиб, улар хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этиладиган нотижорат ташкилоти ҳисобланади²⁹⁵.

1-жадвал

Хорижий мамлакатлардаги уй-жой фондини бошқариш тизими²⁹⁶


№	Мамлакат номи	Уй-жой фондини бошқариш тизими
1.	Америка Қўшма Штатлари	Аҳоли ҳудудий бирлашмалари – Planning Unit Developments (PUD), кондоминиумлар – Condominium Association
2.	Канада	Уй-жой кооперативлари – Housing Cooperatives

²⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги №-32 сонли Қонуни. 12 апрель 2006 йил, 3-модда.


²⁹⁶ С.А. Кирсанов. Зарубежный опыт управления многоквартирными домами. // Журнал “ЖКХ: журнал руководителя и главного бухгалтера”, № 10, 2011.

3.	Франция	Синдикатлар – Syndicat
4.	Финландия	Квартира акциядорлик жамиятлари – Квартирные акционерные общества
5.	Украина	Кўп квартирали уйлар эгалари бирлашмалари – Объединения совладельцев многоквартирных домов (ОСМД)
6.	Россия	Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва Уй-жой қурилиши кооперативлари – Товарищества собственников жилья (ТСЖ) и Жилищно-строительные кооперативы (ЖСК)

Бугунги кунда республикамызда 4787 та ХУЖМШ ҳамда 352 та Бошқарув корхоналар (2018 йил 1 январь ҳолатига²⁹⁷) 29409 та уй-жой биноларини бошқариш бўйича фаолият юритиб келмоқда.



Расм 1. Вилоятлар кесимида ХУЖМШлар ва Бошқарувчи корхоналар сони



Расм 2. ХУЖМШларнинг таркибига кўра тақсимоти

²⁹⁷ Тошкент шаҳар ХУЖМШ ассоциацияси маълумоти. 2016 й.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлиги бозор иқтисодиётининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, ўз ўрнида хизмат сифати ва ташкилотнинг ривожланиш мақсади билан узвий боғлиқ.

Бугунги кунда уй-жой, коммунал хизматлари бозорида хизмат кўрсатувчи корхоналарга юқори даражада талаб қўйилмоқда. Бу эса мазкур корхоналарга малакали раҳбарлар ва ходимлар жалб қилишни талаб этади.

Ривожланган давлатларда уй-жойни бошқариш бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Европанинг қатор давлатларида айнан уй-жойни бошқариш бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган техника олий ўқув юртлари ва махсус коллежлар фаолият юритади. Шунингдек, коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар жамиятлари томонидан ҳам бу йўналишда раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича умумий базавий, шунингдек, малака ошириш бўйича турли ўқув курслари таклиф этилади.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатларда ушбу фаолият турини амалга оширишга рухсат берувчи махсус малака ҳужжатига эга бўлиш уй-жойни бошқарувчилар учун шунчаки, қонунда назарда тутилган, қабилида эмас, балки бозор талаби ҳисобланади. Шунингдек, бу йўналишда малакали мутахассислар, хусусан давлат ёки халқаро миқёсда тан олинган махсус сертификатга эга бошқарувчиларга, мулкдорларнинг кўплаб ва юқори миқдорда ҳақ тўланадиган буюртмаларига эга бўлиш имконини беради.

Бу борада Германия тажрибасига эътибор қаратсак, мазкур корхоналар раҳбарлари олий маълумотли иқтисодчи, муҳандис, ҳуқуқшунос ёки ижтимоий хизматлар бўйича малакага эга бўлиши, шунингдек, хушмуомалали, музокара қила олиш ҳамда қарама-каршилиқларни (конфликт) ҳал эта олиш каби фазилатларга эга бўлишлари талаб этилади.

Венгрияда эса “Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, махсус профессионал тайёргарликни ўтаган шахсларгина кондоминиумлар бошқарувчилари бўла олишлари мумкин.

1999 йилдан бошлаб Венгрияда “кондоминиум бошқарувчиси” ҳамда “мулк бошқарувчиси” ихтисослигидаги

курслар махсус давлат лицензияси асосида олиб борилади. “Кондоминиум бошқарувчиси” ихтисослигидаги ўқув курси асосан турар ва нотурар жой мулкдорлари ширкатлари, яъни бевосита жой мулкдорлари мулкларини бошқариш билан боғлиқ масалаларни қамраб олган. “Мулк бошқарувчиси” ихтисослигидаги ўқув курси эса, жой мулкдорлари мулкларини бошқариш билан бир қаторда, мулкчилик шакли ва бошқарув усулидан қатъий назар, мулк билан боғлиқ барча масалаларни ўз ичига олган. Яъни, мулк билан боғлиқ инвестицион лойиҳаларни бошқариш, мулкни баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш, даромадлилик даражасини аниқлаш ва комплекс бошқариш бўйича режалар ишлаб чиқишга алоҳида урғу берилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Н.К.Шаисламова

*“Баҳолаш иши ва инвестициялар”
кафедраси катта ўқитувчиси, ТМИ*

Мамлакатимизда ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони²⁹⁸ қабул қилинди. Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун

²⁹⁸ Мазкур ПФ-5106-сонли Президент Фармони 05 июль 2017 йилда қабул қилинган.

30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида нишонлаш белгилаб қўйилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини **ривожлантиришнинг** бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Фармонда белгилаб берилган муҳим вазифалар қаторида Ўзбекистонда ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига катта эътибор берилиб, бир қатор қулай шароитлар яратилганлиги қайд этиб ўтилган. Масалан, таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солиғини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, жумладан, чет тилларни ўргатиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шуъба корхоналарини 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш, бунда корхона ихтиёрида қоладиган сумманинг 20 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш амалиётини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида 3 йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови, шунингдек, ташкилотнинг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича тўлов контракти миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш **жамғармаси** маблағлари ҳисобидан тўланиши белгилаб қўйилган. Бу эса, ёшлар орасида етук кадр ҳамда ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўлиш имкониятини оширишга кўмаклашади, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ёшларни фаол ва етакчи бўлишга ундайди.

Муҳим жиҳати шундаки, Республикамизнинг туман марказлари ва шаҳарларда Ёшлар тадбиркорлик кластерлари ташкил этилиши мўлжалланган. Фойдаланилмаётган давлат объектларини, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналаридаги объектларни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга тўловсиз ижарага бериш тартиби жорий этилиши эса, ёшлар орасида тадбиркорликнинг ривожланишига ижобий таъсир этади.

Шунинг билан биргаликда, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, айниқса, уюлмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантириш бўйича ҳамда ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқариши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларида бир қатор омиллар салбий таъсир этмоқда. Жумладан, ёшларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун **молиявий** ресурсларнинг йўқлиги ёки етишмаслиги, маъмурий ва ҳуқуқий тўсиқлар, уларда тадбиркорлик соҳасига оид билимларининг мавжуд эмаслиги ёки тажрибаларининг йўқлиги, янги ўсиб келаётган тадбиркор-ёшларни қўллаб-қувватлайдиган давлат ташкилотлари ва уларнинг фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларга эга эмасликлари асосий тўғаноқлардан бўлиб ҳисобланмоқда. Бундай шароитда, бизнингча, ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари давлат томонидан турли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали қўллаб-қувватланиши лозим.

Ёшлар орасида тадбиркорлик фаолиятини кенг тарғиб қилиш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мактабнинг юқори синф (14-17 ёшдаги) ўқувчилари учун тадбиркорлик бўйича амалий иш ўйинлари, семинар-тренинглар ва ўқув курсларини ташкил этиш ва ўтказиш;

2. “Ўзбекистоннинг ёш тадбиркори” номли республика кўрик-танловини ташкил этиш ва унга барча ёшларни жалб қилиш, кўрик-танловнинг ёш тадбиркорлар орасида “Энг яхши бизнес ғоя эгаси”, “Энг яхши ёш тадбиркор-бошқарувчи”, “Энг яхши инновацион лойиҳа эгаси” каби номинациялар бўлишини таъминлаш;

3. Ўзбекистонда ёш тадбиркорлик ва уни ривожлантириш масалаларига бағишланган, уларга нисбатан ижобий муносабат, уларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, ёш тадбиркор бўлишнинг ўзига хос афзалликлари ва уларнинг ижтимоий ҳаётда ортиб бораётган роли тўғрисидаги маълумотларни ёшларга етказиш;

4. Ҳалол ва масъулиятли тадбиркорликни тарғиб қилувчи ижтимоий реклама ва видеороликлар ишлаб чиқиш ва намоён этиш, жойларда ёшлар орасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир конкурс ва бизнес лойиҳаларни амалга ошириш ва бу ҳақда маълумотларни ёшларга етказиш;

5. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир кўрик-танловларда ғолиб бўлганларни давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, уларнинг бизнес режалари ёки лойиҳаларини амалга ошириш учун молиялаштириш механизминини ишлаб чиқиш;

6. Ёш тадбиркорлар учун коммуникацион, ўқув ва инвестицион майдон бўлиб хизмат қиладиган форумларни ташкил этиш;

7. Ёш тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида бизнес режалаштириш, шахсий ишбилармонлик ва бошқарув сифатларини шакллантиришга, уларнинг малакасини оширишга қаратилган ўқув курсларни ташкил этиш;

8. Йирик тадбиркорлар ва бизнес-консультантлар томонидан ёш тадбиркорларга семинар-тренинглар, мастер-класс (масалан, музокаралар олиб бориш, қарор қабул қилиш, ходимларни бошқариш каби шахсий бошқарувчилик сифатини ошириш мақсадида ҳамда корхона шакллари, корхоналар тўлайдиган солиқлар, лицензиялар олиш тартиби ва ҳ.к. каби тадбиркорларнинг бошқаришга доир билимларини оширишга қаратилган) дарсларни ташкил этиш;

9. Тадбиркорликка оид лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида фаолият юритаётган кичик корхоналарда стажировка ўташни йўлга қўйиш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш,

уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши лозим ва юқорида қайд этилган чораларнинг амалга оширилиши ёшлар орасида тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ КРЕДИТЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ш.Т.Ибодуллаев

Тошкент молия институти

Молиявий менежмент факультети 3-курс талабаси

Тижорат банкларининг кредитлари ёшлар тадбиркорлигини молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Ушбу кредитлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшларга бошланғич сармояни шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга эса фаолиятини кенгайтириш имконини беради. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ва мамлакат ҳукумати томонидан ёшлар тадбиркорлигини кредитлаш қўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга мурожаатномасида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масала эканлигини таъкидлаб, шундай дедилар: “ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар - келажакимиз” жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш зарур”²⁹⁹.

Эътироф этиш жоизки, республикамызда ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш, шу жумладан, кредитлаш жараёнларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш сиёсати давом эттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати

²⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 35-бет.

самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб, кичик бизнес корхоналари томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови учун ҳисобланган сумманинг 8 фоизини Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ўтказиш, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида турли фанлар, шу жумладан, чет тилларни ўрганиш, компьютер дастурларини тузиш ва тадбиркорлик асосларини ўқитиш мақсадида ташкил этиладиган шўъба корхоналарни 2027 йил 1 августга қадар барча солиқлардан озод этиш чоралари белгиланди³⁰⁰.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан тижорат банкларининг қиймати 1 млн. АҚШ долларидан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда компенсация бериш жорий қилинди:

* миллий валютада – қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкасида – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизигача бўлган миқдорда;

* хорижий валютада – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда³⁰¹.


Қайд этиш жоизки, ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш тизими давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган ҳозирги шароитда ёшлар тадбиркорлигини кредитлаш бо-

³⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №27 (787. – 18-бет.

³⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори//// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №34. – 880-модда.

расида долзарб муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Ана шундай долзарб муаммолардан бири – бу тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қайта молиялаш ставкасини 2017 йилнинг 28 июнида бирдан 5 фоизли пунктга оширилиши ва унинг йиллик даражасини 14 фоиз қилиб белгиланиши ҳамда инфляция даражасининг юқори эканлиги тижорат банклари томонидан сўмда берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори даражада ошиб кетишига сабаб бўлди (1-расм).



Расм 1. Ўзбекистон Республикасида Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси, инфляциянинг йиллик даражаси ва тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси³⁰²

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини ва инфляция даражасини юқори бўлганлиги тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкаларининг юқори бўлишига олиб келган.

Ўз навбатида, кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги ёш тадбиркорларни тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширишга тўсқинлик қилади.

³⁰² Расм муаллиф томонидан www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Ёшлар тадбиркорлигини кредитлаш борасидаги яна бир муаммо бўлиб, ёш тадбиркорларни кредитлаш амалиёти борасидаги молиявий саводхонлик даражасининг етарли эмаслигидир.

Фикримизча, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари юқори бўлган шароитда ёш тадбиркорларнинг тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш мақсадида, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини, ёш тадбиркорларнинг маҳсулотларни сотишдан олинган тушумида экспортнинг улушига қараб, давлат маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш тартибини жорий қилиш лозим.

Айтайлик, тижорат банки томонидан ёш тадбиркорга йиллик 28 фоиз ставкада кредит берилди. Ушбу тадбиркорнинг маҳсулотларни сотишдан олинган тушуми ҳажмида экспортнинг улуши 25 фоизни ташкил қилади. Демак, давлат кредитнинг фоиз ставкасини 25 фоизини тижорат банкка қоплаб беради. Бунинг натижасида тадбиркорга кредит йиллик 21 фоизга тушади. Агар тушумда экспортнинг улуши 50 фоиз бўлса, унда ёш тадбиркор берилган кредит учун йиллик 14 фоиз тўлайди.

Ёш тадбиркорларнинг кредитлаш амалиёти борасидаги молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида кредитлаш амалиёти бўйича катта билим ва кўникмаларга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва тижорат банклари ходимлари иштирокида 1 ҳафталик махсус ўқув семинарлар ташкил қилиш лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кредитлаш амалиёти бўйича ўқув-семинар тижорат банклари кредитлаш бўлимлари раҳбарлари учун ташкил қилинган. Аммо, ёш тадбиркорлар учун бундай махсус ўқув семинарлар ташкил қилинмаган.

Ўқув семинарлар ҳудудлар кесимида ташкил қилиниши лозим:

- *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти;
- * Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти;
- * Жиззах ва Сирдарё вилоятлари;

- * Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари;
- * Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари;
- * Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари учун алоҳида семинар.

Льготное кредитование как поддержка молодежных инициатив в малом бизнесе и частном предпринимательстве

Т.Х.Ахмедов

*Ташкентский государственный аграрный
университет*

В условиях динамичного развития науки и технологий, возрастания конкуренции в глобальном мире конкурентоспособность каждого государства и общества в этом процессе будет зависеть от интеллектуальной развитости молодежи и оказываемого внимания для полноценной реализации ее таланта и способностей.

Поэтому данный вопрос всегда находит свое отражение во всех стратегиях, нацеленных на обеспечение долгосрочного развития государств. Не стала исключением Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы. В ней отдельный раздел посвящен вопросам совершенствования государственной молодежной политики. Он охватывает комплекс приоритетов, призванный повысить эффективность государственной политики в отношении молодежи – 10 миллионов граждан Узбекистана или 31% населения страны.

В этом контексте необходимость создания Союза молодежи Узбекистана была продиктована самой жизнью, которая требует от организации решения самых актуальных вопросов в жизни молодежи, особенно по созданию достойных условий для обретения неорганизованной молодежью своего места в жизни, оказанию молодежи всемерной поддержки, обеспечению ее профессиональной ориентации и занятости, стимулированию ее инициатив в малом бизнесе и частном предпринимательстве.

В связи с этим, 4 мая 2018 года Правлением Уз-нацбанка и Центральным советом Союза молодежи Узбекистана было утверждено Положение «О порядке предоставления льготных кредитов молодым предпринимателям по рекомендации Молодежного союза Узбекистана по поддержке молодежного предпринимательства». В соответствии с этим положением Национальный банк Узбекистана, на основе рекомендаций Молодежного союза Узбекистана, даст возможность молодым предпринимателям в финансировании своих «start-up» проектов, имеющих статус юридического лица на основе бизнес-плана в размере до 3 000 (трех тысяч) минимальных заработных плат и молодым предпринимателям без юридического статуса – в размере до 1 000 (тысяч) минимальной заработной платы по 16% годовых, с льготным периодом в 6 месяцев, сроком на 3 года.

По данным кредитам со стороны Государственного фонда поддержки развития предпринимательства предусматривается, компенсация, которая выплачиваться в размере 3% за счет накопительных пенсионных счетов в соответствии с порядком выдачи льготных кредитов, согласно Указа Президента Республики Узбекистан №ПП-3634 от 29.03.2018г. «О внесении изменений и дополнений в постановление Президента Республики Узбекистан от 17.08.2017г. №ПП-3225 «О создании Государственного фонда поддержки развития предпринимательской деятельности». При этом проценты банку за данный кредит заёмщиком будет выплачиваться в размере 13% годовых.

На сегодняшний день Республиканской комиссией, созданной согласно меморандума о сотрудничестве, были отобраны проекты общей стоимостью 3 456,1 млн. сумов и уже выделены кредиты на сумму 720,8 млн. сум, охватывающие различные сектора экономики.

Кроме этого, Указом президента Узбекистана Шавката Мирзиёева от 27 июня утверждена Государственная программа «Yoshlar — kelajagimiz».

В документе отмечается, что с 1 июля 2018 года, начнется реализация государственной программы «Yoshlar – kelajagimiz» во всех районах и городах республики.

При этом, при Союзе молодежи Узбекистана создается Фонд «Yoshlar – kelajagimiz», а также его районные и городские филиалы с использованием средств фонда на финансирование мероприятий Государственной программы, в том числе:

- предоставление через коммерческие банки льготных кредитов и имущества в лизинг со ставкой 7 процентов годовых для реализации молодежных бизнес инициатив, стартапов, идей и проектов;

- выдачу поручительств по кредитам, получаемым в рамках Государственной программы, на сумму не более 50 процентов от размера кредита;

- участие в предпринимательских проектах, осуществляемых в рамках Государственной программы, в размере не более 50 процентов от их стоимости с последующей реализацией доли Фонда в течение 5 лет;

- приобретение до 20 штук молодняка домашней птицы и кроликов, 5 голов мелкого и 2 голов крупного рогатого скота для домохозяйств, в которых проживает незанятая молодежь, имеющая соответствующие навыки, оказание содействия в их выращивании и последующей реализации, с возвратом их стоимости в оговоренные сроки;

На условиях государственно-частного партнерства запланировано строительство:

- коворкинг-центров «Yosh tadbirkorlar» для предоставления молодым предпринимателям на льготных условиях аренды помещений, офисной техники и расходных материалов, доступа к сети Интернет, а также иного содействия

- в реализации молодежных бизнес инициатив, стартапов, идей и проектов, включая разработку бизнес-планов, оказание консультационных, юридических, бухгалтерских и других видов услуг, организацию форумов, мастер-классов и семинаров;

- комплексов «Yoshlar mehnat guzari» в трудоизбыточных районах для создания торгово-бытовых и малых производственных площадок.

Предварительное рассмотрение и отбор заявок на предоставление льготных кредитов и имущества в лизинг будут проводить специальные районные комиссии.

Основными задачами комиссий определены:

– организация совместно с закрепленными работниками территориальных органов инвестиционного и социального комплексов, а также финансирующих коммерческих банков, органами самоуправления граждан подворового обхода и встреч с населением в целях выявления незанятой молодежи, желающей заниматься предпринимательской деятельностью, диагностирования районов (городов) и формирования паспортов их молодежи;

– содействие в разработке молодежных бизнес инициатив, стартапов, идей и проектов, подготовке и оформлении необходимых документов и материалов с привлечением закрепленных работников территориальных органов инвестиционного и социального комплексов, а также финансирующих коммерческих банков;

– обеспечение по принципу «одно окно» рассмотрения заявок на оказание содействия в реализации молодежных бизнес инициатив, стартапов, идей и проектов, а также иных обращений в рамках Государственной программы.

Льготные кредиты и имущество в лизинг будут предоставляться сроком до 5 лет с льготным периодом до 12 месяцев через Национальный банк, АИКБ «Ипак Йули», АК «Народный банк» и АКБ «Хамкор банк». Срок рассмотрения коммерческими банками заявок на предоставление льготных кредитов и имущества в лизинг не должен превышать трех рабочих дней.

Выше перечисленные аспекты даёт основание утверждать, что в Узбекистане взят курс на повышение роли поддержки молодежи в проявлении инициатив в малом бизнесе и частном предпринимательстве. В этом плане делается акцент на всестороннюю поддержку молодежных инициатив как со стороны государства, так и со стороны молодежных организаций. Исходя из этого, можно утверждать, что на новом этапе развития Узбекистана молодежи отведено особое место.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

А.Ж.Қаххоров

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти катта
ўқитувчиси, (PhD)*

Замонавий иқтисодиётда лойиҳаларни бошқариш борасида янги концепцияси (Project Management) жадал кириб келмоқда. Олдиндан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича бюджет ва вақтли чегаралашлар доирасида амалга оширилган бу ўзгаришлар жараёни эса – лойиҳаларни бошқаришнинг муҳим хусусиятидир.

Ҳозирги вақтга келиб, лойиҳаларни бошқариш барча саноати ривожланган ва янги саноатли мамлакатларда инвестицион фаолият методологияси томонидан тан олинган. Мамлакатимиз амалиётида бу концепция дастурий – мақсадий дастурларнинг қўлланилишида ўз аксини топган. **“Инновацион лойиҳа” тушунчаси қуйидагича кўриб чиқилиши мумкин:**

– Хорijiy investitsiyalarni jalb qilishda ichki muhitni yaxshilash, soliq yukini kamaytirish va soliq tizimini soddalashtirish, xorijiy investitsiyalarni ro'yxatga olish tizimini soddalashtirish.

– Хорijiy sarmoyadorni qiziqtiruvchi sohalar, ob'yektlarni aniqlash va ular to'g'risidagi ma'lumotlar majmuini shakllantirish, biznes rejalar va ularni iqtisodiy rivojlantirish loyihalarini ishlab chiqish va iqtisodiy jihatdan manfaatli bo'lgan sohalarga chet el kapitalini jalb qilish.

– Tayyor mahsulotlar salmog'ini ko'paytirish, ayniqsa, qishloq xo'jaligi mahsulotlarni qayta ishlash sohasiga xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish.

– Chet el investorlari uchun qulay investitsion muhitni yaratib berish va ular uchun kafolatli qonunchilik tizimini takomillashtirish;

– Yoshlarga o‘z tadbirkorligini tashkil etishi uchun imtiyozli kreditlar ajratish mexanizmini yanada soddalashtirish va mazkur kreditlarni ajratish bo‘yicha chora-tadbirlarni faollashtirish;

– Eksportga ishlaydigan kichik va o‘rta korxonalarni ko‘paytirish va ularni samarali faoliyat yuritishlari uchun etarli shart-sharoitlar yaratish va davlat tomonidan imtiyozli kredit liniyalari hajmini oshirish.

Mamlakatimiz hududlarida yoshlarning bandlik darajasiini oshirish maqsadida hududiy rivojlanish loyihalariga hamda yoshlar tashabbuskorligi asosida ishlab chiqilgan loyihalarga tashqi va ichki investitsiyalarni keng jalb etish lozim. Mazkur holat, hududlarda yangi ishlab chiqarish ob‘ektlarini yuzaga kelishiga, hududiy iqtisodiy salohiyatning yuksalishiga, yoshlar bandligini ta‘minlash uchun yangi ish o‘rinlarini yaratilishiga va pirovardida aholi turmush farovonligini oshishiga xizmat qiladi.

Hududlarga investitsiyalarni keng jalb etishda va **korxonalarda** investitsion faoliyatni jadallashtirishda quyidagilarga e‘tibor qaratish lozim:

–xorijiy kapital mablag‘larining hudud iqtisodiyotiga kiritilishida hudud boshqaruvi idoralari tomonidan kafolat berish, ularning iqtisodiyotning turli sohalariga yo‘naltirilishi bilan bog‘liq jarayonlar, ya‘ni risk darajasini aniqlash, hududdagi mineral xom ashyosi konlariga doir ma‘lumotlar hamda mahalliy soliqlar va boshqa imtiyozlarni berish, xorij kapitali bilan mahalliy byudjet mablag‘lari hisobiga qo‘shma korxonalar ochish va h.k.;

–hudud miqyosida rivojlanish darajasi qoloq hisoblangan hududlarda iqtisodiy taraqqiyotga erishish uchun yangi ishchi o‘rinlari yaratilishiga subsidiyalar ajratish, ushbu hududlarda barpo etilgan yangi korxonalariga uzoq muddatli imtiyozli kreditlar berish soliq imtiyozlari joriy etish;

–hudud boshqaruv idorasi tomonidan muayyan investitsiya loyihalarining hudud ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi uchun ob‘ektiv zarurligini isbotlab berish hamda respublika byudjeti va boshqa jamg‘armalardan moliyalashtirilishiga erishish;

–makrodarajada hudud iqtisodiyotiga investitsiyalar kiritilishini jadallashtirishning huquqiy asoslarini yaratish, soliq bo‘yicha imtiyozlar, xususan soliq «ta‘tillari» berish, tezlashtirilgan amortizatsiya me‘yorlari tizimini ishlab chiqish

va chekka hududlar rivojlanishini qo'llab-quvvatlash uchun transport imtiyozlari joriy etish va h. k.;

– hududlarda istiqomat qiluvchi yoshlar o'rtasida ularning biznes yaratish borasidagi tashabbuskorligini faollashtirishga va ular tomonidan taklif etiladigan yangi investitsion loyihalarni amalga oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar tizimini joriy etish;

– yoshlarning kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanishlari uchun qulay moliyaviy-iqtisodiy shart-sharoitlarni yaratish hamda mazkur shart-sharoitlarni barcha hududlarda istiqomat qiluvchi yoshlarga batafsil havola etish.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, mamlakatimizda yoshlarning ish bilan bandligini ta'minlash, buning uchun yangi ish o'rinlarini yaratishga qaratilgan faoliyatni kuchaytirish, xususan yoshlarni kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish, yoshlarning biznes yuritish borasidagi loyihalarini moliyalashtirishga investitsiyalarni jalb etish istiqbolda milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishida muhim o'rin tutadi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎРТА ВА КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СОЦИАЛ АҲАМИЯТИ

Н. Аҳмедов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти бўлим бошлиғи*

Ижтимоий барқарорликни таъминлаш барча **тараққий-парвар** давлатлар сингари Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг ҳам устувор йўналиши саналади. **Республика**миз аҳолисининг 64% ни ташкил этаётган ёш авлоднинг соғлом ва уйғун камол топиши учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, уларни баркамол **шахслар** этиб шакллантириш бевосита Ватан истиқболи билан боғлиқ вазифа сифатида ҳар доим давлатимиз сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда. Ҳар бир давлат, жамият, халқ

ўз истиқболи, равнақи, ривожланишини биринчи навбатда табиий заҳиралари, қазилма ва бошқа бойликларидагина эмас, балки илмий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб етишида деб билади.

Ҳозирги кунга келиб дунё аҳолисининг 18% ни ёшлар ташкил этади³⁰³. Бу нисбий кўрсаткич албатта. Маълумки, бугунги кунда жаҳон мамлакатларида “ёшлар” тушунчаси турлича тасниф қилинади. Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида аҳолининг 16 ёшдан 30 ёшгача (баъзан 35 ёшгача) бўлган вакилларига ёшлар сифатида қаралади. ЮНЕСКО эса 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни ёшлар сирасига киритади. Аксарият МДҲ давлатларида эса (жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам) 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади³⁰⁴. Бугунги кунга келиб, ёшларга оид сиёсат юритиш, бу борада муайян сиёсий институтлар, жамоат ташкилотларининг фаолият олиб бориши кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қонунчилигида салмоқли ўрин тутаяди.

Ёш авлодга жамият тараққиётини таъминловчи куч сифатида ёндашув турли мамлакатларда ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланишига шароит яратди. Бу жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти катта рол ўйнади. Ўтган XX асрнинг 60-80 йилларида БМТ томонидан ёшлар қатламига бўлган муносабатнинг янгича принципларини белгилаб берувчи бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. 1965 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Ёшлар ўртасида тинчлик ғоялари, миллатлараро ўзаро ҳурмат ва тушунишни тарғиб этиш тўғрисидаги Декларация”си эълон қилиниши билан ёшларнинг ижтимоий муаммолари ташкилот эътибор марказидаги вазифага айланди. ЮНЕСКО йўналишида ёшлар муаммоларига дахлдор юздан ортиқ ҳужжат қабул

³⁰³ Доклад Генерального секретаря Организация Объединенных Наций. 9 November 2006. World Population Prospects: The 2004 Revision (Sales No. E.05.XIII.5) и United Nations, World Urbanization United Nations publication, Sales No. E.04.XIII.6).

³⁰⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20 ноябрь, 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992 й. 2-сон.

қилинди. Айнан ЮНЕСКО ташаббуси билан 1985 йилдан Ёшлар масалалари бутунжаҳон конгресси фаолият кўрсата бошлади ва шу йил БМТ томонидан “Халқаро ёшлар йили” деб эълон қилинди³⁰⁵.

1998 йилда ёшлар сиёсатига доир Лиссабон декларацияси қабул қилинди³⁰⁶. Бундан ташқари БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ёшлар муаммолари ва ёшлар сиёсатига дахлдор яна бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилган ҳамда қабул қилинган³⁰⁷.

Ёш авлодга жамият тараққиётини таъминловчи куч сифатида ёндашув турли мамлакатларда ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланишига шароит яратди. Бу жараёнда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти катта рол ўйнади. Ўтган XX асрнинг 60-80 йилларида БМТ томонидан ёшлар қатламига бўлган муносабатнинг янгича принципларини белгилаб берувчи бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. 1965 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг “Ёшлар ўртасида тинчлик ғоялари, миллатлараро ўзаро ҳурмат ва тушунишни тарғиб этиш тўғрисидаги Декларация”си эълон қилиниши билан ёшларнинг ижтимоий муаммолари ташкилот эътибор марказидаги вазифага айланди. ЮНЕСКО йўналишида ёшлар муаммоларига дахлдор юздан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Айнан ЮНЕСКО ташаббуси билан 1985 йилдан Ёшлар масалалари бутунжаҳон конгресси фаолият кўрсата бошлади ва шу йил БМТ томонидан “Халқаро ёшлар йили” деб эълон қилинди³⁰⁸. 1998 йилда ёшлар сиёсатига доир

³⁰⁵ Исторические аспекты становления молодежной политики и ее особенности в ряде стран: Германия, Канада, Великобритания, Франция. –М.: - 2009. www.albest.ru

³⁰⁶ Лиссабонская Декларация по молодежной политике и Брагский план действий в интересах молодежи. www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/pdf/lisbon.

³⁰⁷ Халқаро ҳужжатлар. Молодежь в Организации Объединенных Наций // библиотеке документов ООН, связанных с молодежью. Электрон ресурс — <http://www.un.org/youth.html>

³⁰⁸ Исторические аспекты становления молодежной политики и ее особенности в ряде стран: Германия, Канада, Великобритания, Франция. –М.: - 2009. www.albest.ru

Лиссабон декларацияси қабул қилинди³⁰⁹. Бундан ташқари БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ёшлар муаммолари ва ёшлар сиёсатига дахлдор яна бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилган ҳамда қабул қилинган³¹⁰.

Ёшларга оид давлат сиёсати деганда, давлат томонидан ёшларнинг мамлакат манфаатлари йўлида эркин ижтимоийлашуви ва ўзини самарали намоён этиши учун мақбул шароит ва имконият яратиш йўлида амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизими тушунилади. Бу сиёсат моҳиятан давлатни ривожлантириш, истиқболда рақобатбардошлигини таъминлаш ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзда тутди.

Мутахассислар фикрича, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмнинг қуйидаги асосий блоклари мавжуд:

1. Дастурий механизм: умумдавлат, минтақавий ва маҳаллий дастурлар.

2. Ахборот механизми: статистик маълумотлар, ёшлар муаммоларига оид социологик ва мониторинг тадқиқотлари натижаларини жамлаш, умумлаштириш, хулосалар бериш, оммавий ахборот воситалари кўмагида ёшларга оид давлат сиёсатини тарғиб қилиш.

3. Ташкилий механизм: ёшларга оид давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришнинг вертикал ва горизонтал, яъни ижроия ҳокимияти, шу жумладан, маъмурий органлар фаолиятини йўналтириш.

4. Сиёсий механизм: қонун чиқарувчи орган томонидан ёшларга оид қонунчилик базасини ишлаб чиқиш, қайта ишлаш, такомиллаштириб бориш.

5. Иқтисодий механизм: ёшларга оид давлат сиёсатини молиялаштириш тизими, шу жумладан, бюджетдан **ташқари молиялаш**³¹¹.

³⁰⁹ Лиссабонская Декларация по молодежной политике и Брагский план действий в интересах молодежи. www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/pdf/lisbon.

³¹⁰ Халқаро ҳужжатлар. Молодежь в Организации Объединенных Наций // библиотеке документов ООН, связанных с молодежью. Электрон ресурс — <http://www.un.org/youth.html>

³¹¹ Социальная служба: состояние и перспектива. М.: Изд-во СТИ МГУС.2001.

Ёшларга оид давлат сиёсати аввало ҳар бир давлатнинг ички сиёсати бўлиб, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мақсадга мувофиқлаштирилишига хизмат қилади. Бу ҳолатни, “ёшлар омили” кун сайин долзарб аҳамият касб этаётгани сифатида тушуниш мумкин. Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати турли давлатларда ўз олдига қўйган вазифаларига кўра ҳам нисбатан фарқланади. Айрим мамлакатларда ёшлар сиёсатида асосий вазифа сифатида ёшлар ижтимоий муаммоларини олдини олиш ва бартараф қилиш белгиланган бўлса, баъзи мамлакатларда ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва таълим соҳасидаги имкониятларини оширишга кучли эътибор қаратилади.

Ёшларга оид давлат сиёсати объектлари:

- болалар, 18 ёшгача бўлганлар;
- ёшлар, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқаролар;
- ёш оила, эр ёки хотиннинг бири (ёки иккаласи) 30 ёшга тўлмаган оилалар³¹².

Ёшларга оид давлат сиёсатини юритиш структуравий жиҳатдан фарқ қилса-да, аксарият мамлакатларнинг ёшлар сиёсатида умумийлик мавжуд. Буларнинг асосийлари куйидагилар:

- таълим, касбга тайёрлаш ва бандлик;
- соғлиқни сақлаш;
- ижтимоий ҳимоя;
- ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;
- маънавий-маърифий, маданий тарбия;
- ювенал ҳуқуқ;
- ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Маълумки, тараққий этган мамлакатларда ўрта ва кичик бизнес жамиятда ижтимоий–иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омили эканлиги амалиётда исбот-

³¹² Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20.11.1991 й; Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 07.01.2008. Бу турли давлатлар қонунчилигида турлича белгиланган бўлиши мумкин. Масалан, қаранг: Закон Украины “О содействии социальному становлению и развитию молодежи в Украине”; Закон Республики Казахстан «О государственной молодежной политике в Республике Казахстан».

ланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик бизнес кўп укладли иқтисодиётни яратиш, жамият ижтимоий барқарорлигининг асоси ҳисоб-ланувчи ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасида ўрта ва кичик бизнесни ёшлар орасида такомиллаштириш устувор вазифалардан бири сифатида эътироф қилинмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қатор ишлар амалга оширилди. “Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоизга ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айланганлиги эътиборга сазовордир”.

Ўтган вақт мобайнидаги илмий таҳлилларнинг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қатор муаммолар мавжуд. Ушбу ҳолат кичик бизнес субъектларининг бозор иқтисодиёти қонунлари талабларига мувофиқ ўз фаолиятини ташкил эта олмаганлиги ва ҳўжалик юритиш самарадорлигининг пастлигида намоён бўлмоқда. Амалиётдан маълумки, самарали фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларигина мамлакатда иқтисодий ўсишга ва бандликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадбиркорлик фаоллиги кичик бизнес самарали ривожланишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Давлат томонидан олиб борилаётган тадбиркорликни ривожлантириш сиёсати кичик бизнеснинг тадбиркорлик фаоллигини оширишдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, фаолликни баҳоловчи мезонларни таҳлил этиш, тадбиркорлик фаоллигини бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим дастаги сифатида чуқур тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда.

Тадбиркорлик иқтисодиёт субъектларининг мавжуд иқтисодий, табиий, меҳнат ва ақлий салоҳиятлардан самарали фойдаланиб юқори пировард натижаларга эришиши билан тавсифланиб, бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Бу эса ўз навбатида аҳолининг ёш қатламлари орасида ҳам ушбу соҳани такомиллаштиришда бир қатор муаммолар вужудга келаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви жараёни устун даражада тадбиркорлик фаолиятининг фаоллиги билан белгиланади. Айниқса, ёшлар орасида тадбиркорлик ишлаб чиқариш омилларидан оқилна фойдаланиши васамарали фаолият юритиши муҳима ҳамият касб этади. Кичик бизнес фаолиятини фаоллаштириш тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий моҳиятини чуқур назарий жиҳатдан билиш ва ўрганишга боғлиқдир. Инглиз иқтисодчиси А.Смитнинг фикрича, «тадбиркор – бу қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадидаги иқтисодий таваккалчидир, унинг ўзи ишлаб чиқаришни режалаштиради, ташкил қилади ва натижаларни ўзи тасарруф этади»³¹³, – деб таъкидлаб бозор иқтисодиёти шароитида рақобат эркинлигига эътибор беради. Ж.Б.Сэй ўз иқтисодий қарашларида тадбиркорликнинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш омилларини оқилна бирлаштириш ва комбинациялашдан иборат эканлигига эътибор қаратган. Унинг фикрича, «тадбиркор ишлаб чиқариш доирасида бошқа инсонлар фаолиятини ташкил этади»³¹⁴.

Тадбиркорлик назариясининг шаклланиши ва ривожланишига таниқли австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетер катта ҳисса қўшган. Унинг назариясига кўра, «Тадбиркорлик – яратувчанлик, янгиликни излаш демакдир»³¹⁵. У тадбиркорликнинг вазифаси янги ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш,

³¹³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: 1966. -С. 174, 176.

³¹⁴ Сэй Ж.Б. Троктан политической экономии. – М.: Экономика. 1980. -С. 17.

³¹⁵ Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: 1982. – С. 48.

янги хом–ашё турларини ўзлаштириш ва янги бозорларни топиб, товарларни сотишдан иборат, дея изоҳлайди.

Хулоса сифатида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, маҳаллий ва ички бозорни истеъмол товарлари билан таъминлаш, халқимизга турли-туман хизматлар кўрсатишни ташкил этишда ёшлар ўртасида кичик бизнес фаолиятини тобора такомиллаштириш давр талаби эканлигини кўрсатмоқда. Тадбиркорлик қанча ривожланса, моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳам шунчалик ривожланади. Шунинг учун ҳам, ёшлар орасида тадбиркорлик субъектларини фақат сон жиҳатидан ўсишига эмас, балки, сифат жиҳатидан ортишига эътибор қаратиш улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш эҳтиёжларини белгилаб беради.

РОЛЬ ТЕХНОПАРКОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Ж.Я.Исаков

*Студент Кредитно-экономического факультета
Ташкентского финансового института*

Как показывает опыт индустриально развитых стран мира, технопарки способствуют привлечению инвестиций в область инновационного предпринимательства, созданию качественной технологической и социальной инфраструктурной среды для развития инновационных предприятий, формированию благоприятных условий для развития инновационной деятельности, коммерциализацию результатов научных исследований и научно-технических разработок.

Как подчеркнул Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев, «необходимо с сожалением отметить, что, несмотря на богатые природные ресурсы и значительные финансовые возможности, большинство мусульманских стран не проявляет активность во внедрении инновационных идей и технологий в экономику»³¹⁶.

³¹⁶Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на первом саммите Организации исламского сотрудничества

В свою очередь, эффективность внедрения инновационных идей и технологий напрямую зависит от роли технопарков в экономике.

Как видно из таблицы 1, бизнес-инкубаторы и научно-исследовательские центры являются основными инструментами технопарков.

В традиционном представлении технологические парки являются более крупными, чем бизнес-инкубаторы.

Таблица 1

Основные инструменты, используемые технопарками мира для обеспечения развития инновационного процесса³¹⁷

№	Инструмент	Удельный вес технопарков, которые его используют
1	Бизнес-инкубаторы	88
2	Научно-исследовательские центры	72
3	Университеты	60
4	Учебные центры	58
5	Выставки и конференции	45

Субъекты малого частного предпринимательства, расположенные в технопарках, лучше выживают и растут, создают больше квалифицированных рабочих мест, распространяют новые технологии, что приносит положительный экономический эффект. Специализированная инфраструктура, привлечение экспертов и инвесторов, образовательные программы - всё это формируют питательную среду для высокотехнологичных компаний.

Как показывает опыт Китая, правительственная поддержка технопаркам в области налогового стимулирования имеет очень важное значение в повышении их эффективности: вновь созданные инновационные компании освобождаются от уплаты налогов на два года; предприятия, по науке и технологиям. – Ташкент, 2017.

³¹⁷ Таблица составлен автором на основе данных International Association of Science Park.

использующие перспективные разработки, выплачивают подоходный налог в размере 15% от его величины, экспортоориентированные фирмы – 10%³¹⁸.

Важно отметить, что в Стратегии инновационного развития Узбекистана в 2019 – 2021 годы конкретно указано, что развитие человеческого капитала является главным фактором, определяющий уровень конкурентоспособности страны на мировой арене и ее инновационного прогресса.

Во всех регионах Узбекистана планируется построить технопарки с современной инфраструктурой для отечественных компаний-разработчиков программного обеспечения. Срок исполнения - до 1 ноября 2019 года. Мера предусмотрена постановлением Шавката Мирзиёева «Об организации деятельности Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан». «Яшнабад» - пока единственный технопарк в Узбекистане, несмотря на то, что технопарками называют Юнусабадскую, Сергелийскую и Яккасарайскую промышленные зоны.

Для создания новых технопарков Республика Узбекистан активно сотрудничает с зарубежными странами как Южная Корея (учебно-исследовательский текстильный технопарк), Индия (технопарк программных и инновационных продуктов) и другими странами.

Проведенный анализ показывает, что ускорение внедрения технологических инноваций в субъектах малого и среднего предпринимательства стимулирует предпринимателей создавать инновационные продукты и выживать в высоко-конкурентной среде. И это является фундаментом для формирования национальной инновационной системы страны.

Для дальнейшего развития технопарков республики, на наш взгляд, необходимо завершить создание бизнес-инкубатора, что позволит существенно повысить количество резидентов технопарка.

В Узбекистане технопарки находятся на 1-ом этапе относительно мировой тенденции развития и существенно

³¹⁸ www.truat.ua/150937-kitai

отстают от мировых конкурентов, находящихся на 2-ом и 3-ем этапе. Для сокращения разрыва необходимо создавать виртуальные технопарки или коммуникационные сети для технопарков, которые станут коммуникационной площадкой для развития международных контактов между инноваторами.

На наш взгляд, в Узбекистане необходимо развивать все виды технопарков. При этом университетские технопарки должны занимать особое место в системе технопарков.

Как показывает опыт развитых стран, фундаментальные разработки ведутся преимущественно в университетах и в государственных научных центрах. Так, в США и Японии доля вузов в проведении фундаментальных исследований составляет около 60% исследований³¹⁹.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ИСПАНИЯ ВА ГОЛЛАНДИЯ ДАВЛАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

С.Д.Ходжаев

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти мутахассиси*

Ҳозирги кунда жамиятнинг тараққий этиши ва ижтимоий барқарорликнинг кафолати иқтисодий вазифалар билан бир қаторда ижтимоий функцияни бажарадиган тадбиркорлик фаолияти бўлиши лозим. У жамиятда ўрта синф шаклланишининг асосий манбаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳар хил шароитларда, турли шаклларда бўлган ва кейинги пайтда ривожланишининг бошқача кўринишига эга бўлиб бормоқда. Қонуний бозор иқтисодиётининг янада тараққий этиши тадбиркорлик шаклларини ҳам ўзгартиради³²⁰

³¹⁹ Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. Под ред. Б.З. Мильнера. – М.: ИНФРА-М, 2016. – С. 199.

³²⁰ Дуброва Т.А. Прогнозирование социально-экономических процессов. Университетская серия / Т.А. Дуброва. – М.: Маркет ДС, 2010.

Потенциал тадбиркорларнинг мотив ва социал йўл-йўриқларида ўзига хос хусусият мавжуд. Кишининг ижтимоий даъволари даражаси қанча юқори бўлса, унинг тадбиркорлик фаолиятига интилиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Ҳозирги шароитда тадбиркорлик фаолиятидан қанча кўпроқ даромад олинса, тадбиркорлик фаолликка нисбатан мойиллик шунчалик тез-тез кўзга ташланади. Тадбиркорлик – бу янги комбинацияларнинг амалга оширишнинг таваккалчилиги ва фойда олишга йўналганлик билан боғланган ижодий иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик истеъмолчиларнинг манфаатлари орқали тадбиркорнинг даромадларини ошишига йўналтирилган хўжалик новаторлиги ва иқтисодий эркинликнинг бирлиги сифатида характерланади. Шу билан бирга ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишнинг фойдалилик томонини баҳолашга асосланадиган тадбиркорлик фаолиятининг ижодий томони ҳам ажратиб кўрсатилади. Тадбиркорликни бу талқинда тушуниш ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқликни кўрсатади.

Дунёнинг кўп мамлакатларида кичик бизнес кўпгина имтиёзларга эга. Булар “солиқ таътиллари”, инвестиция кредити, солиқ ставкасини пасайтириш, кичик фирмаларга паст фоиз ставкасида кредит ажратган банкларга солиқ имтиёзларини тақдим этиш ва шу кабилардир. Шу билан бирга айрим мутахассислар кичик корхоналарга имтиёзлар беришнинг мақсадга мувофиқлиги масаласида баҳслашишади. Жумладан, Францияда сунъий усуллар билан йирик компанияларга қараганда кичик корхоналарга фойдали шароитлар яратиш керак эмас деган нуқтаи-назар кенг тарқалган. Бутун жамият манфаатлари учун нормал конкрет курашда мулкчилик, хўжалик юритиш шакли, ҳам ишлаб чиқариш кўлами жиҳатидан қатъий назар самарали бўлган корхоналар фаолият кўрсатиши керак³²¹. Хусусан, Россияда ҳам чет эл банклари кўп ҳолларда кичик бизнесга кредитлар ажратишни иташмайди. Улар одатда ишни яқинда бошлаган кичик бизнес вакилларига кредит ажратиш бўйича рад этишларни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлашади:

³²¹ Симагин В.Г. Федеральные округа России. Региональная экономика / В.Г. Симагин, Ю.А. Глушкова. – М. : КноРус, 2011

- кредитларни қайтариш масаласидаги хавотир;
- кредит олиш учун уни ўрнини босадиган гаров сифатидаги иншоот, буюм, мулк, воситаларга эга эмаслиги;
- фаолият кўрсатадиган корхоналардан фарқли равишда бизнесни янги бошловчиларда ўз ўзини молиялаштириш имкониятини йўқлиги;
- таклиф қилинган бизнес лойиҳаларда қарз олувчининг аниқ режалари кўзга ташланмаслиги.

Шунинг учун ҳам етарли маблағларга эга бўлмаган бизнесни яқинда бошлаган истиқболли тадбиркорларнинг оёққа туриб олишлари учун кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат билан банклар ўртасида турли ўзаро битимлар амалиёти мавжуд.

Бу борада Испания тажрибаси жуда қизиқиш ўйғотади. Чунки, Испания қисқа муддат ичида қаттиқ сиёсий марказлашувдан административ-ҳудудий бирликларга (мухтор ҳамжамиятларга) кенг ҳуқуқлар бериш билан демократик бошқарувга, иқтисодиётнинг асосий соҳаларини бюрократик назорат қилишдан тадбиркорлик эркинлиги тамойилларига асосланган хусусий секторни динамик ривожланишига ўтиш орқали катта муваффақиятга эришди. Кўпчилик кўзга кўринган мутахассис ва сиёсат арбоблари фикрича, айнан кичик бизнес соҳасида амалга оширилган пухта давлат сиёсати Испанияни Ғарбий Европадаги бешта ривожланган давлатлар қаторига киришига сабаб бўлди, бу давлатни хорижий инвесторлар учун жозибали қилиб қўйди, иқтисодиёт тузилмасини кескин ўзгартирди. Мамлакатда ижтимоий даражадаги ижроий органлари тизимида кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувваланиши саноат ва энергетика Вазирлигига юклатилган.

Бу вазирликка юклатилган асосий вазифаларга **махсус дастурлар (кичик ва ўрта корхоналарни диагностика қилиш, бошқарув кадрларини тайёрлаш, Европа Иттифоқи талаблари ва меъёрларига мослашувига кўмаклашиш ва бошқалар) ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларни миллий ва Европа Иттифоқи даражасига мувофиқлаштириш, Европа Иттифоқи доираси бўйича тушадиган бюджет тушумлари ва**

маблағларини тақсимлаш ва оқилона фойдаланишни назорат қилиш киради. Кичик бизнесга тегишли бўлган сиёсатни амалга оширадиган етакчи давлат ташкилоти бўлиб **кичик ва ўрта саноат корхоналари институти (IMPI)** ҳисобланади. Бу институт Испания саноати ва энергетика Вазирлиги тизимига кирадиган ўз бюджетига эга автоном (алоҳида) ташкилотдир. Институтнинг Вазирлик қошидаги идора бўлиши Испанияда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши аниқ ифодаланган соҳа йўналиши ва саноат сиёсатининг элементи эканлиги билан изоҳланади.

Шуни унутмаслик керакки, Испанияда кичик ва ўрта корхоналар бўйича аниқ қонунчилик тушунчаси мавжуд эмас, давлат қўллаб-қувватлов объекти ҳисобланадиган корхоналарнинг миқдорий ва сифатий меъзонлари корхоналарнинг маълум гуруҳларига йўналтирилган у ёки бу умумевропа, миллий ва ҳудудий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш пайтида қўлланилади. Умумийроқ қилиб олганда, ўрта корхоналарга ишловчилар сони 250 кишидан, кичик корхоналарга эса, 50 кишидан кам бўлмаган корхоналар киради. Алоҳида ҳолатларда эса, корхонанинг мулки, активлари, обороти, савдо ҳажмини характерлайдиган қиймат кўрсаткичлари ҳам қўлланилади. Ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият идоралари давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурлар доирасида корхонани кичик гуруҳга ажратиш учун аниқ меъзонларни белгилашга ҳақли. Институт фаолияти давлат маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Шу билан бирга унда алоҳида харажатлар сарфи ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, институт ахборот хизматлари, нашриёт ва инвестицион фаолиятдан (кичик корхоналар капиталида иштирок этиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун инфратузилма объектларидан) даромадларига эга. IMPI шунингдек, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш ва Европа Иттифоқи доирасида халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратилган маблағларнинг бир қисмини бошқаради.

Испаниядаги кичик бизнес масаласига бўлган эътиборни 1994 йилда бу мақсадлар учун ундан олдинги йилга нисбатан 40 фоизга кўпайганлиги ва мамлакат

бюджети харажатларининг умумий қисқариши ва ІМРІ нинг умумий бюджети 265 миллиард песетадан ортиқ бўлганлиги кўрсатиб турибди³²².

Институтнинг асосий фаолиятига қуйидагилар киради: *кичик ва ўрта бизнесни ахборот билан таъминлаш; кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш; ишлаб чиқаришнинг технологик ривожланишини рағбатлантириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш; корпоратив ҳамкорликни рағбатлантириш ва бизнес тузилмаларнинг биргаликдаги фаолияти.*

Ҳозир ІМРІ учун молиявий қўллаб-қувватлашнинг асосий шакли - корхоналарни кредитлаш ва субсидиялаш эмас, балки, янги тузилган тузилмалар капиталида иштирок этиш ҳисобланади. Бунинг учун, ІМРІ ўзаро кафолатлар дастурини амалга оширади.

Кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) вакиллари ўзаро кафолатчилик уюшмасини ташкил этишган. Ўзаро кафолатчилик уюшмалари банк ва бошқа молия муассасаларига ўз мижозлари учун қарз олишда кафолатлар бериш, шунингдек, ўз аъзоларини кредитлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишни мақсад қилиб қўйишган. КЎБдан ташқари, ўзаро кафолатчилик жамияти аъзолари бўлиб давлат муассасалари, мухтор жамоат идоралари, жамғарма кассалари, суғурта институтлари, бизнес уюшмалари, савдо-саноат палаталари ҳисобланади. Ўзаро кафолатчилик уюшмаларида иштирок этиш вақтинчалик ҳам бўлиши мумкин. Кафолатни олиш учун тадбиркор ўзаро кафолатлар жамияти акцияларини зарур кредит миқдорига мутаносиб равишда сотиб олишлари ёки қарзнинг 5% миқдорига тенг миқдорда депозит сифатида қўйиши керак. Шартномада кўрсатилган кафолат муддати тугаганидан кейин (қоида тариқасида, кредитни қайтариш муддатига тўғри келадиган) кичик корхона олдиндан сотиб олинган акцияларни комиссиян ундиришларни ҳисобга олган ҳолда сотиши, кафолат фондига тўланадиган бадални (комиссия йиғимидан ташқари) қайтариб олиши мумкин³²³.

³²² Regional economy. Series: Gold fund of the Russian textbooks / under the editorship of T.G. Morozova. – M. : UNITY-DANA, 2010. P 34.

³²³ Кузнецова О.В. Экономическое развитие регионов: Теоретические и

Бугунги кунда Испанияда жами 15 миллиард песета ва 10 миллиард песет кафолат фондига эга 25 та ўзаро кафолатчилик уюшмалари мавжуд³²⁴. Уларнинг фаолиятига 40 мингдан зиёд КЎБ иштирок этмоқда. 90 йилларнинг бошларида IMPI бу уюшмаларнинг асосий таъсисчиси эди, аммо, кейинроқ уларнинг улушидаги ўз капиталини бошқа автоном ташкилотларга берди. Аммо, бу ҳолат институт кредит кафолотчилиги тизимида ўз ваколотини тўхтатди деган маънони англатмайди. Институт томонидан ўзаро кафолотчилик уюшмалари фаолияти бўйича олиб борилган изланишлар асосида давлат билан биргаликда (IMPI номидан) қайта кафолатлаш тизими ташкил қилинди. У кичик ва ўрта бизнес томонидан ўзаро кафолотчилик уюшмалари билан давлат ўртасидаги кредитларнинг тўланмаслиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ҳамда зарур бўлганда ўзаро кафолотчилик уюшмаларнинг банк олдидаги қарзларини тўлаш учун қайтариш шарти билан молиявий маблағлар ажратиш билан ҳам шуғулланади. Кичик ва ўрта бизнес учун ўзаро кафолотчилик фаолиятида давлат (IMPI номидан иштироки) ва автоном ҳамжамиятларнинг 5.8 миллиард песет миқдоридаги иштироки кичик бизнесга умумий суммаси 170 миллиард песетдан ошиқ бўлган 40 мингга яқин кредитлар олиш имкониятини берганлиги Испанияда қўлланиладиган кредит кафолотлари тизими самарадорлигидан далолат беради. Бу инвестициялар кичик корхоналарга, кўп ҳолларда кафолатлар бермасдан 187 минг иш ўринларини сақлаб қолиш ёки яратишга имкон берди. Бу кредитлар умуман олинмаслиги ҳам мумкин эди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун кредитлар даражасини аста-секин камайтириш, кичик корхоналарда молиявий бошқарув даражасини ошириш, муваффақиятсизликка учраган тақдирда тадбиркорлик практические аспекты государственного регулирования / О.В. Кузнецова. – М. : ЛИБРОКОМ, 2009.

³²⁴ Клещенко Ю.А., Лукашевич А.Ю. Зарубежный опыт развития и поддержки предпринимательской деятельности в зеркале становления современной экономики российской федерации. // Отраслевые научные и прикладные исследования: Экономика и управление по отраслям. №4, 2017. С 162.

субъектларининг барча мулкдан маҳрум бўлишидан қўрқиб, банк кредитларига мурожаат қилмаслик сингари салбий омилнинг камайиши тизимнинг билвосита самарасини англатади³²⁵.

Голландияда кичик ва ўрта корхоналар юзга яқин ходимга эга бўлган корхоналардир. Улар Голландия иқтисодиётидаги иш ўринларининг 60 фоизини ташкил қилади. Бу эса ўртача 55% ни ташкил этадиган Европа Иттифоқининг кўрсаткичидан юқори. Голландиялик иқтисодиётнинг турли соҳаларида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг улуши бошқача кўринишда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари меҳмонхона ва ресторан бизнеси сингари хизматлар соҳаларида устунлик қилади, бу соҳаларда умумий ишловчиларнинг 96 фоизи, автосервис ва бошқа таъмирлаш секторида эса, уларнинг улуши – 88% ни ташкил этади. Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариш ва транспортда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бандлиги 39 ва 52 фоизни ташкил қилади. Чакана савдо, банк ва молия, суғурта ва бизнес соҳасидаги бошқа турли хил хизматларида бандлик ўзига хос кўриниш ҳосил қилган. Ишчиларнинг катта қисми йирик ва кичик корхоналарда ишлайди, ўрта корхоналарда эса, уларнинг улуши унча катта миқдорни ташкил этмайди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 17 фоизи, асосан, ишлаб чиқариш секторининг маҳсулотлари, шунингдек транспорт компаниялари хизматлари экспорт қилинади. Кичик ва ўрта корхоналар ишлаб чиқариш қувватини кўтариш учун катта миқдорда сармоя ажратмоқдалар. Барча инвестицияларнинг ярмидан кўпи тўлиқ ёки қисман бизнесни кенгайтиришга қаратилган, шу жумладан инвестицияларнинг 45 фоизи тўғридан-тўғри машина ва ускуналарни сотиб олишга йўналтирилади. 1990 йилларнинг бошларидаги иқтисодий депрессияда ишлаб чиқариш камайишига қарамай, Голландиядаги кичик ва ўрта корхоналар сони ўсишда давом этди. Шу билан бирга бизнесни яқинда бошлаган корхоналарнинг қисқа муддатли фаолият кўрса-

³²⁵Кудров В.М. Мировая экономика: социально-экономические модели развития В.М. Кудров. – М.: Магистр, 2009.

тишига тўғри келмоқда. Статистик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, янги ташкил этилган корхоналарнинг 25 фоизи икки йилдан ортиқ фаолият кўрсата олмайди. Учинчи йил мобайнида янги фирмаларнинг яна 34 фоизи иш фаолиятини тўхтатади. Лекин, кейинги 1,5 йил ичида фақатгина 10 фоизгина корхоналар ўз фаолиятини яқунлаган. Кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини тўхтатишнинг асосий **сабаблари** сифатида бозор (44%) ва молиявий (22%) характердаги муаммоларни кўрсатиш мумкин. Голландияда янги инвестицияларни рағбатлантириш бўйича миллий дастурлар тизими мавжуд. Улар асосан юқори технологиялар, энергетика, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иш билан бандликни ошириш ва касбий таълимни такомиллаштириш соҳасида лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш дастури асосан тадқиқот **институтлари** томонидан асосан кичик-кичик корхоналарга ёрдам беришга йўналтирилади. Бу корхонлар тадқиқот институтлари томонидан уларнинг манфаатлари учун қилинган иш харажатларининг 65 фоизини дотация шаклида олиши мумкин. Дотациялар олишнинг зарурий шarti бу каби йўл билан қўллаб-қувватланадиган тадқиқот ишлари корхона учун янги бўлиши, унинг натижалари эса, Голландия бозорига йўналтирилган бўлиши керак³²⁶. Голландиянинг иқтисодий жиҳатдан заифроқ бўлган ҳудудларида бизнесни ривожлантириш ва сармоя жалб қилиш учун ўша жойларда ўз фаолиятини ташкил этадиган компанияларга инвестиция мукофотлари (грантлар) тақдим этиш тизими яратилган. Одатда инвестиция мукофотлари куйидаги учта лойиҳалар гуруҳига тақдим этилади:

Саноат компанияси, завод ёки лаборатория; хизмат кўрсатиш ширкати ёки сайёҳлик агентлиги (хизмат кўрсатиш ширкати ва сайёҳлик агентликлари ўз фаолияти кўлами бўйича минтақавий доирадан ташқарига чиқиши лозим) тузиш.

Ишлаб чиқариш қуввати ёки банд бўлганлар сонини камида 20 фоизга кўпайтиришни кўзда тутадиган юқорида

³²⁶Дуброва Т.А. Прогнозирование социально-экономических процессов. Университетская серия / Т.А.

кўрсатилган корхоналар турларини ривожлантиришни мўлжалланган лойиҳалар;

Ишлаб чиқаришда кескин ижобий ўзгаришлар келтирадиган таркибий (структурали) лойиҳалар.

Биринчи ва учинчи типдаги лойиҳаларда инвестиция мукофоти ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа кўчмас мулклар (ерсиз) қуришга сарфланган харажатларнинг 25 фоизигача етиши мумкин. Мавжуд бўлган корхоналарнинг ривожланишиги йўналтирилган иккинчи типдаги лойиҳалар бўйича ҳам шундай миқдордаги кафолат берилади, аммо, лойиҳада кўзда тутилган кенгайтиришга беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда эришилади. Бошқа ривожланиш лойиҳалари учун грант миқдори 10% бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ушбу мақолада Ўзбекистон сингари қаттиқ назоратга асосланган иқтисодиётдан бозор механизмларига асосланган тизимга ўтган давлатларнинг бошланғич шароитлари ва тажрибасини бу маънода айниқса кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Испания тажрибасини ўрганиш юқорида таъкидлаганмиздек, қизиқарли ва фойдадан холи эмас. Испаниянинг айрим шаҳарларида ва минтақаларида иқтисодий стратегик ривожланиш режаларинг яратилиши ва уларни амалга ошириш тажрибаси Ўзбекистон шароитига кўпроқ мос келади. Бу режалар испаниялик ихтисослашган фирмалар томонидан ишлаб чиқилади ва у ёки бу минтақанинг барча ўзига хос хусусиятларини, жумладан, иқтисодий ривожланиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожигадаги ихтисосланганлик даражаси, тарихий ва маданий хусусиятлар ва бошқаларни эътиборга олади³²⁷.

Стратегик режалаштиришнинг асосий элементларидан бири кичик бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш ҳисобланади. Бунда бу муаммо алоҳида олинган масала сифатида эмас, балки, минтақада ҳал қилинадиган иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан чамбарчас боғлиқликда ҳал қилинади, бу эса, ўз навбатида кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва самарали қўллаб-

³²⁷ Региональная экономика. Серия: Золотой фонд российских учебников / под ред. Т.Г. Морозовой. – М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2010

қувватлаш имкониятини беради. Бу каби режалаштириш дастлаб Барселона шахрида иқтисодий ва ижтимоий тараққий эттириш учун қўлланилган ва Европа Иқтисодий Иттифоқи доирасида тан олинди. Хулоса қилиб айтганда, биз минтақавий ривожланиш бўйича Испания тажрибасини Ўзбекистонда ҳам қўллаш мумкин.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ СОЦИАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕЕ ПРИМЕНЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ж.О.Рахимова

*Магистрант исторического факультета
Национального Университета Узбекистана*

В современной экономике нашего государства все большее внимание уделяется социальным процессам, поскольку именно состояние общества будет определять дальнейшее развитие экономики страны. Государство уделяет большое внимание внедрению различных программ и проектов, направленных на решение социальных проблем государства.

Во многих зарубежных развивающихся государствах по статусу создана нормативно-правовая база, определяющая основные направления государственной помощи и ее реформирования в отношении социального предпринимательства³²⁸.

Италия считается первой страной Европы, где в законе закреплено понятие «социального предпринимательства» и определены меры государственных дотаций³²⁹. В 1990 году, был опубликован журнал «Социальное предприятие» (итал. Impresa Sociale), данный феномен социального предпринимательства распространился во всей стране.

³²⁸ Нестеренко Ю.Н. Развитие социального предпринимательства в экономике развитых стран: монография. М., 2017

³²⁹ Vanek W.M. Italian Social Cooperatives // Grossroots Economic Organization [Электронный ресурс]. URL: <http://www.geo.coop/archives/vanek.htm> (дата обращения: 30.11.2018).

В 1991 году правительство Италии учредила форму социального кооператива, созданную специально для развития социального предпринимательства и ставшей в настоящее время наиболее распространённой в Европе³³⁰.

Далее были приняты законы в Португалии, Греции и Франции на стимулирование социального предпринимательства. Основными законами по социальному предпринимательству в Португалии является «О кооперативах общественной солидарности», в Греции закон «О социальных кооперативах с ограниченной ответственностью», принятый в 1999, и законодательство Франции «О кооперативных обществах с коллективными интересами» 2001 года³³¹. С 2003 года в Финляндии стал действовать закон о социальных предприятиях, в котором четко нормировались условия приема на работу инвалидов и трудоустройства безработных, которые при этом могли участвовать в деятельности кооперативов и не лишались пособий по безработице³³².

Законодательство Бельгии о компаниях с социальной миссией, принятое в 1996 году, не ограничивало кооперативную форму социального предпринимательства³³³. Таким образом любая компания, основной целью деятельности которой не является получение прибыли, имела возможность получить статус компании с социальной миссией. При этом предусматривалось реинвестирование прибыли только на социальные цели.

Основным преимуществом европейского законодательства является регламентация правового режима

³³⁰Thompson J.L. The world of the social entrepreneur // International Journal of Public. Sector Management. 2002. Vol. 15. № 5. P. 412–431.

³³¹Alter K. Social Enterprise Typology. Virtue Ventures LLC. 2007. (revised version Nov. 27, 2007).

³³²Nyssens M., Defourny J. Conceptions of Social Enterprise and Social Entrepreneurship in Europe and the United States: Convergences and Divergences // Journal of Social Entrepreneurship. 2010. Vol. 1 (1). P. 32–53.

³³³Nicholls A. The Legitimacy of Social Entrepreneurship: Reflexive Isomorphism in a Pre-paradigmatic Field // Entrepreneurship Theory and Practice. Baylor University [Электронный ресурс]. URL: https://www.researchgate.net/publication/228270007_The_Legitimacy_of_Social_Enterpreneurship_Reflexive_Isomorphism_in_a_Pre-Paradigmatic_Field

управления социальными предприятиями, согласно которому состав руководящих органов создается из различных представителей заинтересованных групп лиц: представителей органов власти и местного самоуправления, добровольцев, предпринимателей. Руководящие органы социальных предприятий, как правило, применяют демократический стиль управления, что, например, не является обязательным условием в американской модели социального предпринимательства. В европейских правилах скорее учитывается стиль управления организацией и ее миссия, нежели определяется соответствие предпринимательской деятельности формальным условиям. В то же время есть примеры, когда вопросы стимулирования социального предпринимательства входят в компетенции не государственных служб, а специально созданных комиссий.

В некоторых странах, таких как Финляндия, Литва, Польша, Словакия и Швеция, под определение социального предпринимательства попадают исключительно так называемые социальные предприятия трудовой интеграции (Work Integration Social Enterprises, WISE). Они занимаются трудоустройством и адаптацией социально уязвимых групп населения.

Бурное развитие социального предпринимательства в Великобритании началось в конце 1990-х годов, что было связано с активизацией таких форм общественных предприятий, как кооперативы, коммунальные предприятия, добровольные организации и др. (company limited by shares); общество с ограниченными гарантиями (company limited by guarantee); и компании общественной пользы (community interest company)³³⁴

В настоящее время наиболее распространенными формами социального предпринимательства являются: общество с ограниченной ответственностью.

История развития социальных отношений в Республике Узбекистан берет свое начало с 90-х годов XX века и

³³⁴ Гришина Я.С. Британская компания общественных интересов (community interest company) как оптимальная модель социального предприятия // Вестник Волгоградского государственного университета. 2015. № 3. С. 187–192.

была неразрывно связана с созданными общественными организациями для инвалидов. Данные предприятия создавались с целью – обеспечение занятости инвалидов, не способных трудоустроиться на рынке труда. Помимо того, прибыль, отчисляемая дочерними предприятиями, позволила многим общественным организациям инвалидов отказаться от государственных дотаций и перейти на устойчивую самоокупаемость и самофинансирование. Распределение прибыли, направляемой предприятием обществу инвалидов, осуществлялось путем принятия решения общим собранием.

В настоящее время количество этих предприятий сократилось до менее двухсот, но они продолжают играть значительную роль в обеспечении занятости лиц с инвалидностью. Количество людей с инвалидностью, занятых на предприятиях при обществах инвалидов, составляет около двух с половиной тысяч, или около 8% от числа всех инвалидов, работающих в официальном секторе экономики республики³³⁵.

Понятие “социальное предприятие” в законодательстве Узбекистана отсутствует, но оно стало широко использоваться при обсуждении вопросов обеспечения занятости людей, не способных конкурировать и самостоятельно трудоустроиться в обычных условиях на рынке труда, а также вопросов обеспечения финансовой устойчивости и начиная с 2010 года, когда ПРООН совместно с Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан начали совместный проект по развитию социальных предприятий. Были созданы и оснащены оборудованием 10 пилотных социальных предприятий в различных организационно-правовых формах: дочерние хозяйствующие структуры при обществах инвалидов, дочерние хозяйствующие структуры при ННО, ООО, частное предприятие, государственное унитарное предприятие.

На примере пилотных предприятий была проанализирована их социально-экономическая выгода для государ-

³³⁵Источник: Аналитическая записка “Проблемы и перспективы обеспечения трудоустройства людей с инвалидностью в Республике Узбекистан”, 2012 г. ПРООН в Узбекистане.

ства и общества, а также представлены соответствующие рекомендации, насколько существующее законодательство и институциональная среда способствуют развитию социальных предприятий. ПРООН поддержала создание сети социальных предприятий в Узбекистане, провела первую Национальную выставку социальных предприятий, что позволило наладить информационный обмен и взаимную поддержку между социальными предприятиями в стране.

Данный анализ зарубежного опыта позволяет более полно и качественно оценить эффективность функционирования социального предпринимательства в Узбекистане, определить проблемы, требующие решения, а также сформулировать пути дальнейшего развития, опираясь на опыт ведущих зарубежных стран.

ЁШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Ф.М.Даминов

*Ўзбекистон Республикаси Президентини
хузуридаги ДБА қошидаги Ёшлар муаммоларини
ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини “Стратегик бошқарув” кафедраси
мустақил изланувчиси*

Замонавий шароитда инсониятнинг кунлик ҳаёти ҳамда унинг ривожланиши жараёнларида инновациялар ва янги технологиялар катта аҳамият касб этиб бормоқда. Айни пайтда, янги инновацион технологиялар янгиланиш ва амалий фаолиятга жорий этиш мисли кўрилмаган тезкорликни намоён этмоқда. Бундай вазият, фикримизча, нафақат бугунги кун, муҳими узоқ истиқболда юзага келадиган талабларга жавоб бериш имкониятини шакллантиришга йўналтирилган олий таълим тизимида стратегик **режалаштириш** тизимининг ролини оширишга доир муаммоларни алоҳида эътиборга молик бўлган масалалар жумласига киритилишини тақозо этади.

Шу ўринда қайд этиш зарурки, давлат ва жамият томонидан қўйилаётган талаблар доирасида олий таълим тизими олдида турган стратегик муаммолар ва тенденцияларни чуқур таҳлил этиш йўли билан уларни бартараф этиш йўллари топиш нафақат миллий даражадаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш, ишсизлик даражасини камайтириш, шунингдек, жаҳон бозорларида кучайиб бораётган рақобат курашида муваффақият қозонишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Давос шаҳрида ўтказилган 48-чи бутун жаҳон иқтисодий форуми экспертлари томонидан замонавий шароитда диярли барча олий таълим муассасалари фаолиятига хос бўлган асосий муаммо қайд этилган: “замонавий олий таълим тизими талабаларга аниқ ихтисосликни беришга йўналтирилган, аммо, бугунги кунда янги бозор ва креатив иқтисодиётга тезкор мослашиш имкониятига эга бўлган «универсал» ихтисосликка эга бўлган мутахассисларга бўлган талаб юзага келган ва мазкур талаб сўнгги йиллар давомида ўсиб бориш тенденциясини намоён этган”. Шу билан бир қаторда, олий таълимни модернизациялашнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

- инклюзив таълимни ривожлантириш, унинг вариативлиги ва диверсификациясини таъминлаш;

- яқин ва узоқ истиқболда юзага келадиган йўналишлар, шунингдек, «смарт» ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлаш;

- таълим ва фан, инновацион ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳа ўртасидаги интеграцион жараёнларни ривожлантириш;

- олий таълим тизимининг самарадорлиги ва таълим сифатини таъминлаш³³⁶.

Эътироф этиш зарурки, мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш борасида эътиборга молик бўлган чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қарамасдан, бугунги кунда олий таълим тизими фаолиятида жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон

³³⁶ <https://business-swiss.ch/2018/01/ve-f-2018-davos/> маълумотлари

Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йилнинг 24 октябрь кuni олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилишда таъкидлаб ўтганидек: «Иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир»³³⁷.

Таълимнинг ташқи муҳотида юз бераётган ўзгаришлар, шунингдек, ОТМ фаолиятини бошқариш механизмларининг қонунчилик нормалари асосида қатъий регламентацияланиши, мақсадларнинг номоддийлиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятининг муҳимлиги, таълим хизматлари ва илмий-тадқиқот ишланмаларининг ОТМнинг якуний маҳсулоти сифатида чиқиши, олинган фойдани тақсимлаш жараёнидаги чекловлар, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш ва бошқа масалалар бўйича ижтимоий жавобгарлик ОТМ стратегик режалаштириш тизимининг ўзига хослигини хусусиятлари ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, ОТМ фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегик режаларда эътибор қаратилиши зарур бўлган бир қатор стратегик тенденцияларни қайд этишимиз мумкин:

– биринчидан, олий таълим соҳасида бозор муносабатларининг кучайиб бориши. Бундай жараёнларнинг ўзига хос натижаси сифатида Бутунжаҳон савдо ташкилотининг кўп томонлама Уругвай раундида қабул қилинган “Хизматлар савдоси бўйича Бош келишув”ни келтиришимиз мумкин;

– иккинчидан, ижтимоий тизим сифатида олий таълим олдида ёш авлодни тарбиялаш ҳамда маданий-тарихий анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш вазифасининг сақланиб қолиши;

– учиндан, олий таълим тизига бозор муносабатларининг таъсири доирасининг кучайиб бориши таълим жараёнларининг иқтисодий моҳиятини товар ва хизмат нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш заруратининг юзага келиши;

³³⁷ <https://president.uz/uz/lists/view/2107> маълумотлари

–тўртинчидан, олий таълимда аниқ ихтисослашув ва универсаллик ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш муаммосининг кучайиб бориши;

–бешинчидан, олий таълим тизимини модернизациялаш жараёнларида илғор хорижий тажриба ҳамда миллий кадриятлар ва анъаналар ўртасидаги уйғунликни таъминлаш заруратининг мавжудлиги.

Фикримизча, юқорида қайд этилган ҳолатлар олий таълим муассасалари стратегик режалаштириш тизимини ўз аксини топиши зурур. Бу бир томондан ижтимоий-иқтисодий тизим томонидан таълим сифатига нисбатан қўйилган талабларни қаноатлантириш имкониятини берса, иккинчи томондан мамлакатни инновацион ривожлантиришда ОТМ ролини оширилишига ҳамда ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

И.Х.Камилова

*Тошкент давлат иқтисодиёт
университети таянч докторанти*

Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион кредитлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Хусусан, ўзбекистонда тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳиятининг пастлиги; тижорат банкларида инвестицион кредитларни тақдим этиш механизмидаги мавжуд камчиликлар; инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигини юқори эмаслиги; йирик инвестицион лойиҳаларини банклараро синдикат тузиш орқали инвестицион кредитлар бериш механизмининг такомиллашмаган-

лиги каби муаммолар ушбу йўналишда тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини асослайди.

Шунинг учун ҳам, мазкур мақоланинг мақсади **инвестиция** лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган. Мамлакатимизда ҳар қандай инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ушбу лойиҳани иқтисодий ва молиявий самарадорлигини чуқур таҳлил этилиши ва лойиҳани ҳаётийлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истиқболли инвестиция лойиҳаларини банклар томонидан кредитлашни кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида эътироф этилган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга ошириш давлат дастурида 2019 йилда умумий қиймати 16,9 трлн. сўм ва 8,1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Иккинчидан, ривожланаётган мамлакатларда тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини ривожлантиришнинг зарурий шarti – бу рискларни диверсификация қилишдир.

Учинчидан, тижорат банкларининг кредит экспансияси натижасида кредитнинг фоизини нисбий пасайиши капитал неъматларнинг жорий қийматини кескин ошишига олиб келади. Чунки, дисконтлаш паст бозор фоиз ставкаларида амалга оширилганда рентанинг кутилаётган оқимининг қиймати ўсади. Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради.

Қайд этиш жоизки, ҳозирги даврда республикаимиз тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллайди (1-жадвал).

1-жадвал**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг
кредитлари ва уларнинг ҳажмида узоқ муддатли
кредитларнинг улуши**

Кўрсаткичлар	Йиллар			2017 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши
	2015	2016	2017	
Кредитлар, трлн. сўм	39,8	52,6	110,6	2,8 марта
Узоқ муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги улуши, %	79,8	80,0	95,7	15,9 ф.п.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдори 2015-2017 йиллард ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, кредитлар миқдори 2017 йилда 2015 йилга нисбатан юқори суръатда (2,8 марта) ўсган.

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2015-2017 йилларда узоқ муддатли кредитларнинг тижорат банкларининг брутто кредитлари ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган ва ушбу кўрсаткичнинг 2017 йилда 2015 йилга нисбатан юқори ўсиш суръати кузатилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида инвестиция лойиҳаларини кредитлаш устувор аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради.

Юқорида қайд этилган ижобий жиҳатлар билан бирга, республикаимиз тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Ана шундай муаммолардан бири – бу миллий валютанинг қадрсизланиш суръати ва инфляция даражаси юқори бўлганлиги сабабли инвестиция лойиҳаларини кредитлаш самарадорлигига нисбатан салбий таъсир-

нинг юзага келганлигидир. Мазкур салбий таъсир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг ошиб кетаётганлигида ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий валюталарда олинган кредитларини қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларининг кўпайиб кетаётганлигида намоён бўлмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида миллий валютанинг АҚШ доллариغا нисбатан номинал алмашув курси ва инфляциянинг йиллик даражаси

Кўрсаткичлар	Йиллар			2017 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши
	2015	2016	2017	
Сўмнинг 1 АҚШ доллариغا нисбатан курси, сўм	2810	3231,5	8100	2,9 марта
Инфляциянинг йиллик даражаси, %	5,6	5,7	14,4	8,8 ф.п.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринади, Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда миллий валютанинг АҚШ доллариغا нисбатан юқори суръатда қадрсизланиши кузатилган. Ўз навбатида, миллий валютани АҚШ доллариغا нисбатан 2017 йилда кескин қадрсизланиши валюта сиёсатини либераллаштиришнинг бошланганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, мамлакатимизда валюта сиёсатини либераллаштириш 2017 йилнинг 5 сентябридан бошланди.

Шунингдек, 2017 йилда инфляциянинг йиллик даражаси олдинги йилларга нисбатан кескин ошган.

Таъкидлаш жоизки, инфляциянинг юзага келтирувчи омиллар таркибида табиий монополиялар маҳсулотлари ва баҳоларининг ўсиши муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, 2017 йилда бензиннинг нархи 57 фоизга, керосиннинг нархи 63 фоизга, мазутнинг нархи 610 фоизга ошди.

Тижорат банкларида узоқ муддатли депозитларнинг етишмаслиги муаммоси банкларнинг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасидаги яна бир долзарб муаммо ҳисобланади.

Фикримизча, тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Миллий валютанинг қадрсизланиш суръати ва инфляция даражасининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш самарадорлигига нисбатан салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида: биринчидан, 2019 йилда инфляция даражасини юқори бўлишини (Марказий банк 2019 йилда инфляциянинг йиллик даражасини 13,5-15,5% даражасида бўлишини прогноз қилган) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йилда инфляцион таргетлаш режимини жорий қила олмаслигини ҳисобга олиб, инфляцион таргетлаш режими жорий қилинганга қадар миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси учун 10 фоизли диапазонда валюта йўлакчаси жорий қилиш зарур; иккинчидан, инфляцияни юзага келтирувчи асосий омил бўлиб, табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиши ҳисобланганлиги сабабли, давлат бюджетидан табиий монополияларга субсидия бериш йўли билан, уларнинг маҳсулотлари ва хизматлари баҳолари ўсишининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш лозим.

Инфляция даражасини ва миллий валютанинг девальвация суръатини пасайтирилиши тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Хусусан, хорижий валютада берилган инвестицион кредитларни қайтариш даражаси ошади, маҳсулотлар таннархини пасайтириш имконини беради, банклар томонидан муомалага чиқарилган узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга хизмат қилади.

2. Тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестицион кредит-

лар бериш салоҳиятини янада ошириш мақсадида қуйидаги аниқ тадбирлар амалга оширилиши лозим:

– Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларини миллий валютадаги депозитларга белгиланган мажбурий захира ставкалари даражаларида белгилаш йўли билан мажбурий захира ставкаларини унификация қилишни таъминлаш керак;

– Миллий валютанинг девальвация суръати ва ялпи ички маҳсулот дефляторининг даражасини пасайтириш йўли билан банклар томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш керак;

– Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштираётган банкларга узоқ муддатли субординар кредитлар беришни йўлга қўйиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОНДА СИНДИЦИЯЛАШТИРИЛГАН КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Н. Ф.Каримов

*Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Ж.Х.Раззақов

Тошкент молия институти

Жаҳон амалиёти тажрибасидан маълумки, йирик лойиҳалар асосан синдициялаштирилган кредитлар ҳисобига молиялаштирилади. Бир қарз олувчининг кредитга бўлган эҳтиёжи банк учун белгиланган лимитлардан ошиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда бир неча банклар ўз маблағларини қўшиб (синдикат ҳосил қилиб) мижозларга синдициялаштирилган кредитлар беришади. Бу кредитни бошқа кредитлардан ажратиб турувчи жиҳати ҳам бунда бир неча кредит берувчи бўлади ва шунга мувофиқ кредит

риски ҳамда суммаси ҳам бир нечта иштирокчи банкларга бўлиниб кетади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилиб, кўплаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Лекин, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда синдициялаштирилган кредитлардан фойдаланиш жаҳон амалиётида муваффақиятли молиялаштириш усулларида саналсада, Ўзбекистонда кредитлашнинг бу усулидан фойдаланиш ўта заиф аҳволда бўлиб, бунга бир қатор омиллар таъсир этмоқда. Хусусан, банкларимизда узоқ муддатли барқарор реурсларнинг етишмаслиги, банкларнинг халқаро синдициялашган бозорида иштирок этмаслиги ва тажрибаларининг етишмаслиги, меёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўлақонли эмаслиги, рискларни самарали бошқариш механизмининг заифлиги каби муаммолар шулар жумласидандир. Ушбу мақоланинг мақсади ҳам мамлакатимизда синдициялашган кредитлаш механизмини тадқиқ этиш асосида уни такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлар шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда синдициялаштирилган кредитлаш бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низоми ва 2010 йил 6 ноябрда унга киритилган ўзгаришлар билан тартибга солинади.

Синдициялаштирилган кредитнинг суммаси ҳар бир иштирокчи банк балансида, унинг томонидан берилган кредит миқдорига тенг улушда акс эттирилади.

Қайтариш муддатлари пул оқимининг келиб тушиш истиқболига қараб, бир неча босқичда қопланишини кўзда тутувчи жадвал шаклида тақдим этилиши мумкин. Қайтариш муддати етиб келганда ва қарз олувчининг пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда, кредит муддати ўтган ссудалар ҳисоб-варағи орқали ундириб олишга тақдим этилади. Этакчи банк қарз олувчининг кредитни қайтариш

қобилиятини, берилган кредитдан мақсадли фойдаланиши ва гаров ҳолати ёки кафилнинг молиявий ҳолати бўйича кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторинг олиб боради. Ушбу мониторинг иштирокчи банклар талаби асосида, улар иштирокида ёки кредит шартномасида белгиланган тартибда ҳар бир иштирокчи банк томонидан мустақил амалга оширилиши мумкин.

Етакчи банк томонидан кредитлаш жараёнини нотўғри ташкил этилиши ва унинг натижасида зарар кўрилишига олиб келадиган қуйидаги ҳаракатлар бўйича жавобгар бўлади:

- кредит ҳужжатларини нотўғри расмийлаштириш;
- юзаки мониторинг ўтказиш;
- иштирокчи банкларга кредит қайтарилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар борлиги ҳақида маълум қилмаслик;

- қарз олувчининг депозит ҳисоб-рақамида **маб-лағлари** бўлган тақдирда, кредитларни қайтариш учун маблағларни ўз вақтида ўтказмаганлик ёки умуман ўтказмаслик;

- қарздорнинг тўловга лаёқатсизлиги туфайли кредит ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлай олмаганлиги учун масъулият синдикатлашган кредит тўғрисидаги келишув асосида барча иштирокчи банклар зиммасида бўлади. Қарз олувчи асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтармаса, етакчи банк бошқа иштирокчи банклар билан келишилган ҳолда, Фуқаролик кодексининг 280-моддаси, иккинчи қисмига мувофиқ судга мурожаат қилмасдан, ундиришни мустақил равишда гаров предметига қаратишга ҳақлидир³³⁸.

Гаровга қўйилган мулкни сотишдан тушган маблағ суммаси барчаси ҳисобланиб ёзилган фоизлар ва кредит қарзи қолдиғини қоплаш учун етарли бўлмаган тақдирда у иштирокчи банклар ўртасида уларнинг мазкур синдици-

³³⁸Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 16 июлдаги 15/4-сон қарори билан тасдиқланган “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низоми.

ялаштирилган кредит бўйича қарздорлик қолдиғидаги улушига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади. Синдициялаштирилган кредит қайтарилишини таъминлашнинг бошқа шаклларида ҳам иштирокчи банклар талабларини қондириш ҳудди шу тартибда амалга оширилади.

Синдициялаштирилган кредитлашнинг ташкилий асосининг ўзагини унинг тамойиллари ташкил этади.

Кредиторлар мажбуриятларининг алоҳидалиги. Ҳар бир банк кредит шартномасига кўра белгиланган миқдорда муайян кредит бериши шарт.

Агентнинг иштироки. Синдициялаштирилган кредитларда бошқаришни осонлаштириш учун банклардан бири барча синдициялаш жараёнини ташкил этувчи агентни тайинлайди.

Синдикатда демократия. Синдикатда энг муҳим масалалар банкларнинг кўпчилиги билан ҳал этилади (масалан, дефолт шароитида кредитларни муддатидан олдин қайтариб бериш талаби). Банкларнинг кўпчилиги умумий қарзга олган суммасидан 50 ёки 66% (2/3) ни ташкил этади. Синдикат учун мазкур тамойил энг мақбул ҳисобланади, чунки, бир нечта банклар битта синдикатда иштирок этганда, улар айрим масалалар бўйича бир овоздан мурсага келмаслиги ҳам мумкин ва кредитдаги энг катта улушни тақдим этган бирон бир банк-кредитор бошқа банкларга уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин.

Мутаносиб тақсимлаш тамойили. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундан иборатки, синдикат аъзолари томонидан ҳисобга олиш, суд ишлари ва бошқа тақсимот натижасида олинган ҳар қандай тўловлар синдикат иштирокчилари ўртасида мутаносиб равишда тақсимланиши лозим.

Кредиторнинг ҳуқуқини бериш имконияти. Синдициялаштирилган кредит шундай шаклланадики, кредиторлар ўз улушини иккиламчи бозорга кўйиш имкониятига эга бўлиши керак. Синдициялаштирилган кредитлар қарз олувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бериш механизмини назарда тутаяди, шундай қилиб, қарз олувчи банк аввал синдикатда иштирок этганлиги ва ўз улу-

шини берганлигини ҳамда янги банк синдикатда иштирок этаётганлигини билмаслиги мумкин .

Бизга маълумки, синдициялаштирилган кредитларни таъминланганлигига кўра таъминланган ва таъминланмаган кредитларга бўлинади. Агарда, кредит таъминланган бўлса, қарз олувчига ликвид қарз ёки кафолат берилиши лозим, таъминланмаган кредит эса, фақатгина қатъий ишончлилик талабларига жавоб берувчи юқори рейтингга эга компанияларга берилиши мумкин. Синдициялаштирилган кредитлар очиқ (барча истак билдирган банклар таклиф этилади) ва клубли (муайян банкларнинг чекланган доираси) кредитларга бўлинади.

Кредиторлар икки гуруҳга бўлиниши мумкин: етакчи ташкилотчилар, менежерлар ёки агентлар сифатида фаолият кўрсатувчи битта ёки бир нечта кредиторлар бошчилигида синдикатнинг “катта” аъзолари ва “кичик” иштирокчилари. Синдикатнинг “катта” аъзолари синдикатнинг таркибини белгилаб беради, кредит бўйича музокараларни олиб боради, “кичик” иштирокчиларни қидириб топади. “Кичик” банклар кредиторларнинг иккинчи гуруҳини шакллантириб, уларнинг таркиби ва сони кредитнинг миқдори, мураккаблиги ва баҳоланишига кўра ўзгариши мумкин. Одатда синдикатда турли давлатлардаги 2 тадан 30-40 кредит институтлари иштирок этади.

“Кичик” банклар учун синдикатда иштирок этиш бир нечта сабаблар бўйича фойдали бўлиши мумкин: одатда уларнинг бозордаги ўрни айрим битимларни мустақил тарзда молиялаштириш учун етарли эмас, уларнинг ихтисослашуви географик соҳаси ёки иқтисодиётнинг тармоғи билан чекланиши мумкин. Бундан ташқари, улар мижоз уларни кейинги сафар ҳам янада кўп фойда берадиган битимда иштирок этишга таклиф этади, деб умид қилади.

Олиб борилган тадқиқотларимиз асосида Республикамиз тижорат банкларининг синдициялаштирилган кредитлаш тизимида юқорида қайд этилган тамойилларга амал қилмаслик ҳолатларини ва кредитлашнинг бу турини амалга оширишда бир қатор муаммоларнинг мавжудлигини аниқладик. Хусусан:

1. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳиятини ошириш муаммоси.

Муаммонинг моҳияти шундаки, тижорат банкларининг узоқ муддатга миллий ва хорижий валюталардаги ресурс базасининг заифлиги ҳамда активлар ва пассивлар ўртасидаги номутаносибликнинг яъни, узоқ муддатли депозитларнинг етишмаслик муаммосининг мавжудлиги.

2. Тижорат банкларида синдициялаштирилган кредитлаш тизимида рискларни бошқариш самарадорлигининг паст эканлиги.

Тижорат банкларининг синдициялаштирилган кредитлари бу асосан инвестицион кредитларлари бўлиб, улар юқори riskли ҳисобланиб, уларни бошқариш самарадорлигининг пастлиги тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига ва кредитлаш салоҳиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Шу сабабли, тижорат **банкларининг** юқори riskли инвестицион операцияларини тартибга солувчи иқтисодий меъёрлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

3. Тижорат банкларига инвестицион лойиҳалар бўйича миқозлар томонидан тақдим этилаётган бизнес - режаларнинг мукамал ишланмаганлиги ва уларнинг банклар томонидан етарли даражада таҳлил этилмаётганлиги ҳамда кредит шартномаларини тузишдаги камчиликларнинг мавжудлиги.

4. Маҳаллий банкларимизнинг халқаро синдициялашган бозордаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этмаслиги ва кредитлашнинг бу тури бўйича тажрибаларининг етишмаслиги ҳамда хорижий банклар билан етарли даражада ўзаро ҳамкорликларнинг йўлга қўйилмаганлиги мамлакатимиздаги йирик лойиҳаларга уларнинг маблағларини жалб этишга тўсқинлик қилмоқда.

5. Синдициялаштирилган кредитлашни самарали амалга ошириш учун меърий-ҳуқуқий базанинг етарли эмаслиги, ушбу кредитлаш тизимидан фойдаланиш имкониятини чекламоқда. Ҳозирда, биргина Марказий банк йўриқномаси мавжуд бўлиб, бу ҳужжат кўпгина ҳуқуқий масалаларни ечимини топишга ёрдам бера олмаяпти.

6. Синдициялаштирилган кредитлашда Хукуматнинг кафолати асосида жалб этилган инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлигининг паст эканлиги.

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши мамлакатимизда синдициялаштирилган кредитлаш тизимини **такомиллаштиришга** олиб келади деган умиддамиз.

О ВАЖНОСТИ ВОПРОСОВ ИММУНИТЕТА ГОСУДАРСТВА В ИНВЕСТИЦИОННЫХ СПОРАХ

Э.Ф.Рамазанова

1 курс магистратуры, направления

«Международное бизнес право»

Университет мировой экономики и дипломатии

Современные международные инвестиционные отношения базируются на защите иностранных капиталовложений. На уровне государственных актов подобная защита подразумевает, помимо прочего, принятие законодательства, выступающего в качестве признака государственного суверенитета и связанного с ним иммунитета от действий других государств.

Иммунитет государства – в международном частном праве концепция, в соответствии с которой суверенное государство не подчиняется юрисдикции других государств³³⁹.

Иммунитеты государства делятся на три вида:

– судебный иммунитет – неподсудность одного государства судам другого государства;

– иммунитет от предварительного обеспечения иска – неприменимость принудительных мер в отношении государственного имущества без его на то согласия;

– иммунитет от принудительного исполнения судебного решения.

В науке сложились три теории иммунитета государства – абсолютный, функциональный и ограниченный. В соответствии с абсолютным иммунитетом государство без

³³⁹ Большой юридический словарь. – М.: Инфра-М. А. Я. Сухарев, В. Е. Крутских, А. Я. Сухарева. 2003 г.

своего согласия не подчиняется судам другого государства. Функциональный иммунитет основан на разграничении функций государства на два вида: публично-правовую и частноправовую (при осуществлении своих публично-правовых функций государство пользуется безоговорочным иммунитетом, однако осуществление частноправовой деятельности подразумевает под собой как таковой отказ от иммунитета, в результате чего государство его лишается). При ограниченном иммунитете же указываются конкретные случаи, когда допускается ограничение иммунитета государства.

Государство может отказаться от своего юрисдикционного иммунитета путем подписания международного соглашения, принятия правового акта или при заключении конкретных гражданско-правовых договоров. Подобный отказ может выражаться как непосредственно, так и посредством договоренности о механизмах разрешения споров. К примеру, практически во всех конвенциях о взаимном поощрении и защите инвестиций предусматривается рассмотрение споров между инвестором и принимающим государством в арбитражных органах. Данные нормы конвенций обычно рассматриваются как отказ от судебного иммунитета. Тем не менее, согласие государства на рассмотрение спора в иностранном арбитраже не означает отказ от иммунитета. Судебный иммунитет означает неподсудность судам другого государства, а не арбитражного суда, который является негосударственным частным институтом.³⁴⁰ Исходя из этого, не только судебный, но и любой из видов государственного иммунитета связан именно с национальными судами.

Вопросы иммунитета государства в инвестиционных спорах занимают действительно важное место, ведь подобные аспекты влияют как на привлекательность инвестиционного климата при предоставлении определенных гарантий инвесторам, так и на защиту собственности государства.

³⁴⁰ М. Сулейменов, «Иммунитет государств: абсолютный или ограниченный?» // Специализированный ежемесячный журнал «Юрист», март №3, 2010 г.

О значимости вопросов иммунитета государств в инвестиционных спорах говорит, например, анализ дела *AIG Capital Partners Inc. против Республики Казахстан*, рассмотренного Международным центром по урегулированию инвестиционных споров (МЦУИС).

В деле *AIG Capital Partners Inc. and CJSC Tema Real Estate Company v. Republic of Kazakhstan* (ICSID Case No. ARB/01/6) о строительстве комплекса зданий в Алматы решением ICSID от 7 октября 2003 г. иск был удовлетворен на сумму \$ 9,951 плюс интерес. Арбитраж признал, что власти Алматы, передав землю, предоставленную под проект инвесторам, городу Алматы и с помощью полиции лишив истцов их собственности, фактически осуществили её экспроприацию.³⁴¹

Истцы попытались исполнить решение ICSID в Казахстане, однако государственные органы Казахстана отказались исполнить решение, сославшись на концепцию абсолютного иммунитета государства.

Истцы обратились за исполнением в Высокий суд Англии и на основании того, что Великобритания является участницей Вашингтонской конвенции, и в силу Закона 1966 г. об арбитраже (по международным инвестиционным спорам), Высокий суд вынес распоряжение о регистрации арбитражного решения ICSID в качестве судебного решения.

Истцы предъявили иск к Республике Казахстан и Национальному Банку РК о взыскании суммы требования со средств Национального фонда РК.

На том основании, что Национальный фонд Республики Казахстан является собственностью Национального Банка РК и что он не используется для коммерческих целей, и, таким образом, попадает под действие иммунитета РК, Высокий суд Англии своим решением отказал в принудительном исполнении.³⁴²

³⁴¹ Официальный сайт Международного Центра по Урегулированию Инвестиционных Споров, электронный источник: <https://icsid.worldbank.org/en/Pages/cases/AdvancedSearch.aspx>

³⁴² Сулейменов М.К. «Признание и исполнение решений иностранных

Хотя Казахстану, «прикрывшемуся» иммунитетом и удалось избежать ответственности в данном вопросе, по сути он проиграл больше, ведь после этого дела у будущих инвесторов могли сложиться весьма неблагоприятные впечатления о наличии государственных гарантий и ответственности Казахстана при их нарушении.

Анализ этого дела показывает, что в инвестиционных спорах огромное значение приобретает иммунитет государства. Поэтому данная проблема нуждается в более детальном исследовании.

В первую очередь основополагающей нормой в регулировании иммунитета государств должно являться универсальное международное соглашение. Таковым соглашением в настоящее время является Конвенция ООН о государственных иммунитетах государств и их собственности, принятая 2 декабря 2004 года, однако данная конвенция на сегодняшний день ещё не вступила в силу. Таким образом, на данный момент не существует единой общемировой практики урегулирования вопросов, связанных с применением концепции иммунитета государства, поэтому, отчасти это бремя ложится на национальное законодательство.

На уровне национального законодательства регулирование вопросов относящихся к иммунитету государств обычно предусмотрено отдельными положениями в кодексах, нормативно-правовых актах или закреплено специальными законодательными актами. К примеру, в Америке - в Кодексе Соединенных Штатов Америки 97 главой - «Юрисдикционные иммунитеты иностранных государств», в Российской Федерации - Федеральным законом «О юрисдикционных иммунитетах иностранного государства и имущества иностранного государства в Российской Федерации» от 3 ноября 2015 г, в Законе «Об иммунитете иностранных государств» Израильской Республики от 2008 г.. Важность наличия подобных норм определяется установлением пределов юрисдикционных иммунитетов иностранных госу-

судов по инвестиционным спорам: опыт Казахстана», доклад на международной конференции: Урегулированию инвестиционных споров с участием государств с переходной экономикой, 2009 г., г. Москва.

дарств, таким образом предоставляя лицам, вступающим в частноправовые отношения с иностранным государством, судебную защиту, чтобы иностранное государство не могло воспользоваться привилегиями статуса суверенного государства и уйти от ответственности ссылаясь на положения об иммунитете.

В Узбекистане в настоящее время не существует какого-либо нормативно-правового документа, который регулировал бы вопросы, касающиеся иммунитета государств, что является серьёзным пробелом в существующем законодательстве. В связи с этим, возникает необходимость принятия нашей Республикой специального закона, который регулировал бы данную сферу.

Данный закон должен содержать такие основные положения, как:

- принцип взаимности в вопросах применения юрисдикционных иммунитетов;
- согласие иностранного государства на осуществление юрисдикции судом Республики Узбекистан;
- отказ от судебного иммунитета;
- отдельные виды споров в отношении которых судебный иммунитет не применяется;
- иммунитет иностранного государства в отношении мер по обеспечению иска;
- иммунитет иностранного государства в отношении исполнения судебного решения.

Данные положения о возможности ограничения юрисдикционного иммунитета являются актуальными на сегодняшний день в виду все большего возрастания количества исков, к государствам, а также неправомерных действий в отношении их имущества. Таким образом, из-за активного применения положений подобного закона существует возможность увеличения инвестиционной привлекательности нашего государства для иностранного бизнеса в связи с основами для гарантий от политических рисков.

Однако, пока что преждевременно говорить о каком-либо прогнозе до принятия самого закона и применения его на практике. Так, если обратиться к практике зарубежных

государств, то можно отметить, что применение федерального закона США «Об иммунитетах иностранного государства», 1976 г. показало, что закон, являясь односторонним волеизъявлением государства, не всегда может решать вопросы, относящиеся к международному сотрудничеству³⁴³. Сложность применения Закона приводит к попыткам его изменения и спорам о необходимости отказа от схожих правовых доктрин.

Тем не менее, одна из целей подобного закона будет заключаться и в необходимости обеспечения защиты интересов и репутации иностранных государств в различных судебных инстанциях Узбекистана. Только если ограничение будет указано в законе, либо государство добровольно откажется от своего иммунитета, у Узбекистана будет право привлечь его представителей к суду. Это важный аспект, который также будет способствовать улучшению международных отношений.

В заключении хотелось бы отметить, что данный закон должен преследовать две основные цели: первая – обеспечить достаточную защиту иностранному государству (в т.ч. его инвесторам, осуществляющим свою деятельность на территории нашего государства), вторая – не позволить иностранному государству уйти от ответственности в случае нарушения определенных правовых норм. Таким образом, принятие Закона о юрисдикционных иммунитетах иностранных государств и их имущества станет прогрессивным шагом на пути к созданию передового законодательства как в сфере инвестиционных отношений, так и в сфере международных отношений в целом.

³⁴³ Бородин С.В. «Вопросы иммунитета государств в законодательной и судебной практике США» // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. М.: Норма, 2016 г.

ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

Ж.Н.Асамов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрларни тайёрлаш институти мустақил изланувчиси*

Ёш олимларнинг тадқиқот лойиҳалари инновацион лойиҳанинг бир шакли ҳисобланади. Тадқиқот лойиҳалари деганда, долзарб назарий ва амалий вазифаларни бажаришга қаратилган тадқиқотлар режаси тушунилади. Кўп ҳолларда лойиҳалар ҳар кунги фаолият билан бир қаторда амалга оширилади. Лекин, баъзан лойиҳани амалга ошириш ишчи гуруҳларни ташкил этишни талаб қилади. Ҳар бир лойиҳа қуйидаги зарур элементларни ўз ичига олиши керак:

- аниқ номланиши;
- қисқа аннотация (лойиҳа ҳақида қисқача маълумот);
- бажарувчилар сони;
- бажариш муддатлари;
- бир йилга мўлжалланган молиялаштириш ҳажми.

Лойиҳани амалга оширадиган ташкилотнинг раҳбари ва уни амалга оширувчилар тўғрисидаги маълумот муҳим аҳамият касб этади. Агар лойиҳа танлов тадбирларига бериладиган бўлса, қатнашиш учун талабнома расмийлаштирилади. Лойиҳалар грантлар олиш йўли билан ҳам молиялаштирилиши мумкин. Лойиҳа уни бажаришга сарфланадиган асосланган харажатлар сметасини ўз ичига олиши керак. Харажатлар сметаси умумий кўринишда бевосита ва билвосита харажатларга бўлиниб тузилиши мумкин. Бевосита харажатлар: иш ҳақи ва ундан ажратмалар билан, материаллар ва жиҳозлар сотиб олиш, хизмат сафарлари, бошқа ташкилотлар хизматини тўлаш ва бошқалар.

Билвосита харажатлар (лойиҳа қийматининг 20 фоизигача) - лойиҳани бажариш учун шароит яратишга сарфланадиган харажатлар. Лойиҳанинг зарур элементи

техник топшириқ ҳисобланади. Лойиҳа бўйича иш тугатиш актлари билан якунланади:

1. **Қабул қилиш ва топшириш акти.** Бунда иш ўз вақтида бажарилганлиги ва натижа олинганлиги ёзилади.

2. **Жорий этиш акти.** Жорий қилиш актида олинган самара кўрсатилади.

Инновацион лойиҳаларни бошқариш.

Инновацион лойиҳани бажарувчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси икки раҳбарга эга: гуруҳ раҳбарига ва функционал бўлинма раҳбарига. Лойиҳани бошқариш учун махсус раҳбарлар бириктилиши ҳам мумкин.

Лойиҳа бўйича гуруҳнинг тузилиши лойиҳанинг мураккаблигига боғлиқ бўлади. Раҳбарлар координацион гуруҳ тузатилар ва унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- лойиҳанинг мақсадларини аниқлаш;
- ишчи гуруҳлар раҳбарларини тайинлаш;
- ишчи гуруҳларни тузиш;
- вазифани белгилаш;
- лойиҳани амалга оширишни назорат қилиш (сифатли, муддатида ва сметадан четга чиқмаган харажатлар билан бажариш);

- лойиҳа бўйича ишни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ишчи гуруҳларни тарқатиб юбориш.

Ишчи гуруҳга номзодларни танлашда қуйидаги меъзонларга эътибор берилади:

- ишни бажариш қобилияти ва тажрибаси;
- махсус билимларнинг борлиги;
- ишга жалб қилишга имконият борлиги;
- ташкилотдаги обрўси;
- низоларни ҳал қилиш қобилияти;
- ишга муносабати;
- шахсий манфаат ва мотивация.

Лойиҳани бошқаришнинг махсус дастакларига **қуйидагилар** киради:

1. Муаммони аниқлаш ва вазифани қўйиш.

2. Оралиқ босқичларини ўрнатиш (лойиҳани алоҳида фазаларга бўлиш).

Илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқишлар билан банд бўлган персонал таркиби тўрт категорияга бўлинади: тадқиқотчилар, техниклар, ёрдамчи ва бошқа персонал. Илмий фаолият билан банд шахслар учун мотивлаштириш саволлари бошқа ишловчиларга нисбатан кўпроқ рол ўйнайди. Фанга кўп эътибор берадиган фирмаларда илмий-техник персонал учун турли лавозимлар ва мартабалар системаси ишлаб чиқилган.

Кадрларни режалаштиришга ва илмий ташкилотларда ишни бажаришнинг оптимал жадвалини танлашга эътибор бериш керак. Ўзгарувчан иш графикларини қўллаш, қисқартирилган иш хафтаси, қисман бандлик. Жавобгарликни тақсимлаш ва устиворликни танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, ёш олим ва ихтирочилар лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шарт-шароит яратиб бериш юқори технологияларни яратилишига бевосита хизмат қилади.

ЁШ РАҲБАРЛАР БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ж.Ж.Эргашев

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар
муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни
тайёрлаш институти таянч докторанти*

Жаҳонда замонавий бошқарув тизимининг ривожланишига ўз хиссасини қўшган АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва Европа мамлакатларида менежерлар фаолияти очиқлик ва шаффофликка асосланган, меҳнат унумдорлиги, вақт ва хом ашёдан самарали фойдаланиш кўникмасига эга, хусусан, оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уларни амалга оширишнинг самарали механизмларини жорий қилиш хусусияти билан баҳоланади.

Маълумки, замонавий бошқарув соҳасидаги **ислохотлар** фақатгина янги бошқарув тузилмаларини яратишга ёки

замонавий технологияларни бошқарув жараёнига қўллаш билан чекланиб қолмай, раҳбар кадрларнинг фаолияти сифатини оширишга ҳам йўналтирилган. Бу эса ўз навбатида бошқарувни самарали ташкил этишда етакчилар, яъни раҳбар кадрларнинг ўрни ва роли беқиёс эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, бутун жамият ҳаётининг бошқарув соҳасида банд бўлганларнинг иш сифатига, раҳбар кадрлар, хусусан, раҳбарларнинг замон талабларига ҳозиржавоблик кўрсата олишига боғлиқ бўлади.

Японияда дунёга машҳур Toyota, Nintendo, NTT DoCoMo, Canon, Honda, Takeda, Pharmaceutical, Sony, Nippon, Steel, Терсо, Mitsubishi ва яна шунга ўхшаш 711 та катта корпорациялар фаолиятини бошқаришда ёш менежерлар интелектдан фойдаланилади. Япон менежмент мактаби америка, немис, инглиз қолаверса, бизнинг бошқарув усулларимиздан ўзининг кўп жиҳати ёш менежерлардан фойдаланиши билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, Япон компаниялари ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг дунё брендига айланишида ёш менежерларнинг хизмати муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодийтимизни инновацион ривожлантириш йўлида реал сектор корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг раҳбарлик лавозимларини ёш, юқори салоҳиятли, касбий маҳорат жиҳатдан ҳар томонлама пухта тайёрланган тажрибали мутахассислар билан тўлдириш устивор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам ёш раҳбарларни тайинлаш ва уларнинг қобилиятидан самарали фойдаланиш, касбий ўсишини таъминлаш ҳамда фаолият нуқтаи назардан кенг имкониятлар яратиш келинмоқда. Аммо, замонавий бозор шароитидан келиб чиқиб, ёш раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини аниқлашда аниқ бир мезон асосида баҳолаш услубияти шакллантирилмаганлиги боис уларнинг фаолият натижадорлиги мавҳум бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, ёш раҳбарларнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини аниқлаш услубиятини ишлаб чиқиш ва баҳолаш бугунги кунда бошқарув соҳасининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Раҳбарларни баҳолашда икки асосий ҳолат доимо кўзга ташланади. Биринчи ҳолат бевосита баҳолаш мақсадидан келиб чиқади ва кўпроқ номзодни янги лавозимга лойиқлиги юзасидан маълумот олишга йўналган. Иккинчи ҳолат эса, самарали раҳбар ҳақидаги моделни яратишга қаратилган бўлиб, маълум жиҳатдан бундай эҳтиёж ҳар бир корхона раҳбарияти истагидан келиб чиқади. Корхона миқёсида раҳбарларни баҳолаш тадбирлари доимий анъанага айланган сари бундай истак тобора муҳимлашиб боради ва белланган норматив шакл кўринишини эгаллайди.

Ёш раҳбар – 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган, махсус тайёргарлик кўрган, замонавий бошқарувнинг сир-асрорлари ҳамда қонун-қоидаларини пухта эгаллаган, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлган мутахассисдир.

Ёш раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини **баҳолашнинг** аҳамияти шундаки – ёш раҳбар бошқарув фаолияти натижалари ва биринчи навбатда муайян бошқарув шароитида стратегик мақсадларга эришиш билан тавсифланади. Умуман олганда, ёш раҳбар кадрларни баҳолаш ҳам ишчилар фаолияти самарадорлигига ҳам корхона фаолияти самарадорлигига таъсир ўтказиши.

Ҳозирги кунда раҳбар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича аниқ бир умумқабул қилинган мезонлар мавжуд эмас.

Раҳбарнинг иш фаолиятини баҳолаш ташкилотнинг умумий иш фаолиятини бошқариш жараёнининг муҳим қисмидир, яъни ташкилотнинг стратегик мақсадларга эришишдаги раҳбарнинг кўшган ҳиссасини ўлчашдир.

Лавозимга муносиб раҳбарни танлаб, ишга ёллаш жараёнининг ўзигина эмас, балки, юқори тоифали раҳбарларни баҳолаш ташкилотнинг қабул қилиши мумкин бўлган энг мураккаб ва жиддий қарорларидан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, раҳбарлар бошқарув фаолияти мунтазам равишда баҳоланиши керак. Баҳолаш натижаларига асосланган тавсиялар ҳар бир раҳбар учун ўз раҳбарлик карьерасини

шакллантириш ва унинг фаолиятини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Раҳбар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш аста-секин жараён сифатида кўриб чиқилиши керак, бу босқичларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига, мезонларига ва асослаш усулларига эга.

Менежерларни мунтазам равишда баҳолаш ташкилотнинг муваффақиятли ишлаши учун муайян фойда келтиради, улар жуда муҳим бўлиши мумкин:

- раҳбарларни баҳолаш орқали ташкилот учун иш қобилиятлари ва бизнес кўникмаларини олиш ва ривожлантиришга йўналтирилиши мумкин;

- баҳолаш ўз вақтида муаммоларни аниқлашга ёрдам беради ва уларни бартараф этиш учун тезкор чоралар кўришга ёрдам беради;

- менежерларнинг мунтазам баҳолари менежерлар учун ҳам, умуман ташкилот учун ҳам ривожланиш учун асос яратиш ва доимий ҳаракатланишга ёрдам беради.

**4-ШЎЪБА: КИЧИК БИЗНЕСНИ ҲАМДА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТЕЗКОР
РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ЁШЛАРНИ МУНОСИБ ИШ
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАЛИ БАНДЛИКНИ
КЕНГАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖ
ТАЖРИБАСИ**

**ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДА
ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИНГ
МАВЖУД ҲОЛАТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

Д.Н.Рахимова

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси «Менежмент назарияси
ва амалиёти» кафедраси муdiri,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

Г.Ф.Умарова

*Тошкент тўқимачилик енгил саноат институти
«Корпоратив бошқарув» кафедраси доценти,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

Охирги йилларда ҳукуратимиз томонидан тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурли ҳужжатлар тармоқ ривожланишининг янги босқичга кўтарилишига ва стратегик ривожланишига кучли туртки бўлди. Хомашёдан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотгача бўлган экспортни босқичли ва режали қайта йўналтириш тармоқни ривожлантиришнинг янги стратегиясини янада шакллантиришга ёрдам берди. Мазкур масала бўйича Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: «Менинг бош мақсадим – одамларни даромад манбаи, иш билан таъминлаш. Бундан кейин биз чет элга пахтани камроқ экспорт қиламиз, уни мамлакатимизда қайта ишлаб, қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарамиз», деб таъкидлайдилар.

Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғининг стратегик ривожланишидаги яққол тараққиётига қарамасдан, ушбу

соҳада ёшлар бандлигини таъминлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, ушбу тизимнинг самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли Фармонида белгиланган вазифаларга асосланиб, тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун ёш кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича асосий вазифалар этиб қуйидагилар белгиланди:

1) етакчи маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларни тузиш, етакчи хорижий мутахассислар ва таълим муассасаларининг ўқитувчи-амалиётчиларини ёшларга таълим бериш учун таклиф қилиш;

2) талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ёш кадрлар тайёрлашнинг муҳим ва истиқболли йўналишларини аниқлаш;

3) тўқимачилик ва енгил саноат тармоғини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқув дастурларини янада такомиллаштириш;

4) биринчи навбатда, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиладиган амалий машғулотларни ўқув юктамаларининг умумий ҳажмида кўпайтириш;


5) олий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш;

6) тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи соҳасида илмий изланишларни, шу жумладан, таянч илмий-тадқиқот муассасаларни яратиш орқали фаоллаштириш;

7) тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи ривожланган хорижий мамлакатларда ёш кадрлар ўқишини ташкил этиш, жумладан, халқаро ва хорижий ташкилотлар кўмагида ўқув жараёнига хорижий таълим муассасалари ўқитувчиларини жалб этиш.

Мамлакатимизда тўқимачилик ва енгил саноат тармоғи учун ёш кадр тайёрловчи, яъни Инновацион ҳамкорлик шартномалари тузилган Олий таълим муассасаларининг рўйхати тузилди. Улар: ТТЕСИ, НМТИ, БМТИ, ТДИУ ва ТМИ.

Қуйидаги 1-расмда 2015-2018 йилларда Республикадаги тўқимачилик ва энгил саноат тармоғи учун олий маълумотли ёш кадрларни тайёрлаш ҳолатини кўришимиз мумкин.



1-расм. Республикадаги тўқимачилик ва энгил саноат тармоғи учун олий маълумотли ёш кадрларни тайёрлаш ҳолати



2-расмда эса 2010-2017 йилларда Республика бўйича тўқимачилик ва энгил саноат тармоғи соҳасида жами ёш ишчилар сонини ва унинг 2025 йилгача ўсиш прогнозини кузатишимиз мумкин. Республика бўйича соҳада жами ёш ишчилар сони 2018 йилда 161 минг нафардан кўпроқ эди. 2025 йилда ёш ишчилар сони 252 мингга етиши ва ушма таркибидаги корхоналарда эса 134 мингтани ташкил этиши режалаштирилган. Тармоқ учун ҳар йили 13 мингга яқин иш ўринларига талаб мавжуддир.



2-расм. Республика бўйича тўқимачилик ва энгил саноат тармоғи соҳасида жами ёш ишчилар сони

Навбатдаги 3-расмда 2015-2017 йилларда Республикадаги тўқимачилик ва энгил саноат тармоғида иш ўринларининг кўпайишини ва унинг 2025 йилгача ўсиш прогнозини кўриб ўтишимиз мумкин. Ушмага аъзо корхоналарда

соҳада жами ишловчиларнинг 2017 йилда 32,2 фоизи тўғри келган. 2025 йилда эса уларнинг улуши 53,4 % ошади, деб прогноз қилиняпти



3-расм. Республикадаги тўқимачилик ва енгил sanoat тармоғида иш ўринларининг кўпайиши

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ёш мутахассислари малакасини қуйидаги хорижий мамлакатларда оширишлари белгиланди: “KITECH” ва “KOICA” (Жанубий Корея), “JICA” ва “JETRO” (Япония), “INWENT” (Германия), Шандон ташқи савдо коллежи (Хитой), Лондон иқтисодиёт мактаби (Англия) ва “ITEC” (Ҳиндистон). Ёш мутахассисларнинг малакасини қуйидаги: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги бошқарув академияси; Банк-молия академияси; Ўзбекистон Республикаси корпоратив бошқарув бизнес-мактаби; Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти қошидаги малака ошириш маркази; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги қошидаги малака ошириш институти каби Республика ўқув муассасаларида ошириш режалаштирилди. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоғининг истиқболдаги ривожланиш стратегиясини аниқлайдиган бақувват “Ақл-идрок маркази”ни ташкил этиш, шунингдек, тармоққа хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш учун:

1) тармоқнинг яхлит стратегиясини аниқлаш, ўрта ва узоқ муддатли устувор йўналишларни аниқлаш, илм-фан

ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмини яратиш;

2) технологияларнинг тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш корхоналарига янги кашфиётларни жорий этишни ташкил этиш орқали уларни тижоратлаштириш;

3) Ўзбекистоннинг тўқимачилик ва енгил саноатини ривожлантириш параметрларини тегишли хорижий технологик ташаббуслар билан уйғунлаштириш;

4) тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштиришни нисбатан муҳимроқ ва технологик ечимларга, илм-фан талаби юқори ишлаб чиқаришларга ва инновацион фондларни жалб қилишга йўналтириш;

5) жаҳон даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга туртки бўлувчи технологиялар жамланмасини яратиш ва бунинг натижасида янги иш ўринларини яратиш;

6) кадрларни тайёрлаш ва технологик модернизация соҳасида давлат ва бизнеснинг ҳамкорлигини ташкил этиш ва бунинг ҳисобига юқори технологияли тўқимачилик ва енгил саноат бозорларини эгаллаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир [3].

Енгил саноатда ёш кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.

2. Инновацияларни рағбатлантириш ва уларни ишлаб чиқаришга самарали қўллаш.

3. Ёш мутахассисларни корхоналарнинг реал эҳтиёжлари ва уларнинг талаби даражасида тайёрлаш.

4. Ёш кадрларнинг хорижий мамлакатларда малака оширишини таъминлаш.

5. Интеллектуал салоҳиятли ёш кадрларни тайёрлаш асосида соҳани инновацион ривожлантириш.

Ёш кадрлар тайёрлаш тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат:

1. Тўқимачилик корхоналарининг таклифларини шакллантириш.

2. Барча омилларни инобатга олган тегишли чоратадбирларни белгилаш.

3. Олий таълим ва касб-ҳунар таълими тизимида янгича ўқитиш тизимини жорий этиш.

4. Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.

5. Олий таълимда ёш кадрлар сифатини ошириш ва уларни самарали ишга жойлаштириш.

Тўқимачилик ва енгил саноат учун интеллектуал салоҳиятли, олий маълумотли ёш кадрлар тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар: инновацион-корпоратив шартномалар имзолаш, ёш малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжларни соҳалар бўйича аниқлаш, иқтидорли талабалар учун махсус стипендия жорий этиш, малакали янги мутахассислик йўналишлари бўйича ўқишларни ташкил этиш, мунтазам равишда илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, битирув малакавий ишлари мавзуларини корхоналар муаммолари асосида шакллантириш, уюшма ходимлари томонидан очиқ дарсларини ташкил этиш, ОТМларда кечки ёки махсус сиртқи йўналишларини ташкил этиш ҳамда амалий ва лаборатория дарсларини корхоналар базасида, синнов лабораторияларида ўтказишдан иборат. Тўқимачилик ва енгил саноат соҳасидаги илмий тадқиқотчилар, ёш олимлар билан самарали ишлаш асосида тармоқнинг инновацион салоҳиятини ошириш учун: корхоналарнинг муаммолари банки асосида диссертация мавзуларини шакллантириш; диссертациялар банкини яратиш ва улардаги ишланмаларни корхоналарга жорий этиш; инновацион ишланмалар ва ғоялар банкини яратиш; мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича мунтазам илмий-назарий таклифларни олиш тизимини жорий этиш; марказий аппарат ходимларига ўз йўналиши бўйича тадқиқот олиб бораётган ёш олимларга профессор-ўқитувчиларни бириктириш; уюшма раҳбариятини ёш олимлар билан ташкил этиш, уларнинг учрашувларини ўтказиш, илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш ва шароитлар яратиш ҳамда инновацион ғоялар, ишланмалар, технологиялар ярмаркаларида иштирок этиш, инновацион ишланмалар учун шартномалар имзолаш керак.

Корхоналарнинг ёш малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги, жумладан, замонавий дастгоҳларда ишлаш учун ёш техник-муҳандис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ҳамда соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича қуйидаги таклифларни тавсия этиш мумкин:

Олий таълим ва ишлаб чиқаришнинг мукамал интеграция тизимини яратиш керак.

Корхоналар томонидан кадрлар тайёрлашга йўналтирилаётган маблағларни турли хилдаги солиқ ва бошқа имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш лозим.

Олий таълим вазирлиги томонидан махсус қисқа муддатли ўқув амалиёт курслар ҳамда сиртқи ўқув курсларини ташкил этиш зарур.

Жаҳондаги нуфузли Олий ўқув юртлари билан ўзаро шерикчилик муносабатларини ва кенг доирадаги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш даркор.

Корхоналар мутахассисларини малакасини оширишда масофавий ўқитиш (онлайн) тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: ГЛОБАЛ ТЕНДЕНЦИЯ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

З.Я.Рахманов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
ДБА қошидаги Ёшлар муаммоларини
ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш
институтини “Стратегик бошқарув” кафедраси
мудири*

Бугунгикунда мамлакатимиз меҳнат бозорининг ҳақиқий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича республика ва ҳудудлар миқёсидаги дастурларни шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш юзасидан давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун иш жойлари захирасини белгилаш юзасидан аниқ мақсадга

йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аммо, айти пайтда, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларни татбиқ этилмаганлиги, ёшларни юқори технологияли саноат ишлаб чиқариш тизимига фаол жалб этиш ва малакасини тизимли равишда ошириш масалалари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги республикамизда ишсизлик даражасини пасайтиришда, шунингдек, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандлик ҳолатларини олдини олишда маълум қийинчиликларни вужудга келтирмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан эълон қилинган “Жаҳонда аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоялашнинг 2019 йилги истиқболлари” номли ҳисоботи³⁴⁴да келтирилган маълумотларга кўра, 2018 йилда дунёда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 5,7 млрд. кишини ташкил этган бўлиб, шундан 3,3 млрд. киши ёки 58,4 фоизи маълум бир иш билан банд бўлган бўлса, 172 млн. киши ишсиз ҳисобланган. Қолган 2,2 млрд. киши меҳнат фаолиятдан четда (таълим олувчилар, нафақадагилар ва ҳ.к.) бўлган. Мазкур гуруҳдан деярли 140 млн. киши потенциал ишчи кучини (иш излаётганлар) ташкил этган. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, жаҳон меҳнат бозорида кузатилаётган асосий муаммолар бевосита меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг иқтисодий хавфсизлиги (иш ҳақининг камлиги, меҳнат жараёнларини ташкил этишдаги камчиликлар, ижтимоий ҳимоя механизмларининг самарасизлиги ва ҳ.к.) моддий фаровонлиги таъминланмаганлиги ҳамда тенг имкониятларнинг яратилмаганлиги ўз ифодасини топади. Қайд этилишича, бутун жаҳон миқёсида ишсизлик даражасининг нисбатан пасайиб боришига қарамасдан, тақлиф этилаётган иш жойларининг сифати талаб даражасида эмас. Бу эса, ўз навбатида, ёшлар ўртасида расмий иқтисодийнинг расмий секторидан норасмий секторига ўтиш тенденциясини кучайтирувчи **омилга айланиб** бораётганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

³⁴⁴ https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_671185/lang--ru/index.htm - маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, 2018 йилда Республикамизда аҳоли сони 32 955,4 минг кишини ташкил этган бўлиб, шундан иқтисодий фаол аҳоли сони 14 641,7 минг кишига, мос равишда ишсиз аҳоли сони эса 1 368,6 минг кишини ташкил этган. Аҳолининг 5 403,1 мингтаси иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлган бўлса, 7 870,1 минг киши эса, иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият олиб борган³⁴⁵.

Жаҳон банки томонидан 2019 йилнинг январь ойида эълон қилинган “Меҳнат тавсифининг ўзгариши” номли ҳисоботи³⁴⁶да жаҳон меҳнат бозорида юз бераётган ўзгаришлар ва янги тенденциялар таҳлил қилинган бўлиб, бугунги кунда дунёда меҳнат тақсимотига таъсир этаётган асосий омиллар сифатида куйидагилар келтирилган:

биринчидан, янги технологиялар компаниялар фаолиятида миллий чегараларнинг йўқолишига сабабчи бўлмоқда. Хусусан, рақамли технологиялардан фойдаланиш, анъанавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятдан тубдан фарқланувчи глобал платформаларга эга бўлган ишлаб чиқариш жараёнларининг шаклланишига олиб келди. Глобал платформаларга эга бўлган компанияларнинг аксарияти қўшимча қийматни яратишга асосланган бизнес моделлардан фойдаланиш тизимига ўтишмоқда;

иккинчидан, янги технологиялар натижасида иш учун зарур бўлган кўникмаларга қўйилган талабларнинг ўзгаришига олиб келмоқда. Хусусан, машина ва тегишли дастурлар асосида бажарилиши мумкин бўлган кўникмаларга бўлган талаб пасаймоқда. Дизайн фикрлаш, ижтимоий, шунингдек, ўзгаришларга тезкорлик билан мослашиш имкониятини берувчи кўникмалар комплексининг роли ва аҳамияти кучайиб бормоқда;

учинчидан, ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми норас-

³⁴⁵ <https://mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари.

³⁴⁶ <http://documents.worldbank.org/curated/en/469061544801350816/pdf/WDR-2019-RUSSIAN.pdf#page=100> – маълумотлари.

мий секторда фаолият юритишмоқда. Шунингдек, норасмий секторга янги техника ва технологияларни жорий этиш даражасининг пастлиги, ишчилар малакасини узлуксиз ошириш заруриятини чекловчи омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур мамлакатларда бизнес юритишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини тўхтовсиз такомиллаштирилишига қарамай, норасмий секторнинг иқтисодиётдаги салмоғи сўнгги беш йил давомида камайиш тенденциясини намоён этмаган.

Мухтасар қилиб айтганда, технологик ривожланиш ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар ёшларни касб бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш механизмларига нисбатан ёндашувларни такомиллаштиришни тақозо этади. Ёндашувларнинг асосини бугунги кундаги меҳнат бозори талаблари эмас, балки истиқболга йўналтириш ғояси ташкил этиши зарур. Шу аснода иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда, ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг пасайишига эришилади.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДОСТОЙНОЙ ЗАНЯТОСТИ МОЛОДЕЖИ В УСЛОВИЯХ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ЭКОНОМИКИ

Л.М.Ашурзода

*Соискатель НИЦ «Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана» при Ташкентском
государственном экономическом Университете*

Проблемы обеспечения достойной занятости и расширения эффективной занятости молодежи актуальны в условиях интенсивного развития трудовой миграции. Стремительно растущая экономика Узбекистана нуждается в молодых квалифицированных специалистах. Для обеспечения отраслей и регионов конкурентоспособными трудовыми ресурсами необходимо создать условия достойной занятости для молодежи. На практике это означает повышение инвестиционной привлекательности экономики Узбекистана.

Актуальность исследования взаимосвязи проблемы обеспечения достойной занятости молодежи и инвестици-

онной привлекательности экономики продиктована стремительно развивающимися процессами – создание благоприятного инвестиционного климата, стимулирование прямых иностранных инвестиций, либерализация банковской сферы, поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства.

Весомым фактором в повышении эффективности системы обеспечения занятости молодежи становится молодёжный рынок труда, перспективы развития которого определяются не только демографическими тенденциями, но и развитием цифровых технологий, привлекающих молодежь. При этом анализ статистической информации от Госкомстата показывает, что сегодня ещё сохраняется высокая потребность в трудоустройстве более чем для 800 тыс. чел., большая доля которых представители молодежи. Сохраняется устойчивая тенденция роста молодёжного рынка труда, что объясняется достаточно молодым средним возрастом населения – по официальной статистике 28,5 лет.

На фоне растущего предложения прослеживается рост требований со стороны работодателей к уровню практических навыков обучаемости, стрессоустойчивости и адаптируемости, знаниям иностранных языков и цифровых технологий. Наравне с созданием достойных условий труда острым остается вопрос повышения качества трудовых ресурсов на молодёжном рынке труда. Эта проблема подтверждается структурой потребностей в профессиональных кадрах. Профессиональные кадры наиболее востребованы в коммерции (18,4% от общего числа запросов работодателей), производственной сфере (13%), финансовой сфере, в частности бухгалтерии и аудите (9,4%), строительстве (5,5%), топ-менеджменте (4,1%), а также востребованы офис-менеджеры и секретари (7,2%), IT-специалисты – 6,3%. Самая высокая потребность в кадрах наблюдается на столичном рынке труда (92,7%).³⁴⁷

³⁴⁷ По данным платформы Uz.trud.com, объединяющей более, чем 100 ведущих сайтов по трудоустройству в Узбекистане. URL: <https://uz.trud.com/salary/304582.html#chart-locationDistribution>

Со стороны соискателей предъявляется спрос на такие вакансии как бухгалтер (средняя зарплата 3 млн. сум.), инженер, технолог и менеджер (средняя зарплата – 2-3,5 млн. сум.). Сюда также можно причислить шоу-бизнес и искусство, строительство, ЖКХ и логистику.

Конъюнктура молодежного рынка труда сформировалась таким образом, что самые высокооплачиваемые профессии – менеджеры по набору персонала (до 50 млн. сум.), грузчики на склад (до 30 млн. сум.), программисты в сфере ИКТ (до 16 млн. сум.), менеджеры по продажам (до 8 млн. сум.).³⁴⁸ Очевидно, что уровень оплаты труда по сравнению со многими зарубежными странами недостаточен для мотивации молодежи к профессиональному выбору и развитию, стремлению работать в сфере образования, науки и инноваций, и становится причиной неформальной занятости, являющейся источником различных социальных рисков как в настоящем, так и в будущем периодах жизни работающих граждан Узбекистана. Для сокращения неформальной занятости необходим комплексные меры по улучшению деловой среды и повышению инвестиционной привлекательности экономики Узбекистана.

Создается ситуация, когда остро необходимы оптимальные управленческие решения, позволяющие превратить не просто созидать условия достойного труда для молодежи, а превратить современный молодёжный рынок труда в устойчивый фактор инвестиционной привлекательности экономики Узбекистана. Для этого, в первую очередь, необходимо создавать и развивать такие институциональные механизмы, которые регулировали бы движение трудовых ресурсов в экономике страны, максимально интегрируя их в макроэкономический кругооборот, формировали бы условия человеческого развития и повышали конкурентоспособность трудоспособного населения.

Государственные органы в области занятости и социальной защиты населения активно реорганизуют институционально-правовые основы политики занятости, развива-

³⁴⁸ Там же. URL: <https://uz.trud.com/salary/304582.html#chart-locationDistribution>

ют региональные службы занятости, осваивают современные технологии аутсорсинга и аутстаффинга, углубляют партнерские отношения с частно-предпринимательским сектором, разрабатывают образовательные программы для подготовки высокопрофессиональных специалистов по вопросам занятости и труда совместно с ведущими университетами Узбекистана.

Актуален вопрос о совершенствовании аналитического аппарата молодёжного рынка труда. В этом направлении осуществляются мероприятия по подготовке проведения в 2022 году переписи населения в Республике Узбекистан.³⁴⁹ Но уже сегодня проводятся мероприятия по унификации национальной системы трудовой статистики и её максимальному сближению с международными стандартами. Результатом реформ в сфере трудовой статистики станет прогрессивная и прозрачная система учета труда и производственных затрат на труд.³⁵⁰

Особую актуальность в развитии молодёжного рынка труда приобретают адресные образовательные программы и механизмы повышения экономической активности молодежи, включая повышение квот поступления в вузы и стипендий, устранение стоимостных барьеров при приеме на работу и т.д.

Создание стабильных и достойных условий обеспечения молодежи рабочими местами – задача перспективная, требующая не только стратегических но и срочных мер, к которым относятся проекты, финансируемые из госбюджетных ресурсов, предусматривающие современные формы государственно-частного партнерства, а также интег-

³⁴⁹ Указ Президента Республики Узбекистан N УП-5655 от 05.02.2019 г. «Об утверждении Концепции проведения в 2022 году переписи населения в Республике Узбекистан». – URL: https://nrm.uz/contentf?doc=578495_ukaz_prezidenta_respubliki_uzbekistan_ot_05_02_2019_g_n_up-5655_ob_utverjdenii_koncepcii_provedeniya_v_2022_godu_perepisi_naseleniya_v_republike_uzbekistan

³⁵⁰ Аналитическая записка «Устойчивая занятость в Узбекистане: состояние, проблемы и пути их решения» в рамках проекта Программы развития ООН «Поддержка стратегических исследований в целях устойчивого развития» – URL: <http://www.uz.undp.org/>

рацию образования, бизнеса и государственных органов управления по вопросам создания и развития системы профориентации и социализации молодежи, повышения заинтересованности в выборе профессии, создания системы профессионального обучения, переобучения и повышения квалификации, использования международных стандартов качества в образовательной сфере.

Актуальным направлением государственной политики создания достойных условий труда и расширения эффективной занятости молодежи через поддержку и ускоренное развитие малого бизнеса и частного предпринимательства является повышение доступности высшего образования и увеличение охвата молодежи качественным высшим образованием до 25% в среднесрочной перспективе и до 50% в долгосрочной перспективе в целях решения проблем нехватки квалифицированных кадров с высшим образованием.³⁵¹

Современный Узбекистан – это страна сбывающихся надежд. И доказательством этого факта являются соотечественники – молодые люди, обладающие богатым трудовым опытом, не нуждающиеся в социальной поддержке, правовой легализации и психологической реабилитации. В этом направлении правительством Узбекистана ведется глубоко продуманная политика. Узбекистан является участником международных миграционных соглашений, активно поддерживает и мотивирует соотечественников к возвращению на Родину.

Инвестиционная привлекательность экономики основана на таких критериях как стабильность, коммерческий успех, финансовая обеспеченность, высокая организационная культура, технологичность и ресурсная обеспеченность, конкурентоспособность и деловые партнёрские связи. Но главным фактором инвестиционной привлекательности является уровень человеческого развития и надёжность кадрового состава. Молодежный рынок труда в Узбекистане является динамичным по структуре и численности сег-

³⁵¹ Молодежь и работа. Oct-24, 2018 ж. Экономическое обозрение.
Источник: <http://www.review.uz/ru/post/trendi/molodez-i-rabota>

ментом, регулирование которого должно осуществляться с целью обеспечения инвестиционной привлекательности и устойчивого экономического роста Узбекистана.

ПОДДЕРЖКА МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА, А ТАКЖЕ КООРДИНАЦИЯ РЫНКА ТРУДА КАК ФАКТОРЫ ЗАНЯТОСТИ МОЛОДЕЖИ. ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Ш.Ф.Полвонов

*Магистр 1-курса Российской академии народного хозяйства и Государственного управления – филиал
Сибирский институт управления*

Российская Федерация город Новосибирск

Ни для кого не секрет, что широкомасштабные реформы, проводимые во всех сферах Президентом Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёевым широко признаны мировыми политиками и учеными. В частности, иностранными политиками высоко оценен вклад Президента Республики Узбекистан в области усовершенствования аспектов, касающихся государственной молодежной политики, занятости молодежи, предпринимательство, туризм и культурно-гуманитарные связи.

Президент Российской Федерации В.В. Путин о реформах, осуществляемых в Узбекистане: «Мы видим, как быстро и как основательно меняется ситуация в Узбекистане, как организуются и проводятся реформы, которые давно назрели и абсолютно необходимы для узбекской экономики и узбекского народа³⁵².»

За последние три года были приняты 25 законов и нормативных документов о правах молодежи. В частности, были подписаны два закона Республики Узбекистан, два Указа Президента Республики Узбекистан, 4 постановления, 1 распоряжение, 14 постановлений Кабинета Министров и 3 Указа.

³⁵² <https://www.putin-today.ru/archives/70171>

Изменены и дополнены около 70 нормативно-правовых документов по вопросам молодежи.

По инициативе Союза Молодежи Узбекистана Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан 01-07/1-1593 от 04.02.2019г. "О дальнейших мерах по повышению эффективности Государственной молодежной политики".

В соответствии с новым механизмом рабочей группе, состоящей из Администрации Президента Республики Узбекистан, Кабинета Министров и представителей министерств, ведомств и организаций, были поставлены следующие задачи:

- выявление и решение проблем молодежи в регионах;
- изучение процессов реализации государственной молодежной политики в регионах;
- программа мер по продвижению молодых людей, которые не определились с профессией и находятся в поисках работы, необходимость найти выходы, привлекая их к современным профессиям и воспитывая их в патриотизме.

В рамках программы планируется обеспечить занятость 687 564 безработных молодых людей, в 2019 году – 422 013.

Более 221 980 человек обучены профессиональному образованию, 29 450 заняты в ремесленном производстве, 31 535 заняты надомным делом, 37 324 заняты на фестивалях, 12 996 обеспечены дехканскими фермами и земельными участками, 66 498 из них в будущем планируется разместить с помощью фонда « Молодежь - наше будущее»».

По результатам программы 11 апреля этого года было трудоустроено 71 258 молодых безработных.

Из них 31 937 (14,4%) молодых людей прошли профессиональную подготовку,

7 164 (24,3%) молодых людей были вовлечены в мастерство,

5 169 (16,3%) были вовлечены в надомную работу, 10 555 (27,9%) были заняты на ярмарках вакансий,

9 663 (46,0%) молодых людей были обеспечены фермерами в рамках проекта «Один гектар каждого возраста», 5 149 (38,3%) молодых людей были заняты в дежканских хозяйствах и фермерских хозяйствах,

1 621 (2,4%) молодых людей были размещены на новых рабочих местах, созданных фондом «Ёшлар келажагимиз»³⁵³.

Основываясь на данных показателях и опыте, можно сказать, что 31 937 молодых людей, прошедших профессиональную подготовку, вероятно, останутся безработными в обществе по прошествии 3 или 4 месяцев. Или 9 663 молодых людей, которые назначены на сельскохозяйственные предприятия, могут быть просто зарегистрированы.

В связи с этим, для вышеперечисленных, желательно пересмотреть систему профессионального обучения и интеграции фермеров в малый бизнес и частное предпринимательство, чтобы обеспечить трудоустройство молодежи.

Одной из основных задач модернизации Республики Узбекистан и обеспечения доступа к развитым странам является развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в стране.

В настоящее время правительство Республики гарантирует свободу предпринимательства заниматься малым бизнесом и частным предпринимательством без создания нормативно-правовой базы для малого бизнеса и частного предпринимательства в стране.

Статья 53 Конституции Республики Узбекистан гласит: «Государство гарантирует свободу экономической деятельности, предпринимательства и труда с учетом приоритета прав потребителей, равенства и правовой защиты всех форм собственности. Частная собственность, как и другие формы собственности, неприкосновенна и охраняется государством».

С этой точки зрения, с целью привлечения граждан к частному предпринимательству, вышло издание 2000

³⁵³ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг Ёшларни бандлигини таъминлаш бўлими томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тайёрланди.

года новой редакции Закона Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности».

В том числе, принятие в 1995 году Закон «О стимулировании развития малого и частного предпринимательства», 2006 го закона «О микрокредитных организациях», «О микрофинансировании».

Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 669 от 16 августа «О мерах по созданию фонда «Молодежь - наше будущее »» при Союзе молодежи Узбекистана создает следующие возможности внести существенный вклад в развитие предпринимательства в стране для молодых предпринимателей:

а) осуществлять проекты субъектов предпринимательства по годовой ставке 7% через коммерческие банки предоставлять льготные кредиты и имущество в лизинг;

б) Предоставление гарантии Фонда на кредиты, выдаваемые субъектам предпринимательства коммерческими банками в рамках Государственной программы до 50%, но не превышающие сумму 1 млрд. сумов.

При этом общая сумма гарантии, предоставляемой фондом, не должна превышать 25% средств фонда.

в) участие субъектов предпринимательства в проектах, внедряемых в рамках Государственной программы в размере, не превышающем 50% их стоимости, с последующей реализацией доли Фонда в течение 5 лет;

г) приобретение до 20 домашних птиц и кроликов, 5 маленьких и 2 крупных голов скота для ухода в домашнем хозяйстве не трудообеспеченной и имеющей соответствующие навыки молодежью, оказание содействия в возвращении животных в согласованные сроки на договоренную стоимость и последующем реализации.

Один из лучших способов обеспечить население работой – это вовлечь человека в предпринимательство или малый бизнес. На сегодняшний день на строительство крупного промышленного предприятия вместимостью 200 человек сегодня приходится в среднем 1 млрд долларов США. Если эта сумма будет потрачена на создание малого бизнеса стоимостью 5 000 долларов США, то будет создано

200 000 малых предприятий с минимальным объемом 200 000 и более 2 миллионов человек могут быть наняты. Итак, я бы сказал, что золотое правило занятости следующее:

«предпринимательская деятельность и создание малого бизнеса эффективное оружие для борьбы с безработицей».

Предпринимательство в высокотехнологичных отраслях экономики становится объектом пристального внимания со стороны бизнес-сообщества и правительственных структур во многих странах Европы, Азии и Америки. Высокотехнологичными называются предприятия, относящиеся к технологически интенсивным отраслям производства и наукоемким отраслям сферы услуг. Особый интерес в последние годы вызывают высокотехнологичные «стартапы» и «газели», которые рассматриваются в качестве значимых элементов национальных инновационных систем и участников хозяйственной деятельности: они обеспечивают занятость, демонстрируют высокие показатели темпа роста выручки, вкладывают значительные средства в НИОКР и технологические инновации и регулярно выводят на рынок инновационные продукты и услуги. В Узбекистане интерес к высокотехнологичным предпринимательским фирмам обусловлен необходимостью диверсификации экономики и устранения зависимости от экспорта сырья и импорта технологий.

Международный опыт молодежных предпринимательских организаций свидетельствует о том, что они выполняют важные функции, прежде всего, в плане налаживания взаимодействия между молодыми предпринимателями, обучения, организации консультаций с состоявшимися бизнесменами, продвижения деловой культуры среди молодежи, создания новых рабочих мест.

В настоящее время успешно функционирует Международная молодежная палата (JCI) JCI (Junior Chamber International), Inc. - Всемирная организация Молодых Людей с Активной Жизненной позицией в возрасте от 18 до 40 лет. Является партнером Международной торговой палаты. (<http://www.jciland.com>).

Основной целью ММП является активизация международного молодежного движения, развитие лидерских качеств молодых людей, социальной ответственности, товарищества и предпринимательства, необходимых для дальнейших позитивных изменений. ММП проводит для членов национальных палат различные бизнес-семинары, тренинги и деловые игры для приобретения навыков лидерства и развития новых личных связей с коллегами из других стран.

В Конфедерации торгово-промышленных палат стран Азиатско-Тихоокеанского региона (CACCI) The Confederation of Asia-Pacific Chambers of Commerce and Industry (CACCI) - деятельность конфедерации направлена на организацию мероприятий, подчеркивающих значимость предпринимательства для Азиатско-Тихоокеанского региона, создание площадки для выстраивания диалога и взаимодействия палат и предпринимателей, а также содействие развитию предпринимательства и значительному подъему экономики в регионе. <http://www.cacsi.org.tw/> уделяют большое внимание развитию молодежного предпринимательства. Так, одним из семи действующих в рамках Конфедерации советов является группа молодых предпринимателей АТР.

Опыт ряда стран также свидетельствует о положительном влиянии национальных торгово-промышленных палат на развитие молодежного предпринимательства.

Канада. Фонд молодежного предпринимательства (ФМП) является некоммерческой организацией федерального уровня. Ее основные задачи заключаются во всемерном содействии и оказании практической помощи молодым канадским предпринимателям в создании и развитии частных предприятий и организаций.

В структуру ФМП входят территориальные подразделения (филиалы). Общая численность занятых в работе ФМП, включая волонтеров, составляет около 4 тысяч человек.

Заинтересованным молодым предпринимателям ФМП предлагает ряд комплексных программ, которые предоставляются заявителям бесплатно.

Государственная поддержка обеспечивается двумя министерствами федерального уровня - Министерством

малого предпринимательства и туризма и Министерством промышленности Канады. Определенная роль в решении ряда вопросов, связанных с молодежным предпринимательством, отводится Министерству молодежи.

Италия. Ассоциации молодых предпринимателей (АМП) - негосударственные организации, работающие автономно, но организационно входящие во всю итальянскую конфедерацию промышленников и предпринимателей (КПП) и руководствующиеся ее уставом.

Существует центральная АМП при КПП, в которую входят 20 региональных комитетов АМП и 104 провинциальных/территориальных Группы АМП.

АМП содействует продвижению предпринимательских ценностей и культуры в современном гражданском обществе Италии, совершенствованию знаний экономического, социального, политического и управленческо-прикладного характера.

Торговые палаты области Ломбардия (Мантуя, Лоди, Кремона) проводят форумы молодых предпринимателей, направленные на развитие предпринимательского духа молодежи и создание благоприятных условий для поддержки компаний молодых предпринимателей. Во время форумов проходят «конкурсы идей» и выставки проектов, опытные предприниматели проводят консультации для будущих выпускников профессиональных институтов.

Международная практика показывает, что в ряде развитых государств существует системная поддержка молодежного предпринимательства, сформированная на базе государственных учреждений.

Ниже приведены некоторые из проблем, которые решаются в настоящее время:

- Население Республики Узбекистан не достаточно владеет нормативными актами в сфере малого бизнеса и предпринимательства;
- Воспитание ребенка без владения определенной профессией, затрудняет ему поиск своего места в жизни;
- На сегодняшний день каждый гражданин осознают перспективность предпринимательской деятельности, но не

владеет информацией о том, в каком порядке осуществлять алгоритм действий;

- Из-за нехватки производственных оборудования, необходимых для малого и среднего бизнеса в Узбекистане, множество оборудования импортируется из-за рубежа;

- Ввиду слабого развития интернета в республике связанного техническими причинами молодежь не имеет возможности получить доступ к материалам, бизнес-планам, оборудованию и другой информации, необходимой для осуществления предпринимательской деятельности из соответствующих интернет сайтов;

Исходя из вышесказанного, я полагаю целесообразным выполнение следующих действий:

- Организация малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан, запуск специального сайта с привилегиями, возможностями, кредитами коммерческих банков и другой информацией, предоставляемой государством, и обеспечение распространения встроенных брошюр, буклетов и материалов для распространения;

- В процессе воспитания молодежи акцентировать внимание на то, что при выборе какой-либо профессии не бояться его сложностей и последствий и быть более решительным и уверенным;

- Формирование предпринимательских навыков в сознании подрастающей молодежи, принятие мер по повышению любви к профессии и работе.

**КИЧИК БИЗНЕСНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

И.М.Ниязметов

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
“Солиқлар ва солиқ солиш” кафедраси мудири, и.ф.д.*

Ўзбекистон Республикаси аҳоли таркибининг нисбатан ёшлиги билан дунё мамлакатлари ичида ёшлар сие-

сатига кучли эътибор берадиган давлатлар сирасига киради. Ёшларни иш билан банд қилиш нафақат ижтимоий сиёсат, балки иқтисодий сиёсатнинг ҳам муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Аҳолини, шу жумладан, ёшларни иш билан банд қилишда солиқ сиёсатидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Бу борада айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси энг қулай майдон саналади. Шу сабабдан ҳам, 1998 йилдан Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантириш мақсадида қатор иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилди. Шулардан бири ва энг асосийси, бу – солиқ солишнинг соддалаштирилган тизими бўлди. Мазкур тизим ўз ичига учта соддалаштирилган солиққа тортиш режимини олади: ягона солиқ, ягона ер солиғи (ЯЕС) ва қатъий белгиланган солиқ (ҚБС). Асосий тадбиркорлик фаолияти учун битта солиқ тўлашни назарда тутувчи бу солиқлардан даставвал кўзланган мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кам солиқ юки, осон солиқ ҳисоби ва содда солиқ маъмурчилигидан иборат қулай солиқ муҳитини таъминлаш эди. Бироқ, солиқ сиёсати ва солиқ маъмурчилиги тизимидаги воқеалар ривожини мамлакатимизда йўлга қўйилган соддалаштирилган солиққа тортиш тизимининг ундан даставвал кўзланган мақсадларга элтиб бора олмаслигини кўрсатди.

Амалга оширилган тадқиқотлар кўрсатдики, соддалаштирилган ва бошқа махсус режимларнинг моҳиятини ташкил қилувчи ягона солиққа тортиш механизмлари солиқ юки мутаносиблигини таъминлай олмаслиги сабаб, солиққа тортишдаги адолат принципининг яққол бузилишига ҳамда солиқ тўловчилар ўртасида тенгсиз рақобат муҳитининг юзага келишига сабаб бўлиб келди. Ягона солиққа тортиш амалиёти ундан дастлаб кўзланган мақсадга етиб боролмаслиги ва самарасиз механизм эканлиги аён бўлди. Чунки, битта солиқ орқали иқтисодий фаолиятнинг турли-туман объектларини тўлиқ қамраб бўлмайди. Айнан мана шу нарса, солиқдан қочиш “тирқиш”ларини ёпиш мақсадида турли хил базавий меъёрларни жорий қилишга мажбур қилиб келди (1-жадвалга қаранг). Киритилган ёки ўзгартирилган базавий

меъёрлар хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, улар ягона солиққа тортиш механизмнинг мукамал эмаслигидан, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини фақат битта объект (ялпи тушум) орқали солиққа тортиб бўлмаслигидан далолат беради. Шунинг учун, йиллар давомида ушбу солиқни ҳисоблаб чиқиш механизмларига киритилаётган базавий миқдорлар борасида бир тўхтамга келиб бўлмади. Охир-оқибатда ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқишнинг амалдаги энг кам миқдорлари³⁵⁴ 2019 йилдан олиб ташланди. Бундан ташқари, ягона солиқ тўловчилар учун мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳам жорий этилди. Бошқача айтганда, 2019 йилдан ягона солиқ тўлови ўз моҳиятини, яъни “ягона”лигини йўқотди. Чунки, эндиликда ягона солиқ тўлови умумбелгиланган режимда тўланадиган фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғини ўрнини босади, холос.

1-жадвал

Ягона солиқ тўлови(ЯСТ)ни ҳисоблаб чиқишдаги базавий меъёрлар ўзгариши

Киритилган сана	Базавий меъёр татбиқ қилинадиган солиқ тўловчилар тоифаси	Ўзгартирилган (бекор қилинган)
01.01.2009 й. (АВ-1939, 14.04.2009)	хусусийлаштирилган корхоналар - сотиш ҳажми сўнгги 2 чорақда объектив сабабларсиз мулк ва ер солиғининг ўн карра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ЯСТ тўловчилар умумбелгиланган солиқ режимига ўтадилар	2012 йил 6 февралдан бекор қилинган

³⁵⁴ Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 3 мартда 2203-сон билан рўйхатга олинган. (2) Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 4 апрелда 2449-сон билан рўйхатга олинган.

<p>01.07.2010 й. (АВ-2134, 18.08.2010)</p>	<p>чакана савдо корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар (МФКК) ЯСТни айнан шундай фаолият учун якка тартибдаги тадбиркор(ЯТТ)лар тўлайдиган ҚБС суммасидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар</p>	<p>2013 йил 1 январдан бекор қилинган (ўзгарган)</p>
<p>01.01.2011 й. (АВ-2200, 23.02.2011)</p>	<p>чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш корхоналари учун ходимлар сони ва иш ҳақи фондининг белгиланган энг кам меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ЯИТ, ЖШДС ва ПЖСБни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби жорий этилди</p>	<p>2017 йил 1 январдан бекор қилинган</p>
<p>01.07.2011 й. (АВ-2203, 03.03.2011)</p>	<p>ЯСТ тўловчилар (чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги МФКҚдан ташқари) ЯСТни эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар</p>	<p>2019 йил 1 январдан бекор қилинди</p>
<p>01.01.2012 й. (ПҚ-1675, 30.12.2011)</p>	<p>юк ташиш билан шуғулланувчи ЯСТ тўловчи корхоналар ЯСТни худди шундай фаолият учун ЯТТлар тўлайдиган солиқ ставкаларидан келиб чиқиб, ҳар бир транспорт воситасини ҳисобга олган ҳолда тўлайдилар</p>	<p>2013 йил 1 январдан бекор қилинган</p>
<p>01.01.2013 й. (АВ-2449, 04.04.2013)</p>	<p>чакана савдо корхоналари ЯСТни айнан шундай фаолият учун ЯТТлар тўлайдиган ҚБС суммасидан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар</p>	<p>2019 йил 1 январдан бекор қилинди</p>

<p>01.01.2013 й. (АВ-2203-2, 03.03.2011)</p>	<p>ЯСТ тўловчи барча юридик шахслар (чакана савдо корхоналари бундан мустасно) ЯСТни эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар</p>	<p>2019 йил 1 январдан бекор қилинди</p>
<p>01.01.2018 й. (ПҚ-3454, 29.12.2017)</p>	<p>1 гектардан ортиқ ер участкасига эга бўлган ЯСТ тўловчиларга ер солиғи тўлаш мажбурияти киритилди. Бу ҳолда базавий миқдор (АВ-2203) қўлланмайди.</p>	<p>2019 йил 1 январдан бекор қилинди</p>

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари учун қатъий белгиланган солиқ (ҚБС) ҳам илмий-назарий жиҳатдан асосланмаган ва самарасиз солиқ эканлигини тадқиқотлар кўрсатди. Чунки, ҚБС тадбиркорлик субъектининг на фойдаси ёки даромадини, на оборотини ҳисобга олади. Бундан ташқари, ҚБС даромадларни солиққа тортишдаги адолат принципини бузади. Чунки, ЯТТлар даромадини солиққа тортиш ҚБС ҳисобига регрессив тус олиб, уларнинг даромади қанчалик кўпайиб борса, солиғи шунчалик камайиб боради. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик субъектлари даромадларини ҚБС орқали солиққа тортиш халқаро солиқ амалиётида қарийб учрамайдиган механизм ҳисобланади.

Ёшларни тезроқ иш билан банд қилиш мақсадида ҚБС механизмидан ҳам рағбатлантирувчи омил сифатида фойдаланилмоқда. Хусусан, Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан ҚБСни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади.

Бизнинг фикримизча, бундай енгилликнинг белгилаб қўйилиши, солиқ қонунчилигидаги солиқдан қочиш

учун тирқиш бўлиб ҳисобланади. Чунки, касб-ҳунар коллежи битирувчиси номига якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномасини расмийлаштириб, амалда бошқа фуқаро ҳақиқатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши ва сунъий равишда солиқ имтиёздан фойдаланиб юриши мумкин. Шу сабабли, Солиқ кодекси 375-моддасининг олтинчи қисмини олиб ташлаб, унинг ўрнига бошқа таъсирчан ва адолатли элемент киритиш зарур. Масалан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга қабул қилиш нормасига боғлиқ равишда иш берувчи хўжалик субъектларининг ягона ижтимоий тўловини (ЯИТ) регрессив ставкаларда ҳисоблаш тарзидаги механизмни жорий этиш, бизнинг фикримизча, бир мунча самаралироқ ҳисобланади.

Мазкур механизмнинг ишлаш алгоритми қуйидагича бўлишини таклиф қиламиз:

2-жадвал

Коллеж битирувчиларини ишга олганлик учун кичик бизнес субъектларида ЯИТни регрессив ставкаларда ҳисоблаш механизми

Календарь йилда ишга қабул қилинган коллеж битирувчилари сони	ЯИТнинг имтиёзли (қисқартирилган) ставкаси, %да
1 нафардан 5 нафаргача	11
6 нафардан 10 нафаргача	10
11 нафардан 15 нафаргача	9
16 нафардан 20 нафаргача	8
21 нафардан 25 нафаргача	7
26 нафардан 30 нафаргача	6
31 нафардан 35 нафаргача	5
36 нафардан 40 нафаргача	4
41 нафардан 45 нафаргача	3
46 нафардан 50 нафаргача	2
51 нафар ва ундан ортиқ	1

Кичик бизнес субъектларида улар томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларни ишга олганлик учун тақлиф қилинаётган ЯИТнинг регрессив механизми фақат мазкур ишга олинган ходимлар (коллеж битирувчилари) учун ҳисобланган иш ҳақи даромадларига нисбатан ва фақат шу ҳисобот йилида қўлланилади.

QISHLOQ JOYLARDA YOSHLAR BANDLIGINI TA'MINLASHNING ASOSIY YO'NALISHLARI

I.Z. Musatillayev

Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti

O'zbekiston Respublikasi iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishining eng ustuvor vazifalaridan biri qishloqda turmush darajasini yuksaltirish bo'lib, qishloqlarimiz qiyofasini o'zgartirishga qaratilgan uzoq muddatli va bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lgan keng ko'lamlı chora-tadbirlarni amalga oshirish, ijtimoiy soha va ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirishni jadallashtirish, mulkdorning, tadbirkorlik va kichik biznesning maqomi, o'rni va ahamiyatini tubdan ko'rib chiqish, fermer xo'jaliklari rivojini har tomonlama qo'llab-quvvatlashdan iborat.

Aholi bandligini ta'minlash, avvalo kasb-hunar kollejlari va oliy o'quv yurtlari bitiruvchilarini ishga joylashtirish bo'yicha zarur sharoitlar yaratish ijtimoiy siyosatimizning eng muhim ustuvor yo'nalishi bo'lib qoladi.

Aholining mehnat orqali daromad topishga bo'lgan qiziqishini keskin oshirish, ayniqsa muhtoj oilalarning hunarmandchilik, kasanachilik va boshqa tadbirkorlik faoliyatini, shuningdek, hududlarda foydalanilmayotgan binolarda ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatishni, aholi tomorqalari va bo'sh ekin maydonlaridan unumli foydalangan holda qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishni kengaytirish bilan bog'liq loyihalarni imtiyozli shartlarda moliyalashtirishni tizimli ravishda davom ettirishni taqozo etmoqda³⁵⁵.

³⁵⁵ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-iyuldagi "Aholi bandligini ta'minlash borasidagi ishlarni takomillashtirish va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori

Agrar sektorda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining rivojlanishi faqatgina dehqon oilasini ta'minlabgina qolmay, balki dehqon va fermer xo'jaliklari tovar xo'jaliklariga aylanib, bozor uchun mahsulot yetishtirish ko'nikmalarini shakllantiradi. Natijada mamlakatda iste'mol bozori arzon va sifatli oziq-ovqat mahsulotlari bilan to'ladi³⁵⁶.

Yangi ish o'rinlarini tashkil qilishda, aholi bandligi va daromadlarini oshirishda hamda iqtisodiyotning tez o'zgarib turuvchi bozor talablariga javob berishini ta'minlaydigan zamonaviy tuzilmalarni shakllantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik muhim rol o'ynaydi.

O'zbekistonda 2017-yil kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 53,3% foizni yoki 119301 mlrd. so'mni tashkil etdi.

Mamlakatda band aholining 78,3% foizi kichik biznesda faoliyat yuritmoqda, vaholangki, 2000-yilda ushbu ko'rsatkich 49,7% foizni tashkil etgan.

Amaldagi qonunchilikka binoan, yillik o'rtacha xodimlar soni qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligida 50 kishigacha, sanoatda faoliyat turiga qarab 100 dan 270 kishigacha, savdo va xizmat ko'rsatish sohasida 25 dan 50 kishigacha ishchilarga ega bo'lgan sub'yektlar kichik korxonalar tasnifiga kiradi.

Ushbu ko'rsatkichni tarmoqlar kesimida tahlil qiladigan bo'lsak 9,1% foiz kichik biznes sub'yektlari qishloq xo'jaligida, 20,9% foizi sanoatda, 11% foizi qurilishda, 34% foiz savdo va umumiy ovqatlanishda, 5,2% foiz yuk tashish, 19,7% foiz boshqa sohalarda faoliyat yuritayotganini ko'rishimiz mumkin².

Yuqoridagi bandlarning tarmoqlar kesimidagi tahlilidan ko'rinib turibdiki, boshqa tarmoqlarga nisbatan yaratilayotgan ish o'rinlari samaradorligi yuqori bo'lgan sanoat tarmog'ida kichik biznesning nisbatan past darajadagi o'rnini ko'rishimiz mumkin. Ushbu ko'rsatkichni hozirgi o'sish darajasining saqlanib qolishi kelgusida aholining ish haqi va tadbirkorlik faoliyatidan oladigan real daromadlarining oshishi bilan bog'liq muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Bu holat davlatning aholiga ajratadigan ijtimoiy kafolatlarini cheklashiga olib kelishi mumkin. Kichik

³⁵⁶ U.P.Umurzakov, A.J.Toshboyev. Kichik biznes va tadbirkorlik // O'quv qo'llanma. Toshkent 2014-yil, 377-b.

biznesning mamlakat iqtisodiyotiga qo'shadigan hissasi oshirilishini, kichik sanoat zonalarining yaratilishi, investitsion muhit va raqobat muhiti yaxshilanishi, innovatsiya jarayonlariga tadbirkorlik sub'yektlarini jalb qilish orqali ko'rishimiz mumkin.

Bozor iqtisodiyoti sharoitlariga moslashuvchan xususiyatga ega bo'lgan kichik ishlab chiqarish va xususiy mulk xususiyatlarini o'zida mujassam etgan dehqon va fermer xo'jaliklari hisobiga mamlakat aholisining oziq-ovqat bilan ta'minlash masalasi hal etiladi va bu jamiyat ijtimoiy barqarorligini ta'minlashda yirik manba bo'lib xizmat qiladi. Dehqon va fermer xo'jaliklarining rivojlanishi qishloq joylarda bozor infratuzilmalarining rivojlanishiga turtki bo'ladi. Dehqon va fermer xo'jaliklarining rivojlanishi raqobatbardosh, yuqori sifatli qishloq xo'jalik mahsulotlarini eksport qilish imkonini yaratadi. Yetarli eksport salohiyatiga ega bo'lgan, biroq ayni paytda yanada rivojlanish uchun yetarli darajada kapitalga ega bo'lmagan muvaffaqiyatli va istiqbolli kichik korxonalarni moliyaviy qo'llab quvvatlash katta ahamiyatga ega. Ushbu chora-tadbirlar kichik biznes sohasida ko'proq ish o'rni yaratilishiga, jahon bozoriga kirish imkoniyatlarini oshirishga yordam berib, mamlakatni eksport salohiyatini oshirishga va aholi daromadlarini oshirishga imkon yaratadi.

Fermer xo'jaligining qayta ishlash va xizmat ko'rsatish faoliyati bilan shug'ullanishi bir qancha iqtisodiy va ijtimoiy muammolarni ijobiy hal qilishiga ham yordam beradi. Jumladan, qayta ishlash, xizmat ko'rsatish, qishloq mahsulotlarini yetishtirish sohaslarida qo'shimcha ishchi o'rinlari yaratilishi natijasida qishloq joylarda ishsizlikning kamayishi, qayta ishlash uchun atrofdegagi fermer va dehqon xo'jaliklaridan xom-ashyo sotib olinishi va buning natijasida ularning sotish sharoitlarining yaxshilanishi, qayta ishlash va xizmat ko'rsatish sohasidan olingan daromadni qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishni rivojlantirish, ya'ni yangi texnika, asbob-uskunalar sotib olishga yo'naltirish imkoniyatini beradi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida qishloq joylarda mehnat resurslaridan foydalanish samaradorligi, ya'ni mehnat resurslarini ish bilan to'liq ta'minlash aholining turmush darajasini oshiradi. Buning uchun qishloq xo'jaligi korxonalarida

yangi ish o'rinlarini tashkil qilish, ayniqsa, qishloq xo'jaligi infratuzilmasini rivojlantirish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bozor sharoitiga o'tish va iqtisodiy o'zgarishlar vujudga kelishi munosabati bilan respublikamizda valyuta-birjasi, ko'chmas mulk va xom-ashyo, tijorat banklari va sug'urta kompaniyalari, ulgurji va mayda ulgurji, savdo shahobchalari, advokatlik kompaniyalari faoliyat ko'rsatmoqda, lekin qishloq joylarda amalga oshirilaayotgan ishlar hozirgi zamon talablariga javob bermaydi. Mamlakatimizda mavjud ishsizlik muammosini hal qilish, jumladan qishloq joylarda qishloq mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi kichik biznes subyektlarini tashkil etish, sanoatni olib kirish, servis sohasini rivojlantirish, kasanachilik, hunarmandchilik sohasini rivojlantirish zarur hisoblanadi.

Qishloq xo'jaligida aholi bandligini oshirishga qaratilgan muammolarni hal etishning bir necha yo'llari bor. Qishloq xo'jaligida aholi bandligini oshirish bosqichma-bosqich amalga oshiriladi.

➤ Qishloq joylarda mavjud muammolarni zarur tamoyillar asosida tahlil qilish;

➤ Hududlarda mos ravishda qishloq xo'jalik mahsulotlarni yetishtirishni kengaytirish bo'yicha aniq loyihalar ishlab chiqish;

➤ Yaratilgan yangi kichik biznes obyektlariga aholini jalb etish va ularning ijtimoiy muhofazasini ta'minlanlash;

Mamlakatimizda agrar sohani rivojlantirish uchun avvalo muammolarni bartaraf etishga qaratilgan tahlil va tadqiqotlarni amalga oshirishimiz lozim. Bunda asosan hududning joylashuv o'rni, aholisi, iqlimi va bir qancha omillar o'rganilib chiqiladi. Shundan so'ng olingan natijalarga ko'ra, foydali bo'lgan qishloq xo'jalik mahsulotlari yoki ularni qayta ishlash korxonalarini yo'lga qo'ysak bo'ladi.

Hududlarda o'tkazilgan tadqiqot va tahlillarga asoslanga holda, o'rganilgan hududda ehtiyoj sezilayotgan sohani rivojlantirish uchun turli loyihalar ishlab chiqish kerak. Misol uchun, Toshkent viloyati Ohangaron tumanini olaylik, hududda o'tkazilgan bir qancha tadqiqotlar natijasida, hududda dehqonchilik va chorvachilikni rivojlantirish uchun shart-sharoit yetarli ekanligi, tabiiy to'siqlar majvud emasligi ma'lum bo'ldi. Hududda qishloq mahsulotlarini yetishtirib uni bozorga olib

chiqish bir qancha bosqichlarda amalga oshiriladi. Qishloq xo'jalik mahsulotlarini eksportga tayyorlash, jumladan laboratoriya nazoratidan o'tkazish, qurutish, sifatli saqlash, qadoqlash, tashish va yetkazib berish jarayonlarini tashkillashtirish aynan hududdagi qishloq xo'jaligi infratuzilmasini yuzaga kelishiga asos bo'ladi.

Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini yetishtirishda va undan keyin bo'ladigan ya'ni iste'molgacha bo'lgan jarayonlarni aynan qishloq joylarda tashkil etish, bir qancha iqtisodiy ko'rsatkichlarni oshishiga zamin yaratadi. Xususan, dolzarb muammolardan biri bo'lgan aholining bandligini ta'minlash va yangi ish o'rinlarini tashkil qilish uchun keng yo'l ochadi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini mamakat hududida keng tarqalishi uchun har bir jarayonda aholining qo'l mehnati muhim rol o'ynaydi. Bu ham albatta bosqichma-bosqich sanoatlashtiriladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, aholi bandligini ta'minlash va yangi ish o'rinlarini tashkil qilish doimo mamlakatimizni muvaffaqiyatli va barqaror rivojlantirishning alohida ustuvor yo'nalishi hisoblanadi. Aholi bandligini oshirishda hududlarni kompleks rivojlantirish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, qishloq joylarda dehqonchilik va chorvachilik mahsulotlarni yetishtirish ko'lamini kengaytirish, yetishtirilgan mahsulotlarni ichki va tashqi bozorga yetkazish bo'yicha turli yo'nalishlarni rivojlantirish muhim hisoblanadi. Agrar sektordagi kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining rivojlanishiga to'siq bo'layotgan muammolar mavjud bo'lib, bu muammolarni hal etish nafaqat qishloq xo'jaligini, balki butun mamlakat iqtisodiyotining muvaffaqiyatli rivojlanishiga, aholini qishloq xo'jalik mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirishga, yangi ish o'rinlarini tashkil etilishi va aholini bandligini oshirishga bevosita ta'sir qiladi.

YOSHLARNI ISH BILAN TA'MINLASHDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNING ROLI

S.B. Yunusova

Toshkent moliya instituti, o'qituvchi

Mamlakatimizda so'nggi yillarda aholi bandligini ta'minlashga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Uzoqni ko'zlab amalga oshirilayotgan islohotlar, inqirozga qarshi choralar natijasida iqtisodiyotning yuqori o'sish sur'atlari ta'minlanmoqda. Investitsiya, mahalliyashtirish hamda boshqa qator maqsadli dasturlarning amalga oshirilishi ish o'rinlari ko'payishiga, yoshlar bandligini ta'minlashga mustahkam zamin yaratib bermoqda. Bu borada bir qancha olimlar, jumladan A.Bondyasheva, N.Zemlyanuxina o'z tadqiqotlarida davlatning iqtisodiy faol aholini ish o'rinlari bilan ta'minlash, mehnat faoliyatini samarali tashkil etish, shuningdek, samarali bandlik ko'rsatkichlariga kichik biznesning ta'siri masalalariga e'tibor qaratganlar³⁵⁷.

Yuqorida keltirilgan fikrlarga qo'shilgan holda ta'kidlash lozimki, aholining ish bilan bandligi, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, xizmat ko'rsatish va servis sohalarini jadal rivojlantirish hisobiga hududlarda yangi ish joylarini yaratish, mavjud ish joylarini saqlab qolishning innovatsion yondashuvlarini talab qiladi. Biroq, shunga qaramasdan yoshlarni ish bilan ta'minlashda bir qancha muammolar yo'q emas. Buning oqibatida esa ko'pgina uyushmagan, ishsiz yoshlar bekorchilikdan, yetishmovchilikdan turli jinoyatlarga qo'l urayotgani ham achinarli holat.

Joriy yilning o'tgan davrida sodir etilgan 17,5 ming jinoyatning qariyb 31 foizi yoshlar hisobiga to'g'ri kelib, mamlakat bo'yicha jinoyat sodir etgan 22 ming shaxsning 11 ming nafarini yoshlar tashkil etgan. Bu ko'rsatkich Andijon, Buxoro, Samarqand, Farg'ona viloyatlari va Toshkent shahrida, ayniqsa, yuqoriligi qolmoqda. Qashqadaryo viloyatida

³⁵⁷ Бондяшева А.С., Землянухина Н.С. Управление занятостью: роль малого бизнеса в достижении эффективной занятости населения региона // Изв. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2016. Т. 16. в. 4. С. 429-434.

jinoyat sodir etgan yoshlarning 70 foizini o`qimaydigan va ishlamaydiganlar tashkil etgan. Bu ko`rsatkich Andijon viloyatida 57 %, Surxondaryo viloyatida 43 %, Jizzax viloyatida 42 % teng³⁵⁸. Shu sababli yoshlarni jinoyatga qo`l urishini oldini olish, har bir yosh jamiyatda o`z o`rnini topishi uchun munosib sharoit yaratish maqsadida keyingi yillarda yurtimizda ko`plab islohotlar amalga oshirilmoqda.

Yoshlar o`rtasidagi muammolar, jumladan, jinoyatchilikning ildizi aksar hollarda ishsizlikka borib taqaladi. Joylarda yoshlarning bandligini ta`minlash borasida jiddiy muammolar mavjud. 1 ming 700 dan ziyod mehnat yarmarkasi o`tkazilganiga qaramay, ularda ishtirok etgan yoshlarning atigi 5 foizigina ishga joylashtirilgani, so`nggi bir yilda 509 ming nafar yoshlar uzoq muddatga chel ellarga chiqib ketgani bu boradagi muammolarni yaqqol namoyon qiladi. Ayni vaqtda yoshlarning biznes bilan shug`ullanishga faol jalb qilish uchun sharoit yaratish, ularni mehnat bozorida talab yuqori bo`lgan mutaxassislik va biznes yuritish ko`nikmalariga o`qitish bo`yicha Toshkent viloyatining Quyi Chirchiq tumani va Toshkent shahrining Chilonzor tumanida yangi tizim sinovdan o`tkazilmoqda. Buning uchun mutasaddi idoralar vakillaridan iborat ishchi guruh tuzilib, 14 yoshdan 30 yoshgacha bo`lgan yoshlar to`g`risidagi batafsil ma`lumotlarni o`zida aks ettirgan tuman pasportlari ishlab chiqildi³⁵⁹.

Prezidentimiz aytganlaridek, farzand tarbiyasi va yurish-turishidan ogoh bo`lmasak, ularni ilmu-hunarga o`rgatmasak, ko`zi mehnatda qotmasa, munosib ish topib bermasak, ularni zararli ta`sirlardan himoya qilish qiyin bo`ladi. Buning uchun esa eng avvalo kichik biznes subyektlarini qo`llab-quvvatlashimiz, rivojlantirishimiz zarur. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning jadal rivojlanishini ta`minlash, xususiy mulkni himoya qilish va uning daxlsizligi kafolatlarining huquqiy mexanizmlarini yanada mustahkamlash,

³⁵⁸ [www.stat.uz-https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana/4248-ertasini-o-ylagan-mamlakat-yoshlarini-e-tiborsiz-qoldirmaydi](https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana/4248-ertasini-o-ylagan-mamlakat-yoshlarini-e-tiborsiz-qoldirmaydi)

³⁵⁹ [www.stat.uz-https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana/4248-ertasini-o-ylagan-mamlakat-yoshlarini-e-tiborsiz-qoldirmaydi](https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana/4248-ertasini-o-ylagan-mamlakat-yoshlarini-e-tiborsiz-qoldirmaydi)

tadbirkorlikni rivojlantirish yo'lidagi byurokratik to'siqlarni bartaraf etish, respublikada investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilash maqsadida "Tadbirkorlik faoliyatining jadal rivojlanishini ta'minlashga, xususiy mulkni har tomonlama himoya qilishga va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Farmoni qabul qilingan bo'lib, mazkur dasturda O'zbekiston Respublikasida istiqbolda tadbirkorlik sohasini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari belgilab berilgan.

Mazkur sohani rivojlantirish va takomillashtirish uchun quyidagi qo'shimcha chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur deb hisoblaymiz: aholining xizmatlar ko'rsatish, ulardan foydalanish va qoniqish sohasidagi bilim va malakalarini yanada o'stirish, mahallalarda kasanachilik, hunarmandchilik, novvoychilik, qandolatchilik, chorvachilik, parrandachilik va boshqa sohalarni keng rivojlantirish, mehnat bozorining real talablaridan kelib chiqqan holda, bandlik va mehnat munosabatlari tuzilmalarining yordami bilan mehnatga layoqatli vaqtincha ish bilan band bo'lmagan aholini kasb-hunarga tayyorlash, qayta tayyorlash, xizmat ko'rsatish infratuzilmasini keng rivojlantirish hisobiga aholining turmush farovonligini oshirishga erishish.

ЁШЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

Т.А.Ҳасанов

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси катта ўқитувчиси*

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки **кунларданок** кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlik субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда уларнинг эркин ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, тadbirkorlikни ривожлантириш орқали халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ҳамда шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини англаб етиш, айти шу асосда иқтисодий ривожланишни таъминлашга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, минтақалардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхона раҳбарлари фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишлари долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугунги тез ва шиддат билан ривожланаётган замонда барча соҳада ривожланиш ва ўзгаришларни кўриш мумкин. Бу эса аёвсиз рақобатга бардош бера олиш, **ташаббускорлик**, янгиликка интилишни ва ўз устида тинмай меҳнат қилишни талаб этади. Шунинг учун жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари бўлган **ёшларда** инновацион тафаккурни шакллантириш, янги техника ва технологиялар ҳақидаги билимларини ошириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликка оид кўникмаларини, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда интернет хизматидан фойдаланиш борасидаги билимларини шакллантириш асло кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Ёшларимиз тадбиркорлик фаолиятининг барча сир-синоатларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакатимизнинг эртанги итисодий ҳаёти шунчалик юксалади. Демак, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш орқали иқтисодиётимиз барқарор тараққиётга эришиш билан бирга, бугунги куннинг муҳим масаласи бўлмиш олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳам ҳал этилади.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган ёшларимиз учун, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан етарли ҳамда жаҳон андозаларига мос келувчи барча имкониятлар яратилган. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик

фаолияти билан шуғулланувчи ёшларга солиқ, кредит ва бошқа соҳаларда берилаётган имтиёз, кафолат ва преференциялар жаҳоннинг бизнес юритиш борасидаги энг либераллашган мамлакатлардан қолишмайди.

Бугунги кунда ёшларини мустақил ҳаётга тайёрлаш, ёш тадбиркорлар сафини тобора кенгайтириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш” юзасидан қабул қилинган қатор қарорлари мамлакатимизда тадбиркорларни ривожлантиришга асос бўлмоқда.

Шу сабабли тадбиркорлар сафи кундан кунга кўпайиб халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган ва мамлакатимиз иқтисодиётига ҳудудларининг ривожлантиришга алоҳида кундалик эҳтиёж ва истеъмол маҳсулотларига бўлган талабларини тўлароқ қондиришга кенг имкониятлар вужудга келмоқда. Ва бу моҳият эътибори билан мамлакатимиз барқарор иқтисодиётини шакллантириш ва ислохотлар натижасида инсон омилига ҳукуматимиз томонидан яратиб берилган эътиборнинг тадбиркорлар томонидан онгли равишда тўғри тушунган ҳолда ўз фаолиятларини давом эттиришга сабаб бўлмоқда.

Бундай ўзгаришлар ёрқин мисоли сифатида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги туб ўзгаришлар саноат, савдо, маиший хизмат, транспорт-алоқа ва маориф ва бошқа соҳаларда ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларни эътироф этиш мумкин. Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлар томонидан аҳоли талаб ва эҳтиёжларини пухта ўрганиш ва ана шу эҳтиёжга яраша маҳсулотлар етказишга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан аҳолининг транспорт хизмати кўрсатишга бўлган талаби мунтазам юқорилиги тадбиркорларнинг ушбу соҳада фаолият юритишга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, деҳқон фермер хўжаликлари билан бир қаторда тадбиркорлар фаолиятининг маълум бир тури сифатида қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари, жумладан гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари ва бошқа шу турдаги маҳсулотларни етиштириш билан бирга уларни қайта ишлаш асосида жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилинмоқда.

Тадбиркорлар томонидан етиштирилаётган халқ истеъмоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орқали ички бозорларини тўлдириш билан биргаликда аҳолининг бундай маҳсулотларга бўлган талабни қондиришга замин яратмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга қаратилган турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, коллеж битирувчилари билан мунтазам равишда касбга йўналтириш тадбирлари турли касб эгалари иштирокида ўтказилмоқда. Чунки тадбиркорлик бу - ишлаб чиқариш, уни реализация қилиш орқали фойда кўриш дегани. Демак, фойда кўришга асосланган тадбиркорлик билан халққа намунали хизмат кўрсатиш мумкин.

Масаланинг яна бир томони тадбиркорликни бошлаш учун дадиллик билан, қўрқмасдан ишга киришиш лозим. Иккиланиш, сусткашлик билан кўзланган натижага эришиш қийин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларга ўз бизнес режаларини ишлаб чиқишда коллеж ўқитувчилари, меҳнат биржаси ходимлари, яқиндан бошлаб фаолият юритиб келаётган “Ягона дарча” ходимлари билан ҳамкорликда коллежларда мунтазам равишда учрашув ва семинарлар ўтказиб келинмоқдалар. Семинарларда тадбиркорликни бошлаш учун ишончли ғоя, сармоя ва билим зарурлиги таъкидланиб, бизнес учун қаердан пул жалб қилиш мумкинлиги, ўз ишини қанча вақт ичида очиш мумкинлиги тушунтирилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтиш мумкинки, тадбиркорликни ривожлантириш учун мамлакатимизда катта имкониятлар эшиги очилган. Ёшларимиздан эса фақат ғайрат ва шижоат талаб қилинади холос. Ҳукуматимиз ёш тадбиркорларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаб келаяпти. Лойиҳанинг мукамаллигига қараб кредитлар

миқдори ошиб бориши мумкин. Шундай экан, ёшларимизни бу жабҳада фаоллигини ошириш учун имкон даражасида тарғибот ишларини кучайтиришимиз, уларнинг фаолликларини рағбатлантиришимиз, қўллаб-қувватлашимиз лозим. Шу билан бирга, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, имтиёзли микрокредит маблағлари билан таъминлаш доимий ғамхўрлигимизга айланиши лозим. Чунки уларни тўғри йўлга солиш, етук тадбиркор бўлиб етишишларига имкон яратиш билан мамлакатимиз фаровонлигига замин ҳозирлаган бўламиз.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

П.З.Хошимов

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,

Л.С.Пўлатова

Ўзбекистон миллий университети талабаси

Юртимизда қабул қилинаётган кўплаб қонун ҳужжатлари, бизнесни юритишдаги ортиқча бюрократик жараёнларни кескин қисқартириш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлашнинг бозор ҳамда ҳуқуқий механизмларини изчил мустаҳкамлаб бориш, Республикада инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган ресурсларни жамлаш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш, ёш тадбиркорларнинг стартап лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг банк кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, ҳудудларда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқаришни қўллаб-қувватлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган Фармон ва Қарорлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида 2018 йилда кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ўтган 2017 йилга нисбатан 1,6 барабарига ошди.

Жумладан, 2018 йилда тижорат банклари томонидан 321 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбаалар ҳисобидан жами 30,6 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилган. Шундан, ажратилган микрокредитлар 6,2 трлн. сўмни ташкил этади.³⁶⁰

Юқорида келтирилган иқтисодий-ҳуқуқий яратувчанлик самараси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати кундан кунга ижобий томонга ўзгараётганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, мамлакатимиздаги хусусий секторга кўрсатилаётган эътибор натижасида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, аҳолининг иқтисодий банд қатлами таркибини янада такомиллаштириш каби сай-ҳаракатларни соҳага яратилаётган имкониятлар сифатида эътироф этиш мумкин. Ёш тадбиркорларга тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, давлат томонидан берилаётган солиқ имтиёзлари, қолаверса тадбиркорларга стартап бизнес ғоялари бўйича юқори малакали консалтинг хизматлари ҳам соҳанинг мавқейини янада оширади. Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, келажакда ўз иқтисодий аҳволини янада яхшилаб,

³⁶⁰ Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида амалга оширилаётган ишлар. 4-5 б.1/2019(260) Бозор, пул ва кредит журнали.

мамлакат ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган бандлик масаласини ижобий ҳал қилиб, аҳолини ҳам иш билан, ҳам ишлаб чиқарган маҳсулоти билан таъминлайди ва иқтисодий барқарорликни юзага келтиради, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариб хорижга экспорт қилади ва шу орқали мамлакатга хорижий валюта олиб келади, иқтисодиётни янада ривожлантиради. Иқтисодий самарадорликни ошириш мақсадида ҳар қандай ишлаб чиқарувчи энг биринчи ўринда сифатга эътибор бериши ва бунинг учун анъанавий усуллардан воз кечиб инновацион усулларни ишлаб чиқаришга жорий этиши ва хорижий технологиялардан унумли фойдаланиши ва албатта ишлаб чиқаришга чет эл инвесторларини жалб қилиб ҳамкорликдаги фаолият натижасида ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотни жаҳон миқёсида оммалаштириб, бандликни таъминлаши ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Бу масаланинг иқтисодий ечими сифатида давлат қонунчилигидаги қатор Қарор ва Фармойишлар, солиқ ислохотлари, хусусий тадбиркорликни давлат рўйхатидан ўтқазининг енгиллаштирилгани, тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли кредитларни келтириб ўтиш жоиз.

Илмий изланишлар натижасида давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги йўналишларда амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин:

- Мамлакат ҳудудида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асосларнинг яратилганлиги;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлаш дастурининг ишлаб чиқилганлиги;

- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмасининг шакллантирилганлиги;

- Юридик ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредитлар бериш механизмнинг ишлаб чиқилганлиги.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш, соҳанинг инновацион тузилмасини такомиллаштириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантирувчи муҳитни, инновацион инфратузилмани ривожлантирувчи суғурта, инновацион воситачи институтлар ва мазкур соҳага тегишли бошқа тармоқлар фаолиятини янада такомиллаштиришга эътиборимизни қаратишимиз лозим. Бундай амалиёт натижасида ишлаб чиқарувчилар анъанавий ишлаб чиқариш моделидан инновацион моделга ўтиш имкониятига эга бўладилар ва ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот ва хизматлар ҳажми яхшиланади.

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий соҳалари ва тармоқларидаги улуши (фоизда)³⁶¹

	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
Ялпи ички маҳсулот	56,1	54,5	57,3	54,9
Саноат	36,8	40,6	45,3	41,2
Қишлоқ хўжалиги	97,9	98,1	98,2	99,0
Инвестициялар	35,4	35,8	37,0	34,8
Қурилиш	69,5	66,7	66,9	64,8
Савдо	86,3	87,1	89,6	88,4
Жами хизматлар	56,7	57,8	61,4	58,3
Юк ташиш	50,9	53,7	54,2	53,7
Йўловчи ташиш	85,5	87,3	88,8	90,1
Бандлик	77,6	77,9	78,2	78,0
Экспорт	19,8	27,0	26,0	27,2
Импорт	45,4	44,5	46,8	50,2

Юқоридаги жадвал асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини иқтисодийнинг барча тармоқлари кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги

³⁶¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодийнинг асосий турларидаги улуши.

улуши 2014 йилда 56,1% ни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 54,9% ни ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши бу даврда 36,8% дан 41,2% га ошди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2014 йилда, мазкур соҳанинг улуши 97,9% ни ташкил этган бўлса 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 99,0% га етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши мунтазам ўсиб боровчи тармоқлар қаторига юк ташиш ва йўловчи ташиш соҳаларини киритишимиз мумкин. Мазкур соҳаларда таҳлил қилинаётган кўрсаткич бу даврда тегишли равишда 50,9 ва 53,7 ҳамда 85,5 ва 90,1% ларни ташкил этади. Бу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлигидаги улуши 77,6% га ошди.

Хулоса ўрнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти иқтисодиётда нафақат ишлаб чиқариш ҳажмига, балки аҳолининг турмуш даражасини оширишга ҳам салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ж.Я. Исаков

*Тошкент молия институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори*

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг зарурий шarti ҳисобланади. 2018 йилда кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 59,4 фоизни, экспортдаги улуши 26,5 фоизни, импортдаги улуши эса, 55,8 фоизни ташкил этди³⁶². Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўна-

³⁶² Кичик тадбиркорлик. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг Статистик бюллетени. – Тошкент, 2019. www.stat.uz.

лиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири эканлиги қайд этилган³⁶³.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида тижорат
банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ва
микрокредитлар³⁶⁴**

Кўрсаткичлар (сўм)	Йиллар			2017 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда
	2015	2016	2017	
Кредитлар, млрд.	12 112	15 870	19 565	161,5
Микрокредитлар, млрд.	2 526	3 326	4 015	158,9

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ва микрокредитлар миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, улар фаолиятини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиёти жорий этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПҚ-2768-сонли қарори билан Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармаси ташкил этилди.

³⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

³⁶⁴ Жадвал муалиф томонидан www.cbu.uz сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Кафолат жамғармасы кичик тадбиркорлик субъектларига янги замонавий технологик ускуналар харид қилиш ва бошқа мақсадларда бериладиган тижорат банклари кредитларининг гаров билан қопланмаган қисмини таъминлаб беради. Мазкур кафолат миқдори кредит қуйилмаси суммасининг 50 фоизидан ва сўмдаги қиймати юз минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда берилади³⁶⁵.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш йўлидаги асосий тўсиқлардан бири бўлиб, юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги ҳисобланади. Бундай шароитда кредитларни кафолатлаш тизимини жорий этиш улар фаолиятини ривожлантириш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тараққий этган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнини давлат дастурлари орқали қўллаб-қувватлаш кенг тарқалган. Масалан, Германияда мақсадли давлат дастурлари мавжуд бўлиб, улар кичик бизнес субъектларининг ўз капитали миқдорини ошириш, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш каби муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Мазкур дастурлар доирасида кичик бизнес субъектларига ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг миқдори 1,0 млн. еврога етади, муддати эса, 3 йилдан 10 йилгача муддатни ташкил этади. Бунда давлат томонидан бериладиган дотациянинг миқдори кредит суммасининг 3 фоизидан 10 фоизигача бўлган суммани ташкил этади³⁶⁶.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

³⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПҚ-2768-сонли “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №56. – 88-модда.

³⁶⁶ Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. – Б. 14.

1. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармасининг маблағларини давлат қимматли қоғозларини сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан кўпайтириш йўли билан уларга тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар ҳажмини янада оширишга эришиш зарур.

Ҳозирги даврда Кафолатлаш жамғармасининг маблағлари етарли эмас. Масалан, 2017 йилда республикаимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар 19565 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, Кафолат жамғармасининг маблағлари ушбу кредитлар суммасининг атиги 0,5 фоизини ташкил этади.

2. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзли кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни қоплаб берадиган алоҳида жамғарма ташкил этиш лозим.

Ҳозирги кунда тижорат банклари орқали берилаётган имтиёзли кредитларнинг ресурсини давлат бермоқда, аммо кредит риси тижорат банкларининг зиммасида қолмоқда. Бу эса, биринчидан, банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш юзасидан манфаатдорлигининг пасайишига олиб келмоқда, иккинчидан, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ЛАЁҚАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

С.Ш.Халилов

*Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
“Туризм ва сервис” кафедраси тадқиқотчиси*

Жаҳонмиқёсида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир пайтда туризм давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб улгурди. Туризм соҳаси янги иш ўринларини яратишнинг рағбатлантирувчи кучи сифатида ижтимоий аҳамият касб этади. Бугунги кунда

жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, иш билан бандликнинг 9 фоизи, жами экспортнинг 7 фоизи, хизматлар экспортининг эса 30 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келиши унинг иқтисодий ривожланишдаги муҳим ўрнини тасдиқлайди³⁶⁷.

Дунё экспорти таркибида туристик хизматлар ёқилғи, кимё саноати, озиқ-овқат ҳамда автомобиль саноати экспортдан кейин бешинчи ўринни эгаллаганлиги унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради. Ўзбекистонда туризм индустрияси субъектлари фаолиятини модернизациялаш, туристик хизматларни инновацион технологиялар орқали тақдим этишни қўллаб-қувватлаш ва экспортини диверсификация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида диққат марказда турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2025 йилгача "... юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортдан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозимлиги ..." ³⁶⁸ асослаб берилган.

Туризм соҳасида ёшлар тадбиркорлик лаёқатидан самарали фойдаланишнинг илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ қилишдан олинган асосий натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли "Ўзбекистон Республикаси туризм **салоҳиятини** ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

³⁶⁷UNWTO. Tourism Highlights: 2018 Edition, p. 3 // <http://www.unwto.org>

³⁶⁸Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Туризм соҳасида ёшлар тадбиркорлик лаёқатидан самарали фойдаланишга оид тавсиялар мажмуи туристик бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шу асосда туристлар талабини тўлиқ қондириш шароитини туғдирувчи бошқарув тизимини жорий қилиш имкониятини яратади. Бундан ташқари, сўнги пайтларда ишлаб чиқаришнинг табиий, меҳнат ва капитал омиллари қаторига тадбиркорлик лаёқати ҳам киритилмоқда.

Ёшлар тадбиркорлик лаёқати дейилганда ёшларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилиши, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнларини уюштириши ёки ташкил қилиши билан боғлиқ етакчилик сифатлари ва қобилиятлари тушунилади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз минтақалари туристик имкониятларини мақбул даражада ишга солиш долзарб вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифанинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш, ўз навбатида, туризм соҳасида ёшлар тадбиркорлик лаёқатидан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаб олишни тақозо қилади. Жумладан:

- ёшлар тадбиркорлик лаёқатининг илмий асосланган диагностикаси хулосалари орқали туризм соҳасида ёшлар бизнес-ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш;

- минтақалар туристик ресурсларидан фойдаланиш истиқболларини иқтисодий баҳолаш асосида ёш тадбиркорлар бошқарувидаги инфратузилма объектлари фаолиятини ташкил этиш;

- туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги ёшларнинг инвестицион лойиҳалари самарадорлиги калькуляциясини амалга ошириш эвазига молиялаштириш манбаларини аниқлаш.



1-расм. Туризм соҳасида ёшлар тадбиркорлик лаёқатидан самарали фойдаланиш йўллари³⁶⁹

2018 йил якунларига кўра аҳолининг кичик тадбиркорликдан олинган даромадлари умумий даромадлар 56 фоизини ташкил этди. Бу кўрсаткич, айниқса, дестинацион тур маҳсулоти диверсификация қилинган Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятларида юқори ўсиш тенденциясини намоён этган. Демак, ушбу минтақаларда ёшлар бизнес фаоллигини туризм соҳасини жадал ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, иқтисодий фаолият турлари бўйича жами корхона ва ташкилотлар умумий улушининг 22,1 фоизи савдо, 6,0 фоизи яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳиссасига тўғри келади³⁷⁰. Статистик маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, минтақалар туристик имкониятларини мақбул даражада ишга солишда ёшлар тадбиркорлик лаёқати инobatга олинishi лозим бўлган муҳим омиллардан бири саналади. Яъни:

- хорижий ва маҳаллий туристлар оқими ҳудудлар кесимида барқарор тақсимланишини таъминлаш мақсадида

³⁶⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

³⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

туристик объектлар фаолиятига оид ёшлар бизнес-ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашишнинг институционал механизмини шакллантириш талаб этилади;

- ёш тадбиркорлар туризм соҳасидаги инвестицион лойиҳалари ресурс таъминотини аниқлашга йўналтирилган инвесторлар минтақавий форумларини ўтказишнинг йиллик календарь режасини ишлаб чиқиш лозим;

- ёш тадбиркорларнинг туристик хизматлар маркетинги воситаларини бизнес-жараёнлар бошқарувида унумли қўллашнинг мониторинг тартибида ўрганиш орқали юқори натижаларга эришиб келаётган менежерларни мунтазам рағбатлантириб бориш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, туризм соҳасида ёшлар тадбиркорлик лаёқатидан самарали фойдаланишнинг назарий-методологик ва илмий-амалий жиҳатлари айна йўналишда тизимли тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади. Ушбу соҳадаги тадқиқот иши дастлабки хулосалари ва амалий тавсияларини минтақалар ривожланишини маъмурий-иқтисодий тартибга солишда инобатга олиш туризм соҳасини бошқариш самарадорлиги ошишига олиб келади.

ISHCHI KUCHI BANDLIGINI TA'MINLASHDA CHORVACHILIK TARMOG'INI RIVOJLANTIRISHNING AHAMIYATI

O'.A.Askarova

Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Xalqaro turizm fakulteti Logistika yo'nalishi 1-bosqich LG-75 guruh talabasi

Respublikada har yili ishchi kuchi bandligini ta'minlash bo'yicha tasdiqlanadigan dasturlarni amalga oshirish, bo'sh va kvotalanadigan ish o'rinlariga ishga joylashtirish mexanizmlarini takomillashtirish, o'zini-o'zi band qilishning samarali shakllarini rivojlantirish borasida ta'sirchan chora-tadbirlar ko'rilmogda.

Aholining ishchanlik faolligini va tadbirkorlik tashabbuslarini rag'batlantirishga, ijtimoiy zaif qatlamlar bandligini ta'minlashga, ishchi kuchi bandligini ta'minlash bo'yicha davlat xizmatlaridan foydalanish imkoniyati, sifati va tezkorligini oshirishga qaratilgan bir qator normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi.

Shunga qaramay, hududlardagi mehnat bozorida hali-hamon yuqori darajada keskinlik saqlanib qolmoqda, doimiy ish o'rinlarini tashkil etish, yoshlar, xotin-qizlar, kam ta'minlangan oilalarning ish bilan bandligini, ayniqsa, qishloq joylarda ta'minlash masalalari hal etilmayapti³⁷¹.

Chorvachilik tarmog'ini jadal rivojlantirish xalqimizni arzon, sifatli go'sht va boshqa oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash, ayniqsa, qishloq joylarida istiqomat qilayotgan fuqarolarning bandligini oshirish va daromadlarini ko'paytirishda muhim o'rin tutadi.

Shu bilan birga, hududlardagi ishlarning hozirgi holati mazkur tarmoq korxonalarini qo'llab-quvvatlash, ozuqa **baza-sini ko'paytirish, naslchilikni yaxshilash, jumladan, sun'iy urug'-lantirishni** rivojlantirish va naslchilik xo'jaliklarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash borasida aniq kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirishni taqozo etmoqda.

Xalqimizning chorvachilikni rivojlantirish borasidagi tadbirkorlik tashabbuslarini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ushbu tarmoqda ilmiy yondashuvlar va ilg'or zamonaviy texnologiyalarni keng joriy etish, import o'rnini bosuvchi va eksportbop chorva mahsulotlarini ishlab chiqarish va qayta ishlashni yanada rag'batlantirish, pirovardida aholi farovonligini yuksaltirish va daromadlarini ko'paytirish maqsadida:

O'zbekiston Respublikasi Yer resurslari, geodeziya, kartografiya va davlat kadastr davlat qo'mitasi hamda Qishloq xo'jaligi vazirligining tuman hokimliklari zaxirasidagi lalmi va yaylov yer uchastkalarini chorvachilik fermer xo'jaliklari va boshqa qishloq xo'jaligi korxonalariga ozuqabop ekinlar yetishtirish, tomchilatib va yomg'irlatib sug'orish texnologiyasini joriy qilish majburiyatlariga muvofiq yer ajratish to'g'risidagi takliflarini ma'qullash³⁷².

Bugungi kunda import bo'layotgan go'sht va go'sht mahsulotlarini, qarovsiz qolgan, hozirda hech kim nazarga

³⁷¹O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-iyuldagi "Aholi bandligini ta'minlash borasidagi ishlarni takomillashtirish va samaradorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Qarori.

³⁷²O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 18-martdagi "Chorvachilik tarmog'ini yanada rivojlantirish va qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida" gi Qarori

ilmayotgan yer va tog‘li hududlarda chorvachilikni keng qo‘llagan holda o‘zimiz ham ozuqabop mahsulotlarni yetishtirib, ishlab chiqarishni amalga oshirishimiz mumkin. Ayni holda nafaqat chorvachilik orqali balki shu yerlarga yaqin bo‘lgan joylarda yengil sanoatni ham birgalikda takomillashtirgan holda uzviy olib borish imkoni bizda ayni davrda mavjud. Hozirgi kunda ishlov berilmay e‘tibordan qolgan minglab yer, cho‘l va tog‘li hududlarda biz samarali ish olib borishimiz sanoat va korxonalar qurib millionlab aholini ish bilan ta‘nimlash va importni katta qismini o‘zimiz qoplagan holda eksportga ham mahsulot ishlab chiqarishimiz mumkin.

Xo‘jaliklarga sertifikatlangan yuqori sifatli ozuqabop ekinlarning birlamchi urug‘larini yetkazib berish, ozuqabop ekinlarning yangi navlari va duragaylarini yaratish, ularning agrotexnologiyalarini takomillashtirish, birlamchi urug‘chilik ishlarini olib borish, superelita va elita urug‘larini yetishtirish, yer tarkibini yaxshilovchi kuchsiz va o‘rta darajada sho‘rlangan tuproq sharoitlariga mos yuqori oqsilli va noan‘anaviy (oq lyupin, payza va boshqalar) ozuqabop ekinlarni iqlimlashtirish, seleksiya va urug‘chilik ishlarini olib borish hamda mahalliy sermahsul chorva mollari liniyalari va tiplarini yaratishga qaratilgan fundamental, amaliy va innovatsion loyihalar tanlovlarini doimiy ravishda tashkil etish bilan birga barcha toifa xo‘jaliklarda naslchilik, shu jumladan, sun‘iy urug‘lantirish va servis xizmatlari ko‘rsatishni yo‘lga qo‘yish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Shu jumladan, “O‘z naslchilik” davlat korxonasi tomonidan aholi, fermer, dehqon va shaxsiy yordamchi xo‘jaliklar qaramog‘idagi sigirlarni sun‘iy urug‘lantirishni tashkil etish bo‘yicha eksperimentni qo‘llab-quvvatlash va ushbu ishlarning tizimli davom ettirilishini ta‘minlash maqsadida malakali mutaxassislarni jalb etgan holda ish o‘rni yaratishni yuqori saviyada, davomiy ravishda olib borilishi ko‘zlanadi. Bizning ushbu chora-tadbirlarimiz kichik biznes sohasida ko‘proq ish o‘rinlari yaratish, aholining bandligini ta‘nimlash hatto qo‘l mehnatidan boshlangan ishlarni rivojlantirib sanoatga yo‘naltirish va jahon bozoriga sifatli, hamyonbop mahsulotlarni olib chiqish, mamlakatda import mahsulotlarni ichki imkoniyatlardan foydalanib ishlab chiqarish va ularning eksport salohiyatini oshirish imkonini yaratadi.

Chorvachilik sohasini rivojlantirish maqsadi 2018-yilning I-yarim yilligida jami 2138 ta chorvachilik loyihalarini amalga oshirish tufayli yirik shoxli mollar bosh soni - 38 mingtaga, qo'y-echkilar - 8,9 mingtaga, parranda 4435 mingtaga oshdi va tabiiy hamda sun'iy suv havzalari - 2,7 ming gektarga kengaytirilishi 2018 yilning I yarmida o'tgan yilga nisbatan qishloq xo'jalik mahsulotlari ishlab chiqarish hajmlarining o'sishiga sabab bo'ldi³⁷³.

Davlatimiz rahbari go'sht va go'shtli mahsulotlarni yetishtirishga ixtisoslashgan korxonalarni, chorvachilik xo'jaliklari sonini ko'paytirish, yer unumdorligini hamda tomorqadan foydalanish samaradorligini oshirish bo'yicha tavsiyalar bermoqda. Chorvachilikning asosida yuzaga keladigan go'sht va go'sht mahsulotlari sanoatining tiklanishi ham maqsadga muvofiq bo'lardi. Kelajakda qilinayotgan ishlarning samarasi o'laroq mahsulotlarimizni jahon bozorlarida ham o'z o'rnini egallashiga va yangi ish o'rinlari tashkil qilinib ishsizlarning bandligini ta'nimlashga ham katta asos bo'ladi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, qishloq xo'jaligi iqtisodiyotning asosiy rivojlantiruvchi xom-ashyo manbai sifatida qaralar ekan, ular tarkibidan chorvachilikni alohida ish bilan bandlikdagi o'rnini belgilash maqsadga muvofiqdir. Bunda chorvachilik sohasini arzon va sifatli yem-xashaklar bilan ta'minlash maqsadida, qishloq xo'jaligining shunga ixtisoslashgan tarmoqlarini ham keng rivojlantirish lozim, deb hisoblaymiz.

IQTISODIYOTNING RIVOJLANISHIDA ZAMONAVIY LOGISTIKANING O'RNI

M. I. Azizova

Toshkent Moliya Instituti "Ekonometrika va raqamli iqtisodiyot" kafedrasida katta o'qituvchisi

Zamonaviy xalqaro iqtisodiy munosabatlar asosida **rivojlantirayotgan** globalizatsiya va kuchli integratsiya iqtisodiyotni **yanada** tez va keskin tarzda shakllanishiga sabab bo'lmoqda.

³⁷³ Iqtisodiyot vazirligi Axborot xizmati. "2018-yilning I-yarmida qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirishda amalga oshirilgan tadbirlar" 2018-yil 26-iyul

Shu o'rinda Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ma'ruzalarida ta'kidlaganlaridek: “.. hamma sohada aniq tartib va qattiq intizomni ta'minlashimiz darkor. Yana bir bor ta'kidlayman, ishni birgalikda bajaramiz, natija uchun esa har birimiz shaxsan javob beramiz”³⁷⁴.

Shu bilan birgalikda, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan “Yo'l-transport, muhandislik-kommunikatsiya va ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish va modernizatsiya qilish bo'yicha dasturlarning prognoz parametrlarini ishlab chiqish va amalga oshirishni nazorat qilish hamda ularga erishishning asosiy vazifalardan biri sifatida belgilab bergan”³⁷⁵.

Mamlakatimizda ham bozor infratuzilmasini yanada rivojlantirish, qulay biznes muhitini yaratish va iqtisodiyotimizni modernizatsiyalashning yangi talablari eng avvalo logistikani rivojlanishi bilan bevosita bog'liq. Yurtimiz iqtisodiyotini yanada rivojlantirishda logistikaning o'rni katta. Chunki bu soha rivojlangan hamda rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyoti rivoji uchun dolzarb bo'lib kelmoqda .

O'zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda **rivojlantirishning** beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha Harakatlar Strategiyasining iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishariga bag'ishlangan bandida “Tarkibiy **o'zgartirishlarni chuqurlashtirish, milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlarini** modernizatsiya va diversifikatsiya qilish hisobiga uning raqobatbardoshligini oshirish, erkin iqtisodiy zonalar, texnoparklar va kichik sanoat zonalarni tashkil etish, amaldagi zonalarning samaradorligini oshirish, xizmatlar ko'rsatish sohasini jadal rivojlantirish, yalpi ichki mahsulotni shakllantirishda xizmatlar roli va ulushini oshirish, ko'rsatilayotgan xizmatlarning tuzilmasini eng avvalo xizmatlarning zamonaviy yuqori texnologik turlari hisobiga tubdan o'zgartirish, yo'l-transport infratuzilmasini yanada rivojlantirish, iqtisodiyot, ijtimoiy sohaga, boshqarish tizimiga informatsion-kommunikatsion texnologiyalarni joriy

³⁷⁴Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – T.: O'zbekiston, 2017. 104 b.

³⁷⁵Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik-har bir rahbar faoliyatning kundalik qoidasi bo'lishi kerak.-Toshkent,2017.-22-bet.

etish, qishloq xo'jaligi mahsulotlarni saqlash, transportirovka qilish va sotish, moliyaviy va boshqa zamonaviy bozor xizmatlarini ko'rsatish infratuzilmasini yanada kengaytirish" kabi vazifalar keltirilgan³⁷⁶. Shulardan kelib chiqqan holda, bugun mamlakatimizni modernizatsiya qilish va yangilash, iqtisodiyotimizning sifat jihatdan yangi, zamonaviy tarkibiy tuzilmasini shakllantirish, hududlarimizni kompleks rivojlantirish bo'yicha barcha rejalарimizning muvaffaqiyatli amalga oshirilishi yo'l-transport va kommunikatsiya infratuzilma tarmoqlarini yuksak sur'atlar bilan rivojlantirishga uzviy bog'liqdir.

2018-2021 yillarda chegaradosh mamlakatlar bilan logistik marshrutlarni diversifikatsiya qilish rejalashtirilgan bo'lib, unga ko'ra kelishuv bitimlari imzolanadi. Bunda chegaradosh mamlakatlar bilan amaliy muzokaralar o'tkazish, qo'shni davlatlarning infratuzilmalarini rivojlantirishga investitsiyalar kiritish tashabbusi bilan chiqish orqali mahsulotlarning eksport-importidagi logistik muammolarni hal etishga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirish nazarda tutiladi³⁷⁷.

O'zbekistonda tashqi iqtisodiy va boshqa xalqaro aloqalar, shu jumladan yuklar (yo'lovchilar)ni xalqaro tashishlar yuqori sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Buni yangi ishlab chiqilgan qonunlar, qarorlar xamda logistik markaz hamda kompaniyalarga yaratilayotgan turli imkoniyatlar va yangi ochilayotgan logistik markazlar misolida yaqqol ko'rishimiz mumkin.

Bunday kompleks ulkan masalalar ilmiy, texnologik tashkiliy yechimlar bilan bog'liq transport muammolarining rivojlanishi, intermodalligi va umumiy axborot muhitini shakllantirish, hattoki transport tizimida qo'llaniladigan terminlarda ham har xil talqin etilmoqda. Bunday sharoitda hamkorlik sari birinchi qo'yiladigan qadamlar ushbu masalalarni yechish va muammolarni bir tizimga keltirishdir.

Hozirgi jadal sur'atlar bilan rivojlanib borayotgan bozor iqtisodiyoti sharoitida iqtisodiyotning ko'pgina sohalarini **qaytadan** modernizatsiya va diversifikatsiya qilish masalasi dolzarb bo'lib turibdi.

³⁷⁶ O'zbekiston Respublikasini 2017-2021 yillarda rivojlan-tirishning beshta ustuvor yo'nalishlari bo'yicha xarakatlar strategiyasi Davlat dasturi.

³⁷⁷ <http://2018.strategy.uz/>

Xalqaro yuklarni tashishda faol ishtirok etayotgan milliy transport va ekspeditorlik tashkilotlar birinchilardan bo'lib, yuklarni tashishni zamonaviy holda tashkil etish va yuklarni qayta ishlash logistikasini muhimligini anglab yetgan holda inter, multimodal va yuklarni tashishning terminal tizimlarini, yuklarni tashish texnologiyasi, zamonaviy telekommunikatsiyalar, ya'ni yukni kuzatishning va boshqalarning ham logistikaga ehtiyoji sezildi.

Logistikaning maqsadi deb, globalizatsiyalashtirish, inson faoliyatining kattagina sohasini o'z ichiga olgan tovarlar, xizmatlar, xom ashyo va materiallar harakatining barcha yo'llarini tushunish mumkin.

Hozirgi kunda logistika transport - ekspeditsiya faoliyati doirasida qizg'in rivojlanayapti. Logistik zanjirning tuzilishiga e'tibor bersak ba'zi bo'g'inlarda mahsulotlarni ortiqcha ishlatish, boshqa hollarda esa iqtisod qilinganini ko'ramiz. Afsuski, bu iqtisodiy, murosalar hozircha muhim rol o'ynamaydi. Transport-ekspeditsiya firmalari logistik zanjir tuzilishida sheriklarning qiziqishini hisobga olishlari kerak. "Zanjir, eng kuchsiz bo'g'inga qaraganda kuchli bo'lishi mumkin" - bu logistikaning asosiy tamoyillaridan biridir.

Shuningdek, tadbirkorlarga qo'shimcha sharoitlar yaratish maqsadida "Milliy logistika portali"ni tashkil etish lozim ekanligi ta'kidlanmoqda. Xalqaro tranzit yo'llarini ochish, kengaytirish va zarurlarini qayta qurish hamda rekonstruksiya qilish zarur. Eksportni yanada rag'batlantirish maqsadida texnik jihatdan tartibga solish tizimini xalqaro standartlarga keltirish kerak. Asosiy maqsadlarimizdan biri – tashqi bozorga sifatli va sertifikatlangan mahsulotlarni "o'zbek brendi" nomi bilan olib chiqishga erishish kerak.

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЁШЛАРНИ ТАДБИР- КОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

З.Р.Давлатова

Тошкент молия институти "Эконометрика
ва рақамли иқтисодиёт" кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистонда тadbirkорликни ривожлантириш, иш-
билармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш, аҳолини

бизнес соҳасидаги қобилиятини юзага чиқариш, уларга янада кенг имкониятлар яратиб бериш, бандликни таъминлаш, пировардида давлатимиз иқтисодиёти ва оилалар турмуш фаровонлигини оширишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос туристик жозибага эга. Шу боис, туризмни ривожлантириш ҳисобидан минглаб янги иш ўринлари яратиш мумкин. Ички туризмни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга республикамызда 5000 дан ортиқ туризм намойиш объектлари яъни архитектура ёдгорликлари ва археологик обидалар, монументал санъат ёдгорликлари, музейлар ва бошқа диққатга сазовор жойлар, 380 га яқин зиёрат туризм объектлари ҳамда 220 дан ортиқ агротуризм объектлари улардан ўрмон хўжаликлари, қўриқлама ҳудудлари, экопарклар мавжуд. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сон қарори асосида мамлакатимизда ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича ахборот-тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни оммалаштириш, ёшларни бизнес сабоқларига ўқитиш ва ўргатиш, янгидан фаолият бошлаётган ёш тадбиркорларни жойлаштириш учун бизнес тузилмалар фаолиятини яратиш, инновация тадбиркорлигини жорий этишга, “startup” лойиҳалар, аввало олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассаларида ўз бизнесини ташкил қилиш, ёшлар бандлиги ва даромадларининг жадал ўсишини таъминлашга хизмат қиладиган кичик, хусусий тадбиркорликнинг турли шаклларини жадал ривожлантиришда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратил-

ган чора-тадбирлари дастурлари ишлаб чиқилляти, жумладан иш билан банд бўлмаган ва уюшмаган ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ёшлар ўртасида ишбилармонлик муҳитини яратиш, ёшларнинг шахсий бизнесини ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган аниқ дастурлар амалга оширилмоқда. Ёшларни туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича муҳим қадамлардан бири бу-ёш мутахассислар, олий таълим муассасалари битирувчилари ўртасида туризм соҳасидаги энг яхши бизнес лойиҳалар танловининг ўтказилиши бўлди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ўтказилган мазкур танловга ёшлар томонидан 30 дан ортиқ туризм соҳасига оид бизнес лойиҳалар келиб тушган ва улардан 4 та бизнес лойиҳаларни энг кам иш ҳақининг 250 бароваригача миқдорида молиялаштиришга келишилди. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ ҳудудида “Орол ёшлари” доимий экспедицияси фаолияти йўлга қўйилиб, Оролбўйи минтақасида экотуризмни ривожлантириш мақсадида ёшлар туризм зонаси ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда туризм тармоғи учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида очилган Фарғона шаҳрида Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактаби филиалини айтишимиз мумкин. Унда талабалар туризмда тадбиркорлик фаолияти ва уни бошқариш, меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, ресторан хўжалигида тадбиркорлик фаолияти йўналишлари бўйича таълим олмоқдалар. Халқаро тажрибани қарайдиган бўлсак, тадбиркорликнинг янги тури - инновацион тадбиркорлик тушунчаси мавжуд. Инновацион тадбиркорликнинг аҳамияти ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбиркорлик соҳасидаги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва халқаро стандартларга мос келадиган инновацион маҳсулотни яратиш ҳамда уларни ривожлантириш имкони беради.

Дунё мамлакатлари тажрибасидан маълумки, ҳозирги кунда туризмда инновацион технологиялардан фойда-

ланиш катта аҳамиятга эга. Статистик маълумотларига кўра, дунё сайёҳларининг 52 фозини FIT (Free Independent Traveler, яъни яқка ҳолдаги сайёҳлар) сифатида саёҳатга чиқишади. Сайёҳлик фирмаларидан эса, бор йўғи 19 фоз сайёҳ фойдаланади. Ўзбекистонга келадиган сайёҳлар кўпинча фирмалар орқали ташриф буюришади. Бундай ҳолатларни имкон қадар бартараф этиш мақсадида барча турдаги мобил қурилмаларга мўжалланган электрон сайёҳат дастурлари ишлаб чиқилиши лозим. Бунга ҳозирги кунда қўлланилаётган SamTour мобиль иловасини мисол қилишимиз мумкин. Унда сайёҳат режасини ишлаб чиқиш, сайёҳнинг турган жойи ва борадиган жойини картада кўрсатиш, шаҳарда жойлашган зиёратгоҳлар, овқатланиш шаҳобчалари, меҳмонхоналар ва савдо мажмуалари ҳақида маълумот олиш, транспорт хизматлари, меҳмонхоналарни онлайн брон қилиш ва уларга электрон тўлов тизимлари орқали ҳақ тўлаш, шаҳарда фаолият юритаётган гид экскурсаводлар ва ҳайдовчилар ҳақида маълумот олиш ҳамда уларни олдиндан ёллаш имконини беради. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йилнинг I чораги давомида Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар сони 1 млн. 380 мингга ташкил қилган. Ўтган йилнинг худди шу даврида эса бу кўрсаткич 972,2 нафарни ташкил қилган, бу эса 42 % ўсишдан далолат беради. Шунингдек, туристик хизматлар экспорти 2019 йилнинг биринчи чорагида 246,1 млн. долларга етди, 2018 йилнинг бу даврида 184,6 млн. долларни ташкил қилган эди.

Хулоса қилиб айтганда бу соҳада амалга оширилаётган ишларни жадал давом эттириш ва ёш тадбиркорларни фақат ўз кучига, билимига ва заковатига ишонадиган қилиб тарбиялашга эришиш учун:

-ёш тадбиркорларга бизнес юриштиш асослари, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа зарур фанларга ўқитиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун ўқув курслари ташкил қилиш;

-ёш тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш

мақсадида республика банк-молия, солиқ, божхона ва бошқа идоралар вакиллари билан учрашувлар ўтказиш;

-ёш тадбиркорлани илғор технологиялар билан таълимлаштириш, уларни экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун турли кўргазмалар ташкил этиш зарур.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯ ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ ЎРНИ

С.Ш.Юсупов

Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институти

Республикаимизда инновация тадбиркорлигини ривожлантиришда инновацион бошқарув усуллари қўллаш, инновация ва инвестицияларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали халқимизни сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ҳамда корхоналарнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш”³⁷⁸ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси ўз навбатида мамлакатимиздаги ёшларни бандлигини янада оширишга хизмат қилади.

Инновация жараёни анча мураккаб тушунча. У турли нуқтаи назардан ва муфассал текширишнинг турли дара-

³⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. // www.lex.uz.

жаларидан қараб чиқилиши мумкин. Биринчидан, унга илмий тадқиқот, илмий-техника, янгилик яратиш ва ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанг олиб бориладиган фаолият сифатида қараш мумкин. Иккинчидан, инновация жараёнига янги киритилган тартиб қонданинг ғоя пайдо бўлишидан, то уни амалга ошириш ва тадбиқ қилишгача бўлган ҳаёт даврининг вақтинча босқичлари сифатида қараш мумин.

Умуман олганда, инновация жараёни бу ҳодисалар занжири бўлиб, улар оқибатида технология ва хизматлар, янгиликлар ғоя шаклида “етилган” маҳсулот шаклига ўтади ва хўжалик фаолиятига татбиқ этилади.

XX аср ўрталарида тадбиркорнинг новатор сифатидаги ҳозирги тушунчаси пайдо булди. Й.Шумпетернинг таъкидлашича, тадбиркорнинг вазифаси ихтироларини жорий қилиш йўли билан, яна ҳам умумий маънода – янги маҳсулот ёки аввалги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун янги технологиялардан фойдаланиш орқали ишлаб чиқиш усулларини ислоҳот қилиш ва инқилобийлаштиришдир.

Ушбу талқиннинг моҳияти – умуман янги киритилган тартиб қоида ва янгиликни тадбиркорликнинг ажралмас қисми сифатида тан олишдир. Ҳақиқатдан ҳам, янги ғояларни қидириш ва уларни амалга ошириш – тадбиркорликнинг энг қийин вазифаларидан биридир.

Инновация тадбиркорлиги дейилганда техник-технологик янгиликни яратиш ва тижорат йўлида фойдаланиш жараёни тушунилади. Қоида бўйича, тадбиркорлик фаолияти асосида янги бозорни ташкил қилиш, янги талабларни қондириш имкониятларини берадиган маҳсулотлар ёки хизматлар соҳасида янги киритилган тартиб қоида ётади.

Инновация тадбиркорлиги – қандайдир янги нарсани ташкил қилишнинг алоҳида новаторлик жараёни, асосида янги имкониятларни доимо хўжалик юритиш ва инновацияга ориентация олиш жараёнидир.

Иқтисодий адабиётларда инновация тадбиркорлигининг учта тури ажратилади:

- маҳсулотлар инновацияси;
- технологиялар инновацияси;
- ижтимоий инновация.

Инновация тадбиркорлигининг биринчи тури – **маҳсулотлар** инновацияси – фирманинг ўзини сақлаб қолишини, олаётган даромадининг ҳажмини кўпайтиришни, мижозларни сақлаб қолишни, мустақил мавқесини мустаҳкамлашни, эътиборини оширишни, янги иш ўринларини яратишни таъминлайдиган корхонанинг маҳсулот сотиш потенциалини янгилаш жараёнидан иборат.

Иккинчи тур – технология инновацияси – ишлаб **чиқариш** самарадорлигини оширишга, энергияни, хом ашёни ва бошқа ресурсларни иқтисод қилишга қаратилган ишлаб чиқариш потенциалини янгилаш жараёнидир. Бу ўз ўрнида корхона фойдаси ҳажмини кўпайтириш, техника хавфсизлигини такомиллаштириш. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, фирманинг ички ахборот тизимидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Инновация жараёнини ташкиллаштириш усулларига асосан фирмада қуйидагилар асосида инновация тадбиркорлигининг учта моделини ажратиш мумкин:

– ички-ташқи қилиш модели, бунда инновация фирманинг ичида ихтисослаштирилган бўлимлари томонидан режалаштириш базаси ва инновация лойиҳаси бўйича уларнинг ўзаро ҳаракати мониторинги асосида ташкил қилинади ва (ёки) ўзлаштирилади;

– контрактлар ёрдамида ташқи ташкиллаштириш, бунда инновацияни яратиш ва (ёки) ўзлаштиришга буюртма ташқаридаги ташкилотлар ўртасида жойлашади;

– венчурлар ёрдамида ташқи ташкиллаштириш: бунда инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун четдан қўшимча маблағларни жалб қиладиган шўъба венчур фирмаларини ташкил қилади.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлар инновация тадбиркорлигининг барча турлари асосида маҳсулотнинг янги турини яратиш ва ўзлаштириш ётади, деб хулоса чиқариш имконини беради. Бундай тадбиркорликнинг бош ва муҳим қисми кейинчалик харидор томонидан реализация қилинадиган илмий-техник маҳсулотлар, моллар, ишлар, ахборотлар, маънавий интеллектуал бойликларни яратиш ва ишлаб чиқишдир.

Маҳсулотни янги турини ўзлаштириш ва тайёрлаш учун тадбиркорга илмий-техник маҳсулотни яратиш жараёнида фойдаланиладиган материаллар кўринишида айланма маблағлар; материалларни қайта ишлаш учун энергиялар ва бошқа ресурслар зарур бўлади. Бундан ташқари, бутлайдиган маҳсулотлар, ярим тайёр маҳсулотлар, яъни илмий-техник маҳсулотни тайёрлашда фойдаланиши мумкин бўлган таркибий қисмларга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин.

Тадбиркор жараён сифатида ўзида тўртта босқични мужассамлаштиради: янги ғояни қидириш ва уни баҳолаш; бизнес-режа тузиш; керакли ресурсларни қидириш, ташкил қилинган корхонани бошқариш.

Инновация тадбиркорлиги учун янги ғояни қидириш муҳим аҳамиятга эгадир, бунга батафсил тўхтаб ўтиш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш қандайдир аниқ режа тафсилотлари билан ўйланган инновация ташаббуси ётган тадбиркорлик ғояси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шунингдек, унинг бир ёки бир нечта алоҳида қисмларини қамраб олиши мумкин.

Агар диққат эътиборни тадбиркорлик ғояларининг айнан айрим бўлақларига қаратадиган бўлсак, ғояларни амалга ошириш мумкин бўлган, тадбиркор фаолиятининг асосий йўналишларини ажратиш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимини ўзгариши;
- янги техника ёки технологияларни қўллаш;
- маҳсулотни ишлаб чиқаришда янада тежамли ёки мустаҳкам янги материаллардан фойдаланиш;
- маҳсулотларнинг дизайнини, упаковкасини яхшилаш;
- корхона реклама компаниясини ташкил қилишнинг принципиал янги тизими.

Лекин, тадбиркорлик фирмаси фаолиятининг инновация характери нафақат ишлаб чиқариш омилларига, ишлаб чиқариш жараёнини ўзига ёки маҳсулотнинг ўзини ташкиллаштиришга нисбатан, балки ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган одамларни жой-жойига қўйишга нисбатан пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда тадбиркорлик ғояси қуйидаги фаолиятларга асосланган бўлиши мумкин:

– малакаси етарли бўлмаган ходимларни чиқариб юбориш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида барча иштирок этаётганларни бутунлай ёки қисман алмаштириш;

– коллективда ишлаётганларнинг “алоҳида кайфиятини” ташкил қилиш.

Шундай қилиб, инновация ғоясини оригинал маҳсулот, мол, хизматларни ёки уларнинг яхшиланган вариантлари ёки модификацияларини, шунингдек, янги маркаларини ишлаб чиқаришнинг амалда бор бўлган ҳақиқий имконияти, деб белгилаш мумкин.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

П.З.Хошимов

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Д.Д.Маҳамаджонов

Ўзбекистон миллий университети талабаси

Чет эл тажрибаларидан тадбиркорлик фаолияти **иқтисодиётни** олға етакловчи куч эканини кўришимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Республикамизда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори **иқтисодиётимизнинг** таянчи ва суянчиғига айланиб улгурган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, **уларнинг** фаолиятини рағбатлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда ва бу борада ёшларга қаратилган эътиборнинг ўрни бўлакчадир. Хўш нега айнан ёшларга?

Ёшлар – ҳар қандай ўзгаришларга тайёр бўлган ва қисқа муддатлар ичида бу ўзгаришларнинг фойдали томонларини топа олувчи, жамиятнинг энг ғайратли ва фаол қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёшлар гуруҳининг катта ёшли аҳоли қатлаמידан тажриба ўрганишга аҳамият бериши мақсадга мувофиқ. Ёшлар орасидаги тадбиркорлик - бу давлат органлари томонидан алоҳида эътиборни талаб этувчи, жуда мураккаб сектордир. Бу секторни тўғри ташкил этиш ҳамда тўғри йўналтириш орқали мамлакатда кичик бизнесни ривожлантириш ва ўз навбатида иқтисодий

ўсишга эришиш, минтақага турли инвестицияларни жалб қилинишига эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда ёшлар тадбиркорлиги янги иш ўринларини яратиш ва ишсизлик даражасини қисқартириш, малакали кадрларни тайёрлаш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнамоқда. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўлла-қувватлаш ёшларнинг бу соҳага бўлган қизиқиш-у, ғайратлари сабаб ортиб бормоқда. Ёшлар тадбиркорлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим сегменти ҳисобланади. Зеро, бугунги кундаги ёшлар, ёшлар тадбиркорлиги мамлакатимизнинг келажақдаги қиёфасини яратиб берадилар, бугунги ёшлар бизнесининг ривожланиши мамлакатимизнинг эртанги иқтисодий ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни³⁷⁹га кўра, “ёшлар тадбиркорлиги” дейилганда ёш фуқаролар юридик шахс ташкил этмасдан, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Ушбу қонун 4 та боб, 33 та моддани ўз ичига олган бўлиб, унда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида алоҳида бандлар келтириб ўтилган:

2-боб. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга **чиқаришни** амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, 26-модда: Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

- давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлайди;
- ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- давлат органлари томонидан ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш;
- ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш;

³⁷⁹ www.lex.uz

- ёшларни тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш;

- ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш йўли билан амалга оширилади.

- ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш **мақсадида** давлат томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли имтиёзлар ва афзалликлар белгиланади.

Шунингдек, ёшларга қаратилган эътибор далили сифатида 2018 йил 27 июнь куни Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан имзоланган “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5466-сонли Фармони келтиришимиз мумкин³⁸⁰. Унга кўра, мамлакатни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим шarti замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринларини барпо этиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш.

2. 2018 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастурини амалга ошириш.

3. “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари ва “Ёшлар меҳнат гузари” комплекслари.

³⁸⁰ www.lex.uz

Шунингдек, фармонда тадбиркорликка кўмаклашиш маркази бўлинмалари раҳбарларидан иборат ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш комиссияларининг ташкил этилиши белгилаб қўйилди ҳамда комиссиянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиган банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, ҳамда улардаги ёшларнинг паспортларини шакллантириш мақсадида уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар ташкил этиш;

- молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини ишлаб чиқишда, зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлашда ҳамда расмийлаштиришда кўмаклашиш;

- ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини реализация қилиш учун имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини бирламчи кўриб чиқиш ва танлаб олиш каби яна бир қанча вазифалар комиссия зиммасига юклатилди.

Шунингдек, Давлат дастури доирасида ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш; Давлат дастури доирасида олинадиган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафилликлар бериш белгилаб қўйилди³⁸¹.

Шундай бўлсада ёшларни бизнес лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги ва бошқа кўплаб муаммоларни тўлақонли ҳал этишнинг иложи йўқ албатта. Бунинг учун ёшларнинг стартапларини молиялаштиришнинг бошқа бир шакллари ҳам кўриб чиқишимиз лозим деб ҳисоблаймиз. Ва бу борада жаҳон тажрибаларига назар солиб ёшлар тадбиркорлигини кўллаб-қувватлаш механизмларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

³⁸¹ www.lex.uz

- Республикамиз университетлари талабалари учун университет базасида ташкил этиладиган бизнес клублар ўқув курсларини ташкил этиш, тренинглар, менежмент ва бизнеснинг турли соҳалари бўйича маслаҳатлар бериш вазифаларини ўз зиммаларига оладилар. Бу каби бизнес клублар одатда инвесторлар учун ахборот майдони сифатида иш олиб боради ва асосан бизнес-режалар танловини ўтказди. Ўз-ўзидан муваффақиятли лойиҳалар **инвесторлар** томонидан молиялаштирилишига эришишлари мумкин. Мисол учун: “HBS Entrepreneurship Club” (АҚШ) ва “GU Holding” (Швеция).

- Халқаро ва миллий бизнес клубларининг ташкилий фаолият тури юқорида келтириб ўтилган ташкилотлар кабилар. Аммо улардан фарқли равишда ташкилот томонидан яратилган имониятлардан нафақат маълум бир университет талабаси балки исталган ёш тадбиркорлар фойдаланиши мумкин (ҳаттоки клуб университет базаси асосида ташкил этилган бўлсада). Уларга қуйидагиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин: “The Center for Entrepreneurship” (АҚШ); “Asian Student Entrepreneur Support Fund” (Япония); “Asia-Pacific Student Entrepreneurship Society” (Ҳиндистон).

- Бизнес-кампуслар кенгайтирилган амалий **қисмлардан** иборат академик курслар бўлиб, бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга хизмат қиладилар. Масалан: “Hinman Campus Entrepreneurial Opportunities Program” (АҚШ); “The Austin Entrepreneurship Program at Weatherford Residential College” (АҚШ).

- Бизнес-инкубаторлар (“Student Business Incubators, SBI”) талабалар ва ёш тадбиркорлар учу мўлжалланган ташкилотлар бўлиб улар бизнес лойиҳанинг барча босқичларида қўмақлашади яъни бизнес лойиҳанинг яратилишидан то амалга ошгунига қадар ёрдам берадилар. Бундай ташкилотлар асосан университет базасида яратилади: “Student Agencies eLab” (АҚШ); “Darebin Enterprise Centre Ltd” (Австралия); “The Entrepreneurship Cell of IIT Madras” (Ҳиндистон).

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтмоқчимизки, мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилган. Ёшлар ўрта-

сида тadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish maqsadida “Yoshlar – kelajagimiz” Davlat dasturini amalga oshirishga eʃlarни kengroq jalb qilish hozirgi kunning dolzarb vazifasidir.

YOSHLAR TADBIRKORLIGI UCHUN YARATILGAN LOYIHALAR VA ULARDAGI MUAMMOLAR

Sh.I.Komiljanov

Fargʻona Politexnika Instituti

“Menejment” yoʻnalishi 2-bosqich talabasi

Bugungi kunda butun jamiyat katta tezlikda taraqqiy etayotgan bir davrda sezilayotgan muhim ehtiyojlardan biri Oʻzbekiston yoshlari uchun turli istiqbolli innovatsion gʻoyalarni ijtimoiy-iqtisodiy hayotga muntazam ravishda tadbir qilib borishdir. Zero, innovatsion gʻoyalarsiz ijobiy oʻzgarishlarning sodir boʻlishi mumkin emas. Eng zamonaviy murakkab texnologiyalar allaqachon umrini oʻtab boʻlgan ishlab chiqarish texnikalarini zudlik bilan egallamoqda. Kechagina deyarli barchamiz uchun oddiy hol boʻlib koʻringan vositalar bugungi ehtiyojlarimizni qondira olmay qolmoqda. Bu esa oʻz navbatida tadbirkorlik faoliyatiga keng yoʻl ochish lozimligini taqozo qilmoqda. Natijada ozgina beparvolik qilish, vaqtni boy berish, tadbirkorga eʃtiborsiz munosabatda boʻlish koʻpgina narsani yoʻqotishga, taraqqiyotda esa boshqalardan ortda qolishga olib kelmoqda. Ana shunday sharoitda yoshlarning yangilikka oʻchligi, tezkor oʻzgarishlarga moyilligi, dunyoqarashi kengligi tufayli teran va xilma-xil fikrlash qobiliyatiga egaligi, dunyoni oʻzgartirish istagi maylining ularda ustunligi, qiyinchilik va toʻsiqlarni yengib oʻta olishga bardoshlilik kabi fazilatlarini inobatga olgan holda yoshlar tadbirkorligini yoʻlga qoʻyishda tegishli shart-sharoitlarni yaratib berilayotganligi oʻta ahamiyatlidir.

Bunda kasb-hunar, oliy taʻlim muassasalarida tahsil olayotgan yoshlarga alohida eʃtibor qaratish juda muhim. Xuddi shuning uchun 2017-2021 yillarda Oʻzbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yoʻnalishi boʻyicha “Harakatlar strategiyasi”da ham “...oʻrta maxsus, kasb-hunar va oliy taʻlim muassasalari bitiruvchilarini ishga joylashtirish hamda xususiy

tadbirkorlik sohasiga jalb etish” lozimligiga alohida urg‘u berilgan. Qolaversa, xuddi shu strategik talabdan kelib chiqqan holda respublikamiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoev joylarda amalga oshirilayotgan bunyodkorlik ishlari bilan bevosita tanishish maqsadida uyushtirilayotgan tashrifi chog‘ida ham ushbu masalaga alohida munosabat bildirmoqda.

Joylarda esa yoshlarni tadbirkorlik jarayonlariga kengroq jalb qilish borasida anchagina ijobiy harakatlar amalga oshirildi. Ularni tadbirkorlik faoliyati bilan faol shug‘ullanish qamrovini yanada kengaytirish maqsadidagi “Mening biznes g‘oyam”, “Yosh tadbirkor – yurtga madadkor”, “Yosh tadbirkor – mamlakat tayanchi” kabi loyihalarning tashkil etilganligi ham katta rol o‘ynamoqda. Mazkur loyihalarda faol ishtirok etayotgan iqtidorli va ishbilarmon yigit-qizlar muntazam ravishda imtiyozli kreditlar bilan ta‘minlanmoqda. Tabiiyki, bunday sa‘y-harakatlar yosh tadbirkorlarni yanada izlanishga undamoqda.

Shu o‘rinda mamlakatimizda “Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirishning dolzarb masalalari” mavzusida yosh tadbirkorlar biznes-forumining muntazam ravishda o‘tkazilib turilganligini ham alohida qayd etish joiz. Biznes-forum tadbirlari chog‘ida yosh tadbirkorlarning yangi g‘oya va tashabbuslari taqdimotlari bo‘lib o‘tyapti. Ularda iqtidorli yoshlarimizning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish, zamonaviy iste‘mol tovarlarini ishlab chiqarish, ularning sifatini oshirish asnosida raqobatbardoshligini ta‘minlash, turizmni rivojlantirish, yosh tadbirkorlarni ijtimoiy va huquqiy himoyalash, ularning faoliyatiga oid me‘yoriy-huquqiy hujjatlarni yanada takomillashtirish yuzasidan taklif va mulohazalari muhokama qilinmoqda. Natijada butun jamiyat va mamlakat taraqqiyotiga daxldor bo‘lgan istiqbolli takliflar tegishli vazirlik, idora va tashkilotlarga taqdim etib borilmoqda.

Qishloq xo‘jaligi sohasi bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan “Yoshlar tadbirkorligi – Vatan taraqqiyotiga” shiori ostida o‘tkazib kelinayotgan yosh fermerlar forumini ham alohida qayd etish o‘rinlidir. Forum chog‘ida yosh fermerlar o‘zlari tomonidan ishlab chiqarilayotgan turli mahsulotlar, bank va boshqa xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlar faoliyatiga oid ko‘rgazmalarini namoyish qilish imkoniyatiga ega bo‘lishmoqda. Anjuman

doirasida turli uchrashuv va muloqotlar, ta'lim muassasalari bitiruvchilarini ish bilan ta'minlash borasida keng qamrovli tushuntirish ishlari tashkillanmoqda. Shuningdek, yangi biznes rejalarini shakllantirish va amalga oshirish, imtiyozli kreditlarni qo'lga kiritish kabi masalalarga oid o'quv kurslarining tashkil etilayotganligi ko'plab yoshlarni tadbirkorlik faoliyatiga jalb qilishda ijobiy ta'sir ko'rsatmoqda, deyish mumkin.

Keyingi yillar mobaynida yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash maqsadida "Tadbirkorlik bilan kelajak sari" mavzusida olib borilayotgan ma'rifiy tadbirlar ham yoshlarimizning bu boradagi tushuncha va tasavvurlarini yanada kengaytirishda katta ahamiyatga ega bo'lmoqda. Bir qator mutasaddi tashkilotlar bilan o'zaro hamkorlikda o'tkazilayotgan mazkur tadbirlarda "Yoshlarni kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasiga jalb qilishda qonun ustivorligining ahamiyati", "Yosh fermerlarga beriladigan imkoniyatlar", "Tijorat banklari tomonidan yoshlarning tadbirkorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlash borasida olib borilayotgan samarali ishlar", "Yosh hunarmandlarga beriladigan imkoniyatlar" kabi mavzularda ma'ruzalar tinglanayotganligi yoshlarimizni tadbirkorlik bilan faol shug'ullanishga undash, mamlakatimizda tadbirkorlik harakatini keng quloqch yoydirish maqsadidagi urinishlardir. O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi bilan hamkorlikda bir qator jamoat tashkilotlari tashabbuskorligida tashkil qilinib kelinayotgan "Yoshlarning biznesdagi birinchi qadami" mavzusidagi tadbirlar esa respublikamizning chekka va olis chegara hududlarida istiqomat qilayotgan tadbirkor yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlashga qaratilgan. Bu borada amalga oshirilayotgan barcha ishlarni samarali tashkil qilish maqsadida esa "O'zbekiston Respublika yoshlar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash markazi" NNT davlat ro'yxatidan o'tkazilgan bo'lib, tashkilot barcha viloyat va timanlarda o'z bo'linmalarini ochdi. Uning asosiy maqsad va vazifalari etib, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar jarayonida yoshlarimiz ishtirokini yanada faollashtirish, yoshlar **tadbirkorligini** har tomonlama qo'llab-quvvatlash, yoshlarda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish va ularni hayotga tadbiiq etishga ko'maklashish kabilar belgilangan.

Buning yorqin misoli sifatida tashkilot tomonidan 2018-yil 15-21 oktyabr kunlari Toshkent viloyati Bo'stonliq tumanidan "Biznes trenerlar" maktabi respublika seminari bo'lib o'tdi, unda o'z bilimlarini . malakalarini oshirib qaytishgan yosh biznes trenerlar o'zlariga birlashtirilgan hududlarda yoshlarga biznes ko'mikmalar berishmoqda.

Farg'ona viloyatidan shu seminarga 19 ta tuman va shahardan jami 19 nafar yosh volontyor biznes trenerlikka qiziqqan yoshlar qatnashishdi. Hozirda ular O'zResYoTQQM Farg'ona viloyati bo'limi boshlig'i F.Sharofiddinov boshchiligida hududlarda biznes seminar va treninglar o'tib kelishmoqda. Bu trening va seminarlar qisqa vaqt ishida o'z samarasini berdi. 2019 yil uchun "Yoshlar kelajagimiz" jamg'armasi manzilli ro'yhatiga 20 nafar yosh tadbirkorga 7 % lik imtiyozli kredit ajratilishi yuzasidan respublika bo'limiga talabnoma jo'natildi.

Bu hali hammasi emas O'zResYoTQQM Farg'ona viloyati bo'limi tomonidan amalga oshirilayotgan yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish yuzasidan qilinayotgan ishlar "Binzes club", "Biznes lady", "Biznes trip", "Innovator club", "Biznes forum"lar yaqin vaqtlar ichida o'zining sezilarli natijasini ko'rsatadi.

"Biznes trenerlar" maktabi davomiyligini saqlagan holda Farg'ona yosh biznes trenerlari o'zlarining saflarini turli loyihalardagi ishtiroki orqali faol qatnashgan yoshlarni biznes trenerlikka jalb qilish orqali kengaytirishmoqda.

Soha juda ham yangi va endi rivojlanib borayotganini hisobga olsak, ko'zga ko'rinadigan bir qancha muammolar ham uchrab turibdi. Bulardan dastlabkisi yoshlar o'zlari olayotgan kredit uchun garov yoki kafillik majburiyatlarini bajarishda qiynalayotganidir. Hozirgi kunda yosh tadbirkorga hammada ishonch past bo'lishi hisobga olsak bu oddiy holat bo'lishi mumkin. Bunday vaziyatda yana o'sha o'ziga to'q oilaning a'zolariga 7 % lik kredit tegishi ayon bo'lib qolmoqda.

Men o'zim Farg'ona viloyati yosh biznes trenerlari qatorida ko'p seminarlarda qatnashayotganimda shunga amin bo'ldimki, "Yoshlar kelajagimiz" jamg'armasi hodimlari yoki mutaxassislari imtiyozli kreditlarni o'sha garov ta'minoti yo'q yoshga bergandan ko'ra, o'zini tiklab olgan biznesni kengaytirayotgan tadbirkorga berishni avzal ko'rishmoqda. Albatta jamg'arma ham riskni iloji

boricha kamroq bo'lishi xoxlashadi. Endi biror loyiha ishlab chiqishimiz kerakki, bunda garov ta'minotisiz o'sha yosh o'z faoliyatini boshlasin, jamiyatga 2-3 ishchi o'rni yaratsin. Unga ustoz sifatida biror tadbirkor bilan hamkorlikda ishlashini ta'minlashi kerak.

PF-5466 bo'yicha bizga ma'lumki, "Yoshlar –kelajagimiz" jamg'armasidan kredit oluvchi tadbirkor agar garov ta'minotining 50 % jamg'arma to'lab berishini iltimos qilib chiqsa, bunda jamg'arma talabni qondirishi kerak edi. Lekin barcha tuman va shahar jamg'armalari faoliyatiga nazar solsak, ular tadbirkorni bunday rag'batlantirishdan qochishmoqda. Bu imkoniyat ham yosh tadbirkorlarning ish boshlashiga ancha tirsak bo'lgan bo'la olardi.

Hozirgi kunda Farg'ona viloyatida tadbirkorlik juda ham rivojlanayotganini hisobga olsak, yoshlarning 1/3 qismi o'zlarining biror tadbirkorligi bo'lishi xoxlashadi va 7 % imtiyozli kreditni olish uchun xohishlari borligini aytishadi. Lekin jamg'arma va bank xodimlari tomonidan qog'ozbozlik uchun yig'ilayotgan hujjatlar ularni cho'chitib, ortga qaytishlariga sabab bo'lmoqda. Buning yechimi sifatida shuni ko'rsatish mumkinki, hamma ma'lumotlarni davlat xizmatlari agentligidan olishlari mumkin bo'lgan elektorn tizim yaratish lozim.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash mumkinki, bugungi kunda yoshlar o'rtasida tadbirkorlikka keng yo'l ochish, tadbirkor yoshlar safini yanada kengaytirish, bu boradagi ularning bilim va ko'nikmalarini muntazam ravishda boyitib borish milliy taraqqiyotimizning innovatsion rivojlanishini ta'minlashning muhim omilidir. Aynan mana shu taraqqiyot yo'li istiqbolda yosh, tashabbuskor, yangicha fikrlaydigan tadbirkorlar avlodini shakllantirish bilan birga yurtimizning jahon hamjamiyatida o'zining munosib o'rin topishida ham ulkan zamin bo'lib xizmat qiladi.

ТУРИЗМ ВА ЁШЛАР БАНДЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

М.Т.Тожибоева

*Ўзбекистон Халқаро ислом академияси
“Зиёрат туризми” I босқич талабаси*

З.Р.Исақова

*Наманган давлат университети
“Ўзбекистонда демократик жамият қуриш
назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди*

Ҳозирги кунда туризм миллий иқтисодийга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқ бўлиб, туризмдан келаётган даромад нефть ва автомобиль саноати билан рақобатлашмоқда. Яъни, туризм имкониятлари мавжуд мамлакатларда иқтисодийнинг кўплаб тармоқлари жадал тараққий этиб, туризмдан келаётган даромад ялпи ички маҳсулотнинг 15-35 фоизини ташкил этганидан англашиладики, туризм соҳаларини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифалардан биридир³⁸².

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланиши учун қисқа муддатда энг қулай шарт-шароит, иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий муҳит яратиш³⁸³ мақсадида ишлаб чиқилган 2018-2019 йилларда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари дастурида белгиланган вазифалар ичида туризмнинг янги соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган. Матбуот саҳифаларида 2018 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони икки миллион юз мингдан ошган бўлса, бу кўрсаткич йил охирига бориб

³⁸² Мирзиеёв Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 24-бет.

³⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.Мирзиеёвнинг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 17 август. 1-бет.**

икки баробарга ўсган³⁸⁴. Бундан кўринадики, Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат³⁸⁵лар қаторидан жой олмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллатлараро алоқаларни кенгайтириш, халқаро туристик бозорни интеграциялаш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини тарғиб қилиш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишни тақозо этади³⁸⁶.

Бугунги кунда сайёҳлар учун кўплаб кемпинглар, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари барпо этилаётгани аҳоли, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имконият яратадики, бу юртимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати, ёшларнинг келажаги, фаровон турмуши, барча соҳалардаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Зеро, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишлари, жамиятнинг муносиб аъзосига айланишлари, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси кундалик фаолият мезонига айланиб бормоқда³⁸⁷.

Туризмни ривожлантириш соҳасидаги фармон ва қарорлар туризмнинг Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш, тарихий ва маданий қадриятларимизни тарғиб қилиш, шунингдек, валюта захираларини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирлар билан кучайтирилиши зарур³⁸⁸ки, туризм салоҳиятини тако-

³⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 3 декабрь. 1-бет.

³⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ. 2017 йил 22 декабрь. . – Т.: Ўзбекистон, 2017. Б. 86. 67-бет.

³⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июндаги “Туроператор ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 6 июнь. 1-2-бетлар.

³⁸⁷ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 йил 29 июнь. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 490-бет.

³⁸⁸ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий

миллаштиришда ёшларнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистонда аҳолининг 60%дан зиёдини ёшлар ташкил қилади, мамлакат аҳолисининг ўртача ёши эса 25 ёшдир. Шу боис, кўшимча иш жойлари ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш учун имконият яратиш орқали ёшларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор бериш зарур. Ёшлар бунёдкорлик салоҳиятига эга бебаҳо ресурс бўлиб, фикримизча, ёшларнинг ўз салоҳиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш, ёшларнинг илмий, ижодий, яратувчанлик, тадбиркорлик, ишчанлик, инновацион фаолиятидан унумли фойдаланиш, туризмни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сабаблар ва уларга ечим топиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Амалий таклифлар:

а) Ташқи ва ички туризмни янада ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш учун мамлакатимизнинг туристик харитасини тузиш ва ҳар бир туристик объектда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўл очиш. Илмми, ҳунарли, ташаббускор ёшларнинг гид-таржимонлик, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари ташкил этишлари, ҳунармандчилик соҳаларини кенгайтириш мақсидда энг чекка ҳудудларда ҳам ҳунармандчилик мактаблари ташкил этиш. Бугунги кунда унутилиб кетаётган кўплаб ҳунар турларини тиклаш. Биргина тўқувчилик санъатининг бир неча ўнлаб турлари мавжуд: атлас тўқиш, гилам тўқиш, сават тўқиш. Мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари сурати тасвирланган ликобчалар, расмлар, гиламчалар, эсдалик буюмлари, масалан, дўппи, пичоқ, шоҳи сўзаналар, ятаклар, миллий чопонлар, нафис гуллар билан тўлдирилган ихчам саватчалар, миллий менталитет акс этган кулолчилик буюмлари сайёҳларнинг диққатини жалб этиш билан бирга, буюмларни эсдалик учун сотиб олиш истагини туғдиради.

жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилда мўнжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 38-бет.

б) юртимизга келадиган сайёҳлар учун нафақат тарихий обида ва зиёратгоҳлар, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданияти, асрлар оша юксалиб келаётган маънавияти, ўлмас қадриятлари, анъана ва маросимлари, меҳмоннавозлиги, муомала маданияти ҳам эътиборлидир. Ҳар бир туристик мажмуада миллий маданият ва қадриятларимиз акс этган музейлар ташкил этиш сайёҳларнинг диққатини жалб этади. Шунингдек, ўзбек халқининг ўлмас анъана ва маросимлари акс этган театр томошалари уюштириш ҳам мамлакатимизнинг туристик салоҳияти юксалиши учун хизмат қилади. Бу борада гасрономик туризм имкониятлари чексиз. Зеро, ҳар бир сайёҳ ўзбек миллий таомларига ўзгача қизиқиш билан қарайди. Ҳар бир туристик мажмуада шинам ва озода, санитария талабларига жавоб берадиган овқатланиш шоҳобчалари бунёд этиш, меҳмонхоналар, пансионатлар, оилавий меҳмонхоналар қуриш, сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиш, миллий таомлар кўргазмаси ташкил этиш нафақат сайёҳларнинг эҳтиёжи учун, шунингдек, халқимиз, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлиги учун ҳам аҳамиятлидир. Бугунги кунда миллий таомлар рўйхатида бор бўлган, лекин унутиб кетаётган миллий таомлар менюсини тиклаш мақсадга мувофиқдир.

в) Ҳар бир сайёҳ учун Ўзбекистон очилмаган кўриқ, хайрат ва завқ, олам-олам қувонч манбаи бўлиши лозим. Бу борада гид-таржимонлар олдида муракаб вазифа борки, ҳар бир сайёҳнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда унинг таъби ва истагига қараб, меъморий обида тарихи, миллий ҳунармандчилик намуналарининг тавсифи, миллий таомларнинг шифобахш хусусиятлари қизиқарли ва ишонarli ҳикоя қилиниши лозим. Бунинг учун гид-таржимонлар ўз устида ишлаши, изланиши, мамлакатимиз тарихини чуқур билиши, миллий қадриятларимиз ҳақида маълумотга эга бўлиши, миллий таомларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши, юртимизнинг тарихий гўшалари ҳақидаги афсона ва ривоятлар ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим. Гид-таржимоннинг биргина хатоси, муайян меъморий обида ёки қадрият ҳақидаги нотўғри ёки ёлғон маълумоти сайёҳларнинг юртимизга бўлган қизиқишини сўндириши

аниқ. Нега? Чунки мамлакатимизга ташриф буюришга бел боғлаган сайёҳ мамлакатимиз тарихи ва бошқа маълумотлар билан танишиб, сўнг уни ўз кўзи билан кўришни мақсад қилади.

г) бугуннинг талабидан келиб чиққан ҳолда, ошпазлар уюшмасини ташкил этиш, мавжуд ресторан, кафе ҳамда чет эл саёҳатчиларига хизмат кўрсатадиган овқатланиш масканларида мусулмон давлатлар фуқаролари учун “ҳалол” тизимини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, тарихий обида ва маданий ёдгорликлар учун турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиб, уларда сайёҳларни қизиқтирувчи хизматларни йўлга қўйиш орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш мумкин. Тезкор ва арзон фотостудиялар, коммуникация иншоотлари, савдо шоҳобчалари, сервис хизмати ва овқатланиш масканларининг ёнма-ён қурилиши сайёҳларнинг талабини қондириш билан бирга уларнинг вақти тежалишига имкон яратади.

д) Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатишнинг сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш учун хизмат кўрсатувчи ходимлар малакасини ошириш, уларнинг тил ва тарихни билиш даражаларини кўтариш, уларни турли мамлакатларга малака ошириш учун юбориш лозим. Меҳмонхоналар баҳоси ҳамма сайёҳнинг чўнтагига мос келмайди ёки меҳмонхонага берилган “уч юлдуз” ёки “беш юлдуз” унинг аслиятига мос келмайди. Шунинг учун кичик туристик гуруҳлар ва оилавий сайёҳлар учун хусусий меҳмонхоналар тармоғини оммалаштириш бугуннинг талабидир. “Оилавий меҳмонхоналар”нинг афзал жиҳати шундаки, сайёҳлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўзбек менталитетининг ўзига хос томонлари билан танишади, ҳам уй тутиш маданиятини кўради, овқат тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этади, ўзбекона меҳмоннавозликнинг барча қонун-қоидаларидан баҳраманд бўлади, ҳам оилавий меҳмонхонанинг чўнтакбоплиги сайёҳларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ қондиради. Оиладаги барча иш билан таъминланади. Оиладаги ёшлар сайёҳларга таржимонлик қилиши, зиёратга олиб бориши, ўша жойнинг тарихини сўз-

лаб бериши мумкин. Оилавий меҳмонхоналарнинг кўплаб ташкил этилиши оилаларнинг иқтисодий барқарорлигига олиб келади.

е) мамлакатимизда туризм саноатини юксак даражага кўтариш учун туризм равнақ топган ва асосий иқтисодий ўсиши туризм ҳисобига амалга оширилаётган Испания, Франция, Туркия, Япония, Хитой, Корея, Миср каби давлатларнинг тажрибасини ўзлаштириш лозимки, кўрсатиладиган сервис хизматлари сифатини яхшилаш, сайёҳларни жалб қилишнинг замонавий ва самарали воситаларидан фойдаланиш, миллий туристик индустрияга замонавий технологияларни жорий этиш, янги йўналишдаги мутахассислар: менежер, хорижий тилни билувчи тадбиркор ёшларни тайёрлаш учун янгича фикрлайдиган, новатор, бозор шароитларида муваффақиятли иш юритадиган, юксак малакали, чуқур билимли ёшларга эҳтиёж сезилмоқда. Зеро, билимли ва малакали ёшлар мамлакат келажagini белгилайди. Мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳлар ёшларнинг одоби, ахлоқи, билими, савиясига қараб мамлакатимиз ҳақида муайян тасаввурга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган, билимли, ўз касбининг устаси бўлган, айниқса, муомала маданиятини чуқур эгаллаган жўшқин табиатли, мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар моҳиятини чуқур англаган ёшларни тарбиялашни тақазо этади. “Ўзбек” деганда қайсидир сайёҳ тасаввуридаги “террорчи” тушунчаси бутунлай ўзгариши, ўзбек ёшларига нисбатан ҳурмат ва ҳавас туйғуси жонланиши лозим.

е) ёшларнинг ҳар жабҳада фаол, ижодкор ва изланувчан бўлиши, эртанги келажак учун бугундан мустаҳкам пойдевор қўйиши давр тақазосидир. Зеро, ёшларнинг таълим, зиёлилик даражаси, интеллектуал салоҳияти, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги ва шижоати, ислохот ва ўзгаришларга тайёрлиги жамиятнинг умумий тараққиёт даражасини белгилайди. Бу борада таълим муассасаларида “устозшоғирд” тизимини йўлга қўйиш ижобий самара беради.

Туризм иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида давр талаблари даражасида фаолият кўрсатишига эришиш

кўплаб тармоқларнинг бир-бирига узвий боғланиши, яхлит тизим шаклига келтирилиши, ишлаб чиқариш жараёнлари ва хизмат кўрсатиш турларининг бевосита ва бавосита ривожланишига замин яратади. Туризм мамлакатимиз иқтисодиёти ривож, қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, маданий ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби масалалар ечимида муҳим аҳамиятга эга. Туризм барқарорлигига эришиш истиқболдаги имкониятларни яхшилаш ва кенгайтириш, ҳудуд эҳтиёжи ва фаровонлигини таъминлаш имконини беради, яъни аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш имконияти кенгайтирилади, миллий ҳунармандчилик ривожланади, турмуш фаровонлигига эришилади, сайёҳлар оқими кўпайиб, мамлакатимизнинг бой маънавий мероси ва маданий мерос объектларига қизиқиш кучаяди.

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Б.Б.Эсонбоев

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар
факультети “Зиёрат туризми” йўналиши 1 курс
талабаси*

З.Р.Исақова

*Наманган давлат университети
“Ўзбекистонда демократик жамият
қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди*

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш устувор вазифалардан бири бўлиб, соҳа ривожига ёшларнинг муҳим ва салмоқли ҳиссаси бор. Бугунги кунда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес фояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда имтиёзли микрокредит-

лар билан таъминлашга кўмаклашиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Бу эса ёшлар бандлигини таъминланиши, моддий фаровонлик ва иқтисодий мустақилликка эришилишига, “боқимандалик” кайфиятининг “замон билан ҳамнафаслик” руҳига ўзгаришига олиб келмоқда.

Ёшлар жамиятнинг энг фаол қатлами ҳисобланиб, улар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик ғояларини ҳаётга татбиқ этувчи энг салоҳиятли кучдир. Ҳаракатлар стратегияси доирасида “Ёшлар – келажак бунёдкори”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ақлли шаҳар” каби кенг камровли дастурларни амалга оширишда ташаббускор, ҳар бир масалага янгича ёндашадиган ёшларнинг иштироки³⁸⁹нинг таъминланиши ҳам бежиз эмас. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга ошириш, бўш ва квоталанадиган иш ўринларига ишга жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш, ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларини ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлар³⁹⁰ ёшлар ва ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳукумат даражасида муҳим ва устувор йўналишга айланмоқдаки, жорий йилнинг ўзида банклар томонидан 4300 га яқин ёшларга 216 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. 184300 дан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.

Шу ўринда юртимизда аҳолининг ижтимоий заиф қатлами фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитларни қайд этиш жоиз³⁹¹ки, кам

³⁸⁹ Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 йил 29 июнь / Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 492-бет.

³⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўз газетаси, 2018 йил 15 июль. 1-2-бетлар.

³⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5270-сон Фармони. халқ сўзи газетаси. 2017 йил 2 декабрь. 1-2-бетлар.

таъминланган оилаларнинг арзон уй-жой билан таъминланиши, уларга бепул тиббий хизмат кўрсатилиши, маиший техника ва уй ҳайвонларини сотиб олишлари учун фоизсиз кредитлар ажратилиши, айниқса, ногиронлар бандлигини таъминлаган ташкилотларга солиқ ва кредит имтиёзлар берилиши шулар жумладандир.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури йилдан-йилга такомиллашиб бораяпти. Маиший хизмат кўрсатиш, сервис хизмати, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қандолат ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа турли хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш соҳалари ривожига катта эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг икки муҳим жиҳати эътиборли, яъни биринчидан, ёшларни касбга йўналтириш, ҳар томонлама замонавий, малакали кадрлар сифатида тарбиялаш, иккинчидан, ёшлар бандлиги, уларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесларини юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш.

Ёшларни таълим билан тўлиқ қамраб олиш орқали бандликни таъминлаш муҳим ўрин тутадиги, замонавий техника ва технологияларни эгаллаган, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат мазмун-моҳиятини тушунган малакали кадрлар эртанги куннинг ҳал қилувчи кучига айланади. Зеро, мамлакатимиз тараққиёти, иқтисодий юксалишида ёшларни ўқишга, ишга жойлаштиришнинг аҳамияти катта. Ёшларни касбга йўналтириш орқали ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олди олинади, шунингдек, ёшларнинг келажакка ишончи мустаҳкамланади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг иш-чанлик фаоллиги ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, ижтимоий заиф қатламлар бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлса ҳам, айрим ҳудудлардаги меҳнат бозорида юқори даражада кескинлик сақланиб, доимий иш ўринларини ташкил

этиш, ёшлар, хотин-қизлар, қишлоқ ва туманларда кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш тўлиқ ҳал этилмаётир. Ишга жойлаштириш бўйича аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун кредит, молиявий, маслаҳат-ахборот бериш хизматлари ва бошқа зарур хизматлар даражаси пастлигича қолмоқда.

Таълим муассасаларида ишлаб чиқариш кадрлари иқтисодиёт тармоқларининг истиқболдаги эҳтиёжи, имкониёти ва ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда касбга тайёрланаётгани ва қайта тайёрланаётгани оқибатида меҳнат бозорида айрим мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тақчиллиги сезилмоқда.

Ёшлар бандлиги ижтимоий барқарорликнинг муҳим шартидир. Аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил этган мамлакатимизда ишсизлик муаммосини бартараф этиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ҳукумат миқёсида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар қуйидагилардир:

* ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш соҳасида иш олиб бораётган давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

* кичик тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларнинг шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиқларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида иссиқхоналар ташкил этишлари, уруғликлар, кўчатлар, чорва моллари ва паррандалар, қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари, суғориш мосламалари (насослар, артезиан қудуқлари ва бошқа.) харид қилишлари учун микрокредитлар ажратиш;

* Ишсиз ва банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш учун қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш;

* оилавий бизнесни ташкиллаштириш ва ривожлантириш, бозор, талаб ва таклифни ўрганиш, шунга қараб

маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизматнинг янги турларини жорий қилиш, ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан тўлдириш, оила бюджетини шакллантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар ва аёллар, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли қатламининг тадбиркорлик ишини йўлга қўйишлари учун қулай шарт-шароит яратиш;

* ёшлар туризмни ривожлантириш, туризм соҳасига инновацияларни амалиётга жорий этиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш бўйича ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш;

* ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни туризм соҳасига кенг жалб этиш, ёшларнинг туризм соҳасидаги истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш, хусусий тадбиркорлар, миллий хунармандлар, гидлар, экскурсоводлар ва йўл кўрсатувчи инструкторлар тайёрлаш асосида ёшлар бандлигини таъминлаш;

* коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчилари, ёш аёллар, Ватанга қайтиб келаётган меҳнат мигрантлари ва аҳолининг заиф қатламлари орасида ёшлар бандлигини қўллаб-қувватлаш ва амалий кўмак бериш;

* ёш тадбиркорлар ва янги бизнес бошлаш ташаббуси билан чиққан ёшларни қўллаб-қувватлаш;

* ёш тадбиркорлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликда фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиши учун шароит яратиш;

* ёшларга имтиёзли кредит олиш, ўз бизнес лойиҳаларини яратиш ва уни амалга ошириш бўйича маҳорат дарслари ташкиллаштириш, ёшларга хунар ўргатиш, “Устоз-шогирд” анъанасини тарғиб этиш, меҳнат ярмаркалари, “Бизнес саёҳат”лар, ўқув-семинарлари ташкил этиш.

Эътироф этиш ўринлики, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ишонамизки, ёшларнинг ҳаётий муаммоларига кўпроқ эътибор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўринларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, иннова-

цион ғояларини қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш давлат идораларининг энг асосий, ҳал қилувчи вазифаси бўлиб қолади³⁹².

Ёшлар – эртанги кун давомчилари. Ёшлар билан боғлиқ муаммолари мавжуд бўлган ҳар қандай миллат ва давлатнинг келажаги йўқ. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан бирга мамлакат хавфсизлигининг кафолати ҳамдир.

ЁШЛАР ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Ш.Латипова

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқарув академияси қошидаги Ёшлар
муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар
тайёрлаш институтини 4-ойлик курси тингловчиси*

Туризм соҳаси дунё иқтисодининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Унинг кенг қамровли тараққиёти эса, кўплаб мамлакатлар учун катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Кўп мамлакатлар ушбу тармоқдан ўринли фойдаланган ҳолда иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қарамоқда.

Туризм самарадорлиги оширилишида куйидаги рақамларга назар ташласак: 2015 йилда энг кўп хорижлик меҳмонларни қабул қилишда Франция (83,7 миллион), АҚШ (74,8 миллион), Испания (65,0 миллион), Хитой (55,6 миллион) ва Италия (48,6 миллион) кучли бешликни эгаллашган. Германия, Буюк Британия, Россия ва Мексика кучли ўнталикдан жой олган. Бироқ бу кўрсаткич бўйича Европа ва Осиёнинг бир нечта шаҳарлари етакчилик қилмоқда. Бунга мисол қилиб, Гонгконг (27,7 миллион), Лондон (17,4 миллион), Сингапур (17,1 миллион), Бангкок (16,2 миллион) ва Париж (15,0 миллион) каби шаҳарларни келтириш мумкин³⁹³.

³⁹² Мирзиёев Ш. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 йил 29 июнь / Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. 494-бет.

³⁹³ <https://www.gazeta.uz2018/2019>

Бундан ташқари туризм бўйича рақобатбардош мамлакатлар рейтингда дунёдаги (маданий захиралар, арзон инфратузилма, сайёҳлик маҳсулотлари нархи, хавфсизлик даражаси, халқаро шаффофлик жиҳатидан) энг жозибадор 140 та сайёҳлик маскани қайд этилган бўлиб, ушбу рўйхатда Қозоғистон 85-ўрин, Қирғизистон 116-ўрин, Тожикистон 119-ўринни эгаллаган, Ўзбекистон эса Марказий Осиё давлатлари ўртасида энг охири ўринда турибди. Бундан кўриниб турибдики, сайёҳлик соҳасида бизнинг оғриқли нуқталаримиз кўп. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августда “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор доирасида туризм соҳасидаги бир қатор ислохотларни ўз ичига олган “2018-2019 йилларда Туризмни ривожлантириш бўйича чора тадбирлар дастури” тасдиқланди. Бунга кўра мамлакатимиз ҳудудларида замонавий туризм инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.³⁹⁴

Шу ўринда мамлакатда ёшлар туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантирувчи ва амалга оширувчи “Ёшлар Туризмни ривожлантириш бўлими” ташкил этилди. Бу бўлим Ёшлар туризмнинг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотларини олиб боради. Ёшлар орасида Ўзбекистоннинг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш орқали уларда юртсеварлик туйғусини оширади ва ўтмиш тарихий дурдоналари билан таништиради.

2018 йилда Ўзбекистонга 5,3 миллион нафар сайёҳ ташриф буюргани, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,96% га ўсганини кўришимиз мумкин.³⁹⁵ Лекин мамлакатимизнинг ҳозирги туризм ҳолати асосан тарихий шаҳарлар ва классик услубдаги обидалар, диний муқаддас қадамжоларга бой бўлганлиги сабабли ташриф буюрувчилар сони асосан катта ёшлиларни ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, биз бу масалага жиддий ёндашишимиз зарур бўлган ҳолат,

³⁹⁴ O‘zA-“Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5326 sonli Farmon.

³⁹⁵ www.stat.uz.

бу ёшлар туризмини ривожлантиришда ёшларимизнинг ролини ва иштирокини ошириш, “тенгдошга-тенгдош” тамойили билан иш юритишимиз керак. Хўш, бугунги кунда жадал суръатлар билан ривожланаётган “Ёшлар туризми” нима?

- Ёшлар нимани хоҳлайди?

- Улар учун қандай турдаги хизматлар ва маршрут йўналишларини таклиф қилиш керак?

- Ушбу маршрутлар нархи қанча бўлиши керак?

Ёшлар туризми – бу саёҳатнинг ҳар-хиллиги, бунда ёшлар бир мақсадда ва дунёни билиш истаги билан ўзларининг ўртоқлари билан дам олишади.

Саёҳат буюк истиқболни, турли мамлакатлар маданияти, тарихи ва кўп янги нарсаларни ўрганиш имконини беради. Ёшлар учун тез-тез маълум чегирма ва бонуслар қилишади ва улар бундан катта мамнуният билан фойдаланишади. Халқаро талаба картаси мавжуд бўлса, бу уй-жойга пул тежашга ёрдам беради, чунки талаба ётоқхонада тунаши мумкин. Ҳаво ва темир йўл транспортига талаба ва ёшлар учун берилган бонус саёҳатчилар учун ҳам жозибадор, ҳамда уларнинг ота-оналари учун ҳам, шунингдек, транспортга тўлов - бу катта миқдордаги сафар харажатларига олиб келади. Ёшлар ҳар доим қийинчиликни енгиш, чидамлиликини ўрганиш ва ташқи дунёдан завқланиш ҳамда ўзларининг мақсадларига эришиш учун бир неча муаммоларни бартараф қилишлари керак. Ахир, ёшлар учун саёҳат - бу ҳаёт тарзидир.

Ҳар бир киши учун ўзининг қизиқарли дам олиши бор. Курорт, денгиз, куни бўйи ўйин-кулги ва қизиқарли янги танишувлар деярли ҳар бир ёш инсоннинг табиий ҳаёт ритмидир.

Ёшлар туризми туризмнинг махсус турларидан бири сифатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси, таълими, маънавияти, маданияти ва жисмоний ривожланишидаги муаммоларини ҳал қилишда муҳим омил сифатида баҳоланиб, ёшларнинг иқтидор ва қобилиятлари очилишига, ватанпарварлик туйғуларига таянувчи умуммиллий кадриятларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ёшлар туризмини тараққий эттиришнинг асосий ижтимоий вазифаси шундаки, у ёшларга хос типик қизиқишларни қондирибгина қолмай ёшларнинг касбга йўналишини ва келажакда ўз касбининг устаси бўлиши учун ҳаётий неъмат сифатида хизмат қилади. Ёшлар туризми бунинг учун шахснинг ижтимоийлашуви, унда ватанпарварлик умуминсоний қадриятларнинг ҳосил қилиниши каби ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Ёшлар туризмнинг ҳолати ва тараққиёт даражаси туризм соҳаси назариясини билиш услубияти ва жорий амалиёт ҳолати билан боғлиқдир. Туризм соҳасида тадқиқотларнинг олиб борилишида мазкур жараёнга тажрибаси катта бўлган мутахассисларни жалб қилиниши ва симпозиумлар, семинарлар, ишбилармонлик давра суҳбатларининг ташкил этилиши ёшлар туризмини янада тараққий эттириш имкониятларини оширади.

Халқаро туризмнинг тараққий этиши ўз навбатида ички туристик маҳсулот учун талабни ҳам оширади. Демак туроператорлар ўз анъанавий фаолиятини диверсификациялашларига зарурат ошади. Мазкур фаолиятда ёшларнинг улуши юқори бўлиб бунга асосий сабаб ёшларнинг мослашувчанлиги янгиликларни ўзлаштириш имкониятлари юқорилиги ҳисобланади. Ёшлар фаол шаклда дам олишни хуш кўришади ва кўплаб сайёҳлик компаниялари энди бақувват ёшлар учун мўлжалланган махсус ёшлар турларини ташкил этишяпти ва уларни фаолияти қуйидаги дам олиш кўринишларини таклиф этади:

Тоғга саёҳатлар - бу тоғларда дам олиш. Саёҳат тоғ оқимлари орқали, тоғ этаклари ва тизмаларида бўлади.

Сув туризми - денгизларга, кўлларга, дарёларга ва сув омборларига қайиқ, кема ва бошқа сув транспортлари орқали саёҳат қилиш.

Велосипед экскурсиялари – турли йўлларга, жарликларга, қумга, тоғ йўналишларига велосипедларда саёҳат қилиш.

Бундан ташқари, ёшлар орасида чанғи туризми ва алпинизм, квадросиклда сафар ва отда саёҳат жуда машҳурдир.

Ёшлар туризми бу доимий ҳаракат ҳисобланади. Ҳар куни айрим тўсиқларни бартараф этиш керак, ўзларини ва қийинчиликларни енгиб ўтишлари керак, сайёрамизнинг сеҳрли товушларини эшитишлари учун ва коинот атрофидаги буюкликни тушунишлари учун, муҳташам гўзалликни кўришлари учун тўсиқларни енгиб ўтишлари керакдир.

Албатта, ёшлар туризмини ривожлантириш зарур ва соғлом турмуш тарзини олиб боришга иштиёқманд ёшлар учун буни янада жозибадор сайёҳликни бошқа шакллари билан бирлаштириш керак бўлади.

Туризм дунёдаги энг тез ривожланаётган бизнес турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, унинг ҳозирги босқичида ёшлар туризми фаолликдадир. Бундан кўриниб турибдики, ёшлар учун турпакетларни яратишда куйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

1. Туристнинг шахсий афзалиги (дам олишдан нимани кўзламоқчи, нимани томоша қилмоқчи, қанақа категориядаги меҳмонхонада тунамоқчи);

2. Гуруҳнинг таркиби (ёшлар тенгдошлари билан мулоқот қилишни хуш кўришади, шунинг учун, бу ёш-гуруҳ категорияси тахминан бир хил даражада бўлишини таъминлаш зарур);

3. Қизиқарли дастур ва ҳиссий сайёҳлар жамғармаси.

Бугунги ёшлар учун туризмнинг муҳим қадрияти, бу уларнинг туризм соҳасига дунёнинг илм воситаси сифатида қарашади. Айниқса, туризм дунёқарашни кенгайтириш йўллари билан бири сифатида тан олинади. Ёшлар қадриятларини куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: маънавий, ҳаётий эстетик, ижтимоий.

Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар замирида халқ манфаати ва ватанимиз иқтисодиётини ривожлантириш ётибди. Хусусан, Ўзбекистонда эришилаётган муваффақиятлар замирида иқтисодиётни либераллаштиришни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, барча соҳаларни, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасида етакчи тармоқлардан бири бўлган туризм соҳасини ҳам барқарор ривожлантириш ва бу соҳада ташаббускор ёшлар ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Кириш	
Р.С.Қосимов. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати, унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари	000
А.А.Абдувахитов. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг меъёрлари ва механизмлари	
Қ.Қ.Қуранбаев. Ёшларга эътибор далаат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида	
Б.С.Сайфуллаев. Об организации полноценного досуга и поддержка культурных и художественных интересов молодежи	
Ш.М.Садиқов. Ёшларга замонавий ахборот технологияларини ўргатишнинг долзарб масалалари ва уларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида	
А.А.Ташпулатов. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳаллий давлат ҳокимияти ва таълимнинг ролини ошириш.	
Ш.Ф.Моминжанов. Ёшларда жисмоний маданиятни ривожлантиришга қаратилган фаолият самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида	
1-Шўба: Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари: Муаммо ва ечимлар	
А.Т.Жалилов. Ёшлар муаммоларининг амалий талқини: Муносабат ва ечимлар	
М.Б.Бекмуродов. Ёшларнинг ижтимоий ривожланиши ва унинг субъектив омиллари	
А.С.Бегматов. Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари	
А.Б.Юнусов. Ёшлар муаммоларига социологик ёндошув	
К.Б.Қодиров. Ёшлар етакчиларида ассертив хулқни шакллантириш омиллари	

Н.Т. Норкулова. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ёшлар ўртасида жамоавийлик руҳини шакллантиришнинг аҳамияти	
А.Х.Холов. Ёш раҳбарларнинг бошқарувга тайёргарлик даражасини аниқлаш масалалари	
А.М.Муртазаев. How the new public management concepts might be used to enhance the value of public service that is provided by uzbekistan's public sector?	
М.Қ.Ғаффорова. Ёшларнинг ижтимоий-маънавий қиёфасидаги ўзгаришлар	
М.М.Акромов. Role of cinema in promotion of national values and the image of the state	
Д.С.Саъдуллаева. Ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни	
А.Х.Қўчқоров, А.Ишметов. Ёшлар тарбияси масаласи - юсак маънавиятли инсонлар бурчидир	
Н.Н.Нажмитдиновна. Ёш ихтирочиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш ва уларни қўллаб – қувватлашнинг муҳим жиҳатлари	
Б.Б.Баходиров. Ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотларнинг ҳамкорлиги муҳим омил сифатида	
Ф.Г.Бегбутаева, А.Ў.Худайназаров. Ўзбекистон ёшлари фаоллигини оширишда ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ўрни	
Т.Х.Ташметов. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг ўрни	
И.У.Бобожонов. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳалла институтининг роли	
Ш.Т.Рашидов. Хорижий давлатларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг айрим механизмлари хусусида	
Ф.Х. Усарова, Н.Б. Абдусаттарова. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий баркамолликка эришишда спортнинг роли	

Н.А.Аббосхонова. Ёшлар миграцияси жараёнларининг ижтимоий масалалари	
И.И.Махмудов. Бошқарув компетенциялари раҳбар профессионализмини ифодалаш бирлиги сифатида	
Д.З.Эрназаров. Ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантиришда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш	
Ш.Яхшибоев. Ўзбекистонда миллий тараққиёт-нинг янги босқичида ёшлар фаоллигини ошириш	
Г.О.Саъдиева. Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари	
А.Х. Холмахматов. Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг объект-субъект муносабатларига кўра асосий йўналишлари	
М.Т.Тожибоева, З.Р.Исақова. Ёшларга оид давлат сиёсати: Фалсафий-ирфоний таҳлил ва талқин	
Х.Х.Рахмонов. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Навоий кенгаши фаолияти: Ютуқ ва муаммолар	
Р.Э.Шукуров. Этник идентификациянинг ёшлар тарбиясидаги ўрни	
Д.Э.Пирматова. Ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишда маданий муассасаларнинг ўрни	
У.Ф.Сабирова. Инновацион жамиятда ёшларнинг социал ривожланишига ноаниқлик хусусиятларининг таъсири	
Ч.Мирхолиқова. Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида	
Ж.Ж.Эргашев. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида ёш раҳбар ходимлар бошқарув фаолиятини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари	

З.Р.Исақова, Б.Усманов. Ёшларга оид давлат сиёсати – ижтимоий тараққиёт омили	
З.Т.Лухманова. Индекс измерения молодежной политики Республики Узбекистан	
Н.Т.Азимова. Влияние имиджа молодого руководителя на доверие в организации	
М.Исабаев. Бошқарув қарорлари самарадорлигига эришишда ёш раҳбар кадрларнинг ўрни ва унда замонавий технологияларни қўллаш	
И.Н.Исламов, Ш.А.Махмудов. Ёшларга оид давлат сиёсатини таҳлил қилиш масалалари	
Х.М.Кучкаров. Ёшлар орасида диний бағрикенглик тамойилини таъминлашнинг устувор йўналишлари	
Р.Мадалиева, Б.Мардонов. Международно-политическое значение подходов узбекистана в противодействии экстремизму и терроризму среди молодёжи.	
Н.С.Расулова. Ўзбекистон сиёсий партияларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги роли	
А.А.Жалилов. Сиёсий маданият ва унинг ёшлар фаолиятида намоён бўлиш хусусиятлари	
О.А.Таджиходжаева. Ижтимоий соҳани ривожлантиришда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш масалалари	
Т.Қ.Хидиров. Божхона органларида ёш раҳбар-кадрлар тайёрлашнинг замонавий усуллари	
Б. Б.Абдуллаев, Х. Э. Эргашева. Ўзбекистонда ёшлар сиёсий маданиятини шакллантиришда сиёсий фанларнинг ўрни	
С.Н.Хидиров. Геймификация как неотемлемая часть образования	
Б.А.Назарова. Ёш кадрларни тайёрлашда креатив ёндашув.	
Ш.Содиқова. Ёш раҳбарларда мақсадни белгилашнинг ўзига хослиги	

2-Шўъба: Ёшлар ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлиги муаммолари	
О.Ф.Турсунова, Х.А.Орипов. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда давлат сиёсати	
А.Б.Абдуқодиров. Ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда таълим тизимидаги айрим муаммолар (Тошкент давлат юридик университети мисолида)	
З.К.Ҳайдарова. Болаларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш усуллари	
М.А. Усманова. Ёшлар меҳнати - қонунчиликни такомиллаштириш масалалари	
Ф.О.Шодиева. Ёшлар маънавиятида ҳуқуқий таълим-тарбия масаласи	
Ф. Яқубов. Ёшлар тарбиясида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш мамлакат тараққиёти гаровидир	
Г.А.Акрамова. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг аҳамияти	
Д.С.Довудова. Жиноят ишларини юритишда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга оид давлат сиёсати масалалари	
М.Мўминов. Ўқувчиларда сиёсий билимларни шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти	
Қ. Ибайдуллаев. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг айрим жиҳатлари	
Н. Ю.Раҳмонова. Ёшлар ва ҳуқуқий тарбия масалалари	
М.Т.Ахмедова. Амир Темурнинг ёшлар ҳуқуқий тарбияси ҳақидаги ғоялари	
Д.Ж.Суюнова. Ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашнинг самарадорлигини ошириш масалалари	
О.Д.Утегенов. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш – демократик жамият пойдевори	

Ш.М.Фозилов. Ёшлар ҳуқуқий онгини ошириш ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида	
А.С.Хурсандов. Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари	
Й.А. Худойқулов, Қ.Ҳ. Мамараҳимов. Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим омили сифатида	
С.Р.Давлетов, Ш.К.Исмаилова. Талаба-ёшлар ҳуқуқий онг ва саводхонлигини юксалтиришда “Ахборот ва мураббийлик соатлари”нинг ўрни	
Н.Назаров. Ёшларда мамлакат тараққиётига маънавий-ҳуқуқий дахлдорлик туйғусини шакллантириш давр талаби	
Ш. Г. Султанова. Сиёсий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш	
Т.О.Шодиев, М.Б.Назарова. Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда таълим тизимининг ўрни	
Ю. Ю.Исомиддинов. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришдаги муҳим омиллар хусусида	
Д.С.Қодиров, М.А. Мажидова. Демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда уларни ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятлари	
Н.У. Ubaydullayeva. Yoshlarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni shakllantirishda demokratik islohotlarning o'рни	
М.М.Мамаджанов. Роль медиаобразования в повышении политической и правовой культуры молодежи	
У.Қ.Омонов. Ички ишлар органларининг ёш ходимларининг ҳуқуқий ҳимоясини такомиллаштириш	

Ж.У.Холбоев. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда таълим тизими-ни такомиллаштиришнинг ўрни	
U. P. Khaydarova. Formation of legal culture of students in the process of learning a foreign language	
Н.И.Мустафоева. Ёшларнинг расмий ҳужжатлар билан ишлашда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият компетенциясини шакллантириш	
Ш.Ф. Мамажонов. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш — улар ўртасидаги жиноятчиликнинг барвақт олдини олишда муҳим омил	
Н.Ш. Латипова. Ёшлар туризмиде ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	
А.Р.Акилов ,Б.Алимов. Влияние социальных факторов на формирование правовой культуры молодежи в постсоветских странах	
Ф.Парманов. Мигрантларнинг таълим муҳитига мослашуви: Социологик таҳлил.	
3-шўъба: Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш йўллари	
Б.Б.Бахромбеков. Фонд «yoshlar – kelajagimiz» как способ стимулирование молодежного предпринимательство	
Е.А.Белая. Современные тенденции развития молодежных сообществ в россии и за рубежом	
Т.И.Бобакулов. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг молиявий муаммолари	
N.Maxmudov, N.Avazov. Yoshlar tadbirkorligini rivojlantirishda investitsiyalarning o`rni	
З.Я.Рахманов, Т.А.Хасанов. Ўзбекистонда уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш бўйича хориж тажрибаси	
Н.К.Шаусламова. Ўзбекистонда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш чора-тадбирлари	

Ш.Т.Ибодуллаев. Ёшлар тадбиркорлигини кредитлашнинг долзарб масалалари	
Т.Х.Ахмедов. Льготное кредитование как поддержка молодежных инициатив в малом бизнесе и частном предпринимательстве	
А.Ж.Қаххоров. Ёш тадбиркорлар фаолиятида инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш тартиби	
Н.И.Хасанхонова, М.М.Махамдалиева. Yoshlarning innovatsion g'oya va startap loyihalarini qo'llab-quvvatlash	
Y.Shermatov. Milliy iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb qilish orqali yangi ish o'rinlarini yaratish – yoshlar bandligini ta'minlashning muhim omili sifatida	
Н. Аҳмедов. Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришнинг социал аҳамияти	
Ж.Я.Исаков. Роль технопарков в инновационном развитии экономике Узбекистана	
С.Д.Ходжаев. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Испания ва Голландия давлатлари тажрибаси	
Ж.О.Рахимова. Зарубежный опыт социального предпринимательства и перспективы ее применения в Узбекистане	
Ф.М.Даминов. Ёшларнинг иқтисодий фаоллигини таъминлашда олий таълим муассасалари стратегик режалаштириш тизимининг ролини ошириш муаммолари	
И.Х.Камилова. Инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари	
Н. Ғ.Каримов, Ж.Х.Раззақов. Ўзбекистонда синдициялаштирилган кредитлаш тизимини такомиллаштириш	
Э.Ф.Рамазанова. О важности вопросов иммунитета государства в инвестиционных спорах	

Ж.Н.Асамов. Ёшларнинг инновацион лойиҳаларини расмийлаштириш тартиби	
Ж.Ж.Эргашев. Ёш раҳбарлар бошқарув фаолиятини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари	
4-Шўъба: Кичик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тезкор ривожлантириш орқали ёшларни муносиб иш билан таъминлаш ва самарали бандликни кенгайтириш муаммолари ҳамда хориж тажрибаси	
Д.Н.Рахимова Г.Ф.Умарова. Тўқимачилик ва енгил саноат тармоғида ёшлар бандлигини таъминлаш тизимининг мавжуд ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш	
З.Я.Раҳманов. Ёшлар бандлигини таъминлаш: Глобал тенденция, муаммо ва ечимлар	
Л.М.Ашурзода. Обеспечение достойной занятости молодежи в условиях повышения инвестиционной привлекательности экономики	
Ш.Ф.Полвонов. Поддержка малого бизнеса и частного предпринимательства, а также координация рынка труда как факторы занятости молодежи. Зарубежный опыт	
И.М.Ниязметов. Кичик бизнесни солиққа тортиш механизмларининг ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган элементларини такомиллаштириш	
I.Z. Musatillayev. Qishloq joylarda yoshlar bandligini ta'minlashning asosiy yo'nalishlari	
S.B. Yunusova. Yoshlarni ish bilan ta'minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning roli	
T.A.Ҳасанов. Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш – устувор вазифалардан бири сифатида	
П.З.Хошимов, Л.С.Пўлатова. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	

Ж.Я. Исаков. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш	
С.Ш.Халилов. Туризм соҳасида ёшларнинг тадбиркорлик лаёқатидан самарали фойдаланиш	
О'А. Askarova. Ishchi kuchi bandligini ta'minlashda chorvachilik tarmog'ini rivojlantirishning ahamiyati	
М. I. Azizova. Iqtisodiyotning rivojlanishida zamonaviy logistikaning o'rni	
З.Р.Давлатова. Туризмни ривожлантиришда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш йўллари	
С.Ш.Юсупов. Ўзбекистонда инновация жараёнларини ривожлантиришда инновация тадбиркорлигининг ўрни	
П.З.Хошимов, Д.Д.Маҳамаджонова. Ёшлар тадбиркорлиги ва уни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибаси	
Sh.I.Komiljanov. Yoshlar tadbirkorligi uchun yaratilgan loyihalar va ulardagi muammolar	
М.Т.Тожибоева, З.Р.Исақова. Туризм ва ёшлар бандлиги: Муаммо ва ечимлар	
Б.Б.Эсонбоев, З.Р.Исақова. Ёшлар бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни: Муаммо ва ечимлар	
Н.Ш.Латипова. Ёшлар туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	

«Tafakkur Bo'stoni» нашриёти
Лицензия АI №190, 10.05.2011-й.

Мухаррир: А.Абдужалилов
Мусахҳиҳ: А.Хўжабеков
Саҳифаловчи: У.Воҳидов
Дизайнер: Д.Ўринова

15.07.2019 йил чоп этишга рухсат берилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Arial» гарнитураси.
Шартли босма табағи 14. Нашр босма табағи 14,25.
Адади 100. Буюртма № 1.

«Tafakkur Bo'stoni» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани, 9-мавзе, 13-уй.

